

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1980**

# РАҲМАТ ФАЙЗИЙ

---



## АСАРЛАР

УЧ ЖИЛДЛИК

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1980

# РАҲМАТ ФАЙЗИЙ

---

## АСАРЛАР

УЧИНЧИ ЖИЛД

ҲИКОЯЛАР  
ОЧЕРКЛАР

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1980

БК 84Уз

Ф  $\frac{70303-209}{M 352(06)-80}$  160-79 4702570200

# ҲИКОЯЛАР

## ҚАЙНАНА

Саври хола даладан тўғри болалар боқчасига келди.

Атрофи кўк панжарали сердарахт боғ қувноқ болаларнинг шўх ашулалари, қўғирчоғини ухлатаётган қизнинг «алла»си, отига миниб олган боланинг «чувчув»и, орқасига бир неча вагонни тиркаб олган паровознинг «гуп-гуп»и, коптокнинг «тап-тап»и, арғимчоғ учаётган қизнинг қийқириғи билан тўла. Саври хола ҳар куни даладан қайтишида неварасини олиш учун боқчага келар экан, кўк панжараларга кўзи тушиб, гўдакларнинг шовқинини эшитиши ҳамона энгил тортгандай, куни бўйи қилган меҳнатининг чарчоғини унутиб, роҳатини сураётгандай бўларди. Шу туфайлими ёхуд келинини ортиқча овора қилишни истамагани учунми, ҳар ҳолда, кекса ҳолига қарамай, неварасини боқчага ўзи олиб келиб, ўзи олиб кетарди.

Тарбиячилар баъзида: «Ҳорманг, Саври хола, ишдан чарчаганингизда сизга анча маҳол-да», дейишса, «Йўқ, болам, ҳеч оғирлиги йўқ, бўлмаса келиним баракка топкур ҳам кўп гапиради. Қўявер, ишинг бўлмасин, боқчага борма десанг кўнглимни ранжитасан, дейман. Ростини айтсам, жонгинам, эрталаблари-ку, унча билинмайди-я, айниқса, кечки пайт боқчага келсам мана шу қувноқларни кўриб-чи, бир эт семираман, шундай ҳордиғим чиқадики, асти қўяверинг», деб жавоб қайтарди.

Саври холанинг бу гаплари тарбиячиларга жуда ёқиб тушар ва шунинг учун кўпинча Саври хола келганида у билан суҳбатлашиб ўтиришни яхши кўришарди. Бир сафар шундай ҳам бўлди:

...Саври хола панжарали эшикдан кирди-ю, ҳовлида югуришиб юрган болалар орасидан неварасини ҳадеганда тополмади. У, сув ичмоқ ниятида водопровод крани ёнига борар экан, ўрта ёшлардаги тарбиячи жувон унга графиндан қайнатилган муздек сув қуйиб узатди. Саври хола «дид-фаросатингга балли» дегандай кулиб қаради унга ва пиёлани бўшатиб, миннаъдорчилик билдирди:

— Барака топ, болам, сувдай тиниқ, пок бўлгин, се-роб бўлгин.

Тарбиячи жувон Саври холани «бир нафас дам олинг» деб стулга таклиф қилди. Саври хола аланглаб неварасини қидирав экан, ўйнаётган болаларни кўриб, баҳридили очилиб кетди.

— Бахтингдан ўргилай, дўндиқчалар, туф-туф кўз тегмасин... Ҳой, Мубораххон, анави Санталатхоннинг қизими?

— Ҳа, хола,— деб жавоб берди тарбиячи.

— Қаранг, бирам ширинки, дўндиқлигини айтмай-сизми, қўғирчоғ-а, қўғирчоқ... Ҳа, омон бўлишсин... Гўдаклик, ёшлик — умрнинг олтин даври бўлади. Лекин биз кексалар мана шундай олтин даврни суролмай ўтдик. Гўдаклик чоқларимизда кўрган-кечирганларимиз, қаттиқ нонни оқизоқ қилишу, бўйра чўпдан қўғирчоқ эди. Ярлақаган хонадонда қиз боланинг қўлида пахтаданми ё эски-туски латтадан ўраб қилинган копток учрамаса, бу ҳам йўқ эди. Бунисини ҳам қўйинг-а, ҳомиладор аёлларнинг кўз ёшларини айтмайсизми! Бечоралар фарзанд кўраман деб не-не орзулар қилиб юрарди-ю, вақти-соати яқинлашганда уйда яна бир нонхўр пайдо бўлса оиланинг аҳволи бундан ҳам мушкулланиши кўз олдига келиб, ташвишга тушарди. Шўринг қурғур ҳеч нарсага кучи етмай, «фарзанд берсанг, ризқи-насибаси билан бер», деб худога ёлборишдан бошқани билмасди. Қани ризқу, қани насиба. Эҳе... Тўнғич ўғлимни туққан куним сира-сира ёдимдан чиқмайди. Ёшим олтмиш бешга бориб қолди-ю, эсласам, ҳали-ҳали хўрлигим келиб, кўзимга ёш оламан...

Тонг қоронғисида кўзим ёриди. Ойим бечора туни бўйи мижжа қоқмай ёнимда ўтириб чиқди, ўзлари доялик қилдилар. Шунақа саратон ойи эди. У ёқ-бу ёқни йиғиб-териб олгунча алламаҳал бўлди. Самовар қайнаб, айвонга келтирилгандагина икки пиёла иссиқ чой ич-

дим. Ойим шўрлик чўнтагидан уч чақмоқ қанд чиқариб, пиёламга солди. Сал дармон бўлармикан, деди-да. Қайнанам дастурхонга кеча ёпилган зогора нондан олиб чиқди. Бирпасда нонушта қилиб бўлишди. Ойимнинг ҳамон кўзи жавдирарди: «Болам толиқди-да», дегандай гоҳ менга қарар, гоҳ ҳовлига чиқиб, ҳовлидан уйга кираётган эримга тикиларди-ю, бир нарса дея олмасди. Қайнанамга айтишга андиша қиларди. Айтганда ҳам фойдаси бор дейсизми? Супрани қоқиб, бор зогора ундан бир кун илгари ўзим нон ёшган эдим. Кўвачанинг тагида икки қошиқча жувоз ёғидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Чошгоҳга яқинлашганда жуда ҳолдан тойдим. Бир вақт қарасам, нонуштадан кейин кўчага чиқиб кетган эрим толқон соладиган оқ халтачада бир нарса кўтариб келиб, қайнанамга узатди. Қайнанам ўглини имлаб уйга олиб кириб кетди. «Оббо, бир балони бошламаса яхши эди» деб юрагим така-пука бўла бошлади. Худди айтганимдай, уйда бўлди тўполон, бўлди тўполон. Недурки, сен хотинингнинг гамини ебсан, кеча мен кинначига пул сўрасам «йўқ» деддинг. Ойим менга, мен ойимга қарайман. Қўйинг-чи, хуллас, ўғлининг сиқмай сувини ичди-да. Эрим бечора тарақ этиб эшикни ёпди-ю, жиндамай чиқиб кетди. Қовоқ-тумшуги осилган қайнанам ҳалиги халтачани олиб ошхонага ўтиб кетди. Аллабир вақтда ярим коса атала пишириб келди. Қани энди томоғимдан ўтса. Кейин билсам, эрим олиб келгани уч қадоқ ун экан...— Саври хола уҳ тортиб қўйди,— мана шундоқ кунлар ҳам бўлган, болам.

— Қайнанангиз шунчалик қаттиқмиди, хола?— сўради тарбиячи жувон ачиниб.

— Вой, нимасини айтасан, болам. Ахир ўйимизда жанжал бўлмаган кун йўқ эди-да. Ўғлим топиб келгани бошингни буркаб еб ўтирибсан деб бир айтарди, ўғлимни мендан бездиряпсан деб бир айтарди... Уч болалик бўлганимда қайнанам вафот этди. Орадан анча ўтиб, катта ўғлимни уйлантирдим, ана энди ўзим қайнана бўлиб қолдим. Кейинчалик ўйлаб қарасам, бир ҳисобда қайнанамга ҳам осон тутиб бўлмас экан. Ҳамма гап йўқчиликдан, тушунмасликдан келиб чиқаркан, ҳимм... Мана мен бирамас уч келин кўрдим. Кенжаси ўзимнинг бағримда. Биронтасидан нолимайман, ҳаммасидан ҳам миннатдорман, барака топишин...

Саври хола: «Эзмалик ҳам ўлсин, анча ўтириб қолдим», деб ўрнидан турди.

— Сиздек қайнанаси бўлган келин албатта барака топади, хола,— деб қўйди Муборакхон.

Саври хола боқчага келар экан, тарбиячилар уни ана шундай гапга солар ва кетгани қўйишмасди...

Саври хола боқчанинг ичкарасига ўтиб, серсоя дарахт тагида бир тўп болалар ичида машинасига белкуракчаси билан қум солаётган неварасини кўриб қолди. Қобилжон бувисига кўзи тушиши билан дик этиб ўрнидан турди-да, қум тўла машинасини судраб унинг ёнига келди.

— Уйга кетамизми, буви?

— Ҳа, бўла қол, болам, қўлингни юв.

— Ҳозир, тагин бир машина қум...

— Жон болам, қўй энди, етар шунча ўйнаганинг.

Саври хола Қобилжонни етаклаб, боқчадан чиқиб кетди.

Ўрта бўй, тўладан келган, икки юзи қип-қизил бу аёл шахдам одим ташлаб борар экан, ҳеч ким уни неварасини етаклаб кетяпти, демасди. Саври хола ўз ёшига қараганда анча тетик, эпчил кўринарди. Ботаётган қуёш шуъласи дарахтларнинг соясини чўзилтириб юборган, кенг кўчанинг икки ёқасидаги тераклар тош йўлга кўланка ташлаб турарди. Қаторасига кетган оқ уйлاردан қулоққа радио овозлари чалинади. Кечликка барвақтроқ уннаган хонадонларнинг ҳовлисидан кўтарилаётган тутун дарахтлар орасидан ўтиб, сувга томган ёгдек ҳавога тарқалиб кетмоқда.

Саври хола ўзидан беш-олти қадам олдинда кетаётган неварасининг салмоқли қадам ташлашига маҳлиё бўлиб борарди. Бу вақт Қобилжоннинг алланималар деб гапирган гаплари ҳам қулоғига кирмас, нимаики деса, сўраса, бош силкиб қўя қоларди. Шу зайлда бораркан, хаёл кенжатоё ўғлининг гўдаклик чоғига ўтиб кетди. Ўғли Собиржон ҳам тўрт ёшида ҳозирги Қобилжоннинг ўзгинаси эди, бир туки ҳам ўзга эмас. Тебраниб юришлари, тўлалиги, зийраклиги — ҳаммаси отасининг ўзи. Уни кичик Собиржон деса ҳам, ёхуд катта бўлганида катта Собиржон деса ҳам бўлади.

...Саври хола тўрт яшар ўғлини қўлига олиб, худди мана шу кўчадан, йўғ-э, у пайтда кўча қаёқда дейсиз, сўқмоқ йўлдан, тизза бўйи лой кечиб, гузарга чиқди.



Эндигина ташкил этилган «Октябрь қуёши» колхози аъзоларининг биринчи мажлиси шу ерда бўлган эди. Мажлис алламаҳалда тугади. Кўчалар қоп-қоронғи, онда-сонда қўлида фонарь кўтариб бораётган киши учрамаса, юриш жуда маҳол эди. Собиржон ухлаб қолди. Саври хола уни опичиб олганича туртиниб-суртиниб йўл босарди. Йўлнинг ярмига келганда ёмғир шивалади. Қадамини тезлатган Саври хола бир оз юрди-ю, чуқургами ё ариққа оёғи тойиб кетди. Собиржон чинқириб йиғлаб юборди. Саври хола уни дарров ердан кўтарди, хайриятки, бола шикаст емабди. Бир амаллаб уни овутиди-да, қоронғида лойларини арта бошлади. Бола уйқу аралаш дудуқланиб, оёғини кўрсатарди. Қараса, бир пой калиши тушиб қолибди. Қоронғида увалло қидирди, топиб бўлмади. Тун ярмидан оққанда қишлоққа етиб келди.

Ҳаммаси ҳам бир бўлди-ю, Собиржоннинг бир пой калиши ҳам. Шу кечаси тонготаргача қайнанаси унга мижжа қоқтирмади. Бир пой калишнинг алами сира чиқмади. Дам «ўзинг меҳнат қилиб топмагансан-да» деса, дам «эринг ўлиб, сандирақлаб қолдинг» дерди. Қайси бирига чидасин. Кучи кўз ёшига етди-ю, тонг оттирди...

Саври хола шуларнинг ҳаммасини ҳозир кўз олдига келтирди. Ўша пайтларда қайнанаси билан ўтказган умрига бир ачинса, қайнанасининг аҳволига икки ачинарди. У, худди бировга гапираётгандек, лабларини қимирлатиб, ўзича пичирлади: «Нима қилсин, у шўрлик ҳам йўқчиликдан кўзи оч эди-да. Бўлмаса беҳудага жанжал кўтаришга орзуманда эдими! Революция бўлди-ю, кўкрагимизга шамол тегди. Колхоз бўлиб яшаганимиздан кейин тўрт-беш йилдаёқ турмуш яхшиланиб кетди. Шунгача яшаб ўз кўзи билан кўрганида эди, армони қолмасмиди? Ҳозир ҳаёт бўлса-ку, тушимми-ўнгимми дерди-я...»

Қобилжоннинг сувда оқиб кетаётган олмани оламан деб ариқ лабига югуриб бориши Саври холанинг хаёлини бўлди. Ҳалпиллаб бориб қўлидан ушлаб олди.

Йўлида давом этаркан, ўтган кунни Собиржондан келган хат эсига тушди. «Уч ҳафталарда каникулга бориб қоларман, пахтани биргалашиб терамиз. Москвадан сизга, болаларга нима совға олиб борай», деган эди. Саври хола хатни худди ҳозир эшитгандай бўлди-

да, хали ҳам кўнгли бояги олмада бўлган Қобилжонни чалгитишга уринди.

— Қобилжон, даданг нима олиб келади?

— Велосипед. Иннайкейин, самолёт, — деб эркаланди.

Улар уйга етиб келишди. Саври хола неварасининг кийимларини ечди, энди пижамасини кийинтираётганида эшик очилиб, овсини Рисолат хола кириб келди. Улар ҳовли юзида кўришдилар.

— Келинг, келинг, айланай овсин, қаёқдан кун чиқди, дарагингиз йўқ.

— Сал учинибманми, мазам йўқ, — деди хушەқмай Рисолат хола.

— Вой, докторга кўрсатмадингизми?

— Кўрсатдим. Тополмади шекилли, касалингиз йўқ, дейди. Меники киннага ўхшайди, овсин, кинна, — деди ижирганиб.

— Киннаям ўлсин, ҳар ҳафтада кираверса. Кимнинг киннаси экан у, нимангизга кира қопти, — деди энсаси қотиб Саври хола.

— Вой, шундай дейсиз-да.

— Қўйинг-е, мен шу кинна деган нарсанинг нима-лигини билмадим-билмадим-да. Қайнанам ҳам камроқ ухлаб, ҳомуза тортиб қолса борми, «қой, менга кинна кирибди», деб ваҳима қиларди. Киннаям ўлсин, десам, койигани турарди.

Рисолат хола кўнглидаги режаси пучга чиққандай, ҳафсаласи пир бўлиб, гапни бошқа томонга бурди.

— Ҳа, бўлди-да, мунча неварангизга оро бердингиз, мрамар тош қўярмиди.

Саври холанинг бир жаҳли чиқди-ю, тагин ўзини босди.

— Мрамар тош қўйса ҳам, қўймаса ҳам умри узоқ бўлсин. Боламнинг боласи — болам, овсин. Қарамай ташлаб қўярмидим... Вой, эсим ҳам қурсин, қани, чорпояга чиқинг.

Рисолат хола ҳовли ўртасидаги чорпояга чиқиб ўтирди.

Саври хола неварасини кўчага чиқариб юбориб, савовар қўйишга унаб кетди. Рисолат хола атайин кўз-кўз қилмоқчи бўлгандай тирсагини тиззасига қўйиб, рўмолчаси билан елпина бошлаган эди, атлас кўйлакнинг кенг енги тирсагигача сирғалиб тушиб, қўш билак-

узугини ярқиратди. «Ўсмамга қара» дегандай, ора-сира рўмолчаси билан бир энлик қуюқ ўсмали қош устини ҳам секин артиб қўярди. Овсинининг бачканагини севмаган Саври хола энсаси қотиб, у томонга қайрилиб ҳам қарамади. Учоққа олов қўйиб, қозонга ёғ солди-да, уйга кириб кетди. Ясоғлик патнис билан дастурхон кўтариб чиқиб, чорпояга ёзди. «Қани, марҳамат, айланай овсин» деб, ўзи сабзи артишга киришди.

— Ҳой, Гулжаҳон шунақа кеч келадими, овсин? — сўради Рисолат хола, нонни мураббога ботира туриб.

— Йўқ, жудаяммас. Гоҳида идорасида йиғилиши чиқиб қолмаса, ўшанда ҳам келиб овқатланиб, айтиб кетади. Ўтган ойнинг охирларида, мусобақадорлар келишиб, анча уринди. Осон дейсизми ахир, шундан шунга аэропланда учиб келиб, «Ғалаба» колхозининг ғўзасини кўрамиз дейишганда, ғўзамизнинг ривожини паст бўлса. Бундан ёмони борми! Меҳмоннинг кўнгли очиларми? Ҳайтовур ишловини кучайтириб, бошқа бригадаларга етказиб олди.

— Етказиб, дейсизми, ўзиб ҳам кетди деяверинг, овсин, келинингизнинг омади баланд.

— Меҳнат бўлмаса омад осмондан тушармиди, айланай. Ишнинг оғири механизаторларда, барака топишсин, яхши ишлашди. Келиним имтиҳони билан бир оз овора бўлиб қолди-да.

— Имтиҳон?! — ажабланиб сўради Рисолат хола.

— Ҳа, имтиҳон, ҳали хабарингиз йўқми? Мана шунақасиз-да, яхшики колхозимиз қўшни, агар орамизда бир колхоз бўлганида ҳамма нарсдан беҳабар қолар экансиз.

— Йўқ, эшитувдим, мен анави курсдаги ўқиш деб, ўйлаган эдим.

— Йўқ, ўнинчини тугатяпти, ўнинчини. Икки йил қолиб кетган эди-да. Шу имтиҳони десангиз анча чарчатди. Ҳа, кўли кетиб ози қолди, қутулиб ҳам олар. Раис барака топкур ҳам бошқа ишлардан бўшатиб қўйди, ҳозирча бригадага қараб турсангиз, бас, — деди.

— Вой, ҳали бригадирликдан бўшатдимми?

— Йўқ. Бошқа ишлардан сал енгиллатди, деяпман.

Саври хола шундай деди-ю, чорпоядан тушиб, ошхона томонга кетди. Келганидан бери юрагидаги дардини тўкиб солишга бирон илмоқ тополмаётган Рисолат хола якка қолиб ўйга чўмди.

Эллик беш ёшлардаги бу аёл доим ўсма, уша-элик, турли зеби-зийнатни канда қилмасди. Бирон тўй-қашамга борадиган бўлса қўлларига хина, кўзларига сурма қўярди. Лекин буларнинг ҳаммаси ўзи ўйлагандек, уни ёшроқ кўрсатиш у ёқда турсин баттар бужмайтириб юборарди. Бу тўғрида ҳеч ким оғиз очмаса ҳам кўпинча Саври хола луқма ташлаб кун бермасди. Икки гапининг бирида «кишининг ҳуснига ҳусн қўшадиган зеби-зийнат эмас, меҳнат» дерди. Ҳатто бир кун хотинлар ўртасида ҳазил аралаш шундай ҳам деди: «Агар овсиним сарфлаётган уша-элигу, сурма-хиналарни атторга берса анчагача савдо қиларди». Бўлди кулги, бўлди кулги. Рисолат хола қип-қизарди-ю, ҳеч нарса деёлмади. Ана шундан буён овсини билан юз кўрмас бўлиб қолишган эди, тагин нима важдадир борди-келди қилиб юришибди. Бирон ножўя иш қилиб қўйса ё гап гапириб қолса овсини кўпчилик бор демай шартта-шартта юзига айтар ва бу гаплар нарёғ-берёғидан ўтиб кетарди-да, шу топдан бошлаб бет кўрмасликка аҳд қиларди. Аммо кейинчалик бўлса, эсидан чиқадими, (йўғ-е, бундақанги даккилар эсдан чиқади дейсизми), ҳар қалай... яна тотув бўлиб кетаверарди. Шундай бўлишига ўзи сира тушунолмасди.

Рисолат хола юрагига тугиб қўйган гапини ҳозир ҳам нимадан бошлаш ҳақида узоқ ўйлади. Ҳар қандай бўлса ҳам гапни томдан тараша тушгандек эмас, ётиғи билан бошлаб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга мўлжаллаб қўйди.

Саври хола чой дамлаб, самовар келтирди, бир пиёла қўйиб, овсинига узатди, «олинг, еб ўтиринг» деб турганида, уйнинг очиқ деразасидан телефоннинг жириглагани эшитилди. Саври хола «ҳа, кетяпман» деганича уй томон югурди. Унинг телефондаги гаплари барала эшитилиб турарди:

— Ҳа, мен... Вой, ахир гуруч солай деяпман-а, болам. Толиқиб қоласиз-да. Вой, шафтоли? Ўз ташвишнингиз етмасмиди, шу топда шафтоли зарурмиди... Ҳа... Дадил бўлинг, болам, дадил, шунчасига бардош берган, энди бунисига ҳам... Сизни ким айтади қирқ кишига бош деб... Ҳа, эсон-омон...— Саври хола секин трубкани қўйган эди, Рисолат хола ўтирган жойидан сўради:

— Ҳа, тинчликми, овсин?

Саври хола ҳовлига тушиб, чорпоя ёнига келгунча индамади. Кейин секин гапира бошлади:

— Гулжаҳон чақирипти. Бугун охирги имтиҳонини топширадиган кун, овқатга боролмайман дейди. Буни қаранг, овсин, — ўнг қўлини кўкрагига қўйди Саври хола, — имтиҳонни келиним топширади-ю, менинг юрагим уришини-чи... Охиргиси, оғирроғи деган эди. Унга далда бердим, ўзим бўлсам... тавба. Эсингиздами, қайси йили ҳам эди, колхозда биздақалар учун мактаб очилиб, ўқидик-ку... ана ўшанда денг, бир сафар тайёрланмай бориб, нақ хижолат бўлганман... Шундан ёмони йўқ экан... ишқилиб, эсон-омон ўтиб келсин. Ҳой, овсин, олсангиз-чи, олинг, мана бу ширалар билан... Қаранг, барака топкур, — Саври холанинг юзларида меҳр тўла табассум пайдо бўлди, — ўзи нима ташвишда-ю, менинг ғамимни ейди-я. Қаёқдан ҳам шафтолига ўч бўлиб қолганман, ҳайронман, ё онам шафтолининг тагида туққанаканми, дейман. Ёз кирди-ми, менга шафтоли бўлса бас. Ҳовлимиздаги, бугун уч кун бўлди, тугади. Шунга Гулжаҳонингиз аzza-базза колхоз боғидан бир челақ шафтоли ёздириб олибди, телефонда шуни айтяпти, ҳозир олиб борганимда, янгилигида ермидингиз деяпти. Энди уни эринмасдан мактабига кўтариб боради. Нима қилар экан, овора бўлиб дейман...

Бу гап Рисолат холани бир хил қилиб қўйди: Гулжаҳонга ҳаваси келдими ёки ҳасади... ҳар қалай унинг юзида пайдо бўлган хомушликка тушуниб бўлмасди.

Қош қорайиб, салқин шабада эса бошлади. Ҳовлидаги дарахтларнинг барглари шитиряар, атроф-теваракда кўчани бошига кўтариб юрган болаларнинг шовқини тинган, онда-сонда кўчадан ўтаётган машина овози қулоққа чалинарди. Саври хола чорпоя тепасидаги электр лампочкасини ёқиб, неварасини чақиритиш учун эшик томонга бораётганида, аэропланчасини кўтариб, Қобилжоннинг ўзи кириб келди. Саври хола ариқ лабида унинг бет-қўлларини ювиб, чорпояга келтириб қўйди. Кейин бориб ошни дамлади.

Боядан бери жим ўтирган Рисолат хола Қобилжонга тикилиб туриб деди:

— Келиндан бахтингиз бор-да, овсин. Қуригандан менинг шўрим қурияпти. Наҳотки икки келин кўриб, биттасидан ёлчимасам-а...

— Нега ёлчимас экансиз, эпчил, ширин сўз, ойдек келинингиз бор, ношукурчилик ҳам эви билан-да, овсин,— деди Саври хола чорпоя ёнига яқинлашиб.

— Бировдан ўтганини биров билмас экан-да, сиз унинг тилларини эшитсангиз эди, ҳай-ҳай, ҳай ўлмаган менинг жоним.

Саври хола ошни дамлаб, чорпояга чиқди, хархаша қилган неварасига битта конфет тутқазиб, жавоб қилди:

— Бировдан ўтганини биров билиши қийин — бу тўғри. Аввало мен сизга бировмасман, яқинроқман — онда-сонда бўлса ҳам учрашиб турамиз. Келинингизни бўлса, қизлигидан биламан. Иккиламчиси шуки, бу гапни сиздан энди эшитаётганим йўқ. Худа-беҳудага ким кўринса келиним ундоқ, келиним бундоқ дейиш ҳам айб, айланай овсин.

— Айб, айб деб, ичимга ютавериб адо бўлдим, акир. Мендан бўлак одам бўлса, аллақачон ҳув деб, уйдан чиқиб кетарди, тагин ҳам...

Овсинининг уйда бўлиб турадиган ҳангомалардан хабардор бўлган Саври хола ҳар гал айбни унга қўярди. Бугун ҳам ўша одатдаги гаплар деб бепарво ўтирган эди-ю, аммо Рисолат холанинг ҳозирги сўзидан бирон жиддий воқеа бўлганга ўхшайди, деб кўнглидан ўтказди.

— Тагин нима гап ўзи, тинчликми?

— Мана эшитинг, айланай овсин. Қариндош-уруғчилик-ку, борди-келди билан. Кичик опам Ҳалиманинг овсини келин туширмоқчи деб эшитдим. Билиб туриб бирровгина бориб келмаслик, кўнгили сўрамаслик айб, ўзингиздан қолар гап йўқ. Шу бўлди-ю, ўтган куни эрталаб шаҳарга тушиб кетдим. Опамникида бўлдим, овсини ётиб қолинг деб қўймади, кеча эрталаб нонуштадан кейин қўшниси олиб чиқиб кетди, меҳмондўст одамлар-да. Шундай қилиб десангиз, кеча қош қорайганда уйга келдим. Ўзим учинган эмасмидим, устига-устак машина ҳам анча уринтириб қўйди. Эшикдан кириб келсам келиним энди овқатга уннаган экан, мени кўриши билан авзойи бузилди-ю, «кечга қолдингизми, ойи» деб ошхонага бурилди, кетди.

— Хўш, иннайкейин, нима бўлди? Сиз нима дедингиз?— Унинг гапини бўлди Саври хола.

— Нима десам бўларди, қани ўзингиз ўйланг. Мен-ку ўйнаб келганим йўқ, зарурдан бордим, чарчаб келган бўлсам...

— Келинингизга нима дедингиз?

— Деганимни дедим-да. Хўш, энди сиздан сўраб кўчага чиқаманми, менинг қайнанам ўлиб кетган, дедим. Худди шунинг устига ўғлим келиб қолувди, хўрлигим келиб, йиғладим, ҳаммасини айтиб бердим. Ўғлим икковимизни юзлаштирди. Шундан кейин бости-бости бўлди-ю, мен ҳам уйга кириб, ечиндим-да, бир нафас чўзилдим. Бир маҳал қарасам, ўғлим кичкина қизини, «мана буни овутиб туринг» деб менга беряпти. «Обор, обор, тилини беш қарич қилгунча боласини эйлаб олсин» дедим. Рост-да, овсин, алам қилмайдими. Можаро ана шундан бошланди. Қарасам, ўғлим қаттиқ-қаттиқ гапириб қолди. Ўғлимдан ҳеч бунақа гапларни эшитмаган эдим. Ҳаммасини ўша келиним қилади, ўзи гапиролмайди-да, эрига тайинлаб, уни йўлдан уради. Менам бўш келмадим. Ҳаммасини тўкиб солдим. Мен сенга хизматкор бўламанми, дедим. Қўшнилар йиғилишди. Уртага тушиб ажратишди, шунда анови тракторчининг опаси бор-ку, ҳаҳ, танийеиз, Каромат-чи, ўша ўртага тушиб, «айб сизда, хола» деса бўладими.

— Ҳа, бўлади,— деб жаҳл билан унинг сўзини бўлди Саври хола,— боя «ичимга ютавериб адо бўлдим» деганингизда, қаттиқроқ, кўнгил ранжийдиган ҳодиса рўй берибди-да, деб ачиниб қулоқ бериб турган эдим. Энди билсам, яна ўша-ўша можаро экан.

— Ҳой, ҳой, шошманг, ахир гапимни тугатай..

— Тугатсангиз ҳам шу, тугатмасангиз ҳам. Бу ҳангамаларни энди эшитаётганим йўқ. Мен сизга очигини гапириб қўя қолай, бетга айтганнинг захри йўқ, дейдилар: сизнинг бу қилиқларингиз отамнинг замонасидаги қайналарнинг қилиқларига ўхшайди. У пайтларда келин шўрлик эридан бир туртки еса, қайналасидан икки туртки ерди, турмуш шу экан деб ўтаверарди. Бир чеккаси, озроқ бўлса ҳам ўзингиз кўргансиз, менику қўяверинг. Келинимга хизматкор бўлмайман эмиш. Ҳа, бўлмаса келинингиз сизга хизматкорлик қилсинми? Хизматкори нимаси? Шуям гап бўлди-ю. Келинингиз ишлаб келса, эри ишлаб келса, сиз на овқатга қарасангиз, на уйга, на болага. Пилладан қутулдим, бошқасига ярамайман деб соппа-соғ одам ўзингизни касалга солиб юрсангиз. Очиги — дарду фикрингиз кинначи бўлса, тугун кўтариб меҳмонга юришга отдек-сиз. Гап билан бўлса-ку, ўзингизни инқиллаб қолган

кампирга чиқариб қўясиз. Ясанишга келганда ўн саккиз яшар бўлгингиз келади.

— Ҳой, овсин, нималар деяпсиз?

— Шошманг, ҳали деганимча йўқ. Агар бизнинг колхозда бўлганингизда бошқачароқ гапиришардим-а. Қани, айтинг-чи, мендан неча ёш кичиксиз? Янглишмасам саккиз-ўн ёш-а? Хўш, мен нега ишлаяпман. Уй-рўзгорга етказолмаганимданми? Йўқ. Оғзига кучи етмаганлар шундай ҳам дейди. Деса — деяверсин. Буни яхши биласиз. Пахтадан олиб, ошпаз қилиб қўйишганига ниҳоят икки йил бўлди. Шу ҳам раиснинг зўри билан, ҳали кучим кўп, бақувватман десам ҳам, кексайиб қолдингиз деб қўйишмади. Келинимга қолса-ку, сира ишламай қўя қолинг дейди. Хўш, нега ишлаяпман? Мен тенгилар нега ишлашяпти? Сиз мана шуни тушунмайсиз. Меҳнат деганда, фақат бойлик ортириш деб ўйлайсиз. Аслида билсангиз, одамни одам қиладиган, фикрни очадиган, ақлга ақл қўшадиган меҳнат. Тўғри, пиллачилик ҳам керак. Илло, очигини айтсам, ўшанда ҳам ёлчителиб ишламадингиз. Шуни билингки, қарс икки қўлдан чиқади. Тагин ҳам келинингиз одобли, андишали. Бўлмаса-чи... Сизга унинг боласини боқиш ёқмаса, нима деган гап! Эшитган қулоққа яхшими? Бу ҳаммаси тушунмаганликдан келиб чиқади. Колхозда ғўзани етказиб парвариш қиладиган, авжи иш қизиган пайтда эр-хотин ишдан келса-да, сиздек она уй-жойга, болага қараш ўрнига, ялло қилиб юрса, инсофданми, ахир?! Туриб-туриб китоб ёзадиганлардан ҳам хафа бўлиб кетаман. Шунақаларни ёзиб, оқини оққа, кўкни кўкка чиқариб, кўпчиликка мундоқ кўрсатиб қўйса-ку, бўлади-я. Қўлимдан келса биринчи бўлиб сизни ўзим ёзардим,— Саври хола кулги аралаш шу сўзларни айтди-ю, ер чизиб хомуш ўтирган овсининг юзига қаради ва бирдан «вой, ош ҳам ланж бўлиб кетди» дея ўчоқ томонга кетди.

Рисолат холанинг кўзи ерда эди. У, шундай чуқур жаёлга толдики, бир нуқтага тикилган кўзлари хираланиб, ерда овсини очиб ташлаган ҳалиги айблари унга бақрайиб тургандай кўринди, сесканиб бошини кўтарди... Саври холанинг «бир колхозда бўлганимизда бошқача гаплашардим» дегани қулоқлари остида жаранглаб ўтди, худди эрта-индин колхозчилар ўртасида шу гапни айтиб, уялтираётгандек бўлиб кўринди. Рисолат



хола ошхона томонга қаради. Унинг бу қараши энди қандайдир хижолат тортаётган кишининг қарашига ўхшарди. У терлаб кетди...

Саври хола ошни сузиб келтирди, кичкина лycopчa-да Қобилжонга солиб, устига гўшт майдалаб берди. Лагандаги гўшт тўғралгунча икковлари жим ўтиришди. Ошнинг ярмигача бўлган суҳбат пойма-пой, бир-бирига сира қовушмади. Саври хола овсинининг хафалигини бир оз ёзиш учун ялпизлаб гапира кетди:

— Шарттакилигим ўлсин, овсин, гапиравераман. Аслида ўзи шу яхши. Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб дейдилар. Ахир бир чеккаси сиздан биров кулса менга ҳам таъсир қилади-да, айланай.

— Тўғри айтасиз, мундоқ ўйлаб турсам, ўзим ҳам анча ҳавойи бўлиб қолибман.

— Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз. Ҳойнаҳой, келинингиз билан кечадан бошлаб юзкўрмас бўлгандирсиз.

— Қаёқдан билдингиз?— ҳайрон бўлиб сўради Рисолат хола.

— Энди биялпманми сизни, овсин, ахир азалдан шу одатингиз бор-ю.

— Қўйинг, одатингиз деманг.

Шу пайт эшик тақиллади. Саври хола югуриб бориб очди. Қўлида челақ кўтарган Гулжаҳон кирди. Эшикдан кирди-ю, челақни қўйиб, «ойижон, айланай сиздан, ўтиб келдим», деб уни қучоқлаб олди. Саври хола келинни бағридан қўйиб юбормай сўради:

— Яхши ўтдингизми, дарров-а?

— Биринчи бўлиб топширдим. «Беш!»

Гулжаҳон меҳмон борлигини ҳам пайқамаган эди. Саври хола имо билан овсинини кўрсатди.

Қайнана-келин ўртасидаги кишининг ҳавасини келтирадиган иноқлик, меҳр-муҳаббат Рисолат холанинг қалбини жизиллатиб ўтди.

*Август, 1953 йил*

## КУЗАТИШ

Эрталабдан шивалай бошлаган ёмғир куннинг иккинчи ярмида тинди. Кечга томон ҳаво очилиб кетди. Кенг механика цехининг ойнабандлик деворидан «маманан» дегандай қуёш нури кўринди-ю, станоклар, тайёр деталлар, қўл тегавериб ялтираб кетган асбоб-ускуналар устида жилвалана бошлади.

Зокиржон бурчакдаги токарлик станогини ёнида, катта бир деталнинг диаметрини синчиклаб ўлчаётганида, биров қуёш нури унинг кўзига ойна орқали тушираётгандай бўлди-ю, ялт этиб шу томонга қаради. Кўзи қамашди. У, нима учундир ўзича илжайиб қўйди, қўли бўшашдими, ҳар қалай силлиқ детални қайчилиб турган кронциркуль ўрнидан сирганиб кетди.

Кўз очиб юмгунча бўлиб ўтган бу воқеа, давлат имтиҳонини топшириб, баҳосини кутаётган студент сингари инженерга тикилиб турган токар Каримнинг жаҳлини чиқарди. Бутун вужуди билан инженернинг ҳаракатларини кузатар экан, «Мен нима ташвишдаману, бу кишининг бепарволигини-чи, ахир тезроқ ўлчай қолса-чи...» деди ўзича. Тўғри-да. Бу — анчаки топшириқлардан эмас, жуда муҳими, янги деталь. Каримнинг юраги така-пука бўлаётгани ҳам шундан. Наҳотки инженер буни тушунмаса.

Зокиржон кўзини кетма-кет очиб-юмди-да, кронциркулни деталнинг бир учидан иккинчисигача аста суриб кўрди. Кейин кўк кителининг кўкрак чўнтагидан микрометрни олди. Уни деталь диаметрига тўғрилай туриб Каримга кулиб қаради.

— Уша ерда ҳам мана шундай станоклар, цех... — гапириб туриб жиддий хато қилиб қўйган кишидай, сўзини давом эттиролмади, юзида пайдо бўлган табассум аломатлари қўққисдан ғойиб бўлди, жиддий вазиятда:

— Дуруст, давом эттиринг, — деди-да, қўлида кронциркулни ўйнаганича, коридорга чиқди. Тўғри кабинетга кириб кетди.

Муҳим топшириқни кўнгилдагидай бажарганидан мамнун бўлган Карим севинчини ичига сиғдиролмади, бош бармоғини кўрсатганича қўшни станок ёнига борди:

— Во, айтмабмидим эплайман, деб, во, — деди яна ўша бармоғини кўрсатиб, — фақат бир нарсага тушунолмадим, биласанми?..

Қўшни станокда ишлаётган баланд бўйли, қотмадан келган йиғит — токаръ Сергей Архипов металл қириндилардан кўзини авайлаб резецга тикилганича жавоб қилди:

— Кўп ҳовлиқма. Мен ҳам эплаёлардим. Хўш, нимага тушунолмадинг?

— Биласанми, инженер менга кулиб туриб бир нарса демоқчи бўлди-ю, «ўша ерда ҳам шундай станоклар...» деганича тўхтаб қолди. Ҳеч тушунолмадим.

— Зарари йўқ, кейин тушуниб оласан.

— Нимани?

— Уша тушунолмаган нарсангни.

— Айта қолсанг-чи, Серёжа?

— Кейин билиб оласан дедим-ку, ишингни қилсанг-чи, — деди Серёжа резецдан кўзини узмай.

— Ҳеч шу одатинг қолмади-да, дўстим, айта қолсанг бир нарса бўладими! Аммо ажойиб инженеримиз бор-да, жуда ҳам яхши. Бундай инженер билан ҳар қанақа мураккаб топшириқларни ҳам бажара оласан, киши, — Карим шу гапни айтиб, ўз станогини ёнига кетди.

Ҳаётда қизиқ воқеалар бўлади. Кунларнинг биринида қалбингга шундай бир орзу жо бўлиб қоладики, уни сира кечиктирмай, шу кундан, ҳатто шу соатдан қолдирмай амалга ошириш пайига тўшасан. Бундай пайтларда бирон киши билан, ҳатто энг яқин дўстинг, қавми қариндошинг билан ҳам маслаҳат қилишга ўрин қолмайди. Барибир, кимга маслаҳат қилмагин, ҳаммаси ҳам бир оғиздан фикрингни маъқуллайди-

гандай туюлади. Шундай бўлиб туюладигина эмас, сен ўзинг фикрингни маъқуллашларига қаттиқ ишонасану, янги орзунни амалга ошириш учун дадил қадам ташлайсан. Бу қадамнинг, бугун-эрта, бир ойдан кейин эмас, бутун умр бўйи ҳаётингдаги унутилмас воқеа бўлиб қолади.

Зокиржон ҳам бугун, бундан бир неча соатгина аввал ана шундай қадам ташлади. Радиодан янги хушxabар эшитди-ю, бир зум ўйга толди. Бир лаҳзада ёшлик чоғлари, «Артек»да ўтказган дамлари, дарс тайёрлаб ўтирганларида отасининг орқа томондан секин келиб елкаси узра дафтарига тикилиб туриши, қизил галстугининг учидан ушлаб эркалашлари, мактабдаги тантанали сборлар, комсомол ташкилотидаги ишлар, кейинчалик студентлик даври, кенг аудиториядаги қувноқ шовқин-суронлар, профессор лекция ўқиётганида дайди хаёл Хайрихон сари етаклаб тинчлик бермаган пайтлари, доим ёнида ўтирадиган дўсти Аъзамнинг туртиб қўйишларигача кўз олдидан ўтди. Ўзининг ёш, аммо мазмундор ҳаётини эслар экан, гўзал Ватан, йирик саноат, фан марказлари, кенг буғдойзор, пахтазорлар, яйловлар, уни ўстириб, вояга етказган улуғ Ватан кўз олдидан намоён бўлди. Шу ўтиришида стол устида турган чертёжларга кўзи тушди. Энди хаёл эмас, мана шу кабинет, гувиллаб турган цех, қисқаси, заводдаги тўрт йиллик ҳаёт, институтдан тўғри келиб учрашган кишиси, ҳурматли Иван Тимофеевични эслади. У доим Иван Тимофеевич ҳақида ўйлар экан, ўзича: «Мени ҳаётга етаклаган шу киши», дер ва унга ғойибона миннатдорчилик билдиргандай бўларди. «Мени Ватан чақиради, ўз бағрида тарбиялаган Ватаним, жонажон партиям чақиради. Мен тайёрман».

Зокиржон шу сўзларни бировга гапираётгандек ўзича такрорлади-ю, қўлига ручка олди. Тўлқин ва ҳаяжон билан ураётган юрак сўзлари қуюлиб келиб, бир варақ оқ қоғозни тўлдирди. Зокиржон қоғозни авайлаб буклади-да, қўйин чўнтагига солиб ўрнидан турди.

Зокиржон бош инженернинг қабулхонасига кирганида машинка босиб ўтирган секретардан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Салом, Елена Николаевна.

— Салом, Зокиржон Алиевич, — секретарь шундай деди-ю, қўлини машинка устига қўйиб, унга тикилди. Ҳар гал, деярли ҳар сафар қўлида карнай қилиб ўралган чертёжлар, ҳеч бўлмаганда бир-икки деталь билан қабулхонада пайдо бўладиган, секретарь билан тез сўрашиб, шошганича, ҳатто ундан рухсат ҳам сўрамай, тўғри бош инженер кабинетига кириб кетадиган Зокиржон бугун унга ғалати кўринди. Унинг қўлида на чертёж ва на бирон деталь бор. Елена Николаевнанинг назарида, отпусада юрган киши «бир кириб чиқай» деб бош инженер ҳузурига келгандай бўлди. Шунинг учунми, Зокиржонга қараб туриб:

— Зокиржон Алиевич, Хайрихон курортдан қайтдиларми? — деб сўради.

Зокиржон «Иван Тимофеевич бормилар?» демоқчи бўлиб турганида берилган бу саволга қисқагина қилиб:

— Ҳа, бир ҳафта бўлди, — деди-да, «бормилар» дегандай кўзи билан кабинет эшигини кўрсатди.

— Ҳа, марҳамат, — деди Елена Николаевна ва кабинет эшиги очилиб ёпилгунча ўша гомондан кўзини узмади. «Ҳавас қилсанг арзийдиган йигит-да. Нима учундир бугун авзойи бошқачароқ» деб қўйди ўзича секретарь.

Узун столнинг тўрида газетадан аллақандай мақолани қирқиб олаётган Иван Тимофеевич эшик очилиши билан кўзойнагининг тепасидан бир қаради-ю, қайчини газета устида қолдириб, ўрнидан турди. Тўладан келган, сочининг икки чаккаси оқариб кетган Иван Тимофеевич кўзойнагини ола туриб, салмоқли икки қадам ташлади. Гўштдор қўли билан Зокиржоннинг қўлларини қаттиқ сиқиб кўришди.

— Келинг, Зокиржон.

Зокиржон ўнғайсизланиб юмалоқ стол ёнидаги креслога ўтирди. «Янгиликни эшитдингизми?» демоқчи бўлди-ю, «Иван Тимофеевич бўлади-ю, беҳабар қолармиди?» деган фикр қайтарди уни. Индамай чўнтагидан тўрт буклоқли қоғозни чиқариб, Иван Тимофеевичга узатди.

Ҳар гал ота-ўғилдек эркин суҳбатлашадиган Иван Тимофеевич Зокиржоннинг ҳозирги ҳолатига тушунолмади. Қоғозни олиб, ўқий бошлади.

Зокиржон ёши элликларга бориб қолган, аммо ўзи серҳаракат, эпчил Иван Тимофеевич бир варақ хатни

пунчалик узоқ ўқиганини биринчи кўриб туриши эди. Ё фикримни тушунарли қилиб ёзмадиммикин? Наҳотки...

Иван Тимофеевичнинг юзида табассум пайдо бўлди. У қоғоз устига ланжасини қўйиб, креслодан турди.

— Жуда соз, жуда ҳам соз. Мен кафолат берганимда, янглишмаганлигимга ишонган эдим. Коммунист ана шундай дадил, ҳозиржавоб бўлади. Ватан чақирғига, партиямиз чақирғига худди сиз ёзгандек «мен тайёрман» деб жавоб беради,— Иван Тимофеевич Зокиржоннинг қўлини қаттиқ сиқди.— Хўш, Хайрихон нима деркин?

Зокиржон тез жавоб бермади. Иван Тимофеевич бу воқеадан ҳали хотини хабарсиз эканини сизди.

— Албатта, у ҳам тушунади. Аммо ҳар ҳолда... Турмуш ўртоғингиз, бамаслаҳат бўлгани яхши. Ахир ўзингиз Хайрихонни «менинг ярмим» дейсиз-ку.

Зокиржон кулиб юборди. Хотинини ҳар гал «менинг ярмим» дейиши Иван Тимофеевичга жуда ёқарди. У, қачон Хайрихонни кўрса унга ҳам «сиз Зокиржоннинг ярмими ёки Зокиржон сизнинг ярмингизми» деб ҳазил қиларди.

Иван Тимофеевич Зокиржонга хатни ҳозироқ райкомпартияга ҳавола қилаётганини айтиб, уни эшиккача кузатиб қўйди.

Зокиржон кабинетда бир ўзи ўтирар экан, қуёш шуъласининг стол устидаги ойнада кўринган аксига тикилди. Уни қуёш ҳам табриклаётгандай эди. Ҳали цехда, Каримнинг станогини ёнида турганида, кенг пахтазор, шўх яллалар, тракторларнинг гувиллашлари кўз олдига келиб, Каримга алланима деб юборай деганидан кулгиси қистади. Кейин Иван Тимофеевичнинг гапларини эслади:

— Хайрихон! Ҳа, Хайрихон сира йўқ демайди, сира ҳам. Ахир у...

Гудок садоси завод кўкини ларзага келтиргудай бўлиб эшитилди. Биринчи смена тугади.

Зокиржон тўғри уйга келди. Ювиниб, пижамасини кийди-да, электр чойнакка сув тўлғазиб, қайнатишга қўйди. Диванга ёнбошлаб, янги журнални кўздан кечира бошлади. Бир неча саҳифани очди-ю, дэвом эттиролмай соатга қаради. Хайрихоннинг келишига ҳали ярим

соат бор. Телефон қилмоқчи бўлди-ю, коммутатор орқали чақирали кераклигини эслаб, бу фикридан ҳам қайтди. Ҳали ҳеч нарса аниқ бўлмай туриб, бировга айтишни «Полададан олдин чанг кўтариш» деб билди. Қани энди Хайрихон тезроқ келса-ю, бутун воқеани бирма-бир, муфассал гапириб берса...

Эшик очилиб коридорда унга таниш бўлган оёқ товушлари эшитилганда, Зокиржон чой дамлаш билан овора эди.

— Шу бугун вақтлироқ келармикансиз деган эдим,— деди Зокиржон устки кийимини ечаётган Хайрихонга ўгирилиб ва чой дамлаб турган бармоқларига иссиқ буғ тегиб қўлини тортиб олди.

Хайрихон гапга тушунолмади.

— Кечикканим йўқ. Бугун тўрт соат эди-да. Узи тинчликми?

— Тинчлик. Янгиликдан хабарингиз борми?

— Пленум қарориданми? Эшитдим,— деди Хайрихон сарафанининг катта бўғирсоқдек тугмаларини қадар экан, Зокиржон ёнига келди, ўзи ҳам куни бўйи уйга келиши ҳамона худди шуни сўрамоқчи бўлиб тургандай гапира бошлади,— Зокиржон ака, жуда муҳим қарор-а. Энди қишлоқ хўжалиги таниб бўлмас даражада юксалади, шундай эмасми?

— Шундай,— деди Зокиржон ва чойнак қопқоғини ёпиб, Хайрихонни икки қўлидан ушлади, юзига тикилди.

Мана шу кийим, Хайрихоннинг эғнидаги мовий ранг атлассимон сарафан Зокиржонга жуда ёқади. Шу хил материалдан фақат сарафан тикиш мумкин, бошқаси унча яхши чиқмаслигини билса ҳамки, баъзи-баъзида ўзича «Шундан кўйлак тикса бўлмасмикин» деб қўярди. Буни Хайрихонга айтмаган бўлса ҳам, доним уни шу сарафанда кўришни истарди. У Хайрихонга ёпишиб турар, баланд бўйи, келишган қоматини яна ҳам бўрттириб кўрсатар, гул япроқлари эндигина очилаётган гунчалар эгаси билан қўшилишиб кулиб тургандай бўларди. Қип-қизил чўғдек гулнинг акси Хайрихоннинг юзларида кўринадими ёки юзнинг акси гулдами? Зокиржон буни ажратолмай қолган кезлари ҳам кўп бўлган.

Зокиржон унинг юзига меҳр билан тикилганда зулукдек қошлари чимирилиб, ўнг юзида кулгич

пайдо бўлди. Бундан беш йил муқаддам Хайрихон билан биринчи марта учрашганида уни ана шундай ҳолатда кўрганини эслади.

— Хайрихон, яна бир янгилик айтайми?

— Айтинг, нима гап?

— Мени МТСга юборишларини сўраб ариза бердим.

Хайрихоннинг юзлари ўзгарди, кўзларини катта очиб, сўради:

— А... Нима?!!

— Шундай, райкомга ариза бердим.

— Яхши...— Хайрихон Зокиржондан қўлларини секин тортиб олди, бошини қуйи солиб, стол томонга юрди. Зокиржоннинг қўллари ҳавода қолиб, аъзойи бадани бўшашгандай бўлди.

Зокиржон Хайрихонга уйланишидан бир неча ой олдин шундай воқеа бўлган эди: Зокиржон билан институтни бирга тамомлаган Ўтиборхон исмли қиз уни севар эмиш, Зокиржоннинг ҳам унга майли бор эмиш, деган гапни Хайрихон кўп эшитди. Анча вақтгача Зокиржонни кузатиб юрди. Бироқ ҳеч нарса сезмади. Шундай бўлишига қарамай, ҳар хил гапларни юрагига сиғдира олмаганидан бўлса керак, Хайрихон ўз уйида, Зокиржон билан гаплашиб ўтирганида ундан сўраб қолди:

— Ўтиборхонга шайдойи эмишсиз?

Зокиржоннинг кулиб юборгиси келди-ю, ўзини босди. «Нима деркин» дегандай қовоғини солиб, «Ҳа, шундай» деб қўйди.

Ана шунда Хайрихоннинг ранги ўчиб, юзларидаги табассум қочди. Худди ҳозиргидай, чўзиб «ях-ши» деди-да, Зокиржон ушлаб турган қўлларини секин тортиб, тескари бурилди. Ушанда Зокиржон минг хил далил, исботлар билан Хайрихонни юпата олган эди. Ҳозир-чи?..

Ҳозир юпатиш эмас, очиқ гаплашиши, қалбига жо бўлган орзусини, Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиш учун отланганини тушунтириши керак. «Наҳотки буни тушунмаса? Йўқ, жуда яхши тушунади. Фақат — у бошқа нарсани ўйлаяпти. Якка ўзи кетмоқчи деяпти». Зокиржон кўнглидан шуларни ўтказди-да, секин бориб икки қўли билан Хайрихоннинг елкасини ушлади.



— Хайрихон, аввал эшитсангиз-чи?

— Эшитдим, яхши...

Зокиржон юзини унинг юзига қўйди.

— Ахир...

— Яхши дедим-ку, жуда яхши.— Хайрихоннинг овозидаги йиғи оҳанги Зокиржонни қийнай бошлади. Салкам бир йилча бирга юргани, тўрт йиллик турмуш мобайнида Зокиржон Хайрихоннинг феъл-атвориغا жуда яхши тушуниб қолгани, ўзининг характериغا мослигидан хурсанд эди. Фақат бир нарса — Хайрихоннинг мана шундай пайтларда рўйирост гапириш ўрнига чурқ этмай, куйинишнинг ҳамма оғирлигини ичига солиши Зокиржонни қийнади.

Хайрихон секин бориб, диванга ёнбошлади, бошини қўлига қўйиб юзини бекитиб олди. Зокиржон нима қилишини билмай, унинг ёнига бориб ўтирди, қўлини Хайрихоннинг тиззасига қўйди.

— Хайрихон, ахир эшитсангиз-чи, бирга кетамиз.

— ...

— Хайрихон...

— Бораверинг, мени нима қиласиз,— деди-ю, кўзига ёш олди.

Зокиржон яхши биладики, энди ортиқча гапиришнинг нафи йўқ. Яна бир-икки оғиз сўз айтса борми, Хайрихон баттар тутақади. Бу гап бу ёқда қолиб, турмушдаги бошқа масала — яна ўша фарзандсизлик ўртага тушади-да, Хайрихон азоб чека бошлайди.

Зокиржон жим қолиб, ўйлай кетди. «Қизиқ, мен-ку бир нарса демасам. Туғмайсиз, турмушимиз бўлмайди деган фикр хаёлимга ҳам келмаса, аксинча, ўзи гап очиб қолганида ҳам «Қўйинг, ҳали ёшсиз, кўрармиз» деб юпатсам ҳам бўлмайди. Мана, ҳозир ҳам ана шу нарса кўнглидан ўтиб турибди, буни мен сезиб турибман. Ё хаёлида, эрим пайт пойлаб юрган эди деб ўйлаётганмикин?»

— Йўқ, ундай эмас, ишонинг,— Зокиржон икки қўлини Хайрихоннинг елкасига ташлаб, баланд овоз билан шундай деб юборганини ўзи сезмай қолди.

Асл муҳаббат, вафодорлик шундай бўлса керак. Зокиржон ўйлаб туриб, қўққисдан айтиб юборган гапи худди шуни кутиб турган қалбнинг айна муддаоси бўлди. Хайрихон бошини кўтариб, қизарган кўзларини артди.

— Ишонаман, Зокиржон ака, ишонаман. Фақат...— сўзини тугатолмай Зокиржоннинг бақувват билакларидан ушлади. Шу пайт, Зокиржон хотинини энди юпатмоқчи бўлиб турганида, телефон жириглади. Бу овоз ошдан тош чиққандек унинг гашига тегди. Бориб трубкани олди.

— Ҳа, ҳа, мана ҳозир.— У Хайрихонга қаради,— сўзни Иван Тимофеевич чақиряптилар,— деб трубкани узади.

Хайрихон ҳозир худди Иван Тимофеевич билан кўришадигандай сочларини орқасига ташлаб рўмолчаси билан кўзларини артди, овозим сезилмасин дедими, икки марта йўталиб ҳам қўйди.

Зокиржон трубкани бериб, ўзича: «Қойилман, Иван Тимофеевич, худди шундай бўлишини аввалдан сезиб, огоҳлантирган эдингиз, ҳозир бўлса, можаронинг устидан чиқдингиз», деди-ю, креслога бориб ўтирди, бепарво кишидай журнал варақлай бошлади.

— Лаббай. Салом, Иван Тимофеевич. Ҳа, дуруст... Ота деган шундай бўлиши керак-да. Вақтида эркалайди, лозим бўлса қойийди... Ҳа... тушунаман, яхши тушунаман... Мен бир нарса демайман, бораверсинлар... Йўқ, бўшатишмайди, қишлоқда ўқитувчилар етарли, йўқ, ўзлари бораверадилар...

Хайрихон шундай деди-да, трубкани секин қўйди. Бутун хаёли шу суҳбатда бўлган Зокиржоннинг тоқати чидамади, ялт этиб Хайрихонга қаради.

— Хўп, Хайрихон, бормаيمان, — деб ўрнидан турди.

Хайрихон эрининг авзойи бунчалик ўзгаришини биринчи кўриши эди. У секингина:

— Мен нима деяпман, бораверинг,— деди-да, диванга бориб ўтирди, бошини қуйи солганича ўйлай кетди: «Йўқ, унда заррача бўлса ҳам бошқа фикр йўқ. Бўлмаса мендан сўраб ўтирадим, бир ўзи кетаверади. Ҳозир бўлса менсиз бормаيمان деяпти. У мени севади, мендек, мендан ҳам ортиқроқ севади. Сендан бир нафас ажралмайман дейди-ку. Фарзанд... Бу тўғрида ҳам сира-сира оғиз очмайди. Агар севмаганида ҳар гапнинг бирида дакки бериши турган гап эди. Бу тўғрида фақат мен ўзим кўпроқ ўйлайман. Урта-миздаги арзимаган гапни ҳам шунга келтириб тақайман. Шунда ҳам у мени юпатади. Шуларни билиб тураману, яна аллақандай ваҳималар босади. Тагин

бир кунмас, бир кун... Йўқ, йўқ, сира ундай қилмайди».

Зокиржон кийимларини кийиб, индамай эшик томонга юрди.

— Қаёққа?— сўради Хайрихон.

— Райкомга, аризамни..

Хайрихон чўчиб тушгандай бўлди.

— Нима?! Райкомга?! Нима деб борасиз?

— Нима дердим...

— Йўқ, бормайсиз. Мен ўзим бораман, аввал Иван Тимофеевичга учрашаман,— Хайрихон ўрнидан туриб кийина бошлади. Зокиржон соатга бир қараб ўзича илжайди. Хайрихон кийинар экан, «майлими» дегандай эрига қараган эди, у «хўп, боринг» деди. Эр-хотин ўртасидаги одатга мувофиқ Зокиржон Хайрихонни эшиккача кузатиб қўйди. Уйга кириши ҳамоно, трубкани олиб, Иван Тимофеевичга телефон қилди.

Хайрихон Иван Тимофеевич, унинг хотини Варвара Тимофеевна билан анчагача гаплашиб ўтирди. Суҳбатга уларнинг келини ҳам қўшилди. Хайрихон эрининг кетиш-кетмаслиги эмас, ўзининг бориши ҳақида маслаҳатлашди. Иван Тимофеевич уйда, эр-хотин ўртасида нима гап бўлиб ўтганидан оғиз ҳам очмади. Хайрихонни мактабдан бўшатиш ҳақида ўзи ёрдам беражагини айтди.

— Мен Зокиржон акамга райкомга ўзим бораман деб чиқиб келувдим. Ҳозир иш соати ҳам тугади. Эр-тага...

— Ҳа, эртага. Иложи бўлса бирга борамиз. Заводдан яна уч киши ариза берди. Парторгимиз отпускарда бўлгани учун ўзим шуғулланишимга тўғри келяпти,— Иван Тимофеевич худди совқотгандай кафтларини бир-бирига ишқади,— балки мен ҳам сизлар билан...

— Вой, шундайми, Иван Тимофеевич,— севиниб кетди Хайрихон,— жуда саз бўларди-я.

— Ёмон бўлмас эди,— деди Иван Тимофеевич ва Хайрихонга худди биринчи марта айтиб бераётгандек, урушдан илгари олти йил МТСда механик бўлиб ишлагани, қишлоқ ҳаёти ҳақида гапира кетди.

— Ҳа, Ваня ҳам мени ташлаб, янгисига уйланмоқчи,— деди кулги аралаш Варвара Тимофеевна.

— Ҳали маълум эмас, билмадим, жавоб беришармикин, йўқми.

— Иван Тимофеевич, мен у ерда нима билан шуғулланаман-а?

— Ўзингнинг ўқитувчилик ҳунаринг-чи? Шаҳардан озмунча кишилар қишлоққа, МТСларга кетяптими. Қараб тур, янги посёлкалар, мактаблар очилади. Айниқса, сенинг фанинг, биология фани... ўҳў.

Орадан бир ҳафта ўтди. Машинасозлик заводининг ҳашаматли клуб биноси тантанали кечалардек тус олди. Заводда чиқадиган кўп тиражли газетанинг бир саҳифаси КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорига жавобан МТСларга бориб ишлаш орзусида бўлган ватанпарвар машинасозларга бағишланган эди. Булар орасида инженер Зокиржон Даминовнинг расми ёнида токарь Сергей Архиповнинг ҳам сурати бор. Ёнида ёшгина қиз билан клубга кириб келган Карим, газетани кўрди-ю, кулиб унга қаради:

— Мана, Галя, Серёжани кўрдингми, ўша куни кейин билиб оласан дегани шу эди-да, — деди.

— Вой, сизга айтмабмидим, — деди унга жавобан Галя. — Мен ўшандаёқ билган эдим: Серёжа ўзи илгари тракторчи ҳам бўлиб ишлаган-да.

— Бунисини билардим-а, — деди Карим ва Гальяни танцага таклиф қилди.

Клубнинг танца зали машинасоз қиз-йигитлар билан тўла. Бурчакда Иван Тимофеевич билан Зокиржон Алиевич суҳбат қилиб туришибди. Варвара Тимофеевна ҳам шу ерда. Фақат Хайрихон кўринмасди.

— Қани у? — воқеадан беҳабар бўлганларнинг кўпи Зокиржонни якка кўриб, ҳар хил хаёлга ҳам боришди. Булар беҳуда хаёллар эди. Хайрихон ҳам бугун худди ана шундай тантананинг «гуноҳкорларидан» бири. Фақат у ҳозир, худди шу минутда, бошқа коллективда, ўқитувчиларнинг тантанали йиғилишида, қўлида бир даста гул ушлаб ўтирибди.

Машинасозлар Иван Тимофеевич, Зокиржон Алиевич, Серёжа ва яна икки кишини, ўқитувчилар Хайрихонни қишлоққа, янги ҳаёт қучоғига кузатишар экан, жонажон Ватанимизнинг куч-қудрати, фаровонлигини янада оширишга қўшган ҳиссалари билан фахрландилар.

*Декабрь, 1953 йил*

## ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

Баҳри хола ёйилган хамирни кесиб бўлиб, тахта-ўқлогини қоқди, урвоқни ўртага тўплаб, супрани йиғиштириб олди.

— Ҳорманг, хола, анча уриндингиз-да? — деди стол ёнида тик туриб, манти тугаётган Ҳалимахон.

— Ҳориганимча йўқ, болам. Шу ҳам иш бўлибдими. Анча-мунча юмушларни ойдинда оёғим бажариб қўяди,— Баҳри хола шу гапни айтиб, чарчаганим сезилмасин дегандай даст ўрнидан турди,— асли қайнанагни олиб келаверсанг бўларди-да, Ҳалима, чақчақлашиб ўтирардик, чакки қилибсан.

— Ўзлари унамадилар. Боланг уйқудан қолади, дедилар,— Ҳалимахон тоғорадаги қиймани аралаштирар экан, Баҳри холага кулиб қаради,— нима, зерикиб қоламан деяпсизми?

— Эй болам, қарининг тилига қари тушунади, сен билмайсан. Ҳали замон йиғилишиб, стол атрофига ўтирасанлар, шишалар очилиб, ҳаммангга жон киради. «Ўртоқ кампирнинг соғлиғи учун» деб биринг айтарсан,— Баҳри хола худди рюмка ушлагандек, қўлини баланд кўтарган эди, Ҳалимахон кулиб юборди,— «кампирвой омон бўлсин» деб биринг ичарсан. Ана шундан кейин кампирнинг ҳам саноғини йўқотиб, уйни бошларингга кўтарасанлар, эрларингни бағрига кириб, мана бундоқ қилиб,— Баҳри хола қошларини сузиб илжайди, икки қўлини чўзиб, бировнинг елкасига қўйиб олгандай бўлди,— ўйинга тушиб кетасан-

лар. Мен билан ишларинг бўлармиди? Бир чеккада оғзимни очиб ўтиравераман.

Ҳалимаҳон Баҳри холанинг қилиғидан қотиб-қотиб куларди. Ичкари уйда стол-стулларни тақиллатиб алланима қилаётган Наима онасининг гапларини эшитиб, турган жойидан:

— Ҳа, бошландими, — деб қўйди.

— Шу яхши-да, ўртоқжон, зериктирмайдилар, — деди Ҳалимаҳон, — хола, бувам тирик бўлганларида сиз ҳам ўйинга тушармидингиз-а?

— Ҳа, бир камим шу эди! Қайнананг келганида икки кампир ўтган-кетганлардан гаплашиб, дардлашардик дейман-да. Барака топкур, яхши, хушмуомала хотин. Бир марта, қайси йил ҳам эди-я, ҳа, мен янги паранжи ташлаган пайтларим эди, ўшанда десанг менинг тоғамникига келин тушарга бирга борганмиз. Ажойибу ғаройиб ҳангама бўлган-да, — Баҳри хола ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Паранжи ташлаганингизни биламан, хола, — деди Ҳалимаҳон унинг сўзини бўлиб, — уйдан ёпиниб чиқиб артелнинг эшигига борганингизда тахлаб, рўмолга ўраб олар экансиз, — кулиб қўйди Ҳалимаҳон. Кампирнинг авзойи ўзгаргандай бўлди.

Шу гапни айтиб нима қиларди. Ҳозир ҳамманинг ёдидан кўтарилган, бир вақтлар бутун маҳаллада, артелдагилар орасида гап бўлган воқеани унинг эсига солди-ю, эски ярани янги қилди, Баҳри холани ранжитди қўйди. Ўша пайтларда уйдан паранжи ёпиниб чиқиб кетарди-да, артелнинг эшигига яқинлашганда рўмолга туғиб, билинтирмай қўлтиғига қисиб оларди, ё бўлмаса шу орадаги хонадонлардан бириникига қўйиб кириб кетарди. Буни биров сезарди, биров сезмасди. Баҳри хола артелга бир йилча шу зайлда қатнаб юрди. Бир куни артелнинг гилоф цехида мажлис бўлди. Шунда кимдир «ичимизда номига паранжи ташлаганлар ҳам йўқ эмас» деб қолди. Баҳри холанинг устидан бир челак совуқ сув қуйгандай ранги ўчиб кетди. Хайриятки нотиқ унинг номини тилга олмади. Шу куни кечқурун уйга келиб бутун воқеани эрига айтиб берди. «Хўжа кўрсинга паранжи ташлайдиган бўлсам ишга ҳам бормаيمان, паранжини қайта ёпиниб оламан» деди.

Пахта заводининг ишчиси Зокир ака хотинининг

гапига тезда жавоб бера қолмади. Салкам ўн йилдан буён заводда ишлаб, обрў орттирган, кейинги йилларда заводда ҳам ўзбек хотин-қизлари ишлай бошлагани, маъмурият уларга алоҳида шароит туғдириб бераётгани кўз олдидан ўтди. Фақат маҳалладаги бир-иккита тақводор кексаларнинг эрта-ю кеч гузардаги мачит ёнида ўтириб олиб, фалончининг х(лини паранжи ташлабди, фалончининг келини «ундоқ-мундоқ» деб ғийбат қилишлари уни бир оз ўйлантириб қўйди. Баҳри хола хомушлигича ҳамон эридан жавоб кутар экан, шундай деди: «Ҳамма гап маҳалла активларида. Беш-олтита аёл паранжи ташлади деб қўл қовуштириб ўтиришади. Агар ҳамма бирдан ташласа бунақа бўлмасди». Зокир ака ялт этиб хотинига қаради. «Тўғри айтасан, хотин. Аммо шуниси ҳам борки, эркаклар эмас, хотин-қизлардан тузилган актив яхши ишлаши керак. Биттаси сен бўлганингдан кейин...» Зокир ака маслаҳат ўрнига унга пичинг қилгани Баҳри хола-нинг сал жиғига тегди. «Энди сиз ҳам танқид қилмоқчимисиз? Мана бўлмасам, мендан кўринг, комиссияга ўзим чиқиб гапираман» деди-да, худди ҳозир чиқмоқчи бўлгандай ўрнидан турди.

Шу-шу бу рўдапони қўлга олмайдиган бўлди. Ордан бир ҳафта ўтгандан кейин паранжисини сўқди-да, ичига эски-тускиларни тиқиб, тандир устига ёпиб қўядиган тўқим ясаб олди.

Баҳри хола, қаерда паранжидан гап очилиб қолса, ҳаммасини худди кеча бўлгандек кўз олдига келтириб, аллакимдан андиша қилгандай бир хил бўлиб кетарди.

Биров унга: «Ий-е, ҳали шунақами, кимсан раҳматлик Зокирвой мастернинг хотини, Тоҳир докторнинг онаси бўлсангиз, йигирма беш йил ишладим, деб ҳукуматдан жарақ-жарақ пенсия ҳам олиб турсангиз... Ўша вақтда артелга паранжида... Э, қўйинг-е...» деб қўл силтаётгандай бўларди.

Баҳри хола ҳозир қизимнинг жонажон ўртоғини хафа қилмай дедими, ҳар қалай, ётиғи билан:

— Бўлган бўлса бордир, ўша пайтларда... Танқид қилмаган энди сен қолибмидинг, — деди-да, ёш жувонлардек, бошидан тушиб кетаётган рўмоли билан сочини ўраб қўйди.

— Йўқ, танқид эмас, хола, эсимга тушиб қолди-да. Қани, келин тушарда нима бўлди?

Стулга ўтириб, манти туга бошлаган Баҳри хола индамаган эди, Ҳалимахон эркаланиб, ялина бошлади.

— Айта қолинг, жон хола.

Кексалик қизиқ-да. Бир нарсадан сал тегиб қолса ранжиши ҳам ҳеч гап эмас. Бир оғиз ширин сўз билан қувониши ҳам. Баҳри холанинг раъйи бир оз ўзгаргандай бўлди.

— Ушанда дегин, кеч қоронғисида тўйхонага кириб бордик. Ана келади, мана келади деб келин кутиб туришган экан. Равонлик айвонга энди ўтирганимизни биламан. Ҳали нафасимизни ростлаганимиз ҳам йўқ эди. Бирдан ҳовлининг ўртасида тўполон бўлиб қолди. Тоғамнинг хотини, ҳой тўйбоши-я, келин тушираётган одам-а, шу десангиз, рўмолга ўроғлиқ бир таванни ариқ бўйидаги чорпоёга улоқтириб юборса бўладими. Патнис бир ёққа, ичидаги жийдалари бир ёққа, бир кийимлик газмол бор экан, униси ерга тушди. Ҳамма ҳайрон. У бўлса сочларини юлиб овози борича дод сола кетди: «Не ҳасратда кўрган тўйимни бўз билан, қуртлаган жийдага тенг қилдимиз-а, кўпчилик ўртасида мени шарманда қилмоқчи эдимиз-а, мен шу ният билан тўйга айтибмидим-а!»

Хотин-халаж уввалоки ялинишди, сира бўлмади. Худди безгаги тутгандек титрайди. «Ҳой, сизга нима бўлди? Айб ахир... Ҳали замон келин келади, қўйсангиз-чи!» деб ҳовуридан туширмоқчи бўлганларни нақ еб қўйай дерди. Мен ҳам ўрнимдан туриб, олдига бордим: «Ҳой келинойи, ўзингизни босинг, юринг, уйга кириб деярманми, қолдим балога. «Ҳамма иш сиздан келган. Мени шарманда қилмоқчимидингиз-а. Мен унга қўрққанымдан ҳар бири баркашдай келадиган қатлама билан бир кийимлик бориб турган чидаганга чиқарган қилганмидим-а. Менга қайтаргани шуми ҳали-а. Ош авлиё-ю, нон пайғамбар бўлдими-а? Таванхонада кўпчилик ўртасида ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим. Ё менда қасд-масди бормиди-а» деб, менга ёпишиб кетди.

Қани энди уни жаврашдан тўхтатиб, гап уқтиришнинг иложи бўлса. Ҳеч кимга оғиз очгани қўйми ёди. Нима гаплигига ҳам тушуниб бўлмасди. Шу туришда мундоқ қарасам, ҳалиги таван ўралган ҳошияли рўмол кўзимга иссиқ кўринди. Вой ўлмасам, қаёқдан ҳам



келинойимни юпатаман деб, ҳовлига тушдим, дедим. Ҳалиги таван қайнананг Ойпошшаники экан,— Баҳри хола қотиб-қотиб кулди, қўлидаги қиймани товоққа ташлаб, сал ёшланган кўзларини артди.

— Нима гап экан ўзи?— ҳайрон бўлиб сўради Ҳалимахон.

— Нима дейсанми, қайнананг шўрлик таваннинг устига бир кийимлик хом сурпдан бўлак нарса тополмадим, борим шу экан, эгачи, нима қиламан, девди. Мен ҳам бўлаверади, деган эдим. Шунини қилиб борган экан-да, ўзи ҳам жудаям бўзга ўхшамайди-ю, бундайроқ хом сурп экан. Шунини кўриб жон-пони чиқиб кетибди-да.

Баҳри холанинг афти башарасини бужмайтириб, қўлини паҳса қилиб, худди ўзи жанжаллашаётгандек ҳаракат қилиши Ҳалимахонни кулгидан тўхтатолмади. Сухбат охирида эса уни ўйлантириб қўйди. Шу пайтгача бу воқеани на қайнонасадан ва на бошқа одамдан эшитмагани сабабли Баҳри холанинг гапига жудаям ишонгиси келмади. Борди-ю, шу гап рост бўлса-чи? Унда жуда уятли, биров эшитса кўнгли қоладиган иш бўлган экан-да. Ҳалимахон шуларни хаёлидан ўтказиб бир оз ўзини босди. Синовчан назар билан Баҳри холага қаради, Тагин ҳазил қилаётган бўлмасин.

— Хола,— деди Ҳалимахон,— гапингизга қараганда тоғангизнинг хотини ҳам анчагина зиқна, енгил экан-да. Бўлмаса...

— Ҳа, хасисликда ундан ўтадигани бўлмагандир. Қаҳратон қишда қорни қизғанадиган одам шу эди. Беандишялигини айтмайсанми! Вой, вой, вой... Тоғам шўрлик ҳам ўлиб кетди. Уша тўйни кўролмади. Тўйдан бир йил кейин келинойим ҳам вафот этди. Мана йигирма беш йил бўлибди, шунга.

— Тоғангизнинг хотини ойимга ким бўларди, хола?— қизиқиб сўради Ҳалимахон.

— Холасининг овсини эди-да. Тагин бу гапни Ойпошшага айта кўрма, зинҳор. Хафа бўлади. Ўзим ҳам ҳеч кимга оғзимни очмаган эдим. Ҳозир бир гап келиб қолди-да.

— Оғиз очмаган одам. Менга айтгансиз-ку,— деди ичкаридан Наима.

— Ҳа, сен ўзимникисан, нима бўпти.

— Хола, ойим атайин шундай қилганмилар?

— Вой болам, ойинг унақа хотинлардан эмас. Бир айби соддароқ, холос. Ұзи ҳам ўшандан кейин анчага-ча жиждат тортиб, баъзи тўй-ҳашамларга боролмай юриди.— Баҳри хола иккита мантини туккунча индамади,— ҳамма гап биз хотинларнинг эскича расм-русимизда. «Олинг қуда, беринг қуда» расми ўлсин. Мана мен...

Устма-уст қўнғироқ жиринглади. Яна алланима демоқчи бўлиб турган Баҳри хола шошиб қўлини сочиққа артди.

— Ҳой, Наима, келиб қолишди шекилли, чиқасанми?

Ичкари уйдан Наима чиққунча, эшик томондан машинанинг сигнали ҳам эшитилди.

— Овози бизникига ўхшамайди-ю,— деб қўйди Баҳри хола.

— Вой, овозидан танийсизми?— Ҳалимахон ажабланди.

— Ҳа, менга нима бўлибди. Кўчада юзта машина «ду-ду»лаганда ҳам ичидан ажратиб оламан.

Наима чиқиб дарвозани очаётган пайтда ичкари уйда телефон жиринглаб қолди.

— Ана айтмабмидим, янги йил меҳмонлари бирин-сирин эмас, бирваракай кириб келиб одамни шошириб қўйишади деб,— у ичкари уйга кириб, телефон трубкасини олди,— ҳа, ҳа... вой, мангини нимага қиялпмиз, болам, йўқ, қўйинг, ҳой, тезроқ келинг, соат тўққиз бўлди-я.

Эшик очилиб, тўладан келган, беш ёшлар чамасидаги болани етаклаб олган ёшгина жувон билан ўрта ёшлардаги йигит кириб келди. Баҳри хола уларга пешвоз чиқди.

— Вой бўйларингдан ўргилай, Санобархон, кел, эсонмисан, омонмисан,— у ўғилчанинг юзларидан ўпди,— қани, қани, пальтонгни менга бера қол,— Баҳри хола пальтони илмай йигитга қаради,— кел айланай, Воҳиджон, барвақтроқ келсаларинг бўлмасмиди? Ҳой, бу нима ўзи?— Баҳри хола Воҳиджон узатган катта, оғир тугунни зўрға кўтариб, ҳайрон бўлди.— Ахир нима қилиб шунча нарсани кўтариб юрибсизлар?

— Ҳеч нарса эмас, хола, арзимаган... Наимахоннинг туққанига ўша бирров келиб кетганимдан бери, фурсат тополмадим. Вақти-соати шу бугун етган

экан...— деди Санобар Ҳалимахонга боқинмоқчи бўлгандай сочларини чамбарак қила туриб.

— Янги йилга қолдирмай дебсиз-да,— кулди Ҳалимахон.

Воҳиджон ечиниб, шляпасини қозӣққа илди-да, стулга ўтирди.

Баҳри холанинг гаплари унга хотини билан уйда бир соатча қилган жанжалининг давомидек туюлди. Бўлган гапни ҳозир ўртага ташламоқчи ҳам бўлди-ю, ўзини босди.

— Аъзам қани, хола? — сўради Воҳиджон ўглининг ёқасини тўғриларкан.

— Дарров келаман дедди, ҳаяллаб қолди. Ҳалиги,— Баҳри хола томоғини чертиб кўрсатди,— ҳа, ўшанга кетувди. Ҳозир телефон қилди. Хом чучвара олиб бораими, дейди. Мантини ким ейди, дедим, ҳой Ботиржон, югур болам, ўртоқларинг нариги уйда, ўйин қилишяпти, бора қол.

Ботиржон севиниб нариги уйга кириб кетди.

— Ойи, Воҳиджон акам бу ёққа кириб ўтирсинлар,— деди Нима ичкаридан чиқиб.

— Йўқ, йўқ, меҳмонлар келишсин, бирга ўтирамиз, Наимахон.

— Ахир, сиз меҳмон эмасми? Юринг.

Воҳиджон таклифни қайтаролмади. Ичкарига, стол сатиғлик уйга кириб ўтирмади-ю, нариги хонага, арча атрофида ашула айтаётган болалар ёнига кириб кетди. Наиманинг катта қизи Матлуба укалари Бўстон, Гулбаҳор, Бахтиёрни, ҳозир келиб қўшилган Ботирни тўплаб, уларга озарбайжонча «Жўжаларим» қўшиғини ўргатиш билан овора эди. Пианинода чалинаётган куй гоҳ бузилар, гоҳ тақрорланар, ашулага қараб яна бошдан-оёқ қайтадан чалинарди. Воҳиджон болаларни бир-бир бағрига босиб, кўришиб чиққач, ўзи ҳам уларга қўшилиб кетди, уларнинг қистови билан ашуланинг сўзларини билмаса ҳам, нақоратини биргалашиб айта бошлади.

Воҳиджон болалар орасида акчагача ўтириб қолди. Буни ўзи ҳам сезмасди. Агар меҳмонхонадан кулги овозлари эшитилмаганда, яна қай вақтгача ўтирарди, буни билиб бўлмайди. У ашиқни очиб, бир гуруҳ эркак ва аёлларга дуч келди. Янги йил кечасини Аъзамнинг уйида ўтказишга таклиф этилган меҳмон-

лар эндигина ечиниб, уйга киришган, ҳали ўтиришга улгурмаган ҳам эдилар. Воҳиджон улар билан кўришиб чиқди, худди уй эгасидек меҳмонларни стол атрофига таклиф қилди. Бироқ ҳеч ким ўтирмади. Биров диванга, биров креслога, яна бири стулни суриб, чеккароққа ўтириб олди. Суҳбат бошланиб кетди.

Воҳиджон меҳмонларга чой олиб кириш учун манти тугилаётган хонага чиқиб, кутилмаган воқеага дуч келди: хотини Санобар бир чеккада жуда хомуш ўтирарди. Бошқалар ҳам жим. Воҳиджон фақат Наиманинг «ҳеч шу одатингиз қолмади-да, ойи, жим ўтирсангиз бўлмайдами» деб жеркиб берганини эшитиб қолди, холос. «Булар ўртасида бирон гап ўтганга ўхшайди, аралашмай қўя қолай» деган хаёл билан ўзини билмасликка олди.

— Қани, ўртоқ кампир, меҳмонларга чой берасизми? — деб, Баҳри холанинг яқинроғига борди, — манти деган жуда майда иш-да, анча чарчатиб қўйгандир-а, хола?

Баҳри хола орада ҳеч гап ўтмагандай, кулиб жавоб берди:

— Мана бунақа музхона, чанг ютадиган машина чиқарган заводлар нима бўлармишки, мантини ўзи тугиб, ўзи пиширадиган машина ҳам чиқарса.

Воҳиджон кулиб юборди. «Оббо кампир-е, бўлиб қолар» деб қўйди. Аммо бу кулгига Наима ҳам, Ҳалимаҳон ҳам қўшилмади. Санобар ҳамон бошини қуйи солганича мовий ранг жемперининг тугмасини ўйнардди. Унинг оппоқ юзлари қизариб, терлаб кетгандай йилтилларди. Воҳиджон Наима узатган чойнакни қўлга олиб, эшик тутқичини ушлаганида, Санобарнинг:

— Ботир қани, олиб чиқинг, Воҳиджон ака, — деган овозини эшитиб қолди. Воҳиджон ҳайрон бўлиб, хотинига ўғирилди.

— Вой, сизга нима бўлди, ўртоқжон, — деган Наима «кириб кетаверинг!» дегандай Воҳиджонга имо қилди.

— Ростимни айтсам, Санобар, — деди Ҳалимаҳон Воҳиджон кириб кетгач, — холам жуда тўғри айтадилар. У кишининг мана шундай маслаҳатларини эшитганимда, район советига билиб депутат қилиб сайлаган эканмиз деб қўяман. Ахир, сиз билан биз ўзимиз

тушуниб олишимиз керак-ку. Бизки, «эскича расм шу экан» деб индамай кетаверсак, тагин кимдан гина қилса бўлади. Қачонгача патнисга туршак солиб, бир сават нонни бошимизга кўтариб меҳмонга юрамиз. Ярашмай қолди шу, ўртоқжон. Худди меҳмонга чақирган одамнинг уйида нони ё меваси йўқдай, уни ҳақорат қилаётгандай бўлиб кўринади, билсангиз, — Ҳалимаҳон Баҳри холага қараб, яна нимадир демоқчи бўлиб турганида ичкаридан Воҳиджон чиқиб қолди.

— Нега Аъзамдан дарак йўқ-а? Машинасида кетибмиди? — сўради у Наимадан.

— Ҳа, келиб қолар, — жавоб қилди Баҳри хола.

Боядан бери хомуш ўтирган Санобар ўрнидан турди.

Эрига қаради.

— Ботирни олиб чиқинг.

— Ҳа, нима гап ўзи, тилчликми? — ҳайрон бўлди Воҳиджон.

— Кетаман.

Мантини қасқонга тераётган Наиманинг қўли ишга бормай қолди. Яхши гапириб, ялиниб кўрди, бўлмади. Авжи меҳмонлар йиғилиб, ўйин-кулги бошланадиган пайтда Санобар кетиб қолса... Воҳиджон ҳам хотини билан кетади-да. Онасининг «қўполлиги»дан бир хафа бўлса, дугонасининг арзимаган нарсага ўшшайиб, тулган ерини кесишидан баттар хафа бўла бошлади. Урта мактабда ҳам, кейин билим юртида бирга ўқишганда ҳам Санобарнинг шу одатлари қолмаган эди. Тўғри гапни ҳам ўзича тескари тушуниб аразлар, бир неча кун дугоналари билан гаплашмай юарди. Кўпинча «менинг билганим билган» деб ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасди. Санобар тўнғич қизини туққанда «бешикка солиш» ҳангомасини айтмайсизми? Гапириб берса бутун бир қисса. Воҳиджон жажжи каравотча олиб келди, бўлмади. Наима неча бор гапирди, тушунтирди, эплаёлмади. Унга «хўп» деди-ю, тагин онасининг «бешиксиз бўлармишми, қийналасан» дейишига лаққа тушиб, бешик тўйи қилмоқчи бўлди. Наима ҳам бўш келмади. Дугоналари билан Санобарнинг уйига бориб, обдан гапирди. Наиманинг кеннойиси врач Кимёхон бешикнинг бола тарбиясига катта зарарини айтиб бергандан кейингина Санобар ҳам, оналари ҳам

бир оз тушуниди. Бешик тўйи эмас, чақалоқнинг туғилганига катта зиёфат қилиб беришди. Санобар кейинчалик ўзи ҳам тушунди. У кейинги боласи Ботирни туққанда дугоналари ўртасида: «Бешикка солмайман, бола яйраб ётмаса ўсарминми», дегани ҳали Наиманинг эсидан чиққани йўқ. Мана бугун ҳам худди бешик воқеасига ўхшаб, ҳеч кимга қулоқ солмай ўтирибди. «Ҳамма касофат ишламай, уйда ўтириб қолганида» деб кўнглидан ўтказди. Наима Санобарга бирикки оғиз қаттиқроқ гапиришни ҳам мўлжаллади-ю, ўз уйида бўлгани учун индамай қўя қолди.

— Воҳиджон ака, Санобар, қани туринглар, уйга кириглар,— деди Санобарнинг қўлидан ушлаб.

— Йўқ, кирмайман. Ботир қани?

Воҳиджоннинг кайфи бузилди. Хотинига бир нарса демади-ю, Баҳри холадан сўради.

— Кампир, нима гап ўзи? Айтсангиз-чи!

— Нима гап дейсанми? Ноҳақ гап эмас, иннакейин, мендан чиққан гап. Хотинингни мен бир оз ранжитиб қўйдим. Ўзи ранжийдиган гап эмас-ку, билмаган одамга... Сенларни ким айтади тушунган, культурний ёшлар деб. Сен инженер бўлсанг, Санобар ҳам ўқиган... Тагларингда «Победа»-ю, қўлларингда қопдек тугун. Қаёққа? Меҳмондорчиликка, инженер Аъзам Азизовникига,— Баҳри холанинг гап келганда отасини ҳам аямайдиган, ҳаммасини очиб гапирадиган одати бор. Буни Наиманинг дугоналари ҳам, Аъзамнинг ўртоқлари ҳам, қариндош-уруғлар ҳам яхши билишарди. Ҳозир худди шу зайлда қўлини пахса қилиб сўзлай кетди,— тагин ҳам машина айбингни беркитибди. Бўлмаса тугунни шляпа устидан бошингга қўйиб келарминдиг?

Воҳиджон гапнинг тагига тушунди. Кулиб юборишига сал қолди. Бу ерга келишдан олдин, уйда хотини билан худди шундай гап бўлгани, Санобарнинг «бўлмаса бормайман» деб туриб олганидан кейин ноилож тугунни машинага ўзи кўтариб чиққанини айтиб юборгиси келди. Хотинини яккалатиб қўймаслик учун ўзини босди.

— Чақалоқни йўқлаганим йўқ девди-да, хола,— Санобарнинг ёнини олди Воҳиджон.

— Ийе, келиб-келиб мен сенга тушунтирмоқчиманми, баракалла-е...

— Йўқ, йўқ,— деди кулимсираб Воҳиджон,— мен тушунаман, фақат...

— Ҳа, нимасига тушунолмайсан?

— Оббо, кампир-ей, хўп, биз айбли, шуларни қилмасинми? — ҳеч нарса билмагандек сўради у.

— Ҳеч ким қилмасин деяётгани йўқ. Мана Санобарнинг ҳам олам жаҳон нарса қилибди, ҳимматига балли,— Баҳри хола бармоқлари билан санай бошлади,— чақалоққа кўйлак, туфли, жуда яхши. Устига бир кийимлик хонатлас ҳам қўйибди. Хўп, бунисига ҳам майли. Аммо ростимни айтсам, боя Санобарнинг кўнглига келади деб гапирмовдим, энди айта қолай, мана шу атлас ҳам кўрманага қилинган нарса, негаки, бир кунмас бир кун Наима ҳам худди шунақасидан қайтариши керак. Қани, қайтармай кўрсинчи...

Ҳамма кулиб юборди. Санобар тескари қаради. Ҳалимахон бўлса Баҳри хола бояги келин тушардаги жанжални айтиб қўймасин, гап баттар чуваллашиб кетади, деб юраги така-пука бўла бошлади. Воҳиджон Баҳри холанинг даккисидан ич-ичидан завқланаётган бўлса ҳам, ўртадаги ноқулайликни йўқотишга уринарди.

— Қайтармаса-чи? — кулиб туриб сўради у.

— Бўлиб бўпти,— деди Баҳри хола,— «Бор товоғим, кел товоғим, келишингда қуруқ бўлсанг, ўрта ерда син товоғим» деганни эшитмаганмисан? Мана, мен сенга бир нарсани айтай бўлмаса. Бир йили тоғамнижига, буни қара, сен келмасингдан аввал Ҳалимахонга худди шу тўйни гапириб турган эдим, таван қилиб, устига бир кийимлик сатинга ўхшаш кулранг газмол қўйиб борувдим. У менга шунга ўхшаш бир кийимлик қайтарди. Шу-шу бояги сатин эсимдан чиқиб кетди. Йўғ-э, эсдан чиқиш қаёқда дейсан, ўзим ўшани кўйлакка мўлжаллаб қўйган эдим, уч-тўрт йилгача ачиниб ҳам юрдим.

Яна кулги кўтарилди. Стулга ўтириб олган Санобар ҳам ўзини туголмади.

— Ҳа, куласанлар-да. Нима қиламан бекитиб, ростини айтаман-да. Кейин буткул эсимдан чиқиб кетди. Бир вақт қарасам, ҳой, орадан роса тўққиз йил ўтгандан кейин-а, шу десанг, уйимизда қандайдир йирин бўлди-ю, холамнинг қизи худди ўшанақа газмол қилиб

келса бўладими. «Меникининг ўзгинаси-я», дедиму, айрибошлаб уни сандиққа солдим. Орадан сал вақт ўтмай, ҳалиги газмолни олиб, ичини очиб қарасам, ўша-ўша ўзим қилиб борган кийимлик. Қаердан билдинг десангиз, бир чеккасига ўсма тўкилиб: икки қаватига сингиб кетган эди. Ҳайрон қолдим. Тўққиз йил-а, энди кўйлакка бўлмайдю, кўрпачага авра қиламан деб, бундоқ ёзиб кўрарманми, тахлоқли турган жойларидан узилиб тушса бўладими. Вой ордона қолсин, дедиму, ҳафсалам пир бўлди, бўлиб-бўлиб рў-молча дейсанми, сочиқ дейсанми — шунақаларга ишлатдим. Кейинчалик ундан-бундан суриштириб билсам, ҳалиги кийимлик тўққиз йил ичида бирамас роса ўн еттита тўй-ҳашамни кўрибди. Шу-шу «олинг қуда, беринг қуда»дан қўлимни ювиб, қўлтиғимга артганман.

— Қойилман, кампир. Гап гапирганда ҳам михлайдиган қиласиз-да, — деб қўйди Воҳиджон.

— Хўш, гапга келайлик. Майли, Санобар атлас қилиб келибди. Буниси ҳам ёмон эмас. Энди мана бу бир дастурхон нони нимаси эди. Ошнинг қуруғи-чи. Гуручи-ю ёғидан тортиб, сабзи, пиёзу тузигача. Бу нимаси? Сочқи деб олган меваларини гапираётганим йўқ. Қани, ўзинг ўйла, айланай Воҳиджон. Мана мен шунисини гапирдим. Борадиган жойимда ошга масаллиқ йўқ, бизни кутиб ололмайди, дегани бўлади-да. Йўқ, ундай эмас. Турмушимиз мана, ойнадай равшан. Ҳеч нарсага муҳтожлигимиз йўқ. Саватда нону ошнинг хомини кўтариб юриш ярашмай қолди. Бу ҳам баяги кийимликдай боради, келади. Ўрта ерда дастурхону одам овора, трамвайда туртки еганинг ортиқча... Хафа бўлсаларинг ҳам, бўлмасаларинг ҳам мен шунга қаршиман.

— Хўп, кампир, хўп дедик-ку, — деди ялингансимон Воҳиджон, — ошнинг хомини қайтариб олиб кетамиз, — у кулиб Санобарга қаради, — ҳали шунга шунчаликми, қўяверинг, Санобархон, ёнимизга қоладиган бўлди.

— Ёнингга-ку қолмайди-я, келган нарсани олиб бўпсан-ку, — деди ҳазил тоифа Баҳри хола, — сирасини гапирдим-да. Қўйинглар шу одатни. Ярашмай қолди, болаларим.



Эшикдан почтальон кириб келди. Наимага қўл қўйдириб, учта телеграмма ташлаб кетди.

— Қани, ўқи, Воҳиджон!— деди Баҳри хола телеграммаларни унга узатиб,— буни қара, кўзим учиб турувди-я.

— Оҳо, иккитаси сизга, хола, бири Москвадан, келингиз Кимёхон, ўғлингиз Тоҳирдан, иккинчиси район Советидан. Мана бу Наималарга, алоҳида юборибди, Тоҳир.

— Барака топишсин. Ўзлари ҳам янги йил, янги ойларга ўйнаб-кулиб етишсин,— деди кампир ғурур билан, қошларини чимириб. Унинг бу сўзлари ўтирганларга «кўриб қўйинглар, хизмат ҳам қилдик, роҳатини ҳам кўряпмиз» дегандай бўлиб эшитилди.

Аъзамнинг кириб келганини ҳеч ким сезмай қолди. Қўлидаги оғир сумкаларни қўяр экан, Наимага :

— Машинадагиларни олиб келинг,— деди.

Аъзам олдин Санобархонга қўл узатди. Воҳиджон ҳам, «ҳа, энди қалайсан» демоқчи бўлиб турган Баҳри хола ҳам Санобарнинг юзида иссиқ табассумни кўриб, гапни бошқа томонга буришди. Аъзам сумка ичидан бир пакетни олиб стол устига қўйган эди, Баҳри хола «войдод» деб қичқариб юборди. Ичкаридагилар ҳам югуриб чиқишди. Пакетдаги иккита катта балиқ сувга шўнғигандек шалоплаб полга тушиб, сакрай бошлади. Баҳри хола қўрққанидан ранги қув ўчиб кетган эди. Анчагача шу ҳолатда ўтирди. Уйни жаранглатиб юборган кулги арча атрофидаги болаларни ҳам ўзига тортди.

— Қаёқдан тутдингиз буни, болам?— сўради Баҳри хола Аъзамдан.

— Магазиндан.

Ҳамма ичкари уйга кириб, ясатилик стол атрофига жойлашди. Соат 12. Матлуба арчани ёқиб юборди. Унинг учидаги шифтга тегай деб турган юлдуздай нур сочиб янги йил кириб келди. Ҳамма ўша томонга бир қараб олиб, қадаҳ кўтарди, бир-бирларини қучоқлаб кўриша кетди. Кечаги бадавлат турмуш, бундан ҳам тўкин-сочинлик, фаровонлик, нурли келажакни яққол кўриб турган Баҳри холанинг кўзида секинч ёшлари пайдо бўлди. Билинтирмай секин артиб олди. Худди Баҳри хола айтгандай, «ўртоқ кампирнинг соғлиғи учун» деб, қайта-қайта ичишди. Радиола устидаги

пластинка тез-тез ўзгарар, стол бир чеккага йиғиштирилиб, ҳамма жуфт-жуфт ўйинга тушиб кетди. Бир рюмка шампанское ичиб, кўзи жимирлаб ўтирган Баҳри жола Ҳалимахонга деди:

— Айтмабмидим, қайнанангни олиб келганингда анча ёзилиб, баҳри очиларди.

*Февраль, 1954 йил*

## ҒҶЗАЛ

Нима гўзал?

Баҳорнинг оромбахш, мусаффо шабадаси эсиб турганда, боғлар, яшил майсазор, ранго-ранг товланган гулларнинг манзарасими? Тоғ-тошлар оша ҳайқириб кенг дарёнинг қирғоқларидан тошиб оқаётган зилол сувнинг қуёш нуридаги жилвасими? Тик қомати Ильич нурларида порлаган, чўққиси булут билан ўпишай деб турган муҳташам бинонинг салобатими, қайиқлар сузиб юрган Ўл тепасидаги камондек кўприк ёки танца майдонида янграётган шўх куйининг садосими? Ёхуд, тўлалигидан бўгинлари кўринмай кетган жажжи бармоқлари билан меҳрибон онасининг кўксини ушлаб, тўйиб-тўйиб эмаётган гўдакнинг митти кўзлари, кулча юзларидаги кулгими? Ҳали муҳаббат бўсасининг лаззатини тотиб кўрмаган икки ёшнинг, қалблари бир маромда ураётган йигит ва қизнинг сўйдин кечада, сув ёқасидаги «сирли» суҳбати, юзларидаги ҳаяжоними?

— Ҳа, ҳаммаси гўзал! Фақат..

Мақсуднинг тоқати чидамади. Узи ўйлаган, йўқ, ўйлаган эмас, ўйлашга мажбур қилган саволга шу жавобларни топди-ю, барибир кўнгли тўлмади. Иш устида узоқ ўтириб, қаттиқ чарчаган каби диққинафас бўлди, охирида бировга сўзлаётгандек: «Фақат...» деганича, креслодан туриб, диванга бориб ўтирди, гилмануся жилдли кичик парёстиқни қўлтиғига қисиб, ёнбошлади. Яна ўйга толди.

Ижод қилувчи кишининг хаёлидай ўйноқи, ширин

ва инжиқ хаёл бўлмаса керак. Бутун вужуди фикрлаш билан банд бўлиб, чиройли бир бадий воситани пиштиб турганида, арзимаган сўз ёки воқеа эсига тушади-ю, фикрини бузиб юборади. Кўпинча ишнинг белига тепади. Бироқ ҳозир Мақсуднинг хаёлини бўлган — «Нима гўзал?» деган савол унинг ижодига халақит бериш эмас, чуқурроқ ўйлаб қараса, бевосита тааллуқли экан. «Рассом ҳаётнинг бутун икир-чикирларини инидан-игнасигача билиши керак. Бусиз бадий асар яратиб бўлмайди-ку ахир, нега мен?..»

Мақсуд икки ҳафтадан бери бир неча марта ўқиб чиққан, ҳар галгисида авайлаб, тахини бузмай ўша кўк конвертга солиб қўйган бир парча қоғоздаги сатрларни яна кўздан кечиргиси келди. Саволнинг туғилишига ҳам, Мақсудовнинг бош қотиришига ҳам ана шу хат сабаб бўлган эди.

«Чизган расмларингиз жуда гўзал, кишининг баҳрини очадиган. Иқрор бўлайликки, шундай гулли крепдешиндан кийганмиз, ҳосил тўйимизда ҳаммага кўз-кўз ҳам қилганмиз. Истар эдикки, сиз яна янги нусхалар — гўзал ҳаётимизни яратган асл гўзалликни акс эттирадиган расмлар чизсангиз... Тонг билан баб-баравар ғунчасини очган, шудрингнинг марварид доналари ҳали юзидан тушмаган қизил атир гулни узиб кўрганмисиз? Уша гул шу ҳолича қиз-жувонларнинг кўксига, ҳарир кўйлакка тақиб қўйилганда кўкрак бурмасига йилтиллаб тушган шудринг томчисини-чи? Билингки, гулнинг гўзаллиги ҳам инсоннинг гўзаллиги туфайлидир. Ижодингизда муваффақиятлар тилаймиз. Андижонлик пахтакорлар».

«Пахтакор қизлар, — ўзича такрорлади Мақсуд, — худди адиблардек ёзишибди-я. Ҳа, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Эллик, саксон, юз центнерлаб оқ олтин етиштирган санъати қайси бир адибнинг меҳнатидан қолишади? Содда сатрларида бир олам мазмун бор-а. Бу илтимос эмас, ҳақли талаб. Агар Назаровнинг ўша фикрига қулоқ солмаганимда, эҳтимол, бундай хатлар менинг номимга ёзилмаган бўлармиди».

...Мақсуд билим юртини тамомлаб, фабрикага келганида биринчи марта ип-газлама учун чизган расми эслади: расм бадий кенгашда анча тортишувларга сабаб бўлди. Биров ёш авторнинг тўнғич ишини мақтади, биров камчилигини кўрсатди. Бадий кенгаш аъзо-

си рассом Назаров шундай деди: «Расм ёрқин эмас, тутун орасидан кўриниб турганга ўхшайди. Автор ҳали ёш, у ҳаётни яхши билмайди. Икки-уч йил ўтиб, камолга етганида, камчиликларини ўзи ҳам тушуниб олар». Бу гап унга жуда қаттиқ сотди. Муҳокама сўнггида, қип-қизариб, бошини қуйи солганича «тўғри» деди-ю, секин жойига ўтирди. Ташқарига чиққанда севгилиси Назмихонга дуч келди. Унинг кулиб туриб: «табриклайман» дегани ҳам мазах қилаётгандай бўлиб эшитилди. Уша кечаси бамисоли ўт бўлиб ёнди, шифтга тикилганича мижжа қоқмай тонг оттирди. Шунда биринчи бўлиб ҳолидан хабар олган Назмихон бўлди. У эрталаб барвақт эшикни тақиллатди.

— Салом, Мақсуд ака, ҳорманг,— Назмихон Мақсуднинг авзойини биринчи қарашдаёқ пайқади-ю, ўзини билмасликка олди, дилхушлик билан кулиб гапира бошлади,— тагин ишладингизми, дам олсангиз бўлмасмиди?

— Энди умр бўйи дам олсам ҳам бўлаверади...

— Тушунмадим,— деди Назмихон ва стол ёнига бориб, бепарво ҳолда альбом кўра бошлади.

— Тушунмаганингиз яна яхши,— терс жавоб қилди Мақсуд.

— Нималар деяпсиз, Мақсуд ака?

— Рассомликни эпполмас эканмиз деяпман, тушунарлими?— Мақсуд ўрнидан туриб, дераза ёнига борди, кўча томонга тикилди.

— Вой-вой-вой,— Назмихон кўзларини катта очиб, унга яқинлашди,— ҳали шунга-я?

— Қўйинг, Назмихон, энди сиз ҳам кулмоқчимисиз?

— Сиз йиғламоқчимисиз бўлмага. Ким айтади сизни фронтовик, иродаси кучли деб?

— Ироданинг бунга нима дахли бор?

— Танқидни кўтаролмасликни нима дейиш керак?

— Назмихон?!— Мақсуд жаҳл билан унинг юзига тик қаради, бир нарса демоқчи бўлиб турганида, Назмихон тўхтатди.

— Шошманг, Мақсуд ака, қизишманг,— Назмихон Мақсуднинг феълига аллақачон тушуниб, ўрганиб қолган. Ахир икки йилда... қай вақтда кулги, ҳазил билан енгил, қай вақтда нозли аразу, ундан баланд келишни яхши биларди. Билардигина эмас, шунақанги

пайтларда Мақсуднинг шаҳд билан сўзлашлари, қизиқ-қонлик қилишларини ёқтирарди ҳам. Жаҳли чиққанида юзлари оқариб, кўзлари қинидан чиқиб кетай дейдиган, бировга сўз бермайдиган Мақсуд бўлса қаршисида индамай унинг сўзини тинглаб турган Назмихонга қараб қўярди-ю, мумдай бўшашарди. Бунга ўзи ҳам тушунолмасди. Очиқроғи, шунисига ўзича қойил қоларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Назмихоннинг «қизишманг» дегани уни итоаткор қилиб қўйди,— мен сизга бир нарсани айтмай, — деб сўзини давом эттирди Назмихон,— рассомнинг ижодига баҳо берувчилар фабрикамиздаги гул босувчилар бўлади. Буни яхши биласиз. Мана бугун фабрикага кириб, бир айланиб чиқинг-а, нималар эшитаркинсиз.

— Нималар бўлиши мумкин? — қизиқиб сўради Мақсуд, — айтинг, Назмихон.

— Айтмайман, ўзингиз эшитганингиз яхши.

— Назмихон, нима гап ахир? — Мақсуднинг юзлари бундан бир неча дақиқа аввалгисига сира ўхшамасди, бирдан ўзгариб кетган эди.

— Айтмайман дедим, айтмайман, — Назмихон эржаланиб шундай деди-да, Мақсудни икки қўлидан ушлаб, юзларига суқланиб тикилди, кулиб туриб хайрлашди, — ўн минут қолди, кечиринг, — у эшик ёнига бориб, яна қўл силкиди, бармоқларини лабига олиб борди.

Бир нафас қимир этмай қолган Мақсуд ўйчан кўзларини эшик тёмондан узмади, кейин стол устидаги рамкага, чап елкасига иягини қўйганича ёнига ўгирилиб турган расмга — Назмихоннинг портретига тикилиб қолди. «Мени юпатмоқчимми? Йўқ, ундай қиз эмас. У ақлли, дид-фаросати бир рассомниқидан қолишмайдиган қиз. У мени алдаса, ўзини алдаган деб биладиган вафодор қиз. Мен буни яхши тушунаман. Умр бўйи унга ишонаман». У расм билан сўзлашгандай бўлди.

Барибир Назаров анча вақтгача Мақсуднинг кўзига ёмон кўриниб юрди. Хизмат юзасидангина учрашганларида гаплашмаса, бошқа вақтларда ундан ўзини четга оладиган бўлиб қолди. Шунга қарамай, ижодий командировкаларидан ташқари, меҳнат отпускасини ҳам ижодий ишга — ҳаётни ўрганишга бағишлади. Мамлакатимизнинг серманзара шаҳарлари, боғлар, ўрмонлар, кенг пахтазорлар, яйловларда бўлди. Қора денгиз ёқа-

сида, машжур ботаника боғида салкам уч ой турди. Ҳаммасидан муҳими — табиатни ўзгартирувчилар, совет кишиларининг мазмундор ҳаёти, уларнинг ўсиб бораётган талаб, истакларига кўпроқ қизиқди.

Мана, орадан санкиз йил ўтди. Мақсуд читга эмас, ипак газламаларга мураккаб расмлар чизадиган бўлди. Энди унинг ўзи ҳам бадий кенгаш аъзоси. Рассомларнинг ижодий ишлари муҳокама қилинаётганда Мақсуднинг фикрига алоҳида эътибор беришади. Унинг қизил духоба муқовали альбомида ўша биринчи чизган расми ҳам, шу нусха туширилган газламанинг қийқиндиси ҳам сақланган. Тагига Назаровнинг айтганлари сўзмасўз ёзиб қўйилган. Мақсуд кўпинча, юқоридаги сингари хатлар олганида, альбомни очади-да, унга тикилиб қолади, худди бировдан уялгандек кулиб қўяди. Афсуски, Назаров бу ерда эмас, Ленинградда. Бўлмаса Мақсуд унинг ёнига борарди-да, бўйнидан гўдақлардек қучоқлаб «раҳмат сизга, аччиқ танқидларингиз билан ижодий ўсишимга ёрдам бердингиз» деб, юзларидан қайта-қайта ўпарди. Назаров билан хат ёзишиб туради-ю, миннатдорчилигини қоғоз юзида тўла ифодадай олманидан ачинади. Пахтакор қизларнинг хати унга яна Назаровни эслатди.

Бундай хатлар Мақсудни жуда қувонтирарди. Кўпинча у турмуш ўртоғи, читга гул босиш фабрикасининг мастери Назмихон билан бирликда ўқиб чиқар ва унга қараб, «бу гаплар ёлғиз менга эмас, сизга ҳам тегишли, хоним», деб кулиб қўярди. Бироқ бу галгисини — пахтакор қизларнинг хатини нима ваяндандир Назмихонга кўрсатмади. Баҳор-ёз мавсуми учун мўлжалланган янги нусхали газламалар виставкасидан кейин бадий кенгаш худди шу мактубда кўрсатилгандек расм тайёрлашни Мақсудга топширди. Бир ҳафтадирки, Мақсуд шу иш билан банд. Буни Назмихон билади. Фақат у хатдан беҳабар. Эҳтимол, Мақсуд хотиним рашк қилмасин деган хаёл билан ундан яширгандир. Эр-хотин ўртасидаги баъзи нозик сирларни билиб олиш жуда қийин-ку, ахир. Ҳарқалай, бунинг сабаби бизга ҳозирча номаълум. Маълуми шуки, Мақсуд ҳамон саволга жавоб тополгани йўқ. Унинг назарида табиат гўзаллиги ҳақида тўла тасаввурга эга экану, аммо инсоннинг ҳаётидаги, ички дунёсидаги гўзалликни — қалбнинг поклиги, садоқат, муҳаббат, ростгўйлик ва шунга

Ўхшашлардан иборат деб юрар экан. Хатдаги гапларнинг маъноси бошқачага ўхшайди.

Мақсуд иш столи ёнига ўтирди, конвертни тортмага солиб, папкани очди. Бир ҳафтадан бери чизаётган қизил гулнинг тўққиз хил вариантыни ёнма-ён қўйиб тикилди. Узоқ тикилди. У ҳозир ўзини гулзорда туриб, қайси бирини узишни билмаётгандек ҳис қилди. Гулнинг расмини чизиш унчалик қийин эмас, ўзи ҳам неча бор хилма-хил гулларни чизган, бошқа рассомларникини ҳам кўрган. Бу галгиси худди пахтакор қизлар айтганидек, эндигина очилган, диркиллаган гунча баргларида шабнам доналари йилтираб турган бўлиши керак. Мана шуниси анчагина меҳнат талаб қилади.

Очиқ деразадан баҳор оқшомининг манзараси кўзга ташланиб турибди. Кўп қаватли биноларнинг жимжимадор тўрпардалари ҳилпираб турган деразаларидан ёқимли куй, шўх ялла, қаҳқаҳаларнинг садоси таралмоқда. Ҳув узоқда, кенг асфальт кўчада қушдай учиб бораётган қатор машиналар, унинг ортида, яшил ўрмондек қуюқ дарахтзор ичида баҳайбат бинолар, тўқимачилик корхоналари, стол устида турган, битай деб қолган ана шу гул эрта-индин худди шу корхонага тушади. Моҳир қўллар уни металлга кўчиради, ундан газламага ўтади. Қарабсизки, бахтиёр қиз-жувонларимизнинг эндида баҳорнинг биринчи гули яшнаб кетади.

Майин шабада столдаги расмларни сийпаб, уларга жон киргизгандай бўлди. Икки қўлини бошига қўйиб ўтирган Мақсуд мийигида кулди, шабада уни «қани, бўлинг» деб қистаётганга ўхшарди. Расм-ку тайёр-а, фақат алланарса етишмай турибди. У шундай сирли деталки, сира тутқич бермайди. Мақсудни роса уч кундан бери қийнайди. Агар у ўз ўрнини эгалласа, рассом ўйлагандек бир қарашдаёқ юракни жиз эттириши турган гап...

Тун ярмидан оғди. Рассомнинг энг севган дамлари — жимжитлик ҳукм сурмоқда. Шу пайт, эшик қия очик қолган шекилли, қўшни хонадан Умиджоннинг уйқусираб айтган гаплари қулоққа чалинди. Мақсуд бунини эшитса ҳам, фикрини бўлмаслик учун қайрилиб қарамади. Ўғилча алланималар деб, яна пишиллаб уйқуга кетди.

Эшик очилиб қолмаган экан. Уни Назмихон очибди.



Умиджоннинг овозига уйғонганми ё ўзининг уйқуси қочиб, тирқишдан тикилиб ётибдими, билиб бўлмайди. Эшикнинг кичкинагина ёруғидан қоронғи уйга, Назмихон ётган ўрин устига мовий ранг шуъла тушиб турибди. Назмихон ўз каравотининг бош томонини атайлаб худди шунга мослагандай. Қизлигида қорачадан келган, озгин, «мен ҳам семирармиканман» деб юрадиган Назмихон кейинги йилларда анча ўзини қўйди, буғдойранг юзлари тўлишиб, кўзлари мужгон бўлиб қолди. Ана у, тим қора сочларини ёстиқ узра ташлаб, каравот билан битта бўлиб ётибди. Мақсуднинг столидаги ҳаворанг абажурнинг ипак шокилалари орасидан ўтган нур унинг пешанаси тепасидаги ўримга кирмаган жингалак соч толаларида ўйнамоқда. У, мана шундай пайтларда, сокин кечада, эрининг ишлаб ўтирганини завқ билан кузатар, унга халақит бермаслик учун ётган жойида ҳам қимир этмас, Мақсуднинг хонасига пашша учиб киришини раво кўрмасди. Ўзини эри билан баб-баравар ишлаётгандай ҳис қиларди.

Асар тугаб, ўз қўлига олиб кўрганида Мақсуд билан ёнма-ён туриб қувонар, кечалари уйқуси ўчиб кетганини ҳам унутарди. Ҳар бир янги расм — Мансуровлар оиласининг янги қувончи бўларди. Дугоналари ундан: «Мақсуд акам қандай қилиб расм чизадилар!» деб сўраб қолгудай бўлса, шундай завқ билан сўзлаб берардики... юрагига сиғдирилмасди. У ўзича қаерда, ким бўлмасин, шу тўғрида сўрашини истарди. Фабрикадагилар Мақсуд чизган янги нухани қўлга олишлари ҳамано, дув гап тарқаларди, ўша кун икки кечқурун Назмихон эри билан парк, кинога чиққанида, бора-боргунча, кела-келгунча бўлган гапларнинг ҳаммасини унга айтиб берарди.

Ана у, бир вақтлар Назмихон кўз ёшлари билан рўмолчасини шалаббо қилиб, фронтга кузатган севгилиси Мақсуд. Ушанда у: «Йиғламанг, ўзингизни тутинг» деган эди. Йиғламай бўлармиди?.. Бирданига олти ой хат келмай қўйди. Назмихон тиқ этса кўзи тўрт бўлиб неча-неча кечаларни уйқусиз ўтказди. Хат-хабар келишини зориқиб кутар, почтальон эшикни эмас, унинг қалбини тиқиллатарди, Мақсуднинг «тинч яшайдиган, ижод қиладиган кун яқин қолди» деб ёзган бир парча хатини у то Мақсуд билан кўришгунча сақлаб юрди.

Назмихон ҳозир шуларни эслади-ю, ўрнидан туриб бориб, эрининг бўйнидан қучоқлаб олгиси келди. Узини босди, узун-узун бармоқлари билан қуюқ сочларини тараб бошини қуйи солганича энгашиб ўтирган Мақсудга тикилди, яқиндан буён икки чаккасига оралаган оқ соч толаларини шундоққина кўриб тургандай бўлди. Чарчоқ юзларига ачинди. Ҳалқа-ҳалқа бўлиб кўтарилаётган папирос тутунлари Назмихоннинг хаёлини бўлди. Мақсуднинг «ётоқхонага тутун кирмасин, хоним» дейишлари эсимга тушиб секин ўрнидан турди-да, эшикни зичлаб қўйди.

Тонг ёришай деяпти, туни бўйи беғубор осмонда чарақлаб турган юлдузлар худди шамол учиргандек бирин-кетин сўна бошлади. Мақсуд кофе чойнагини плитага қўйиб, дераза ёнига борди, дарпардани икки томонга илиб, шаҳарнинг тонг палласидаги манзарасини томоша қила бошлади. Муздек шабада юзларига урилиб, совуқ сувда ювингандай роҳат қилди. Туни бўйи чироқ нурида товланган расмни энди, ёруғда бир кўздан кечирмоқчи бўлди. Стол устидаги бошқа вариантларни тахлаб, тайёрини, битказгандан кейиноқ кўздан яшириб қўйганини қўлига олди, дераза ромига қўйиб бир қадам орқага тисарилди, расмга тикилиб қолди. Юрак уришлари: «Мана буниси кўнгилдагидек» деб турганини сизди. Дайди шамол миясидаги фикрларни аллақаяёқларга олиб қочди, қимир этмай туриб қолди.

Назмихон қаёқдан сезибди экан. У эшикни секин очиб, оёқ учиди Мақсуднинг ёнига келди. Узини сездирмасликка уриниб кўрди-ю, бўлмади.

— Во-ой... — деб юборди Назмихон ва қўлларини юзларига қўйиб, деразага яқинлашди, кейин расмни қўлига олиб кўра бошлади. Кўрди эмас, гулзордан гул узиб олгандай бўлди. Чўчиб тушган Мақсуднинг севинчи юзларига бўртиб чиққан эди, у ўзини чеккага олиб, хотинини кузата бошлади. Назмихон ўйноқи кўзларини расмдан узмай беихтиёр эрига ташланди, унинг кўксига бошини қўйиб, елкалари, сочи, юзларини силади, унинг, «Мақсуд ака, Мақсуд... ака...» деган майин овози ҳозир жуда ҳам жозибали эди.

Мақсуд хотинини креслога ўтқазди, одатдагидек «маъқулми?» дейишнинг ўрни қолмаган эди. У тортмасидан кўк конвертни чиқарди-да, унга узатди. Назмихон шошиб хатни ўқий бошлади.

— Пахтакорлар... бирам чиройли ёзишибдики... Қачон келди бу?— сўради Назмихон.

— Уша виставкага келган... Кечиринг, шу вақтгача сизга кўрсатмаган эдим.

— Ҳечқиси йўқ, нима бўпти?

— Ҳечқиси йўқ эмас, борлигидан кўрсатмовдим.

— Тушунолмадим. Мақсуд ака, бу нимаси...

— Назмихон,— деди Мақсуд ялинган оҳангда ва креслосини унинг ёнига суриб ўтирди,— расмни-ку, чиздим, уларнинг илтимосини бажардим...

— Бажарганда ҳам қандоқ...

— Хўп, фақат мана бу жумласига тушунолмадим: «Гулнинг гўзаллиги ҳам инсоннинг гўзаллиги туфайлидир...» Шунга ўзим жавоб топмагунча кўрсатмай дегандим.

— Вой-вой-вой, қап-катта одам, бир ўғилнинг отаси,— Назмихон эрининг ҳаяжонли юзларида аллақандай маъно ўқигандай бўлди,— истиҳола шунчамми?

— Назмихон?!

— Вой-вой, ростдан айтяпсизми? Сиз ижод қилмасангиз расм шунчалик гўзал бўлармиди?

— Меҳнат денг?

Назмихон Мақсуднинг кўзига ҳеч вақт ҳозиргидай ақлли, меҳрибон бўлиб кўринмаган эди. У хотинининг чақнаб турган кўзларига тикилиб, оҳиста такрорлади:

— Дарқақиқат, меҳнат...

Идишдаги сут тошиб кетди. Эшикни очиб, яланғоч Умиджон кириб келди. Узоқдан машинанинг сигнали эшитилди.

Май, 1954 йил

Поезд келганда бир нафасгина гавжум бўлиб турадиган кичик станцияга юк машинаси келиб тўхтади. Ундан бир неча аёл ва эркаклар тушиб, шинамгина перрондаги скамейкаларга ўтиришди. Машина тўхташи билан бўлиниб қолган бояги кулги эркакларнинг қаҳқаҳалари билан яна жаранглаб кетди. Афтидан, йўлдаги аскиянинг пайрови тугамаган, энди авж ола бошлаган эди.

— Нега келмади дейишса нима дейсиз, Марҳаматхон?

— Гўдаклар билан ўралашиб қолди, дейдилар-да...

Яна кулги кўтарилди. Марҳамат ҳам юзини тескари буриб, кулиб юборди. «Иш билгандан кейин гап ҳам билсангиз нима бўларди», дегандек эрига қаради. У ҳам, ноилож мийигида кулар, ҳадеганда оғзига аскиябоп бир сўз кела қолмаганидан тажанг эди.

Узоқдан паровознинг овози эшитилди-ю, аския тўхтади. Эркаклар чамадонларни қўлларига олишди. Ҳамма Марҳаматни ўраб олди.

— Ҳой, албатта ёзинг-а, эсингиздан чиқмасин,— деб илтимос қиларди атлас кўйлакли жувон,— кўз тикиб тураман-а.

— Ўзи қип-қизил бўлсин, хўпми, ойи?— жаврарди думалоқдан келган Талъатжон.

— Саидалига бир қоп сўрғич посилка қилинг, бу ерда тополмай юрмасин тагин,— деди боядан бери аския қилаётган пакана, семиз йигит. У бошқаларга қўшилиб ҳиҳилаб кулар экан, йўғон камар боғлаган қорни селкилларди.

Марҳамат кулги орасида ҳамма билан қўл олиб хайрлашди. Угли Талъатжонни бағрига босиб, қайта-қайта ўпди, автомобилча олиб келишга ваъда қилиб, уни зўрға бағридан чиқарди. Саидали чамадонларни кўтариб вагонга чиқди. Марҳамат унинг кетидан зина-пояга оёқ қўйиб, пастдагиларга ўгирилди, кулиб туриб қўл силкиди. Эри билан вагоннинг йўлагига хайрлашди.

— Тезроқ туша қолинг, ҳали буни ҳам аскияга олишади, — деди Марҳамат лабларини қимтиб.

Поезд қўзғалди. Деразанинг шойи дарпардасини суриб, ташқарига тикилган Марҳамат анча жойгача дуррачасини силкиб борди. Уни кузатгани чиққан ҳамқишлоқлари, дугоналари, Талъатжонни елкасига кўтариб олган Саидали, кичик станция ортда қолди. Энди визиллаб ўтиб бораётган симёғочлар, яшил далалар, боғроғлар, иморатлар кўринарди. Марҳамат купега кирмай, коридорда, очиқ деразадан кираётган шамолга юзини тутиб узоқ туриб қолди. Ҳаяжонданми, куннинг иссиғиданми, яхшигина терлаган эди. Шабада унга совуқ сувда ювингандай ёқарди. Пешана сочлари тўзғиб юзига тушди. Қовоқлари солиниб, катта-катта, тиниқ ўйчан кўзлари кенг пахтазор бориб туташган уфқгача тикилди. Энди кўзига уйлар, боғлар, ундан нарироқдаги кенг дала эмас, ўша уфқ, унинг орқасидаги алланарса кўрина бошлади. Назарида ҳозир поезд ўша томонга ошиқаётибди, шундай айланиб боради-ю, худди Марҳамат тикилиб тополмаётган жойдан чиқадигандай. Бундан бир неча соат аввалги гурунлар, кузатгани келган меҳмонларнинг суҳбатлари ҳам қулоғига кирмай, сафар анжомларини ҳозирлаш ташвишлари, аллақандай ҳужжатни, сўнгги йилларда тутган ва муқоваларигача ёзув бўлиб кетган блокнотини қидириб топгунча хуноб бўлиб кетгани, машинадаги аския, кулгилар — ҳаммаси ҳозир шу манзара таасуротларига қўшилиб кетди.

Қизиқ. Нега шундай бўларкин? Марҳамат-ку, эсини таниганидан буён неча-неча шаҳарларни кўрди, сафарга энди чиқаётгани йўқ. Москвага ҳам бир неча марта борган. Бироқ ҳар галгисида ҳам ҳозиргидай бўлар, қишлоғидан чиқиб поездга ўтирарди-ю, аллақасери жиз этиб кетарди, ҳаяжон босарди. Анча йўлгача худди энди қишлоғига қайтиб келмайдигандай ҳаммасини бир-

бир хаёлидан ўтказарди: «Умарали укаларига қарай олармикин? Бўшлигидан куйдим-да. Бу тенги болалар уй-жойни бемалол эплаб ўтиради-ю, бу бўлса... туюқ бу ёққа қолиб, қозонга кастрюлнинг қопқоғини ёпади. Дазмолга эҳтиёт бўлса бас. Шунга ҳам ҳали яхши ўрганиб олгани йўқ. Раънонинг лентасини куйдириб қўйганига ўхшаб... Дазмолни электрдан суғурмай, китобми, журналга берилиб кетса-я?.. Тавба, мактабда аълочи, актив дейиша, колхоздагилар хўп одобли бола-да, деб мақташса-ю, уй-жойга шунчалик бўш бўлса, еттинчи синф ўқувчиси-я. Бир ҳисобда тўнғичнинг қиз бўлгани ҳам яхши экан, ҳадемай ённингга киради-қўяди. Шунангидан пайтда уйнингда кампиринг бўлмагани жуда билинади-да. Яхшики, Саидали акам уй-жойга бепарво қарайдиган эркаклардан эмас, бўлмаса... у ҳам эрталаб чиқиб кетади, тушки овқатга келмаса, кеч қоронғисида қайтади... Ҳаҳ, эсим қурсин-а, Талъатнинг костюмини айтмабман-а, салқин тушиб қолса... Умаралининг эсига келармикин? Машиначининг ўзи келтириб бермасмикин? Кетаётганимни эшитди-ку, наҳотки... Шуларни ўйлаб турди-да, худди биров унга «бошингизда шунча жамоат иши турса-да, сиз қаёқдаги дазмол, сигир соғишнинг ташвишини қилсангиз» деяётгандай бўлди. У ўзига ўзи жавоб берарди: «Ҳа, оналар шундай. Бундан шахсий ҳаётини жамоат ишидан устун қўяди деган маъно чиқмайди. Йўқ, асло бундай эмас. Аммо улар қандай масъул ишда бўлмасин, фарзандлари, уй-жойи ҳақида эркаклардан кўпроқ ўйлайди. Ўзи бош бўлган колхоз ёхуд бригада аъзоларининг мажлисини ўтказиб, муҳим бир масалани ҳал қилиб уйига қайтаркан, мурғак чақалоғига қўшилиб чақалоқ бўлади, боланинг аллақаери оғриб, чинқириб йиғласа, гапнинг очиги, унга термилиб туриб кўз ёши ҳам қилиб олади. Оналар шундай!..»

Паровоз ўнгга бурилганда шамол унинг ўтхонасидан чиқаётган тутунни деразага келтириб урди. Марҳамат бошини тортиб, яна бир оз қараб турди-да, купега кирди. Купеда икки пассажир — бири анча ёшларга бориб қолган, кўзойнакли, алоқачи формасидаги эркак, иккинчиси ўрта ёшлардаги, оппоққина жувон эди. Улар Марҳамат боя чамадонларини жойлаштирган пайтда ёнма-ён ўтириб кроссворднинг катакларини тўлдариш билан машғул эдилар. Ҳозир ҳам шу билан бош қотириб

ўтиришибди. Жувон қаламининг учини тишига қўйиб шу қадар ўйга ботганки, Марҳамат кирганида унинг юзига лик қараб қолди-ю, ҳеч гап айтмади. Кўзойнакли киши унинг дам олмоқчи эканини пайқади шекилли, мулозимат билан Марҳаматга тўғридаги жойни кўрсатди.

— Қани, ўтиринг, бемалол.

Марҳамат «раҳмат» деди-да, иккилашиб қолди. Коридордан проводникни чақриб ўзига жой қилиб беришини илтимос қилди. То проводник келгунча алоқачи ўрнидан туриб, ўз ўрнини йиғиштира бошлади.

— Ҳа, қаёққа кўчмоқчисиз? — деди хаёли бўлинган жувон қаламини ўйнаб.

— Юқорига, — деди алоқачи кулиб, — қарасам, жуда пастлаб кетибман.

Марҳамат бу кишининг ўзи учун жой бўшатаётганини фаҳмлади.

— Нега юқорига?! Йўқ, овора бўлманг, мен иккинчи полкани жуда ёқтираман, — деб алоқачининг қўлидаги ёстиқни ушлаб олди.

— Шошманг, шошманг, — кўзойнагининг тепасидан тикилди алоқачи, — купеда уч кишимиз. Кўпчилик аёллар, мен уларни ҳурмат қилишга мажбурман, умуман, аёл кишини юқори полкага чиқаришни ёқтирмайман. Хафа бўлмайсиз, — деди-да, кексаларга хос меҳрибонлик билан кулиб қўйди. У, ёстиқ-чойшабларини тўғрилар экан, худди гўдаклардек «аккуратний почтальон...» деб бир-икки такрорлади. Марҳамат чолнинг қилиғига кулиб юборай деди. Кроссворд билан овора бўлган жувон овозини чиқариб кулди ҳам, Марҳаматга қараб «Бу киши шунақалар» дегандай имо ҳам қилиб қўйди. Нотаниш алоқачининг муомаласи ҳам ёшларга хос тетик. Жувоннинг ёнига ўтириб «Иш мана бундай бўлибди-да» деб қўйди-да, дарров журнални қўлига олди.

— Қани, топдингизми? — сўради алоқачи.

— Йўқ, жуда қийин экан.

Марҳамат миннатдорчилик билдириб, жойига ўтирди. Устидаги шилдироқ плашни ечди. Атлас нусха крепдешин кўйлакка қадалган Олтин Юлдузда қуёш нури ўйнай бошлади. У кейинги вақтда анча тўлишган, кўйлак ҳам ўзига ёпишиб турарди. Уз одати бўйича энгларини тирсагидан юқоригача шимарди. Сумкасидан қо-

розга ўроғлиқ шиппакни олиб, полга ташлади, туфлисини ечди. Қорачадан келган кулча юзларидаги тиниқлик, тим қора сочларини кўриб, ҳеч ким бу жувоннинг қирқларга бориб қолганига ишонмасди. У, кроссворд билан банд бўлган чол ва жувонга халақит бермай, ёстиққа сал ёнбошлади-да, яна деразага тикилди. Кўнгли алланарсани, олмами, бир шингил узумми — шунга ўхшашни тусади-ю, чамадондан олишга эринди. Боғда эртадан-кечгача юриб, бир шингил узум ёки битта шафтолини ейиш эсига ҳам келмайдиган одам, ҳозир кўнгли тусаб қолганига ҳайрон бўлди. Поездга чиқиши ҳамоно уй-жойи, бола-чақалари кўз олдига келгани каби, кенг узумзор боғнинг ҳам дарров хумори тутди-қўйди. Бу — табиий эди. Ун олти йилдан буён ўзи бошчилик қилиб келаётган узумчилик бригадаси, бир қатор экилган тоқлар... Ҳар бир поя, ҳар туп тоқ, хилма-хил навларнинг ўзига хос хилма-хил эркаликлари, инжиқликлари... ҳар бирининг ўзига яраша талаби ҳам пишиқчиликка келиб гўзаллиги ҳам бор. Биронта нави йўқки, Марҳамат қўлида инжиқлик қилмасин. Машҳур соҳибкор Ризамат ота айтганидек, Марҳамат тоқлар билан гаплашади. Марҳамат энди фаҳмлади: кўнгли ҳозир узум тусамабди, узумзорни тусабди. Ботаётган қуёшнинг шафақ ранги ойнага тушганда билди буни. Шунақанги пайтда фарқ пишиб ётган узумзорни атайи айланиб чиқишни ёқтирарди у. Узумлар ажиб бир тусда товланиб кетадики... эғнида атлас кўйлак билан узум узаётганида рангдор кинога олишганидан ҳам чиройли... Бу йил колхоз тоқзориди ҳосил шунча кўп бўлдики, бамисоли сув келиб яхлади. Ана бу йилгисини виставкада кўрсатса бўлади. Марҳамат урушдан олдин, виставка биринчи очилганида ҳам қатнашган эди. Аммо ҳозир ўйлаб қараса, ўшандаги ҳосил, узумларнинг турлари, уни парварिश қилиш усуллари билан ҳозиргисининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳосилни ошириш, навларнинг сифатини яхшилашда олимлар, тажрибали соҳибкорлар озмунча бош қотиришдимиди. Марҳамат буларни сира-сира унутмайди. Эндиликда ўзи ҳам анча нарсага ақли етадиган, соҳибкорларнинг баҳсларида дадил сўзлайдиган бўлиб қолди. Шу тўғрида ўйлаганида, соҳибкор отасининг «Узумчиликнингки илми бор экан, ана энди кўрасан, қизим, унинг ривожини» деганини эслаб қўяди. У вақтда Марҳамат ёш эди, бу гапларни отаси



нима учун айтганини яхши билмасди. Отаси вафот этиб, ўзи вояга етгач, ўз қўли билан ток ўтқаза бошлаганидагина билди. Энди бўлса... бутун бир бригадага бошлиқ. Кўксидаги Олтин Юлдуз меҳнатининг самарасини кўрсатиб турибди...

Қоронғи тушиб, купедаги лампочкалар ёнди. Чол билан жувон ҳамон кроссворд билан овора. Марҳамат секин ўрнидан туриб, дераза пардаларини туширди, ўтираркан, алоқачи «қизим» деб унга қаради. Қаради-ю, гапиролмай, тикилиб қолди. Марҳамат дарров пайқади. Бундай ҳолатни — кўкрагидаги юлдузга тикилиб қолиб, гапиролмай қолган кишиларни энди учратаётгани йўқ.

— Ҳа, бир нима демоқчимидингиз? — табассум билан сўради у.

— Ҳа, ҳалиги... мана буни айтиб беролмайсизми? Масалан... Узумнинг бир нави... Олти ҳарфдан иборат... бош ҳарфи М...

Марҳамат ўйлар экан, чол ҳам, жувон ҳам унинг юзига, ўйчан кўзларига, кўкрагига тикилиб туришарди.

— Олти ҳарф... Мускат, — деди Марҳамат бирдан.

— Жуда тўғри, қани ёзинг-чи, — чол мамнуният билан илжайиб яна «аккуратний почтальон» деб қўйди.

Чол билан жувон алламаҳалгача ўтиришди. Марҳамат бир стакан чой ичиб, ётди.

Эрталаб поезд келиб тўхтаган станциянинг шовқини билан уйғониб кетди. Ювиниб купега кираётганида, коридорда ўрта ёшлардаги, қотмадан келган бир йигитга дуч келди. Йигит яқинроқ келиб сўрашди.

— Салом, Марҳаматхон опа, — деди-да, юзлари, қулоқларигача қизариб кетди. Марҳамат ҳайрон бўлди, «салом» деди-ю, лекин кимлигини ҳеч эслай олмади. Йигит салом берганича ўнғайсизланиб тураверди, кейин юзини секин дераза томонга бурди. Марҳамат ҳам ҳайрон. Нима дейишини билмасди. Бир оздан кейин қўлидаги сочиқни қўйиб чиқиш баҳонаси билан купега кирди. Ўйланиб қолди: «Ким бу? Мени қаёқдан таниркин?» Бу савол унинг миясини қотирди. Нонушта қилиб бўлгунгача ҳам, ундан кейин ҳам эслаб тополмади.

Қуёш тиккага келиб купенинг ичи димиқиб кетди. Марҳамат қўлидаги китобни қўйиб коридорга чиқди. Дераза ёнида тураркан, ўртадаги купедан бояги йигит чиқиб, тўғри унинг олдига келди.

— Марҳаматхон опа,— деди у уялинқираб,— бизнинг купега кириб.

Марҳамат секингина «раҳмат» деб қўя қолди. Йигит яна илтимос қилди:

— Бир ўзингиз зерикаётгандирсиз, юринг, биз кўпчиликмиз.

— Биз ҳам кўпчиликмиз, раҳмат.

Йигит бошқа гап айтмади, орқасига қайтиб купега кириб кетди. Ундан ёшгина бир жувон чиқиб, тўғри Марҳаматнинг ёнига келди, худди эски танишдек қўлини узатиб сўрашди.

— Юринг, Марҳаматхон опа, гаплашиб ўтирамыз.

Илтимосни қайтаришга ўрин қолмаган эди. Марҳамат кўнди.

Купеда уч йигит ўтирарди. Марҳамат кириши билан улар худди синфдаги болалардек ўринларидан туриб, салом беришди. Жувон Марҳаматни ўз ёнига ўтқазди. Ўртага иккита чамадон тик қўйилиб, дастуркоҳ безатилган. Товуқ гўштидан тортиб, анжиргача тўкиб ташланган. Бояги йигит Марҳаматга дарров чой қуйиб узатди. Марҳамат ҳамон ҳайрон эди. Қани энди биронтасини таниса-ю, гапга қўшила қолса. Шундан ёмони йўқда. Бир-икки пиёла чой ичилгунча бўлган гап мезбонларнинг «олинг», «нега емайсиз»идан нарига ўтмади. Кейин йигит чамадонини очиб, бир шиша чиқарди. Шишанинг қорнига аллақандай ёзувли оқ қоғоз ёпиштирилиб, оғзи худди дори шишасиники сингари пробка устидан чети кунгурали қоғоз билан бекитилган. Йигит шишанинг оғзини очиб, пиёлаларга, олдин Марҳаматнинг пиёласига қуйди. Росмана, қип-қизил винонинг ўзи. Марҳамат буни кўрди-ю, авзойи бузилди, йигитларга ер остидан бир-бир қараб чиқди. «Наҳотки... йўқ, ундай йигитларга ўхшамайди-ку, аммо мени ичкилик ичишга таклиф этишганининг маъноси нима?» У, бояги тахлитда ўтирганларни яна кўздан кечирди. Уларнинг юзларида меҳмондан ортиқ даражада уялишаётганидан бошқа нарсани сезмади. Шундай бўлса ҳам атайи ичкиликка чақиришганидан кўнгли қаттиқ ранжиди, шартта ўрнидан туриб кетишни ҳам мўлжаллади-ю, ўзини босди.

— Қани, Марҳаматхон опа, сиз билан кўришганлигимиз шарафига,— деди бояги йигит пиёлани қўлга олиб.

— Сизнинг соғлигингиз учун,— дейишди бошқалар.

Марҳаматнинг энди астойдил жаҳли чиқди. У қовоғини солганича, пиёлани қўлига олмай, қўзғалмоқчи бўлди. Мезбонлар ҳайрон бўлиб, ялина бошлашди:

— Йўқ, қани, мен ўтиб кетай,— дея ўрнидан турди Марҳамат. У яна алланима демоқчи бўлиб, оғзини жуфтлаганда, боя кўришган йигит гапириб қолди:

— Марҳаматхон опа, мени танимадингиз шекилли?

— Йўқ, танимайман.

— Ий-е, бўлмаса кечиринг, мен танидингиз деб ўйловдим, кечиринг,— йигит шунчалик ноқулай аҳволда қолган эдики, гапирганда лаблари титрарди,— кечиринг, эҳтимол, мен ўзим ҳам янглишгандирман,— йигит дудуқланди, унинг бу гапидан бошқалар ҳам ҳангманг бўлиб қолишганди,— ахир ўртоқ Тожибоева сизмисиз?— зўра сўради у.

— Ҳа,— деди Марҳамат.

— Қани, қани, ўтиринг,— дейишди унга ҳаммалари. Марҳамат омонатгина ўтирди.

— Саидали акам...— яна сўради йигит.

— Ҳа. Мени қаёқдан биласиз?— сўради Марҳамат.

Йигитнинг юзига қон юришди, ҳамма унга қаради. Бир нафас жимликдан кейин, ҳаммалари бирдан кулиб юборишди. Марҳамат ҳам мийиғида кулиб қўйди. Йигит оҳиста тушунтира бошлади:

— Марҳаматхон опа, кечиринг, қизиқ иш бўлди. Энди пиёлани қўлингизга олинг, ичсангиз ҳам ичасиз, ичмасангиз ҳам.

— Йўқ, мен ичмайман.

— Йўқ, Марҳаматхон опа, ичасиз, мен ҳазир ҳаммасини айтиб бераман, ичасиз, лоақал бир ҳўпламасангиз, ҳақиқий соҳибкор демаймиз.

Марҳамат кулиб юборди.

— Вой, нега энди, қани айтинг-чи?— деб пиёлани дастурхонга қўяркан, йигит яна қўлига тутқазди.

— Мен айтай, ичмасангиз ҳам майли. Менинг исмим Суннатилла, фамилиям Нишонов. Мана бу Хосиятхон келинингиз, булар ҳамқишлоқлар, бир колхозданмиз — Муҳаммад, Мўмин... Асли ўзимдан ўтибди, боя таништиришим керак эди...

Марҳамат шунда ҳам яхши таниёлмади. Нишонов қулоғига иссиқ чалинди-ю, сўрамай гапнинг охирини

кутди. Суннатилла шундай деб, бир нарса эсига тушгандай энгашиб, думалоқ саватни олди, унинг устидан тортиб боғланган канопларини ечди-ю, оғзини очмай гапида давом этди:

— Бешқўйданмиз...

— Ие-е, ҳа, мундоқ демайсизми, — энди тушунди Марҳамат, — Бешқўй чўлидан денг?

— Худди шундай...

Хаёл Марҳаматни узоқларга, бундан йигирма йил бурунги Бешқўй чўлига олиб кетди. Район комсомоллари шу катта чўлни ўзлаштириб обод қилишга қарор қилдилар. Қишлоқдан юз километрча узоқдаги чўлни ўзлаштириш учун йигит-қизлардан иборат бригадалар отланди. Қизлар бригадасига Марҳамат бош бўлди. Икки йил мобайнида чўлда янги экинзорлар, боғлар бунёдга келди. Узумчиликка ҳаваси зўр бўлган Марҳамат ўзи бош бўлиб, беш гектар ерга тоқзор қилди. Саидали билан шу ерда, чўл бағрида танишди. Иккинчи йили кузида Бешқўй чўлида биринчи тўй — Марҳамат билан Саидалининг тўйи бўлди. Бу тўйни анча вақтгача бутун районда гапириб юришди. Орадан сал ўтмай, Саидали ўқишга жўнади. Бир йилда мактабни тугатиб келган Саидалини Самарқанд областидаги «Қизил Октябрь» колхозига юборишди. Мана у ҳозир ана шу колхозда раис, Марҳамат узумчилик бригадасининг бошлиғи. Кўп тармоқли бу колхоз Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг кандидати. Марҳамат бегоналар ёнида эмас, ўз ҳамқишлоқлари ҳузурида ўтирганини энди сизди, бир оз уялди ҳам...

— Сиз ўша боққа тоқ ўтқазаетган пайтларингизда мен ёш эдим, аммо тоқчиликка ҳавасим бор эди, шунинг учун дадамга эргашиб, тез-тез борардим... Тўйларингизда шеър ҳам ўқиб берганман...

— Ҳа, ҳа, эсимда, — деди Марҳамат, — Саидали акангиз ҳам шуни гапириб юрардилар.

— Айтгандай, нега Саидали акам бирга бормадилар? — сўради Суннатилла. У Марҳаматнинг виставкага боришини аллақачоқ газетадан ўқиб билган эди.

— Шундай, — деди кулиб Марҳамат, — бирга боришлари керак эди. Бундан уч кун олдин районда йиғилиш бўлиб, йиғим-теримга тайёргарлик масаласи кўрилувди. Ушанда, колхозимизда яна бир болалар боқчаси очишни қаттиқ қўйишди. Саидали акангизнинг ўзи-

га топширишди. Шу бўлди-ю, боролмай қолдилар. Кечроқ борадилар-да. Кеча мени кузатгани чиққан ўртоқлар ҳам худди шуни пайровга олиб, кела-келгунча Саидали акангизни аския қилиб келишди. Хўш, ўзингиз ҳозир...

— Ҳозир,— деди ерга қараб Суннатилла,— бригадирман, мана ўртоқлар билан виставкага кетяпмиз,— у пиёлани қўлига олди,— сиз ҳали, бу йигитлар ўзлари ичкилик ичиб юришаркан, деб ўйладингиз. Аслини суриштирсангиз мен ҳозир жиноят қилдим. Москвалик бир илмий ходимга тажриба учун олиб кетаётган виномиздан бир шишасини очдим. Ичасиз деганимнинг сабаби шуки, ўша сиз ўз қўлингиз билан эккан, лекин узумини емаган токингизнинг мевасидан қилинган...

Марҳамат пиёлани қўлига олиб, унинг ичидаги қипқизил, ҳақиқий винога тикилди. У пиёланинг тубидан аллақандай нарсани қидираётганга ўхшарди. Ҳамма унинг ҳаяжонли боқишига қараб турарди. Бу орада Суннатилла саватнинг оғзини очиб, ичидаги узумни олди. Бир бош узум бир сават! Марҳаматнинг кўзи энди пиёладан узумга кўчди. У ишонмагандай узум бошини авайлаб қўлга олди, айлантириб кўрди-да, оҳиста саватга солиб қўйди. Утирганларга меҳр билан бир-бир қараб чиқди, ўрнидан турди.

— Мен умримда икки марта вино ичган эдим. Бир — ўша чўлда, ўз тўйимда, иккинчиси Москвада, Кремль саройидаги учрашувда. Бунисини ҳам ичаман. Бу — ўз меҳнатимнинг шарбати,— у винонинг ярмисини ичиб, пиёлани қўйди-да, беихтиёр Хосиятхонни қучоқлади, унинг юзларидан ўпди. Кейин йигитларга қўл узатди.

Суннатилла ўзида йўқ хурсанд эди. У, аллакимдан эшитган шеърними, халқ мақолиними баланд овозда такрорлади:

Меҳнатни қилсанг чўлга  
Манзур бўлурсан элга.

*Октябрь, 1954 йил*

Почтальон худди ўз уйига кираётгандек бемалол дарвозани очди-да, тўғри ҳовли саҳнида турган стол ёнига борди. Елкасидан сумкасини олмаган ҳам эдики, ровонда дарс тайёрлаб ўтирган болалар олдинма-кетин югуришиб келиб, уни ўраб олишди. Почтальон уларга газеталарни берди-ю; «буниси эгасига» деб хатни яширди. Болаларнинг каттаси почтальоннинг елкасидан бўйнини чўзиб, конвертдаги таниш адресни кўриб олди, севинчини юрагига сиздиrolмай, «Ойи, Валидан...» деб қичқириб юборди. Кейн ҳовлининг нариги чеккасида, дарахтлар орасида юрган Меҳри опа шошиб қолди, қўлидаги чўткани тоғорага ташлаб, почтальон ёнига келди. Унинг липпага қистириғлиқ кўйлаги ва юз-қўлларига оҳак сачраган эди.

— Боққа кириб олиб, салқинда қуртава қиляпсизми, Меҳри опа? — ҳазил қилди почтальон.

— Ҳа, мана бу дарахтларга вақтида қарамасанг бўлмайди, укаларинг бўлса дарсидан ортмаяпти, — деди Меҳри опа, кейин бир нарса эсига тушгандай гапидан тўхтаб, почтальоннинг юзига тикилди. — Ҳой, Назира, менга қара, туф-туф, кўз тегмасин, бирам тўлишибсанки, вoй соддалигим қурсин, тушунмабман-а; кўнглинг қуртава тусаётганга ўхшайди-я?

— Йўқ, қўйинг-э, ўзим шундай гапирдим-да, — уялинқиради Назира.

— Яхши. Бўлсин, синглим, фарзанд бўлсин. — Меҳри опа болаларига қаради, — қани, боринлар-чи, хағни кейин ўқиб бераман.

Меҳри она Назирани дарвозагача кузатиб қўйди. Кузатди-ю, бир неча қадам босгунча ўтган фурсатда хаёли ўн-ўн беш йилни кезиб чиқди: Назира почтага кирганида ёшгина қиз эди. Сумкаси тўлалигидан зўрға кўтариб юрарди. Уруш йиллари ҳамманикидан кўп шу уйга қатнаганман деса янглишмайди. Нотаниш шаҳарлар, нотаниш меҳрибонлардан даста-даста хат, посилкаларгача ўзи олиб келарди. Кунига уч-тўрт мартадан қатнаган пайтлари ҳам кўп бўлган. Урушдан кейин у турмушга чиқди. Биринчи марта юзларига доғ оралаб, ҳомиладорликнинг нишонаси сезилган кезларда эшикдан кирди-ю, Валини маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўлпиллатиб ўпарди, кейин сира тортинмай: «Меҳри опа, ўғил кўрсам Валидек бўлса, жон-жон дердим», деб қайта-қайта такрорлар эди. Ниятига яраша тўнғичи ўғил бўлди. Мана, тағин бошқоронғи...

Меҳри она биринчи конвертни очди. Ундан таклифнома чиқди, кечқурун соат еттига, клубга чақиришибди. Иккинчисини очди-ю, хатнинг қатидаги расмга кўзи тушиши билан тўхтаб, унга тикилиб қолди. Кўзларидан беихтиёр оққан ёш томчилари юзидан думалаб, кўкрагига тушди. Ровондан қизи Розиянинг йиғлаган товушини эшитмаганида ҳадеганда ўзига келмасди. Дарров расмни яшириб, кўз ёшини артди. Ровонга қарамади. Эрининг: «Кўз ёшингни қўй, болалар кўрса, Валичалик эмасмизми, деб ўксинишади, яхши эмас, Вали болангу, булар ўғайми!» деган гапи яна такрорлангандай бўлди. Тўғри боғнинг ичкарисига, танасини боя оқлаб қўйган ўрик дарахти тагига бориб ўтирди. Расмни яна қўлига олди: буниси аввалгиларига сира ўхшамасди. Тўлишган, қоп-қора қуюқ қошлари сал чимирилгандай, кўзлари унга тик қараб турибди. Меҳри опа узоқ тикилди, яна кўзига ёш олди, ёш доналари гоҳ дув-дув тўкилар, гоҳо пастки лабини қимтиб, уни ютиб юборарди. Охири кўз олди хиралашди, суратдаги Валижон эмас, беш ойлик мурғак кўринди. Чақалоқмас, бир ҳовуч суяк, ич-ичига ботган қора кўзлари, қуюқ қошлардан бўлак, қонсиз, рангсиз этнинг ўзи.

...Эр-хотин комиссия ҳузурида узоқ туришди. Врачлар чақалоқни беришга рози бўлишмади. «Ҳали ярим ёшга ҳам тўлган эмас, бунинг устига касал, беролмай-

миз» дейишди. Аллақандай касални айтишди. Сут ҳам ичмасмиш, ичгани ҳам шундай ўтармиш. Бу сафар Меҳри опа боланинг бирон кими бор-йўқлигини сўролмади. Бу юракка сиғармиди? Уйга келиб эр-хотин бир оғиз ҳам гапиришмади. Кечки овқатни ҳам унутишди. Меҳри опа туни бўйи осмонга тикилиб, мижжа қоқмай тонг оттирди. Эртаси куни яна борди. Бу гал врачлар «эплай олмайсиз» дейишмади, «эплаб бўлмайди» дейишди. Ҳаммасидан оғири «эмиза оладиган бўлганингизда ҳам бир нав эди» дейишгани бўлди. Хотин кишига бу сўзларни айтиш ҳам, эшитиш ҳам қанчалик оғир бўлмасин, тўғрисини гапирмай илож йўқ эди. Меҳри опа она бўлмаган, бўлиши ҳам мўмкин эмас. Озмунча боқтирдими ўзини? Меҳри опа ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди, назарида болани фақат ўзи, унинг ўзигина сақлаб қоладигандай бўлар, йиғи аралаш «наҳотки... Ахир гулдай мурғак...» дейишдан бошқани билмасди. У, боланинг онаси урушнинг дастлабки ҳафтасидаёқ бомба тагида қолиб ўлганини эшитиб, қаттиқ эзилди. Эри билан хомуш бўлиб кўчага чиқди, уйга қандай етиб келганини ҳам билмади.

Меҳри опанинг чақалоқни ўз тарбиясига олиш истаги аста-секин унда оналик меҳрини уйғотди. Чақалоқлар уйига ҳар куни борадиган, гоҳида кечгача болага термилиб ўтирадиган бўлиб қолди. Буни эри ҳам сезарди, дардини янгиламаслик учун бу тўғрида оғиз очмасди. Врачлар ҳам кўникиб қолишди. Меҳри опа эшикда кўриндими, дарров халат беришар, чақалоқнинг саломатлиги бирдек бўлса ҳам «анча дуруст» деб кўнглини кўтаришар эди. Шу зайлда бир неча кун ўтди. Охири чақалоқни неча хил шарту писандлар билан Меҳри опа тарбиясига беришди, врачлар хабар олиб турадиган бўлишди.

Меҳри опанинг бутун вужуди, фикр-хаёли чақалоқда бўлди. Ҳамширалар ҳар куни хабар олишар, махсус тайёрланган сут келтириб беришарди. Меҳри опанинг эри Маҳкам ака бир ярим сменада ишлашга ўтган, заводдан кеч қайтарди. Чарчаб келган бўлишига қарамай, у ҳам узоқ вақтгача чақалоққа термилиб ўтирарди. Бундай пайтларда у ўзини тутолмас, ҳозир аллақимдан ўч олмоқчидай қўлларини мушт қилиб, ғазаб ўтида ёнар, хотинига сездирмай секин ўрнидан туриб ҳовлига чиқиб кетарди.



Ёзнинг жазирама иссиғи еру кўкни қиздиради. Мевалар шундай қилганки, шохларини синдиргудай бўлиб ётибди. Меҳри опанинг кўзига ер билан битта бўлиб, тагларида тўкилиб ётган олмалар ҳам кўринмасди. Уларни Маҳкам аканинг ўзи ишдан қайтганда челақ-челақ қилиб териб оларди. Бир дам олиш куни Маҳкам ака дарахт тагларини тозалаб, мана шу эртапишар кекса ўрик тагига тахтадан каравот ясади, йўғон шохига беланчакни илиб, жой қилиб берди. Меҳри опа эртадан-кечгача чақалоқни бағридан қўймай шу ерда ўтирарди.

Орадан бир ойдан мўлроқ вақт ўтди. Бироқ чақалоқ бирдай, кўзлари борган сари ич-ичига тушиб кетаётгандай эди. Меҳри опа унинг пилтакачдай оёқ-қўлларини авайлаб силар, назарида, соатлаб қилган бу ҳаракатлари гўдакка малҳам бўлаётгандай туюларди. Жавдирган митти кўзлар, қорачиғи ёш пардаси билан ювилган умидвор кўзларга тикилиб турарди.

Бир куни сут келтирган ҳамшира Меҳри опани чақалоқни кўкрагига босиб, оғзига эмчак солаётгани устидан чиқиб қолди. Фойдаси борми бунинг, демоқчи бўлди-ю, ўзини босди. Меҳри опа «Зора...» деб оғиз жуфтлаганида, ҳамшира унга далда берди: «Майли, она кўксининг ҳароратини сезар-ку».

Меҳри опа шу куни чақалоқни кўксидан ажратмади. Сут ичириш пайтидагина шишанинг оғзидаги сўргични тутгани бўлмаса, Маҳкам ака ишдан келгунча шу зайлда ўтирди. Эри буни дарров пайқади-ю, унга ҳеч гап айтмай, овқатга ўзи уннай бошлади.

Меҳри опа шу кеча ухламай ўтириб чиқди. Унинг қуруқ кўкси чақалоққа дармон бўлаётганини эртаси кечаси, кўзи энди илинай деганда, гўдак тамшаниб алланарсага интилаётганида аниқ сизди. Уйқу талаб кўзлари тарақлаб кетди, болани авайлаб бағрига қаттиқроқ босди. Тонг ёришаётганида, ҳа, худди кумуш тонг билан бирга Меҳри опанинг кўзидан тирқираб ёш, кўксидан сут келди. Уни мана шу тонг бошлаб келдимикин? Йўқ, тонгдай шаффоф, пок онанинг қалби бошлаб келди. Меҳри опанинг аъзойи баданида аллақандай титроқ турди, ҳаяжон босди, юзлари чўғдай қизиди. Пишиллаб эмаётган чақалоқнинг юзларига қон юришдими, ё унга шундай кўриндими, билолмади. Сўргичдан эмганида бунчалик пишилламаслиги эсига

тушди. «Меҳр сути бу. Шуни кутиб турганингни билардим», — деди ўзича пичирлаб.

— Ҳой, дадаси, турсангиз-чи?! — деб юборди тўсатдан. У бу сўзни шундай оҳангда айтдики, ҳозирги севинчининг ҳаммаси шу сўзда ифодалангандай бўлди.

Маҳкам ака шошиб бошини кўтарди. Ҳеч нарсага тушуна олмади. Хотинини, ўн саккиз йиллик хотинини, мана шундай ҳаяжон ичида биринчи марта кўриши эди. Дам унга, дам болага тикилди. Сўролмади, барибир жавоб ҳам ололмасди. Меҳри опа: «Шакарнинг ози ширин» дегандек, болани кўкрагидан оҳиста ажратди. Унинг қовжираган лабидаги сут юқини доканинг учи билан артар экан, Маҳкам аканинг кўзлари чақнаб кетди, «Меҳри!» деганича, чақалоққа қўл узатди. Чақалоқ уйқуга кетган эди.

— Мана, дада, мени ойим эмиздилар, — деди бола гилидан Меҳри опа.

Бу воқеа, ким айтибди экан, бир зумда ҳамма ёққа тарқалди. Қўни-қўшни хотинлар худди Меҳрихоннинг кўзи ёригану, уни қутлаш лозимдек, кетма-кет келиб туришди. Чошгоҳга яқин бир эмас, уч врач ва бир ҳамшира кириб келди. Врачлар болани ҳам, Меҳри опани ҳам қайта-қайта кўришди. Улардан бири, кўзойнакли кекса хотин ҳаммадан кейин қолиб, узоқ суҳбатлашди. Нуқул, қандай бўлди, йиглармидингиз, неча кун ухламадингиз, ҳатто, илгарилари эрингиз тугмадинг, деб дакки берармиди, деганга ўхшаш жуда кўп саволлар берди. Охиргиси Меҳри опага оғирроқ ботди. Ахир, Маҳкам ака бирон марта бундай гапни хаёлига ҳам келтирмаган-ку. Врач уни юпатди, саволларининг ҳаммаси зарурлигини, бу воқеа медицина учун катта аҳамиятга эга эканлигини айтди. Кейин анча маслаҳатлар бериб, «келиб хабар олиб тураман» деб чиқиб кетди.

Чақалоқ уч кунгача нари бориб, бери келди. Врачлар шундай бўлиши мумкин, дейишди. Кейин бола кун сайин эмас, соат сайин тўлишиб борди. Бир яшар бўлганида шундай етилдики, кўрганлар танимайдиган бўлиб қолди. Маҳкам ака ҳар куни эрталаб қўлига олмасдан туролмасди. Меҳри опа Валижоннинг оғзидан биринчи дафъа «ая» деган сўзни эшитган куни назарида ҳамма азоблари ювилгандай бўлди.

Улуғ Ватан урушининг оғир йиллари эди. Ўзбекис-

тонга фронтда ҳалок бўлганларнинг болалари келтирилиб турилди. Эр-хотин маслаҳатлашиб шу болалардан яна бир-иккитасини ўз тарбияларига олмоқчи бўлишди. «Фронтга шу билан ёрдам берайлик, хотин», деди Маҳкам ака. Бир неча ой мобайнида улар — жўжабирдек жон — кўп болалик ота-она бўлишди. Ун икки ўғил-қизли ота-онанинг донги бутун мамлакат бўйлаб таралди. Сал ўтмай бу ҳовлига фронтдаги жангчилардан хат, нотаниш кишилардан совғалар кела бошлади.

Бир куни Назира ўрта ёшлардаги бир жувон билан уйга кириб келди. Жувон Ксения деб ўзини танитди-ю, бесаранжом бўлиб атроф-теваракка қарай бошлади. Кейин Меҳри опани қучоқлаб йиғлаб юборди. Бу — Валижоннинг опаси эди... Ксения бир ойча меҳмон бўлди. Бироқ бирон марта ҳам укамни олиб кетаман, деб оғиз очмади. Буни айтиш қанчалик зарур бўлса, Меҳри опага шунчалик оғир бўлишини биларди. Эр-хотин ҳам буни тушунишарди. Ксениянинг эри фронтда ҳалок бўлгани, бир қизи билан ёлғиз қолгани Меҳри опада унга нисбатан туғишгандай ҳис уйғотди. Охири улар кўнгишди.

Мана, тўрт йилдирки, Валижон опаси билан бирга, Днепр ёқасидаги шаҳарда яшайди, ҳар йили ёзги каникулда опаси билан Тошкентга келиб, шу ерда дам олиб кетади...

Меҳри опа қўлидаги расмни кўкрагига босиб шуларни хаёлидан ўтказаркан, ўрикнинг йўғон шохидаги арқон изига кўзи тушди. Ҳа, беланчак арқонининг изи бу. «Эсингдами, Валижон, унда сен мана шу новдадай нозик, нимжон эдинг, энди-чи... энди?..» У, яна расмга тикилди. Бунисида алланарса камдай. «Ҳа, вой соддалим қурсин, галстуги йўқ-ку, бунинг. Вой, мана. Кўкрагидаги... комсомол значогими. Менинг Валижоним комсомол?!»

Меҳри опа хатни ўқий бошлади. «...Ойижон, қишда мен мактабимиз йўлидаги музлаган қўлда яхмалак отаётган қизни кўриб қолдим. Кўрдиму ўтиб кетавердим. Бирдан қиз чинқириб қолди. Угирилиб қарасам, муз ёрилиб, чўкиб кетаётибди. Дарров орқамга қайтиб, қорним билан муз устига эмаклаб бориб, қизнинг қўлидан тортдим. Роса қийналдим. Узим ҳам сувга тушиб кетишимга сал қолди. Яхшики, уни қутқариб қолдим.

Рост-да. Ердан бермасам чўкиб кетарди-да, ўзингиз шундай дер эдингиз-ку, буни мен сизга ёзмаган эдим. Яқинда ўша қизнинг дадаси менга, устига отим ёзилган соат мукофот берди. Мукофотни сбор йиғилишида топширишди. Бўлмасам олмасдим-а. Каникулга борганимда шу соатни сизга олиб бораман, хўпми, ойимон, оласиз-а?»

— Ҳа, оламан, болам, оламан,— деб юборди Меҳри опа.

— Нимани оласан?

Меҳри опа ялт этиб ёнига қаради, эрини кўрди.

— Валингиздан хат келди, мана,— деди-да, суратни узатди. Маҳкам ака суратдан кўзини олмай ўзича гапирарди.

— Оббо азамат-эй, оббо азамат-эй...

Меҳри опа кечликка барвақтроқ унади. Овқатни сузаётганида ўғилчасини етаклаб Назира кириб келди. Меҳри опа дастурхонга шунча таклиф қилса ҳам унамади.

Меҳри опа кийиниб бўлгунча, Назира ўғлининг қўзичоқ билан ўйнашганини томоша қилиб турди.

Улар йўлда кетишар экан, Назира сўраб қолди:

— Тайёрландингизми, опа?

— Нимага? — ҳайрон бўлди Меҳри опа.

— Сўзлар экансиз-ку?

— Йўқ, ким айтди?

— Клуб мудир айтди-ку.

— Тавба, бир оғиз айтиб қўйишмайдиём-а.

— Ҳа, сиз ўринлатасиз, опа. Москвада сўзлаган одам...

— Шундай дейсан-да, кўпчиликнинг салобати бо-сади.

Меҳри опа гапни хатдан бошлади. Ўғилчасидан биринчи марта «ая» деган сўзни эшитгандан тортиб, сўнги хатигача ҳаммасини айтиб берди. Одам билан лиқ тўла катта зал пашша учса сезилгудай бўлиб унинг нутқини — онанинг юрак сўзларини тингларди.

...Мен Валижонни ўз кўкрак сутим билан тарбияладим. Йўқ, мен уни юрак-бағримнинг ҳарорати билан вояга етказдим. Бу юрак, мана шу қалбимизнинг кучли ҳарорати олдида атом бомбалари ҳам музга айланади. Тинчлик бўлсин деб, қўйилаётган имзолар миллионлаб, юз миллионлаб пок қалбли кишиларнинг имзосидир.

Бу шундай зўр кучки, ҳар қандай атом бомбаси ҳам унга бас келолмайди...

Ўтирганларнинг кўз олдида, худди шу сахнада қизил галстугини ҳилпиратиб, бир неча марта декламация айтган, ҳамманинг ҳавасини келтирган Валижон намоён бўлди. У ҳозир ҳам сахнада қўнғироқдай овозини жаранглатиб шундай деб тургандай:

— Тўғри айтдингиз, она!

*Май, 1955 йил*

Улар трамвай остановкасида учрашишди.

— Салом, уста, бардаммисиз, қани, арчани менга бера қолинг, юкингиз кўп экан, янги йилда жиянларни хурсанд қилай дебсизда-а?..

— Ҳа... Ўзинг тинчмисан, Хайри саломатми?— рўй-жуш бермагандай хомушлик билан сўради уста арчани узата туриб.

Ҳақимжон дарров пайқади. Устанинг авзойи ўзгачароқ, бир нарсадан қаттиқ хафа бўлганга ўхшайди. Бўлмаса, ҳар гал кўришганида босқоннинг дастасини икки қўллаб маҳкам ушлагандай қўл сиқиб сўрашарди, иложини топса қулочини кенг ёзиб қучоқлар, ҳар гапининг бирида «ўғлим» деб қайта-қайта такрорларди. Ҳозир бўлса дурустроқ гапиргиси ҳам келмайди. Ҳақимжон шунчаки бир кўз таниши билан учрашиб қолганида-ку, бунга ортиқча эътибор бермасди-я. Ҳар каллада ҳар хаёл, бировдан ўтганини биров қаёқдан билади-ю, кўнглини қандай кўтара олади, дейсиз. Аммо Ҳақимжон устаси Маҳмуд аканинг кўнглидагини билиши керак. Ахир озмунча меҳнати синганми Ҳақимжонга. Отаси фронтга кетиб, катта оила онасининг топганига қараб қолганда, кекса темирчи катта бошини кичик қилиб Ҳақимжоннинг олдида борди, онаси билан гаплашди. «Эпласанг ўқишни ҳам олиб борарсан, эплотмасанг бир-икки йил кечикса ҳечқиси йўқ. Артелга бор, ўзимга шогирд бўл, йигитча бўлиб қолдинг, оилага қарашмасанг бўлмайди, ўғлим. Тағин бу ёғини ўйлаб кўринглар» деди.

Етти ёт бегона, аммо шу маҳаллалик Маҳмуд тақа-

чининг бу гаплари ёш Ҳакимжонни ўйлантириб қўйди. Назарида Маҳмуд ака у билан гўдак билан эмас, катта киши билан гаплашгандай, насихат эмас, маслаҳат қилгандай бўлди. Эртасигаёқ артелга борди. Қараса, Маҳмуд аканинг ёнида бирамас, учта шогирди бор экан... Босқон қўлидан тушиб кетгани, омбирнинг дастаси шимининг тиззасини йиртиб юборгани ҳали-ҳали ёдида. Орадан бир йил ҳам ўтмай мустақил ишлашга кўчди. Фронт эҳтиёжлари учун зарур бўлган буюртмаларни бемалол бажара бошлади. Шу зайлда уч йилдан мўлроқ ишлаб, армияга кетди. Ҳарбий хизматни тамомлагач, яна ўз ишига қайтди. Бу сафар артелда эмас, заводда ишлай бошлади. Кечқурунлари ўқиб, техникумни ҳам тамомлади. Мана бир йилдирки, Чирчиқдаги машина-созлик заводида мастер бўлиб ишлаб турибди. Шундай бўлгач, ота қатори азиз, ҳунар ўргатган устасига ҳамдард бўлмай кимга бўлади?

Трамвайга бирга чиқишди. Ҳакимжон арчани авайлаб вагоннинг бир чеккасига қўйди-да, Маҳмуд аканинг ёнига ўтирди. Назарида, кейинги кунларда устанинг соч-соқолидаги оқлар кўпайган, ранги синиққанроқ...

— Уста, болалар ўйнаб-кулиб юришибдими, опам саломатмилар?

— Шукур, ҳаммаси саломат,— Маҳмуд ака соқолини силаб, яна сукут қилди,— ҳовлига келай ҳам демайсан, байрамда кутдик, дарагинг бўлмади.

— Ўша кунни заводда навбатчи бўлиб қолдим, эртасига ҳеч иложини қилолмадим. Ўзим ҳам ўшандан бери Тошкентга энди тушганим.

— Ҳа, омон бўлинглар...

— Уста, сал тобингиз қочиб турибдими, дейман?

Маҳмуд ака «йўқ, дурустман» деди-ю, охири дардини яшира олмади, тобора кўнглини ғаш қилаётган воқеани гапириб берди:

— Тобим қочгани йўқ, ўғлим, бир бегамиз таъбимни хира қилди.— У ўрнашиброқ ўтириб олди,— магазинда мана шу арчани оламан деб анча овора бўлдим, дурустроғи қолмаган экан, танлаб олгунимча хийла фурсат ўтди. Шу пайтда орқа томондан биров «тақачига арчани ким қўйибди, тагин танлашини чи» дейди. Ялт этиб орқамга қарасам, оқердининг охирроғида анави қуйигузарлик Соли жаллоб бор-ку, ўша безрайиб турибди.

Баданим титраб кетди, оғзимга бир гап келди-ю, кўпчиликни ўйладим, сотувчи ҳам ҳушёр йигит экан. «Маҳмуд ака, ўзингизни босинг» деб мени тўхтатди. Билмадим, қаёқдан таниркан, шу йигитнинг раъйини қайтаролмадим. Танлаган арчамга чек ёздириб, пул тўлагани кетдим. Арчани олгани келсам, Соли жаллоб кўринмади. Сотувчи йигит тагин менга тасалли берди:

— Маҳмуд ака, у одам билан тенг келиб бўладими, обрўни тўкади, холос. Кўнглингизга олманг,— деди ба-рака топкур.

Ҳақимжон бесўнақай гавдали, эрта-ю кеч маҳалла чойхонасида ўтириб олиб, текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган Соли жаллобни дарров кўз олдига келтирди. У Маҳмуд аканинг шаънига энди бундай гапларни айтаётгани йўқ. Маҳмуд ака катта ўғли Алиқни болалар уйидан ўз тарбиясига олганида ҳам «аввал ўзини эпласин бу тақачи, етим асраб нима қилади» деган эди. Бу гап ўшанда Маҳмуд аканинг қулоғига етдими, йўқми-ю, Ҳақимжонга жуда оғир ботган эди. Мана тагин... Унинг ғазаби қўзғади-ю, ўзини босди.

— Қўйинг, уста,— юпата бошлади у,— диққат бўлганингизга арзимайди.

— Гап ҳаммаси шунда-ю, ўғлим. Арзийдиган одам гапирганда алам қилмасди. Хаёлида тақачи десам орият келади деб ўйлар. Билмайдик, хурсанд бўламан. Ахир ўз севган касбимдан нега ор қилай! Ундай бўлса касбимни хор қилган бўламан-ку. Темирчилик — яхшими, ёмонми, ҳарқалай касб. Шундай эмасми-а, ҳам-касб?— кулиб қўйди уста.— Аввало, жаллоблик-даллоллик у дунё-ю, бу дунё касб бўлолмайди. Ахир биз озми-кўпми эл-юртга хизмат қилиб, нафимиз тегиб турибди-ку. У-чи? Одамларни алдашдан бўлакни билмайди... Мен бунисига хафа бўлганим йўқ. Арчага тил тегизгани менга кор қиляпти. Бу билан у болаларимга тил тегизди-я... Ота-боболаримиз арча байрамини билармиди? Ўзимиз-чи? Мана шу болалар кирди-ю, хонадонимизга арча кирди, бахт кирди. Арча байрамини ўша дўндиқчалар бошлаб берди...

— Уста, болалар ҳалиям Раянинг арчаси дейишадими?— бирдан эсига тушиб сўради Ҳақимжон.

— Ҳа,— Маҳмуд аканинг чеҳраси очилиб кетди,— эсингда экану, ўғлим, янги йил яқинлашдими, ҳаммаси



Раянинг арчасини олиб келинг деб хархаша қилишади.

— Эсимда, уста, мен артелга кириб ишлай бошлаган пайтим эди-да, Раяни ўзим кўтариб келганман-ку.

— Ҳа-я, кечагина эди-я...

...Қиш. Кўз очиб юмгунча қош қорайиб қоладиган кунларнинг бири. Булутдан учган ёмғир симлари борган сайин зўр куч билан ерга қадалмоқда. Маҳмуд ака ишни барвақтроқ тугаллаб, ташқарига чиқди Алланарсанинг устига ташлаб қўйилган қопни олиб, икки буклади да, бошига ташлаб, йўлга тушди. У ҳозир бир гуруҳ болалар ёнига боради, баъзилари билан гаплашади, хоҳиш-истакларини билади, кейин тарбиячилар билан маслаҳат қилади. Ундан кейин-чи?.. Кеча район Советининг сессиясида мана шу детдомда ҳар хил устахоналар ташкил этиш масаласи кўрилди. Темирчилик устахонаси депутат Маҳмуд акага топширилди. Болалар бу ҳунарни эплай олармикан? Қиш-қиров кунда улар қийналиб қолмаслиги учун дурустроқ хона керак. Айтишларича, бинолар етишмасмиш... Ҳозир Маҳмуд аканинг миясига ёмғирдай шиддат билан келаётган фикр-ўйлар ечилмай, бир зумдаёқ ариқдаги сувдай оқиб кетар, ўрнига бошқаси келарди. Шу зайлда детдом дарвозасига етиб қолганини ҳам сезмади. Бошидаги қопни буклаб, этигидаги лойни қоқди, анча туриб қолди. Бироқ биров кимсан деб сўрамади, болалар бўлса қайрилиб қарамади ҳам.

— Директорларинг қаерда, ўғлим?— сўради Маҳмуд ака эшик ёнида турган навбатчи боладан.

— Мана бу кабинетдалар,— тез жавоб қилди бола ва ажабланиб қўшиб қўйди,— ийе, амаки, мен сизни ёмғирдан қочиб турибсиз деб ўйлабман, кира қолинг.

Маҳмуд ака ичкари кирар экан, «ҳамма болалар шунақа одобли бўлса иш ҳам тез юришиб кетади» деб кўнглидан ўтказди. Йўқ, бундай бўлиб чиқмади. Сурункасига бир ҳафта қатнаб, устахонани очган Маҳмуд ака болалар тарбияси нима эканлигини шундагина тушунди. Балли-е, ўша тарбиячиларга. Болаларнинг-ку ёмони йўғ-а, аммо бири бирига сира ўхшамайди, бири биридан шўх, тўполончи, эпчил... Қўйингки, ҳар бири бир олам. Бунинг устига бу ерда детдом ёшидан ўтиб қолганлари ҳам бор эди. Устахоналар ҳам кўпроқ шу-

ларни мўлжалланган. Ишни бошлаб юборган дастлабки кешларди ўт оловдек ёпишиб кетган баъзи болалар сал ишламай тагин сўнди-қолди. Маҳмуд ака энди ҳунар ўргатишдан ҳам шунақанги болаларнинг ичига кириб, уларни ўрганишга кўпроқ вақт сарф қила бошлади. Шу зайлда кунлар, ҳафталар ўтди. Маҳмуд ака детдомдагиларнинг ҳурматли отахони бўлиб қолганини сезмай қолди. Бу унга шундай завқ берарди-ки, назарида ҳар бир бола билан қилган суҳбати уни яшартириб юбораётгандай.

Бир куни, шогирдларга иш топшириб қўйиб бир чеккага чиқиб ўтирди, дарз кетган кўзойнагини тақиб, газета ўқимоқчи бўлди. Нима учундир ўқиёлмади, хаёл уни бошқа томонга олиб қочди... «Зап болаларми, рус ҳам, қозоқ ҳам, украин ҳам, яҳудий ҳам, бири биридан яхши... Булар катта бўлганда-чи, ўхў, таниб бўлармиди. Бири инженер, бири учувчи, бири ўқитувчи... Менчи? Бир темирчимаан. Бирортаси ўшанда «Маҳмуд акадан шундай ҳунарни ўрганган эдик-а» деб эслармикан? Ҳа, эслайди. Муз устида ҳам, осмонда бўлса ҳам эслайди. Ахир ёшликни унутиб бўлармиди. Ишқилиб, саломат бўлишсин...»

Уч томони ҳозиргина оловдан олинган ясси бир темирни омбирда қисиб, Маҳмуд аканинг ёнига келган бола унинг хаёлини бўлди:

— Уста, — деди бола шошилиб, — мана шу яссилиги бўладими?

Маҳмуд ака бамайлихотир кўзойнагини оларкан, бола типирчилади, буни у ҳам сизди.

— Қаёққа шошиляпсан, ўғлим, барибир бошқатдан оловга қўймасанг бўлмайди.

Бола ҳафсаласи пир бўлиб, энги билан пешана герларини артди. Устанинг гапига қулоқ бериб турди.

— Мана бундоқ ўтир, ўғлим, чарчабсан-а.

— Йў-ўқ, уста, чарчаганим йўқ.

— Тўғри айтдинг, ҳеч вақт киши севган ишидан чарчамайди... Отинг Алимиди, ўғлим?

— Алик... бу ердаги ўзбек ўртоқларим Али деб чақиришади.

— Ҳа, ўзи жуда мос экан-да, ўғлим. Хўш, Алик, қани айт-чи, сен ўзинг ким бўлмоқчисан?

Алик ҳадеганда жавоб бермади. Қўлидаги омбирга тикилганича бошини қуйи солди. Маҳмуд ака устахо-

нани янги очган кезларда беш-олти марта келиб, кейин ташлаб кетган болалардан бири Алиқ эди. У доим ўйчан юрар, болаларга кам аралашар, ўнта гапирганда зўрға оғзидан бир сўз чиқарди. Шунда ҳам тўрс жавоб қиларди-ю, қовоғини солиб, одамни менсимагандай тескари ўгирилиб кетаверарди. Маҳмуд ака аста-секин ишга қизиқиб кетган бу болани авваллари ўз ҳолига ташлаб қўйди. Лекин шунча пайт пойлаб суҳбатлашишнинг иложини топмаган эди. Мана ҳозир гаплашишга майли бордай. Бўлмаса дик этиб ўрнидан туриб кетарди. Ўйга толдим, бўлди.

— Сен Павликни биласанми? — гапни бошқа томонга бурди Маҳмуд ака.

Бола ялт этиб устасига қаради.

— Қайси Павликни? — ҳайрон бўлиб сўради.

— Ана холос Морозовни билмайсанми?

— Биламан, нега билмай, — Алиқнинг кўзлари катта очилиб кетди. — Сиз қаёқдан биласиз, уста!

— Ййе, ҳали межи саводсиз деб ўйладингми? — жўрттага суҳбатни чўзиш учун деди Маҳмуд ака, — биласанми қандай саводимни чиқарганман? Саводсизликни битириш деган курс бўларди. Ўша курсда, «О... от. Отга тақа қосоқ! дегандан бошлаганман.

Алиқ беихтиёр кулиб юборди. Омбирда қисилган темир тушиб кетди. У ўзини кулгидан тўхтатолмас, Маҳмуд акага бир қараб олиб, яна куларди.

— Ўшанда «Отга тақа қоқ...» деган жойи келганда ҳамма менга қараб куларди.

— Павлик Морозовни ўшанда ўқиганмисиз?

— Йўқ, саводим чиқиб бемалол ўқийдиган бўлганимда.

— Ўзи зап бола бўлган-а, уста, — Алиқнинг кўзларида ўт чақнагандай бўлди.

— Островскийни ҳам ўқигандирсан-а, ўғлим?

— Ҳа, бўлмасам-чи... Уста, сиз кўп китоб ўқийсизми?

— Йўқ, ўғлим, Островскийни газетада ўқидим. Қани энди сендақа ўғлим бўлса-ю, кечқурунлари шунақанги қизиқ китоблардан ўқиб берса...

— Бўпти, уста, ўқиб бераман, — деди шошилиб Алиқ, — хўп десангиз ҳар кунни ўқиб бераман.

Алиқ гапга тушиб кетганидан, кечқурун қўйиладиган кинони ҳам унутиб юборди.

— Вулмаси, сен менга ўғил бўла қол, Алик, хўп де-  
ванг, шу бугуноқ уйимга олиб кетаман.

А? — Алик шундай деганча Маҳмуд акага тики-  
либ қолди. — Майли, уста, бораман. Ҳар куни китоб  
ўқиб бераман...

Шу кундан бошлаб, бефарзанд Маҳмуд аканинг уйи-  
да учинчи киши — ўғил пайдо бўлди. Бола оилага тез  
кўникди. Кўникди-ю, анчагача эр-хотиннинг юрак-бағ-  
рини ҳам эзди. Куни бўйи бинойидек юрган бола кеча-  
си бўлдимиз, уйқусида туш кўриб ўзидан-ўзи гапирар,  
онасининг отини айтиб чақирар, ҳаммасидан ҳам Рая-  
ни тилидан туширмасди. Авваллар эр-хотин қўрқиб  
юришди. Кейин билишса, улар ҳаммаси уруш даҳшат-  
ларининг болада қолдирган таъсири экан. Аликнинг  
онаси ўлгани, беш яшар синглиси Рая ярадор бўлиб  
госпиталга юборилгани эр-хотинга маълум бўлса ҳамки,  
улар бу ҳақда болага ҳеч гапиришмасди. Охири бир  
куни Маҳмуд ака Аликни ёнига ўтқазиб, ётиғи билан  
деди:

— Ўғлим, эртадан отпускага чиқяпман, биргалашиб  
шаҳар детдомларини айлансак, зора Рая ҳам Тошкент-  
да бўлса?

Алик Маҳмуд акани қучоқлаб олди.

— Дадажон, борамиз, жон дада, борамиз.

— Хўп, ўғлим. Рая саломат бўлса албатта топамиз.

Ота-ўғил тўққиз кун ичида бормаган жойлари қол-  
мади. Ниҳоят, шаҳар ёқасига жойлашган гўдаклар  
уйидан Раяни топишди. Беш ёшли қизчанинг акасига  
отилганини кўрган Маҳмуд аканинг кўзидан ёш чиқиб  
кетди. Қизча Аликни шундай қучоқлаб олган эдики,  
Маҳмуд ака ҳали-ҳали шу ҳолатни эсласа, ўпкаси тў-  
либ кетади. Улар билан бирга борган Ҳакимжон Рая-  
нинг қўлига ширинлик бериб, уни кўтариб олди.

— Бола деганнинг бунчалик тез ўзгаришини умрим-  
да биринчи кўришим, — деди Маҳмуд ака ўша пайтни  
эслаб, — бир ҳафта деганда шундай етилиб кетдики, та-  
ниб бўлмайд қолди. Ҳаммасидан ҳам акасининг тинчи-  
ганини айтмайсизми? Туш кўриш ҳам йўқ, гапириб чи-  
қиш ҳам.

Янги йил арафаси эди. Бир куни Маҳмуд ака ишдан  
келса, Раянинг кўзлари ёш, қовоқлари бўртган. Хотин-  
нидан сўраса, у: «Ҳайронман, эрталабдан бери йиғлай-  
ди, кундуз овқат ҳам емади, ҳадеб суриштираверганим-

дан кейин, дадам келсалар айтаман, деди. Сўранг-чи, нима деркин», деди. Маҳмуд ака кийимларини ҳам ечмай, қизчани қўлига олди, эркалади.

— Оппоқ қизим, нима гап ўзи, кап-катта бола шунақа йиғлар экан-да.

— Дадажон, арча байрами қиламизми? — деди жажжи лабларини чўччайтириб Рая.

— Ҳа, қизим, албатта қиламиз, сен ашула айтиб берасан.

— Яшасин дадажоним, — Рая Маҳмуд аканинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб, юзларидан ўпа кетди.

— Шуни ойингга айта қолсанг бўлмасмиди, қизим, йиғлаб қўрқитиб юборибсан-ку.

— Ҳо, дадаси бозордан арча олиб келади-да, ойисимики?

Эр-хотин кулиб юборишди.

Дам олиш куни Маҳмуд ака ўғил-қизини етаклаб, арча, ўйинчоқлар олгани бозорга жўнашди...

Ҳа-я, кечагина эди-я.

Орадан сал кам ўн беш йил ўтибди. Маҳмуд ака ўша йиллари Алиқ, Раядан кейин яна етти ўғил-қизни ўз тарбиясига олди. Раяга биринчи марта қилиб берилган арчадан буён Маҳмуд акалар уйида арча байрами одат тусига кирди. Болалар ҳозиргача ҳам арчани Раянинг номи билан аташади. Ҳар йили арча атрофига тўп-ланиб, Раяни ўртага олишади, ўнинчини битираётган кап-катта қизни ашула айтиб беришга мажбур қилишади. Қани айтмай кўрсин-чи. Булар, арча атрофидагилар энди Маҳмуд аканинг ўғил-қизларигина эмас, кўплари неваралари...

Уста билан шогирд сўнгги остановкада тушишди. Ҳакимжон эртага янги йилни Маҳмуд акалар уйида кутишга ваъда бериб, хайрлашди.

Ҳакимжон устасининг уйига қоронғи тушгунча бо-рай деб шунча уринди, бўлмади. Йўлда, чойхонага кириб кетаётган ганиши учраб қолди. Бир пиёла чойсиз қутулиб бўлмади. Киргани ҳам яхши бўлибди. Маҳмуд акага янги гап топиб борадиган бўлди.

Эшикдан кирди-ю, гап бошламай кулиб юборди. Маҳмуд ака ҳеч нарсага тушуна олмади.

— Тинчликми, ўзингни бос, ўғлим.

— Тинчлик, уста. Йўлда чойхонага кирувдим. Соли жаллоб улфатлари билан ичкилик ичиб ўтирган экан.

Шу пайт бирдан радиодан «Хурматли Маҳмуд ака, сизга, оилангизга бағишлаб концерт эшиттирамиз!» деб қолди-ю, жаллоб бир сакраб тушса бўладими, қўлидаги ароқ пийёласи билан тушиб, чил-чил бўлди. Чойхонада гурр кулги кўтарилса бўладими?..

— Ҳа, бўлади, ўғлим. Қани, ичкарига кир.

*Январь, 1956 йил*

Уйингга меҳмон чақриб қўйсангу, меҳмондан ҳам зарур ишинг чиқиб қолса, бундан ҳам оғир хижолатлик борми? Тагин келиб-келиб янги йил кечасида-я. Сидиқжон шундайлигини билганда икки кун овора бўлиб, ҳозирлик кўрмасди, ўртоқларини чақирмай қўя қоларди. Маҳбубахон-чи? Икки кундан бери овсини билан сингисини ёнига олиб, пиширмаган нарсаси қолмади. Баъзи аёлларнинг ўринсиз андишаси мана шунақанги пайтда ишнинг белига тепади-да. Бўлмаса ўз эридан андиша қиладими? Утган куни ёки кеча айта қолса бўлмасмиди? Унинг дардини Сидиқжон қаердан билсин? Мана энди нима бўлди. Меҳмонлар авжи биринсирин кириб келиб, уйни тўлдирадиган пайтда мезбонлар ҳув этиб қочиб қолса. Билмаганлар нима деб ўйлаши мумкин, ахир.

Янги йил киришига сал кам икки соат қолганида безатиглик хона, ясатиғлик стол, ҳатто пробкалари очилган шишалар Сидиқжоннинг янгаси Мастура опага қолдирилди-ю, эр-хотин машинага ўтириб жўнашди, кетди. Мастура опа, келадиган меҳмонлар билан таниш бўлганда ҳам бир нави эди. Ҳали замон келиб қолишади. Уларга нима жавоб қилади? «Ўтира турунглар, ҳозир келишади», дейдими? Ҳеч бўлмаса Сидиқжон вақтлироқ келса майлийти-я. Меҳмонларнинг кўнглига бошқа нарса келиб, «кетамиз» деб туриб олишса-я, «Овсиним тушмагур-эй, менга айтса бўлмасмиди. Ёш-да, ёшлик қилди, Маҳбубахон...» Ҳа, энди эсига тушди. Абдукаримнинг хотини Раҳбархонга секин шипшитиб қўяди,

Ўзи овқатга қараса, Раҳбархон меҳмонларни эплаб туради. Шунга бояроқ ўйлаганда-ку, Раҳбархонни айттириб юборарди... Нима қилсин, унинг ҳам боши гангиб қолди-да...

Мастура опа ана шу хаёллар билан уйга кириб, коридорга чиқар, яна қайтиб кирар, нима излаб кирганини билмас, ҳар галгисида ё тарелканинг ўрнини алмаштирар, ё стулни тузатиб қўярди. Қийматахта ёнида турган мурчдонни қидириб неча марта уйга кириб чиқди. Шундагина хаёли паришонлигини сизди, ўзига-ўзи тасалли берди: «Вой, эсимни еб қўйдимми, нима, ташвишли ишмиди, бу...»

Ҳовлидан ғовур-ғувур товуш эшитилди. Мастура опа коридорга чиқмаган ҳам эдики, совға-салом кўтариб меҳмонлар кириб келишди. Боядан бери ҳувиллаб қолган, фақат самовардаги сувнинг бақиллаши-ю, радионинг паст овозигина сукунатни бузиб турган хонада меҳмонларнинг суҳбати, кулгилари янграб кетди. Меҳмонлар ҳозирча ҳеч нарса билишмайди. Улар Мастура опа билан кўришаётганда, «Маҳбубахон қанилар?», «Сидиқжон қани?» деб сўрашганича туришибди. Мастура опа ҳаммаларига ҳам, «шу ерда, ҳозир киришадидан бошқа гап айтмади. У энди ўзини босиб олган, юзларидаги бояги қўрқувга ўхшаган хомушлик қолмаган эди.

Ташқарида эри билан Раҳбархон кўринди. Мастура шошиб коридорга чиқди-да, улар билан кўришди. Раҳбархонни имлаб олиб қолди, коридорнинг чеккароғига етаклаб, қулоғига алланарсани пичирлади. Раҳбархоннинг кўзлари катта очилиб, ранги ўчиб кетди, анчадан кейин ўзига келди.

— Қўрқманг, Мастурахон, сиз бу ёғини эплаштиравинг, меҳмонларга ўзим қарайман,— деди-да, ичкарига кирди.

Вақт ўтган сари меҳмонлар безовталана бошлашди. Ўртага хафалик бўлиб хафаликка, хурсандчилик бўлиб хурсандчиликка ўхшамайдиган ғалати бир жимлик чўкди... Баъзилар кетиш тараддудига ҳам тушиб қолишди. Хотинлар бўлса эркаклардан яширинча ўзаро пичирлашар, алланарсани маслаҳат қилишарди. Бу ноқулайликни Раҳбархон бузди.

— Ҳай, нега чекка-чеккага чиқиб олдинглар, стол атрофига ўтиринглар, чорак соат қолди-я.



— Тўғриси айтинг, Раҳбархон, Сидиқжонлар қаёққа кетишган?— сўради меҳмонлардан бири.

— Ростини айтайми,— деди кулиб Раҳбархон,— қани, дастурхонга яқинроқ ўтиринглар, ўзларингизга маълумки, ўтган йили янги йилни кутиб олганимизда Сидиқжон билан Маҳбубахон ҳали турмуш қурмаган ошиқ-маъшуқлар эди. Ўша ўтиришда, бу сафар янги йил кечасини бизникида ўтказамиз, деб таклиф қилувди. Бундан хабарларинг бор. Шундан кейин менга ажойиб бир сир айтган эди. Кечани шундай ўтказамизки, ҳамманинг эсида қолсин, совгани худди ўн иккига занг урганда эшикдан кўтариб кираман, девди. Ҳали замон келиб қолади, жуда антиқа совға ўзи... Энди қутулдимми, кўнгилларинг тинчидими?

Раҳбархоннинг шундай гап тўқиб, меҳмонларни ишонтирганига Мастура опа ҳайрон қолди. Бундан хабардор баъзи аёллар кулиб юборай дейишди.

Беш минути кам ўн икки, Раҳбархон қадаҳларга вино, шампанское қуйиб чиқди. Қани, ўзингиз бошланг, дегандай эрига қараганди, у қадаҳни қўлига олди.

— Икки минут... қани, дўстлар, марҳамат,— деди Абдукарим.

— Шошманглар,— деди яна йигитлардан бири,— мен тушунолмаёйман, ҳазил бўлиб ҳазилга ўхшамаяпти, чин бўлиб чинга... Бир минут қолди-ю, Сидиқжондан ҳам, Маҳбубадан ҳам дарак йўқ. Раҳбархоннинг гапларига ишонгим келмай қолди.

— Ҳазил бўлганда ҳам унақа-бунақа ҳазил эмас, хурсанд қиладиган ҳазил, мана қараб туринглар, ҳозир кириб келади,— Раҳбархоннинг юзидан кулги аримасди.

— Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, ўртоқлар!

Радионинг овозига қаҳқаҳа кулги билан қадаҳларнинг жаранги қўшилиб кетди.

— Маҳбубахон билан Сидиқжоннинг бахтли ҳаёти учун!

Худди шу минутда Сидиқжон сув солинган стакани графинга уриштирди.

— Янги йил, янги меҳмон учун!— деб сувни ичиб юборди.

— Сал ўзингизни босинг, йигит,— диванда пинагини бузмай газета ўқиб ўтирган кўзойнакли кишининг бу луқмаси Сидиқжонга оғирроқ тегди. Иссиқ, озода

хонада кийимларини, лойли калишини ҳам ечмай шляпада ўтирган бу одамнинг кўринишиёқ Сидиқжоннинг гагини келтирган эди. Энди бўлса... У ҳам бўш келмади.

— Кечирасиз,— деди мулойимгина,— бу ер азахона эмас, мулла ака.

— Бўлмаса, ашула айтиб, ўйинга тушадиган жойми?

— Ҳа, энди топдингиз, ака, худди шунақа қилса арзийдиган жой. Болали уй бозор, деб эшитмаганмисиз? Ана, қулоқ солинг-а,— у қўли билан чақалоқларнинг йиғиси эшитилиб турган томонни кўрсатди.

Кўзойнакли киши тескари бурилиб олди. Унинг бу қиёфасига ғижиниб ўтирган йигит ҳам Сидиқжонга «бопладингиз» дегандек жилмайиб қўйди.

Шу орада коридор томондан кекса ҳамшира кўринди. Сидиқжон келганидан бери неча марта учрашган бу кампирни яна ўз ҳолига қўймади.

— Янги йилингиз билан табриклайман,— деди шошиб,— нима гап, қачон, айтсангиз-чи?

Кампир кулиб юборди. Бу йигит боядан бери на врачни қўяди, на ҳамширани. Қаттиқ гапирмайди-ю, ширин сўзлар билан ялингани-ялинган. Ҳамширани ҳам, акушерни ҳам доктор деб чақиради. «Олов-а, олов» деб кўнглидан ўтказди кампир.

— Яхши йигит, аввало мен доктор эмас, иккиламчиси, ҳар кириб чиққанимда айтяпманки, аҳволи жуда яхши, дарди енгил, кўз ёриши осон бўлади... Сабр қилинг,— деди-да, яқиндаги хоналардан бирига кириб кетди.

— Уф,— Сидиқжон бояги йигитнинг ёнига бориб ўтирди,— бюрократ дейдими шуларни?

Йигит беихтиёр кулиб юборди. Гапирган гапи ўзига нашта қилдими, Сидиқжон ҳам қўшилишиб кулди. Кўзойнакли киши буларга қараб бир хўмрайиб қўйди.

— Кечирасиз,— деди йигитга ёндашиброқ Сидиқжон,— сизники... кўзи ёриганми?

— Йўқ,— оғир уф тортди у,— операция қилишяпти.

— А?— Сидиқжон чўчиб тушди. Ҳеч гап айтолмади. Шу топда тўғридан оғзини дока билан ўраган врач кўринди. Йигит ирғиб ўрнидан турди.

— Табриклайман, ўртоқ Салимов, операциядан жуда яхши чиқди, хотинингиз ҳам, ўғлингиз ҳам тетик.

Салимовнинг кўзлари чақнаб кетди, врачнинг қўлини маҳкам сиқиб, миннатдорчилик билдирди. Сидиқжонни қучоқлаб олганини ҳам сезмай қолди.

— Ўғил муборак энди, оғайни?

— Раҳмат.

Салимов чиқиб кетди. Уртага думалоқ стол, атрофига стул, диванлар қўйилган хонада кўзойнакли киши-ю, Сидиқжон қолди. У безовта бўлар, дам-бадам соатига қараб, ўзини қўйгани жой тополмасди. Уйдаги меҳмонлар эсига тушиб, бир оз ўйланиб турарди-да, яна хаёл ичкарига, Маҳбубахон ётган томонга олиб қочарди. Қани энди иложини топса-ю, секин коридордан бориб, эшик тирқишидан бўлса ҳам кўриниб, ҳол сўраса. Мана, янги йилнинг ҳам йигирма минути ўтди. Ўтган йилнинг худди шу вақтида қаерда эди? Раҳбар опаларникида ўзбекча вальсга танца тушаётган эди. Ҳозирчи? Ўз саволидан чўчиб тушди. Сидиқжон. «Йўқ, ҳозир ҳам биргаман. Ҳамма вақт бирга бўламан». Бир зумда хаёли оламни кезиб чиқди. Институтни бирга тамомлаганлари, ёздаги практикалар, Маҳбубахонни институтга ишлашга қолдириб, уни тўқимачилик фабрикасига юборишганда, «ё бирга институтда қоламиз, ё бирга фабрикага борамиз» деб туриб олгани, кейин бу гапни ҳазилкаш ўртоқлари «бир-биридан бир қарич ажралмасликка аҳд қилишган» деб, аския қилишиб юборгани — ҳаммаси кўз олдидан бирма-бир ўтди.

— Ўртоқ Иноятов! — овозни эшитиб, сакраб ўрнидан туриб кетди Сидиқжон, — ўғил билан табриклаймиз!

— А? Ўғил? Раҳмат, доктор. Ўзи қалай?

— Раҳматни хотинингизга айтасиз. Соғлиғи жуда яхши.

Сидиқжон шошганидан кўкрак чўнтагидан ручкасини икки топқир қўлига олиб, яна ўрнига қўйди. У бир парча қоғоз ахтарарди.

Маҳбубахондан чиққан жавобни такрор ўқиб чиқди-да, ўқдек ташқарига отилди, мудраб қолган шофёрни уйғотиб, юзларидан ўпиб олди.

— Ҳайда, оғайни, учир!

Уйга келганида Абдукарим «Роҳат»га ўйнаётган эди. Сидиқжон эшикдан кирди-ю, қулоч ёзиб ўйинга тушиб кетди. Аммо меҳмонлар ўйнатгани қўйишмади.

— Сал кечиксанг, боплаб хат ёзардигу жўнаб қолардик,— деди ўртоқларидан бири.

Сидиқжон билдики, меҳмонлар воқеадан беҳабар. У, ётиғи билан сўз бошлаган эди, барибир, гапиргани ҳам қўйишмади. Гинахонликлар бирпасда унутилди, янги меҳмон шарафига қадаҳлар жаранглаб кетди.

— Ҳаммаси ҳам майли-я,— деди Сидиқжон, ғовур босилгач,— мен борганимда диванда жуда олифта кийинган, қирқ ёшлар чамасидаги бир одам ўтирувди. Менга ўхшаганлардандир-да, деб эътибор бермадим. Мен ҳам, ёнимдаги йигит ҳам оқ халатли ким кўринса, худди оғзидан хотинингиз туғди, деган гап эшитаётгандай дик этиб ўриндан турамиз. Қўйингки, ғалати бўларкан-да, гоҳ севишиб кетасан, гоҳ хаёл хунук ҳодисаларни кўз олдинга келтириб қўяркан. Ҳалиги одам-чи? Парвойи палак, биров билан иши ҳам йўқ, газетадан кўз узмайди. Шу пайт соат ўн икки бўлиб қолди. Ёнимдаги йигит менга қараб, қатордан қолмайлик, дегандай, стаканга сув қуйди, мен ҳам қуйдим. Янги меҳмон учун деб ичдик-да, кулиб юбордик. Шунда ҳалиги одам: «Ўзингизни босинг, йигит» дейди. Бу гап ёнимдаги йигитга ҳам ёқмади. Мен-ку боплаб жавоб бердим. Бир оздан кейин гап орасида бу ким деб ҳамширадан сўрасам, «Эй, бу одам бизнинг тез-тез келиб турадиган мижозимиз» деб қўл силтади. Тушунолмайд елкамни қисган эдим, ҳамшира секин қулоғимга шивирлади:

— Бола кўрса хотинларининг қомати бузилармиш, ўзларининг ишларига халақит берармиш,— деди кулиб. Шу гапдан кейин бу одам кўзимга баттар ёмон кўриниб кетди. Қаранг, одамлар у ерга фарзанд деб борса, у киши... Эй, садқаи...

...Меҳмонлар янги йилнинг биринчи тонгини шу ерда қарши олишди. Улар Сидиқжондан яшириқча бўлган маслаҳатга кўра, ўринларидан туриб, вазалардаги гулларни қоғозга ўрашди.

— Қани, юр, Маҳбубахонни табриклаб келамиз.

— Эй, кўрсатмайди, барибир.

— Бугун кўрсатса ҳам кўрсатади, кўрсатмаса ҳам,— деди Абдукарим,— қани, юр!

Меҳмонлар навбатчи врачни ўз ҳолига қўйишмади. Бундай пайтларда Абдукаримдан эпчили йўқ. Гулдас-танинг биттасини врачга тутқазиб, уни янги йил билан табриклади. Кейин мақсадини айтди. Врач ҳадеганда

кўна қолмади. Ичкарига кириб кетди. Салдан кейин қайтиб чиқди.

— Сира иложи йўқ эди-ю, толеларингга жуда тетик экан, — ҳув анави деразадан кўрасизлар.

Маҳбубахоннинг каравоти деразанинг таккинасида экан. У шундай бошини кўтарди-ю, ҳаво ранг шоҳи дарпардани тортди. Ҳозиргина киритилган гулни қўлида силкиб, саломлашди. Меҳмонлар имо-ишоралар қилиб, уни янги йил, янги меҳмон билан қутлашди.

Улар хайрлашар экан, янги йилнинг биринчи қуёши заррин зиёларини шоҳи дарпардага тўкди, Маҳбубахоннинг юзларига сочди. Энди Сидиқжон ҳув бўйдоқлик вақтидаги сингари, дераза тагига келади-да, секин ойнани чертади, шунда шоҳи дарпарда тортилиб, ўғилчасини бағрига босиб турган Маҳбубахон кулиб боқади:

— Келинг, дадаси.

*Январь, 1956 йил*

## ТОШОЙНА

Унинг кўзлари чарақлаб очилиб кетди-ю, деразага тутилган тўрпарданинг нақшдор гулларига тушди.

Ҳовлидаги симёғочда ёниб турган чироқ тонг тумани билан нурсизланиб, гулларнинг хирагина аксини уй деворига кўчирган эди. Ташқарида энгил тонг шабадаси эсаётганга ўхшайди, гуллар титраб турибди.

Қордек тиниқ тўрпарданинг тутилганига бугун роса бир ҳафта бўлди. Роҳатой қанча вақтдан буён қидириб юриб, худди шу нусхасини ўтган якшанба куни топди. Кела солиб, тутишга уринди, деразанинг эни-бўйига тўғрилагунча анча овора бўлди, гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан қайта-қайта кўздан кечирди, ҳовли томондан ҳам чиқиб қаради. Шу пайт худди пойлаб тургандек булут ортидан чиққан қуёш ўз нуруни дераза ойналарига тўкди, биринчи дафъа парданинг жимжимадор гулларини оралаб ичкарига кирди. Уйнинг оқланган деворига расом гул чизиб кетгандек бўлди. Қуёш Роҳатойнинг қалбини ҳам шундай ёритиб, қитиқладики, буни фақат тўй кечасида чалинган, Роҳатой юрагида аллақандай сирли, умр бўйи эсда қоладиган ҳиссиётларни уйғотган музыка садосига ўхшатиш мумкин. Назарида, мана шу парда ҳам уйга ҳусн, бахтига бахт, қувончига қувонч қўшгандек бўлди. Зангори абажур-чи? Ўтган шу бугун у ҳам магазиннинг шифтига осиглиқ эди-да. Роҳатой узоқ танлади, ипак шокилаларини силкитиб кўрди, абажурнинг саккиз қаржли қуббаси уйнинг ҳажмига мос тушишини кўз олдига келтирди. Охири шунисини ёздириб олди. Шу кезларда уй учун, янги турмуш учун

нимаики харид қилаётган бўлса ҳаммаси ҳаётига мазмун қўшаётгандек бўлар, буюм бўлгани учун эмас, ўзига, севикли ўртоғига хизмат қиладиган бўлгани учун қувонарди. «Буюмлар ҳам инсонга вафо қилиши лозим, шу туфайли улар дилга ёқиши, ҳаётни бойитиши керак, — ўйлади у, — бироқ Асқаржон-чи? Ҳа, унга ҳам ёқади. Ёқадики, индамайди-да, севинганидан ҳар гал кулиб қўяди. Шу бас-да. Бўлмаса, «яхши абажур олиб-сиз» деб икки билагимдан ушлаб, юзларимга кулиб боқсину, кўксига босиб эркалатсинми? Бачканалик бўлмайдими, бу?»

Илгари Роҳатой ётоқхонада эканлигида буюмларга ҳозиргидек ҳавас билан қарармиди? Зарурат учунгина оларди, холос. Мана, чойнак, ётоқхонадагиси бундан чиройли эмасмиди? Тўғри. Буниси-чи? Буниси бошқача. Жўмрак ва бандларига ҳал юритилмаган бўлса ҳамки, олтин юритилгандан аъло. Негаки, бу чойнак янги турмуш қурган кезларида олинган, эр-хотин ширин суҳбат қуриб, чақчақлашиб ўтиришганида, Роҳатой шу чойнакка чой дамлайди, гардиши ҳалли кўк пиёлага қуйиб эрига узатади... Фақат бир нарсани тополмай юрибди, чойнак жўмрагига шама тутиб қоладиган элакча олиши керак. Асқаржон пиёлага шама тушса, чой ичгандек бўлмайман, дейди.

Роҳатой пардага шунчалик қаттиқ тикилдими, кўзининг нури ёруғлик берганида нақшнинг акси ҳовли деворига ҳам тушган бўлар эди. Тушарди-ю, уйдагидек, титрамасди. У қимир этмай ётибди. Қизлик вақтидагидек, уйғониб, кўзи очилиши билан ирғиб ўрнидан туриб кетадиган пайтлар ўтиб кетди. Энди ундай қилолмайди. Асқаржон ёнида-ку. У безовта бўлмайдими? Бир сафар шундай қилиб уйғотиб юборди. «Қўполлик ҳам эви билан-да», деди ўшанда Асқаржон, Роҳатой неча кунгача ўз қилигидан ўзи ранжиб юрди. «Рост. Ширин уйқуда ётган кишини безовта қилишдан ҳам ёмони борми?» Шундай бўлса ҳам сира-сира ўрганолмас, турмуш қурганларига ярим йил бўлай деяпти-ю, ўрганиш қийин бўляпти. Одат деган нарса ҳам қизиқ бўлар экан. Ёшлигида онасининг: «Қизим, барвақт туришга одат қил. Кўзинг очилдими, ирғиб тур, эриниб ётаверса, киши ланж бўлади», дегани қулоғига шундоққина қуйилиб қолган экан. Шу-шу эсини танибдики, уйғониши билан ўрнидан туриб кетарди, бир минут

ҳам ётолмасди. Кўзлари ҳозиргидай чарақлаб очиларди-да, ухлаган-ухламаганини ҳам, ётгани ёки ўтирганини ҳам билолмасди. Уйқуга тиниққандан шунақа бўлармикан? Аҳён-аҳёнда, кеч ётиб қолгандагина кўзлари сал ачишганини сезарди, холос. Институтда-ку, бу одат яна авжига минди. Тонг билан баб-баравар уйғонар, зарядка қилар, ўз ҳаракатларини юзидан бошқа жойини кўрсатолмайдиган кичик ойнага солиб кўрарди. Энди-чи? Энди уйғонганидан кейин бир ўзини эмас, Асқаржонни ҳам ўйлайди. У, албатта, бундай пайтда уйқуда бўлади. Жуда эҳтиётлик билан, ўнг қўлини каравотнинг ёнига тираб, уни гижирлатмай турмаса бўлмайди, уйғониб кетади. Роҳатой ётар экан, ўзини қушдек енгил ва тетик ҳис қилар, юзларидан табассум аримасди. У ўнг қўли билан пешонасига тўзғиган сочларини тўғрилаб туриб, жимжилоғини сиқиб турган олтин узукка кўзи тушди. Ёқут кўзининг зиҳи билинар-билинемас кир бўлибди. Чап қўлини қимирлатолса тозалар эди. Бу узукни тўй кечаси Асқаржоннинг ўзи тақиб қўйди. «Ушанда Ҳалима деганларнинг ҳоли нима кечдийкин, ўзим ҳам роса ақлли иш қилдим-да. Асқаржон акам, қани энди, қўлимда бўлса-ю, мен сизга кўнглимдаги совғани қилсам, деб хомуш бўлганида кассада йиғиб юрган пулимни олдим, ювелиторга бориб, шу узукни ёқтирдим. Асқаржон акам дарров тушунди, уялиб кетди. Мени қарздор қилдингиз-да, деди. Кулишдик. Эр-хотин ўртасида қарз деган гап бўлармиди? Ҳалиманинг олдида юзим ёруғ бўлгани қолди. Мана, турмушимиз ёмон эмас. Асқаржон акам дарс ҳам олдилар. Икки йил ҳадемай ўтиб кетади. Кандидат бўладилар. Ўзим эрта-индин институтни битириб, ишлай бошлайман. Ушанда кўрсин Ҳалимаҳон турмушимизни...»

Роҳатойни ширин хаёллар чулғади. У бугун Асқаржон билан бирга бориб, анчадан бери орзу қилиб юрган тошойнани олади. Кеча онаси ваъда қилган пул ҳам келди. Асқаржондагисини қўшса етиб ортади. Уйнинг тўрини энди бўй баробар тошойна безайди.

«Шу бугун кечқуруноқ ўртоқларимни чақираман,— кўнглидан ўтказди у,— Ҳалимаҳон бир кўрсин».

...Ҳалимаҳон Роҳатойнинг гўдакликдан бирга ўсган дугонаси эди. Улар бошланғич мактабни ҳам, ўн йилликни ҳам бирга битиришди. Ҳалимаҳон олтин ме-



даль, Роҳатой кумуш медаль олди. Улар бир-бирлари билан шу қадар иноқ эдиларки, мактабда ҳам, маҳаллада ҳам Фотма-Зухра деб чақиритарди. Бу ном қандай қилиб Тошкентга етиб келибди экан? Институтда ўқиш бошланган биринчи йилиёқ ҳаммага тарқалдикетди. Унинг ёнига янгиси қўшилди. «Андижонлик қизлар» деб чақиритиша бошлашди. Бу қизлар бир хил кийинишар, ёнма-ён ўтиришар, томошаларга ҳам бирга боришар, ҳатто комсомол комитети ё институт маъмуриятидан бирон жойга таклифнома беришадиган бўлса, буни ҳисобга олишарди. Ҳалимаҳон факультет деворий газетаси редколлегиясининг аъзоси эди. Газета чиқариладиган пайтда Роҳатой унинг ёнидан кетмас, редколлегия лозим топган ишга кўмаклашарди. Баъзи шўхроқ студентлар «Фотма-Зухраларга Ҳасан-Ҳусан топилмас, турмушга ҳам чиқишмасмиш» деб ҳазил қилишарди. Бунга дугоналар хафа бўлишмас, эътибор билдиришса, дўстликка путур етаётгандек бўларди.

Қизларнинг ички сирини ошкор қилиш яхши эмаску, барибир, яшириб ҳам бўлмайди. Очиқроқ айтиб қўя қолайлик, дарс тайёрлаб чарчаган кезларида каравотларига чалқанча ётишарди-да, хонадаги аллақандай нуқтага тикилганларча орзу дарёсида сузишарди.

«Рост, ўртоқжон, севганимиз иккимиздек иноқ, чиройли, ақлли йигитлар бўлса...» — дерди бири, «уйимиз ҳам бир жойда бўлса...» деб кулиб юборарди иккинчиси. Шундай пайтларда Роҳатой сакраб турарди-да, тумбочка тортмасидан қоғозга ўроғлиқ расми олиб, узоқ тикилиб қоларди. Денгиз флоти формасидаги забардаст йигит ўткир кўзларини Роҳатойнинг кўзлари билан уриштираётгандек бўларди. Бу — Роҳатойнинг ҳамшаҳари, мактабни бирга томонлаган Усмонжон эди.

Усмонжон Роҳатойлар Тошкентга жўнашаётганда вокзалга кузатгани чиқди-ю, ҳеч нарса айтолмади. Орадан бир ҳафта ўтмасданоқ, Роҳатойга хат келди. Уйдагилардан ҳам олдин Усмонжон ёзибди. «Мен шу вақтгача айтишга ботинолмовдим. Кўнглингизни билмайман-ку!.. Лекин... хат ёзиб турсам майлими?...» Бу сатрларни ўқиган Роҳатой беҳосдан «майли» деб юборганини сезмай қолди. Шундан кейин неча-неча хатлар келди, жавоблар ёзилди. Унингчини тамомлаб, токаръ

бўлиб ишлай бошлаган Усмонжон орадан бир йил ўтиб, армия хизматиغا жўнайдиган бўлди. Шунда Усмонжон атайин Тошкентга келиб икки кун турди, дугоналар билан кинога тушди, бирга расм олдирди. Буни Ҳалима-хонгина эмас, Роҳатойнинг онаси Шаҳодат хола ҳам биларди. Роҳатой ҳар гал Усмонжондан хат келишини орзиқиб кутар, ўз тили билан айтганда, хат келган кун — дам олиш куни ҳисобланарди. Хатни қайта-қайта ўқиб чиқар, ёқиб қолган жойларини Ҳалимахонга кўрсатар, ўзидан-ўзи ашула айтиб, дарс тайёрлагани қўймас, кейин ўтириб, ўзи институтни, Усмонжон хизматни тугатгандан кейинги режаларини гапириб берар, «Ё мен Қора денгиз флотига бориб тарихдан дарс бераман, ё Усмонжон мени пароходда олиб юради» деб, кулиб юборарди.

Тўртинчи курс охирлаб каникуль яқинлашганида нима бўлди-ю, Усмонжондан хат келмай қолди. Роҳатой буни сездирмай юрди. Ҳалимахон пайқаган бўлса ҳам ўзини билмасликка олди. Охири у тоқат қилолмади. Бир куни кечқурун тўсатдан сўраб қолди:

— Усмонжондан хат келмаяптими?— «Нега ёзмай қўйдинг» дейиш ўрнига шундай саволни берди у.

— Ҳайронман, ёзмай қўйди,— зўрға жавоб берди Роҳатой. У дугонаси шу ҳақда гап очиб қолишини билиб юрарди-ю, қандай жавоб қилиш уни ташвишга соларди.

— Сабаби бордир, ахир?

— Қаёқдан билай!

— Бўлмаса мен хат ёзиб билиб берай?

— Ёзсангиз ёзаверинг. Мени...

— Ҳа, сизни қўшмайми? Қачондан бери?

— Мунча сўроқ қилиб қолдингиз, ўртоқжон?

— Ана шу «ўртоқжон» деганинг учун сўроқ қил-  
япман.

— Усмонжон керак бўлса, ўзингиз ёзаверинг.

Ҳалимахон гапнинг бундай тус олишини кутмаган, дугонасини ётиғи билан юпатмоқчи, унга қўлидан келганча насихат қилмоқчи эди, бўлмади.

— Роҳатой!— деди у шиддат билан,— мен сизни бунчалик енгил табиат деб ўйламаган эдим. Уялмай-сизми?

Роҳатой чўчиб тушди.

— Нималар деяпсиз ўзингиз? Ҳали сиздан эшитга-

ним шу бўлдим. Тавба. Уяладиган иш қилиб қўйибманми?

— Кўнглингизда йўқ экан, Усмоғжоннинг қўйинини пуч ёнгоққа тўлғазиб нима қилардингиз?

— Мен шундай қиламан деяпманми? Ўзи-ку!..

— Оҳ-воҳлар, суратларини ёстиғингиз тагига қўйиб ётганингиз бекор экан-да?

— Барибир, у менинг тенгиммас.

— Ҳа, кечагина танишган Асқаржон тенгингизми? Ҳали кимлигини ҳам билмайсиз-ку!

— Нега билмас эканман, институтни тамомлаяпти, инженер бўлади. Аспирантурада қолмоқчи.

— Ҳа, бу ёғига учдим денг, Усмоғжон саводсиз бўлиб қайтади деб ким айтди сизга?

— ...

— Майли, Роҳатой, таъбингиз. «Бу менинг ишим, аралашманг» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаяпсизу, айтишга андиша қиялпсиз, сезиб турибман. Тўғри, бу сизнинг шахсий ишингиз, бир нарса деёлмайман. Фақат дўстлигимиз ҳурмати, юрагим ачигандан гапиряпман.— Ҳалимаҳон шундай деди-да, тескари бурилиб, қўлига китоб олди.

Роҳатой жим эди. Унинг ташвиши бошқа томонда. Ишқилиб, Ҳалимаҳон Усмоғжон билан муносабатини Асқарга айтиб қўймасин-да. Ҳозирги гапларни уйдагиларга ёзиб юборгудай бўлса, тагин иш пачава. Роҳатой секин ўрнидан туриб, Ҳалимаҳоннинг каравотига ўтирди. Оҳиста унинг белидан қўлини ўтказди.

— Ўртоқжон, қўйинг, сизни ранжитганимга ўзим ҳам хафа бўлиб кетдим.

— Нега ранжийман. Сиз хурсанд бўлсангиз, мен ранжирмидим?

— Биласизми, Ҳалимаҳон, ростини айтсам, ҳақиқий севги нималигини энди сезяпман. Ахир нега тушунмайсиз?— У кўзига ёш олиб, бошини Ҳалимаҳоннинг елкасига қўйди.

«Бўлса бордир», деб кўнглидан ўтказди Ҳалимаҳон дугонасига раҳми келиб ва унинг бошини силай бошлади.

— Ахир кўрмасам туролмайдиган бўлиб қолдим.— Йиғи аралаш деди Роҳатой,— нима қилай, ўртоқжон, айтинг?

— Нима дейишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Бир ой

деганда одамнинг юрагини, кимлигини билиб бўлармикин?

— Тагин нимасини билиш керак, қизиқсиз-а! У-ку, мени бир йилдан бери биларкан.

— Роҳатой, шу гапга ишондингизми?

— Қачон, қаерда, неча марта кўрганларигача айти-ди-ю, нега ишонмай. Кўргани атайлаб институтингизга борардим, гапиришга ботинолмасдим, дейди.

Ҳалимаҳоннинг кўз олдига бундан бир ой илгари шаҳардаги бадий ҳаваскорларнинг терма концерти қўйилган зал келди. Томошабинларнинг кўпчилиги студент — йигит-қизлар эди. Танаффус вақтида уларнинг ёнига қорачадан келган, қуюқ қора қошли, яхши кийинган бир йигит келди. У Роҳатойдан тарих ўқитувчисининг келган-келмаганлигини сўради-да, ортиқча гап айтмай узр сўраб, залга кириб кетди. Концерт бошланганда бўлса ёнларига келиб ўтирди. Шундан бери Ҳалимаҳон бу йигитни икки марта институт эшиги ёнида учратди. Саломлашиб ўтиб кетаверди. Унинг Асқаржон ҳақида билган-кўргани шу.

— Агар чиндан ҳам севиб қолган бўлсангиз, ўзингизни оғир тутинг, кимлигини суриштиринг, феъл-атворини билинг. Бошқа нима ҳам дея олардим, — жавоб қилди совуққина Ҳалима.

Имтиҳонларга тайёргарлик кўрилаётган қизгин кунлар эди. Асқаржон эса, диплом ишини тугатяпти. Шундай бўлишига қарамай, у тез-тез қизлар ёнига келиб турар, улар билан кино, театрларга борар, кечқурунлари ётоқхонада анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирган дугоналарнинг дарсига кўмаклашган вақтлари ҳам кўп бўларди. Келишган, гаплари бурро-бурро, ҳаммасидан ҳам хушмуомалалиги Ҳалимаҳонга ҳам ёқа бошлади. У турмуш ҳақида, маданият, севги тўғрисида шундай гапларни айтардики, ҳар қандай қизни ҳам ўзига мафтун қиларди. У энгилтак йигит ва қизларнинг бир-бирларини яхши билмай турмуш қуришлари оқибатидан мисоллар айтиб берарди. Бирон марта ҳам Роҳатойнинг якка ўзини кино ёки бирон ерга таклиф этмагани, Ҳалимаҳонда унга нисбатан ишончни яна орттирди.

Ҳалимаҳон баъзан якка қолиб хаёл суриб ўтирганида, «ўртоғимни чакки хафа қилган эканман, бинойидек йигит, бунинг устига қаттиқ севиб қолибди», деб кўнглидан ўтказарди. Бу орада Роҳатой онасига хат

ёзди. Асқаржонни ғойибона танитди, ёзда Андижонга олиб бориб таништиришини айтди.

Уларнинг тўйи Андижонда, Роҳатойларнинг уйида бўлди. Ёзни ўша ерда ўтказишди. Каникул тугагач, Роҳатой бешинчи курсда, Асқаржон аспирантурада ўқишни бошлашди. Мана, беш ой бўлдики, Асқаржон айтганидек, икки ёшнинг янги, маданий бахтли ҳаёти бошланди...

Роҳатой овқат тайёрлаб, плитада чой қайнатаётган пайтда Асқаржон уйғонди. Улар нонуштани қилиб, кўчага чиқишганида соат тўққиз ҳам бўлмаган эди. Магазиннинг ўнда очилиши икковларининг ҳам эсига келмабди.

— Билганимизда, мен бир оз ишлаган бўлардим,— деди Асқаржон соатига қараб,— роса бир соат кутиш керак-а.

Улар магазиннинг яхлит ойнали деразаси ёнида туришарди. Ичкарида ёнма-ён қилиб, қатор тошойналар, шкафлар қўйилган, ҳаммаси кўриниб турибди.

— Сиз кетаверинг бўлмаса,— деди эрига ачиниб Роҳатой,— ўзим олиб бораман.

— Қийналасиз дейман-да.

— Вой, ўзим кўтарармидим,— у кулиб юборди.— Худди елкангизда кўтариб олиб борадиган кишидай тапирасиз-а.

Асқаржоннинг кўзи энг чеккада турган тошойнада эди. У, қўли билан ўшани кўрсатди.

— Мана шуниси дурустга ўхшайди, майли, мен кетдим.

Роҳатой кўзи тўрт бўлиб, машина ахтарар, ҳар ўтганига қўлини кўтариб турар экан, бир-икки яшик ортган машина унинг ёнида тўхтади.

— Қаерга, нима ишингиз бор эди?— деб сўради ўрта ёшлардаги шофер.

— Жон амаки, яқинга, битта тошойна...

Тошойна ортилиб бўлгач шофер Роҳатойни каби-нага таклиф қилди.

— Барака топинг-ей,— деди пешанасидан терини артиб Роҳатой.— Ярим соатдан бери машина ахтарман-а.

— Мен ҳам хуноб бўлиб турганингизни сезиб қолдим. Бўлмаса ишим зарур эди.— Шофернинг гаплари-ни пулга зарурмасман, дегандай тушунди Роҳатой.

Роҳатой машинада силкиниб бораркан, хурсанд эди, тезроқ ета қолса-ю, тошойнани ўрнатиб, кўнгли тинчиса. У ҳозир ўзини шофернинг кичкина ойнасида эмас, янги тиктирган кўйлақда, бўйи баробар тошойна олдида кўрарди. Унинг хаёлчан кўзлари кабинетнинг бурчагида илга осиб қўйилган жажжи қўғирчоққа тушди.

— Вой амаки, бунча чиройли-а? Қизингизга олдингизми?

Шофер мийиғида кулиб қўйди. Унинг бу кулгисидан: «Ҳали ёш, фарзанд кўрмаган экан-да», деган маънони уқиш мумкин эди.

— Қизимнинг қизига, неварамга. Ҳар борганимда бирон совга олмасам, кўнглим жойига тушмайди. Бизнинг раймагда бундай қўғирчоқлар камроқ.

Роҳатой шу ондаёқ ўз уйини, онаси билан бирга яшган, тўйдан кейинги кунларини эслади.

— Куёвингиз сиз билан бирга турадимиз?

Шофер нима учундир «уф» тортиб қўйди.

— Бирга турарди.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир дейсизми?— У Роҳатойга бир қараб қўйди,— ҳозир эмас, бир йил бўлди, дом-дараксиз.

Роҳатойнинг кўзлари катта очилиб кетди.

— Вой, қаерда?

— Уқиб юрибди деб эшитаман. Аммо дому дараксиз. Бунақа куёвнинг боридан йўғи яхши. Башараси қурсин. Ҳеч нимаси йўқ, етимча эди. Уйлантирдим. Ўқитдим, уй-жой қилиб бердим. Охири келиб ўқитувчилик қилаётган қизимни маданиятсизликда айблади.

— Сира келмайдими? Қизини соғинмасмикан?

— Маданиятли йигит қизни ёқтирмас эмишлар... Охири марта қизимни уриб тургани устига келиб қолдим. Ҳазабим кўзгади-ю, ёнимдагилар ушлаб қолди. Уша-ўша қорасини кўрсатмайди...

Роҳатой шу топда яқин бир кишисининг ночор ҳолига ачингандай ҳаяжонга тушди. Машинадан тушиб, уй эшигидаги қўнғироқни босганидагина, ҳаяжони ҳам сал босилгандай бўлди. Шофер машина устидаги киши билан тошойнани кўтаришиб, уйга олиб киришди. Пижамада ўтирган Асқаржон ёрдамлашаман деб ўрнидан турди-ю, «дада» деб қичқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шофер тошойнанинг бир томонини ташлаб

юборди, ғазабли кўзлари билан Асқаржонга бир қаради-ю, орқасига ўгирилиб, жадал чиқиб кетди. Тошойна ёнида қотиб қолган Роҳатой дағ-дағ титрар, икки қўлини бир мушт қилиб тишлаганича турарди. Унинг кўзи беихтиёр ойнага тушди, дарз кетибди, унда ўзини эмас, Ҳалимахонни кўрди.

*Март, 1956 йил*

Санаторийга келганимга бир ҳафта бўлди-ю, ҳалигача уйдан хат йўқ. Хавотир қиладиган ҳеч нарса бўлмаса ҳамки, кўнгилнинг бир чеккаси ғаш, шаҳарга ҳам чиққим келмайди. Бир гуруҳ дам олувчилар келар якшанбада Курскка боришмоқчи. Менга бу ҳам татимай турибди. Шу орада икки марта ўрмонга борганим бўлди-ю, кечқурунлари дарё лабида ўтириб, балиқ оғини томоша қилганим. Хонадаги ҳамроҳларим — москвалик кекса большевик Александр Павлович, ураллик шўх йигит Алексей, украин Василийлардан бошқа ҳали ҳеч кимни танимайман. Ҳамшира билан врачнинг исм-фамилиясини ҳам яхшироқ ёдда сақлаб қолганимча йўқ. Александр Павлович келганидан бери бирмас тўртта хат олди. Унга юборилган хат эртасигаёқ қўлига тегишини яхши билсам ҳам, барибир, ўқиётганида биров еяётган ширинликни кўриб, оғзининг суви келган гўдакдай ҳавас билан тикилиб қоламан. «Ахир, Москва бу ердан ўн соатлик йўл, Тошкент қаёқда?» деб ўзимга-ўзим тасалли бераману, яна бўлмайди. Кеча Алексей ҳам иккинчи топқир хат олди. Хат тагида қизи чизиб юборган хўрозча суратини ҳаммамизга бир-бир кўрсатиб чиққанида, бир хил бўлиб кетдим. Бунинг устига Алексей:

— Сиз хат олмадингиз-а, ҳамшаҳар? — деб қолди. У армия хизматини Фарғонада ўтаган экан, келди. Унинг саволига: «Йўл олис, келиб қолар» деб қўя қолувдим, каравотида ёнбошлаб газета ўқиётган



Александр Павлович кўзойнагини олиб, менга қаради:

— Ана холос, ҳали шунга хомушман денг. Йў-ўқ, бунақаси кетмайди, биродар. Дам олгани келган деб, ким айтади сизни... Бир кун хат кечикса шунча диққат бўлсангиз... Қани юринг, чўмиламиз...— Александр Павлович пижамасини елкага ташлаб, қўярда-қўймай мени дарёга бошлаб кетди.

Мана ҳозир палатада бир ўзимман. Қўлимда китобу, барибир, ўқиганларим миямга кирмаяпти. Бир-икки абзац ўқийман-да, хаёл дайди шамолдай ҳар қаёққа олиб кетади. Коридордан эшитилган ҳар бир оёқ товушини ҳамшираникига ўхшатаман. Гўё у ҳозир почтаълон келтирган хатларни бир даста қилиб ушлаганича, хонама-хона тарқатиб юрибди-ю, ҳали замон кириб келадигандай, кулиб туриб: «Мана сизга хат» деб қўлимга конверт узатаётгандай. Кўзим тўрт бўлиб анчагача кутдим. Охири коридорга чиқиб, билмоқчи бўлдим, тўғри ҳамшира ўтирадиган кабинетга бордим. Ҳеч ким йўқ. Стол устида уч-тўртта хат ётибди. Демак, менга бугун ҳам хат келмаган. Таъбим жуда тирриқ бўлиб кетди. Почтага боришимни ҳам, Виктория Семёновнага учрашишни ҳам билмайман. Улар нима қила оларди? Қайтанга кулги бўлганим қолади. Яхшиси, ўзимни босганим маъқул. Бир парча қоғоздаги икки оғиз сўз кишини шунчалар интизор қилиб, ўзига асир этганини қаранг-а. Кишининг дарди-дунёсини қоронги қилиб юборади-я.

Ҳафсалам пир бўлиб хонага кирдим. Шошилишч телеграмма юбормоқчи бўлиб энди орқамга қайтган эдим, эшик очилиб, Александр Павлович кириб келди. Кирди-ю, пижамасининг чўнтагига қўл сола туриб, кулиб гапирди:

— Сизга хат бор. Қани, бир ҳунарингизни кўрсатиб юборинг-чи.

Севинчдан ўзимни йўқотиб қўяй дедим, кошки қулоч ёйишни билсам. Александр Павлович зериккунча ўйқаб берардим-а. У бўлса, хатни чўнтагидан чиқармай, ҳамон ялинтирарди. Бу орада, «Сирингизни билиб олдим. Энди мендан қутула олмайсиз» деб қўшиб ҳам қўйди. Бу нима дегани бўлди экан? Ҳеч тушуниб бўлмайди.

Конвертни ола солиб, устидаги ёзувга ҳам қарамай,

очдим. Бир варақ қоғоз тепасида уч сатргина хат:

«Якшанба куни меҳмонимиз бўлишингизни илтимос қиламиз. Александр Павловични албатта олиб боринг. Ҳурмат билан Виктория».

Қизиқ! Виктория мени меҳмонга чақирибди. Тагин хат орқали-я. Мен у билан таниш бўлмасам, келганимдан бери қуруқ саломлашишдан нарига ўтмаган бўлсам. Йўқ! Бундай бўлиши мумкинмас. Бу — Александр Павловичнинг ҳазили. Ўзи кекса бўлса ҳам жуда ҳазилкаш кўринади. Аммо ҳозир юрагимга ҳазил сифармиди. «Шу ҳам иш бўлдимк...» деб юборай дедиму, ўзимни босдим.

— Қойилман, Александр Павлович, болабсиз... Шошманг, сиз ҳам қўлга тушиб қоларсиз, — деб хатни тумбочка устига қўйдим.

— Ие, ҳали ҳазил деб ўйлаяпсизми? — Александр Павлович шундай деди-да, уйга ёзиб қўйган хатини олиб, менга узатди, — мана, солиштириб кўринг, ўхшармикин?

— Бировга ёздиргандирсиз-да.

— Йўқ, йўқ, ҳазиллашишни яхши кўраману, аммо бунақа йўлига ўтмайман, — деди у жиддий вазиятда.

— Бўлмаса ким ёзган бунди?

— Ўзи деяпман-ку, нега ишонмайсиз!

— Нега ўзимга айта қолмайди?

— Ҳамма гап шунда-да, — деб кулиб юборди Александр Павлович, — сал, ҳалигидай, юракдан уриб қолибди-ю, гапиришга ботинолмасмиш. — Хахолаб кула бошлади у, — уяламан, тик қаролмайман, дейди.

— Ҳазилни ҳам роса ошириб юбордингиз, Александр Павлович, эшитиб қолса хафа бўлад-я.

— Хафа бўлади? Шошманг бўлмаса, ҳозир ўзини бошлаб кираман-да, олдида шу гапни такрорлайман. Бу киши ишонмаяпти, дейман, — Александр Павлович эшик томонга юрган эди, мен уни тўхтатдим.

— Александр Павлович, ҳазилни қўйинг, нима гап ўзи?

Александр Павлович шунчалик завқ билан кулар дики, охири кўзлари ёшланди, менга тескари ўгирилиб чап кўзи — шиша кўзини олиб, рўмолчаси билан арти бошлади. Кейин девордаги ойнага қараб олди-да, гапни ретди:

— Бу-ку ҳазилмас, ишонаверинг. Аммо мен бошқа ҳазил қилдим. Бунисини кечиринг. Аввал сизга бу хатни эмас, мана бунисини беришим керак эди, — деди-да, чап чўнтагидан бирамас иккита хат чиқарди, — манг, буларни ўқиб, кўнгилни тинчитинг, кейин батафсил айтиб бераман, — у хатни узатиб, халақит бермай дегандай, бориб каравотига ёнбошлади.

Хатнинг иккови ҳам уйдан эди. Аввал юборилгани почтада уч қун қолиб кетибди. Кишининг кўнгилни гаш қилишга сабаб бўлгани ҳам шундан. Ўқиб чиқдимۇ кечаги, айниқса, бугунги диққинафасликдан асар ҳам қолмади. Яхшики, телеграмма юбормаганим. Бўлмаса уйдагиларни ҳам ташвишга қўярдим.

— Тинчликми? — деб сўради Александр Павлович конвертларни тумбочкага қўяётганимни кўриб.

— Ҳа, тинчлик.

— Айтмовдимми, гоҳо почтада қолиб кетади деб, — у ўрнидан туриб ўртадаги стулга ўтирди, — энди бу ёғини эшитинг: Виктория Семёновнанинг қизи индинга беш ёшга тўларкан. Шунга таклиф қиляпти. Ўзингизга айтишга уялибди. Менга тайинлади. Энди ишонгандир-сиз.

— Ишониш мумкин-ку, лекин танимаган кишининг уйига... Унинг таклифи ҳам қизиқ-а.

— Айтдим-ку, сал юракдан урибди деб, нега тушунмайсиз, — деб яна кулди Александр Павлович.

— Йўқ, Александр Павлович, унақанги енгил табиат аёлларга ўхшамайди.

— Гапингиз тўғри. Уртоғим билан танишасизлар, у ҳам москвалик деяпти. Ростимни айтсам, чақиришининг сабабига ўзим ҳам тушунмай турибман. Бормасак хафа бўлиши турган гап.

Шу куни ўйлаб ўйимга етолмадим. Санаторийга келган куним мени қабул қилиб олган бу жувон кўз олдидан кетмасди. Тик қоматига ёпишиб турган узун кўйлагини уни тагин ҳам салобатли кўрсатарди. Қоп-қора қошлари пайваста, бурнининг икки ёнидаги сийрак сепкиллари юзига ҳусн қўшиб турарди. Боқишларида иллақандай майинлик, меҳр барқ урарди. Ушанда менга бир тикилиб қаради-ю, шу заҳотиёқ ўксингандай бошини қуйи солди, қайтиб қарамади. Ҳужжатларни расмийлаштириш учун бериладиган саволларни ҳам

кўзини дафтардан узмай сўради. Палатага ўзи бошлаб келди-да, жойимни кўрсатиб, каравотдан кўзини олмаган ҳолда «Ёқадими?» деб сўради. Миннатдорчилик билдирганимдан кейингина чиқиб кетди. Уша куни мен буларга эътибор бермаган эдим. Ҳозир ҳаммаси эсимга тушяпти. Ҳар куни эрталаб врач билан бирга кириб келарди-да, хонадагилар билан сўрашиб бўлгач, врачнинг панасида жим тураверарди. Назаримда ўзини менга кўрсатгиси келмасди. Бир-икки марта тикилиб қараганини кўриб қолдим. Бундай кезларда кўзини дарров бошқа томонга оларди. Ҳаммасидан ҳам ҳар кирганида тумбочка устидаги дўппимга тикилгани тикилган эди, иложини топса қўлга олиб кўришни истарди-ю, афтидан, уяларди. Нима бўлиши мумкин? Тагин, Александр Павлович ҳазил қилганидай... Йўқ, бундай бўлишига сира ишонгим келмайди.

Санаторийдан кўриниб турадиган қуюқ ўрмондан ўтилгач, кенг пичанзорга чиқилади. Унинг нариги томони қаторасига тушган, бир хилдалигидан яқин йилларда қурилганлиги биллиниб турган уйларга бориб тақалади. Биз сўқмоқдан борар эканмиз, панжара деворли ҳовлидан Виктория Семёновна югуриб чиқиб, йўлимизни тўсди.

— Адашиб қоласизлар деб хавотирда эдим, — деди биз билан сўрашар экан, кейин бизни ичкарига бошлади.

Ровон ёнида анча ёшларга бориб қолган, ушоққина бир кампир бизни қарши олди. Александр Павлович билан қўл олишиб сўрашгач, мен қўл узатувдим, қўлимни сиқиб юзимга тикилди-да:

— Ўзбекча кўришсам майлими? — деб қучоғини очди, — илтимосимизни ерда қолдирмабсиз, раҳмат, — деди кампир мени қучоғидан бўшатаркан, — сизни мен йўқлатувдим, қизимга айтсам, уяламан, деди. Охири хат орқали айтибди, жуда яхши қилибсизлар, бошим кўкка етди, қани, қани марҳамат...

Шу пайт ичкаридан икки қўлига иккита қўғирчоқ ушлаган жажжи қизча чиқиб, ёнимизга келди. Қўлимиздаги совғани олмасданоқ қайта-қайта «раҳмат» деярдан, ҳаммамиз кулиб юбордик.

Ясатиғлиқ стол атрофида ҳеч ким йўқ эди. Бир оз ийманиб турганимизни пайқаган Серафима Семёновна:

— Вой, ўтираверинглар, сизлардан азиз меҳмонларимиз йўқ,— деб ўтиришга таклиф қилди.

Мен нимадан гап бошлашимни билмай диққатману, Александр Павлович, ҳамма ҳаракат сен учун экан-ку, деб пичирлашини қўймайди. Чой ҳўплаб туриб, катта рамкадаги расмлар орасида чувт дўпили йигитга кўзим тушиб қолди. Тикилиб турдим, ўзимча, ҳа, ўзбеклардан яқин таниши ёки қариндоши бор экан, деб кўнглимдан ўтказдим. Серафима Семёновна буни сезиб:

— Дўппи кўзингизга иссиқ кўринди шекилли-а?— деб қолди. Кейин ўрнидан туриб рамкани олиб кўрсатди.— Ўғлим бўларди,— деди-да, оғир уҳ тортиб қўйди.— Ҳа, ўғлим,— мулойим овози бирдан жиддий оҳангга кўчди,— азамат йигит эди!

Суратнинг ёнида кулча юз, тўладан келган шу йигитнинг ҳарбий кийимда тушган расми ҳам турарди.

— Ўзи ҳам сизга ўхшаб кетарди,— кампир шошиб қўшиб қўйди,— йўқ-йўқ, умриз ўхшамасин. Мана ҳозир ўзини кўргандай бўлдим. Шу томонларга ўзбеклардан келганини эшитсам, бир кўргим, суҳбатлашгим келади. Камолиддинни кўргандай бўламан.

Виктория Семёновна чой қуйиб узатар экан, кампир эса оҳиста сўзлар, унга савол бериш ҳозир ортиқча эди. Етмишларга бориб қолган, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини тортавериб, кумушдай оқарган сийрак сочлари гоҳ ўпкаси тўлиб, гоҳ ёшлардек тетик гапираётган ҳар бир сўзини тасдиқлаб тургандай кўринарди.

— Фашистлар шаҳарни босиб олган куннинг эртасигаёқ, Виктория партизанларга қўшилиб кетди. Мен ата-йини шу ерда қолдим. Раисимиз орқага жўнатамиз деб шунча айтди, кўнмадим. Партизанларга қўшиламан десам, бунга ҳам рухсат беришмади. Қўйингки, бир одам қатори қўлимдан келганини қилдим. Вазифам, нима десам экан, босқинчилар ҳақида нимаики билсам, партизанларга етказиб туриш эди. Тунда, ўрмондан жулдуз кийимга ўралиб Виктория келарди, маълумотини олиб изига қайтарди. Бу аҳвол тўрт ойча давом этди. Унда хатамиз ҳув дарё бурилган жойда, ўрмон ёқасида эди. Бир галгисида қарасам, қизим бир эркак билан кириб келяпти. «Ойи, отряд бошлиғимиз менга шу кишини сизга таништиришни топширди. Иш оғирлашяпти, сиз энди онангиз билан учрашмай турасиз»

деб айтди». Мен дарров тушундим. Йигитни ертўлага олиб тушиб, гугурт чақиб, афт-башарасини яхшилаб кўриб олдим. Энди алоқа Камолиддин билан бўлаган бўлди.

Тун ярмидан оғиб, атроф жимиши билан икки қулогим деразада бўлади. Дераза тағшага нўхатдек кесак тулса сезаман — демак, Камолиддин шу ерда. Вазиятга қараймиз. Иложи бўлса уйга киради, бир нафас гаплашамиз, Бўлмаса, қисқа сўзлашиб, уни жўнатаман. Бора-бора шундай ўрганиб қолдимки, то кўргунимча жорагим така-пука бўлиб юрарди.

Бир сафар ёмғир қўйиб турганда келди. Уйга ҳам кирмади, ҳамма вақт: «Онажон, сизгил кийинибсиз, шамоллаб қоласиз», дейдиган йигит, бу гал ёмғирда қолдирди, иккимиз уй деворига ёпишиб олиб гаплашдик:

— «Бўлинг, шошиб турибман, нима гап?»

— «Эрталабдан бери шаҳарда биноларни шошилини равишда бўшатишяпти. Янги солдатлар келармиш».

— «Бу маълум. Яна?..»

— «Балиқчи Прохорни ўласи қилиб уришибди».

— «Нега?!»

— «Тунда балиқ овлагани учун. Соқолларини юлиб олишган дейишади».

— «Эртагача шуни аниқлаб қўйинг. Бу муҳим. Чолви балиқ овлагани учунми, ё бошқа сабабдан уришганми?»

Шу гапдан сўнг қоронғилик қўйнига балиқдай шўнғиди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Орадан ярим соат ўтдимиз, йўқми, билолмадим. Темир йўл томонда шундай портлаш бўлдики... кейин ҳамма ёқни одамларнинг чуввоси, ўқларнинг отилгани қоплади. Эрталаб эшитсам, фашистларнинг саккизта вағони асфаласофилинга кетибди. Бундан хурсанд бўлдим, Камолиддин эсимга тушиб ўпкам тўлиб кетди. Уч кунгача дарак бўлмади. Жуда ганғиб қолдим. Тўртинчи кун кечаси Виктория келди. Атроф нотинч бўлгани учун дарров ертўлага туширдим. Шу ерда бир нафас дардлашдик. Бирдан кўзим кўкрагига тушиб қолди. Елкасидан ўқ еган экан. Соддалигимни қарангки, шу вақтгача урушдаги ҳамширалар укол қилиш, доқа боғлашдан бошқасини билмайди деб юрарканман. Уша кечаси Виктория бошқалар билан бирга темир йўл яқинида биқиниб

ётган экан. Юрагини қаранг! Ундан Камолиддин қани деб сўрасам, йиқилиб тушувди, тузалиб кетади, дейди қизи тушмагур. Мен ёш боламидим. Гапига ишонмадим. Ҳа, саломат бўлса — шунинг ўзи кифоя деб қўя қолдим.

Викторияни кузатдим, уйқум қочди. Қизим билан Камолиддинларнинг қилган иши менга шундай қувват бағишладики... назаримда ҳозир кучимга, ҳа, бир аёлнинг кучига бутун бир фашист армияси дош беролмайдигандек бўлди. Бундай пайтларда оналар тоғдай қудратли бўлади.

Бора-бора мана шу кичкинагина хата партизанларнинг кўз-қулоғи бўлиб қолди. Кейинчалик алоҳида отрядга бош бўлган Камолиддин душманга сира кун бермади. Уни бир эмас, уч марта орден билан мукофотлашди. Виктория унинг отрядида эди.

Қаҳратон қиш кечасида деразам қаттиқ тақиллади, кўрқиб кетдим. Эшик тирқишидан қарасам, икки партизан аллакимни кўтариб турибди. Жон ҳолатда эшикни очдим. Қоронғида таниёлмадим. Ичкарига киргач, гугурт чақиб қарасам, боши, кўкраги қонга беланган Камолиддинни кўрдим. Додлаб юборишимга сал қолди. Йигитлар уни печка ёнига келтириб қўйишди. Кўкрагидан қон оқиши тўхтамасди. Тугмаларини ечиб, ярасини боғлаб қўйганимиздан кейингина кўзини очдию, «сув» деб имо қилди. Йигитлардан бирини дарров ўрмонга, отрядга юбордик. Тонг палласида Камолиддин сал ўзинга келди. Бирмоқчи бўлиб уринардию, мадори етмасди.

— Онажон, раҳмат сизга, — дея олди зўрға.

Оҳиста тугмаларини ечиб, ҳужжатларини чўнтагидан олдим. Муқовалари қонга беланган ҳужжатлар орасидан оқ гулга ўхшаш бир нарса сирғалиб тушди. Олиб қарасам, бир чаноқ пахта тахтакачада босилгандай текис бўлиб турибди. Пахта аралаш чаноққа бир-икки томчи қон тегибди. Сездирмай яширмоқчи бўлувдим, кўриб, кўзлари катта очилиб кетди. Бирдан юзига табассум югуриб, тетикланди.

— Бир кўрсатинг, онажон, — деди жавдираб.

Чаноқни кўзи олдига яқинроқ олиб бордим. У, худди соғ пайтидагидек жилмайди.

— Виласизми, бу — чўлда ўзим етиштирган биринчи ҳосилнинг нишонаси эди. Фронтга жўнаётганимда

**Ёшимга солиб олган эдим... Ўзи иккита эди... биттаси-ни... биттасини Викторияга берганман... Ўзи қани?... Койимасангиз, бир гапим... уни севардим...**

Унинг кўзлари, тим қора ўткир кўзлари чўғдек ёнарди. Мен бор кучимни йиғиб, кўз ёшимни ютардим. Бир нафас жим қолди. Бир оздан кейин яна қўлимдаги чаноққа тикилди.

— Дадам қишлоғимизда тузилган биринчи колхозга раис қилиб сайланган эди. Биринчи ҳосилни йиғиб олаётганида қулоқлар уни пичоқлаб ариққа ташлаб кетишган экан. Барибир, улар мақсадига эришолмаган. Дадам ўн икки йил раис бўлди...

У гапираркан, шундай азоб чекардики, «қўй, болам» дегим келарди-ю, тилим бормасди, ҳаётини узиб қўяётгандай бўлардим. У нафасини ростлаб, гапини давом эттирди.

— ...Ёшлигимда дадам айтган гаплар ҳали эсимда: «Болагинам, колхоз осонгина тузилмаган... қон тўкканмиз...» Мен қон тўкмадим. Урушдан аввал онам билан Мирзачўлга келиб янги ер очдим. Мана пахтаси... мен... мен бу оппоқ пахтага гард юқтирмаслик учун жанг қилдим... Ростми? Қаранг, унда юрак қоним ялтираб турибди, аммо ғубор йўқ... Пахтакорнинг қалби ҳам, иши ҳам пахтадай пок... ҳеч қандай куч унга гард юқтиролмайди... Тузалиб уйга хат ёзсам, шуларнинг ҳаммасини айтаман... чаноқни яшириб қўйинг...

Шу кун ичун чошгоҳгача гапириб ётди. Йўқ, аввал гапириб, кейин алаҳлаб ётди. Ташқарида гупиллаб қор ёғиб турарди. То қоронғи тушгунча отряддан ёрдам келмаслигига ақлимиз етарди. Йўқ, кечга бормади. Кун яримдан оққанда, ўнг қўлини менга қараб бир чўзди-ю, кўз юмди...

Кампир қовжираган бармоқлари билан кўз ёшини артаркан, Виктория ўпкасини тутолмай ташқарига чиқиб кетди. Кампир ўрнидан туриб бурчакдаги сандиқни очди. Анча титкилаб, кичик бир қутичани олди. Ичидан тахтакачлангандай бўлиб кетган чаноқдаги пахтани олиб авайлаб узатди. Томган қон ҳали ҳам қизариб турарди.

— Яшириб нима қиламан. Куёв бўлғуси эди. Уғлим дейишимнинг боиси шу. Ўзи айтгандай қалби пахтадай пок, кўнгли юмшоқ йигит эди. Яхши кўрар-



дим, не қилайки, насиб этмади... Онаси билан ҳозир-гача қудамиз.

— Қудамиз?..

— Ҳа, уруш тугагач, онаси Жамолхон ҳам келди. Қабри устида ҳушидан кетиб қолди. Кейин ҳаммасини айтиб бердим.

— Кўнглидаки сизга куёв бўлиш орзуси бўлган экан, мингдан-минг рози эдим,— деб мени қучоқлаб йиглаб юборди Жамолхон. Биз ҳам она-бола ўзимизни тутолмадик. Бир неча кундан кейин Жамолхонни кузатдик. Мени қуда, қизимни келиним деб кетди. Шу-шу эгачи-сингил — қудалармиз. Хат ёзишиб тура-миз.

— Мирзачўлда денг?

— Ҳа, ўша ерда. Сиздан катта бир илтимос қилмоқчи эдим. Агар ўша томонга йўлингиз тушса, бир кириб, Жамолхонни ўз кўзингиз билан кўриб, менга хат ёзиб юборсангиз. Уям анча кексайиб қолган...

— Салом!— деган йўғон овоз эшитиб эшик томонга қарадик. Уйга кириб келган новча, сап-сарик сочли йигитни Серафима Семёновна куёвим деб таништирди ва шу ондаёқ, ўнғайсизланиб турганимизни сезиб, қўшиб қўйди:

— Тушундим. Бу гаплардан хабардорми демоқчисизлар-да! Хотиржам бўлинглар. Унақа йигитлардан эмас. Ҳаммасини билади. Жамолхонга ўзиям «Онам» деб хат ёзиб туради.

Йигит уялинқираб кулиб қўйди.

Бу оила билан мен ҳам таниш бўлиб қолдим. Тез-тез хат ёзишиб турамиз. Хат вақтидан кечиккудай бўлса, санаторийдалигимда уйдан хат кутганимдек хавотир олиб қўяман.

*Львов — Тошкент.*

*Август, 1956 йил*

## ТҒҒОНВОЙНИНГ ҚИЗИ

Тонг талаш пайт. Туни бўйи кўк юзининг ҳоқими бўлган ой «ётоғи»га отланаётган, қуёш пар ёстиқдан ноз билан бош кўтариб, заррин кокилларини тараётган ана шу палладаги салқин, мусаффо шабада бутун бор-яқни яшнатиб, роҳат бахш этарди. Кундузлари саратон қуёши тиккадан тиг уриб, еру кўкни қиздирганда энтикиб, кўз юмолмаган гўдак тонг шабадасига тўйиб-тўйиб пишиллаб ухлаб ётибди. Жазирамага бардош беролмай шалпайиб қолган ўт-ўланлар, қаддини ростлолмаган яшил япроқлар диркиллаб турибди. Кундузги қуёш ҳарорати меваларга шарбат бўлиб қуйила ётибди. Бепоен чўлда чанг-ғубор ерга чўкиб, тиниқлик кўкка кўчган.

Пахтакорнинг шойи белбоғидек чўлни беллаган, унинг кўрки бўлиб турган канал кундузидек ланж эмас, савлат тўкиб мағрур оқади. Худди ҳозир тонг отиши кумушдек ялтираб турган каналдан бошланадигандай. Ҳа, чиндан ҳам шундай эмасми? Мирзачўлнинг тонги, ҳаёти ана шу каналдан бошланган эмасми? Сувсиз саронинг тонги қаёқдаю баҳори қаёқда эди бўлмаса. Уша тўлин ой ҳам тонг отаргача бийдек даланинг янтоғу, қурт-қумурсқаларини томоша қилар, қуёш нури сув бе-тида жилоланмас, шўрхок юзида синарди-ку.

Станциядан оҳиста қўзғалган паровознинг кучли овози тонг пардасини йиртиб, чўл бағрига сингиб кетди. Бир нафас ўтмай той-той пахта ортган катта эшелон канал тепасидаги кўприкдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Ҳавода қолган узун қорамтир тутун эрий бошлади.

Қия қиргоқ тепасида, сув тақсимловчи тўғоннинг темир дарвозаси ёнида турган жувон паровоз овози чиққан томонга қараганича, то поезд кўприкдан ўтиб кетгунча кўзини олмади. Унинг тиниқ, кундузги қуёш бўрасининг ҳарорати аримаган юзларида ғурур аралаш табассум балқиди. Чўгдек порлаган кўзлари ҳаводаги тутун изларини кузатар экан, хаёлини бояғи поезд узоқ-узоқларга олиб кетди: «Мамлакатнинг қайси шаҳарига олиб бораркан, Ивановатами? Ё Москванинг ўзигами? Қайси бир чевар қиз биринчи бўлиб газмол тўқишга киришаркин? Шу тола Мирзачўл ерида етиштирилган ҳосилнинг тўнғич чаноқларидан олинганини билармикин?» Унинг қалби қувончга тўлди, назарида, ҳозир шу эшелонни ўзи жўнатгандай, қабул қилиб олувчилар ҳам буни биладигандай.

Каналдан өсаётган ёқимли шабада кенг, кўкрак бурма оқ батис кўйлагини баданига ёпиштириб, ўрта бўй, келишган қоматини бутун борлигича намоён қилди, дуррачадан чиқиб қолган соч толаларини сийпай бошлади. У ҳамон ширин хаёлларга ғарқ экан, алламаҳалгача уйқу бермаган кечаги воқеа ёсига тушиб, кўнглини ғаш қила бошлади.

...Колхоз раисининг ёнига эртанги сув учун талабни билмоқчи бўлиб кирди-ю, бригадирларга наряд берилётгани устидан чиқиб қолди.

— Ий-я, ана Нодирахоннинг ўзлари келиб қолдилар,— деди кимдир.

Нодира гап нима тўғрида бораётганини дарров пайқади.

— Эртага қанча сув олишимиз мумкин?— деди тўсатдан ҳосилот советининг раиси, Нодира стулга ўтирмасданоқ.

— Уч юз...

— Етмайди,— деди ҳосилот советининг раиси,— ўша нариги, кечиккан участкани охирги марта суғорамиз, тушуняпсизми?

— Тушуняпман,— деди Нодира,— шу уч юзни ҳам эплаб олсаларинг яхши. Вундан кўпи барибир исроф бўлади.

— Исроф қилсак, жавобини биз берамиз, ташвиш қилманг,— ҳосилот советининг раиси ривож кечиккан ғўзанинг аламини Нодирадан олмоқчидай, қаттиқ-қаттиқ гапирарди. Нодира дастлаб бунга парво қилмади...

— Йўқ, мен ҳам жавоб бераман. Билишимча, ўша участка кечикиб суғорилаётганга ўхшайди.

— Қачондан бери пахтага ақлингиз етадиган бўлиб қолди? Сув ўлчашни билсангиз-чи, Тўғонбойнинг қизлари,— деди ҳосилот қўлини пахса қилиб,— ёзиб қўйинг, тўрт юздан кам бўлмасин.

Нодиранинг этлари жимирлашиб, ранги оқарди, томоғига данакдек бир нарса тиқилгандай бўлди, гапиролмади. Ҳосилотнинг «Тўғонбойнинг қизлари» деган сўзни камситиш, менсимаслик оҳангида айтиши шундай хўрлигини келтирдикки, онаси ўлиб ҳали эғнидан кўки тушмаган кезлари, «етим» деган сўзни эшитганда ўпкасини тутолмай йиғлаб юборгандай бўлди. Бошини қуйи солиб, қўлидаги дафтарга тикилиб қолди. Йўқ, узоқ ўтиролмади, дафтарини карнай қилиб ўради-ю, секин чиқиб кетди. Олдинги хонада ўтирган секретарь қизнинг: «Нодира опа, сизга телефон қилишувди», деганига ҳам қулоқ солмади. Идора эшиги олдида ёниб турган электр чирогининг нури ой ёруғи билан қўшилиб кетган, кенг кўча юзини дарахтлар сояси қоплаб ётарди. Бинонинг нарироғида магазин қоровули—кекса чол аллақандай куйни хиргойи қилиб ўтирибди. Ундан нарида мактаб, касалхона... Нодира кўчанинг ўртасида бораркан, номус кучлилик қилиб, ўзини босди. Қаттиқроқ уф тортиб юборса биров сезиб қоладигандай одимини тезлатди. Ялангликка чиқди-ю, косадаги сув қалқигандай ҳўнграб йиғлаб юборди... «Қачонгача хўрлайди у мени... Нима ёмонлик қилдим, ахир?..» Узи-ча шу сўзларни такрорлар, кўз ёшини тўхтатолмасди.

Чиндан ҳам Нодиранинг гуноҳи нима? Нега энди ҳосилот советининг раиси Шоғулом ака, қизи тенги келадиган Нодирани кўпчилик орасида беобрў қилади? Ахир Шоғулом ака бир колхознинг битта участкасига ҳосилот бўлса, Нодира бирамас икки колхозга қарайди-ку. Бунинг устига колхоз ҳисобида туриш тугул, қўшни колхоз территориясида яшайди-ку.

Гап бунда эмас, бошқа томонда. Шоғулом аканинг битта-ю битта ўғли Шомаъруф еттинчи синфни битирганича ўқимай қўйди. Эрка ўсган ўғил ҳеч қаерда ишламади ҳам. Ялтироқ велосипеднинг қизил духоба тutilган ўтирғичига ипак шокила осилтириб, қишлоқма-қишлоқ санқиб юришдан бошқани билмади. Унинг бу юришлари отани завқлантирса завқлантирардики, сира таш-

вишга солмасди. ЭркатоЙ кўнглига келганини кўксига урар, аста-секин ўзидан катталарга қўшилиб, район марказига борадиган, бинойидек маст қайтадиган бўлиб қолди. Шоғулом ака шунда ҳам индамас, бу тўғрида гап очиб қолганларга «бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмагандан кейин...» деб жавоб қайтарарди. Бир неча бор мактабга чақиришди, ота-оналар мажлисига қўйишди. Фойдаси бўлмади. Охири мактаб директорига шундай жавоб қилди: «Келинг, домла, ўзининг хоҳиши бўлмагандан кейин... Ўқиб нима қилиб берарди. Ақли бўлсин. Ўзимиз ҳам камсавод эдик-ку, сал-пал ёзадиган бўлдик... Мана, кам бўлаётганимиз йўқ. Ўғлимиз ҳам бир кун эсини йиғиб олар...»

Эсини йиғиб олиши керак бўлган Шомаъруф тўсатдан Нодирани яхши кўриб қолибди. Бир куни колхоз клубига маст ҳолича келиб қизларга тегажаклик қила бошлади. Дугоналари орасида турган Нодиранинг ёнига келиб чапанича гап ташлаган эди, Нодира «қадамнингни билиб ташла» деди. Яна бир сафар дала ёқасида унга дуч келиб, «қани юр, районга олиб бориб, ўйнатаман, таксида қайтамиз», деганида Нодира қаттиқроқ жавоб қилди: «Йўлингдан қолма, билдингми, иккинчи марта менинг номимни атама!» Шомаъруфга Нодиранинг бу гаплари кор қилмади. У «майли, сўкканингиз сўк оши, урганингиз ун оши» деб илжайиб йўлга тушди. Нодира беихтиёр кулиб юборди. Шу-шу Шомаъруф Нодирани қаттиқ «севиб» қолди ва бу севгисини ҳаммага, ошна-оғайниларига керилиб гапириб юрди. Гапиргани етмагандай, ичиб маст бўлган кезларида, қишлоқ кўчаларида дўриллаган бесўнақай овозини баралла қўйиб, ашулага унинг номини қўшиб айтадиган бўлди. Аввалига парво қилмаган Нодира, кейинчалик гап-сўзлардан уяладиган бўлиб қолди. Аммо начора, кимга бориб айтади. Онаси бўлса ўз қулоғи билан эшитмагани учунми, ҳар қалай, қизини юпатишдан бошқани билмасди.

Орадан сал ўтмай Нодираларникига совчи келиб қолди. Ушандан, «ошиқу беқарор»дан. Шоғулом аканинг ўзи юборганмиш. «Битта-ю битта ўғлим... Нодирани яхши кўриб қолибди. Бошқани олмайман, йўқ деса, ўзимни нобуд қиламан деяпти. Нодира ҳам ўзимизники, етимча бечоранинг бахтини ўйлайман. Фотиҳа қилиб келинглар, тўйни бошлаб юборайлик» деб тайинлаб юборибди.

Яхшики бу гап устида Нодиранинг ўзи бўлмади. Бўлганида совчиларнинг паттасини қўлига бериб қадам тўймайдиган қилиб юборарди-я. Онаси бундай қилолмади. Одоб доирасида жавоб қилди: «Қизим ҳали ёш... тавин ўзи билади».

Совчилар уч-төнқир келишди. Охири Нодира гап-сўзлардан қўсуларман деган умидда шартта шундай деди: «Агар ўшанга тегадиган бўлсам ўзимни сувга ташлайман». Бу гап Шоғулом аканинг қулоғига етиб, гавабини қўзғатди. Қишлоқда юви шувит бўлган Шоғулом ака энди: «Ўзи менинг тенгиммас... дадаси ким эди-ю, боласи нима бўларди. Эси паст чиқибди. Отасига тортибди, ўзини сувга ташлар эмиш» деган гап тарқатди.

Шу кезларда техникумга кириш тараддудиди юрган Нодира шаҳарга ўқишга кетди-ю, қулоғи тинди. Биринчи йили каникулда бир ҳафтагина онаси ёнида бўлди. Қолган вақтини техникумда қийналган фанларини такрорлаш билан ўтказди. Ўқиш тугаб, Нодира ирригатор дипломи билан қишлоғига қайтди. Район сув хўжалиги уни шу участкага ишга тайинлади. Бу орада Шоматруф уйланиб, бир боласи билан хотинини қўйиб юборибди. Иккинчи хотинидан ҳам бир бола бор экан. Саёқ юриб, маст ҳолича аллаким билан мушталашган экан. Судга тушибди. Ҳозир қамоқда эмиш. Нодира келган кунийёқ нақ тонг отаргача онаси шуларни гапириб берди. «Ақлингдан ўргилай, қизим,— деб Нодиранинг пешанасидан ўпди она,— агар ўшанда Шоғуломга қуда бўлганимда сенинг ҳам, менинг ҳам пешанамиз шўр бўлар экан-да, донолик қилдингу, бу фалокатдан қутулиб қолдик. Ана энди, ўша, яхши кўрганинг билан қўша қаригин, мен рози, болам, тўйингни қилавер».

Кузакка бориб Нодиранинг тўйи бўлди. Тракторчи Сотволди билан ирригатор Нодирахоннинг ҳоли қудрат ўтказмоқчи бўлган тўйлари шундай данғиллама бўлдики, қишлоқдагилар ҳали-ҳали гапиришади. Шунда Сотволди Нодирага маслаҳат ташлади:

— Нодирахон, биз ёшмиз. Гина-гудур қилишимиз ярашмайди. Бир вақт бўлган гапларни унутайлик. Ҳарна қилса ҳам қишлоқнинг кексаси ҳосилотни тўйга айтмайлик,— деди.

Нодира кўнмасди-ю, Сотволди кўндирди. Ўзи бориб Шоғулом акани тўйга айтиб келди.

— Бизнинг кимимиз бор. Ўзингиз бош бўлиб турасиз-да, ота,— деди Сотволди қўлини қовуштириб.

Шоғулом ака тўйга келди дейсизми? Йўқ, ўзи ҳам келмади, хотини, келинини ҳам юбормади...

Нодира икки ёни пахтазор кенг кўчадан борар экан, шуларни бирма-бир хаёлидан ўтказди.

— Садқан одам кетсин-ей, тўйга айтишга арзирмиди? Сотволди акам қўймади-да... бўлмасам... — худди бировга гапирётгандек шундай деб юборди Нодира. — «Қилмиш — қидирмиш дейишади... Ўғлининг аламини олмоқчими мендан. Нега захрини сочади. Қачон қараса ўдағайлаб гапиреди, оёғининг остидан чиқибманми, мен...»

Нодира кўчанинг ўнг томонига ўтиб, ариқ ёқалаб кетди. Шу зайлда юз қадамча юрдими-йўқми, дарахтлар орасидан, олатароқ ой нури тушиб турган ердан ўтаркан, оёғи балчиққа ботиб кетди. Жон ҳолатда ён-верига қаради. Ўзидан ўн қадамча нарида сувнинг шилдираб оқаётганини эшитди. Ҳозиргина тўшиғидан ботгани, бир оёғини лойдан суғуриб олганини ҳам унутди. Ариқдан сакраб ўтиб бўлмайди, сув босган ернинг этагидан айланиб ўтгунча анча вақт кетади. Ўйлаб турмай ҳалқоб сувни кечиб олдинга интилди. Қараса, тўрт кетмонча жойдан сув уриб, далага шариллаб оқиб ётибди. Нодира шошиб қолди. Яқин-атрсефда хонадонлар ҳам, шийпон ҳам йўқ. У қўлини карнай қилиб, кучи борича далага овоз берди. «Ооуу...» Кейин қўлига дуч келган ҳамма нарса билан сувни тўшишга уринди. Ариқ лабидаги ўтларни илдизи билан суғурди, лойдан лўмбоз қилди. Охири бўлмагач, дарахт шохларидан синдириб, ўчоққа қалагандек буклаб боса бошлади. У шундай илдам ҳаракат қилардики, қора терга тушиб кетгани, кўйлагининг этаклари шалаббо бўлиб, юзигача лой сачрагани, шохларни бостираман деб оёғи тилиниб кетгани, — ҳеч қайсисини сезмасди. Оёғи билан шохни босиб турар, энгашиб қўллари билан лой-тупроқ қиртишларди. Нодира ярим соатча уннаб зўрға сувни тўхтатолди. Барибир, шунда ҳам, тагидан жилдираб турар, агар оёғи билан дамбадам шиббалаб турмаса, бир оздан кейин ўпириб кетиши турган гап эди. Шу топда битта кетмоннинг қадри шундай ўтдики... бўлганда ўн-ўн беш кетмон тупроқ билан мустаҳкамлаб, хотиржам бўлиши мум-

кин эди. Энди нима қилиш керак? Тонг отгунча шу ерда ўтириб чиқадими? Кетаверса-чи? Эрталабгача озмунча сув нобуд бўладими. Экинлар-чи? Бу оқишда ҳар қандай ғўзанинг ҳам илдизини ўпириб юбормайдими?

Нодира қаттиқ чарчаб ҳолдан тойганини энди пайқади. Терларини артган дуррачаси шалаббо бўлди. Туфлисини қаёққа ирғитганини эслолмади. Гўё буларнинг аҳамияти йўқдек, оёқлари билан шиббалаб турган жойга ўтириб олди. Унинг ҳозирги ҳолатини, бундан бир соат илгариги, болалардек хўрлиги келиб кўзига ёш олгандаги ҳолатига сира ўхшатиб бўлмасди. Вояги Нодира бошқа-ю, ҳозиргиси бошқа. У ҳозир мана шу иши билан, сувни тўса олгани билан катта қаҳрамонлик кўрсатгандай ўзидан мамнун, ич-ичидан хурсанд эди. Шу топда ўнг оёғининг бош бармоғи ачиша бошлади. Пийпаслаб қоронғида кўролмади-ю, ҳар қалай бир нарса тилиб кетиб, қон оқаётганини сизди, ёнғоқдек лойни бармоғи устига босди.

Кўкда сизиб бораётган ой дарахт панасидан ўтиб, Нодира ўтирган жойни, ариқ лабини ёритди. Қаергача сув босганлиги энди яққол кўринди. Нодира ойга тикилиб туриб, кучи борича қичқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Умрида ёмон кўргани аёл кишининг узоқдан туриб биров билан гаплашиши эди. Даладами ёки ўз ҳовлисидами овози борича қичқирган аёлни кўрса-ку, «мунча ҳам оламини бошингга кўтарасан?» деб бўғгуси келарди. Энди бўлса... «Ишқилиб, биров эшитмаган бўлсин-да,— ўзига тасалли бера бошлади,— мана, қўлимда ҳеч нарса бўлмаса ҳам бир ўзиг сувни тўсдим-ку».

Шу пайт узоқдан чироқ шуъласи кўринди, кейин мотоциклнинг патиллаши эшитилди. Мотоцикл яқинлашганда Нодира ўрnidан туриб, қўл кўтарди. Кўчани қоплаган чанг-тупроқ орасида мотоциклдан тушган одамни кўриб бўлмади. Аллаким ариқдан сакраб ўтди.

— Нодира?

Нодира ўтирилиб, ёнида МТС директори Стрельцовни кўрди. Стрельцовнинг ранги оқариб, аъзойи бадани титраб кетди. У, ўзини босиб, Нодиранинг бошидан оёғигача қараб чиқди.

— Нима гап, тинчликми?



Нодира жавоб ўрнига кулди, кейин Стрельцовни йўлдан қолдирганига узр сўраб, воқеани айтиб берди.

— Мана, туфлингизни кийинг,— деди Стрельцов.— Кетдик. Бу ишингиз учун сизни жазолаш керак, ҳа, ҳа, кулманг, ўртоқ ирригатор, жазолаш керак.

Нодира ҳамон куларди. Стрельцовнинг оталардек меҳрибон ҳазили ҳам, дўқи ҳам Нодирага билдирилаётган миннатдорчиликдек туюларди.

— Сергей Васильевич, ахир биз кетсак, яна ўпириб кетади.

— Бўлмаса шу ерда тунамоқчимисиз? Кетдик. Мен ўзим ҳозир хабар қиламан. Мустаҳкамлаб қўйишади.— Стрельцов шундай деди-да, сув ўпирган жойни этиги билан қаттиқроқ бостириб қўйди...

Нодира эшикка чиқиб кетиши билан полда чордана қуриб ўтирган Нурмат ота ирғиб ўрнидан турди.

— Ҳой, ука,— деди у ҳосилот советининг раисига тик қараб,— қўполлик ҳам эви билан-да. Ўтган сафар бостириб суғориб, қанча сувни пастга оқизиб қўйганингни унутдингми? Энди нега Нодирага ёпишасан? «Исроф қилсак жавобини берамиз-а», жавобини бермагину, орқа-ўнгингга қараб иш тутгин. Давлат шу ишга атайин одам ажратиб қўйса, талабингга қараб тегирмон-тегирмон сув бериб турса-ю, сен хоҳлаганимча оламан, билганимни қиламан деб туриб олсанг. Ўзинг қаерликсан? Эсингдан чиқдимми? Ота-боболарингку кафтдек ерини суғоролмай ўтганидан қишлоғининг номини «чала» деб аташган экан. Сен бўлсанг... Кўпам нон тепкилик қилаверма. Иннакейин Нодирага тил тегизма. У пахтани сендан кам билмайди. Ўқишга кетишидан олдин звенога бошчилик қилганини унутдингми? Шу келди-ю, сув олишимиз ҳам тартибга тушиб қолди. Ёш бўлсаям барака топсин.— Нурмат ота яна нимадир демоқчи бўлди-ю, йўталиб секин жойига ўтирди.

Нурмат отанинг даккиси раисга ҳам маъқул тушди шекилли, унинг сўзларига эътироз билдирмоқчи бўлиб, икки марта ўрнидан қўзғалган Шоғулом акани имо билан тўхтатди. Наряд охирлаб қолганида телефон жириглаб қолди. Раис трубкани олиб эшитаркан, ранги ўзгарди, ўқрайиб Шоғулом акага қараб қўйди, кейин трубканинг оғзини кафти билан бекитиб, Шоғулом акага деди:— Нариги хонага чиқиб трубкани

олинг, машинага ўтириб, ҳозироқ ўзингиз ўша ерга етиб боринг.

Раис яхши қилди. Стрельцов телефон қилганини ҳозир ўтирганлар эшитса шов-шув бўлиши аниқ эди.

...Колхоз боғи ёнидаги кўчадан айланиб чиққан машина каналга етиб, Нодиранинг хаёлини бўлди. Шофер йигит кабинадан қўл силкиб, Нодира билан саломлашди-да, канал ёқасидаги йўлдан станция томонга юриб кетди. Буруқсаб кўтарилган чанг анчадан кейин босилди.

Нодира соатига қараб, сув тақсимловчи темир дарвозанинг мурватини энди бурамоқчи бўлиб турганда, орқасидан «ҳорма, қизим» деган овоз эшитилди. Угирилиб, елкасига кетмон ташлаган Нурмат отани кўрди.

— Келинг, ота, жуда вақтли чиқибсиз-а?

— Одатим шу, она қизим, ғира-шира тонгдаёқ уйқум қочади.

Нурмат ота шундай деди-да, кетмонини тол тагига қўйиб, канал қирғоғига чўккалади, худди сув юзидан бир нарса қидираётгандек тикилиб қолди. Канал шу қадар тинч оқардики, унда сув эмас, яхлит ойна тургандай.

— Ота, — деди кулиб Нодира, — сувдан бир нарса топдингизми, тикилиб қолдингиз?

— Ҳа, қизим, сувнинг нимасини айтасан. Ундан бутун ҳаётимизни топганмиз. Оби ҳаёт бу. Бир қатра сув бўлса-ю, унда қуёш жилва қилиб турса, ўша ерда ҳаёт бор деявер. Оқишини қара, тикилиб тураверсам кўзимга нур қўшилавергандай...

Нодира Нурмат отани эсини танигандан буён биларди. Мирзачўлга ҳам бирга келишган. Нодира гўдаклигида ўлиб кетган ўз отаси Тўғонбой ҳақида Нурмат отадан жуда кўп нарсаларни эшитарди. Ота шундай гапириб берардики, Нодира худди ҳозир дадасини тирик кўргандай бўларди. Нурмат отанинг айтишича, улар жуда қалин дўст бўлишган экан, қишлоқдагиларнинг кўпи оға-ини деб чақиришар экан. Нурмат ота ҳар гал ҳикоя қилганида ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш келар, «нексалик-да», деб артиб оларди-да, яна кетидан «даданг сенинг шундай бўлганингни кўрса борми, юраги ёрилиб кетарди» деб қўшиб қўярди.

Нодира турмушга чиққан йили онаси вафот этди. Орадан бир йил ўтиб, фарзанд кўрди. Шундан буён у

айниқса, Нурмат отага суяниб қолди. Мана ҳозир уч болалик бўлибдики, отасини кўргандай бўлади у борса. Қизини қўмсагандай ота келиб туради.

Нодира соатига бир қараб олди-да, дарвоза мурватини яна бураб қўйди, қўлидаги карнай қилиб ўралган газетани ёзиб, отанинг ёнига ўтирди. Унинг фикри-хаёли кечаги воқеада.

— Ота, мунча ўдагайламаса, тўнини тескари кийиб олганини қаранг!

— Эй қизим, битта ақмоқ гапирди, қўйди-да. Аламини кимдан олишни билмай юрибди. Бериги участкада эрта-индин теримга тушилади-ю, унинг участкаси ҳалигача сугорилади... Парво қилма... Бунинг устига-устак, кечаги сув тошиб кетганини айтмайсанми! Ҳой, Нодира, тагин гап билан бўлиб, сувни кўп очиб юборма, қизим.

— Йўқ, хавотир қилманг.

— Сувни қара-я... Бай-бай-бай... Узинг кимсан? Биласанми, қизим?

— Бу нима деганингиз, ота?

— Оҳо, илгари вақтларда бунақанги сувга беш-олтита бой ҳам хўжайин бўлолмасди. Ҳар сафар сени канал ёқасида кўрсам шу эсимга тушади. Мана энди қара, сув кимники деб биров сўрамайди ҳам, кимники деганинг ўзиники... Ерга уруғ тушди дегандан бошлаб, кузаккача деҳқоннинг ташвиши сув бўларди, сув бошидагилар билан этакдагилар ўртасида доим тўполон, уриш-жанжал эди. Войнинг ерига ўтган ариқдан бир ҳўплам олиб кўр-чи, авлодинг билан ё кўчириб юборади, ё ундан қаттиқроқ жазоингчи беради.

— Ота, ўсмасини юваётган қизни урган ким эли?

— Ҳе, қаёқдан эшитувдинг буни, қизим?

— Ойим айтардилару, кимлигини эслолмас эдилар.

Нурмат ота оғир хўрсиниб олди.

— Мирзакарим деган бой эди. Ўз қўлида чоракор бўлиб ишлайдиган Абдухалил тонг отарда ҳовлисидаги райҳон, кашничларини сугораман деб сув боғлаб келибди. Бой эрталаб шу кўчадан ўта туриб қараса, Абдухалилнинг эшиги олдидаги ариқчада сув оқяпти, етти яшар қизи ариқ лабида ўтириб, ўсмасини юваётган экан, бой кела солиб бола бечоранинг белига қамчи билан туширибди-да. Қизча шўрлик қўрққанидан

йиғини ҳам унутиб, дағ-дағ титрармиш. Устига дод солиб онаси чиқса, ноинсоф бой «сувни ким бойлади» деб уни қаттиқ ҳақорат қилибди. Эй, нимасини айта-сан...

Ота яна хўрсиниб олди.

— Қизим, сендан яширган бир гапим бор эди. Бир мен эмас, раҳматлик онанг ҳам қизимга айтмай қўя қолиқ, деб тайинларди. Энди ёш бола эмассан, айтишим керак.

— Нимани?!— қўрқиб сўради Нодира.

— Э қизим, не иложим бор, оғир бўлса ҳам гапираман. Кеча, ҳосилотнинг авзойини кўриб, жаҳл устида айтиб, кўнглингни ранжитадими, деб хавотир қилувдим. Унинг шунақа ярамас одатлари ҳам бор. Қаердандир эшитиб қолган, билмайман, тунови куни гап очганда койиб берган эдим...

— Нима ўзи, ота?

— Отанг сувга чўкиб ўлган эмас, қизим. Ҳалиги бераҳм бой уни тўғонга бостириб юборган.

— А?!— Нодира беихтиёр қичқириб юборди, кейин икки қўли билан юзини беркитиб ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Йиғлама, қизим. Айтсам яранг янгиланади, билардим, начора... Ҳосилотга ўхшаш бирортасидан эшитиб қолсанг, бундан ҳам ёмон бўларди, деган хаёлга бордим.

Нодира анчагача шу алфозда ўтирди. Кейин кўзидаги ёшни артиб, зўрға сўради:

— Тириклайин-а?

Нурмат ота индамади.

Нодира сакраб ўрнидан турди-да, тўғон дарвозаси мурватини шиддат билан буради.

*Ноябрь, 1956 йил*

Яқинда бир хат олдим. Блокнотдан йиртилган оқ қоғоз бетидаги ниҳоятда ҳафсала билан ёзилган сатрларга узоқ тикилиб қолдим. Худди меҳрибон ота ўғлининг елкасига қўлини ташлаб: «Мана шу ишни қўлингдан келганча бажар, назаримда, бу бир оила манфаати учун эмас, умум манфаати учун зарур, ахир у замонлар ўтиб кетган-ку» деяётгандай бўлди. Хатни ёзган киши — Абдуқаҳҳор ака менга энг қадрдон, уни беҳад ҳурмат қилардим. Ўз ўқитувчисини унута олармиди, киши! Ёшлик чоғларимда, унинг қўлида таълим олганман. Биринчи дафъа лекциясини эшитган куним ширин орзу-хаёллар билан алламаҳалгача ухлаёлмай чиққан эдим. Абдуқаҳҳор аканинг энг яхши фазилатларидан бири шу эдики, лекция ўқиганда шундоққина қулоққа қуйиб, мияга жойлаб қўя қоларди. Фикри бирам чиройли, «теша тегмаган» иборалар билан содда қилиб тушунтирардики, кишининг сира эсидан чиқмасди. Икки соатлик лекциясидан, атайин пойлаб ўтирган одам ҳам бир оғиз ортиқча ё ўринсиз сўз тополмасди. Бир мен эмас, группамиздаги ҳамма болалар уни ҳурмат қилишар, қўққисдан тўқнаш келиб қолганимизда салом бериб ўтиб кетгунча, қизариб-бўзариб кетарди. Салобати босар эди.

Орадан йиллар ўтиб, Абдуқаҳҳор ака докторлик илмий даражасини олди. Шунда ҳам ўзини катта тутмас, жуда камтар эди. Энг муҳими, инсон деган номга гард юқтирадиган бирон ҳаракатни кўрса қаттиқ ранжирди. Турмушимиздаги эскилик сарқитлари билан сира

ям чиқишолмас, «бундай сарқитлардан қанчалик тез халос бўлсак, турмушимиз, маданиятимиз шунчалик тез ривож топади» дер эди. Илмий ишлари бошидан ортиб ётганига қарамай, қимматли вақтини сарф қилиб алоҳида хат ёзиб юборганининг боиси ҳам шунда. Хатда ўзи сингари болалар уйида тарбияланиб чиққан бир инженернинг оиласида рўй бераётган воқеани ёзибди: «Лозим топсангиз ҳикоями, фелъетонми ёзарсиз, йўқса бирон ерда ишлатарсиз. Менимча...»

Ҳикоя мана шу нуқталардан кейинги сатрлар мазмунини ўз ичига оладиган бўлгани учун мақсадга ўтайлик. Мен хатни ўқиб бўлдим, қадрдон ўқитувчимизнинг олдига бордим. У менга воқеани батафсил айтиб берди. Кейин Зухуржон билан учрашдим, боғчада бўлдим. Ҳамма нарса ойдинлашди...

## I

Зухуржон оқ батис филофли атлас кўрпачага ихчамгина қилиб ўралган чақалоқни авайлаб бағрига босаркан, юраги шув этиб кетди. Назарида, врач унинг қўлига қуруқ кўрпачанинг ичини ҳавол қилиб ўраб бергандай на оғирлигини сезади-ю ва на кўрпачада икки қўллаб ушлашга арзийдиган нарсанинг салмоғини. Жон ҳолатда йўрғақдаги болага қаради. Кўрпача тагидан ўтказган ўнг қўлининг панжасини ёзиб ушлаганди, қулайроқ кўринди. Зинадан пастга тушиб сал юргандан кейингина ўзини босиб олди. Шу пайт чақалоқнинг пишиллаб ухлашига завқи келдими, ё ўз ҳолати ўзига нашъа қилдими, беихтиёр жилмайиб қўйди. Кетидан чиқиб келган хотини ҳам сездди буни. У секин эрининг қўлтиғидан қўлини ўтказди.

— Ҳа, нимага куляпсиз?

Зухуржон хотинининг юзига тикилди.

— Куляпсиз дейсизми, ҳа, йўқ, ўзим... — деди-ю, гапни чалғитди, — худди ўзингиз-а, Маъсумахон?

— Қаёқда, — деди хотини бўйини чўзиб, чақалоқнинг юзини кўролмаसा ҳам, — юзининг кулчалари, бурни... тайёр ўзингиз-ку, — унинг лаблари гўдакларники сингари чўччайиб, қошлари чимирилди, эркаланди...

Нариоқда уларни кутиб турган шофер йигит, айтмоқчи бўлган гапини унутдими, дудуқланди, алланима деб Маъсумахонни қутлади-да, қил-қизариб кетди. Еш-

да, бундай ишлар ҳали бошига тушмаган. «Эсон-омон қутулдингизми?» дейишни эп кўрмади, қўполга ўхшадди. Бошқачароқ айтмоқчи эди. Уларнинг салобати босди. Эр-хотинни машинага ўтқазиб, эшикни оҳиста ёпиб қўйгунча алланечук бўлиб кетди. У ҳозир одатдагидан ташқари мулойим эди, юзидан кулги аримасди. Машина асфальтга чиқиб юришини тезлатганда ҳам, Зухуржон шофер тепасидаги кичкина ойнада унинг юзидаги кулгини кўрди.

Қўни-қўшнидан чиққан аёллар ҳовлининг ўртасидаёқ Маъсумахонни ўраб олишди. «Туф, туф, ёмон кўздан асрасин, Маъсумахон, ўзингизни сираям ол-дирмабсиз-а» деса бири, «Вой, қайтанга очилиб кетибдилар» дерди иккинчиси, Маъсумахон агар салгина ранги синиққанлигини айтмаганда, чиндан ҳам очилиб кетган, янги келин вақтидагидек кўзлари ёниб турар, икки юзидаги кулгичи шундоғам ярашиб тушган эдики, «кулгич тўла юзга келишади» дейдиганларнинг гапи бекор экан. Унинг чехраси эмас, бутун вужуди кулиб турарди.

Зухуржон кўпчилик бўлмаганида чақалоқни қўлидан бермасмиди, жекса қайнанасига узатди-да, орқасидан қараб қолди. Уй ичи бирпасда хотин-халаж билан тўлган эди. Зухуржон шошиб қолган, эшикдан кириб келиб «қани, тўнни ечинг» деб ҳазил қилганларга жавоб беролмай кулиб қўярди. Қутлаётганларнинг ҳаммаси ҳам «Ўйингизга янги меҳмон билан қўшилиб янги бахт келди, биялпсизми?» деяётгандай бўларди. Бу орада Маъсумахон кийимларини алмаштириб дераза пардасини тортар экан, ҳовлида тутангириқ тайёрлаётган эрига кўзи тушди, кулиб қўйди. Яхшики, Зухуржон пайқамади буни. Хотинининг атлас нусха крепдешин кўйлагини кийганда айтадиган ҳазилини такрорлармиди? У боядан бери ўзини қўйгани жой тополмас, тўй арафасида Маъсумахон билан уч кун кўришмагани уч йиллик туюлгани сингари типирчиларди. Қани энди, меҳмонлар тезроқ қўзгала қолса-ю, Маъсумахоннинг ёнига кириб тўйиб гаплашса, чақалоқни ўртага олиб, боягидек кимга ўхшашлигини баҳслашса... Маъсумахонга шунчалик суянган эканки, бир ҳафтадаёқ ҳеч қаерга сизмади қолди.

Эртасига ўрнидан туриб, енгил-елпи ишларга уннай бошлаган Маъсумахон тўртинчи куни деганда тўсат-

дан иситмалаб ётиб олди. Аксига юриб шу бугун заводдан кеч қайтган Зухуржон, каравот билан битта бўлиб, бўрсиллаб ётган хотинини кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. «Телефон қилсангиз бўлмасмиди?» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганда, Маъсумахон, қовжираб пўрсилдоқ босган лабларини оҳиста қимирлатди:

— Сув. Муздек сув ичгим келяпти.

Зухуржон коржомасини ҳам ечмай сув қуйиб узатаркан, шу ёшга келиб, ёлғизликнинг нима эканини ҳозир сезгандай бўлди. Қайнанаси бир-икки кун тура қолса нима бўларди! Қўлидан бирон юмуш келмаса ҳам далда эди-ку. «Ўгайлигини қилди... Менинг ҳеч кимим бўлмаганига яраша, лоақал Маъсумахоннинг бирон жигари бўлса нима эди?» Зухуржон шу хаёллар билан кафтини хотинининг пешанасига қўйди. Қўйди-ю, узоқ турулмади. Пешанага эмас, чой дамланган чойнак қорнига қўйгандай бўлди. Маъсумахон кўзларини очолмас, устидаги кўрпани белигача туширган, оғир нафас олиб, ҳарсиллаб ётарди. Кўкракбурма қўйлагининг кўксига ёпишиб турган жойига алланима томибдими, қотиб қолган, оқариброқ турибди. Зухуржон узоқ тикилиб энди тушунди. Маъсумахон чақалоқни эмизолмабди ҳам. Секин кўз қири билан йўрғадаги болага қаради. Яхшики, ухлаб ётибди.

— Зухуржон ака, ҳеч нарса бўлгани йўқ, — қийналиб гапирарди-ю, кулишга ҳаракат қиларди Маъсумахон. — Фақат овқатга... ўзингиз уннай қоласизда, а?

Зухуржон яна пешанасини ушламоқчи бўлиб қўлини узатди, аммо ҳарорати зўрлигини ўзига сездириб қўйишдан қўрқиб, тўзғиган сочларини силай бошлади. «Мендан овқат ўтармиди?» демади-ю, «Кўнглингиз вима тусайди?» деб сўради.

— Ҳеч нарса. Сув.

Ҳайкалдай қотиб қолган Зухуржон, ўзини йўқотиб қўйди. Хийладан кейин ўрнидан туриб, нариги хонага чиқди. Кийимларини алмаштирар экан, кимга хабар қилиб, маслаҳат солишини ўйларди. Кейин телефон трубкасини олиб, қоронғида ҳам адашмай тополадиган номерни айлантира бошлади. Трубкани Рокия опанинг ўзи олди. Зухуржон овозини пасайтириб, воқеани тўшунтирди.

Ўйга қоронғилик туша бошлади. Йўқ, қоронғилик



аввал Зухуржоннинг қалбига, кейин уйга тушди. Уй ичини ҳам, ташқарини ҳам аллақандай ваҳима босгандай. Эшикдан Рокия опа кириб келганини ҳам пайқамасди Зухуржон. Рокия опа коридор чироғини ёққандагина хонадаги чироқни ёқиш эсига келди.

Рокия опа шошганидан, устидаги халати билан келган эди. У, Маъсумахондан ҳам, эридан ҳам сўраб ўтирмай, тўғри «тез ёрдам»га телефон қилди.

Маъсумахонни касалхонага ётқизишди. Иккинчи куни чақалоқни алоҳида бўлимга ўтқазилганини эшитди Зухуржон.

Кечаги шодлик, бахтиёрлик ўрнини шундай оғир қайғу босдики, Зухуржонни гангитиб қўйди. Дастлабки кунлари заводдагиларга сездирмай юрди. Эрталаб ишга борар, тўғри конторага кириб, янги ишланган деталларнинг чертёжларини кўздан кечирарди-ю, топшириқ бериб чиқиб кетарди. Барибир цехдагилар билмагани билан завод бошқармасидагилар билишарди. Бош инженер Зоҳидов ўша кунийёқ Зухуржоннинг ёрдамчисини чақириб, тайинлаб қўйганди. Бўлмаса у Зухуржон эрталаб келиши биланоқ:

— Сиз бораверинг, бу ёғини ўзим...— деб гапни ҳам яримта қилиб, тинчитгани турармиди. Зухуржон ўз ёрдамчисидаги бу ўзгаришни ҳам пайқамас, бировнинг гапи қулоғига кирмай, аламини папиросдан оладиган бўлиб қолди. Ишга сира қўли бормас, цехдаги шовқинни «бизнинг симфония» деб юрадиган йигит энди цехга кирса юраги сиқиларди.

Касалхонада кечгача қолиб кетар, уйга қайтгандагина қорни очганлигини, эрталабдан бери туз тотмаганини сезарди-ю, барибир тсмоғидан қуруқ чойдан бўлак нарса ўтмасди. Ҳаёт аллақандай даҳшатни кўз олдига келтириб қўяр, ўрнида ётолмай, папирос тутатиб ҳовлига чиқиб кетарди... Ҳовли-я... Ҳовли деган ҳам шунчалик совуқ бўладими? Шу кунларда кўзига шундай ёмон кўринадиган бўлиб қолдики... Дераза ёнидаги гул, райҳонларга сув қуйилмайди, томга чирмашиб чиққан печакнинг қарнай гуллари тўкилиб ётибди, изирсиган ҳовли юзини папирос қолдиқлари тутган иккита ғишт устида турган сариқ самоварнинг устини бир энлик чанг босган... Илгарилари шундаймиди? Маъсумахоннинг туғруқхонадан келишини орзиқиб кутган Зухуржон ҳар куни ҳовли су-

пурарди, ҳамма нарсани саранжом қилиб ишга жўнардди, ҳозиргидек деразадан туриб папирос итқитмасди...

Маъсумахон кундан-кун оғирлаша борди. Охири бўлмади. Хизматдан бир неча кун руҳсат олишга тўғри келди. Энди унинг куни ҳам, баъзида туни ҳам касалхонада ўтадиган бўлиб қолди. Кечалари кўпинча навбатчи врач руҳсати билан қабулхонада, қуруқ диванда ётиб қоларди. Кундузлари врачлар хотини ёнида узоқ ўтиришга руҳсат беришмасди. Шунда у «хўп» деб чиқиб кетарди-да, ёш болалардек кўзни шамғалат қилиб, яна палатага кириб олаверарди. Тўғрироғи, унга гап ҳам таъсир қилмас, нима дейишса ҳаммасига кўнардди. Маслаҳат қилмаган врачу, профессори қолмади. Зоҳидов қайси бир илмий-текшириш институтининг профессорини ўзи билан бирга олиб келиб кўрсатди. Аллақандай, кам учрайдиган касалнинг номини айтишар, Зуҳуржон бўлса: «Менинг ҳеч кимим йўқ... Ундан бошқа ҳеч кимим йўқ...» деганга ўхшаш гапларни айтиб, ялинарди.

Шу зайлда ўн етти кун ўтди. Ун саккизинчи кечаси Маъсумахон эрининг қўлида жон берди. Зуҳуржон қўшни палаталарда ухлаб ётган беморлар борлигини ҳам унутиб, ҳўнграб юборди...

Зуҳуржоннинг босиқлиги, кучли иродаси бу мусибатни енгишга ожизлик қилди. У бир неча кунгача ўзига келолмай юрди. Ҳаммасидан ёмони шу эдики, ҳар гал эшикни очиб, ҳовлига кириши билан одатдагича «хоним» деб юборарди. Дерди-ю, юраги тортиб кетарди. Маъсумахондан жудо бўлганига сира-сира ишонгисин келмас эди.

## II

Зуҳуржон қисқа муддатли отпускази тугаб, эртага ишга чиқаман деб турган куни завод бошқармасидан Зоҳидов телефон қилиб қолди. Узоқ гаплашмади. Ишдан қайтишида Зуҳуржонни уйга олиб кетажagini айтиб трубкани қўйди, «Уйга олиб кетаман,— ўзича такоррлади Зуҳуржон,— нима иши бор экан. Ё биронта меҳмон келмоқчи бўлса шунга таклиф қиляптими? Меҳмондорчилик татирмиди ҳозир менга... Очикроқ айтса бўлмасмиди...» У, трубкани олиб, Зоҳидовга телефон қилмоқчи бўлиб турганида эшикдан худди ўз уйи-

га кириб келаётгандек, Марфа Ильинична кирди. Зухуржон трубкани қўйди.

— Салом, келинг, Марфа Ильинична, хизмат?

— Бардаммисиз, болам, ҳа, кўп ўйлайверманг, фойдаси йўқ... Мен сизга катта бир хизмат билан келдим. Сиз бирпас кўчага чиқиб айланиб келинг, мен уйга бир қараб қўяй. Сизга қолса ўзингиз айтмайсиз ҳам.

Зухуржон дарров тушунди:

— Йўқ, овора бўлманг, ўзим эплаяпман, Марфа Ильинична.

— Бу сафар сўзимга кирмасангиз хафа бўламан, болам. Мен бегона эмасман.

— Шундай топшириқ беришдими сизга?

— Ҳа.

— Ким?

— Ўзимга ўзим.

Зухуржон гап қайтаролмади. Марфа Ильиничнанинг ажинлар оралаган юзига, кумушдек сийрак сочларига меҳр билан тикилди-да, дераза ёнига борди. Кўзи плитка устида турган, оғзи, жўмрагининг гардишлари чой қуйқумидан сарғайган чойнакка тушди. Марфа Ильиничнага тайёр чойни қуймаганидан хижолат бўлди. Чойнакни келтириб стол устига қўяркан, Марфа Ильинична унга қаради.

— Ҳожати йўқ. Керак бўлса ўзим қуйиб ичаман.

Завод бошқармасида хат ташувчи бўлиб ишлайдиган Марфа Ильиничнани коллективда танимаган одам йўқ эди. Ҳамма уни ҳурмат қиларди. Зухуржон институтдан заводга келиб, механика цехида ишлай бошлаганидан бери танийди. Эр-хотин унга жуда ўрганиб қолишган эди. Маъсумахон «она» деб чақирарди, уйга меҳмон келгудек бўлса Марфа Ильиничнани албатта топиб келарди. Ҳозир Марфа Ильинична Зухуржонга яна хотинини эслатди. У бўлганида топгантутганини, аллақандай тансиқ нарсаларни тўкиб ташлаб, қўярда-қўймай меҳмон қиларди. Зухуржон бошқа сўз айтмай, ҳовлига чиқди. Чиқди-ю, машина овозини эшитди. Зоҳидов кириб келди.

— Нима гап, ичкарига кирайлик, Тоҳир ака.

— Ҳеч гап йўқ. Ўзимиз гаплашиб ўтирамыз, — у деразадан Марфа Ильиничнага кўзи тушди. — Ийи, ҳорманг Ильинична, жуда бошлабсиз, яшанг-эй. Қани, кетдик. Зухуржон, Марфа Ильиничнага халақит берманг.

Зухуржон машинадан тушиб ичкарига кирди, шляпасини илаётганида қўшни хонадан чақалоқнинг йиғисини эшитиб, ранги қув ўчиб кетди. Макинтошини ечмай, диванга ташланди. Зоҳидов дарров пайқади.

— Ҳа, Зухуржон?

— Тоҳир ака... — у шундай деб хўрсинди, ирғиб ўрнидан туриб кетди, шляпасини қўлига олди.

— Нима гап, қаёққа?

— Тоҳир ака, мен виждонсизман. Эсимни еб қопман. — У титроқ овоз билан гапирарди, — ахир ўғлим бор эди-ку... Беш кун бўлса-ю, хабар олиш у ёқда турсин эсимга ҳам келмаса-я!.. Йўқ, кечиринг мени, мен ҳозир бориб билишим керак, — у шляпасини гижимлаганича коридорга отилди.

Зоҳидов бунчалик бўлишини кутмаган эди, кетидан чиқиб қўлидан ушлаб қолди. Чақалоқ овози эшитилган хонадан Зоҳидовнинг хотини Рокия опа чиқди! Зухуржон чопиб чарчаган кишидек ҳарсиллар, Рокия опа билан сўрашишни ҳам унутиб қўйган эди. Эрхотин уни зўрлаб уйга олиб киришди.

— Йўқ, Тоҳир ака, барибир татимайди. Ҳеч бўлмаса телефон қилиб билайлик.

— Хўп, биламиз. Ўзингизни босинг, гап бор.

— Буни қаранг-а... Наҳот эсимга келмаса! Ҳеч кимим йўқлиги-да. Маъсумахоннинг кими бор эди. Саксон беш яшар ўғай онаси... У шўрликнинг қўлидан нима иш келарди.

— Бу гаплар ўринсиз, Зухуржон, — деб гапга аралашди Рокия опа, бизлар бегонамизми?

«Шундай экан, мен аҳмоққа бир оғиз айтиб қўймайсизларми» деб юбормоқчи бўлди-ю, томоғига бир нарса тиқилгандек гапиролмай қолди. Бошини қуйи солиб, икки қўли орасига олди. Шу пайт Рокия опа эрига қараган эди, «айта бер» деган имони қилди у. Рокия опа оҳиста сўзлай бошлади:

— Зухуржон, менга қаранг, ука. Биз сиздан бемаслаҳат бир иш қилиб қўйганмиз...

Зухуржон ҳайрон бўлиб, бошини кўтарди. Рокия опа сўзида давом этди:

— Агар кечирсангиз айтаман.

— Нима? Айтинг, опа.

— Ўша куннинг эртасигаёқ Тоҳир акангиз билан бориб, чақалоқни олиб келганмиз.

— А?! Ростданми?— Зухуржоннинг кўзлари катта очилиб кетди. У гоҳ Рокияга, гоҳ Зоҳидовга қарарди,— шу ердами?

— Ҳа, шу ерда,— деди кулиб Рокия опа,— аввали беришмади, эмизикли болалар уйига ўтказамиз дейишди. Мен кўнмадим. Сизнинг номингиздан тилхат бериб олиб келдим. Узиям бизнинг Ҳамидга ўхшаб кетади. Ҳасан-Ҳусан бўлишди,— деб кулиб қўйди у.— Мана бугун исм қўйиб беришингиз керак, дадаси.

— Рокия опа, Тоҳир ака...— кўзларини катта очиб қараганича, бошқа сўз айтолмади Зухуржон.

Улар ўринларидан туришиб, нариги хонага чиқишди. Зухуржон ўғилчасини қўлига олди, чақалоқ тим қора мунчоқдай кўзларини дадасига тикди. Исм қўйишда Зухуржон ўйланиб қолди. Зоҳидовнинг ҳам, хотинининг ҳам таклифлари унга ёқмади.

— Маъсумахондан менга нима қолди?— деди у эр-хотинга қараб,— мана шу ўғилча. Уни ўзим катта қиламан, фақат эмизикли даврида...

— Бу ёғини ўйламанг, Зухуржон,— деб унинг гапини бўлди Рокия опа.

— Раҳмат сизга... Унинг номини Ёдгор қўямиз. Маъсумахондан менга ёдгор...

Бу ном эр-хотинга ҳам маъқул тушди.

Улар узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Зухуржон овқат устида Зоҳидовга тикилар, унинг буғдой ранг юзи, ўйчан кўзлари, икки чаккасига оралаган оқ сочлари — унга меҳрибон, қадрдон бўлиб кўринди. Рокия опа-чи? У, биргина Зухуржонга эмас, Маъсумахонга ҳам шунчалик яқин, эгачисидек эди. Улар икковлари бир мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашарди... Зухуржон ҳозир ўзини туғишганлари ёнида ўтиргандай ҳис қилди.

### III

Чақалоқ беш ойгача Рокия опанинг қўлида бўлди. Зухуржон энди бу уйга тез-тез келиб турар, Рокия опа «хафа бўламан» дейишига қарамай, турли ширинликлар, ўйинчоқлар олиб келарди. Барибир, ҳар келганида ийманар, назарида, шу оилага малол келтираётгандай бўларди. Олтинчи ойга қадам қўйганда, Ёдгорни завод ҳузуридаги кеча-кундуз ишлайдиган яс-

лига жойлаштирди. Шунда Рокия опа: «Ўрганиб қолади деб кўрқингиз-а, Зуҳуржон» деб ҳазил қилди, Зуҳуржон хахолаб кулиб юборди, чиндан ҳам Рокия опа ҳазиллашди деб ўйлаган эди. Рокия опа шу гапни айтди-ю, аммо қалбининг аллақасери жиз этиб кетди, кўзига келган ёшни сездирмади. Яслига тез-тез кириб турадиган Зуҳуржон бир куни Рокия опа яслининг ровонида Ёдгорни бағрига босиб, кўз ёши қилиб тургани устидан чиқиб қолди. Ёдгорга ўрганиб қолганидан шундай қиялпими ёки Маъсумахонни эслабми, бунисига тушунолмади.

Орадан икки йил ўтиб, Ёдгор тилга кириб, чопқиллаб юриб кетганда, Рокия опа Зуҳуржонга жиддий маслаҳат берди:

— Уйланишингиз шунинг учун ҳам зарурки,— деди у меҳрибон кўзларини Зуҳуржонга тикиб,— бола ҳали ёш, ўз онасидек ўрганиб кетади.

Зуҳуржон шу вақтгача уйланиш тўғрисида кимки гап очса қисқагина: «Бу ҳақда ўйлаб кўрганим ҳам йўқ», деб жавоб қиларди. Зоҳидов ҳам бир неча бор гапириб кўрди, бўлмади. Ҳозир Ёдгорнинг тарбияси ҳақидаги гап уни ўйлантириб қўйди. Индаёлмай қолди. Рокия опанинг ўша ҳазили ҳам, яслига бориб Ёдгорни кўриб юргани ҳам кўз олдига келди, энди тушунди: «Ёдгорга яхшигина ўрганиб қолган экан, унинг тарбиясини ўйлаб, жон куйдираётгани ҳам шундан. Она!..» кўнглидан ўтказди у.

— Нега ўй суриб қолдингиз, Зуҳуржон?

— Ростимни айтсам, ҳеч кўнглим бўлмапти.

— Сизга шу маслаҳатни беришга менинг кўнглим ёради, дейсизми? Ахир Маъсумахонни мен ҳам...

— Тўғри айтасиз. Ҳали бола ёш... Кейинчалик...

Улар жим қолишди. Зуҳуржонга бу ҳақда гап очиб — ярасини янгилаш эканлигини Рокия опа яхши тушунарди. Шу туфайли ўзига ташлашга, ўзи бир нима демагунча ортиқча гап айтмасликка уринарди. Зуҳуржон папиросининг чўғи билан кулдондаги гургурт донасини саситишдан бўлак иши йўқдек, ўшанга тикилганча узоқ сукут сақлади. Рокия опа қадаган тугмасининг орқасидан тугун солиб қатимни узди-да, жимликни бузди.

— Ўзиям таниб қопти, кўрди, югуриб келади.

— Сизгами?

- Йў-ўқ.
- Кимга деяписиз?
- Зарофатга.
- Зарофат?!
- Ҳа. Ҳали хабарингиз йўқми?
- Нимадан?
- Зарофатнинг бориб юрганидан.
- Яслига-я?
- Ҳа.
- Хабарим йўқ... Нега боради у?
- Вой, ростдан билмайсизми? — Рокия опа шундай

деди-ю, Зуҳуржоннинг юзидаги ҳайронликни кўриб, гапни бошқа томонга бурди. Яхшики, «топишиб олиб-сизлар-ку» деб ҳазил қилмагани. Роса ранжир экан-да. Кўриниб турибдики, Зарофатнинг бориб юрганини эшитганга ҳам ўхшамайди.— Бир гал Ёдгорни қўлига олиб, эркалатиб тургани устига бориб қолдим. «Келинг, Зарофатхон, бор экансиз-ку» десам, «Вой, тез-тез келиб тураман, мана ўзидан сўранг» девди, Ёдгор ҳам, ҳа, дегандай дудуқланди. Шунини айтяпман-да. Кўргандир-сиз девдим.

— Йўқ, яслида кўрганим йўқ.

Унинг кўз олдига Зарофат келди. Йўқ, аввал, ёнида, каравотда ётган Маъсумахон намоён бўлди. Кейин, елкасига халатни қийшиқ ташлаган, ранги оқариб, чўчиган Зарофатнинг палатага кириб келиши, ўтирса стул синиб кетадигандай бир чеккасидан секин жой олгани кўз олдига келди. Маъсумахон касалхонада шунча кун ётди-ю, Зарофатнинг боргани шу бўлди. Азасига келдими, йўқми, буни эслолмайди. Зуҳуржон шундан кейин Зарофатни кўп учратди. Аммо, нима учундир, ҳар галгисида ҳам ўрталарида «эсон-омондан» бўлак гап бўлмас, Зарофат уялибми, ё дугонаси Маъсумахон эсига тушиб кўнгли бузилганиданми, ҳар қалай, Зуҳуржонга тик қаролмай, бош эгиб хайрлашарди. Илгарилари уйларига келганида Маъсумахон билан чақчақлашиб ўтирадиган, Зуҳуржон билан ҳам бемалол гаплашадиган Зарофатнинг ҳозирги кўйи уни ажаблантирмас, буни фақат Маъсумахонга бўлган дўстлик ҳурмати деб биларди. Ҳар кўрганида Зарофат қалбида ҳам ўзидаги сингари аламни сезарди, бу ҳақда гап очмасди. Ёшлиқдан бирга катта бўлган жонажон дугонасидан ажралиш осонми ахир.

Кечагина эди. Эшикдан кириб келарди-да, Маъсумахон билан худди ёш болалардек қаттиқ қучоқлашарди.

Кейин уччовлари гаплашиб ўтиришарди. Бироқ бу гап узоққа чўзилмасди, Зарофат Маъсумани имлаб, нариги хонага олиб кириб кетарди. Дугоналарнинг орқасидан кулиб қараб қолган Зуҳуржон «хотинларнинг хуфия гапи сира тугамас экан-да», деб ҳазил қиларди. Баъзида иккала ўртоқ ичкаридан хомуш чиқиб келишарди-да, Зарофат шу заҳотиёқ жўнаб қоларди. Баъзида икковлари хахолашиб чиқиб, доира стол ёнига ўтиришар, ўн йиллик, кейин институтни тамомлашгандаги суратлари борми, яна аллақандай расмларни кўриб ўтиришарди.

Зарофат Маъсумaxonдан икки йил аввал турмуш қурган эди. Бироқ нима бўлди-ю, эр-хотиннинг муросалари келишмади. Зарофат Маъсумaxonга ҳасрат қиладиган, эрининг ичкилик ичиб келиб, уйда тўполок қилишларини йиғлаб гапирадиган бўлиб қолди. Бир гал эри калтаклаганида Маъсумaxonникига келиб ётгани Зуҳуржоннинг ҳали-ҳали эсидан чиқмайди. Ҳатто, бу сирни яшириб индинига айтгани учун Зуҳуржон Маъсумaxonдан хафа бўлган, «чакки қилибсиз, адабни бериб қўярдик», деб ачинган ҳам эди. Улар уч йилча яшаб, ажрашиб кетишди. Бу орада Зарофат кечки мактабда дарс беришга кўчди. Уларникига кам келадиган бўлиб қолди...

Зуҳуржон иккита папиросни чекиб, кулдонда эзгилагунча шуларни хаёлидан ўтказди-ю, бир хил бўлиб кетди. Назарида, Зарофатга розилик берса катта хиёнат қилган, гуноҳга ботиб, кўпчилик олдида юзи шувут бўлаётгандай. Рокия опа ҳам, Зоҳидов ҳам бундан аввал Зарофатни тилга олишганда эътибор бермаган эканми, ҳозиргидек бўлмаганди. У яна папирос тутатиб, Рокия опага қаради.

— Демак, Зарофатни демоқчимисиз?

— Зуҳуржон, демоқчилигим фақат Ёдгор туфайли. Бу ёғини тагин ўзингиз биласиз.

— Мен ҳам болани ўйлаяпман. Бўлмаса ҳали-вери ўйланиш хаёлимда йўқ эди. Шунда ҳам очиқчасига гаплашаман.

— Шарт қўяман денг? Аммо ётиғи билан айтинг, хотин кишининг кўнгли нозик бўлади.



— Меники ундан ҳам нозик, Рокия опа. Бор гапни айтсам гуноҳ бўладими? Севардим, бутун вужудим билан севардим, ундан менга мана шу Ёдгор қолди дейман.

— Демасангиз ҳам билади, Зухуржон.

Рокия опа шу гапни айтиб, ўрнидан турар экан, «шунақанги эрнинг хотини ўлмаса нима қиларди» деб, кўнглидан ўтказди-да, уҳ тортиб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

#### IV

Тўйнинг эртасига эрталаб Зарофат: «Мен бирров Рокия опанинг олдига бориб келаман» деб уйдан чиқиб кетди. Очиғи, унинг бу қилиғи Зухуржонга ёқмади, энсаси қотганидан нима ишингиз бор эди, деб сўрамади ҳам. Почталъон келтирган газеталарни кўздан кечирай экан, ўзича ўй суриб кетди: «Бу қанақаси бўлди?.. Ҳар қандай зарур иши бўлганда ҳам бир оғиз айтиши керак эди-ку. Бугун дам олиш куни, бирон меҳмон келиб қолиши мумкин... тушунолмайд қолдим-ку». У, газеталарни йиғиб радионинг қулоғини буради. «Оққушлар рақси» музыкаси яна Маъсумахонни эслатди. Бу балетни эр-хотин бир эмас, уч марта кўришган эди. Маъсумахонга жуда ёқарди. Зухуржон музыка садосига халақит бермаслик учун оёқ учида юриб, стол ёнига борди, тортмадан кичик рамкага солинган портретни олиб, узоқ тикилиб қолди. Назарида, театрнинг ложасида ўтиргандай бўлди.

Эшикда оёқ товуши эшитилиши билан расмни тортмага солиб, диванга ёнбошлади. Журнални варақлаб, эшикка ён ўгириб олди. Зарофатнинг кириб келганини пайқаса ҳам қарамади. Кўз очиб юмгунчалик вақт ўтмаёқ «папа» деган жарангли овоз уйни янгратади. Зухуржон журнални ташлаб, ўрнидан туриб кетди. У кўзларини катта очиб кулиб турган Зарофатга қарар экан, Ёдгор югуриб келиб, дадасининг оёқларини қучоқлаб олди. Зухуржон уни кўтармоқчи бўлганида, Ёдгор икки оёғини айри қилиб дадасининг қорнига чиқди, қўллари билан бўйнидан маҳкам қучоқлади.

— Дадажон, энди аям телдила-а, энди тетмайдилами?

— Йўқ, кетмайди, ўғлим.

Зухуржон ўглини диванга қўйиб, худди шу ҳолатни Зарофат билан такрорламоқчи, миннатдорчилик, йўқ, анчайики миннатдорчилик билдириш камлик қиларди ҳозир, дилидагини алланима деб айтмоқчи бўлди-ю, қилолмади. Бояги, Зарофат кетиданоқ хаёлига келган, унинг «қилиғи»дан ранжигани эсига тушиб қаттиқ хижолатда қолди. Кулиб туриб, «Раҳмат, Зарофатхон!» деди. Деди-ю, назарида дилидагини айтолмагандай бўлди. Ўғилчаси билан диванга ўтирди. Ёдгорнинг эғнида бошдан-оёқ янги кийим эди. «Демак, Зарофатхон буларни илгаридан ўйлаб қўйган экан... Нега менга айтмаган-а?» Кўнглидан ўтказди Зухуржон. У, шундай бўлишини ўйламаган, Ёдгорни уйга олиб келишни бир-икки кун ўтгач, тайёрлик кўриб, кейин хотини билан маслаҳатлашмоқчи бўлган эди. Ўғли билан ўйнар экан, ҳамон бояги хижолат кўнглини тирнар, Зарофатга тик қарашга хижолат бўларди. У трубкани олиб, Зоҳидовга телефон қилди, воқеани айтиб берди. Улар ҳам бундай бўлишидан бежабар экан. Рокия опа фақат Зарофат Ёдгорга кийим тиктираётганини биларкан, холос. Зухуржон буни эшитгач, қувончини сира ичига сиғдиролмади.

— Тоҳир ака, — деди у, Зарофат ҳовлига чиқиб кетган пайтни пойлаб, — ҳақиқий тўй мана бугун, келмасаларингиз хафа бўламан... кутаман...

Ёдгор трубкага ёпишди. Зухуржон унинг қулоғига тутиб турди.

— Аям телдила... — деди бола лабларини чўччайтириб.

Мевалар фарқ пишган, тўкин-сочин ёз кунларидан бири. Зухуржон отпускаи олиб, хотини, ўғли билан курортга бориш тараддудини кўриб юрган кезларда, уни завод бошқармасига чақириб, делегацияга бош қилиб тайинлашди. Харьковдаги машинасозлик заводи коллективи билан тузилган мусобақа шартларининг бажарилишини текшириш анчагина тайёрлик кўришни талаб этарди. Инженер-техник ходимлар йиғилишида ҳам бунга катта эътибор беришди.

«Энг муҳими — мусобақадошларнинг илғор иш методларини ўрганиб қайтиш керак» дейилди. Зухуржон бу топшириқни бажону дил қабул қилди. Зарофат

каникулда, Ёдгор бўлса уч ёшга тўлган, бурро-бурро гапирадиган бўлиб қолди. Бу жиҳатдан кўнгли тўқ эди. Бироқ Зарофат рўйхуш бермади унга.

— Ахир, отпусмага чиқишим, дам олишим керак демадингизми? — деди Зарофат унинг юзига тик қараб, — курортга борамиз деб тил учида айтган экансиз-да.

— Зарофатхон, ўйласангиз-чи, ахир бутун коллективнинг иши-ку, — куйиб-пишиб тушунтира бошлади Зухуржон, — курортга сал кечикиброқ борсак ҳечқиси йўқ.

— Сизга шундай-да... Хотин эсингизга келармиди, — Зарофат шу гапни айтиб, эшикка чиқди, даҳлизда ҳовлидан алланима деб хархаша қилиб келган Ёдгорга дуч келди. Зухуржон бирдан ўғлининг чинқириб йиғлаганини эшитди-ю, зингиллаб ҳовлига чиққанини очиқ деразадан кўриб қолди.

— Ёдгор, — чақирди у, — нима қилди?

Бола ялт этиб дадасига қаради-да, мушти билан кўзини ишқаб кўчага чиқиб кетди. Зухуржон нималигини тушунолмаб қараб қолди.

— Ўғлингиз мен ҳам бораман деяпти, — деди Зарофат жилмайиб уйга кираркан, — ҳа, бир гап бўлдими, кўзларингиз бежо. Тавба, хотин бўлиб, шу гапни ҳам айтолмайман шекилли.

— Ҳеч гап бўлгани йўқ, Зарофатхон, — деди кулимсираб Зухуржон, — Ёдгорни бир нарса чақиб олдим дебман.

— Ҳали шунга шунча қовоқ-думоғми... қоқилиб тушди.

Зухуржон бунга эътибор бермади. Хотинининг эътирозини бўлса, ҳазил деб билди, топшириқнинг муҳимлигига яхши тушуниб турибди-ю, фақат ёлғиз қолаётганидан шундай деяпти деб ўйларди. Учинчи кун Зарофат Ёдгорни олиб аэродромга чиққани, очиқ чехра билан кузатиб қўйганида ўз фикрининг тўғрилигига сира шубҳа қилмади.

Зухуржон ўн бир кун деганда қайтиб келди. Бу гал делегацияни кутиб олгани аэродромга заводдан ҳам кўпчилик чиқди. Зухуржон улар билан, Зарофат билан сўрашар экан, ўғли кўринмади. Бўлганида қўлига тутқизиш учун чўнтагига солиб қўйган ўйинчоқни бериб, севинтирарди. Зарофатдан сўрамоқчи бўлиб тур-

ганида, ўзи бошчилик қилаётган цехнинг илгор рандаловчи-тоғари, бир йўла иккита станокда ишлаётган Саидов уни гапга тутиб қолди.

— Ростми, ўртоқ инженер, учта рандаловчи станокка кўчгани?

— Ҳа, бир киши эмас, тўққиз киши.

— Ана, айтмабмидим: энди рухсат берасизми?

— Рухсат бериш осон. Пухта ўйлаш керак.

— Расчётини қилиб чиқдим.

Саидов орқадан етиб келган Зоҳидовдан сал уялди шекилли, жимиб қолди. Ўзига қолса, йўлда, машинанинг ўзидаёқ ҳамма нарсани ҳал қилиб олармиди!

Зуҳуржон уйга келганидагина Ёдгорнинг касалхонада эканлигини эшитди. Йиқилиб қўлининг суяги лат ебди. Меҳмонлар, аҳволи яхши, деб шунча юпатишса ҳамки кўнгли тинчимади. Одамлар тарқагач, бирров бориб, кўриб келмоқчи бўлди.

— Маъсумахон...

— А?!

— Ий-е, хех, Зарофатхон, сиз дастурхонларни йиғиб бўлгунингизча бориб келаман,— деб ўрнидан турди.

— Қаёққа?— ўзини билмасликка олиб сўради Зарофат.

— Ёдгорнинг олдига, соғинибман-а, Зарофатхон,— кулиб гапирди Зуҳуржон,— тез қайтаман.

— Бораверинг, мендан сўраб нима қиласиз?— зарда билан шундай деб тескари бурилиб олди Зарофат.— Мени соғинармидингиз, тирноқдек болангизни соғингансиз...

— Зарофатхон, ахир...

— Бораверинг, дедим-ку, вой тавба-ей...— чимирилди у.

Зуҳуржон макинтошининг бир енгини кийганича, остона ёнида қотиб турарди. У гап тополмай қолди. Ҳозир нимаики демасин, бир сўзнинг ўзи жанжалга сабаб бўлишини биларди. Йўқ деса ҳам шу, хўп деса ҳам. У кийимларини оҳиста ечиб, нариги хонага кирди, иш столи ёнига ўтириб, беихтиёр ўйланиб қолди. «Никоҳ кунининг эртасигаёқ ўзи бориб олиб келган Ёдгорни энди нега ёқтирмай қолди?...» Зарофат қўлида олиб кирган кулдонни стол устига қўя туриб гапирди:

— Борадиган одам тағин нима қилиб бу ёққа кирдингиз?

— Чарчаганга ўхшайман... Вақт ҳам кеч бўлиб қолди, Зарофатхон,— деди ётиғи билан Зухуржон. У хотинининг боягидан кўра сал ёришганини кўриб, бир оз тинчиди, стол устида тўпланиб қолган газеталарни титкилаш билан ўзини овута бошлади.

Зухуржон аллақандай хаёлларга олиб борган бу дили хираликни бутунлай кўнглидан чиқариб юбормаган ҳам эдики, ёнига иккинчиси қўшилди. Эртаси куни заводдан келиб иш столининг тортмасидан ниманидир ахтарар экан, рамкадаги расмни кўрмади. Қидирган нарсаси бу ёқда қолиб, расмни ахтара бошлади. Нима қилсинки, йўқ. Ҳайрон бўлди. Ҳамма нарса жойида-ку, фақат... Ёдгор-ку ололмайдди, ким олиши мумкин? Хотинидан сўрамоқчи бўлди-ю, тагин ўзини босди. «Мени синамоқ учун бошқа жойга яшириб қўйгандир, сабр қилай-чи...» деди-да, «Металл технологияси» китобининг қоғоз қистирилган саҳифасини очди. Узоқ ўтирди, барибир, хаёл минг ёққа олиб қочиб, похол ичидан игна қидиргандай алланималарни қидиришга мажбур этарди. Мана, қидирганидан биттасини топди. Қишда бўлган воқеа эсига тушди: Зарофат Маъсумaxonнинг янги бастон юбкасини буздириб Ёдгорга костюм тиктириб берди. Зухуржон буни эртасига билди. Ўғлининг эғнида бежирим костюмни кўриб севинди. «Жуда яхши қилибсиз» деб хотинидан миннатдор ҳам бўлди. Ушанда хаёлига ҳеч нарса келмаган эди. Энди бўлса, бу ҳам расм ёнига қўшилди, дили хиралик баттарлашди. Ўзи кийса бўлмасмиди?.. Наҳот ҳазар қилса?...» Дилидан ўтказди у...

Зарофат мактабга кетди. Зухуржон анчагача Ёдгорни ёнига олиб, расмни китобларни кўрсатиб ўтирди, Унинг қўли варақлар, оғзи гапирарди-ю, хаёли аллақайёқларда эди. Худди биров унга: «Хотининг ўзи ўқитувчи бўлса ҳам, боланга ўғайлигини қиляпти, бил-ипсанми?» деяпти-ю, Зухуржон бунга сира-сиранишонгиси келмасди. «Наҳотки... йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас...»

## V

Эртага байрам дейдиган кечаси Зарофатнинг кўзи ёриди. Алламаҳалгача туғуруқхонада қолиб кетган Зухуржон кўнгли тинчиб уйига қайтганда, Ёдгор пуфа-

ғни каравотга боғлаб, байроқчасини қучоқлаганича, нишиллаб ухлаб ётарди. «Вой, болам, ўзим чиқиб ўтираман, ишқилиб эсон-омон қутулсин, болангдан кўнглинг тўқ бўлсин» деб уйга чиқиб ўтирган қўшнилари Сойибхон хола мудроқ босиб, диванда ёнбошлаб ётарди. Зуҳуржон эшикдан кириши билан ўрнидан туриб, шошиб сўрай кетди:

— Келдингми, болам, қалай тинчликми, ҳаяллаб қолдинг?

— Эри ёнида бўлса, осон туғади дейишади-ку, мен ҳам ёнида далда бериб турдим-да.

— Вой, туғдими?

— Ҳа.

— Ўзим ҳам айтдим-а, пишиб турувди деб, нима туғди?

— Қиз.

— Жуда яхши, тўнғичи қиз бўлса давлат дейдилар, болам, жуда яхши, омон бўлсин... Менам чиқа қолай, уйинг ўзингга буюрсин, болам.

— Шу ерда ёта қолинг-да, хола.

— Йўқ, болам, чиқай, — кампир коридор томон юрган эди, Зуҳуржон унинг қўлига аллақандай қутича тутқизди.

— Бу нимаси, болам?

— Суюнчи, хола, янги меҳмон суюнчиси. — Зуҳуржон кампирни уйига олиб чиқиб қўйди. Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай, Зуҳуржоннинг уйқуси келмади. Форточкадан кираётган баҳор шабадасидан ҳузур қилиб узоқ туриб қолди. Каравотда ётган ўғлининг кийимидан тортиб байроқчасигача ҳали бошланмаган байрамдан дарак бериб турарди. Ўғилчаси эрталаб шошиб қоламан деб, ботинкасини ҳам кийиб ухлаб қолибди. Зуҳуржон диванга ёнбошлаганича ширин хаёллар билан кўзи илинганини билмади.

Эрталаб, ўғлини етаклаб, бир даста гул билан туғуруқхонага борди. Қайтишида байрам шодиёнасига ғарқ кўчадан келар экан, боядан бери индамаётган Ёдгор кўзларини катта очиб дадасининг қўлидан торти.

— Дада, ойим ниндини урмайдиларми?

Зуҳуржон аввалига бепарво кулди, кейин ўйланиб қолди.

— Нега уради, ўғлим?

— Урсалар ўлиб қолади-а, дада, иннакейин қаттан оламиз-а?

— Урмайди, ўғлим, урмайди.

— Кичкина уйга қамаб қўймайдиларми?

Зухуржон нималарни эшитяпти-ю, кимдан эшитяпти? Тўрт яшар ўғли бу гапларни қаердан тошяпти?

— Қайси уйни айтяпсан, Ёдгор? — зўрма-зўраки кулиб сўради у.

— Хув, ош пиширадиган уй-чи, ўшани-де.

— Кимни қамайди?

— Чақалоқниям қамасалар ўли-иб қолмайдами?

Кўчанинг ўртасидан ҳам, йўлакдан ҳам юриб бўлмасди. Сурнайчаларини минг оҳангда чалиб, қулоқни гаранг қилаётган сурнайфурушнинг пайдо бўлиши гапнинг белига тепди. Ёдгор олиб берасан, деб хархаша қилди. Қўлига олди-ю, кучи борича чала кетди. Ундан энди гап олиб бўлармиди? Нарироққа боришганда тартаракнинг овози эшитилди. Ундан ҳам олиб берди. Мороженое еяётганида пуфаги учиб кетиб, бўлди ҳангама, бўлди ҳангама. Қани энди гапга кўндириб бўлса. Аксига юриб яқин орада пуфак сотаётганлар ҳам кўринмасди.

Бир амаллаб Ёдгорни овутди. Бироқ ўзини босолмади. «Урди, қамади...» — бу сўзлар сира тиним бермасди. Охири, ўзига ўзи тасалли бера бошлади. «Она бўлгандан кейин эркалайди ҳам, кези келса, уради ҳам. Эҳтимол, жаҳли чиққанида «қамаб қўяман» деб пўписа қилгандир. Эсли-ҳушли хотин, педагог бўлса...»

Зухуржон уйга келгандагина анча чарчаганини сезди. Ёдгор бўлса кийимларини ечмасданоқ диванда ухлаб қолди. Зухуржон унинг ботинкасини уйқусида ечиб олди. Каравотга ёнбошлаб, ўзи ҳам уйқуга кетди.

Зухуржоннинг цех бошлиғидан бошқарма аппарати-га ўтиши ўзига ҳам ёқмай юрди. У стол ёнида, турли чертёжларни титкилаб, нуқул сводкага ўхшаш ёзишмалар билан ўралашиб ўтиришни ёқтирмасди. Кўп марта илтимос қилди, бўлмади. Зоҳидовдан кўмак кутган эди, «дўстингдан топ» деганларидек, у дабдурустдан: «Ийе, шу бўлимга худди сиздақалар керак-да», деб цехга қайтаришга кўнмади. Шу-шу бўлди-ю, Зухуржоннинг боши командировкадан чиқмай қолди. Ҳар икки-уч ойда бир ҳафта, баъзида икки ҳафтага командировкага жўнарди.

Ёз кунларининг бирида, эртага сафарга жўнайдиган кунни Ёдгор боғчадан келди-ю, олазarak бўлиб ҳовлига қаради, уйларга бирма-бир кириб чиқди.

— Дада, ойм қанилар? — шошиб сўради у.

— Магазинга чиқиб кетди. Нима қиласан?

Ёдгор югуриб келиб, дадасини қучоқлаб олди.

— Дадажон, жо-он дада, ҳозир боғчамизга бориб келасизми?

— Нима қиламан, ўғлим?

— Опам билан гаплашиб беринг, жо-он дада.

— Нимани?

— Кечасиям ётишимни.

— Қаерда?

— Боғчамизда-да. Кўп ўртоқларим шундай қилишадик-ку, келинг, жо-он дада.

— Ўғлим, мен командировкага жўнаяпман, ойнинг Ёлғиз қолса, майлими?

— Ойнинг, ойнинг дейдилар-а, ман... ма-ан... — Ёдгор дудуқланди, кейин хўнграб юборди.

— Нега йиғлаяпсан, ўғлим, менга қара, нима гап, қани, йиғламай гапир-чи?

Зуҳуржон уни бағрига босиб увалло уринди, овутолмади. Юрагига аллақандай ғашлик тушди. У илдам кийиниб, ўғлининг қўлидан етаклаб олди.

— Қани, юр-чи, боғчангга, — деганидагина бола кўз ёшларини артди.

Зуҳуржон ўғлини етаклаб бир оз юргач, уни алдаб гапга солди.

— Уйда ётганинг яхшимасми, ўғлим, ойнингни, укангни соғиниб қолмайсанми?

— Ойим ётқизадиларми, нуқул урадилар, нонам бермайдилару.

— Нима дединг?! — Зуҳуржон титраб кетди.

— Йўқ, айтмайман, жо-он дада, сизам гапирмай-сиз-а, хўпми? Бўлмаса ўлдириб қўядилар, ойм жа-а сўр, гапирмай-сизми, дада?

— Нимани гапирмай?

— Мени қамаб қўйишларини-де, Сойибхон бувим ҳеч кимга айтмайдилар, айтсалар, у кишиниям ўлдираман деган.

— Сойибхон бувим дейсанми?

— Ҳа, анави бир оёғини мана бунақа қилиб юради-ган Сойибхон буви бор-ку, — у оқсоқланиб кўрсатди, —



ўша-да, жа яхши буви-да ўзи. Ман жа яхши кўраман.

Зуҳуржон боғчага етгунча ҳеч нарса сўрамай, ўглини ўз ҳолига қўйиб берди. Ёдгор бора-боргунча шу тахлитда пойма-пой гапириб борди. Зуҳуржоннинг мияси шундай гангиб қолдики, Ёдгорнинг тарбиячиси билан худди маст кишидек сўрашди. Гапирмоқчи бўлган сўзлари қовушмай, оғзидан тушиб кетаётганга ўхшарди.

— Опа-чи, опа, дадам хўп дедилар,— деди бидилаб Ёдгор.

Тарбиячи Ёдгорнинг бошини силади-да, «Бор, сен ўйнайвер» деб уни болалар ёнига юборди.

— Углингизга боғча жуда ёқиб қолган,— тарбиячи воқеадан хабардор бўлса керакки, шундай гап бошлади,— кечасиям қоламан деб жанжал қилгани-қилган. Бўлмаса дадангни олиб кел, деб мен юборувдим.

Зуҳуржон шу гапдан кейингина сал эс-ҳушини йиғиб олди.

— Раҳмат йўқлатганингиз учун,— деди у мамнунлик билан,— агар ўзи хоҳласа, қолдиришнинг иложи бўлса, мен розиман. Бунинг учун нима керак бўлади?

— Ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ, фақат қўшимча ҳақ тўланади, холос.

— Албатта, албатта,— деди шошиб Зуҳуржон,— сиздан мен бир нарсани сўрамоқчи эдим!..— у гапни нимадан бошлашни билмай турганида, тарбиячининг ўзи гапириб қолди:

— Кечирасиз. Сўрамоқчи бўлган нарсангизни мен айтиб беролмайман. Буни фақат бош тарбиячи билади. У киши ҳозир бетоб. Мен бир нарсани айтишим мумкинки, кеча-кундуз ишлайдиган бўлимда бўш жой бўлмаслигига қарамай, ўглингизни қабул қилияпмиз. Бош тарбиячи шундай деб тайинлаган.

— Раҳмат сизга. У киши ҳали-вери ишга чиқмас-а?

— Бир-икки кунда чиқиб қолар, тумов бўлган экан.

Зуҳуржон гапни чўзмай, у билан хайрлашди. Кейин Ёдгорни маҳкам бағрига босганича қўйиб юборолмади. Кўзидан чиққан бир-икки томчи ёшни тескарий қараб зўрға ўғлидан яширолди. Уйга келиб хотинига айтган гапи шу бўлди:

— Боғча жуда ёқиб қолпти. Кеча-кундузгисига ўтказиб келдим.

Зарофатнинг ранги қув ўчиб кетди. Бошиқа пайтда бундай гапларга жудаям бефарқ қарамайдиган Зарофат мум тишлагандай, индамай қолди, полда эмаклаб юрган қизини кўтариб, коридорга чиқди.

Зухуржоннинг бу сафарги командировкаси командировка бўлмади. Уч кун олдин қайтиб келди. Одатдагидек Зарофатга телеграмма ҳам бермади. Уйга келиб қизи билан бирпас ўйнаб ўтирди-да, овқатни кутмай, тўғри боғчага борди. Егоч панжара орасидан дадасини кўрган Ёдгор югуриб келиб, Зухуржонга отилди, юзларидан чўпиллатиб ўпа кетди. Зухуржон ўғлини ерга қўяётганида қараса, шу тўғқиз кунда шундай ўзгариб кетибдики, юзлари йилтиллайди.

— Дада-чи, дада, — деди шошиб битта шоколадни очаркан, — мана бу менинг ўртоғим. Унинг оти ҳам Ёдгор.

Бир чеккада ийманиб турган, бўйи Ёдгордан тикроқ олти яшар бола Зухуржонга қўл узатди. Зухуржон ўғлининг қўлидаги шоколаддан биттасини олиб унга берди.

— Ўғлим, ойингни соғинмадингми? — деб сўради Зухуржон.

— Укамниям соғиндим, энди сиз командировкага бормасангиз уйга борардим.

Шу пайт ровонлик айвондан бош тарбиячи Ҳалима опа кўринди. Зухуржон узоқдан бу аёлни таниганга ўхшади, яқинроқ келиб кўришгандагина эсига тушди.

— Мен сизни болалар клиникасида кўрувдим.

— Тўғри. Ёдгорингизнинг қўли лат еганда борган эдингиз. Қани, марҳамат, ичкарига кирайлик. Сизлар ўйнанглар, болалар.

Улар бош тарбиячининг кабинетига киришди. Ҳалима опа олдин ҳол-аҳвол сўрагач, кейин бутун гапни айтиб берди.

— Умримда ёмон кўрган ишим эр-хотин ўртасига ниво тушириш. Зинҳор бу мақсадда гаплашмоқчи эмасман. Мен ўзим бир эмас, учта етимни тарбияляяпман. Виламан. Сиз босиқ йигитсиз, буни мен орқаворатдан яхши билиб олдим. Ишонаманки, бу гаплардан кейин баъзи эркакларга ўхшаб...

— Йўқ, йўқ, хотиржам бўлинг...

— Ёдгор йиқилибмас, биров қўлидан ушлаб тортган ёки отиб юборганидан қўл суяги лат еган эди...

— А? Отиб юборган?!

— ...Шундай. Ундан кейин нима бўлганини билмайман. Аммо мен шу ерга келганимга икки йил бўлган бўлса, шу даврда бир-икки ҳодисани сезиб қолдим. Сиз борингизда бола тинчроқ. Икки кун бўлмадингизми, бас, боланинг ҳаловати бузилади. Гоҳ қарасам ранги заъфарон бўлиб келади, гоҳ кўзлари ич-ичига тушиб кетган бўлади. Яна шуниси ҳайратда қоларлики, бола бир оғиз гапирмайди. Шу ёшдаги болаларда бунақангисини сира учратмаганман. Гапга солиб олгунча озмунча қийналганим йўқ. Аста-секин ҳаммасини билиб олдим. Бир сафар командировкага кетганингизда ошхонага қамаб, ўзи меҳмонга кетибди. Бола оч қолиб, йиглайвергач, қўшнингиз Сойибхон кампир девор ошиб ҳовлига тушиб, форточкадан нон, қанд узатибди. Хотинингиз ҳомиладорлик пайтида мен уни чақириб гаплашдим. Такрорланадиган бўлса судга берамиз дедим. Ҳеч кимга айтманг, деб ялиниб чиқиб кетди-ю, барибир калтакламаса ҳам ундан баттарроғини қилиб юрибди. Кўпинча оч қўйса керак, боланинг авзойидан шуларни сезаман. Шундай қиладики, ушлаб ҳам ололмайсан, суриштириб билолмайсан ҳам... Мен, яқинликларингиздан хабардор бўлганим учун Роқияхон билан гаплашиб кўрдим. Бечора эшитиб, жуда вазабланди. Илтимоси шу бўлдики, сизга ётиғи билан тушунтиришу, Зарофатнинг ўзини йўлга солиш... Кеча-кундузликка жойлаштириб яхши қилдингиз. Қани энди бу ёғи нима бўларкин. Фақат бу гаплар орамизда қолишини илтимос қиламан.

— Хотиржам бўлинг, Ҳалима опа. Тушунаман.

— Ҳайронман, — деди икки қўлини ёзиб Ҳалима опа, — бизда худди шунга ўхшаган отаси ўғай бир бола бор. Қарангки, унинг исми ҳам Ёдгор. Онасининг қорнидалигида отаси ўлган экан. Мана ҳозир ёши олтидан еттига қараб кетяпти. Икки ёшидан ўғай отанинг тарбиясида. Отаси оддий бир ишчи. Бола шу вақтгача ўғайлигини билмайди. Ўзимнинг дадам дейди. Ҳар куни ўзи олиб келиб, ўзи олиб кетади. Хотини ҳар замонда келади. У яслидагиси билан овора. Уйларида ҳам бўлдим, қизиқдим. Йўқ, йўқ, йўқ, на боланинг етимлигини сезасизу, на отанинг ўғайлигини. Қараб туриб ҳайрон қоламан. Икки Ёдгорнинг бир-биридан фарқини қаранг. Зарофат тушунмаган бўлганда ай-

тардингизки, ҳа, энди, ўқимаган-да, деб. Винойидек ўқитувчи бўлса. Ана, қаранг, ўша боланинг дадаси келди.

Ҳалима опа Зухуржонни дераза ёнига чақирди.

Эшикдан қўпол этикларини гурсиллатиб баланд бўйли киши кириб келди. Қўлида корзинка. Эгнида кўк сатиндан халат. Кирди-ю, скамейкага ўтирди. Боя Зухуржон шоколад берган Ёдгор югуриб келиб, дадасининг бўйнига осилди, соқол босиб кетган юзларидан ўпди. Ота-чи? Уғлининг шимидаги чангни қоқиб, кейин ботинкасининг ипини боғлаб қўйди. Улар етаклашиб дарвозадан чиқиб кетишаркан, Зухуржоннинг ўпкаси тўлиб кетди.

У дарди-дунёси қоронғи бўлиб, боқчадан чиқди. Уйга қайтаркан, «Нима қилсам экан?» деган савол миёсида ҳукмрон эди. «Ҳозироқ Зарофат билан орани очди қилсаммикин? Йўқ. Бунини мен қилолмайман. Иккинчисини етимча қилиш бундан ҳам оғир. Ялиниб кўрайми? Ялинишнинг ўзи нимаси? Эр-хотиннинг бир бирига самимийлиги, ҳурмати ҳар қандай ялинишдан юксак эмасми? Ёки... Йўқ. Аёл кишига қўл кўтариш эркакнинг иши эмас. Ҳақорат қилишга тил бормайди. Ҳовлингдаги гулзорни босиб ўтгинг келадими, ахир? Қанийди, Зарофат шуларни тушунса, Маъсумахондек демайман, лоақал унинг ярмисича тушунса». Бу савол шундай мушкул эдики, назарида, сира жавоб тополмайдигандай.

Магазин ёнидан ўта туриб, йўлакда, мороженое будкаси ёнида ўгай ота билан Ёдгорни кўриб қолди. Бола мороженое ушлаган қўлини чўзиб дадасига Зухуржонни кўрсатди.

— Дада, анави амаки-чи, ўртоғим Ёдгорнинг дадаси, инженер...

Зухуржон билмасликка олиб ўтиб кетди. Эшигига яқинлашганда папирос тутатиб, ўзини босишга ҳаракат қилди.

Зарофат ошхонада эди. Уйда қизи Латофат йиғларди. Зухуржон болани қўлига олди, дастрўмолчаси билан оғзи, бурнини артиб, ойнага қаратди.

— Ана, оппоқ қиз, яхши қиз бўлди.

— Кўнглингиз жойига тушдими, — деди Зарофат орқасидан келиб.

Зухуржон ўзини зўрға гапдан тўхтатиб қолди. Жавоб бермай қизчаси билан ўйнай берди.

— Эс-ҳушингизни ўша Ёдгор оларди, энди тилингизни ҳам олдимиз?

— Зарофат! Гапирма! — Зухуржон хотинини биринчи марта сансираши эди. У чўчиб тушган қизчасини бағрига босиб, нариги хонага кирди.

— Гапирма-я, — Зарофат шундай деди-да, хонанинг эшигини очди, — нега гапирмас эканман, ердан чиқибманми мен, қани, айтинг-чи?

— Бўлди деяпман... Қилғиликни қилиб қўйиб, тагин баланд келасиз-а!

— Нима, нима? Қанақа қилғилик? Ғарлик, ўғирлик қипманми, қани айтинг-чи? Ўша Ҳалима чақмачақар гапиргандир-да. Ўзим ҳам айтувдим-а, қовоғингиздан қор ёғяпти деб. Шум етимчани катта қилиб, кўрган куним шу бўлдимиз? Бола эмас, бало бўлди у. Туғилиши билан онасининг бошини еган бола, энди менинг бошимга етмоқчимиз?

— Бас, қўшнилар эшитади. Бола чўчияпти.

— Эшитсин. Билиб қўйсин, қўшнилар ҳам. Тирноқдек етимча деб не-не азобларни тортяпман.

Хотинининг хулқига тушуниб қолган Зухуржон бундай пайтларда тишини тишига қўйиб туришдан бошқасини билмасди.

— Ҳой, десанг, қарғади дейишса, пўписа қилсанг, калтакладига чиқаришса, умримнинг эгови бўлди-ку бу етимча. Рокия мактабимга хабар қилармиш. Ана, жонажон опангиздан келгани. Айтаверсин, қўрқармидим, қўлидан келса қўйдириб юборади-да, нима қиларди!

Зухуржон қўлида ухлаб қолган болани каравотига ётқизиб, иш кабинетига кирди, эшикни бекитиб олди. Шундай пайтларда ўқиш учун эмас, бирон ерига тикилиб, хаёл суриш учунгина қўлга китоб ё журнал олинади. Зухуржон ҳам шундай қилиб ўтирибди. Анчагача гоҳ нариги хонадан, гоҳ ҳовлидан хотинининг ўзича жавраётгани эшитилиб турарди.

\* \* \*

Ҳикояни шу ерга келтириб қўйдиму, бошқа иш чиқиб, давом эттиролмадим. Орадан икки ой ўтди. Шу орада Зухуржонни учратиб қолдим. Ўғлини етаклаб, қизини кўтариб келаётган экан. Иқрор бўлайки, қўр-

қиб кетдим. Наҳот ажралишган бўлса? Шошиб Зарофатни сўровдим: «Раҳмат, саломат юрибди!» деб кулди-да, қўшиб қўйди:

— Яна бир ўғил кўрдик.

Шу топда ўғил кўрганидан ҳам тинчлигига севиндим. Янги меҳмон билан табрикладим. Бўлиб ўтган ҳангамалар ҳақида эшитишни истасам ҳам, бу тўғрида ҳозир гап очишни сира ўйламовдим. Ўзи гапириб қолди.

— Аҳволимиз ҳали ҳам эскича. Янгилиги шуки, Зарофат Рокия опани қаттиқ беҳурмат қилди. Юз кўрмас бўлишди. Ўзим командировкага жўнайдиган бўлсам, Ёдгор ҳам жўнайти.

— Ий-е, бирга-я?

— Йўқ. Биз хизмат командировкасига, Ёдгорвой кеча-кундуз ишлайдиган боғчага. Билмадим, мактабга борадиган бўлганида нима қиларкинман? Ўзим етим ўсиб, ота-онасизликнинг нималигини яхши тушуниб олувдим. Аммо бунақанги ўғайлар бўлишини билмас эканман. Қаранг-а?

Хайрлашдик. Кечқурун Абдуқаҳҳор аканинг уйига бордим.

— Зухуржонга қойилман. Шунчаям сабр-тоқатли бўладими, киши десам, — Абдуқаҳҳор ака оғир уҳ тортиб олди:

— Шу сабр-тоқат ҳам етмасмикин деб қўрқаман-да.

Ўйланиб қолдим. Ҳикояни давом эттириш керакми-кан?

*Февраль, 1957 йил*

Кечга томон ҳаводаги булутлар қуюқлашиб, юз-қўлларни чимчиб оладиган қорасовуқ турди. Эрталабки қуёшга ишониб, енгилроқ кийинган ва ҳали пайкалда пахта тераётганлар совуққа бардош беролмай, шийпонга чиқишди. Қўққисдан тушган бу совуқ кишиларни шошириб қўйди, боя қуёшда кузги ҳуснини намоён қилаётган дала ҳам жунжиди, яккам-дуккам сариқ барглари шитирлаб турган яланғоч дарахтларнинг шохларига титроқ кирди.

Бусиз ҳам куни бўйи кўнгли ғаш, дарди-дунёси қоронғи бўлиб юрган Фароғат беихтиёр нимчасининг тугмаларини солди-да, ҳавога қаради, кейин пайкалдан чиқиб кетаётган йигит-қизларга кўзи тушди, бир қиз узоқдан қўл силтаб бир нарса деди, аммо шамол унинг сўзларини бошқа томонга олиб қочди. Фароғат нималигига тушуна олмади, ҳозирги ҳолатида тушунишни истамасди ҳам. Тирсагидан пастгача шимарилган билагига ва юзларига тикандек совуқ урилари-ю, бутун вужуди бамисоли олов бўлиб ёнарди. Истар-истамас чаноқларга қўл узатди, ҳар палласининг учи найзадек тегаётган чаноқ қобиғи ўжарлик қилиб, қисиб олган бир-икки чигит пахтани қўйиб юбормасди. Фароғат «сенам бормидинг кўнгилини хира қилмаган» дегандек, қошларини чимириб осмонга яна бир қаради-да, пайкалдан чиқди, тарозибон ёнига бориб, этагини тўқди-ю, индамай кетаверди. Икки қадам юрмаган ҳам одики, шу ерда турганлардан кимнингдир, «тоби қочиб турибдими дейман, авзойи бузуқ», деганини эшитди, қадамини тезлатди.

— Фароғат-ў,— чақирди тарозибон.

Фароғат ўгирилди, «ёзиб қўяверинг» деб қўли билан имо қилди-да, ўзидан катта одамга узоқдан туриб шундай жавоб қилгани одобдан эмаслигини ҳам унутиб, йўлида давом этди. Тарозибон бошқа гап айтмади, ёнида турган йигитга, «Айтганингиз ростга ўхшайди, бўлмаса граммигача ҳисоб-китоб қилиб кетарди», деб қўйди.

Уфқ қорая бошлаган эди. Фароғат шийпонда чироқ ёқилгани, у ерда беш-олти киши борлигини кўрди-ю, қайрилмай тўғри уйга қараб йўл олди.

Катта ҳовлининг чап томонидаги ўчоқда ёнаётган оловни шамол таг-туғи билан кўчириб кетадигандек ловиллатарди. Фароғат эшикдан кириши билан ўчоқ бошида ивирсиб юрган онаси югуриб қизининг ёнига келди. Қўлини нари-бери этагига артиб, Фароғатни бағрига босди.

— Баракалла, қизим,— дея юзларидан ўпа бошлади. Онасининг бундай одатини билмаган Фароғат ҳайрон эди, кетма-кет. «Сизга нима бўлди, ойи, тинчликми?» дерди.

— Нима бўлди эмиш?! Қизим элга берган ваъдасининг устидан чиқади, ҳамманинг тилига тушади-ю, мен севинмай ким севинсин. Ун икки минг кило деб сўз олганингда юрагим орқасига тортиб кетувди. Эпла-са тузук, эплотмай, қиз нарса кўп оғзида гап бўлиб кетса-я, деб кечалари уйқум ўчиб кетарди-ю, билдирмасдим...

— Ўзингизни босинг, сйи, шунча терган бир менми, оширганлар ҳам бор-ку...

— Бор бўлса бордиру, ҳазилакам иш эмас-да ўзи. Ҳозиргина радиода ҳам гапирди. Ваъдасига вафо қилган аллақандай паҳлавонми-ей, қаҳрамонми-ей, девди, оғзим очилиб, ағрайиб қолдим.

Радио сўзини эшитган Фароғатнинг хаёли қочди. Секин айвон томонга ўтди, уйнинг ҳовлига очиқ деразасида турган репродуктор ёнига борди, эшиттирилаётган концерт унга ёқмади шекилли, ўчирди. Қизининг ҳолатини сезмаган она ўзидан-ўзи қувониб қозон тепасида ўралашарди.

— Радиода эшиттирган бўлса, у ҳам эшитгандир,— деди ўзича Фароғат обдастадан қуйган суви ҳовучида қолиб,— эшитган бўлса...— ҳовучидаги сув тамом бўл-



ди ҳамки, икки кўзи гулзор ўртасидаги қовжираб қолган, шамолда силкинаётган ошрайҳон танасига тикилган эди. Юзи, пешанаси ва чакка сочларидаги сувнинг совуқлиги сезилмаганда, шу зайлда яна қанча ўтириб қоларди, билиш қийин. Уйга кириб артинди, уй кўйлагини кияр экан, кўксидаги тўрт буклоқлик қозони олди, чироқ яқинига бориб очди, суратга тикилди. Кўюқ бароқ қош тагидан тик қараб турган чарос кўзлари қизни сеҳрлаб қўйгандай, уни ўзига тортди. Ҳамма нарса унутилди, сўнгги кунлардаги, айниқса бугунги кўнгил хиралиги ҳам эсдан чиқди, гўё бу кўзлар унга «сира кўнглингизни бузманг, Фароғатхон, туну кун хаёлим сизда» деяётгандай бўлди. Фароғат онасининг шарпасини эшитиб, суратни яширди, ойнага қараб, сочларини тўғрилай бошлади. Барибир, уни юпатган ширин хаёл узоққа чўзилмади, тушдай ўтиб кетди. Ҳа, фақат ҳозир эмас, кейинги кунларда суратга қар тикилганида шундай бўларди-ю, тагин бояги аслига, минг хил хаёлларга, бир-биридан чигал, бири-биридан хунун хаёлларга ғарқ бўлар, баъзида кўз ёши ҳам қилиб оларди. Юлдуз санаб чиққан кечаларини-ку саногини йўқотди. Ана шундай бедор тунларда ўзи гапириб, ўзи жавоб берар, койинарди. «Бир нарса бўлдимми ўзи менга. Биров эшитса-я. Ҳамма қизлар ҳам шундай бўлармикин, ҳеч қайсисидан эшитмасдим-ку. Йўқ. Ҳеч ким мендай бўлмайди. Агар уларнинг ҳам шунақа Аъзамжон акаси бўлса-ку, мендан ҳам баттар ўйларди-я, йўқ-да, бўлганда ҳам ҳеч-ҳеч Аъзамжон акамга ўхшамайди, ўхшаб бўпти ҳам...» Ўзи билан ўзи олишар, охирида ҳаммасини бир чеккага қўйиб, ўша биринчи кун, шийпон ёқасидаги учрашувдан тортиб ҳозиргисигача бирма-бир кўз олдига келтирар, ҳеч нарсани тушириб қолдирмасликка уринар, агар орасида бир оғиз сўз тушиб қолса, қайта хотирлар ва ниҳоят, ширин хаёллар оғушида кўзи уйқуга кетарди.

Бунга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шийпон ёнига иккита трактор келиб тўхтади. Бригада аъзолари гур этиб унга пешвоз чиқишди. Биров тракторчиларга «хуш келибсизлар» деди, бири «марҳамат», яна кимдир «машинага қараб қолдик-ку» деган эди, иккинчи трактордан тушган ўрта бўйли, қорачадан келган, бароқ қош, чарос кўзли йигит Фароғатга шундай тикилдими,

қизнинг кўзлари бардош беролмади. У бошини қуйи солди, шунда йигитнинг «машинага қараб қолипсизлару, эгасини унутибсизлар-да» деганини эшитиб қолди. Бу гапга у ҳозир унча аҳамият бермади, ўзи билан ўзи сервер бўлиб қолганди. Аъзойи баданида қандайдир тотли титроқ сезд, юраги тез-тез ура бошлади, одамлар орасидан зўрға чиқиб кетди. Сузиб келтирилган овқатни ҳам, рўмолчадаги нонини ҳам қолдириб, пайкалга кириб кетди. Шу куни кечгача қандай ишлаганини ҳам билмади. Кўнгли тезроқ уйга кетишни ёхуд қир томонга бориб, якка ўтиришни истарди. Уртоқларининг гапига қулоқ солгиси келмас, фақат тинчлик, холидикни кўмсарди. Шу куни кечқурун онасига ҳаётида биринчи марта ёлгон гапирди, бошим оғриб турибди, деб овқат ҳам емай, барвақт ётиб олди. Тонг саҳаргача уйқуси келмади. Нима бўлаётганига тушуна олмасди. Уйламай деса ўй голиб чиқар, қулоқлари остида тракторчининг сўзлари «бизни унутасизми» деган маънода жарангларди.

Фароғат бир неча кунгача шу алфозда юрди. Тракторчи бошқа участкада бўлгани учун уни кўролмасди. Аммо кун ўтган сайин қаердан трактор овози келса беихтиёр ўша томонга қулоқ солиб, хаёли қочарди, тракторчи деган номни радиода эшитадими, газетада ўқийдими, кишилар оғзидан қулоғига чалинадими, ҳар сафар бир хил бўлиб кетар, ранглари ўзгарар, бу ҳолатини биров кузатаётгандай ён-верига қараб қўярди...

Орадан икки ҳафта ўтди. Бир куни кечқурун Фароғат қишлоқ магазинидан олган нарсаларини кўтариб кетаётганида, худди канал ёқасида, кимдир орқадан келиб, нарсалари кўплигидан оғзи очиқ қолган сумкасини олди. Ялт этиб қараса... ўша, ўша бароқ қош, олов кўз йигит. Фароғат қўрқиб кетди, дод деб юборишига сал қолди. Дағ-дағ титрар, тилига гап келмас, сумка ҳам, чап қўлидаги коробка ҳам йигит қўлига ўтган, у ерга қараганича турарди. Аъзамжон бўлса зўр бериб: «Кечирасиз, халақит... кетишим мумкин... фақат...» га ўхшаш гапларни такрорларди. Фароғат ўзига келолмай, юришини ҳам, туришини ҳам билмасди. Охири алланималар деб, икки қадам олдинда йўл бошлаган Аъзамдан орқароқда борди. Бора-боргунча тилига гап келмади. Кўчасининг оғзидагина зўрға «раҳмат» деб, сумкани йигитнинг қўлидан олди.

Шундан кейинги учрашувлар... саноғи йўқ. Аммо ҳар галгиси бири биридан оловли, бири биридан ширинки... Мана, ҳозир Аъзамжоннинг сурати ҳам Фароғатнинг юрагига ўт ёқаётибди. Нега энди у хафа? Бутун гап шунда. Бу йил Аъзамжон нариги, янги ер участкасида машинада пахта теряпти. Ораси анча йўл. Мана бугун роса уч ҳафтадирки, Аъзамжонни кўргани йўқ. Икки ҳафтасини бир амаллаб, суратига тикилиб, эски хатларни қайта-қайта ўқиб ўтказди. Аммо кейинги кунларда жуда-жуда соғинди. Шундай соғиндики, эрка деса йиғлаб юборгудай, — яширишнинг нима ҳожати бор, кимнинг бошидан ўтмаган бу савдолар, — Аъзам деган номни эшитса, юраги орзиқиб тушадиган бўлиб қолди. Назарида бутун борлиқ — меҳнат ҳам, роҳат ҳам, бахт-саодат — ҳаммаси фақат шу, Аъзамжон. Усиз ўз ҳаётини тасаввур қилолмасди. Мана энди уч ҳафтадан бери кўролмагани, ундан хабар ололмаганидан дарди-дунёси қоронғи. Бунинг устига звенодаги қизларнинг гоҳ ҳазил, гоҳ шама қилиб айтганлари жон-жонидан ўтиб кетарди. «Янги ерда янги ёр топишти» деса бири, «ўзи енгил йигит» дейди иккинчиси. Айниқса бугун, тушлик пайтида ёмон бўлди. Фароғат ўн икки тонна пахта териш мажбуриятини шу бугун эрталабоқ бажарди. Тушлик вақтида уни ҳамма табриклади, раиснинг ўзи қўлини қисиб, катта мукофот ваъда қилди. Шунда, қувончи ичга сиғмай турганида бетгачопар қизлардан бири: «Аъзамжон бўлганида табриклар қўярмиди» деб пичинг қилувди, Фароғатни совуқ тер босгандай бўлди. Хурсандчилиги ичига тушиб, юраги сиқила бошлади. Уйга қайтар чоғида, «наҳотки...» деб кўнглидан ўтказгани, кўзига ёш олганининг боиси шу. Нима қилсин? Таваккал қилиб борай деса номус кучли, гап бўлади деб чўчийди. Бормай деса... ўзи у кичкина болами, бир баҳона топиб тушиб кетса нима бўпти.

Фароғат ўз хаёллари билан бўлиб, ташқарида бўралаб қор ёға бошлаганини ҳам пайқамасди. Овқат кўтариб кирган онасининг юзлари совуқдан кўкарган эди.

— Ҳаво ёмон айниду-ку, бу нимаси эди...

Фароғат югуриб даҳлизга чиқди, бўралаб ёғаётган қор, оппоқ пахтазорни кўз олдига келтирди. Гўё унда ўз машинаси устида совуққа қотиб Аъзам тургандай.

— Ёмон бўлди, ойи, ҳали озмунча пахта бормиди далада, — онасига шундай деди-ю, дилида «Аъзамжон акам қаердайкин» деган саволни ўтказди.

— Эшик тақилладими, Фароғат?

— Туш кўряпсизми, шамол-ку.

Тақиллагани рост эди. Устига резинка плаш кийган почтальон кириб келди.

— Сайдалиеванинг ҳовлиси шуми?

— Ҳа, нима, хат борми? — Фароғат кўйлакчан ҳовлиқиб айвонга чиқди. Хатни олиб уйга кирди. «Аъзамжондан келган, шу маҳалда олиб келганини қаранг-а».

Хат Аъзамдан эмас эди. Фароғат шошиб хатни очаркан, кўзларига ишонмай қолди.

«Ҳурматли ўртоқ Фароғат Сайдалиева! Ҳимматингизга раҳмат... Ҳаво ёмон келди. Мўл ҳосил ерда қолиб кетмасин. Ватан сиздан ғайратга ғайрат қўшиб, ҳосилни тезроқ териб олишда меҳнат қаҳрамонлиги намунасини кўрсатарсиз, деб умид қилади...»

Фароғатнинг кўзлари катта очилиб кетди. Унинг бу ҳолатига онаси ҳайрон эди.

— Нима гап, қаердан?

— Ўзбекистон партия Марказий Комитетидан.

— А?!

— Ойи, буни қаранг, мени Марказий Комитетдагилар ҳам билишаркан-а. Менга, худди ўзимга ёзишти, қаранг. «Ҳурматли ўртоқ Фароғат...»

Қизнинг бутун вужудини ҳаяжон босди. Хатни қайта-қайта ўқир, деразага, гупиллаб ёғаетган қорга тикилар, шу пайт у кенг пахтазорни, қор босган далаларни кўрди. Йўқ, ундан ҳам узоқни — Фарғонани, Тошкентни, Москвани кўрди, пахта тойлари ортилган эшелонларни, минг-минглаб дастгоҳларни, тўқувчи-тикувчиларни кўрди. Бутун мамлакатни кўрди. Шу дақиқада ақлан ўсган, фикрлари ўткирлашган, ҳозиргина кўз ўнгида намоён бўлган мамлакат топширигини бажаришдек олий бу шарафли бурчни адо этишга отланган ватанпарвардек турарди. Яна хатни ўқиди. «Ростми ўзи. Мен комсомол бўлсам, Мирзачўлнинг чекка бир қишлоғида турсам, Марказий Комитетдагилар мени қаёқдан билишдийкин? Янглиш эмасмикин? Йўқ, тўппа-тўғри. Партия топширяпти-я, Ватан буюряпти-я. Мен ўзим кимман? Аъзамжон акам эшитсайди...»

Шу дақиқа «Ватан» деган сўзнинг нақадар улуғ ва қудратли эканини, унинг бутун салобатини кўз олдига келтирган Фароғат, ўзи ҳам катта масъулият олдида тургандек салобат касб этди. Она хатнинг мазмунидан, қизининг шунчалик ҳурматга мушарраф бўлишидан севиниб, кўзига ёш олди.

— Танинг соғ бўлсин, қизим, пахта ерда қолса юртга зарар-да, ахир.

Тун ярмидан оққанда қор тўхтаб, кўкни юлдузлар қоплади, совуқ авжига минди.

Кумуш тонг билан бирга уйғонган Фароғат калта пахталигини кийиб, далага чиқиб кетди. Кўчалар, пахтазорни қоплаган қор қизнинг этиклари тагида ғирчиллаб, унга йўл очарди. Пахтазор қизнинг қайноқ нафасидан исиб кетгандай, қалбининг ҳароратидан қайта яшнагандай эди. Ҳа, худди шундай эди. Фароғат қадам ташлар, совуқ шахтидан қайтиб, қорлар эрирди.

Тунов куни «тоби қочипти» деб гумон қилган тарозибон, беш кунлик яқунида Фароғатнинг ҳисобига ярим тоннадан ошиқ пахта ёзилганини айтди. Худди шу кун колхозга марказдан вакиллар келган эди. Улар пахтазорни ҳам айланишди. Йўл ёқасига келиб тўхтаган машинадан тушган кишиларни Фароғат пайқамай қолди. Улардан бири худди эски танишдек, «ҳорманг, Фароғатхон» деб унинг ёнига келди. Фароғат сўрашиб бўлгач, қизларга хос мулоимлик билан бошини сал эгиб ёнига ўгирилди. Шунда йигит:

— Кечирасиз, сиз Марказий Комитет хатидан хабардормисиз? — деб сўради.

— Ҳа, олдим, — деди Фароғат мулоим гапириб.

— Жуда яхши, ўқиб чиққандирсиз?

Фароғат тескари ўгирилиб, кўксидан буклоғлиқ қороз чиқариб берди.

Йигит хатни олиб очди-ю, пиқ этиб кулиб юборди. Ёнидагилар яқинроқ келиб кўришди. Хат эмас, расм эди. Улардан бири бехосдан, «И-е, бояги механик-ку, Аъзаммиди?» деб юборди.

Фароғат қизариб кетди, уларга ўгирила олмади, уялганиданми, ё Аъзамнинг номини эшитганиданми, титроқ босди. Фароғат қўлини шошиб кўксига олиб бориб, хатни чиқарди, шу аҳволда турганича бояги кишига узатган эди, шу қўл унга расмни қайтариб берди.

Меҳмонлар Марказий Комитетнинг бу хатини саккиз  
буклоқ ҳолида кўксидан сақлаган қизга бир-бир қараб  
қўйишди, бир-бирларига сўзсиз, аммо маънодор тики-  
либ қолишди. Улар хижолатдан қутқариш учун хатни  
қизга қайтариб, хайрлашишди. Машина томон юришди.

— Чин муҳаббат, — деди улардан бири.

— Ҳа, ёр ишқи, Ватан севгиси бу.

*Ноябрь, 1958 йил*

Биринчи смена тугаши ҳамоно ҳамма фабрика ёнидаги гулзорга тўпланди. Зарбдорлар гулзори деб ном олган бу жой илгарилари ҳозиргисидай кенг, режали қилиб ҳар хил гуллар экилган, атрофига скамейкалар қўйилган сайилгоҳ эмасди. Бир-икки туп гулу, атрофига бута ўтқазилган кўримсизгина жой эди. Тўқув фабрикасининг коммунистик меҳнат бригадалари бу ерни гулзор қилиш, тўқувчиларнинг дам оладиган жойига айлантиришга аҳд қилишди. Мана бир йилдирки, ёзда гулзор сайилгоҳ, қишда гуллар тувакларга ўтқазилиб, цехларга олиб кирилади. Утган йили илғор тўқувчилардан уч кишига коммунистик меҳнат зарбдори номи берилишига бағишланган йиғилиш шу гулзорда ўтказилганда, атоқли тўқувчи Ҳурриятхон гулзорни зарбдорлар барпо этишди, шунинг учун зарбдорлар гулзори деса ҳам бўлади, дегани ҳаммага ёқиб тушганди. Шу-шу зарбдорлар гулзори бўлиб кетди. Баъзилар ҳатто «эркатойлар гулзори, гул узаман десаңг, ўшалардай меҳнат қилишинг керак» деб ҳазил қилишади.

Ҳозир ҳам бу ерга тўпланганлар янги зарбдорларни табриклашга келишган. Бугун уч дугона — ўрта мактабни бирга битириб, тўқувчилар тайёрлаш курсига бирга кирган, ўтган йили курсни тугаллаб, фабрикага мустақил ишлашга кўчган уч қиз — Шахло, Холида, Заҳираларни табриклагани, уларга қизил шойи дуррачалар танфигани йиғилишди.

Цех бошлиғи Карим Назиров учала тўқувчининг

меҳнат кўрсаткичларини батафсил гапириб, учалови ҳам сиртдан ўқиётгани, биттадан шогирд тайёрлаётганини сўзлади. Кейин фабрикадаги одат бўйича атоқли тўқувчилар коммунистик меҳнат зарбдорларига қизил шойи дуррачалар танғишди. Шунда Назиров Шаҳлонинг ёнига ўзи келди.

— Табриклайман. Қани... Танғишни билармиканман.

Бунга разм солиб турган қизлар ҳайрон қолишди. Шўх, қувноқ, ҳозиржавоб Шаҳлонинг юзлари дуррачадай қизариб кетди, мум тишлаб қолди, Назировга қаролмади ҳам. У бир қадам нари кетгандан кейингина бошидаги дуррачани дурустроқ танғиб олди. Дугоналари сингари раҳмат дейишга ҳам тили бормади. Индамай тураверди.

— Қаранг... вой... жуда қаттиқ севар экан-а. Мен бунчалигини билмасдим,— деб қўйди Зуҳра ёнидаги жувонга.— Билармикин шуни Назиров?

— Билмайди, дейсизми, ўртоқжон... Наҳот...

— Қаранг, роппа-роса бир йил бўлибди шунга. Курсни битириб, ишга ўтаётган кунимиз ёрилганди Шаҳло. Шунда мен уни енгилликда айблаб койиб берган эдим. Билмаган эдим-да. Энди қарасам... Бу орада Холида турмушга чиқди, мен болалик бўлдим, эрта-индин Заҳира турмушга чиқади... У бўлса... бир йилдан бери...

...Тўқувчилар тайёрлайдиган курсни кеча тамомлаган қиз-жувонлар кичик залга тўпланишган. Ҳаммаси ҳаяжонда. Улар бугун биринчи марта мустақил ишга ўтишади. Қизлар қайси бригадага тушажақлари ҳақида ўзаро баҳслашмоқда. Хипчадан келган, шўх қиз Шаҳло кичик-кичик қоғозларга илғор тўқувчиларнинг фамилияларини ёзиб икки қўлида яширади, фол очмоқчи бўлади.

— Қани, Заҳира, бахтингни синаб кўр-чи, кимга тушаркансан?

Заҳира қоғозни олиб, очади. Бошқалар уни ўраб олади.

— Усмонова.

— Тузук. Усмонова, биласанми, нечта дастгоҳда шплайди? Ушандоқ бўлсанг, жон дерсан-а.

— Қани, бунисини ким олади?



— Мен олай,— ҳомиладор, юзларига доғ тушган жувон Зухра олади.

— Хайриддинов.

— Оҳо, толейинг бор экан, ўртоқжон. Биласанми ким, поммастер шу участкада?

— Ким, Шахло?

— Ҳув бароқ қош, қорачадан келган йигит-чи, ўша. Ўзиям жуда келишган-да. Эҳтиёт бўл, тагин унга эсинг оғиб, эрингни унутиб юборма... Рашк қиладими эринг ўзи...— у чўнтагидан шоколад олиб, оғзига солади, хандон отиб кулади, шоколаддан озроғини ушатиб узатади,— ма, ўртоқжон, тагин қорнингдаги чиноқ бўлиб қолмасин, балойингга қоламан-а.

Ҳамма кулади.

— Сенга нуқул шунақа гап бўлса, қачон ақл киради?

— Қачон дейсанми? Ҳа, ҳа, ҳа, қани энди мен ўша поммастерга тушсам, ўзим билардим-а,— ўйинга тушади Шахло,— тўқиб юборардим-а.

— Читга қўшиб тўқиб юборармидинг?

— Читга?! Чит тугул атласингни ҳам бунақанги йигитларнинг оёғи тагига поёндоз қилсанг кам... Жингалак сочларини мана шу сочларимга, қалбимга қўшиб тўқирдим, нима деясан ҳали...

— Роса юрагингдан урганга ўхшайди?

— Нима, арзимаптими? Киройи ёринг бўлса, шунақа бўлса, юрса кўчалар тўлса, ганиминг куйиб ўлса...

— Жуда ошириб юбординг, Шахло, нимаси яхши... Битта ўша бароқ қошими?

— Менинг кўзим билан қара, ўртоқжон... Оламни кезиб чиқсанг ҳам унақа йигитни тополмайсан.

— Нима бало, чиндан ҳам андаргоқча ўхшайди-ку.

— Рост, бир балоси бор, рангини қара, қув ўчиб кетди.

Бир чеккада ўтирган Холиданинг хаёли қочади, кўксига қўлини юбориб, кўкрак бурма кўйлагининг тагидан кичик расмни чиқаради, унга тикилади. Узоқ тикилади. Зухра буни сезиб қолади.

— Қани, бир кўрай.

Холида уялиб, расмни кўрсатади.

— Шу ердами, ё...

— Ленинградда.

- Уқийдиларми?
- Ҳа.
- Биладан, ўртоқжон, бошимдан ўтган.
- Сиз ҳам?..
- Ҳа, Армия хизматида эдилар. Сизга ўхшаб, кўксимда олиб юрардим суратларини... Ҳўл бўлиб кетарди... Келиб турадиларми?
- Каникулга келувдилар. Олти ой бўлди.
- Буюрсин, омон бўлсинлар, ўртоқжон... Кўришганингизда ҳаммаси унут бўлиб кетади... Бирга ўқиган мисизлар?
- Бир мактабда ўқирдик. Мен бетоб бўлиб икки йил ўқишдан қолиб кетдим, бу йил битирдим.
- Ўшандан бери гаплашасизларми?
- Йў-ўқ, таниш эдигу... Утган йилдан буён гаплашамиз... Фақат қўрқаман-да, Зухраҳон...
- Вой, нимадан?
- Нимаданлигига ўзим ҳам тушунолмайман. Худди...
- Худди... биров айнитиб қўяётганга ўхшайдими? Ҳа, ҳа, ҳа. Шунақа бўлади ўзи, доим қўрқувда бўлади киши...
- Бунинг устига... У киши инженер бўлиб қайтади... мен...
- Нима бўпти сизга... Вой, ҳали мен сиртдан ўқи-моқчиман. Ўзлари шундай дедилар. Эсон-омон қутулсам, боламни ойим ўзим боқаман, дейдилар. Албатта ўқийман.
- Ойингиз шундай дейдиларми?
- Ўзимнимас, қайнанам шундай дейдилар. Бирам болажонки ўзлари. Ўзим олиб бориб эмиздириб келаман, хотирингиз жам бўлсин дейдилар.
- Қайнанагиз-а?
- Ҳа.
- Холида гапирмайди, хаёл суради. Шахло уларга яқинлашади.
- Ҳа, ниманинг ташвишини қиялпсизлар? Биладан, Холидахон, сизни ўша коммунистик меҳнат бригадасига қўйишади. Аълочиларни ўша бригадага беришармиш.
- Берса арзийди, сенинг ишинг нима? Мунча мош-хўрдага қатиқ бўлавердинг, — дейди Зухра, — бароқ қошингни мақтасанг-чи.

— Ийе, ҳа, фироғинг кимга, ҳазил ҳам қилиб бўлмайдим, ё арпангизни хом ўриб қўйдикми... ана... гапирмаганимиз бўлсин.

— Қўйинглар, нима кераги бор... Шаҳлохон, сизам ўйлаб гапиринг-да. Елмай-югурмай мени коммунистик меҳнат бригадасига қўйишармиди... Осонми унда...

Курс бошлиғи кириб келиши билан кимдир овози борича бақиради:

— Жим, қизлар, ўтиринглар.

Курс бошлиғи қўлидаги папкани столга қўйиб, қизлар билан саломлашади.

— Мана бугундан бошлаб сизлар курсантлар эмас, тўқувчиларсиз...

Қизлар орасида хурсандлик, шивир-шивир бошланади.

— Курс маъмурияти номидан сизларни табриклашга рухсат этгайсизлар...

Қизлар қарсақ чалиб юборишади.

— ...Ҳозир ҳаммамиз комбинатга борамиз. Фабрикада бизларни кутиб туришибди...

Ола-ғовур, шовқин-сурон орасидан қизларнинг бири олиб, бири қўйган гаплари эшитилади.

— Бугундан бошлаб ишга тушамизми?

— Қайси сменада ишлаймиз?

— Пропускани кимдан оламиз?

— Ҳаммамиз бир фабрикадами?

Қиз-жувонлар тўдаси шовқин-сурон билан бинодан чиқишади.

Комбинат ҳовлиси. Дарахтзорлар, гулзорлар кесиб ўтган асфальт йўлларда қиз-жувонлар гурунглашиб бормоқда. Атроф-теваракдан уларга ҳавас, ғурур билан тикилишади. Танишлар узоқдан қўл силкиб, саломлашишади. Фабрикаларнинг ҳашаматли бинолари ортда қолади. Ҳамма қизларга йўл бўшатади.

— Қара, худди боққа ўхшайди-я,— дейди Шахло.

— Рост. Биринчи кирганимда мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Кечагина эди-я. Олти ой қандай қилиб ўтиб кетганини билмабмиз-а,— дейди Зухра.

— Вуй, юрагим уриб кетяпти,— Шахло шундай деб икки қўлини кўксига босади.

— Бароқ қошингни кўрасан-да, ўшанга,— дейди қизлардан бири уни туртиб,— киришинг билан олдинг-

га югуриб келиб, «келинг, соғинтириб қўйдингиз-ку, Шахлохон» деб икки букилиб салом берса-я.

— Тилинга новвот, ўртоқжон,— уни қучоқлаб олади Шахло, ўпади.— Йў-ўқ, унақа йигитларданмас, серьёзний, биласанми. Узим ҳам ўшанақа ҳуда-беҳудага таъзим қилаберадиган юмшоқ йигитларни ёқтирмайман... Рост.

Тўқув фабрикаси. Қаторасига кетган дастгоҳлар. Курс бошлиғи бошчилигида қизлар ичкарига кириб боришади. Дастгоҳлар шовқинида гап эшитиб бўлмайди. Фабрика бош инженери уларни кутиб олади. У поммастер ва бир илғор тўқувчини чақиради.

— Марҳамат. Қани, ўртоқ Назиров, Хурриятхон, сиз ҳам бу ёққа келинг.

Шахло ўша бароқ қош поммастер Назировга зимдан тикилади. Буни фақат Зухра сезади-ю, ёнида турган Холидани туртади.

Қизлар ўзлари биркитилган дастгоҳлар ёнидан ўтиб бораётган курс бошлиғини қўл силкиб кузатиб қолишди.

— Қизларини узатиб, хотиржам бўлган отага ўхшайдилар-а,— дейди қизлардан бири кулиб.

Шахло ҳамон Назировдан кўз узмай анграйиб тураркан, Хурриятхон унга яқинлашади.

— Эҳтиёт бўлинг, ўраб кетади,— дейди дастгоҳни кўрсатиб...

— Шунда менинг жаҳлим чиқиб, ўзимча Шахлони койиган эдим: шунчаям енгил бўладими, севги нима-лигини билармикин ўзи? Ундан қанақа тўқувчи чиқаркин дедим. Қаранг, қандай ўзгариб кетди бир йилда. Иши ҳам, ишқи ҳам ҳавас қилса арзигудек,— дейди Зухра.

Тўқувчилар шовқин билан тарқалишаркан, Шахло кўринмай қолди. Бир оздан кейин ичкаридан Назиров билан бирга чиқиб, дарахтлар соя ташлаб турган йўлкадан юриб кетишди. Қизил шойи дуррача тангиган дугоналар уларга ҳавас билан тикилиб қолишди.

*Июль, 1960 йил*

Кеч куз оқшоми. Кун бўйи тинмай ёққан ёмғир қоронғи тушиши билан тинди-ю, баданни ачитувчи совуқ шамол эса бошлади. Аллақачон овқатни пишириб, тиқ этса эшикка қараб ўтирган Ҳамробибни қозоннинг тувоғини ёпди-да, оловини тортиб, айвонга келди. Устун ёнида турган хонтахтани тўрроққа суриб, дастурхон ёзди, бақирлаб қайнаётган самоварни келтириб қопқоқлаб қўйди... Хонтахта ёнида бир нафас ўтирди-ю, юраги ҳовлиқиб кетди. Шамол боягидан кучайиб, яланғоч қолган дарахт шохларини ерга теккудек эгар, кўчадаги толлар шовиллар, аллақердаги томнинг кўчган тунукаси шарақлаб, ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз қолган кампирнинг юрагига баттар гўлгула соларди. Ҳамробибни ўтиролмади, устун қозигидан ҳовлига учиб тушган сочиқни олмоқчи бўлганида, шамол бошидаги рўмолини учириб, дарахт шохига илиб қўйди. Шу топда кўча эшикнинг бир тавақаси зарб билан бир-икки очилиб ёпилди. Келдимикан, деган хаёлда эшик томонга югурди. Йўқ, дараги йўқ.

«Ўзи омонмикин, қаёқда қолдйкин?.. Оғир оёқли бўлмаганда ҳам бир нави эди...» Кўнглидан шу гапларни ўтказди-ю, оҳиста айвонга чиқди. Аллақандай даҳшатли хаёллар миясини чулғаб, қўрқув босди. Назарида мана шу бўрон Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилаётган ёлғиз ўғлини, баҳодирини ютиб юборётгандай, у бўлса бўрон гирдобидан қутулолмай «Ойи-жон, келинингиздан хабар олинг, нега индамай ўтириб-сиз» деб қичқираётгандай бўлди...

Эшикдан кириб келган Хайрихон айвон лабига кел-

ди-ю, контакта ёнида кўзларини ола-кула қилиб, ҳовлига тикилганча мурдадек қотиб қолган қайнонасини кўриб кўрқиб кетди.

— Ойижон!— деганича калишини ечишни ҳам унутиб, унга ташланди,— нима бўлди сизга, ойи?

Ҳамробиби келинига тикилиб туриб, ўзини босишга ҳаракат қилди, кулимсиради.

— Йўқ, ҳеч нима бўлгани йўқ...

— Рангингиз ўчган-ку, тобингиз қочдимми!— Хайрихон шундай деб, қайнонасининг пешанасига кафтини қўйиб кўрди.

— Йўқ, вой, ҳеч нима бўлгани йўқ, сал хаёл олиб қочди-да, болам. Ўзинг қаёқдайдинг, мунча кеч қолдинг?

— Жой тайёрладик, тагин бир эшелон бола келаётган эмиш...

— Тагин-а... шўрликлар... Бор, овқат ҳам эзилиб кетгандир, сузиб кела қол...

Ҳамробиби келини ошхонага кетиши билан, пиёлага чой қуйиб, иссиқ-иссиқ ича бошлади. Бояги кўрқув, бир-биридан хунук ва даҳшатли хаёллардан юраги ўйнаётганини босишга, келинига сездирмасликка уринарди.

Қайнана-келин овқатланишар экан, Ҳамробиби келинига ялингансимон деди:

— Болам, кеч кирса ҳовли ўлгур ютаман дейди, келавермасанг сендан хавотир оламан, бунақа кечга қолмагин... барака топкур.

Бундай пайтларда Хайрихон ҳам қайнонасининг юрак дардини сезарди-ю, ўзини билмасликка оларди.

— Хўп, ойижон, шу бугун шундай бўлиб қолди-да,— деб қўя қолди.

Шу пайт кўча эшик тақиллади. Хайрихон ўрнидан туриб, ҳовлига тушаркан, Ҳамробиби: «Ким бўлдийкин?» деганича келини орқасидан қараб қолди.

Хаёл ўтмай, Хайрихон қўлида конверт билан айвонга чиқди.

— Ҳой, хатми, Саидданми-а, гапирсанг-чи?

— Йўқ,— деди оҳиста хатни ўқиб туриб Хайрихон,— қоровулимиз олиб келди. Мажлисга чақиришибди.

— Мажлис?! Шу топда-я, қанақа мажлис?

— Зарур масала бўлса керак, ойи, тез келаман.

— Ҳой, бир ўзингми, ё...

— Бошқа тарбиячилар ҳам бўлади, бирга қайтамиз, ойижон, хавотир олманг... — Хайрихон кийина туриб, шундай деди-ю, ёлғон гапириб юборганидан чўчиб тушди. Бошқа тарбиячилар бориш-бормаслигини билмай туриб, нега шундай деб юборди, ўзи ҳам билмасди.

Ош ошда қолди. Ҳамробиби қўлини ҳам артмай, келини кетидан эшиккача чиқди. Болалар уйнинг қоровули билан келинини кузатиб, дарвозада анчагача туриб қолди.

Хайрихон йўлда бораркан, минг хил хаёллар бошидан кечарди. «Шаҳар партия комитетининг бюро мажлиси? Ахир мен партия аъзоси бўлмасам, нега энди мени бюрога чақиришади? Тинчликмикан? Тагин вокзалда бўлармиш-а? Ахир, шаҳар партия комитети вокзалда эмас-ку?» Шуларни ўйлаб, бир нарса сўрамоқчи бўлгандай икки топқир қоровул отага қараб олди. «Йўқ... бошқа гап бўлса керак... Саиджон акам... Йўқ, йўқ!..» Унинг миясига даҳшатли бир фикр келди-ю, додлаб юборишига сал қолди, ўзини зўрға босиб олди, ҳалқоб сувга тўпиғигача ботиб кетганини сизди... Бир неча қадамгача авзойини сездирмай борди-ю, тагин бўлмади... Вокзал... ўша вокзал... Бундан беш ой муқаддам эрини бағридан қўйиб юборгиси келмай, маҳкам қучоқлаб, унинг кўксига кўз ёшларини тўкиб кузатган дақиқаларини эслади. Мана энди, уни кутиб олишни ўйлапти, бироқ қай ҳолатда кўраркан? «Майли, қай ҳолатда бўлса ҳам кафтимга кўтараман...» дерди у ўзича...

Йўқ. У ўйлаганча бўлмади. Бюро мажлиси шу ерда ўтаётган экан. Мажлис бўлаётган хонанинг эшиги тагида ўтирган қиз уни худди эски танишлардек кутиб олди, ичкарига таклиф қилди.

Ҳаётида биринчи марта партия мажлисида, оддий мажлисда эмас, шаҳар комитетининг бюро мажлисида қатнашаётган Хайрихонни ҳаяжон босди, ичкарига қандай киргани, пойғаҳдаги бўш стулга қандай ўтирганини билолмади. Анчагача қизариб, бошини эгиб ўтирди. Шаҳар партия комитетининг секретари фронт яқинидаги шаҳар-қишлоқлардан келтирилган ота-онасиз қолган болаларни кутиб олиш, уларни жойлаштириш тўғрисида гапирар, гап орасида бюрода ўтирганлардан зарур нарсаларни сўрар, суриштирар, уларга кўрсатма

берарди. Хайрихоннинг назарида эртага эрталаб келадиган эшелондаги болаларни кутиб олиш ва жойлаштириш иши билан ҳозир шу ерда ўтирганларгина эмас, бутун шаҳар аҳолиси шуғулланаётгандай эди.

«Мендан нимани сўрашаркин, нима деб жавоб қилсам экан» деб ҳаяжонланиб ўтирган Хайрихондан ҳеч нарса сўрашмади. Фақат мажлис охирида секретарь уни ёнига чақирди:

— Эртага детдомингизга болаларни ўз тарбияларига олмоқчи бўлганлар келиши мумкин. Яхши кутиб олинглар, шахсан ўзингиз улар билан суҳбат ўтказинг. Шундай қилишимиз керакки, бола олмоқчи бўлганлар етимларни ўз фарзандларидек бағриларига босадиган, болалар эса она меҳри, ота муҳаббатининг ҳароратини ҳис этадиган бўлсинлар.

Хайрихон секретарнинг «Ватан олдидаги, қардошларимиз олдидаги бурчимиз бу» деган сўзларини эшитаркан, ўзига катта ва шарафли вазифа юкланаётганини ҳис этди. Секретарь уни эшиккача кузатиб чиқди, бояги қизга Хайрихонни машинада уйга элтиб қўйишни топшириб, хайрлашди.

Хайрихон уйга келганда Ҳамробибни хонтахта ёнида мижджа қоқмай ўтирарди. Келинини кўрди-ю, «келдингми, тинчликми?» деб сўради. Хайрихон қисқаргина қилиб, тушунтириб бергандан кейингина, ўрнига ўтиб, ёнбошлади.

Хайрихон қоғоз-қалам олиб, хонтахта ёнига ўтирди. Эртага одамлар олдида сўзлайдиган нутқини ёзмоқчи бўлди. Узоқ ўтирди. Нимадан бошлашни билмасди. Яқун ясаб, режалар белгилайдиган доклад ёки нутқмас, бошқача бўлиши керак. Шундай нутқ сўзлаши керакки, эшитганларнинг меҳрига меҳр қўшадиган, қалбига бориб этадиган бўлсин.

...Урушга қирон келсин. Кўплаб норасидаларни оналаридан бевақт жудо қилди... Аммо халқимизнинг бағри кенг, ҳиммати зўр, меҳри қуёшдек иссиқ... Биз украин боласини бағримизга олсак, қавм-қариндошларимизга қучоғимизни кенг очган бўламиз. Рус ўғлонини эркалатсак, азиз дўстларимизга олий садоқатимиз бўлади. Молдаван гўдагини вояга етказсак, ватандошимизнинг ярасига малҳам қўйган бўламиз... Белору ўғил-қизлари хонадонимизни тўлдирса, инсоний бурчимизни ўтаган бўламиз...



Хайрихон шу сўзларни ёзаркан, Саиджондан келган сўнгги хат эсига тушди. У фронтчи дўстлари ҳақида ёзган эди. Хайрихон ҳозир эри билан ёнма-ён жанг қилаётганларнинг болаларини кутиб олаётгандай, бу билан эри олдида, унинг жанговар дўстлари олдида, эл-юрт олдидаги бурчини ўтаётгандай бўлди...

Эртаси куни болаларни вокзалдан келтириб бўлиш-гунча болалар уйининг кенг ҳовлиси одамлар билан тўлди. Чошгоҳга бориб, одамлар тўдаси кўчагача чиқиб кетди.

Ҳовлидаги ёзлик ётоқхона олдида ҳозиргина келтирилган катта-кичик ёшдаги, турли миллат болалари туришарди, уларнинг кийимлари юпун, ориқлаб кетган, баъзилари оёқ яланг, боши, қўли ёки оёғи бинт билан боғланган ярадор болалар чеккада ўтиришибди. Ҳали бу даҳшатнинг нималигига ақли етмайдиганлари кулиб, ўйин қилиб юришибди, баъзилари йиғлайди, ётсираб тўдадан чиқмайди.

Эрталабдан бери вокзалда бўлган Хайрихон болалар тушган сўнгги машинада етиб келди. Дарвозадан ичкарига кириб, машинадан тушди-ю, ҳовлида тўпланганларнинг кўплари биттадан, баъзилари иккитадан болани бағриларига олиб, эркалаб туришганини кўрди. Халқ меҳри унинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Упкаси тўлиб, кўзидан беихтиёр чиққан ёшни тиёлмади. Тўғри кабинетига кириб кетди. Бир оздан кейин ҳовли ўртасига қўйилган стол ёнига чиқди. Ҳаяжонланди. Нутқ сўзлашга ўрин қолмаган эди. Сўзлолмади. «Марҳамат, ҳужжатларни шу ерда расмийлаштирамиз», дея олди, холос, тўпланганларга қараб.

Бу воқеадан шу кунидёқ бутун шаҳар хабардор бўлган эди. Ҳамробиби ишдан қайтган келинига ҳовли юзида тўқнаш келди.

— Эшитдим. Кечаси ёзганларингни сўзлолмаганингни ҳам эшитдим. Кўрдингми, одамларимизнинг меҳри-оқибатини... Ота-боболаримиз дўст дўстни кулфатда синар, дейишарди. Мана шу бўлади синов, болам...

*Декабрь, 1962 йил*

## ҚАДРДОН ХАТЛАР

Почтачи қизнинг яхши одати бор. Газеталарни почта қутисига ташладими, шу заҳотиёқ «мен келдим» дегандек, қўнғироқ тугмасини босади. Саодат опа ҳам бунга ўрганиб қолган, дарров эшикка югуради, қутини оча солиб, газеталар орасидан хат қидиради. Бугун якшанба. Эрталабдан кўзи учиб турувди, тўғри келди. Газета қаватидан конверт чиқди. Шошиб уйга кирди, кўзойнагини тақиб, конвертни очди. Айвон зинасига ўтириб, ўқий бошлади. Уқиркан чеҳраси ёришиб, ёноқлари қизарди, қўли ҳаяжондан сезилар-сезилмас титраб турарди. Хатни ярмигача ўқиб келди-ю, бирдан кўзлари ёшланди, давомини ўқиймай, тўхтаб қолди. Чеҳра кулиб турса-ю, кўз ёши тўхтамас галати кўринаркан... Бир неча дақиқа тўхтаган жумласига тикилиб турди-да, «ҳа, баттол» деб юборди беихтиёр. Шундай деди-ю, хаёл голиб чиқиб хат чала қолди.

Хат... Хатлар... Дилдагини қоғозга тушириб, кўз олдинга келтириб қўядиган, узоқни яқин қиладиган, хушхабар келтирадиган, яширишининг нима кераги бор, на чораки баъзида нохуш хабар элтадиган хатларни ким ёзмайди-ю, ким ўқимаган дейсиз. Ўҳў... Уруш йилларидагисини-ку, айтиб охирига етиб бўлмайди. Тумор нусха хат кирмаган, шундай хат йўлламаган хонадон қолганмикин, ўшанда. Энг азиз, энг қадрдон нарса хат эди. У қарияларимизга дармон, кўнглига таскин берарди, келинчакларнинг ҳижрон тунларини ёритарди, висол дамларини яқинлаштиргандай бўларди, оға-ини, опа-сингил, ёру дўстларни қувонтирарди.

Уруш урушлигини қиларкан, ора-сира даҳшатли нома-лар ҳам келиб турар, бутун хонадонни ларзага солиб доду фарёдларга сабаб бўларди.

Худди шундай мудҳиш хабар бу ҳовлига ҳам кириб келди. Унда Содиқжон баркашни ноғора, хивични от қилиб юрган пайтлар эди. Почтальон қўнғироқни ҳам чалмади, эшикни ҳам тақиллатмади. Тўғри ҳовлига кириб келиб, хомуш салом берди. Жомашовда ўғлини чўмилтириб турган Саодат опа совунлик қўлларини наридан-бери этагига артиб, почтальон қўлидан хатни олди-ю, овози борича додлаб юборди. Ҳушидан кетди. Почтальон ота уни суяб, айвонга ўтқазди. Чинқираб йиғлаётган Содиқжон ёнига бориб, унга сув қуя бошлади. Бир зумда ҳовлига қўни-қўшнилар йиғилди...

Ана энди фронтдан келган хатлар, ҳар бири қайта-қайта ўқилган бўлишига қарамай, ҳар гал авайлаб, ўз тахтига тушириб тахлаб қўйилган хатлар Саодат опанинг бирдан-бир ҳамроҳи, ҳамдарди, суянчиги бўлиб қолди. Кеч кириб, ўрин солдимни, Содиқжонни ухлатарди-ю, хатларни бир-чеккадан тўйиб-тўйиб ўқиб чиқарди, тўйиб-тўйиб йиғларди, кейин ёстиғи тагига тахлаб, устига бош қўярди. Назарида ўрин сира йиғилмаса-да, ёстиқ тагидаги қадрдон хатлар ҳам безовта бўлмаса. Кўпинча шундай қиларди ҳам. Хатлар туфайли ўрин йиғилмай турарди.

Мана, энди эридан, йўқ эриданмас, қисм қомандиридан келган хатдан кейин хат таққа тўхтади. Бу шум хатни у ўша, почтальон қўлидан олганини билади, кейин ушлагани ҳам йўқ. Қўшниларида, қариндошларданми, кимдир ўқиб, ҳув анави жавоннинг хонасига қўйибди. Саодат уни қўлига олиб кўриш у ёқда турсин, ҳозиргача жавонни очгани ҳам, унга яқин боргани ҳам йўқ.

Яхшиям одамлар бор-а. Бўлмаса бу ғам-ғусса ютаман дейди-я. Заводдан одам келмаган кун йўқ. Ўзлари икки сменалаб ишлашади-ю; вақт топишади-я. Бир нафас бўлса ҳам келиб, кўнгилга тасалли бериб кетишади. Кеча эрталаб Ҳалима кириб келди. Кўзлари ичига тушиб кетган, ранглари заъфарон, ўтирса кўзлари юмилиб, уйқуга кетгудай. Учинчи сменадан чиқибди-ю, тўғри шу томонга йўл олибди.

— Кеча партия мажлисимиз бўлди. Саттор акамнинг хотирасига зарбдор вахтада туриб ишлашга аҳд қилдик...

Ҳалима узоқ ўтирмади. Тағин келарман, деб чиқиб кетди.

Завод Саодат опани ўз қучоғига олди. Аввалига пардозлаш цехида шоғирд бўлиб ишлай бошлади. Орадан кўп ўтмай мустақил ишга кўчирилди. Аҳил коллектив, меҳрибон ҳамкасблар орасида анча дарди енгиллашди. Аммо барибир ишдан чиқиб, боқчадан Содиқжонни олиб йўлга қайтаркан, яна ўша хатлардан аламини олар, бирма-бир ўқиб чиқарди-ю, кўнгли таскин топарди.

Содиқжон ҳам катта бўлиб, мактабга борадиган бўлди. Боласи тушмагур ниҳоятда шўх, олов чиқди, бир нафас тиниб-тинчимаydi. Турган-битгани дадасининг ўзи. Юзининг думалоқлиги, қош-кўзлари, юриш-туришлари худди қуйиб қўйгандай. Саодат опа якка-ёлғиз суянчиғига ҳаддан ташқари ихтимот қўйган, кўнглига қарар, ўкситмасликка ҳаракат қиларди. Қўни-қўшнилари билан уришиб қолгудай бўлса, улар ҳам ортиқча бир нима дейишмас, йиғлаб кирган боланинг онаси ёлғондакасига пўписа қилиб қўя қоларди.

Ҳаётда қўшалоқ хурсандчилик камдан-кам бўладими ёки Саодат опага шундай туюлди, ҳар қалай унинг ҳаётида катта, унутилмас воқеа рўй берган куни, Содиқжон тушмагур бутун қувончини чилпарчин қилса бўладими. Завод коммунистлари илғор пардозловчи Саодат опани ўз сафларига қабул қилишди. Худди шу куни уйга келса, Содиқжоннинг куратори ўтирибди. Анча кутиб қолганми ёхуд чиндан ҳам Содиқжоннинг хатти-ҳаракатлари ўқитувчиларни қаттиқ ранжитганми, куратор Саодат опа билан сўрашиб улгурмаёқ ҳаммасини тўкиб солди:

— Физика, математикадан икки оляпти. Бугун физика ўқитувчисини ҳақорат қилди. Ахир тарбия берсангиз, қарасангиз бўлмайдими...

Саодат опа нима деярини билмай гангиб қолди. Кураторнинг юзига тик қараёлмай, «билмабман, бу сафар кечиринглар, ўзим гаплашиб кўрай» дея ялинди, холос. Кураторни эшиккача кузатиб қўйди-да, уйга кириб, эрининг девордаги суратига бир тикилди-ю, ўзини каравотга ташлади. Шу ташлаганча бир ҳафта деганда ўрнидан турди...

Саодат опа ишга чиққан биринчи куниеқ мактабга

борди. Директор, куратор, ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Шу вақтгача ўғлининг ўқиши, юриш-туришидан дурустроқ хабардор бўлмаганидан ич-ичидан эзилди-ю, сездирмасликка ҳаракат қилди. Уғли бўлса онасининг ҳамма гапларини, кўз ёши қилиб, отасининг ҳурматини ўртага қўйиб айтган насиҳатларини чурқ этмай тинглади-ю, бироқ «тавба қилдим» деб узр сўрамади. Мана шуниси онасини чўчитиб қўйган эди.

Буниси ҳолва экан. Орадан икки кун ўтгач, пардозлаш цехига милиция бўлимидан телефон қилишди. Содиқ синф бошлиғини уриб, майиб қилибди, уни касалхонага, Содиқни милиция бўлимига олиб кетишти.

Саодат опа гангиб қолди. Бошини қаерга ўришини билмасди. Завод партия ташкилоти уни яккалатмади, бу иш билан махсус шуғулланди, аниқроғи, корхонанинг кекса ишчиси, фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган коммунист Саттор Султоновнинг ўғли тарбиясини ўз оталиғига олди.

Содиқ қамоқ жазосидан, комсомол сафидан четлатишдек шармандалиқдан қутулиб олди-ю, барибир дарсларни эплолмади. Тўққизинчида икки йил қолиб кетди.

Кўринишда мўмин-маъқул, тавбасига таянгандек эди-ю, зимдан баттар бўлса бўлдики, бери қайтмади. Қандайдир ўртоқлар орттирди. Бири кечкида ўқирмиш, бири бекор, жарақ-жарақ пул билан ўйнармиш. Ўшалар билан дарс қиламан, деб чиқиб кетар, тун ярмида келиб, ётиб қоларди. Онанинг гапига на жавоб беради, на насиҳатга қуроқ солади. «Кичкина боламасман, ўргатманг!» дейишдан нарига ўтмайди. Топган гапи шу. Бора-бора ичиб келадиган, тонг отаргача қайд қилиб чиқадиган бўлди. Онаизор юм-юм йиғлайди-ю, яна аламини хатлардан олади. Эрининг суратига тикилади, Сатторжон худди унга «ўғлимни нега бу кўйга солиб қўйдинг, хотин» деяётгандай бўлади.

Содиқжон бир амаллаб ўнинчига ўтди-ю, барибир саёқликни ташламади. Икки топқир уйдан чиқиб ҳам кетди. Қаёқда, кимлар билан бўлди. Саодат опа билолмади. «Далага чиқдик, дарс қилдик», — олган жавоби шу бўларди. Йиғлайвериб, кўз ёшлари ҳам қолмади. Ҳеч ким ҳеч нарса демасди-ю, аммо саёқ ўғилнинг «довруғи» маҳаллага аён бўлганидан, кимки унга са-

лом берса, Саодат уни дакки ўрнида қабул қиларди, бошини эгиб жавоб берарди.

Баҳор кунларининг бири эди. Саодат опа ишдан ҳориб-чарчаб келди-ю, почта қутисидаги газеталарни олди. Ичидан конверт ҳам чиқди. Ун беш йилдан бери, ўша мудҳиш хат келган кундан буён биринчи хат келиши эди бу хонадонга. Нотаниш адрес, нотаниш кишидан. Саодат опа шошиб хатни очди, ўқий бошлади.

«Хурматли она! — деб бошланарди хат. Саодат опа шу икки жумлани ўқиди-ю, хўрлиги келди, ҳаяжонланди, ҳалигача ўз ўғлидан «хурматли она» деган гапни эшитмаганини шундагина сизди, оғир хўрсиниб қўйди, — биз яқинда мактабимиз жойлашган Сосновка қишлоғи учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган коммунист жангчи Саттор Султоновнинг қабрига ёдгорлик ўрнатдик. Тантанали йиғилишда отрядимизга Саттор Султонов номи берилди. Энди биз, сиз билан хурматли Саодат опа, Саттор амакимнинг ўғил-қизлари билан яқиндан танишмоқчимиз. Агар Саттор амакимнинг суратлари, ўзингиз, ўғил-қизларингизнинг суратларини юборсангиз жуда яхши бўларди, биз отрядимизда қаҳрамон жангчи хотирасига бағишланган музей ташкил қилардик.

Салом билан отряд советининг аъзолари...»

Саодат опанинг аъзойи бадани титрарди, сира ўзини босолмасди. Бўшашган қўлларидан тушиб кетган хат ерда ётарди, ўзи айвон устунига тикилганча турарди. Миясига ҳеч нарса келмас, назарида ҳозир ҳамма ёқ Сўм-бўш, унинг ўзи ҳам шундай, ақли ҳам, тили ҳам, қуч-қуввати ҳам йўқдек эди. Шу зайлда қош қорайгунча ўтирди. Қўшни ҳовлида чироқ ёнганини кўрган дагина ҳушига келиб, оҳиста ўрнидан турди, уйга кирди.

Содиқжон келганда у уйнинг ўртасига эридан келган хатлар, суратлар, унинг ҳаётига оид бутун ҳужжатларни ёйиб, титкилаб ўтирганди. Ўғил салом ҳам бермай, папкасини столга ташлади-да, «Қорним оч!» деди зарда билан. Саодат опа кечки овқатга уннамаганини энди сезган эди, у ўғлига қарамади ҳам, гапирмади ҳам.

Содиқ онасининг тепасида тик турганча бир расмга кўзи тушди. Беихтиёр қўл чўзиб, уни олди, узоқ

тикилди. Саттор ака бир гуруҳ дўстлари даврасида, Кремль дарвозаси ёнида турарди. Сурат орқасига «машинасозлар кенгаши» деб ёзиб қўйилган эди. Содиқ бу суратни, ундай деса, анави ердагиларини ҳам кўрмаган эди. Нега кўрмаган ё эсидан чиққанми?

Саодат опа пионерлардан келган хатни чўнтагига солиб, расмларни йиға бошлади. Содиқ яна бир расмга қўл чўзган эди, «нима қиласан, болам, кўргансан, булар сенга керакмас, керак жойга юбораман...» деди.

— Нима?! Мана буларни кўрмаган эдим, қани, беринг-чи.

Онаизор яна шахтидан тушди. Расмларни ташлаб, ўрнидан турди, ошхона томонга кетди. Овқатни тайёрлагунча уйга кирмади. Икки марта деразадан ўглининг мукка тушиб, хатларни ўқиётганини кўрди. Кўнглида жаҳл билан «шуларга муносибмисан сен, э сатқай...» деб юборди-ю, тагин ўз сўзидан ўзи чўчиб тушди.

Шу пайт кўча томондан ҳуштак овози эшитилди. Уч-тўрт такрорланди. Содиқнинг ўртоғи чалаётганини Саодат опа биларди. У эшикка ҳам бормади, ўлгига ҳам айтмади. Бир вақт деразадан Содиқнинг овози эшитилди: «Ойи, мени йўқ, деб юборинг!» Саодат опа индамай, гуручини юваверди. Ҳуштак яна такрорланди. Шунда Содиқ уйдан отилиб чиқиб, кўчага югурди.

Бундай ҳолларга ўрганиб қолган Саодат опа «яна кетди...» деди-ю, хўрсиниб қўйди. Бир оздан кейин кўча томондан сўкиниш аралаш гурсиллаган овоз эшитилди. Югуриб чиқиб, Содиқнинг бир ўртоғи билан муштлашаётганини кўрди. «Ҳой» деганини биларди, Содиқ ялт этиб онасига қаради-да, «аралашманг, ойижон, одам йиғманг» деди ялиниб. Шундай деди-ю, ўртоғини чалиб йиқитди, ётқизиб дўппослаб ура бошлади. Саодат опа ўлгига яқинлашиб уни ажратмоқчи бўлувди, Содиқ ўрнидан дик туриб, онасини қучоқларди, ичкарига олиб кириб, эшикни беркитиб қўйди. «Энди келмайди, ойи, юринг!» деди ҳансираганича онасига.

Бир неча дақиқада бўлиб ўтган бу воқеадан ҳангманг бўлиб қолган она ўглининг юзлари, кийимларидаги чангни артарди-ю, ҳеч нима деёлмасди.

Содиқ тўғри уйга кирди, яна хатларни титкилай кетди. Булар орасида Саттор аканинг орден, медалла-

ри, уларнинг шаҳодатномалари, делегатлик мандатлари, тантанали йиғилишлар, парад, намоёишларга берилган сон-саноқсиз таклифномалар, Фахрий ёрлиқлар бор эди. Содиқжон булар орасидан дадасининг бир хатини топти. «...Дадам косиб эди. Меҳнаткаш, ҳалол, пок одам эди. Дадамнинг шаънига доғ туширмай ҳаёт кечириш — бирдан-бир орзум...» Шу сатрларни ўқиб турганида, Саодат опа кириб қолди, ўғлининг нимага кўзи тушиб турганини дарров пайқади. Ахир ҳар бир парча қоғоз унга таниш, қадрлику, нега пайқамасин.

Ўғли худди шу сатрларни ўқиб, ҳаяжонланаётганини кўрган она қалбида қуёш порлагандай бўлди, меҳри товланиб қетди.

— Ўғлим! — деди у. Содиқжон ялт этиб орқасига қаради. — Шуларнинг ҳаммасини юбормоқчиман.

— Қаёққа?! — қичқириб юборди Содиқ.

— Ма, мана буни ўқи, — Саодат опа хатни узатди, ўзи ўғлидан кўзини узмай турди.

Инсон қалбининг ҳарорати оловдан, портлаши бомба портлашидан кучли бўлади. Содиқжон ҳам портлади. Хатнинг охирига етмай, шундай дод солдики, уй ларзага келгандай бўлди. Кейин ўзини босиб, онасини маҳкам қучоқлаб ҳўнграб йиғлади. Бўйдоқ йиғитнинг дўриллаб йиғлаганини эшитганмисиз? Йиғи аралаш «Кечиринг, дадажон, кечиринг мени, ойи-жон!..» деган сўзлар юлиниб-юлиниб чиқарди, портлаган қалбнинг мағиз-мағизидан чиқарди...

...Саодат опа қўлидаги хатнинг тўхтаб қолган жумласини такрор ўқиб, яна ўзича «ҳа, баттол!» деб кулиб турганида, магазинга чиқиб кетган келини ўғилчасини етаклаб кириб келди. Қайнарасини кўриб ҳайрон бўлди.

— Ҳа, ойи, нега бу ерда ўтирибсиз?

— Вой, шунча вақт ўтдимиз-а, дарров бориб-келдингларми?.. Баттолимдан хат келибди. Республика партия съездига делегат қилиб сайлашибди уни. Командиримдан рухсат олдим, съездга боришимда Сосновкага тушиб, дадамнинг қабрларини зиёрат қилиб ўтаман. Мактабга ҳам кираман, дебди.

Саодат опа шундай деб, хатни келинига узатган эди, невараси олиб қўйди.

Март, 1966 йил



# О Ч Е Р К Л А Р

## ПОЛВОН ОТА

Эндигина тонг ёришиб, оромбахш салқин шабада эсаётган пайт. Аммо трассада ҳаёт қайнайди. Ҳамма ишда. Тўзон буркайди. Тупроқ ташиётган машиналар ҳовуз қирғоғи томон кетма-кет ўтади.

— Ҳорманглар-ў, азаматлар!

— Саломат бўлинглар!

Тепалик устида ишлаётган бир гуруҳ кўлхозчилар шу ерга келган қурилиш бошлиғи ва унинг ёнидаги кишилар билан саломлашиб, яна ишларини давом эттирдилар.

Яктагининг барини белбоғига қистириб, бошига қийиқ танғиган, мош-гуруч соқолли ота, кетмон уришни бир нафас тўхтатди-да, пастдаги шоферга деди:

— Қани, ука, отингизни илдамроқ қамчиланг, яна уялиб қолмайлик!

— Уялиш нимаси, шу бугун етмишга етказаман. Кечқурун ҳисобини олаверасиз.

Шофер йигит, пешанасидаги кўзойнагини пастроқ тушириб машинанинг рулини буради, машина тепалик бағридан қўзғалди.

Баланд тепаликнинг йигирма метрча узунликдаги ерида иккита уюм бор. Бу ҳар иккала уюм Мавлон ота бошлиқ ўн кишидан иборат звенога қарайди.

Кузатамиз: звено аъзолари кетма-кет келиб турган тўртта автомашинага тупроқ тўкиб бермоқдалар.

Ҳар бир машинага уч тонна, яъни 2,5 кубометр тупроқ ортиш керак. Азаматлар дам ўтмай машиналарни тўлдириб қўядилар. Ҳар бир уюм олдидаги беш киши бир машинага қирқ саккиз секунд мобайнида тупроқ тўкади.

Қурилиш бошлиғи соатига қараб туриб, звенонинг ишини кўздан кечирар экан, севинганидан илжайиб қўйди:

— Кўп азамат кишиларни кўрганман. Аммо булардай баракали меҳнат қилувчиларни учратмаганман.

Қурилиш бошлиғи шу гапларни айтди-ю, Мавлон отага узоқ тикилиб қолди. Унинг кўзлари худди отани ҳозир маҳкам қучоқлаб, ўпиш муҳаббати билан ёнар эди. Мавлон ота унга шу қадар азиз, шу қадар яқин, мушфиқ бўлиб кўриндики, отанинг бу хизматлари эвазига жонини бергудай бўлди. У, шу тикилганича тўртта машинага тупроқ тўкиб берилганини сезмай қолди. Нега бундай? Мавлон отанинг мардлиги уни ортиқ даражада завқлантириб юбордими? Ё бўлмаса бошқа участкалардаги ишлар унинг хаёлини қоплаб олдимми? Йўқ. Бу ерда бошқа гап бор. Звенонинг ишини кузатиб турганлардан бири қурилиш бошлиғининг хаёлга чўмганидан таажжубланди шекилли, унга гап отди:

— Ўртоқ начальник, нега узоқ тикилиб қолдингиз?

Қурилиш бошлиғи уйқудан чўчиб турган кишидай ёнига келиб гапирган йигитга қаради ва мийғида қулиб, сўзлай бошлади:

— Сизлар бу киши билан яхши танишмисизлар. Қурилишда Мавлон отани полвонлиги учунгина севмайдилар. Унинг бошқа қимматли хизматлари бор.

Қурилиш бошлиғи усталик билан текис қилиб қазилган ва бир машина сиғадиган уюмни қўли билан кўрсатиб тушунтира кетди:

— Мана шу усулда ишлашнинг ижодчиси Мавлон отадир. Ахир, ўйлаб қаранг. Машинага тупроқ ортиш қаёқда-ю, унга тепаликдан туриб тупроқ тўкиш қаёқда? Кўриб турибсизки, ҳар бир машина орқаси билан тисарилиб уюмга киради. Уюмнинг икки ёнида — тепада турганлар машинага тупроқ тўкаётирлар. Бугина эмас, ишни енгиллаштиришнинг яна бир йўли бор.

Маълумки, бу ерлар, тепаликлар бир неча асрлардан буён қўл теккизилмай, кетмон урса осмонга сачрайди-ган даражада заранг бўлиб қолган. Мавлон ота бу-нинг ҳам чорасини топди. У, қазиладиган тепалик-нинг устки қатламга сув сепиб ивитиб, уни 1,5—2 метр пастки қатламда бўладиган юмшоқ тупроқ дара-жасига келтиради. Булар ҳаммаси ишнинг кўзини билган Мавлон отада меҳнатга, ўз ватанига бўлган муҳаббатнинг самарасидир. Отанинг бу ғайратига, ғашаббусига, меҳнатга бўлган ихлосига ҳамма қойил қолаётир.

Машиналар тўхтовсиз келиб турибди. Ҳисобчи йи-гит ҳар иккала уюмга келиб, тупроқ ортиб кетаётган машиналарнинг қатновини дафтарига ёзиб бораётир. Бир йигит иккита катта тарвузни қўлтиқлаб келиб, шу ернинг ўзида карж қилиб сўйди ва тепа устида ишлаётганларга узатишни илтимос қилди. Шу пайт Мавлон ота, кетмоннинг дастасига кафтларини устма-уст қўйгани ҳолда, ҳалиги йигитдан сўради:

— Хўш, болам, нонуштага нима қилиб бермоқчи-сиз?

— Ўзларингиз айтганингиз, палов дамляяпман.

— Яхши, тушликка-чи?

— Ихтиёр сизларда, қўйни сўйган эдим. Гўшт янгилигида кабоб пишириб берсам дейман!

Мавлон ота нимани кўнгилларингиз тусайди, де-гандай қилиб, звенодагиларга бир қараб олди ва май-ли, тушликка кабоб бўлсин, деди.

Нонушта қилиб бўлгандан кейин, орадан бир оз вақт ўтмай, ҳисобчи соат ўнгача қилинган ишнинг натижасини деворга ёзиб қўйди.

Соат ўнгача, Мавлон ота бошлиқ звено аъзолари уч юз олтмиш кубометр ер қазиб, бир юз қирқ беш машинага тупроқ тўкиб бердилар. Бу — айтишгагина осон холос. Аммо тонг ёришмасдан то эрта соат ўнга-ча ҳар бир кишининг ўттиз олти кубометрдан ер қа-зиб, ўн беш машинага тупроқ ортиб бериши жуда кўп куч-қувват, ғайрат, шижоат талаб этади.

Қурилишдаги азаматларнинг кўнгилларини чоғ қилиш учун Гиждувон районидан келган бир гуруҳ артистлар Мавлон ота звеносида ҳам бир неча бор концерт қўйиб беришди. Звенонинг дастлабки иш на-тижалари эълон қилинган ҳозирги пайтда санъатчи-

лар ана шу ерда эди. Улар звенонинг бу ютуғи шарафига катта концерт бошлаб юбордилар. Раққоса қизлар ўз санъатлари билан звено аъзоларини бирма-бир табриклар, Мавлон отанинг ёнига келиб, уни чин кўнгилдан табрик қилар эдилар.

Баракали меҳнатнинг ташаббускори, ижодий меҳнат санъаткори Мавлон ота Ғофуровнинг номи республикадаги бир неча халқ қурилишларининг олтин китобига зарҳал билан ёзилган. Оққовоқ гидроэлектр-станцияси ва Шимолий Ташкент канали қурилишида Мавлон ота қаҳрамонлик кўрсатиб меҳнат қилди. Унинг бу ҳар иккала қурилишдаги меҳнати ЎзССР Олий Совети Президиуми томонидан икки марта Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Ўзбекистон денгизи қурила бошлаган 1939 йилда бу ерга биринчилар қаторида келган Мавлон ота бўлди.

Улуғвор Фарҳод ГЭС қурилишида ҳам бу кекса ватанпарварнинг қилган хизмати катта. Бошқўғон участкасида Мавлон ота бошлиқ олти кишилиқ звено қирқ кунлик нормани тўрт кунда адо этиб, шуҳрат қозонганини Фарҳод ГЭСнинг ҳамма бинокорлари яхши биладилар.

Ғиждувонлик кекса пахтакор Мавлон ота Ғофуров ўз звеносида, уч йил сурункасига пахтадан мўл ҳосил этиштириб, планини мунтазам ошириб бажариб келди.

У, Ўзбекистон денгизи қурилишида ўз звеноси, колхозни, Ғиждувон районинигина эмас, балки Бухоро областининг шуҳрати учун фидокорона меҳнат қилди.

Мавлон ота меҳнатдан ҳамиша хурсанд. Аммо у меҳнати билан сира мақтанмайди. Дурустроқ бажарган ишини писанд қилувчиларни ҳам ёқтирмайди. Ўзининг қурилишлардаги ёки колхоздаги унумли меҳнати тўғрисида гап боргудай бўлса, ота дарров, бу — якка менинг эмас, бутун бир звено аъзоларининг, кўпчиликнинг меҳнати, деб алоҳида уқтириб қўяди.

Мавлон ота халқ қурилишларининг аҳамияти тўғрисида жуда завқли ҳикоя қилади.

— Бизнинг ҳар бир урган кетмонимиз — бир ариқ ғўзамизни, ҳеч бўлмаганда бир туп дарахтни суғоради. Ҳар бир урилган кетмон битта электр лампасини ёритади. Меҳнатимизнинг самараси ана шундай... Инқилобдан илгари ота-боболаримиз биздан кўра оғирроқ меҳнат қилган, аммо орзу-тилаklarини амал-

га оширолмайд, сув танқислиги, қорачироқ ташвинидан қутулолмаганлар. Улар ўз фарзандларининг келажаги тўғрисида кўп орзу қилганлару, мақсадга эришолмаганлар. Мен кексайиб қолдим. Аммо ўзимни йигитлардек ҳис қиламан. Ҳаммасидан ҳам ўғил-қизларимизнинг келажagini бундан ҳам ёруғ қилиш, чўлларни гулистонга айлантириш учун, кексайган кунларимда меҳнат қилиш шарафига муяссар бўлганим билан қувонаман.

Мавлон ота звеноси кеч соат олтида ишни тамомлади. Звено аъзолари натижани билишга қизиқдилар. Мавлон ота уларга қараб: «Кечагидан кўра дурустроқ ишлабмиз, эртага яна ғайрат қилишимиз керак», деб қўя қолди. Аммо ўзи, ҳисобчи йигитни ёнига чақириб олиб, унга қўйидагиларни қаттиқ уқтирди:

— Қилган ишимиз тўғрисида шовқин солиб юрманг, бўтам, ҳали бунга арзимаёди. Биронтаси сўраса, дуруст ишлабди, деб қўя қолинг.

Кечқурун радио янги бир хушхабар эшиттирди: «Бугун қурилишда катта бир воқеа рўй берди. Уртоқ Ғофуров бошлиқ звено кеч соат 6 гача олти юз қирқ кубометрдан ортиқроқ ҳажмда ер қазиб, нормадаги йигирма тўрт машина ўрнига 257 автомашинага тупроқ ортди ва планни 1070 процент бажариб, рекорд қўйди».

Ҳамма Мавлон отани табриклай кетди. Аммо ота бугун қилган ишдан мамнун эмас, ҳисобчи йигитдан хафа эди. «Шунча тайинлабману, бўлмапти-да, боласи тушмагур ахир довруқ солипти-да».

Бухоро областининг қурилишдаги участкасида янги рекорд муносабати билан тантанали митинг бўлди. Митингда Мавлон отани қарсақ чалиб табрик-ладилар. Унга ва звено аъзоларига шу ернинг ўзида катта мукофотлар топширилди: бешта қўй, олти минг сўм пул, эллик метр газлама, костюм, ён соат, этик ва яна алланималар... Мукофотга берилган ҳар бир буюм отанинг қўлига узатилар эди. У бўлса, мукофотларни шу ондаёқ звено аъзоларига топширар ва: «Буларни олинглар, иш биргина менинг меҳнатим туфайли бўлаётгани йўқ» деб, уларнинг номларини бирма-бир айтиб табриклар эди.

Область колхозчилари шу кундан бошлаб ғофуровчасига ишлаш ўн кунлиги эълон қилдилар ва ҳар бир

эвенонинг бир кунда элликта машинага тупроқ орт-  
ши юзасидан мажбурият олдилар.

Митинг тамом бўлди. Колхозчилар яна Мавлон  
отани ўраб олиб, уни Полвон ота деб табриклай бошла-  
дилар. Мавлон ота бўлса, бунга жавобан шундай  
дерди:

— Менинг кучим полвон эмас, қалбим полвон,  
хукуматимга бўлган муҳаббатим полвон!

*Сентябрь, 1947 йил*

## I

Носир қўлидаги газетани зарда билан стол устига ташлади. Ўрнидан турмоқчи бўлганида ёнида журнал ўқиб ўтирган ҳамкасби ялт этиб унга қаради.

— Ҳа, нима гап, тажанг бўлиб қолдинг?

Носир ўзининг ҳозирги ҳаракатидан анча ўнғайсизланиб, ёни-верига қараб қўйди.

— Ҳеч гап бўлгани йўқ, — деди ўзини босиб олиб, — мана бу мақоланинг баъзи жойлари мени газаблантириб юборди. Ма, ўқиб кўр, — у газетани шериги олдига суриб қўйди.

«Бундан икки йил муқаддам, — деб ёзади мақола авторини Борис Полевой, — мен Нюрнбергга яқин Фюрг шаҳридаги кичик бир машинасозлик заводида бўлган эдим. Заводнинг бошлиғи бизларни цехларга олиб кирди... Шунда ичимиздан кимдир биров, заводда ил-ғорлар — новаторлар борми, деб сўраб қолди. Завод бошлиғи калласини қимирлатиб, ҳа, бор, Рудольф Мейер, у нормасини икки юз эллик процентдан бажаради, деб жавоб қилди ва бизни унинг ёнига бошлаб борди... Виз Мейердан ҳақиқатан ҳам икки юз эллик процентдан бажарасизми, деб сўраганимизда, у ҳайрон бўлиб, бизга қаради, чунки бу унинг шахсий сирин экан. Рудольф Мейердан нега бу сирни бошқаларга айтмаслиги, ўз тажрибасини ўргатмаслигини сўраганимизда, бу савол ҳам унга ёқинқирамади, у шундай жавоб қилди:

— Жаноблар, балки ҳазил қилаётгандирлар. Ахир бу менинг сирим, яъни менинг бойлигим-ку. Мен бу

сирни ҳаммага очиб ташласам, унинг қиммати қоладими? Ана улар,— у қўли билан махсус тўсиб қўйилган фанер девор орқасида ишлаётганларни кўрсатди,— бир неча марта мени маст қилиб, сиримни билиб олмоқчи ҳам бўлдилар. Ҳатто бир марта брезентга ўраб, роса урдилар. Ушанда ҳам бир оғиз гапирмадим...»

Носир ўртоғининг ўқиб бўлишини кутиб турган эди, у мақоланинг охирига ҳам етмай, бошини кўтарди.

— Тажанг бўлганингча бор, Носир,— деди у,— ахир бу янгилик эмас-ку, Америкада ҳам, Англияда ҳам ишчиларнинг аҳволи шундай-ку. Буни энди эшитяпсанми?

— Энди эмас,— деди Носир,— аммо ҳар эшитганимда газабим қўзиб кетади-да, оғайни, лекин биз совет ишчилари дунёда энг бахтли одамлармиз, ахир ўйлаб кўр, ҳар бир оддий ишчи ҳам ўз ҳунари бўйича бирон янгилик яратса, дарров ўртага ташлайди, инженер-техникларга кўрсатади, билмаганларга ўргатади, бунга ҳам қониқмай газетага мақола ёзади. Қарабсанки, москвалик бичиқчининг ёхуд тўқувчининг бугунги тажрибаси эртага Ленинградда, индинга Тошкентда қўлланмоқда.

Суҳбат шу ерга келганида, қўнғироқ чалинди. Икки ўртоқ кино залига кириб кетишди.

## II

Фабрикада шов-шув гап. Пойафзалчилар анчадан бери эшитиб юрган нарсаси — пойафзалнинг таг чармни эритиб ўрнатиш (горячая вулканизация) усули бу ерда ҳам қўлланар эмиш. Бунинг учун катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Носир бу янги усулни эшитибгина қолмай, Ленинграддаги машҳур «Скороход» фабрикасида шу усул билан ишлаб чиқарилган пойафзални ҳам кўрган. Аммо бунга ақли етмай, ўзича «таг чармни эритиб ёпиштириш қандай бўлар экан, бунинг пресси ҳам аломат бўлса керак-а» деб ўйлаб юрарди.

Фабрика маъмуриятининг таклифи билан таг чармни эритиб ўрнатиш усулининг авторларидан бири, Ленинграддаги «Скороход» фабрикасининг инженери



Илья Абрамович Вейнберг Тошкентга келди. Инженер янги хил прессининг чертёжлари, чарм учун ишлатиладиган хомашёнинг рецептларини ҳам келтирди.

Фабрика раҳбарлари, бир гуруҳ инженер-техник ходимлар билан бирга инженер Вейнберг цехга кириб келганида, Носир пойафзални қолипга тортиш участкасида цех бошлиғи Борис Абрамович Чертокдан аллақандай топшириқ олаётган эди. Инженер Вейнберг цехни айланиб чиқди, машиналар ёнида тўхтаб, алланималар ҳақида суҳбатлашди ва Носирнинг ёнига келди.

— Салом йигит, ҳорманг.

Носир ялт этиб инженерга қаради ва :

— Саломат бўлинг, келинглар,— деди-ю, кўздан кечириб турган қўлидаги ботинкани тахта устига қўйди. Инженер Вейнберг пойафзални қўлига олиб кўра бошлади.

— Таг чармни,— деди у, Носирга қараб,— энди михлама ҳам, тикма ҳам қилмасак, нима дейсиз. Шундай машина бўлсаки, таг чармни ҳам, пошнасини ҳам ўзи ўрнатса, ҳатто оройишларини ҳам олиб берса.

Носир беҳад севинганиданми, ё ўз касбининг устози олдида уялганиданми, ҳар қалай пешанасидан тер чиқиб кетганини сезмай қолди.

— Жуда яхши бўлади, ўртоқ инженер,— деди у,— биз бу усулни эшитиб жуда хурсанд бўлдик, атайин бизга ўргатгани келганингиз ҳаммамизни ҳам қувонтирди.

Носир инженер билан бўлган ҳалиги суҳбатдан кейин ўйланиб қолди. У ҳатто қилмоқчи бўлган баъзи ишларини ҳам унутаязди. Кўз ўнгида худди эртагаёқ ана шу цехда таг чармни эритиб ўрнатадиган машиналар қаторасига қўйилиб, гуриллаб ишлаётгандай бўлди.

### III

Инженер Илья Абрамович Вейнберг келтирган чертёж асосида Тошкентнинг ўзида «Таштекстильмаш» заводида тайёрланган ўнта пресс 1946 йилнинг февралидаёқ фабрикага ўрнатилди. Бу осон иш эмас эди. Янги хил машиналарни ўрнатишда фабриканинг бош

механиги, инженерлар, ремонт, механика цехининг ходимлари, электромонтёрлар, химиклар, цех бошлиғи Б. Чертоқлар бош инженер раҳбарлигида озмунча меҳнат сарф қилмадилар. Натижада пресслар қисқа муддатда маҳсулот бера бошлади. 1946 йилнинг ўзида фабрика тағ чармни эритиб ўрнатиш усули билан биринчи марта 86.100 жуфт аёллар пойафзали ишлаб чиқарди.

Носир ўз орзусига эришди. У чармни эритиб ўрнатиш усулини қисқа муддатда ўзлаштириб олди. Иккинчи поток, яъни бачкана пойафзалга чарм ўрнатиш потогининг бошлиғи бўлиб ишлай бошлади.

Носир қаторасига кетган прессларнинг ишлангани кузатиб борар экан, ҳар минут, ҳар соатда ишда учраган етишмовчиликлар, пресслардаги майда-чуйда камчилик, ҳатто хомашёда учрайдиган нуқсонлар — буларнинг ҳаммаси Носирнинг гашига тегар, худди машина механизмлари тилга кириб, унга «қани энди, бу ёғини сиз тўғриланг» деяётгандай бўлар эди. Носир цех бошлиғи билан биргаликда технология жараёнига оид баъзи масалаларни ҳал қилди. Шундай бўлишига қарамай, яна бир неча хил ишларнинг турини ўзгартириш, баъзиларини эса машиналаштириш лозим эди.

Фабрика маъмурияти тажриба олиш ҳамда технология жараёнига оид баъзи масалаларни ўрганиб келиш учун Носир Бобоевни Ленинграддаги «Скороход» пайафзал фабрикасига юборди.

Қаҳрамон Ленин шаҳри, урушдан кейинги беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ташаббус кўрсатган ленинградликлар билан учрашиш — Носирни ниҳоятда қувонтирарди.

Узунасига кетган кенг цехда бир неча қатор тизилган пресслар кишининг кўзини қамаштиради, ўрта ёшлардаги бир инженер Носирни цехга олиб кириб кетаётганида, унга ёнидан таниш овоз эшитилди.

— Салом, ўртоқ Бобоев!

Носир шошиб, ўнг томонига қаради.

— Салом, ўртоқ инженер, сизга барча ўртоқлардан салом.

Инженер Вейнберг унинг ёнида кета туриб, гина қила бошлади.

— Ахир кеча келган экансиз, тўғри бизникига

тушавермапсиз-да, лоақал, кеча учрашмаганингизни қаранг-а, ё биздан хафамисиз?

Носир нима дейишини билмай, охири инженернинг ўзидан ҳам гина қила бошлади.

— Илья Абрамович,— деди у,— эсингизда борми, Тошкентда бизникига таклиф қилганимда кўнмаган эдингиз...

— Оббо, сиз-эй, ҳали шунинг учун денг, ҳа майли бўлмаса ора очиқ бўлибмиз, эртага албатта бизникида бўласиз.

Носир билан Илья Абрамович эски қадрдонлардай узоқ гаплашишди. Инженер янги прессларнинг ишлаши ҳақида кўп нарсаларни сўради. Носир янги усулда ишлашни кўпчилик ишчилар ўзлаштириб олганини, шунингдек, пресслардан фойдаланишдаги баъзи камчиликларни батафсил сўзлаб берди. Улар цехдан чиқиб, инженерларнинг кабинетига киришганида, биринчи смена ишни тамомлаётган эди.

Орадан бир ярим ой ўтди. Носир «Скороход» фабрикасида атоқли пойафзалчиларнинг иш тажрибаларини ўрганди. У, Тошкентга қайтар экан, худди ўзини олий ўқув юртини тамомлаб келаётгандай ҳис этар эди.

#### IV

— Ҳа, қадам ташлашинг бошқача бўлиб қолди. Ленинградга бордим деб димоғинг бир оз шишганга ўхшайди, гапиришгинг ҳам келмайди,— деди пресс ёнида турганлардан бири Носирга қараб.

— Ҳазилни кейинчалик қилсак, ҳозир папирос тутатишга ҳам вақт йўқ. Сал бўшай, сўнг суҳбатлашамиз, огайни.

Носир ҳамкасбига ана шу жавобни айтди-ю, цех бошлиғининг кабинетига кирди. Ёшгина бир қиз унга телефон трубкасини узатди.

— Лаббай, эшитаман, оббо, ахир билиб турибсизки, ўзим кеча келдим, ҳеч бўлмаса икки кун муҳла беринг...

Трубкани қўйиб, стулга ўтирди, алланима ёза бошлаганида цех бошлиғи Черток кириб келди.

— Партком секретарига учрашдингизми,— деб сўради у,— боя сизни қидириб юрган эди.

— Ҳа, учрашдим. Соат олтида райкомга чақиришти, бунинг устига эртага партия ўқишидан имтиҳонга ҳам тайёрланиш керак.

— Зарари йўқ, — деди Черток, — ҳаммасига ҳам улгуриш мумкин.

Носир, Черток билан биргалашиб, лентали конвейерни ўзлаштиришнинг маслаҳатини қилишди.

— Мана шу, — деди Носир қалам билан қоғозга чиза туриб, — лента ўрнига қутичалар қилинса, ҳар бир ишчи пойафзални ўз номерига қараб олаверади. Бунда ҳар сменада ярим минг эмас, икки минг жуфтни қўлдан чиқариш мумкин бўлади.

Черток бир оз ўйланиб қолди. Ҳақиқатда яхши таклиф эди. У, Носирга кулиб қаради:

— Ленинграддан келтирилган совғанинг хамир учидан патири шуми?

Носир «ҳа», дегандай кулиб қўйди.

Носир ана шу кундан бошлаб ишлаб чиқариш технологиясига янгидан-янги ихтиролар кирита борди. Ҳар жуфт пойафзалнинг таг чармидан ўн-ўн беш грамм ва ҳар бир бошлиққа сарфланадиган материалдан бир, бир ярим сантиметр тежаб қолина бошланди. Прессдан чиққан пойафзал таг чармининг зиҳларини пардозлаш машиналаштирилди. Бунинг орқасида илгари саккиз киши олти юз жуфтни пардозласа, ҳозир бир киши минг жуфтни пардозлайди. Дастак қолипга солиб текислана бошланди. Шундан кейин маҳсулотнинг сифати аввалгига қараганда икки баравар яхшиланди. Эритиб ўрнатилган таг чармли пойафзал миҳланган ёки тикилган таг чармли пойафзалдан пишиқлиги жиҳатидан анча устун туради.

Америкада ҳар етти кишидан бири оч ва яланғочдир. Рудольф Мейер оч қолишидан қўрқиб, ўз сирини энг яхши дўстларидан ҳам яширишга мажбур...

Совет кишилари — ишчи, инженер ва техниклардан ҳар етти кишининг бири ихтирочи ёки рационализатордир. Меҳнатда камолга етиб, оддий ишчидан цех бошлиғи ўринбосарлигига кўтарилган Носир Бобоев ана шу ихтирочиларнинг бири.

*Февраль, 1949 йил*

## УЛҒАЙИШ

### Орзулар

Тун ярмидан оққан. Неча юз минг кишини ўз бағрига босган шаҳар ширин уйқуда. Аҳён-аҳёнда трамвай паркидан вагонларнинг юргани эшитилади. Кўчадан ҳар замонда бир ўтиб қолган автомашинанинг муўюлишдан қайилишдаги шишиллаган овози, худди юзма-юз ёпишган терини кўчиргандек қулоққа чалинади. Ҳамма ёқ пашша учса сезилгудек жимжит. Кундузлари кенг асфальт кўчаларда юзлаб автомашиналар, трамвай, йўловчилар қатнаб турганда шовқин орасида ҳатто уларнинг товушини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ҳозир бўлса кўчада аста-секин келаётган кишининг қадам ташлашини ҳам узоқдан туриб бемалол эшитиш мумкин. Ҳашаматли биноларда чироқлар ўчган. Онда-сонда пастки ёки юқориги қаватда оқ, кўк, қизил, пушти рангли электр ёруғи деразадан кўзга ташланади.

Ким билсин? Туни бўйи мижжа қоқмай ўтирган инженер кўк абажур тагида чертёжига тикилиб, ўз ихтиросининг сўнгги ишларини тамомлаётгандир. Она ширин уйқусидан туриб, мурғак чақалоғини бағрига босганича, унинг нишиллаб эмишига термилаётгандир. Езувчи қайси сатр устида фикр юритаётиру, рассом қай хилдаги нафис газлама учун қандай гулни чизаётир. Кўплар ўз постида — корхонада ёки муассасада тунги навбатчилик вазифасини ўтамоқда. Булар орасида қоровулдан тортиб, профессоргача, инженердан тортиб, ишчигача — ҳамма касбдаги кишиларни учратиш мумкин.

Баҳайбат бинонинг учинчи қаватидаги иккита деразадан кўчага ёруғ тушиб турипти. Тунги шабада гоҳ-гоҳ деразанинг очик табақалари билан ўйнашиб қўяди, ҳар замонда, ичкарида ўтирган қизнинг «Эшитаман», «Москва», «Алло» деган сўзларини ташқарига олиб чиқади.

Катта хона бир-бирига улашиб кетган симлар кўзни қамаштирадиган даражада кўп винтли хилма-хил аппаратлар билан ускуналанган. Аппарат ёнида майда ўрим сочларини чамбарак қилқиб, унинг устидан қулогига телефон трубкиси кийиб, ёшгина қиз — Башорат ўтирипти. У аппаратга тикилганича аллақандай тешикчаларга узун-узун шнурли сим учидаги папирос донасидек сариқ симни тикади, яна олиб ташлайди. Гоҳ кўп қийналади, яхши эшитмайди, унга зарур бўлган станция банд бўлади. Башорат бўлса ўша станциянинг номини айтиб, чақиргани-чақирган. Иттифоқимизнинг юраги — Москва ёки Ленинград, хулласи, мамлакатнинг қайси бурчагига темир йўл борган бўлса ўша станция билан алоқа боғлайди.

Башорат — кечагина шогирд бўлиб юрган ёшгина қиз — бугун ана шундай мураккаб вазифани адо этмоқда. Тонг отиши яқинлашаётир. Аммо унинг уйқуси келмайди. Назарида ҳозир бутун мамлакатда ҳамма ўз постида ишлаётгандай...

Башорат қулоғидаги трубкини олиб, аппарат ёнига қўйди-да, секин ўридан турди. Дераза яқинига бориб кўчага қаради. Салқин шабада юзларига урилганда, худди эрталаб совуқ сув билан ювингандай бўлди. Ҳамма ёқ тинч. У, осмондаги чарақлаб турган юлдузларга боқди, Шу турганича бундан бир неча минут муқаддам Москва, Куйбишев, Фрунзе ва яна аллақандай шаҳарлар билан сўзлашгани эсига тушди. Ширин хаёлга чўмди.

— Йигитга етмиш ҳунар оз дейишади. Қизларга-чи? Улардан қаеримиз кам. Шундай қобилиятга эга бўлсамки, ҳамма ҳунарни билсам. Учувчи бўлсам-да, ана шу юлдузларча баландга парвоз қилсам, бинокор бўлсаму, мана бунақанги катта-катта биноларни қурсам, машинист бўлсанг-да узоқ-узоқ шаҳарларга йўловчилар ташисанг, шунақанги ойдин кечаларда локомотивнинг юриши роса завқли бўлса керак...

Шу пайт аппаратдан сигнал эшитилди. Хаёли бў-

линган Башорат шошилиб трубкани олди, эшита бошлади.

— Алло, алло, мен ёмон эшитаётирман, Куйбишев, алло, мен ёмон эшитаётирман...

— Ҳа, энди дуруст. Надя, ийе, сенмисан, салом.

— Салом, ҳа, нима қиляпсан, уйқунг келди шекилли-а?

— Йўқ, уйқу келади дейсанми. Аҳволинг яхшими, нега чақирмай қўйдинг?

— Мени икки сафар бошқа сменага қўйишган эди.

— Қани гапир, нима янгиликлар бор?

— Ҳеч қандай янгилик йўқ. Мен сени табриклаб қўйай дедим.

— Нима билан, ҳали табрикларга арзийдиган...

— Узингни соддаликка солма, Башорат, эртага сакрар эмишсан-ку.

— Ҳа, шунинг учунми, аввал сакрайин, кейин табрикларсан.

— Нега бугун ишляяпсан, Башорат? Ахир дам олишинг керак эди-ку.

— Тўғри, Надя, комсомол комитетининг секретари ҳам кўп айтди. Аммо дам олишга рози бўлмадим. Нима, сакрайман деб, ҳамма ёққа доврқ соламанми.

— Бу қилганинг яхши-я, аммо дам олганинг маъқул эди-да, ўртоқжон.

— Надя, биласанми, алло, Надя, алло, алло... Оббо... бирпасгина гапиришгани ҳам қўймайди-я.

Башорат кўп унади. Аммо алоқа боғдай олмади. Суҳбат ширин жойига келганда узилиб қолганидан бир оз хафа бўлди. «Йўлдаги станциялардан бири узиб қўйганга ўхшайди,— худди бировга гапираётгандай ўзича сўзлай бошлади Башорат,— ахир шундай бўлиши мумкин-ку, иккимизнинг ҳар қандай зарур суҳбатимиз ҳам давлат ишидан, айтиқса, йўл ишидан муҳим эмас-ку, роса ақлли қиз-да, шартта ўзи узди қўйди».

Башорат иккинчи сигналга жавоб қайтарди, темир йўл бошқармасига Москвани тўғрилади. Яна Надя эсига тушди. Ҳа, фақат эсига тушди, ўртоғининг хоҳлаб кулишлари, қизиқ-қизиқ ҳазиллари қулоғи остида жаранглаб кетди. Аммо одатда бўладиганидек, унинг юзлари, кулгичлари, қоматини кўз олдига келтиролмади. Негаки, шунча вақт дўст тутиниб, ҳатто сирдош

бўлиб бирон марта юзма-юз кўришган эмасдир. Икки дугона вақт-вақт бир-бировларига совға-салом юборишиб туришади, ҳар смена тўғри келганда гаплашиб, уй ичидагиларнинг ҳол-аҳволларини ҳам сўрашади-ю, фақат бир-бирлари билан бақамти келишолмайди. Бу табиий бир ҳол. Алоқа хизмати, айниқса, шаҳарлараро телефон станциясининг ходимлари орасида бундай ғойибона дўстларни кўплаб учратиш мумкин.

Башорат Надяни эслади. «Қизиқ,— ўйлади у,— менинг бугун сакрашимни қаёқдан эшитибди-я, шунини сўрамабман» деб турганда, яна сигнал эшитилиб қолди.

— Алло, алло, ҳа, Надя, нима бўлди?

— Кечир, ўртоқжон, ўзим уздим, бошқа станция зарур бўлиб қолди.

— Мен ҳам худди шундай деб ўйлаган эдим. Айтгандай, Надя, менинг сакрашимни қаёқдан эшитдинг?

— Ийе, нега эшитмайин, сен айтмасанг, билиб олиш қийинми. Ҳа, Башорат, нима демоқчи эдинг, гапинг ярим қолиб эди.

— Нима дер эдим, зериккандаги хаёллардан гапириб бермоқчи эдим-да, алло, Надя мени кечир бир минут,— деди-ю, бошқа сигналга жавоб бериб сўзини давом эттирди.

— Эшитяпсанми Надя, боя сен чақиритингдан аввал деразадан кўчага қараб, жуда ҳавасим келди. Ҳаво тўла юлдуз, ой чарақлаб турипти. Кўчада ҳеч ким йўқ, тинч.

— Ҳа, шунақанги кечаларда севган йигитинг билан сайр қилиб юрсанг демоқчимисан.

— Шошмасанг-чи, Надя, дарров шу томонга бура-сан-да. Мен бошқа нарсани демоқчи эдим, эсимдан ҳам чиқариб юбординг.

— Ёқмай ўлсин-а, ҳа, гапир.

— Фақат телефон аппарати ёнида ўтиравермасанг-да, ҳар хил ҳунарни билсанг, ҳавога учсанг, локомотив ҳайдасанг, инженер бўлиб, янги-янги машиналар ўйлаб чиқарсанг-а, Надя, нима дейсан?

— Ҳеч нарса демайман. Фақат бу орзуларингни табриклайман. Шунини билки, ҳаммасини ҳам қила олишинг мумкин. Ахир комсомол бизни ана шундай бўлишга тарбиялаётир-ку.

— Тўғри айтасан. Надя, ўйлаб турсам ариқдан сак-



рагани қўрқар эдим, энди қарабсанки, баланд вишкалардан парашют билан бемалол сакраётirman.

— Башорат, сенинг бу гапларингни эшитиб Тошкентга учиб боргим келади. Қани энди, эртага сакраганингни ҳам ўз кўзим билан кўрсам. Энди, то сенинг сакраганингни эшитмагунимча уйқум келмайди.

— Надя, сакраб бўлганимдан кейин, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам телефонда хабар қиламан.

— Шундай қил, ўртоқжон, хайр, ҳавода дадил бўл!!!

— Хайр.

### Осмон бўсағасида

Август қуёши еру кўкни қиздирмоқда. Эрталаб мовий осмон юзида сузишган булутлар қуёш ҳароратига бардош беролмагандай ғойиб бўлган. Ҳар замонда эсиб ўтувчи енгил шамол кишига роҳат бахш этади, юзлардаги тер маржонларини учуриб ўтади... Қуёш ҳарорати яна авжга минади.

Аэродром тобора одамлар билан тўлмоқда. Кетмакет келиб турган трамвай, машиналардан тушаётган кишилар оқими ичкарига қараб бормоқда. Ҳамманинг кўзи осмонда. Бировлар соявон тагида, бировлар қўлларини пешаналарига қўйиб, ёхуд рўмолчаларини тугиб, осмонга, қуёш тигида, ўқдек учиб келаётган аэропланга тикилган.

Иккита шўнғувчи аэроплан навбатма-навбат тумшуғи билан пастга отилади, сўнг яна кўтарилади. Унинг кетидан тез учар аэропланлар ҳавога кўтарилди. Уларнинг аэродром атрофида ўқдек учиб ўтганини кўз илғамай қолади. Жасур учувчилар ҳавода ўз маҳоратларини намоён қилиб бўлгач, осмонда бошқа бир аэроплан пайдо бўлди. У аэродромнинг ўртасидан узоқлашмай, юқорига кўтарилди бошлади. Радиодан дикторнинг «Аэроплан етти юз метр баландликка кўтарилди» деган овози эшитилди. Ҳамма диққат билан осмонга тикилди. Шу пайт аэропланнинг қанотлари орасидан коптокдек бир нарса учиб чиқди: кўз очиб юмгунча дақиқа ҳам ўтмай ҳавода, қуёш шуъласида ранго-ранг товланган қубба — парашют пайдо бўлди. Парашют тасмалари билан боғланган бир киши аста-секин пастлашмоқда.

Аэродромда бирдан шовқин-сурон кўтарилди. Бир гуруҳ кишилар парашютчи тушган томонга чошиб

кетишди. Улар авиация байрамида парашют билан сакрашни биринчи бўлиб бошлаб берган азаматни табриклаш учун шошилишарди.

Мовий, қизил, оч пушти ранг шойидан ясалган парашютнинг ярми ерда, ярмини шамол учуриб, қилпиллатиб турипти. Тасмаларини ечаётган парашютчинини ўртоқлари, қизлар, қариялар ўраб олиб, қучоқлаб кўриша кетишди. Кўпчилик унинг эркак ёки аёл эканини ҳам ажрата олмасди.

— Балли-е, зап азамат йигит эканми, юрагига қойилман, — деди ўрта ёшлардаги бир киши.

— Ййе, кўриб айтяпсизми, — деб гапга аралашди иккинчиси, — ахир ёшгина қиз-ку.

Парашютчининг ким эканини билмай турганлар, чарм қулоқчинини ечгандан сўнг елкасига тушган икки ўрим сочини кўриб, ҳайрон қолишди. Бу қиз — кеча туни билан телефон аппарати ёнида ўтирган Башорат эди. Қўлидаги гулдасталар унинг юзини беркитиб юборган. Кўпчилик Башоратни кўришга шошилар, аммо севинчдан ҳўнграб йиғлай бошлаган кампир онаси қучоғидан қўймас эди.

Қўллариди гулдасталар ушлаган ўртоқлари Башоратни ўртага олиб, машина томонга юришди. Башорат онаси, комсомол комитетининг секретари билан бир машинага ўтиришди. Она эндигина ўзини босиб олган, аммо икки кўзини қизидан олмай унга тикилар эди. Машина юрганидан сўнг, секин қизининг қулоғига пичирлаб қўйди:

— Башоратхон, мен сени яна қайта туққандайман, ўвним ўргилай, кел яна бир ўпай, — деди-ю, Башоратнинг пешанасидан ўпди. Ҳозиргача индамай ўтирган комсомол комитетининг секретари кулиб қўйди.

— Кампир, ҳар қанча ўпсангиз, эркалатсангиз арзийди. Ўзбек қизлари ичида биринчи бўлиб парашютта сакрашни бошлаб берди-я, кичкина гап эмас.

— Тўғри айтасиз, болам, қизимни шунчалик довжурок, эпчил қилиб тарбиялаган ҳукуматга, комсомолга раҳмат.

— Энди сизни, — деди комсомол комитети секретари, — осмон қизи деб атасак ҳам бўлади.

— Қўйсангиз-чи, — деди Башорат, — ҳали менга нима бўлипти, бир марта сакраш билан дарров уста бўлиб қолиманми?

— Ҳа, худди шундай бўласиз. Уста парашютчи, моҳир учувчи бўласиз, Башоратхон. Шунга айтиб қўяй-ки, яна бир неча кундан кейин сизни Москвага жўна-тишмоқчи.

Кампир ялт этиб қизига қараб, тушунолмаётган турган эди. Башорат сениниб гапга бошлади:

— Москвага, улуғ Москвага борганим бўлсин.

### Отанинг ҳикояси

Башорат бошқарма эшигидан чиқиб келаятганида скамейкада ўтирган Абдукарим ота уни тўхтатди:

— Ҳой, қизим, шонмай тур, сенга хат бор эди,— деб тумбочканинг тортмасини титкилай бошлади. Қи-зил конвертни олиб, Башоратга узатди.

— Мени кечир, қизим,— деди Абдукарим ота,— эр-талабдан бери фурсат топиб олдингга олиб чиқиб бе-ролмадим.

— Ҳечқиси йўқ, отахон, раҳмат,— деди хатни оча туриб Башорат,— биз сизнинг хизматингизни қилиш ўрнига, сиз овора бўласизми.

— Овора эмас, бу менинг вазифам, иккиламчиси шуки, сен учун ҳар қанча хизмат қилсак арзийди, қи-зим,— деди Абдукарим ота ва тик турганича хатнинг дастлабки сатрларини ўқиб, лабда табассум пайдо бўлган Башоратга стулни кўрсатди.

— Ишинг зарур бўлмаса, ўтир қизим, шонмай, хатингни ўқиб ол.

Башорат отага раҳмат дегандай бош силкиди-ю, стулга ўтирди. Абдукарим отанинг ўзи бўлса Башорат-га сездирмаслик учун скамейканинг нариги томонига ўтириб, кўз қири билан уни кузатиб турди. Бировнинг кўнглини биров қаёқдан билди дейсиз. Кексайиб қолган одам. Башоратни бўлса ана шу ерда ишлай бошлагандан буён билди. Ҳар куни бир неча марта учрашади. Эҳтимол, бефарзанддир, шунинг учун одоб-ли, идрокли бу қизга ҳаваси келар. Ёхуд ўғли бордир, келинликка мўлжаллар. Кексайганда ана шундай ор-зулар бўлади-ку, ахир. Ҳар қалай, отанинг Башоратга бу қадар суқланиб тикилиши бежиз эмас.

Башорат хатни ўқиб бўлиб, икки буклади-да, сум-касига солаётганида ота сўраб қолди.

— Яхшилик хабарми, қизим? Қаердан экан бу хат?

— Хат Москвадан, отахон, ҳа, айтгандай Абдукарим ота, анави бизнинг бўлимдаги Аняни кўрмадингизми, чиқмадимми?

— Йўқ қизим, ҳали чиққани йўқ. Хат Москвадан дедингми, киминг бор у ерда?

— Кимим бўларди, мамлакатдаги комсомоллар ҳаммаси менинг ўртоғим.

— Барака топ қизим, ана шу гапингни ўзи пешанангни ялтиратади. Ҳамма вақт кўп билан биргаман десанг, асло кам бўлмайсан болам, мен шунчаки сўрадим-да, бирон қариндошинг борми деб.

Башорат ўрнидан турди, отанинг рухсати билан телефон трубкасини олиб, Аняни чақирди, тезроқ чиқишини айтиб, яна стулга ўтирди.

— Бу хат,— деди у,— Москвадан, атоқли учувчи, парашют спортининг мастери Нина Камневадан.

— Ҳа, бундай дегин. У ҳам сенга ўхшаб парашютда сакрашга эпчилми?

Башорат кулди.

— Эпчил бўлганда қандай, ота,— деди у,— ахир у мастер-ку. Утган йили мен Москвага бориб, ўқиганимда Камнева отпускада экан. Мен у киши билан кўриша олмаган эдим. Буни қаранг. Дунёда не-не яхши одамлар бор-а, мен ўзи билан кўришмаган бўлсам ҳам шунча киши кўп бўлишига, мени танимаганлигига қарамай хат ёзиб юборипти-я.

— Нима дединг, қизим, мени танимайди дедингми? Сени бугун Ўзбекистон таниса-ку, наҳотки, у танимаса, нима бўлса ҳам москвали-да, рус қизи-да. Бунда гап кўп, болам. Рус халқи, Москва бўлмаганда, сен ҳозир паранжида юрадинг.

— Тўғри айтасиз, ота. Камневанинг ўзи ҳам шундай деб ёзипти. Ўзбек қизлари ўртасида депти, биринчи бўлиб парашютда сакраган экансан, эндиликда Москвада олган таълимингни бошқаларга ўргат, Ўзбекистонда парашют спортини ривожлантиришда қўлингдан келганини аяма. Комсомолнинг вазифаси ана шу депти. Ҳали сиз айтганингиздай жон куйдиришини қаранг-а?

Башорат шу гапларни айтиб соатига қараган эди, Абдукарим ота яна сўраб қолди.

— Афтидан бир ёққа шошилаётганга ўхшайсан-а, қизим, аксига ўртоғинг ҳам ҳадеганда чиқавермади.

— Ҳа, шундай, Михаил Герасимович чақирган эканлар, зарари йўқ, ҳали вақт бор, бемалол етиб бораман.

— Михаил Герасимовичми?— ажабланиб сўради Абдукарим ота. — У ҳозир қаерда ишлаяпти?

— Комсомол Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлаётирлар. Сиз у кишини танийсизми, ота?

— Ҳа, ией, таниганда қандай, шу ерда политотделда ҳам кўп ишлади-ку, нега танимай, ўзи кўп ақлли, камтар, ишбилармон йигит-да, барака топкур. Бақамти келсанг мендан салом айтиб қўй.

— Абдукарим ота дейман, демак, сиз темир йўлда анчадан бери ишлар экансиз-да.

— Ҳа, қизим, ўттиз етти йил бўлди.

— Ийе, инқилобдан илгари ҳам ишлагансизми?

— Ҳа, шундай. Аммо у ёғини суриштирама, қизим, эсимга тушса, хўрлигим келади.

— Нега хўрлигингиз келади, ота. У вақтларда темир йўл қандай эди, айтиб берсангиз-чи?

Абдукарим ота бир оёғини скамейкага кўтариб, дўписини тиззасига қўйди. Башоратнинг қистови билан темир йўл станциясида ишлаган даврини ҳикоя қила бошлади:

— Мен ўша вақтда вокзалда ҳаммол бўлиб ишлар эдим. Тонг қоронғисига кетиб, уйга тунда қайтардим. Ишлаб топганим турмушимизга етмас эди. Ҳаммаси ҳам майли-я, вокзалда ишлайдиган учта ўзбекни бошлиғимиз худди маҳбуслардек ишлатганига асло чидаб бўлмасди. Ахир бизларга ишонмай, поездга яқин йўлатмас эди-да. Бир кун жуда жонимга тегди. Станция бошлиғи олдига бошқа иш бер ёки бўшат деб кираман десам, ўзим билан гапиришишдан ҳазар қилиб, хизматчисидан «Бошқа ишга қўймаймиз, чунки ўзбекнинг поездда ишлашга ақли етмайди» деб жавоб чиқарипти.

Башорат ҳайрон бўлди, отага жуда ачинди, яна сўрай бошлади:

— Ўша вақтда темир йўлда аёллар ҳам ишлармиди?

— Болам, зап қизиқ гапни айтасан-да, аёллар қаёқда. Ўзбек аёллари у вақтда поезднинг нима эканини ҳам билмас эдилар. Бир кун шундай воқеа бўлди. Бир жувон боласини йўқотиб, шаҳар кўчаларини обдан қидирибди, охири вокзалга келиб, у ердан ҳам тополма-

гач, азбаройи чарчаганидан, вокзалнинг ташқарисид-  
ги зинапояда бир нафас дам олмоқчи бўлипти. Шунда  
станция навбатчиси келипти-ю, ҳалиги аёлни турга-  
зиб, ерни қатрон қилдирипти. Шуни ўйласам хўрлигим  
келади. Бечора аёлнинг нима гуноҳи бор эди?

Башорат жуда ҳам ачинди. Аммо нима дейишини  
билмас эди. Абдукарим ота яна қўшимча қилиб  
қўйди:

— Ана шунинг учун айтаманки, сизлар бахтлисиз-  
лар, болам, мана мендақалар ҳам қариган чоғимизда  
энди роҳат кўраётирмиз. Совет ҳукумати бўлмаганда  
шунчалик довруқ чиқариш сенга қаёқда эди-ю, роҳатда  
бўлиш менга қаёқда эди.

Паровоз машинисти бўлиш орзуси билан юрган Ба-  
шоратнинг кўз олдидан ҳозирги темир йўл станцияси,  
баҳайбат паровозлар, қатор тизилган вагонлар бирма-  
бир ўтди.

...Қоронғи тун. Паровоз зарур юк ортилган сос-  
тавни тезроқ маъзилга етказиш учун шошилмоқда.  
Паровоз пешанасидаги катта карнайдан чиқаётган олов  
учқунлари аралаш қуюқ тутун кенг саҳрода ҳавога  
қўтарилмоқда. Мана поезд станцияга кириб келаётир.  
Унинг тезлиги ҳамон бирдек, станцияда тўхташ учун  
фурсат йўқ. Башорат паровоз эшигидан бошини чиқа-  
риб, олдинга қаради. Семофор очиқ, ўз маркаси тир-  
калган темир ҳалқани бир чеккасидан ушлаб, зинанинг  
охирги поғонасига тушди. Ҳамон ўқдек учиб бораётган  
поезд станцияга кириб келди. Ун метрча нарида қўли-  
да фонарь ушлаб турган станция навбатчиси кўриниши  
билан Башорат қўлидаги темир ҳалқани ерга ташлади  
ва кўз очиб юмгунча навбатчи қўлидаги ҳалқани олиб,  
орқасига бир қараб қўйди...

Ҳар хил касбнинг ҳам ўзига хос завқи бўлганидек  
кўпчилик машинистлар ҳам ана шу ҳалқани айрибош-  
лаш пайтини жуда завқланиб ҳикоя қилишади. Ҳозир  
Абдукарим отанинг қайгули ҳикоясидан сўнг бир на-  
фас ўйга толган Башоратнинг ҳам хаёлида юқоридаги  
манзара ярқиради-ю:

— Қачон ҳақиқатга айланар экан бу хаёл,— деган  
фикр кўнглидан ўтди.

Ичкаридан Аня чиқиб қолди. Башорат ўрнидан ту-  
риб, ота билан хайрлашди-да, ўртоғи билан ташқарига  
чиқди.

Абдукарим ота дарвоза ёнига бориб, Башоратнинг орқасидан узоқ тикилиб қолди. Шу турганича худди бироега гапираётгандек, «Балли-е, отангга раҳмат, комсомолларнинг ўртасида энг олдингиси, ишда бўлса ҳамма мақтагани-мақтаган, парашютчи бўлиб, бутун республикага донғи кетди-ю, камтарлигини қара» деб, ўзича пичирлаб қўйди.

### У албатта машинист бўлади

Кабинет эшиги очилиб, Башорат кириб келди. Устига кўк мовут тўшалган узун столнинг тўрида ўтирган ўрта бўйли, жингалак сочли йигит Башоратни кўриши билан ўрнидан туриб, кабинетнинг ярмига келди.

— Салом, Михаил Герасимович,— дея қўл узатди Башорат.

— Келинг, Башоратхон, чақиртирмасак ўзингиз келай ҳам демайсиз.

Башорат индамади. «Иш кўп» деб жавоб қилмоқчи бўлди-ю, ботинолмади. Бир нафас жимликдан сўнг Михаил Герасимович сўрай бошлади:

— Қани эшитайлик, ишлар қалай?

— Ёмон эмас, Михаил Герасимович.

— Ҳа, ўртача демоқчимисиз... Комсомолнинг марраси ўртача эмас-ку?

Башорат нима дейишини билмай қолди. Камтарлик билан берган жавоби Михаил Герасимовичга ёқмадими ёки бошқа сир борми? Ҳар қалай у тушунолмади. Михаил Герасимович ўрнидан туриб, Башоратнинг ёнига келиб ўтирди.

— Мен айтганимда ишонмаган, ҳатто қўрқоқлик қилган эдингиз. Мана энди парашютчи, моҳир учувчи бўлиб ҳам олдингиз. Аммо комсомол ўз ичидан битта-иккита Башоратни етиштириб, у билан қаноатланиб қолмайди. Комсомол Башоратлар сафини юзлаб, минглаб кўпайтириши керак. Буни тушунасизми?

— Тўғри,— деди Башорат дадиллик билан,— яна ўн беш кундан кейин, Михаил Герасимович, мен ўргатаётган қизлардан ўн иккитаси парашют билан аэропландан сакрайди, бу тантанада иштирок этишингизни илтимос қиламиз. Менинг бу ваъдам қатъий.

Михаил Герасимович дастлаб ишонмагандай бўлди.

«Кечагина ўргата бошлаган эди, наҳотки қисқа муддатда...» деб кўнглидан ўтказди.

— Раҳмат,— деди у Башоратнинг елкасига қоқиб.— Ленин комсомоли номига яраша иш қилган бўласиз.

Михаил Герасимович шу гапни айтди-ю, хурсандлигини юрагига сиғдиролмай Башоратга тикилиб қолди. Башорат стол устида турган напирос қутиси билан гугуртни ўйнаганича жим турарди.

Михаил Герасимович Башорат парашютчилар курсини битиргандан сўнг у билан фақат бир марта суҳбатлашган эди. Ана шу суҳбатда у, Башоратга «сиз ўзбек хотин-қизлари учун биринчи бўлиб ҳаво йўлини очиб бердингиз, эндиликда уларни ўзингиз ҳавога бошлаб чиқишингиз керак», деган эди. Уша суҳбатдан кейин Башорат Москвага бориб келди. Тошкентга қайтгач, аэро клуб бошлиғига «агар мен ўддасидан чиқолсам, парашютчиликдаги тажрибамни ўртоқларимга ўргатаман» деб ваъда берди. Мана ҳозир у ўзбек хотин-қизларидан ўн икки кишини парашют спортига ўргатди. Аммо бу ҳақда ҳозиргача ҳеч кимга айтмай юрган эди. Ўзича бу «сир»ни Михаил Герасимович ҳам билмаслигини истар эди. Аммо қандай қилиб у билмасин. Бу мумкин эмас. Михаил Герасимович бунга яхши биладику-я, фақат Башоратнинг шу қадар қисқа муддатда парашютчилар тайёрлаб чиқаришига кўзи етмас эди. У ҳозир эшитиб жуда хурсанд бўлди.

Михаил Герасимович ўз столи томонга ўтди. Тортмадан аллақандай бир қоғозни олиб, стол устига қўйди-да, Башоратга қаради:

— Мен сизни муҳим бир иш билан йўқлатган эдим, билмадим...

Башорат ҳайрон бўлди. Кўзларини катта очиб, унга тикилди:

— Михаил Герасимович, айтинг, нима иш. Мен комсомолман, комсомоллар учун ҳеч қандай оғир иш писанд эмас!

— Мана,— деди Михаил Герасимович тортмадан олган хатини Башоратга узатиб,— ўқиб кўринг-чи.

Башорат хатни олиб кўз югуртига бошлаган эди, Михаил Герасимович ер остидан унга тикилиб турди. Башорат хатнинг охиригига келганда, ўзича кулиб қўйди.



— Москваликлар,— деди у,— ҳамма вақт бизга йўл кўрсатиб келадилар. Пойтахт хотин-қизларининг паровозда ишлашга ўтиш ҳақидаги бу ташаббуси мени жуда қувонтирди, қани энди...

— Хўш, нега тўхтаб қолдингиз?— сўради Михаил Герасимович,— энди... нима демоқчи эдингиз?

— Очигини айтсам, мен локомотивда ишлашни ёшликдан орзу қилардим. Агар ёшсан дейишмаса-ку, жон-жон деб ўқирдим-а.

— Агар истасангиз ўқишингиз мумкин. Шу ерда, Тошкентнинг ўзида машинист ёрдамчилари курси очилаётир.

Башоратнинг кўзлари чақнаб кетгандай бўлди. Севинганидан гап тополмай қолди. Михаил Герасимович яна сўради.

— Демак, розисиз, шундайми?

— Шундай.

— Бўлмаса тайёрланинг, яна бир ойдан кейин ўқишни бошлайсиз.

Башорат самимий миннатдорчилик билдириб ташқари чиқди. Унинг кетидан кузатиб қолган Михаил Герасимович ўзича гапириб қўйди.

— Бу қиз албатта машинист бўлади.

### Шоҳи дуррани шамол учирди

Башорат албатта машинист бўлади.

Бу гап ҳар ерда такрорланадиган бўлиб қолди. Ёш қиз машинист ёрдамчилари курсига кириб ўқий бошлаган дастлабки кунларда ўқитувчилар ҳам, депога практикага борганида машинистлар ҳам бир кўришда ана шундай дея бошладилар.

Башорат «машинист ёрдамчиси» деган диплом олиб, биринчи марта паровозда ишлай бошлаган куни қизиқ воқеа рўй берган эди...

...Қаҳратон қишнинг аччиқ совуғи баданни ачитарди. Эгнига калта пахталик, бошига тивит рўмол ўраб олган Башорат депога кириб келди. Практика вақтида танишиб олган машинистлари билан учрашди. Аммо қайси машинист қўлида иш бошлашини билмас эди. Шунда депо бошлиғининг ўзи Башоратни кабинетига олиб кирди. Унга ниҳоят дадил, зийрак бўлишини, машинистнинг буйруғини сира кечиктирмай, тезлик билан

башариш кераклиги тўғрисида анча гапирди. Эшикдан кимдир кириб келган эди, депо бошлиғи ўрнидан туриб ҳалиги киши билан кўришди ва унга Башоратни кўрсатди.

— Еугундан бошлаб сизнинг ёрдамчингиз мана шу қизча бўлади.

Башорат ўзининг бўлажак машинисти Тимофей Максимович Решетняк билан самимий кўришди ва уни ўтиришга таклиф қилди.

Орадан бир соатча ўтмади. Решетняк билан Башорат бошқариб бориши лозим бўлган ФД — 1894 паровози сафарга жўнади. Башоратга паровоз босиб ўтган дастлабки масофа жуда талати туюлди. Нима учундир қўллари келишмас, ўтхонага бир неча белкурак кўмирни ташлаб бир оз тўхтаб олар, турган жойи худди торлик қилаётгандай туюларди. Машинист буларни сезса ҳам ўзини билмасликка оларди. Паровоз анча йўл босиб ўтгач Башорат жуда исиб кетди. Дастлаб пахталик камзулини, яна бироздан кейин бошидаги тивит рўмолни ҳам ташлаб, сочини чамбарак қилиб, устидан кўк шойи дуррасини танғиб олди. Паровоз оғир юра бошлади, бир неча километр ана шу зайлда бандликка кўтарилиш керак. Машинист «лар беринг» деб команда берди. Ўзини енгил ҳис қилиб турган Башорат ўтхонага кўмир ташлай бошлади. Кучли шамол кўмир майдаларини ҳам учирмоқда. Башорат белкурак билан кетма-кет кўмир ташлади-да, чап томондаги даричадан ташқарига қараган эди, шамол бошидаги шойи дуррачани учуриб кетди, икки ўрим сочи ечилиб орқасига тушди. Башорат ялт этиб машинист ва кочегарга қаради, хайриятки ҳеч ким сезмапти. Бўлмаса анча уялар эди. Аммо машинист буни пайқаб қолган эди. У, ўзини Башоратга кўрсатмай, зўр бериб куларди. Башорат уялмасин деди шекилли, ҳеч гап айтмади. Машинист ўтхонага кўмир ташлашни бир оз тўхтатишга буюриб, ўзича гапириб қўйди.

— Бу қиз албатта уста машинист бўлади.

Орадан сал вақт ўтмай шойи дуррачанинг учиб кетиш воқеаси ҳаммага тарқалиб кетди. Башорат дастлаб уялиб, кейинчалик шу тўғрида гап очилса хафа бўлиб юрди. Мана ҳозир бўлса писанд ҳам қилмайди. Баъзан ўзи ҳам кулиб ҳикоя қилиб берадиган бўлиб қолди.

Паровоз станцияга келиб тўхтади. Башорат паровоз зинапоясидан пастга туша туриб, ўзининг биринчи машинисти Тимофей Максимовични учратди. Югуриб унинг олдига борди-да, қўлларининг қорасини артиб, у билан кўришди.

— Ҳа, ҳорма қизим, — деди Тимофей Максимович ва қобил, уддабурон шогирд тарбиялаб етиштирган устозларга хос гурур билан сўрай бошлади: — Сафаринг яхши бўлдими, қандай юк келтирдинг?

— Сўраманг, Тимофей Максимович, шамол билан бўш вагонларни келтирдик.

— Ҳа, ҳа, ҳали шундай дегин, тўғри айтасан, бу энг оғир юк, локомотивни усталик билан бошқарма-санг фалокат рўй бериши ҳеч гап эмас. Одатда шундай кучли бўронлар бўладики, шамол локомотивнинг тезлигини анча камайтиради. Агар паровоз бир неча бўш вагондан иборат составни келтираётган пайтда ана шундай бўрон бўлиб қолса, ундай ҳолда паровоз юролмай қолиш даражасигача етади. Чунки ён томондан эсган шамол бўш вагонлардан иборат узун составга худди деворга урилгандай урилади. Бундай вақтда машинистдан ҳам, унинг ёрдамчисидан ҳам ниҳоятда чаққонлик, усталик талаб этилади. Ана шунинг учун ҳам темирйўл ходимлари «шамол билан бўш вагонларни келтирдик» дейиш билан энг оғир сафардан келганликларини билдирадилар.

Башорат сўзни ҳали тамом қилмаган эди, унинг ҳозирги устози, биринчи класс машинисти Иван Сергеевич Леонидов паровоздан тушиб, тўғри Тимофей Максимович ёнига келди. У билан саломлашгач, ҳазил қила бошлади:

— Ҳа, мен ўргатган шогирд деб писанда қиларсан, оғайни, ҳеч нарсани ўргатмабсан-ку.

Башорат кулди. Икки устознинг бу суҳбатини у завқ билан тинглар эди. Тимофей Максимович ҳам касбига бўш келмади.

— Майли, Иван Сергеевич, — деди у, — агар Башорат сиз билан ишлашнинг уддасидан чиқолмаётган бўлса, ҳали ҳам ўз бригадамга оламан.

— Бригаданга оласану, аммо яна бир-иккита шўйи дуррачадан айрилади-да.

Учовлари хохолаб кулишди. Башорат буларга ҳа-лақит бермай дедими ёки паровозни топширишга тайёр-

лаш учун шошилдими, ҳар қалай, икки устоздан узр сўраб, паровоз томон кетди. Орқасидан қараб қолган Иван Сергеевич ҳамкасбининг елкасига қўлини ташлади:

— Азамат қиз-да,— деди у,— мен шунча ёрдамчиларни, аёллардан эмас, йигитлардан бир нечасини кўрдим. Аммо бунақангиси кам учрайди. Эсингда борми, Тимофей? У менинг бригадамга ўтаётганида ҳатто назарим илмай, сендан сўраган ҳам эдим, ҳозир ана шундай мулоҳазага борганим учун ўзимдан ўзим уяламан.

— Нимасини айтасиз, азаматлигини қўйинг-а, эпчил, бир айтган ё кўрсатган нарсани дарров уқиб олганини айтмайсизми.

— Мана шу сафарда жуда қийналдим,— деди Иван Сергеевич,— бунақанги шамол камдан-кам бўлса керак, аксига юриб бўш составни келтираётганимни айтмайсанми. Бу қизи тушмагур шундай ишладики, ақлинг бовар қилмайди, ўзи ҳам роса чарчади. Шунга қарамай юришини кўр, ҳеч нарса кўрмагандай.

— Айтгандай,— деди Тимофей Максимович,— машинистлар курсига бормоқчи эди, нима бўлди?

— Мен ҳам ҳайронман, Тимофей, бир томондан ўзимнинг қизимдек ўрганиб қолдим, иккинчиси шуки, ҳали босиб ўтган масофаси нормага тўғри келмайди-ку.

— Зарари йўқ. Иван Сергеевич, юборинг, ўқиб келсин.

Шу топда Башорат келиб Иван Сергеевичга паровозни топширишга тайёр қилганини айтди. Иван Сергеевич ҳамкасби билан хайрлашиб паровоз томонга кетди.

### Дугоналарнинг учрашуви

1943 йил, апрель. Йил ўн икки ой — тўрт фаслнинг ҳар бирида ўзига хос салобат, мазмун ва чирой билан безанувчи, хушчақчақ Москва шу кунларда одатдагидан ташқари оғир, басавлат, янада қудратлироқ кўринадди. У душманга нафрат қиличини яланғочлаб, жанговар постда инсоният бахтига посбон бўлиб турипти. Унинг ҳар бир биноси, кўчаси ҳам, метроси, театри ҳам, ери ҳам, осмони ҳам, хулласи ҳаммаси шинель кийиб, фронтга хизмат этмоқда.

Шундай бўлиши табиий. Чунки бу большевиклар шаҳри, ўз сўзли, ҳақ ишли совет кишиларининг шаҳри. Яна аниқроғи, икки юз миллионли озод, бахтиёрлар шаҳри, уларнинг паноҳгоҳи, совет ватанининг юраги бу. Большевиклар, совет кишилари бошларига энг оғир мушкул тушганда ҳам дарду алам чекишни билмайдилар. Улар ўзларини тетик, бардам тутадилар. Бас, шундай экан, большевиклар Москваси ҳозир ўз халқи билан бирга нафас олмоқда.

Кеч қоронғиси тушди. Шаҳарда ҳаракат тинмайди. Фақат тинч вақтдагидек ёруғ эмас. Кўчаларда, биноларнинг деразаларидан, трамвай вагонларидан яшил ранг чироқлар кўзга ташланади. Башорат меҳмонхона биносидан чиқиб, тўғрига қараб юрди. Йўлда кетар экан, шаҳарнинг тинч вақтдаги манзараси, айниқса, тунги пайтда машъалдек ёниб туриши кўз олдига келди. Ўзича оғир хўрсиниб қўйди.

— Москва... — Башорат худди бировга гапирётгандек сўзлаш бошлади, — сенинг мана шу бир дақиқа чироқ ёқмай ўтказган умринг учун ҳам душмандан ўч олиш керак. Шундай бўлади. Сенинг битта чироқининг вақтинча ёнмай қолишига сабабчи бўлган душманни умрбод қоронғига ташлаймиз. Бу муқаррар.

Башорат тўрт қаватли бинонинг дарвозаси ёнида тўхтади. Бу — ҳарбий госпиталь эди. Сумкасидан аллақандай қоғозни чиқариб, кўк чироқ ёруғида адресни ўқиди. Госпитални тўғри топиб келганига ишонгач, пропуск бюросидаги қизга мурожаат қилди.

— Кечирасиз, Архипова фамилияли аёл шу ерда даволаняптими?

— Ҳозир текшириб кўрамиз, — деди пропуск бюросидаги қиз ва катта дафтарни олиб қарай бошлади, — унвонини биласизми?

— Унвони, — деди Башорат, — паровоз машинисти.

Пропуск бюросидаги қиз паровоз машинисти Архипованинг шу ерда, 2-корпус, 3-палатада даволанаётганини айтди-ю, аммо унинг олдига киришга рухсат бермади. Башорат бир оз хаёл суриб қолди. Қайтиб кетишни ҳам кўзлади. Аммо шу бугуноқ кўрмаса уйқуси келмаслиги турган гап. Нима қилиш, қандай ваз топиш керакки, ичкарига киришга рухсат берсинлар. Башорат пропуск бюросидаги қизнинг ижозати билан телефон трубкасини олиб, навбатчи врачни

чақирди. У билан ҳам узоқ гаплашди. Аммо натижа чиқмади. Охири навбатчи врачнинг ўзи ташқарига, пропуск бюросига чиқди. Башорат дастлаб ўзини таниди. Москвага зарур иш билан жуда қисқа муддатга келганини айтгач, навбатчи врач сал бўшашди.

— Аслида-ку, — деди у Башоратга, — сира мумкин эмас-а, лекин қондани бузсак ҳам сизнинг илтимосингизни қондиришга тўғри келади.

Башорат севиниб кетди. Пропуск олиб, юқори қаватга кўтарилди. Навбатчи ҳамширадан халат олиб, елкасига ташлади-да, тўғри 3-палатага кириб борди.

Учта аёл. Буларнинг бири бошини бинт билан тангиб олган, китоб ўқиб ётибди, қолган иккиси уйқуда. Башорат буларни тинимаса ҳам салом берди. Шу пайт дераза тагидаги каравотда девор томонга қараб ёнбошлаб ётган аёл бегона кишининг товушига бошини ўгириб қарамоқчи бўлган эди, Башорат уни таниди. Шошиб қолганидан нима дейишини билмай каравотга ташланди.

— Надя! — у шу сўзни айтди-ю, Надяни қучоқлаганича йиғлаб юборди. Уйқудаги аёл уйғониб кетди, китоб ўқиб ётган жувон бўлса, бошини кўтариб, ўтириб олди. Икки дугона анчагача бир-бировларига гапиролмай кўз ёши қилишди. Надя дастлаб, палатада ётган икки аёлдан уларни бетинч қилгани учун узр сўради, сўнг Башоратни таништирди.

— Буни қара, Башорат, — деди у, — кеча кечқурун гапдан-гап чиқиб, мен сенинг ҳақингда буларга ҳикоя қилиб берган эдим. Бугун кўришар эканмиз.

Башорат индамади. У палатага кириши биланоқ ўзини бошқача ҳис қила бошлаган эди. Ҳозир ҳатто айтмоқчи бўлган гапини ҳам унутаязди. «Булардан менинг қаерим кам. Ватанимиз, халқимиз озодлиги учун майиб бўлганлар, фронтда жанг қилаётганлар «Башорат сен нима қилаётирсан» деб сўрамайдиларми деган хаёл ҳозир, мана бу ярадорларни кўргач, яна авж ола бошлади. Худди ҳозир унга биров «сен юраксизсан, фронтда жанг қилолмайсан» деяётгандай бўларди. Башорат бу ҳолатни сездирмаслик учун каравотга тушган халатни олиб елкасига ташлади, Надя сўради:

— Башоратхон, ўртоқжон, қани, гапир, сен бу ерга қандай келиб қолдинг, тинчликми, кампингнинг саломатми?

— Ҳаммаси жойида, ташвишланма, мен бўлсам иш билан келдим. Кеча сен ўйлаган найтингда Тошкентда эдим. Мана келганимга бор-йўғи бир ярим соат бўлди.

— Аэропланда келдингми, нима иш билан?

— Эртага фронтчилар оилаларининг митинги бўлади. Шунда қатнашаман, аммо меҳмонхонага тушдим-ку, тўғри сенинг олдингга келганим.

— Раҳмат ўртоқжон, раҳмат. Мана менинг ярам ҳам анча тузалиб қолди. — Надя гипслаб қўйилган чап оёғини кўрсатди. — Рухсат беришса, яна фронтга жўнайман. Айтгандай, госпиталдан ёзган хатларимни олиб турдингми? Сенинг фронтга ҳам, бу ерга ҳам ёзган хатларинг менга шунча далда бердики, сўз билан айтолмайман. Баъзи хатларингни қайта-қайта ўқир эдим.

— Раҳмат Надя, сенинг ҳам ҳамма хатларингни олдим. Айниқса, ўртоғининг ҳалок бўлиши мени, ойимни ҳам жуда хафа қилди. Унинг устига ўзинг...

— Башорат, тўғри, бу оғир. Аммо уруш қурбонсиз бўлмайди-ку. Николай эсимга тушса, ҳақиқатан ҳам эзилиб кетаман. Ахир қандай йигит эди. Аммо ўзи, қаҳрамонларча ҳалок бўлди...

Башорат Надянинг авзойига қараб кўнгли бир хил бўлиб кетди. Бундан саккиз йил муқаддам телефонистка бўлиб ишлаганида гойибона танишгани, Башорат билан машинистлар курсида ўқигани, ниҳоят кўнглили бўлиб ариза бериб, фронтга жўнагани, ҳаммаси кўз олдидан ўтди.

— Надя, — деди у, — сен фронтга жўнаганингдан кейин, мен ҳам икки марта ариза бердим. Ҳеч бўлма-са, фронтга яқин доирадаги темир йўл станциясида ишлашга юборишларини сўрадим. Аммо сира рухсат беришмади. Депо бошлиғимиз бўлса икки гапнинг орасида «ҳозирги ташиётган юкларингиз фронтга боради. Фронт орқасида ҳам ишлаш керакми?» деб шахдимни қайтараверди.

— Тўғри-да, Башорат, ахир фронтни қурол-аслаҳа, озик-овқат, кийим-бош билан таъминлаш керак-ку. Лекин мен сенга жуда қойилман. Йўлда сув

олмай, ҳеч қаерда тўхтамай манзилга борганларинг-ни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ҳамкасбинг ўз малакасини қанча оширса, шунча севинар экансан киши.

— Қўйсанг-чи, Надя, кесатма, — деди Башорат, — мендан эмас, ўзингдан миннатдор бўл. Агар ўша курсда ўқимаганимизда, кейин практикада сен ёрдам бермаганингда мен бунчалик бўлолмас эдим. Ҳатто оймлар ҳам шуни гапириб юрадилар. «Барака топ-кур, Надянинг кўп фойдаси тегди, сен унутма» дей-дилар.

Дугоналар алламаҳалгача гапиришиб ўтиришди. Навбатчи врач икки марта огоҳлантириб кетгандан сўнг, Башорат ўрнидан туриб, ўртоғи билан хайрлаш-ди, эртага яна келадиган бўлди.

### Башорат минбарда

Ҳашаматли бинонинг кенг зали турли касбадаги хотин-қизлар билан тўла. Булар орасида бир нечта ўғлини фронтга узатганлар, ўзи ва фронтдаги акаси учун меҳнат қилаётганлар, вафодорлиги, пок муҳаб-бати билан севикли баҳодирига куч ва қувват, далда бераётган жувонлар, ҳамма миллат аёллари бор.

Фронтчиларнинг оналари ва хотинларининг Бутун-иттифоқ митинги очилди. Минбарга бирин-кетин турли касб эгалари чиқиб сўзлай бошладилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Наталья Ковшованинг онаси Нина Араловец, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Марина Раскованинг онаси Анна Раскова, РСФСР да хизмат кўрсатган артист Елена Кругликова, сталинградлик ишчи Марфа Коновалова ва бошқалар чиқиб сўзлай-дилар.

Буларнинг ҳаммасининг фикри фронт учун, баҳо-дир жангчиларимиз учун нимаики керак бўлса ҳам-масини етказиб бериш, душман устидан ғалаба қозо-ниш учун бутун кучни аямасликдан иборат.

Минбарга Башорат чиқади. Залдагилар ўзбек қиз-ларидан етишган биринчи парашютчи, биринчи ма-шинистни қизгин табриклардилар. Башорат узоқ Узеб-қистоннинг аёллари фронт учун нима қилаётганлари ҳақида ҳикоя қилиб берди:



— Мудофаа саноатида, қишлоқ хўжалигида хотин қизларнинг тутган ўрни гоят катта. Ўзбекистоннинг неча минглаб аёллари ҳозир фронтдаги эрлари, ака-укалари ўрнида тракторда, станокда, шахтада, қурилишларда ишламоқда. Ўғилларини фронтга узатган кампирлар, чоллар ёшлардан қолишмай меҳнат қилмоқдалар. Улар душман устидан ғалаба қозониш учун ҳеч нарсани аямаётирлар. Тошкент областлик — икки ўғлини фронтга узатган Парчагул Турдиева ўзи жамғариб қўйган йигирма минг сўм пулини танк ва аэропланлар қурилишига берди. «Икки ўғлим ҳаракатдаги армияда, — дейди Турдиева, — бири пиёдалар ва иккинчиси танк қисмида. Мен ўзимнинг йигирма минг сўм жамғармамни танк ва аэроплан қуришга бераман. Ўғлим Тўлабой шуни унутмасинки, у бошқариб бораётган жанговар машинани унинг онаси қурган. Раҳим бўлса қурол ва ўқ-дорига муҳтожлик сезмасин». Ўзбекистон аёлларининг яна бир ватанпарварлиги шуки, улар немис-фашистлар босиб олган районлардан қутқариб қолинган болаларни ўз фарзандларидек тарбияларига олдилар.

Башоратнинг ҳар бир сўзи қарсақлар билан бўлиниб турарди. У сўзининг охирида шундай деди:

— Биз фронт орқасида шундай ишлайликки, урушдан ғалаба билан қайтиб келган баҳодирларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлсин. Уларни кутиб олар эканмиз: «Мен мамлакат бошига оғир мушкул тушганда Ватан олдидаги бурчимни шараф билан адо этдим, шунинг учун сени маҳкам қучоқлашга ҳақлиман» деб айта олайлик.

Башоратга чалинган қарсақ садолари бино томини кўтариб юборгудай бўлар эди. У сўзини томонлаб, жойига бориб ўтирар экан, ўзини ҳамма вақтдагидан ҳам дадил ва мард ҳис қилар эди.

Митинг иштирокчилари Бутуниттифоқдаги аёлларга — фронтчиларнинг оналари ва хотинларига қарата мурожаат қабул қилдилар. Табрик телеграммаси ҳам, мурожаат ҳам ўқилар экан, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла зални ларзага келтирарли садо билан жаранглаб эшитиларди. Бутуниттифоқда жаранглаб эшитилган бу сўзлар, душман устидан ғалаба қозонишга совет аёллари қўшган буюк ҳиссанинг акс садоси эди.

## Ватанпарварлик ташаббуси

Иван Сергеевич Леонидов деподан чиқиб келаётганида узоқдан аллакимнинг чақирган овозини эшитиб тўхтади, ёнига қараб ўзи томон югуриб келаётган Башоратни кўрди.

Башорат Иван Сергеевич олдига келиб, «Салом, ота» деди-ю, худди бир неча йил кўришмагандай, уни қаттиқ қучоқлаб олди.

Ота! Бу сўз Башоратнинг қалбига сингиб кетган. У ана шу уч ҳарфни тилга олганда, ўзининг сўнгги йиллардаги мазмундор ҳаёт йўлини эслайди. Башорат локомотивнинг ҳар бир винтини бураган сари ундаги отага бўлган муҳаббат оша боради. Негаки, шу винтларнинг тилини Башоратга ота — меҳрибон устоз Иван Сергеевич ўргатган. Башорат ҳафталаб, ойлаб, йиллаб унинг қўлида тарбия олди, локомотивни мустақил бошқарадиган бўлди. Машинистларнинг ибораси билан айтганда, паровоз будкасининг чап даричасидан ўнг даричаси ёнида туришга муяссар бўлди. Башорат «ота» деганда Иван Сергеевичнинг самимий гамхўрликларини эслайди. Ахир шундай пайтлар бўлардики, Башорат чарчаб, ёхуд қийналиб хафа бўлган кезларида Иван Сергеевич худди ўз фарзандини эркалагандек, чўнтагидан шоколад чиқариб, Башоратнинг кўнглини олар, баъзан ишдан кейин уйига қайтмай, Башоратга бир неча соатлаб паровоз қисмларини ўргатар эди. Ҳатто Башорат машинист бўлиб, биринчи сафарга чиққанида ҳам Иван Сергеевич ўз шогирдининг ёнида туриб, у билан бирга бориб келди. Башорат ВКП(б) аъзолигига кандидат бўлиб қабул қилинадиган куни Иван Сергеевич район партия комитетининг бюросига борди. Бюрода Башоратни партия кандидатлигига қабул қилдилар. Иван Сергеевич хурсанд бўлганидан уни бағрига босиб, пешанасидан ўпди. Башорат буларни сира унутмайди. У ўзининг дардини ҳам, севинчини ҳам, билганини ҳам, билмоқчи бўлганини ҳам дастлаб ота билан баҳам кўради, ундан маслаҳат олади.

Башорат Иван Сергеевич билан бирга деподан чиқди. У отага Москва сафари ҳақида батафсил сўзлаб берди, охири икки кундан буён юрагида сақлаб юрган гапни очди.

— Ота,— деди у,— мен сиздан бир нарса тўғрисида маслаҳат сўрамоқчиман.

— Гапир, қизим, қандай маслаҳат экан?

— Москвада, митингда, биз аёллар душман устидан тезроқ галаба қозовиш учун кучимизга куч қўшиб, меҳнат қиламиз деб ваъда бердик. Мен бўлсам, дадил туриб, аёллардан иборат паровоз бригадаси тузишга сўз бердим.

Иван Сергеевич нима дейишини билмай қолди. «Қизи тушмагур, буни осон фаҳмлайди шекилли» деб кўнглидан ўтказди-ю, аммо Башоратга сездирмади.

— Барака топ, қизим, — деди у, — жуда яхши қилибсан. Бу ишингни мен табриклайман.

— Ҳали ҳеч кимга айтганим йўқ,— деди Башорат,— сизнинг маслаҳатингизни олиб, сўнг депо бошлиғи олдига кирмоқчи эдим билмадим...

— Нега билмадим дейсан, депо бошлиғи рухсат бермайди демоқчимисан. Қани юр-чи, ҳозироқ олдига кирамиз,— деди-ю, Иван Сергеевич Башоратни депо бошлиғи олдига бошлаб кетди.

Башорат худди шуни кутган эди. Борди-ю, депо бошлиғи бирон нарса дегудай бўлса Иван Сергеевичнинг қувватлашига кўзи етар эди. Улар кабинетга кириб боришганда депо бошлиғи, партия ташкилотининг секретари ўтиришган эди. Бир оз суҳбатдан сўнг Иван Сергеевич Башоратга қаради:

— Қани, қизим, гапир-чи.

Башорат ўрнидан туриб, депо бошлиғига қараб сўзлай бошлади:

— Уртоқ начальник, мен сизга катта илтимос билан келдим. Агар ижозат берсангиз...

— Марҳамат, ўртоқ Мирбобоева.

— Менга аёллардан машинист ёрдамчиси ва кочегар берсангиз. Мен хотин-қизлардан иборат паровоз бригадаси тузсам.

Партия ташкилотининг секретари ҳам, депо бошлиғи ҳам ҳайрон бўлишди. Бу ташаббус уларга жуда маъқул тушди-ю, аммо қийналиб қолармикан, деган мулоҳазага боришди. Партия ташкилотининг секретари бир оздан сўнг ўрнидан туриб, Башоратни самимий табриклади:

— Мана бу ишингиз,— деди у,— ҳақиқий ватан-

парварлик. Бу ташаббусни биз эртагаёқ муҳокама қилиб, бутун йўл бўйича оммалаштирамиз.

— Майли, — деди депо бошлиғи, — мен қарши эмасман, ўртоқ Мирбобоева.

Башорат навбатдаги сафарга янги бригада билан бо-  
радиган бўлди.

\* \* \*

Муҳим юк ортилган катта состав Тошкент стан-  
циясидан жўнаш олдида турибди. Башорат ўз ёрдам-  
чиси ва кочегар билан маслаҳатлашиб олгач яна бир  
марта инжекторни, сув миқдорини билдирадиган ой-  
на, ҳатто монометргача кўздан кечириб чиқди.

— Қани қизлар, — деди у бригада аъзоларига қа-  
раб, — Сирдарёгача бирон ерда сув олмай борсак бў-  
ладими, сизлар нима дейсизлар?

— Бўлади, — деди машинист ёрдамчиси, — шун-  
дай зарур юкни муддатидан илгари етказиб бориш  
учун бутун куч ва билимимизни сарфлаймиз, ўртоқ  
командир.

Бу жавоб Башоратнинг ғайратига-ғайрат қўшиб  
юборди. У паровоздан тушиб, чопганича диспетчер ол-  
дига кетди.

— Ўртоқ диспетчер, менга «Яшил кўча»ни бе-  
ринг, Сирдарёгача ҳеч қаерда тўхтамай, сув ҳам олмай  
бораман.

Диспетчер тўсатдан айтилган бу сўзга тушунол-  
мади.

— Ахир бу мумкин эмас-ку, ўртоқ Мирбобоева?

— Жуда мумкин. Мен ўз паровозимга ишонаман.

Диспетчер рози бўлди. Поезд Тошкентдан жўнаб  
кетди.

Диспетчер рухсат берди-ю, кетидан яна эҳтиёт  
чорасини кўриб қўйди. Паровоз сув олиши лозим бўл-  
ган станцияга боришдаги разъезд навбатчисини огоҳ-  
лантирди. Разъезд навбатчиси етиб борган Башоратга  
ҳалқа орқали кичик қоғозни узатди. Бунда шундай  
дейилган: «Сув олмай, йўлда давом этишга имконият  
борлиги ҳақида фикрингизни айтинг».

Башорат хатни ўқиб, кулди. «Диспетчер ишонмал-  
ти-да», дегандай ёрдамчисига қараб қўйди-да, чўн-

тагидан қалам олиб жавоб ёзди: «Сувим етарли, манзилгача тўхтамай бораман».

Сирдарёгача бўлган масофа ҳеч қаерда сув олмай муваффақият билан босиб ўтилди. Аёллар бригадаси катта ютуққа эришди.

Аёллардан бригада тузилган дастлабки кунларда унчалик назар-писанд қилмаган баъзи машинистлар, энди Башоратни кўрса уяладиган бўлиб қолишди. Башорат бошлиқ бригада мусобақада ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни шараф билан адо этди. Ёқилғи тежаш, паровоз тезлигини оширишдаги бу муваффақиятлари учун бригада ҳурмат тахтасига ёзилди.

Ойлик мажбурият бажарилган куннинг эртасига депо партия ташкилоти секретари ёнига Башорат кириб келди. Секретарь Башоратни самимий қарши олди.

— Партия ташкилоти номидан, — деди секретарь, — Сизни янги муваффақият билан табриклайман.

— Раҳмат, — деди Башорат, — аммо ўртоқ секретарь, руҳсат берсангиз мен Сизга арз билан кирган эдим. Шошганимдан ёзишга ҳам фурсат бўлмади, шунинг учун арзимни оғзаки айтсам.

— Марҳамат, қандай арз экан?

— Арзим шуки, — деди Башорат, — мени комсомол тарбиялади. Партия тарбияламоқда. Аёллар бригадасининг ташаббуси, унинг муваффақияти якка менинг эмас, дастлаб коммунистларнинг, коллективнинг муваффақияти. Мен ана шу ўз зиммамга олган мажбуриятни бажарганим ҳақида рапорт бериш билан, мени ВКП(б) нинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилишингизни илтимос қиламан.

Партия ташкилотининг секретари ўрнидан туриб, Башоратнинг қўлини маҳкам сиқди.

— Раҳмат ўртоқ Мирбобоева, раҳмат, ёзинг. Аризага ҳам худди шундай деб киритинг. Меҳнатдаги муваффақиятимни ВКП(б) нинг ҳақиқий аъзолигига ўтишга бағишладим дег.

### Биринчи класс техник

Урушдан кейинги беш йилликнинг биринчи йили Башоратнинг ҳаётида янги саҳифа очди. Башорат

улуғ Москвага, Йўллар Министрлигининг Марказий техника курсига ўқишга жўнади.

Ҳаҳратон қиш. Кўчалар, бинолар оппоқ қор билан қопланган. Катта бинонинг коридорида турган Башорат деразадан кўчага тикилганича хаёл сурмоқда. Унинг Москвага келганига саккиз кун бўлди. Ҳамма фанлардан имтиҳон топширди. Фақат камиссиядан ўтиши қолган. У ҳозир ана шу комиссияга киради. Темир йўлнинг атоқли командирлари — инженерлар, техниклар ҳузурига киради. Башорат ҳозир ана шуни ўйлаётир. Комиссия аъзолари нима савол беради-ю, қандай жавоб қилиш керак?

Комиссия кабинетидан ўрта ёшлардаги йигит чиқиб келгач, Башорат ичкарига кирди. Енгилгина салом бериб, бир чеккада туришни мўлжаллаган эди, комиссия аъзоларидан бири уни ўртадаги стулга ўтиришга таклиф қилди. У секин бориб ўтирди.

— Сиз қайси йўлдан? — савол берди комиссия раиси, анча ёшларга бориб қолган генерал.

Башорат ўрнидан туриб жавоб қилди:

— Мен Тошкент темир йўлидан.

Комиссия аъзолари Мирбобоева фамилияси айтилгач, нима учундир бир-бирларига қараб олишди. Башорат бунга тушунолмади. Кимдир сўраб қолди:

— Ўрта Осиёда ерли миллат аёлларидан етишган биринчи машинист ким эди, айтиб беролмайсизми?

Башоратнинг юзлари қизариб кетди. Нима дейиш керак. «Мен» деса, манманлик бўлади. Яхшиси, индамай қўя қолай деди-ю, жавоб қайтармай турган эди, генерал яна қайта сўради.

— Нега индамайсиз, демак, билмас экансиз-да?

— Ҳозир машинист аёллар жуда кўп, ўртоқ генерал.

Комиссия аъзолари енгилгина кулиб қўйишди.

— Тошкент бўлимида биринчи марта аёллар бригадасини ким тузди?

— Бизлар, — деб жавоб қилди Башорат.

Комиссия аъзолари Башоратнинг камтарлик қилаётганини пайқашди. Улар бу тўғридаги саволларини тўхтатиб, техника масалаларига оид саволларни бера бошлашди. Башорат бу сўроқларга шошмасдан, пухта-пухта жавоб берди. Охирида комиссия раиси ўрнидан туриб, Башоратнинг ёнига келди.

— Раҳмат, ўртоқ Мирбобоева, ўқишингизда муваффақият тилаймиз, — деб қўлини маҳкам сиқди. Қоридорга чиқиб дераза ёнига борди-да, рўмолиси билан пешонаси устидаги тер маржонларини арди. Қани энди шу ерда Иван Сергеевич бўлса-ю, унга ўз савищларини айтиб, миннатдорчилик изҳор қилса. Аксига Башоратдан олдин йўлга чиқмоқчи бўлган Надя ҳам шу кунгача бедарак.

Башоратнинг юрак тепиши бир оз тинчиди. Қоридорда секин-секин юриб борар экан, қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмас эди. «Товба, мени қаёқдан танишар экан-а? Анкетада-ку буларнинг ҳаммаси ёзилмаган» деб ҳайрон бўларди.

Башорат ётоғига келди. Стол устида тартибсиз ётган китоб, дафтар ва чертёжларни йиғиштира бошлаган эди. Эшик тақиллаб қолди.

— Марҳамат, кириш.

Эшик очилиб, Надя кириб келди. У устки кийимларини ҳам ечмай туриб, Башорат билан қучоқлашиб кўриша кетди.

— Эсон-омон келдингми, ўртоқжон, нега кечикдинг, — деб гина қила бошлади Башорат.

— Эй сўрама, Башорат, тарихи узок. Қани, қўйчи, бунақангни гапларни, имтиҳонлардан гапир, топширдингми?

— Ҳа, ҳаммасидан қутулдим, ҳозир комиссиядан чиқиб келдим.

— Яша ўртоқжон, энди менга кўмаклашар экансак-да.

— Қўйсанг-чи, Надя. Сен менга ўргатасану, яна...

— Узингни камситаверма, Башорат, паровознинг сирини мenden яхши биласан.

— Хўп, ўртоқжон, сенинг учун жонимни десанг ҳам бераман. Қани, гапир-чи, аҳволлар қалай, ўзинг батамом соғайиб кетдингми?

— Ҳа, дурустман.

Икки ўртоқ узок вақтгача суҳбатлашиб ўтиришди.

Ўқишлар бошланиб, кунлар, ҳафталар, ойлар гир-гир ўта бошлади. Икки дугона дарс тайёрлаб мижжа қоқмай ўтказган кечалар кўп бўлди. Қизларнинг бу ҳаракати зое кетмади. Улар темир йўл транспортининг сўнгги ютуқлари асосида техника билими олди-

лар. Фан ва маданият маркази, вўзал Москва бир йил мобайнида ўз қучоғида минглар, юз минглар қатори рус қизи Надяни, ўзбек қизи Башоратни тарбиялади, уларга билим берди, улғайтирди. Надя ҳам, Башорат ҳам курсни муваффақият билан тамомладилар. Уларга биринчи класс техника унвони берилди.

### «С—7» тикланди

Тошкент пассажир депосининг ремонт канавасида «С—7» маркали эски, кўп қисмлари занглаган паровоз туришти. Деподаги бир қатор машинистлар уни кўриб чиқишди. Бироқ биронтаси машинани юргизиб юборишга унамади. Охири Башорат келиб кўрди. У шу ондаёқ депо бошлиғи олдига кириб борди.

— Менга рухсат беринг, «С—7»ни ўз бригадам билан ремонт қиламан.

Депо бошлиғи рухсат берди, ҳатто бу ишда Башоратга кўмаклашиш учун машинистлардан биркитиб қўйди. Башорат ўзига ёрдамчилар ҳам олди.

Старший машинист Мирбобоева бошлиқ бригада аҳил бўлиб паровоз ремонтига киришди. Орадан кўп вақт ўтмай «С—7» янги паровоздек йўлга чиқарилди.

Башоратнинг ана шу паровозда ўтказган биринчи сафари ажойиб натижалар берди. Шу сафарнинг ўзидаёқ унинг бригадаси паровоз тезлигини нормадагидан ошириб юборди.

1948 йили Башорат бошлиқ бригада ҳар бир сафарда беш процентдан ёқилғи тежаш, паровознинг ҳар ойлик қатновини минг километрга ошириш мажбуриятини олган эди. Бригада ўз ваъдасини шараф билан бажарди.

### Ҳурмат тахтаси

Мармар тошларга ўйиб, зарҳал билан ёзилган лавҳаларни ҳар куни минг-минг кишилар ўқийди. Тошкентнинг марказий кўчасидаги бу шаҳар ҳурмат тахтасида беш йилликнинг илғор саноат корхоналари ва стахановчиларнинг номлари ёзилган. Мана шулар қаторида қуйидаги лавҳани ҳам ўқиймиз:

«Тошкент пассажир депосининг старший машинисти Башорат Мирбобоева».



13. **Ҳа, бу ўша Башорат.** Бундан ўн тўрт йил муқаддам ҳавода парвоз қилиб, ҳаммани қойил қолдирган, биринчи ўзбек парашютчи, учувчи қизи комсомол Башорат. Бу — ҳозир пўлат йўлларда локомотивни моҳирлик билан бошқариб бораётган биринчи ўзбек қизи — машинисти коммунист Башорат. Бу — Совет Иттифоқида ишланган кучли тепловозларни бошқариб бораётган Башорат. Нега уни илғор дейдилар? Фактларга мурожаат қиламиз.

Башорат бошқарган «С—7» паровози ҳеч қандай авариясиз ишлади, тоза тутилди. У, бир кеча-кундузда паровознинг йўл босишини қарийб ўттиз километргача оширди. Паровоз белгиланган манзилга графикка мувофиқ ўн икки соатда бориб қайтиб келиши лозим бўлгани ҳолда Башорат бу масофани 10,4 соатда босадиган бўлди. Башорат бошлиқ бригада ҳар ойда ўн уч тонналаб ёқилгини тежайди.

Башорат ўз малакасини, билимини, тажрибасини орттириш билан қаноатланиб қолмайдиган миллионлаб совет кишиларининг биридир. У бугун кечагидан кўра яхшироқ, эртага бугундан ҳам унумлироқ ишлашни қонун деб билади. Шу йилнинг июнь ойида Тошкент темир йўли бошқармаси уни Харьковдаги тепловоз машинистлари курсига юборган эди. Башорат бу курсни ҳам муваффақият билан тамомлаб келди. У шу кунларда Тошкент темир йўлига янги келтирилган тепловозларни ҳайдаётди. Унинг элчил қўллари билан ҳаракатга келган тепловоз механизмлари халқ хўжалигимиз учун зарур юклар ортилган составни узоқ-узоқларга элтиб бормоқда.

*Август, 1949 йил*

## САФАРИНГ БЕХАТАР БЎЛСИН

### I

Тошкентнинг биқинидаги Қибрай қишлоғи ўзининг баҳаволиги, гўзаллиги билан алоҳида ўрин тутади. Қишлоқнинг қоқ белидан поезд йўли кесиб ўтган. Шу ердаги мактабнинг иккинчи синф ўқувчиси тўққиз ёшли Деҳқон кунлардан бир кун поезд йўлидан ўтиб кета туриб, қизиқ бир воқеани кўрди.

Поезд ҳеч вақт тўхтамайдиган ерда орқасига жуда кўп вагонларни тиркаб олган баҳайбат паровоз тўхтаб турипти. Деҳқон шу вақтгача паровоз ҳамда қаторасига чўзилган вагонларни яқиндан туриб кўрмаган эди. Бу сафар атрофида жуда кўп одам тўпланиб турган паровоз яқинига бориб, ҳатто қўрқиб кетди. Назарида агар унинг ёнига борса, вишиллаб осмон бзравар буғ чиқариб турган паровоз устига ағанаб тушиб кетаётгандай бўлди. Деҳқон шу зайлда анчагача томоша қилиб турди. Аммо поезднинг нима учун тўхтаб турганини билолмади. Одамлар тўп-тўп бўлишиб, алланималар ҳақида сўзлашаётирлар. Деҳқон буларнинг суҳбатига ҳам тушунолмади.

— Нега бу ерда поезд тўхтаб турипти-я?

Шу топда отасининг гапи эсига тушди.

— Болам, мактабга бориб-келишингда поездга эҳтиёт бўлгин.

Деҳқон уйига қайтди. Эртаси куни мактабга борганида янги гап эшитди.

— Кеча поездни бир бола тўхтатипти.

— Ий-е, бола қандай қилиб поездни тўхтатади?—  
ўйлади у, — шундоқ катта поездни-я?

Кейин маълум бўлишича поездни шу мактаб ўқувчиси пионер Собир тўхтатган экан.

Собир мактабга кетаётганида поезд изидаги бурма винтнинг бўшаб қолгани ва лиқиллаб турганини кўриб қолиб, чопқиллаганича буни темир йўл қоровулига айтипти. Худди шу пайтда поезд ўтиши керак экан. Қоровул югуриб будкадан чиққанида поезд келаётганини кўриб, қизил байроқчани кўтаришти ва поезд тўхтапти. Бўлмаса-чи, поезд издан чиқиб кетиши мумкин экан.

Пионер вожатийнинг бу гапларини болалар қизиқиб эшитишди. Шунда Деҳқон сўраб қолди:

— Ий-е, ахир Собир дарсга кеч қолмаптими?

— Тўғри, дарсга кеч қолган, аммо бутун бир поездни ҳалокатдан қутқарган. Пионерларга хос ҳушёрлик кўрсатган.

Собирнинг поездни тўхтатгани ҳақидаги хабар бутун қишлоққа тарқалиб кетди. Деҳқоннинг дадаси Султон ака ҳам кечқурун даладан қайтганида шу воқеани сўзлаб берди. Темир йўл бошқармаси Собирга ташаккур эълон қилиб, уни мукофотлаганини айтди.

Бундан йигирма йил муқаддам бўлган бу воқеа ҳали-ҳали Деҳқоннинг эсидан чиқмайди.

Деҳқон еттинчи синфни битириб, темир йўл ҳунар мактабига кириб ўқий бошлади. Бу ерда у слесарлик ҳунарини ўрганди. Орадан сал вақт ўтгач, ўн тўққиз ёшли Деҳқон Тошкент товар станцияси паровоз депо-сида кочегар бўлиб ишлай бошлади. У, ёшлиқдан ўйлаб юрган буюк орзасига эришди. Паровозни ўзи мустақил юргиза олмаса ҳамки, машинист билан бирга ишлашга муяссар бўлди. Шунда Деҳқон биринчи сафарга жўнайдиган куни Султон ака ўғлини кузатаркан, қучоқлаб, пешанасидан ўпди:

— Аравакашнинг ўғли паровозда ишлаши илгари замонда хаёлга ҳам келмас эди. Барака топ ўғлим, сен жуда бахтиёрсан, устангнинг айтганини кўнгилдагидан зиёд бажаришга ўрган, асло кам бўлмайсан. Хайр, сафаринг беҳатар бўлсин.

## II

Ертўланинг супасида икки жангчи ва бир офицер ухлаб ётипти. Уларнинг уйқудаги нафас олишларидан

бир неча кун ухламай, қаттиқ чарчаганликлари сезилиб турипти. Тахтадан омонатгина қилиб ясалган ва тиркагич билан ертўла деворига тақаб қоқилган стол устида пилиги чиқариб қўйилган шишасиз лампа ёниб турипти. Хипчадан келган, тўқ мағиз ранг, узун юзли гвардия младший лейтенанти Деҳқон Султонов стол устига бир варақ қоғозни ёзиб, қўлига қалам ушлаганича хаёл суриб ўтирипти. Гавдасига ёпишиб турган шинели устидан противогаз ва автоматининг тасмаларини елкаси аралаш ўтказиб олган. Биргина у эмас, супада ухлаб ётганлар ҳам противогазларини ечмай, автоматларини ёнларига қўйиб, ухлаб ётиштипти.

Деҳқон қаламни қўлига олди, алланима ёзмоқчи бўлди. Яна тўхтади. Бир нарсадан қаттиқ ғазабланган аламзада кишидек, йўгон бармоқлари орасига қисиб олган қаламни синдириб юборгудай бўлди.

Мана унинг забардаст қўллари. Бу қўллар неча минг тонналаб кўмирни паровоз ўтхонасига қалаган, автоматни маҳкам ушлаб, душманга тўғрилаган кучли қўллар. Унинг юзлари ҳозир илгаригидан ҳам қорайиб кетгандай кўринади. Қаҳратон қишнинг бўрон, изғиринларида, ёзнинг жазирама иссиғида чўлда кетаётган поезднинг кўмирхонаси устида тик туриб ўтказган тун ва кунлари, ҳарбий мактабда ўн тўрт ой ўқиб, олган таълими, рус ўртоқларининг самимий ёрдамлари, фронтда душман билан бўлган шиддатли жангларнинг машаққати, Германиягача босиб ўтилган жанговар йўл — буларнинг ҳаммаси ҳозир унинг кўз ўнгидан ўтаётир. У, ҳозир отасига, ўз юртига хат ёзиб юбормоқчи. Бироқ нималарни ёзсин. Фронтдаги ҳаётни бир парча қоғозда акс этириб бўладими, ахир! Деҳқон ёза бошлади.

«Соғинчли салом...»

Ёзди-ю, яна тўхтади. Бу сафар туғилиб ўсган жонажон Қибрай қишлоғининг гўзал манзаралари, шўх, хушчақчақ ёшлик пайтлари, кун сайин, соат сайин ўсиб, обод бўлиб бораётган Тошкент ва ниҳоят, фронтга кузата туриб, отасининг қилган насиҳатлари эсига тушди.

— Ўғлим, дадил бўл, жангда асло орқангга қайтма, сени вояга етказган юртинг, халқинг шуни талаб қилади. Хайр, омон бўл, сафаринг беҳатар бўлсин.

«...Хурматли ота, меҳрибон она, опа ва сингиллар, сўнги кунларда хат ёзолмаганим учун кечиринглар, вақт бўлмади. Биз душманни енгиб, унинг тупроғида жанг олиб бормоқдамиз. Мана, бир неча кундан бери катта ва ҳал қилувчи жангга тайёрлик кўриляётир. Бу жанг душман устидан узил-кесил ғалаба қозониш жанги бўлажак. Ғалаба кунлари жуда яқин қолди, ҳозирча хайр.

*Уғлингиз Деҳқон».*

Деҳқон хатни уч бурчак қилиб буклади. Адрес ёзаётганида ертўлага бир жангчи кириб келди.

— Кечирасиз, ўртоқ младший лейтенант,— сўзлай бошлади жангчи,— бир оз дам олсангиз бўлар эди.

Султонов кулди.

— Уйдагиларга хат ёзиш ҳам дам олиш эмасми, а, нима дейсиз?

— Шундай,— деди жангчи.

— Хўш, юқорида нима гап, тинчликми?

— Ҳозирча тинчлик. Ҳайронман, младший лейтенант, нега бунча узоқ тинчиб қолдик.

— Сиз билан бизнинг ишимиз буйруқни кутиш, тўғри эмасми?

— Тўғри,— деди жангчи.

Султонов ўрнидан турди. Жангчи билан ертўладан ташқарига чиқди. Ҳамма ёқ қоп-қоронғи. Ертўладан йигирма қадамча нарида, қаторасига кетган зенит пулемётлари ёнида жангчилар биқиниб ўтиришипти. Биз оз нарироққа боргач, Султонов орқасига қайтди. Ухлаб ётган младший лейтенантни уйғотиб, ўзи дам олмоқчи бўлди. У, ертўлага кириб улгурмаган ҳам эдики, ҳалиги жангчи Султоновни телефонга чақирди.

— Эшитаман, эшитаман, есть.

Берлин учун бошланган артиллерия жанги еру кўкни ўт билан қоплагудай даҳшатли тус олди. Душманнинг аэропланларига қарши курашда гвардия младший лейтенанти Султонов командирлик қилган зенитчилар взводи катта маҳорат кўрсатди. Взвод душманнинг учта аэропланини уриб туширди.

Жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун икки медаль ва Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланган гвардия младший лейтенанти Деҳқон Султонов рейхстаг устига Ғалаба байроғи тикилган кунни сира эсидан

чиқармайди. У, рейхстаг биносининг гиштлари устига шундай деб ёзиб қолдирди: «Гвардия младший лейтенанти, Деҳқон Султонов. Совет Ўзбекистонидан. 1945 йил, 2 май».

Орадан икки йил ўтди. Кунлардан бир кун қисм командири Деҳқон Султоновга тантанали вазиятда ташақкур эълон қилинган мактубни топширди:

Қимматли жанговар ўртоқ!

Гвардия лейтенанти Султонов!

СССР Олий Совети Президиумининг Фармониغا мувофиқ Сиз Совет Армиясидан бўшаб, Ватанингизга қайтасиз.

Сиз жанглarda оғир синовлардан ўтдингиз. Аммо сиз улуг озодлиқ урушида кечирган қийинчилик ва машаққатлар зое кетмади, балки халқимизнинг ашаддий душманлари — гитлерчилар Германияси ва империалистлар Японияси устидан ғалаба қозониш билан тугалланди.

Сиз Ватан учун садоқат билан хизмат қилдингиз. Сиз жонажон совет ерларини гитлерчи босқинчи ва жаллодлардан озод қилишда бевосита қатнашдингиз. Сиз хизмат қилган армия гарданига душманни ўз уясида янчиб ташлаш ва Берлин устига Ғалаба байроғини тикишдек шарафли ва улуг вазифа тушди.

Ғалаба қозонилганидан кейин, Сиз, Совет Иттифоқининг давлат манфаатларини, социалистик давлатимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини ҳушёрлик билан қўриқладингиз.

Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида фидокорона  
хизмат қилганлигингиз учун Сизга  
ташақкур эълон қиламан.

Эндиликда Ватан Сизни уйингизга, оилангизга, хотин ва болаларингиз ёнига, тинч ижодий меҳнатга чакирмоқда.

Сизга, янги ишингизда муваффақиятлар тилайман.  
Сафарингиз беҳатар бўлсин, қимматли ўртоқ.

Германиядаги совет оккупация қўшинлари группасининг бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали

*Соколовский*  
1947 йил 24 апрель.

Берлин учун бўлган шиддатли жангда қатнашган баҳодир жангчиларимизнинг номларини совет халқи, бутун жаҳон меҳнаткашлари асло унутмайдилар. Бу қаҳрамонларнинг номи тарих китобига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Шуларнинг бири, Совет Армиясининг гвардия лейтенанти, Ленин комсомоли тарбиялаб етиштирган Деҳқон Султоновдир.

...Кино залида ўтирган Деҳқон «Берлиннинг таслим бўлиши» картинасининг сўнгги пардаларини кўрар экан, юқоридаги воқеа, ўз взводи билан учта немис аэропланини уриб туширгани кўз олдида намоён бўлди. Кинодаги Алексей Иванов, Юсуповлар сингари жанговар дўстлари эсига тушди. Ўзича: «Улар ҳам ҳозир мен сингари меҳнат қилаётир, ижод қилаётир» деб қўйди.

### III

Деҳқон армия сафидан бўшаб, яна ўз депосига келди. Бу ерда уни паровоз машинисти ёрдамчилари тайёрлаш мактабига ўқишга юбордилар. Деҳқон мактабни аъло баҳолар билан тамомлади-ю, аммо уни машинист ёрдамчиси бўлиб ишлашга қўймадилар.

— Ҳали тажрибангиз етарли эмас, яна бир оз вақт кочегар бўлиб ишлайсиз, — деди депо бошлиғи.

Деҳқон кочегарликда узоқ ишламади. У қисқа муддатда машинистнинг ёрдамчиси бўлиб олди. Бу — оғир ва мураккаб иш эди. Паровознинг бутун икки-чикирларини билиш, уни ҳамма вақт озода тутиш, қисқаси, машинистнинг ўнг қўли бўлиб туриш — Деҳқондан ниҳоят эпчил, уддабурон, уқувли бўлишни талаб этар эди.

Совет фани, техникаси тобора юксалиб бормоқда, халқ хўжалигининг барча соҳалари учун янгидан-янг машиналар яратмоқда. Урушдан кейинги беш йилликда мамлакатимизнинг тепловозсозлари ажойиб кучли тепловозлар ишлаб чиқара бошладилар. Ана шундай тепловозлардан Тошкент темир йўлига ҳам нечтаси келтирилди.

Янги техника — Деҳқонда янги орзун тугдирди. Бу табиий. Ҳар бир совет кишиси қайси касбда бўлишидан қатъи назар янгиллик сари интилади, ихтиро яратади, янги техникани ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Бутунги совет ишчиси техника жиҳатидан билимдон, маданий кишидир.

Деҳқон янги орзусига эришди. У, тепловоз машинисти ёрдамчилари курсида ўқиб, тепловозда ишлай бошлади. Атоқли темирўлчи, тяга инженер капитани, тепловознинг старший машинисти Александр Павлович Люшненко ёш транспортчи билан бир неча марта сафарга бориб келгач, бир кун депо бошлиғига шундай деди:

— Менинг ёрдамчим Султонов яқин орада тепловозни мустақил бошқара олади. Бунга мен қаттиқ ишонаман. Жуда талантли йигит, оғир юкли составни ҳайдаб бориш, техника тезлигини оширишда биргина менинг эмас, Султоновнинг ҳам ҳиссаси катта.

Ота-боболаримизнинг «эр йигитнинг қадрини эл билур» деган мақоли бор. Ватани, халқи учун беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришда фидокорона меҳнат қилаётган Деҳқон Султоновни темирўлчилар ҳурмат билан тилга оладилар.

Тошкент товар станцияси паровоз депоси коллективининг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишида депо коллективи халқ ҳурматиغا сазовор бўлган Деҳқон Султоновни СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Тошкент шаҳар Ленин сайлов округининг сайловчилари коммунистлар билан партиясизларнинг блоки номзоди Деҳқон Султоновни СССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар.

Деҳқоннинг устози, атоқли машинист Люшненко ўз фарзандидек уни қучоқлаб табриклади.

— Халқ ишончига сазовор бўлишинг муборак бўлсин ўғлим, ишингда муваффақият тилайман.

Деҳқон дастлаб индамади. Сўнг аста жавоб қилди:

— Александр Павлович, бу ҳурмат сиз туфайли, улуғ рус халқи туфайли, мени тарбиялаган Ленин комсомоли туфайли бўлаётир. Раҳмат Сизга.

Александр Павлович севиниб кетди, Деҳқонни яна қучоқлади.

— Айтгандай, — деди у Деҳқонга қараб, — шокли Совет Армиясининг 32 йиллиги ҳам яқинлашиб қолипти, бирон совға дегандек...

Деҳқон бу гапни устозидан олдин айтишга ботинолмай турган эди, ҳозир жуда қўнғлидаги иш бўлди.

— Ахир, — деди у, — мен Улуғ Ватан урушида қатнашганман, Александр Павлович, гвардия лейте-



нанти деган унвоним бор, мени Совет Армияси тарбиялади, чиниқтирди. Шундай бўлгач, бу улуғ кунга меҳнат соҳасида совға тайёрламасак кўнглим тўлмайди.

— Балли, ўғлим, барака топ.

Социалистик давлатимиз ҳаётида юз бераётган ҳар бир тарихий воқеани меҳнат соҳасида, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида янгидан-янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш совет кишиларининг ватанпарварлик анъаналаридан бири бўлиб қолган.

Устоз ва шоғирд Совет Армияси куни шарафига янги сафарга тайёрлик кўра бошлади.

Бир минг олти юз тонна оғирликдаги поезд Тошкент станциясидан аста қўзғалди. Бу — нормадагидан анча кўп юк ортилган поезд эди. Состав Тошкент станциясидан чиқди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Деҳқоннинг қўли-қўлига тегмайди. Фақат ўқдек учиб кетаётган тепловоз ичида Александр Павловичнинг:

— Қани, ҳа... бўлинг, яна оширинг, — деган сўзлари эшитилмоқда. Поезд Сирдарё станциясига белгиланган муддатдан анча илгари кириб келди. Ҳисоблаб кўрилса шу сафарда тепловоз ҳар соатига нормадагидан 2,4 километр ошиқча тезлик билан йўл босган. Бу — катта муваффақият эди. Александр Павлович диспетчер олдидан чиқар экан, Деҳқоннинг ёнига келди.

— Ҳорманг, ўғлим, табриклайман.

— Нима билан?

— Совет Армияси кунига муносиб совға тайёрлаганингиз билан...

— Александр Павлович, бунинг учун менга эмас, Сизга раҳмат.

Тепловоз Сирдарёдан Тошкентга қайтишда ҳам оғир юк ортилган составни юргизиб келди, бу сафар ҳам техника нормалари барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди.

Мамлакатимизда каммунизм қуриш учун мардона қадамлар билан олға бораётган миллионларча совет кишилари сафида бўлиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшаётган, СССР Олий Советининг депутаты Деҳқон Султонов, янги муваффақиятлар сари сафаринг бехатар бўлсин!

Февраль, 1950 йил

## I

Аҳмад ака артель раисининг кабинетига кириб, бу ерда ўтирганларни кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Раис билан маслаҳатлашмоқчи бўлган масаласи ҳам қоронғида ғойиб бўлган тутундек хаёлидан кўтарилди. Эшик олдида тик туриб қолди. Нима бўлди? Ҳунармандлар артелининг ишларини бошқариб турувчи правление раисининг кабинетида бирон фожиа рўй бериптимики, Аҳмад акани қўрқув босди. Уша одамлар, ҳар куни, бирга ишлаб юрган артель аъзолари, бири раис, бири цех бошлиғи, бири шоғирди. Буларни Аҳмад ака энди кўраётгани йўқ.

Аҳмад ака бошини қуйи солиб, индамай турар эди. Ўтирганлардан биронтаси ҳам уни пайқамагандай, қайрилиб қарашмади. Ҳамма бошини қуйи солганича маъюс, раис столининг ёнида ўтириб газета ўқиётган қизнинг сўзларини тингламоқда. Қиз ўқир экан, ора-сира хўрсинар, нафаси етишмаётгандай бўлар, ўпкаси тўлиб кетар, қўлининг титрагани ўз қоматини ростлай олмаган газета қоғозининг секин шилдираётганидан сезилиб турар эди. Аҳмад ака диваннинг четига думалоқ ёстиққа бориб ўтирди. Қизнинг овози оғирлашиб зўрға ўқий бошлади:

«Фронт доирасидаги II районда бомбардимон натижасида ҳалок бўлган қурбонлар рўйхатга олинди:

Гаяля Енюкова — икки ёшу олти ойлик, Шура Репетьян — бир ёшу тўрт ойлик, Люба Шчепакова — бир ёшу икки ойлик, Юра Смирнов — бир яшар, Володя Корнев — бир яшар. Фашист учувчилари парк-

да жойлашган болалар поликлиникасини бомбардирмон қилдилар. Касал болалар билан бирга навбатчи ҳамшира — студент Сафонова ҳам ҳалок бўлди. У ҳали эрталабгина касалхона дафтарчасига: «Юра Смирновнинг иштаҳаси анча яхши бўлиб қолди. Галя Енюкова бугун тетик, у яқин кунларда соғайиб уйига қайтади» деб ёзган эди.

Пачақланган каравотлар, тахта парчалари, харобалар орасида ҳалок бўлган гўдакларнинг пойафзаллари — буларнинг ҳаммаси фашистларнинг тинч шаҳарда қолдирган излари...»

Ўтирганлар ғамгин ўринларидан туришди. Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Аммо уларнинг ҳар бирининг юрагида фашист-йиртқичларга, инсон деган улуг номни буллаган гитлерчиларга бўлган ғазаб ҳозир ана шу дақиқада яна бир марта алангалади. Бу жимлик қўрқув, ташвишланиш аломатини эмас, мағрур жарангловчи инсон деган номнинг шарафини сақлаб қолиш учун, мурғак норасида гўдакларнинг жони учун, ниҳоят, озод, бахтиёр халқнинг бошига тушган оғир кулфат учун душмандан, немис-фашистлардан ўч олишга қаҳру ғазаб янада кучайганлиги аломатини кўрсатар эди.

«Гитлерчи лаънатиларнинг ҳам фарзандлари бормикан, гўдакнинг тирноғи кўр қилгурлар. Бу ваҳшийлик инсоният тарихида бўлмаган-а». Правление эшиги ёнидаги скамейкада ўтириб, бир нафас хаёлга чўмган, худди бировга гапираётгандек юқоридаги сўзларни ўзича такрорлаган Аҳмад ака ўрнидан туриб, яна раис кабинетига кирди.

— Келинг, Аҳмад ака, — қўл узатди раис, — хизмат.

Аҳмад аканинг хизмати, раис билан маслаҳатлашмоқчи бўлган гапи шу ерда ўзгарди. Негаки, келажакимиз бўлган гўдакларнинг ҳаётидан ҳам муҳимроқ нарса бўлиши мумкинми?

— Ука! — деди Аҳмад ака раисга қараб, — уруш бўлаётган шаҳарлардан лоақал болаларни шу томонга кўчириш имкони бўлмаётирмикан-а? Наҳотки...

Раис Аҳмад аканинг фикрига тушунди, унинг гапини бўлди.

— Сиз ўйлайсизки, немис-фашистлар босиб олган жойда болалар қолиб кетяптими? Йўқ, кўчириляпти.

Ҳалиги сиз эшитган гап уруш майдонига яқинроқ жойда бўлган-да.

— Бўлмаса болалар қаёққа юбориляпти?

— Биз томонга. Хабарингиз йўқми, Ўзбекистон ҳукумати ана шунинг учун махсус комиссия тузди. Уртоқ Охунбобоев бошчилик қиляпти. Яқиндан бери Тошкентга ота-онасиз қолган кўп болалар келтирилди.

— Шундай денг, уларни ким боқади?

— Ҳукуматимиз, сиз билан биз.

Аҳмад ака уйига қайтиб келиб, дастлаб хотинига ҳеч нарса айтмади. Оғир меҳнатдан сўнг тинкаси қуриб чарчаган кишидек ариқ лабидаги шолчага ўтирди. Июль ойининг жазирама офтоби ҳамма ёқни қиздирмоқда. Шунақанги пайтларда, ўз қўлинг билан ўтқазиб, вояга етказган мева дарахтлари соясида, ариқ лабида бир нафас ўтириб, дам олиш қандай роҳат бахш этади, ахир! Аммо ҳозир Аҳмад ака табиатнинг, ёзнинг ана шу неъматини ҳам унутиб қўйган. Бундан бир ой муқаддам уруш бошланган куни қанчалик қайғуга тушиб, туни бўйи ухламаган бўлса, ҳозир ҳам шундай бўлаётир. Аҳмад ака ора-сира оқ тушган калта соқолини тутамлар экан, унинг юрагида душманга бўлган ғазаб тобора ортаётгани сезилиб турарди. Гўштсиз, тўқ мағиз ранг юзлари, қиздирилган темир учқунлари сачрайвериб пишиб қолган, ҳозиргача неча юз пудлаб темирни тоблаб, ундан беҳисоб асбоблар тайёрлаган бақувват қўллар, хипчадан келган, ўрта бўйли гавдаси, кипригидан тортиб, қалбигача ҳаммаси ғазабда. Ёшлигида, аравакаш отасининг қурби етмаганидан ўқий олмаган, Ҳокимбек деган темирчининг қўлида етти йил ишлаб, темир қиздиришдан бошқасини ўргана олмаган Аҳмад ака умрининг сўнгги ярмида, Совет ҳокимияти даврида кўкрагига шамол тегиб, уста темирчи бўлиб етишганигача ҳаммасини эслаб ўтди. Сўнгги кунларда ҳар сафар кўчага чиққанида деворларга, биноларнинг кўримли жойларига ёпиштириб қўйилган плакатлар кўз олдига келди. Унда «Сен фронт учун, душман устидан ғалаба қозониш учун нима қилдинг?!» деган хитобни ўқир эди.

Аҳмад ака хотини Баҳри опани ёнига чақириб, юрагидаги дардини айтди:

— Агар ҳукумат рухсат берса, урушда ҳалок бўлганларнинг болаларидан олиб тарбия қилсак, нима дейсан?

— Жоним билан. Ахир ўша бегуноҳ ҳалок бўлганлар бизни, мана бу ватанни ҳимоя қилишаётир-ку.

— Балли хотин, агар тарбиялашга беришмаса, ўртоқ Охунбобоевнинг олдига чиқаман.

## II

Мевалари гарқ пишиб ётган боғ ўртасига дарахтга осилган беланчак аста бориб келмоқда. Атласдан қопланган кичик кўрпача, пар ёстиқ устида сочлари, киприк ва қошлари қоп-қора кулча юзли тўқлидек бола пишиллаб ухламоқда. Унинг мана шу пистадек жажжи лабларидан ҳали она сутининг мазаси кетгани йўқ, онасининг қайноқ бағридаги ҳарорат чақалоқнинг баданларида ҳозиргача кезиб юрипти. Неъматжон энди беш ойлик бўлди. У, ҳалок бўлган онасининг бағридан, кўкрак сутидан маҳрум бўлганида неча ойлик мурғак дейиш мумкин эди. Ҳали сутга мириқиб тўймаган чақалоқ етим қолди. Йўқ, у етим эмас.

Сен етим эмассан,  
Тинчлан жигарим.  
Қуёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онанг,  
Заминдай вазмину  
Меҳнаткаш, мушфиқ  
Истаган нарсангни тайёрлагувчи  
Халқ бор — отанг бор,  
Чўчима жигарим.  
Ўз уйингдасан,  
Бу ерда  
На ғурбат,  
На офат,  
На ғам.  
Бунда бор:  
Ҳарорат,  
Муҳаббат, Шафқат,  
Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.  
Сен етим эмассан  
Ухла жигарим,

Баҳри опа эҳтимол бу шеърни ўқимагандир. Аммо унинг ҳозир, мийиғида алланималарни айтиб, чақалоқни аллалаб ўтириши, ўзи сингари пок қалбли, меҳрибон оналарнинг юрак дардлари ҳурматли шоир Фафур Ғуломнинг қаламида ўз ифодасини топган.

Баҳри опа беланчакни тебратиб қўйиб, галтақдан бир қатим ип узиб олаётганда, эшикдан Рая кириб келди. У, ҳовлиққанича боғнинг ўртасига, Баҳри опа ёнига борди.

— Ойи-чи, ойи...

— Ҳай, секин гапир, укангни уйғотиб юборасан.

— Ойи, мени мактабга қабул қилишди, эртадан ўқишга бораман.

— Жуда яхши, қизим, ҳали даданг эшитса қандай хурсанд бўларкин.

Баҳри опа этагини қайириб босаётган кўйлакни битказди. Унинг икки елкасидан тутиб, Раянинг бўйига ўлчади.

— Мана қизим, эртага оҳорли кўйлак кийиб мактабга борасан.

Ўзи учун кўйлак тикилаётганлигидан беҳабар бўлган Рая овози борича «ойижон» дея қичқириб, Баҳри опани қучоқлаб олди, икки юзидан ўпа бошлади. Баҳри опа Неъматжоннинг уйғониб кетишидан жонсарақ бўлиб, Раяни тинчитди, уни беланчак ёнида қолдириб, болалар билан ўйнаб юрган Малика, Володялардан хабар олгани кўчага чиқди.

### III

Улуғ Ватан уруши совет халқининг ғалабаси билан тамомланган йил. Ёз пайти. Айвонда, турли нознеъматлар билан ясатилган стол атрофида Аҳмад ака ва Баҳри опаларнинг ўғил-қизлари ўтиришипти. «Ўнта бўлса ҳам, ўрни бошқа» деди Аҳмад ака. Мана улар — ўн ўғил ва бир қиз. Турли миллат болалари, бир-бирига сира ўхшамайди. Аммо шундай аҳилки, ҳеч қандай сабаб ҳам бир-бирларидан ажратолмайди. Қизларда бир хил, ўғил болаларнинг эғнида иккинчи хил кийимлар. Ҳаммаси бир нусхадаги газламадан тикилган, дўппи, пойафзаллар эса бир устанинг қўлидан чиққандай.

Баҳри опа чой қуйиб аввал катталари, кейин навбати билан кичикларига узатди. Болаларнинг энг кичиклари — Неъматжон Аҳмад аканинг, Раҳматилла эса Баҳри опанинг тиззасида ўтиришипти. Аҳмад ака ҳар сафаргидек болаларни гапга солар, уларнинг чўчқайиб, баъзиларининг эркаланиб гапиришлари, уни олиб беринг, буни олиб беринг дейишлари, ҳали мактаб ёшига етмаганларнинг ўқишга борамай деб хархаша қилиши — буларнинг ҳаммаси Аҳмад акани беҳад қувонтирар, унда ҳақиқий оталик меҳрини тобора кучайтирарди.

Нонушта тугамасданоқ эшик тақиллаб қолди. Оиланинг тўнғич ўғли Рафиқ ўрнидан туриб бориб, эшикни очди. Ўрта ёшлардаги, кўзлари катта-катта очилиб кетган аёлга дуч келди, салом берди.

— Кечирасиз, Шомаҳмудовнинг уйи шуми? — сўради аёл.

— Ҳа, шу, менинг дадам бўладилар, ҳозир ўзларини чақираман.

Рафиқ айвонга бориб етмасданоқ, ҳалиги аёл ичкари кириб, шу томон кела бошлади. Стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси ҳовлига, нотаниш аёлга тикилишди. Аёл айвонга яқинлашганида, устига ёғ суртилган нонни тишлаётган Рая ирғиб ўрнидан турди. Аёл овозининг борича «қизим» деб қичқириб юборди. Эҳтимол у, умрида биринчи марта шундай баланд овоз билан қичқиргандир. Шу пайт, она-боланинг қаттиқ қучоқлаб ўпишаётган пайтини кўрган ҳар қандай кишининг ҳам кўнгли алланечук бўлиб кетарди.

Рая онасининг белидан икки қўлини ўтказиб ушлаганича бошини унинг кўкрагига қўйиб, икки кўзини Баҳри опадан узмай, жим турар, она эса қизининг сочларини силаб, кўз ёшини, «қизим, жонгинам» дейишини тўхтатмас эди.

Аҳмад ака ҳарна қилса ҳам эркак. Аммо Баҳри опа қай ҳолатга тушди деиш. Ахир у ҳам она-ку. Бу вазиятни Аҳмад ака бузди. У аёлни столга таклиф қилди. Шундагина ўзига келган аёл саломлашишни ҳам унутиб қўйгани учун узр сўради, Прасковья Герасимовна дея қўл узатиб, Аҳмад ака билан кўришди, сўнг Баҳри опани қучоқлаб, ўпа кетди. Стол ёнига ўтирар экан, икки кўзини Раядан олмас, ора-сира

гоҳ Аҳмад акага, гоҳ Баҳри опага қараб кетма-кет «раҳмат сизларга, раҳмат» дер эди.

Баҳри опа шу куни туни билан ухлай олмай чиқди. Аҳмад ака унга тасалли бера бошлади.

Аҳмад аканинг илтимоси билан Прасковья Герасимовна бир ҳафта шу ерда меҳмон бўлди. Кетар куни унга турли ноз-неъматлар билан тўлган каттакон тугун беришди. Шунда, Прасковья Герасимовна Баҳри опанинг қўлига пул тутқизди. Буни пайқаб қолган Аҳмад ака бир оз ранжиди.

— Синглим, — деди у, Прасковьяга, — мен қаттиқ хафа бўламан. Раяни тарбиялаб вояга етказаман деганимда, ота-онаси топилса харажатларини тўлатаман деб ўйламаганман. Майли, шаҳарингизга қайтар экансиз, илтимосим шуки, хат орқали йўқлашиб турсак, бир-биримизни унутмасак, ака-сингил тутинайлик.

Бу гап Прасковья Герасимовнанинг қалбидан шундай ўрин олдики, бундай меҳрибончилик эвазига нима қилишини билмай қолди.

Аҳмад аканинг уйига тез-тез келиб турадиган почталъон фронтдан, ҳар хил касб ва лавозимдаги турли миллат кишиларидан, Аҳмад акага сира таниш бўлмаган эркак ва аёллардан жуда кўп хат келтирарди. Хат йўлловчилар Шомахмудовлар оиласининг юксак ватанпарварлиги, уларни фронтда ҳам, меҳнатда ҳам янги ғалабаларга руҳлантираётганини ёзар эдилар. Улардан кўплари ҳатто моддий ёрдам тариқасида пул юборар эди. Мана энди, сон-саноқсиз хатлар орасида таниш бўлган киши, Аҳмад аканинг қизи Рая ва синглиси Прасковьядан ҳам хат кела бошлади. Бу хатларнинг мазмуни бизда, фақат социалистик тузум шароитида, халқларнинг мустаҳкам биродарлиги, кўп миллатли совет кишиларининг дўстлиги барқарор бўлган мамлакатдагина бўлиши мумкин бўлган самимий дўстлик, совет кишиларининг олижаноб фазилатларини ифода этарди.

#### IV

Мен матбуотда, Америкада тез-тез бўлиб турадиган воқеалар ёзилган бир мақолани ўқиган эдим:

«Бугун, Роберт Ньюшем ўз уйи олдида турган ав-



томобиль ёнида ички кўйлакка ўроғлик чақалоқ болани топиб олди. Бола билан бирга кичкинагина хат ҳам ётар эди. Хатда шундай дейилган: «Ўзим бу болани боқадиган ҳолатда эмасман, сизлар бир амаллаб тарбияланглар».

Шу сатрларни ўқийсану, беихтиёр ўйланиб қоласан киши. Ахир икки ёш юрак бир-бирига самимий муҳаббат изҳор қилганида, оташин севгига умр бўйи содиқ бўлиш ҳақида аҳдлашганида, илк бўсалар гувоҳ бўлганлигига ким ишонмайди. Шундай экан, қайси бир қаҳри қаттиқ ота ва она ўз фарзандини кўчага ташлаб кета олади. Йўқ, албатта. Бу чақалоқнинг ота-онаси эса шундай қилишга мажбур бўлганлар. Чунки империализм ота-онани боладан, болани ота-онадан жудо қилмоқда.

Ҳурматли китобхонларимиз марказий матбуотда босилган бир расмни кўрган бўлсалар керак. Мен худди шу расмга тикилиб, йиғлаб юборган онани, совет аёлини эслайман. Расмда зинапояга тўрт бола ўтқазиб қўйилган, тепасида онаси йиғлаб турипти, тахтага катта ҳарфлар билан «болалар сотилади» деб ёзиб қўйилган.

Ёки Америкада ҳомиладор аёл муҳтожликдан қорнидаги туғилмаган болани сотиши, унинг эвазига олган ҳақи эса туғруқхона хизматига тўлаш учун етмаслиги сир эмас-ку. Булар ҳаммаси Уолл-стрит Америкасида бўлиб турган воқеалар. «Турмушнинг америкача образи» ана шундай.

\* \* \*

Аҳмад ака ҳозирги кунда ўн икки фарзанднинг отаси. Булар олти миллат болалари. Катта ўғли Рафиқ бу йил ўрта мактабни битиради. У, тоғ инженери бўлмоқчи.

— Ўғлимнинг орзуси ҳам тоғдек, — деди Аҳмад ака, — у албатта орзусига эришади. Бизларнинг, совет кишиларининг кучимиз, қудратимиз ҳам ана шунда. Тоғдек орзуларимиз, орзунинг ушалишига бўлган мустаҳкам ишончимизни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Апрель, 1950 йил

## МОСКВАЛИК ҚИЗ

### I

Синфда ўтирган қизлар ўқитувчининг ҳикоясини бутун вужудлари билан берилиб тингламоқдалар.

Синфдаги тинчлик фақат бир кишининг — Варвара Васильевнанинг ўпкаси тўлиб гапираётган ҳаяжонли сўзлари билан бузилмоқда. Ўтирганлар кўз ўнгида, фашист офицерининг сўроқларига жавоб беришдан бош тортиб, кетма-кет тушаётган калтак азобига дош бераётган, оғзидан бирон сўз чиқиб кетмаслиги учун лабларини қимтиб, қонатиб юборган, қатъ олдида, ўлим, даҳшатли ўлим билан юзма-юз тўқнаш келганида ҳам қўрқувни билмаган қаҳрамон қиз — Зоя бутун борлиги билан гавдалана бошлади. Ватанга, ўз халқига, жонажон комсомолига чексиз содиқ бўлган Зоянинг ҳаёти ёшларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини, жонажон Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини ошириб юборди.

Олдинги партада ўтирган қизнинг лўппи юзлари қизарган, у, икки қўлини иягига тираганича, Варвара Васильевнага тикилган. Кўз қорачиқлари ёмғирдан сўнгги олуца донасига қуёш нури тушгандек, ялтираб кетди. У, ёнидагиларга сездирмаслик учун, ёш тўла кўзини юммади. Ёш томчиси юзларига доналаб тушмади-ю, бир неча марта пайдо бўлиб, яна кўзнинг ўзида ғойиб бўлди. Бу, қўрқув аломати эмас, албатта. Одам қиёфасини йўқотган фашист жаллодга нисбатан нафрат ва қаҳрамон қиз — Зоянинг ҳаётига ачиниш аломати эди.

Ўз ичига бир олам мазмунни қамраб олган бу кичик воқеа — китобхонларимизга таниш. Синфда, олдинги қаторда икки қўлини иягига қўйиб ўтирган қиз, ўзининг ички кечинмалари билан кино экранда кўз ўнгимизда намоён бўлган ана шу қизни «Қишлоқ ўқитувчиси» фильмида кўрган эдик. Режиссёр ҳам, оператор ҳам, Варвара Васильевна ҳам ана шу эпизодни ҳаққоний, ҳаяжонли қилиб акс эттирилган ёш қизни бағриларига босиб қайта-қайта табриклаган эдилар. Ёш қиз артист бўлмаса ҳам, оғир ички кечинмаларини жонли акс эттирган эди. Биз ҳозир, юқоридаги воқеани кўз олдимизга келтирар эканмиз, ёш қиз Тамаранинг ҳаётини эсга олдик.

Улуғ Ватан уруши бошланганида у эндигина ўн ёшга тўлган, шўх ва хушчақчақ қизча эди. Дурадгор отаси фронтга жўнади. Онаси ўн ёшли қизни бувиси билан Москвадан узоқроққа юборди-ю, ўзи улуғ пойтахтда, туғилиб ўсган жойи — жонажон Москвада қолди. Уни мудрофаа қилишда қатнашди. Ёш қизча бувиси билан Москва яқинидаги шаҳарда яшади. Тамара ўн беш ёшга тўлганидагина онаси билан учрашди. Мария Петровна севимли қизини оналик меҳри тўлиб-тошган ҳолда қучоғига босди. Мария Петровна ўз қизи Тамара билан кинони кўрар экан, ҳаяжонланиб кетди, уни қучоқлаб қайта-қайта ўпди.

«Қизгинам, Зояни сира-сира эсингдан чиқарма. Шунинг унутмагинки, қаҳрамон Зоя ҳам сен каби бахтиёр қиз эди. Аммо у мардларча ҳалок бўлди. Ким учун? Ватани, халқи учун! Сенинг бахтиёр ҳаёт кечиршинг учун. Бунинг сира унутма, қизим».

## II

Завод кадрлар бўлимининг ходими Тамарани механика цехига бошлаб келиб, цех бошлиғига тайинлади:

— Шогирдликка қабул қилдик. Ўйлайманки, эллаб кетар.

Цех бошлиғи қизга кулиб қаради-ю, ундан сўради:

— Жуда яхши... Қайси касбни кўпроқ ёқтирасиз?

Тамара ўйланиб турмай, дарров жавоб қилди:

— Энг мураккабини, фрезер станогини ёқтираман.

— Жуда соз. Қани юринг-чи, — цех бошлиғи қаторасига кетган станоклар орасидан юриб борар экан, Тамаранинг атрофга қизиқиб қараётганини кузатарди.

Шу куни Тамара фрезер станогида ишлаётган ўрта ёшлардаги жувон ёнида бўлди. Жувон унга бирон нарсани ўргатиш ўрнига куни бўйи у билан ҳар хил темаларда суҳбат қилди. Тамаранинг назарида у бугун фрезерчи аёлнинг ишига халақит бериб, ҳатто уни ишдан қўйгандай бўлди. Уйига келгач, онасининг саволларига ҳам истар-истамасгина жавоб қилди. Кундалик хотира дафтарига шу сўзларни ёзди:

«Бугун мени шогирдликка қабул қилишди. Заводда жуда яхши кутиб олишди-ю, нима учундир мен биркитилган фрезер станогида ишлаётган аёл куни бўйи менга бирон нарсани ўргатиш ўрнига, ҳадеб гапга тутаверади. Нимани севаман, қаерда ўқиганман, уруш йилларида қаерда эдим, ҳатто мени экранда кўргани, санъатга, актёрликка қобилиятим борлиги — ҳаммасини гапирди. Нега бундай қилганига тушунолмадим. Бунинг сабабини кейинчалик албатта суриштириб, билиб оламан».

Эртаси куни Тамара хотира дафтарига шундай деб қайд қилди:

«Бугун туни билан ухлаёлмай чиқдим. Сабабини билолмайман. Фақат кўз олдимда қудратли машиналар тизмаси. Бу машиналар тайёрлаб чиқараётган деталлар қайси бир тракторга ўрнатилгану, улар ҳозир мамлакатимизнинг қайси районида ишлаётир, эҳтимол ўша тракторни ҳам мен сингари бир қиз бошқараётгандир. Бу, қанчалик улуг, шарафли иш! Барвақт туриб, нонушта қилдим. Заводда устам бугун кечагидек куни бўйи гапга тутмади. Станокда ишлаш учун зарур бўлган дастлабки техника қодаларини ўргандим».

Бир-биридан мазмундор бўлган кунлар, ҳафталар, ойлар ўтди. Тамара фрезер станогида мустақил ишлашга кўчган, нормани бир юз бир процент бажарган куни қанчалик қувонганини, уйига келиб онасини маҳкам қучоқлаганича: «Ойижон, беш йиллик плани бажаришга бугун мен ўзимнинг кичик ҳиссамни қўшдим, қанчалик улуг, шарафли иш! Ойижон!» де-

ганини ҳали-ҳали эслайди. Кундалик дафтарига ҳам худди шундай деб қайд қилиб қўйган эди-да.

Мамлакатда, социалистик саноатимизнинг ҳамма тармоғида кўп станокда ишловчилар сафи тобора кенгайиб бораётган бир пайтда Тамара мастер Николай Ратников ҳузурига кирди.

— Уртоқ мастер, рухсат берсангиз, мен бир йўла иккита фрезер станогига ишлашга кўчсам.

Мастер иккиланмади. Аммо «ҳа» деган жавобни ҳам бермади.

— Яхши. Фикрингизга қўшиламан. Аввал техника жиҳатидан пухтароқ ўйлаб кўриш керак.

Тамара бир ҳафтадан кейин иккита фрезер станогини қабул қилди. Биринчи куни мастер Ратниковнинг ўзи ишни диққат билан кузатиб турди. Тамара ҳар иккала станокни ҳам бир меъёрда бошқарди-ю, аммо шу кунги нормани бажаролмади. Мастер шу куни ишдан кейин Тамарани ўз ҳузурига чақирди. Тамара албатта ҳозир бирон дакки эшитишни кутар эди. Нима учундир Ратников бугунги иш тўғрисида сира гап очмай, нуқул ўзининг фронтдаги хизмати, биринчи марта танкка ўтирган дастлабки кунлари кўп қийналиб қаттиқ хафа бўлганини ҳикоя қилиб берди ва охирида шундай деб қўйди:

— Иккала станокнинг нормасини қўшганда сиз бир юз етмишга етказибсиз. Шундайми? Уттиз процент етмаганидан қаттиқ хафасиз. Аммо бир станок ҳисобида олиб қараганда етмиш процент ошиқлигини ўйламаяпсиз! Ҳамма нарса бирдан бўлавермайди.

Тамара мастернинг уни юпатиш учун гапираётганини дарров пайқади.

— Тўғри, — деди у, — аммо мен бир станокнинг қуватидан ўттиз процент кам фойдаландим-да.

— Бунинг ҳиссасини чиқарарсиз деб ўйлайман?

— Албатта. Ҳиссасини ортиғи билан чиқараман.

\* \* \*

Радиодан ҳозиргина эшиттирилган янги хушхабар бир зумда оғиздан-оғизга ўтиб, бутун заводга тарқалди. Ҳамманинг оғзида шу гап.

— Яна бир улуғвор иншоот! — деди кимдир,

— Улканлиги Куйбишев гидростройидан қолишмайди! — деб гапга аралашди яна бир ёш йигит.

Янги иншоотнинг улканлиги, аҳамиятини ифода-лаш учун ҳамма ўз фикрини айтар эди.

— Энди қум саҳролари гуллаб-яшнаб кетади,— деди яна биров.

— Табиатни худди мана шу станокдек ўзимиз бош-қарамиз, чўл-биёбон, қумлик саҳроларда боғ-роғлар, шаҳар-қишлоқлар яратамиз,— ўрта бўй, лўппи юзли қизнинг бу гапини ҳамма маъқуллади.

Цехда ҳали иш бошланмасдан ўзаро бўлаётган ана шу суҳбатга қулоқ солиб турган Тамара ҳамма-нинг кўнглидагини топди.

— Коммунизм қуришни тезлаштирамиз!

— Яша, Тамара, жуда тўғри!

— Томочка, — ёшгина токаръ қиз уни маҳкам қучоқлаб олди, — эртага деворий газета чиқарамиз, шеър ёзиб берасан, хўпми?

— Хўп, «Коммунизм иншооти». Шундай деб ёза-ман.

— Жуда соз.

Худди шу куни Бош Туркман канали қурилиши ҳақидаги хушxabар муносабати билан мамлакатимиз-нинг ҳамма ерида юқоридаги сингари суҳбатлар бў-либ ўтди. Бундай суҳбатлар ўз-ўзидан неча минг киши қатнашган митинг, йиғилишларга, шодлик ва қудратни, меҳнат ва ижодни намойиш қилувчи танта-наларга айланиб кетди. Жонажон партия ва ҳуку-матимиз кўраётган ҳар бир тадбирни совет кишилари ана шундай қувонч билан қарши оладилар.

Тамарага бу кун жуда катта, жуда мазмундор кун бўлиб туюлди. Худди унга биров: «Шу улуг ишга сен қандай ҳисса қўшоласан?» деяётгандай эди. Дар-ликда, харитада кўрган бепоён қумликлар, туя кар-вонлари, бебош Аму сувлари унинг кўз олдидан бир-ма-бир ўтди. «Мен катта бўлсам-чи, ойи, албатта шимол томонга кетаман», деб онасига айтиб юрган гаплари эсига тушди.

У ишдан сўнг редколлегия йиғилишида қатнашди. Цехда коммунизмнинг янги иншооти қурилиши ша-рафига деворий газета чиқариш планлаштирилди.

Тамара уйига қайтар экан, юраги беҳад севинчга тўлиб-тошган эди. Эшикдан кириши билан стол ёни-

да газета ўқиб ўтирган отасини ва креслода ўтириб қулоқ солаётган онасини кўрди. Кўрди-ю, гапирмоқчи бўлган сўзлари оғзида қолди. Отаси ҳам, онаси ҳам янги хабарни ундан илгарироқ эшитишибди. Қўшни хонага кирар экан, отасининг шу сўзларини эшитди:

— Бир минг бир юз километр-а, хотин, азамат канал бўлади...

Тамара қизгин суҳбатга халақит бермай нариги хонага кирди. Қоғоз олиб столга қўйди. Назарида ёзмоқчи бўлган хати учун бу қоғоз ёқмагандай бўлди. У китоблар тахлаб қўйилган шкафдан алланима учун сақлаб қўйган, қалинроқ, силлиқ қоғоздан бир неча варағини олди. Ёзиш олдидан бир оз ўйланиб қолди.

Одатда юрагингдаги ҳаяжон, шодлик, ёхуд буюк орзуни қоғозга тўла тушириш жуда қийин бўлди. Гоҳо сўз бойлигинг камлик қилади, ифода кучсиз чиқаётгандай кўринади. Оддий сўзлар билан ёзмоқчи бўласану, кўнглинг тўлмайди. Ана шунда бутун вужудинг билан тўлқинланасан, узоқ ўтириб, фикрга толасан.

Тамара бир неча бор ручкани сиёҳга ботирди, сиёҳ перо юзида қуриб қолаверди. Узоқ ўйдан сўнг, ниҳоят, секин, чиройли қилиб ёза бошлади:

«Мен комсомол аъвосиман. Москвадаги автотрактор электр ускуналари заводида ишлайман. Коммунизмнинг буюк иншооти — Бош Туркман канали қурилишида ишлашни истайман. Заводда мен стажовча ишлаб, нормамни бир юз етмиш процентгача етказиб бажаряпман. Улуғвор иншоот қурилишида бундан ҳам яхшироқ ишлаб, халқ ишончини оқлашга ваъда бераман. Тамара Макарова».

### III

Тамарани сафарга жўнатиш тантанага айланиб кетди. Заводдаги ҳамкасблари, ўзи билан бирга кечқурунги радио мактабида ўқийдиган комсомол ўртоқлари тўпланишди. Ширин хотиралар — завод ҳаёти, кечки радио мактабида ўқиш, биргалашиб ўтказилган адабий кечалар, ҳаваскорлик тўғараги — буларнинг ҳаммасида комсомол қиз-йигитларнинг зўр завқ ва шавқ билан иштирок этганлари, ҳаммаси эсга

олинди. Бу маросим тантанали бўлса ҳамки, худди расмий йиғилишга, сайловчилар ўз депутатларига наказ бериш учун тўпланган йиғилишга ҳам ўхшарди. Тамарага завод комсомолларининг накази ҳам берилди.

— Тамара кичкина ишга кетаётгани йўқ, — деди токарь Михаил Бирюков, — у заводимиз комсомоллари номидан улуғ қурилишга бораётир. Коммунизмнинг мухташам биносини қуриш ҳаммамизнинг улуғ мақсадимиз, демак, ғайратимиз ҳам шунчалик улуғдир. Биз Тамарани ана шу улуғ мақсад билан буюк қурилишга кузатаётирмиз.

Тамаранинг кўзлари жавдиради, у ўртоқларининг самимий маслаҳатлари, талабларини эшитар экан, коллективнинг зўр қудратини борган сайин кучли ҳис қила бошлади.

— Тамарадан комсомол деган улуғ номга муносиб ишлаб, бизнинг ишончимизни оқлашни талаб қиламиз, — деди жиддий вазиятда ҳамкасби Ира.

— Тамарадан яна бир илтимосимиз шуки, Москвадан поездга ўтириши ҳамоно кундалик ёзиб борсин, — деди Тамаранинг мактабдоши Нина, — канал қурилиб битказилгандан кейин яна тўпланиб, ана шу кундаликни ўқиб чиқамиз.

— Тез-тез хат ёзиб, қурилишдаги ишлар, жўшқин ҳаёт ҳақида бизларни хабардор қилиб туришни унутма.

Тамаранинг қувончи юрагига сиғмасди.

У ўртоқларининг самимий маслаҳатларини комсомол деган шарафли номга муносиб хизмат қилиш ҳақидаги талаб деб қабул этди.

Тамара ўртоқларининг ишончини оқлайди!

Боятдан бери индамай, кулиб, ўртоқларига тикилиб ўтирган Тамара сўз навбати ўзига келганини сезди шекилли, ўрнидан туриб, қўлига икки варақ қоғоз олди. Ўртоқларига қаради.

— Мен жуда хурсандман. Бутун наказларингизни тўла бажариш учун комсомоллик ваъдамни бераман, — у бир оз жим қолди, — агар рухсат берсанглар кеча ёзган шеъримни ўқиб берсам.

— Қани, қани ўқи-чи.

— Ўқи, Тома, ўқи.

Тамара ўқий бошлади:



Хайр, дўстлар, гигант завод, жонажон пойтахт  
Мен йўл олдим Амударё соҳили сари.  
Улуғ ишга ҳисса қўшиш — шундай бизнинг аҳд —  
Яшнамамиз бепоён чўл, қум саҳраларин.

Йигит ва қизлар шеърнинг ана шу тўрт йўли ўқи-  
лиши биланоқ қарсақ чалиб юборишди, сўнгги сатр-  
ларнинг ҳар бири ана шу тарзда қарши олинди.

Қиз ва йигитлар—эртанги куннинг порлоқ экани-  
ни бугун ўз кўзи билан кўриб турган, истиқболлини  
ўзи яратаётган бахтиёр ёшлар Бош Туркман канали  
қурилиб битказилгандан кейин Тамаранинг келиши  
шарафига, Иранинг олий ўқув юртини битириши  
шарафига, бир вақтда, бир ерда учрашишга қарор қи-  
лишди. Нина шундай таклифни ўртага ташлади:  
«1956 йил 2 май куни Большой театр биноси олдида  
учрашамиз». Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди.

Дўстлар шод-хуррамлик билан Тамарани поездга  
ўтқазиб, унга оқ йўл ва ишларида муваффақият тилаб  
қолишди.

#### IV

Тамара биринчи марта узоқ сафарга чиқиши эди.  
У, поездда ўтказган ҳар кунини, Иттифоқимизнинг  
саноат марказлари, қуюқ ўрмонлари, дарёлар, чўл-  
биёбонлар, мевазор боғлар, колхоз далалари —  
ҳаммасини хотира дафтарига ёзиб борди. Сафардаги  
ана шу ёзувларнинг ўзидан кўриниб турибдики, Та-  
мара, миллионлаб йигит ва қизларнинг, комсомол  
тарбиялаб етиштирган ёшларнинг бири бўлган оддий  
қиз ўз Ватанининг бойлиги, куч-қудрати билан қан-  
чалик фахрланса, унда ана шу жонажон ўлканинг ке-  
лажак равнақи учун куч ва билимини аямай хизмат  
қилиш ҳисси ҳам шунчалик кучли!

Поезд Чоржўйга яқинлашиб қолганида Тамарага  
шу яқин станциядан поездга чиққан бир кекса турк-  
ман ҳамроҳ бўлиб қолди.

У Тамара китоб ўқиб ўтирган пайтда купега ки-  
риб келди.

— Ҳамроҳ бўлсам майлими, қизим?

— Марҳамат, ота, жой бўш, — Тамара китобини  
ёпмай столчага қўйди, чолнинг қўлидаги тўр халтага  
қўлини узатди.

— Менга бера қолинг, мана бу ерга илиб қўяман.

— Балли, қизим, барака топинг.

Чол катта чамадонини пастга, бурчакка қўйди. Утириши билан поезд қўзгалди.

Ўртада анчагача жимлик давом этди. Чол Тамарага бир неча марта қараб қўйди-ю, фикрини бўлишга ботинолмай турди. Тамара учинчи саҳифани варақлаётганида, гўё пайтдан фойдаланмоқчи бўлгандай, гап ташлади.

— Қизим, ўқиётганингиз қизиқ китобга ўхшайди-я?

Тамара варақ орасида бармоғини ушлаганича китобни ёпди.

— Жудаям қизиқ. «Москвадан узоқда» деган китоб. Эшитганмидингиз?

— Шошманг, қизим, — чол бир оз ўйланди, — қулоғимга иссиқ чалинди. Ҳалиги, нефть қудуқлари ўрнатишми...

— Ҳа, худди ўзи.

— Эсимга тушди. Неварам ўқиб, тафсилани айтиб берган эди.

Рус тилида равон гапираётган, кўринишидан адабиётга анча қизиқувчи бу киши Тамаранинг диққатини ўзига тортди.

— Ота, сафарингиз узоқми?

— Хийла бор, қизим. Ашхабодгача. Сиз-чи?

— Мен Чоржўйгача... етиб қолгандирмиз-а?

— Оз қолди. Ўзингиз Чоржўйданми?

— Йўқ, — деди Тамара, — узоқдан, Москвадан.

Чол Тамарага тикилиб қаради.

— Узоқдан дедингизми, йўқ-йўқ, қизим, Москва узоқ эмас, Москва мамлакатимизнинг ҳамма бурчагига ҳам энг яқин, энг муътабар шаҳар.

Чолнинг маъноли гаплари Тамарада ажиб таассурот қолдира бошлади.

— Мен масофасини айтипман-да, отахон, мана Москвадан чиққанамга беш кун бўлди.

— Гап масофада эмас, кўнгилда. Кўнгил яқин бўлса, масофа кўзга кўринмайди. Москва! Ахир бу жуда улкан шаҳар, пойтахт! Бизнинг юракларимиз ўша шаҳар билан бир мақомда тепиб туради. У билан бирга нафас оламиз. Бу шаҳар бизнинг бахтимиз!..

— Ота, сиз Москвада бўлганмисиз?

— Бўлганман. Урушдан аввал, қирқинчи йилда бўлган эдим. Ҳозир анча ўзгаришлар бордир-а?

— Уҳў, жуда ўзгариб кетган, таниб бўлмайди.

— Тани соғлик бўлса келаси йил албатта бормоқчиман, ўғлимнинг олдига...

— Ўғлингиз Москвадами?

— Шундай. Энергетика институтида ўқияпти. Хабарингиз борми, мана бу янги қурилаётган Бош Туркман каналидан? Ўғлим, институтни битирсам каналнинг электростанциясида ишлайман, деб ёзибди. Ўқиб хурсанд бўлдим, — ота бир оз жим қолди, ўйла-ниб сўради: — Сиз Чоржўйда ишлайсизми, қизим?

— Йўқ. Мен Москвада ишлар эдим, энди Нукус-га, ҳалиги сиз айтган Бош Туркман каналига кетяпман.

— Ие, ҳали шундай денг, барака топинг, қизим, барака топинг, жуда улуғ иш бу, азамат иш. Москвадан шу ёққа юборишди денг?

— Ўз хоҳишим билан келяпман.

— Ана буни қаранг, оббо қизим-е, оббо азамат-е, ўзим келяпман денг? Мана буни мардлик дейдилар, мардлик... Отангиз кексайиб қолганмилар, қизим?

— Йўқ, унчалик эмас, элликка борганлари йўқ.

— Жуда соз. Сиздақанги юрт иши, халқ иши учун жон фидо қиладиган қизни тарбиялаган отангизга ҳам, онангизга ҳам раҳмат.

Чол гапни чала қилиб ўрнидан турди, боя Тамара илиб қўйган тўр халтани олди, унинг ичидан осиб қўйиш учун тўрт томонидан боғланган бир қовун чиқарди. Чўнтагидан пакки олиб, апил-тапил қовунни сўя бошлади. Қаҳратон қишда ҳеч қаери заҳаланмай сақланган қовун Тамарага галати бўлиб кўринди. Чол паккини бир чеккага қўйиб, қизга деди:

— Қани, қизим, марҳамат қилинг, сизга насиб қилган экан, олинг, уялманг.

Тамара бир оз ийманиб турди. Охири бир тилимини олиб тишлади-ю, муздаклигидан бадани жимирлашгандай бўлди.

— Шу вақтда ҳам қовун бўладими? — сўради Тамара.

— Бўлади, қизим, сақласа ҳамма мевани ҳам қишга етказса бўлади. Қани, қани олинг, уялманг,

бир вақт бир отам мени поездда қовун билан меҳмон қилган деб юрарсиз.

— Раҳмат, сира эсимдан чиқмайди.

— Эсимдан чиқмайди, — чол шу жумлани чўзиб такрорлади-ю, жим қолди. Тамара буни сизди, аммо нималигига тушунолмади. Охири сўрашга мажбур бўлди.

— Бирон нарса эсингизга тушдими, отахон?

— Шундай, қизим. Аслида бу сўзни мен айтишим керак. Сиз ёшсиз, ўқигансиз, биласиз, мендан ҳам яхши биласиз...

— Нимани?

— Нималиги шуки, ҳали мен сизга Москва тўғрисида гапирдим-а? Бунинг бойси шуки, улуғ рус халқини, унинг оғалик кўмагини биз сира эздан чиқармаймиз. Агар-чи, қизим, Москва бўлмаганида, рус оғамиз бўлмаганида бизлар туркман халқи бўлиб, обод яшармидик, ҳозиргидек ҳаёт кечирармидик, ўғил-қизларимиз Москвада ўқирмиди? Мана сиз, шундан-шунга ўз хоҳишингиз билан Амударё соҳилларига келяпсиз. Комсомол тарбиясини, ота-онангизнинг тарбиясини олганингиз учун. Бу жуда ҳам катта иш, ҳақиқий дўстлик, қизим, — ота бир нарсани ёдига туширмоқчи бўлгандай чап қўли билан юзи аралаш иягини силаб қўйди, — эсимда бор, бундан ўн беш йил муқаддам бир гуруҳ туркман пахтакорлари Москвага боришди. Уларни Кремлда партия, ҳукумат раҳбарлари қабул қилди...

Суҳбат борган сайин авжига чиқа бошлади. Ота ҳукуматимизнинг Бош Туркман канали қурилиши ҳақидаги қароридан туркман халқи беҳад қувонганини ўз колхози мисолида батафсил айтиб берди. У яна бир қизиқ воқеани ҳикоя қилди: Бош Туркман канали қурилиши ҳақидаги хушхабар радиода эълон қилиниши ҳамано колхозда митинг ўтказилибди. Митинг катта тантананага айланиб кетибди. Кўп колхозчилар бажону дил каналга бориб ишлаймиз, коммунизмнинг улуғ иншооти қурилишига ҳиссамизни қўшамиз, дейишибди. Шу куни кечқурун унинг катта келини ўғил туғибди. Янги меҳмон янги хушхабар куни туғилгани учун унга Бахтиёр деб исм қўйишибди.

Чол суҳбатининг охирида Дурди Имангулов деб ўзини таништириб, колхозда ҳосилот советининг раи

си эканлиги, келаси йил пахтадан гектаридан ўттиз беш центнердан ҳосил олиш тараддудида экани, ҳозир ҳосилни оширишга оид агротехника тадбирлари юзасидан Ашхободга, колхозни оталикка олган олим — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ҳузурига бораётганини айтиб, ўз адресини қолдирибди. Тамаранинг албатта хат ёзиб туришини илтимос қилибди.

## V

Яқиндагина ташкил этилган қурилиш бошқармасига ҳар кун иш ўнлаб кишилар — архитекторлар, тупроқшунослар, геологлар, илмий-текшириш ишлари билан шуғулланувчи хилма-хил касб эгалари келар, тегишли топшириқ билан Амударё соҳилларига чиқиб кетарди. Почталъон кунига газета, журналлар билан бирга даста-даста хат келтиради. Турли касбдаги турли миллат кишиларидан келган бу мактубларнинг орасида шеърни ҳам, саломномани ҳам, маслаҳатни ҳам, хуллас ҳар хил хатларни учратамиз. Аммо ҳаммасининг мазмуни бир: улуғ иншоот қурилишида ишлаш шарафли ишдир. Биз ҳам қурилишда иштирок этишни истаймиз!

Бошқармада куну тун ҳаёт қайнайди. Бир хонадаги стол усти эски ва янги лойиҳалар, карталар билан тўла. Баъзиларига бўёқли қаламлар билан белгилар қўйилган. Яна бир хонадаги шкафда қатор шиша идишлар турибди. Буларда турли рангдаги тупроқ, қум. Идишга намуна олинган жойнинг номи ёзилган.

Тамара дастлабки кунларда ишга кўникавермади. У, бошқарманинг ўзида ишлашидан қаноат ҳосил қилмади. Заводдаги жўшқин ҳаёт, машиналарнинг гувиллашига одатланиб қолган бу қиз учун идора хизмати худди зериктириб юбораётгандай бўларди. У бир неча марта қурилиш бошлиғи Семён Константинович Калижнюк ҳузурига кирди. «Мени бевосита қурилиш районига юборинг» деган илтимосига ҳар сафар ҳам бир хилдаги жавобни оларди.

— Ахир бу ерда ҳам кимдир ишлаши керакми? Сабр қилинг, қурилиш районига бориб ишлайдиган вақтингиз ҳам келиб қолар.

Ўз заводида цех комсоргининг ўринбосари бўлиб ишлаган Тамара қурилишда биринчи комсомол таш-

килотини тузишда актив қатнашди. Уни Қорақалпоғистон область комсомол комитетининг пленум аъзолигига сайлашди. Қурилишга биринчи бўлиб келган комсомол-ёшлар билан ишлашни йўлга қўйиб юборди. Нукус шаҳар комсомол ташкилоти билан яқиндан алоқада бўлиб, мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги комсомол-ёшлардан қурилишга боришни илтимос қилиб ёзилган мактубларга комсомоллар номидан жавоб хатлари ёзиб турди.

Москвалик комсомол-ёшлар, қурилишга биринчилар қатори келган ватанпарвар қиз-йигитлар ўзларининг дастлабки ишлари ҳақида улуг пойтахт комсомол-ёшларига мактуб юборишди.

«Москва шаҳар комсомол комитетига.

Салом, қимматли ўртоқлар!

Икки ойдирки, биз Москвадан узоқда, қадимий Амударё соқилларида барпо этилаётган улуг қурилишда ишлаётирмиз.

Саҳрога ҳужум қилишдек улугвор ишда қатнашаётганимиз билан фахрланамиз ва қувонамиз. Дастлабки кунданоқ биз қурилишдаги жўшқин ҳаётда ўзимизга муносиб ўринни эгалладик.

Яқинда Бош Туркман канали қурилишида биринчи комсомол ташкилоти тузилди. Биз меҳнатда ва жамоат ишларимизда ҳар доим Москванинг илғор комсомол ташкилотлари тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу ерда ҳозирдаёқ ВКП(б) тарихини, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўрганиш тўғарақлари, бадий ҳаваскорлик тўғараги ташкил этилди. Комсомолларимиз Нукусдаги пионер дружиналарини оталикка олдилар, шаҳар корхоналари, ўқув юртларидаги бошланғич комсомол ташкилотларига уларнинг ишларида кўмаклашмоқдалар.

Қурилишда тайёргарлик ишлари кун сайин қизиб бормоқда. Яқин келажакда каналнинг азамат бош иншооти қад кўтариши лозим бўлган Тахياتошда, саҳрода ишлаётган қидириш экспедицияларининг бригадаларида ҳам комсомол ташкилоти тузилади.

Улуг иншоот барпо этиш туйғуси билан тўлиб-тошган комсомоялар ҳар ишда ҳам меҳнат намуналарини кўрсатаётирлар. Амударё қирғоғи, Тахياتош ёни-

ди ишлаётган комсомоллар — социалистик мусобақа ташаббускорлари бўлдилар. Уларнинг бригадаси кунига икки норма бажараётир.

Комсомоллар қурилишнинг ҳамма участкаларида совет ёшларининг илгор отряди деган фахрли номга муносиб меҳнат қилиб, большевиклар партиясига, жонажон Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатларини изҳор қилмоқдалар.

Биз олдимизда ҳали катта ва мураккаб вазифалар турганини яхши биламиз. Аммо биз қийинчиликлардан қўрқмаймиз. Қурилишнинг порлоқ ва буюк истиқболи бизларни жонажон ва севимли Ватанимизнинг куч ва қудратини янада ошириш, уни яшнатиш учун меҳнатда янгидан-янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

Саҳрода қурилиш ишлари бошланиши ҳамано кўлчилигимиз канал трассасига чиқамиз, қудратли экскаватор, землесосларда, кўчма электростанцияларни бошқарадиган пультада ишлаймиз. Қурилишда техникум ва ўқув комбинатлари очилади. Бу ерда биз ўқишни ҳам давом эттирамиз, билимимизни оширамиз, янги касблар ўрганамиз. Бизнинг бирдан-бир истагимиз — коммунизмнинг улугвор қурилишининг муносиб қатнашчилари бўлишдир.

Уртоқлар, бу ерга, улуг канал қурилишига сизлар ҳам келинглр!

Бош Туркман канали қурилиши бошқармаси комсомол ташкилотининг топширувига мувофиқ: комсомол ташкилотининг секретари Екатерина Строилова, Галина Жгулёва, Тамара Макарова, Роза Николаева, Наталья Бажанова ва бошқалар.

Нукус шаҳри».

Қурилиш районида иш кун сайин қизиб бормоқда. Аму соҳиллари, Қорақум саҳроларида Москванинг садоси янграмоқда. Тахиатош қурилиш районида Ильич чироқлари нур сочмоқда. Вишкалар ўрнатилган, пармалаш, қазилар, қидириш ишлари билан шуғулланаётган экспедициялардан, участкалардан ҳар соат, ҳар кун янги маълумотлар келиб турибди. Экспедициялар мўлжалланган ишларни муддатидан олдин тамомлаётирлар.

Тахиатош қисқа муддатда шаҳар тусини олди. Унинг қиёфаси кун сайин ўзгармоқда. Тонг отади,

кун ботади — кўз ўнгингизда янги бино қад кўтаради, пристанга машиналар, материаллар келтирилади, экспедициядан янги маълумот келади, самолёт, машиналарда, пароход, поездларда олимлар, мутахассис ишчилар, артист ва лекторлар келиб турибди.

Тахиатош қурилиш районида кечқурунлари ҳаёт қайнайди. Клубда кино ёки концерт. Қурилиш районида «Бинокор» спорт жамятининг ташкилоти тузилиб машғулот бошлади. Кўчма кутубхона қурувчиларга хизмат қилмоқда. Қурилиш районида хотин-қизлар совети тузилди. Ҳаваскорлар тўғарагининг ишини жонлантириш, концерт тўғарагини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Бу ердаги жўшқин ҳаёт, совет кишиларининг кучли иродасидан, бебош дарё тақдирига тан бераётгандек, бепоён қум саҳроси таслим бўлгандек. Шундай бўлади ҳам. Негаки, улуғ иншоотни бутун совет халқи қураётир.

Шу кунларда қурилишда бевосита қатнашаётган кишилар ҳар қадамда, ҳар бир ишда бутун мамлакатдаги турли миллат кишиларининг ғамхўрлигини сезиб турибди.

Қорақалпоғистонда ҳали шафтоли пишиб етилмаган пайтда қурилишда шафтоли пайдо бўлди. Қизиқ. Қаердан келтирилган бўлиши мумкин? Шафтоли шундай меваки, тез бузилади. Кейин билсак, Ашхободдан қурувчиларга совға қилиб, самолётда юборилган экан.

Қисқаси, оддий мевадан ториб, қудратли машинагача, минераль сувдан ториб, пойафзалгача ҳаммаси келиб турибди.

Совға-саломлар, ватанпарварлик мактубларининг сон-саногии йўқ. Ёзувчи Николай Островскийнинг хотини улуғ иншоот қурувчиларига атаб «Пўлат қандай тобланди» китобидан бир нусхани юбориб, шундай хат йўллабди:

«Қимматли ўртоқлар! Мен сизларга большевик ёзувчи Николай Островскийнинг комсомоллар ҳақида ва комсомоллар учун ёзган «Пўлат қандай тобланди» китобини юбораётирман.

Павел Корчагин — Николай Островский сизларни янгидан-янги зафарларга илҳомлантирсин! Раиса Островская».



Китоб қўлдан-қўлга ўтди. Ёшлар гарчанд бу китобни илгари кўп ўқиган бўлсалар ҳам, яна қайта ўқишга ошиқадилар.

Ҳар ким китобнинг худди шу нусхасини ўқимоқчи. Китоб ҳамон қўлдан қўлга ўтиб юрибди.

Бошқармага келган бир шеърни кўрсатишди. Буни киевлик ўқитувчи А. Кудрявцев ёзиб юборибди. Кудрявцев Улуғ Ватан урушида иштирок этгани, ҳозир инвалид бўлганлиги туфайли улуғ қурилишда бевосита қатнашиш имконига эга эмаслигини айтиб, ҳеч бўлмаса шу шеърларим билан улуғ қурилишга ўз ҳиссамни қўшай, деб ёзади.

Ленинградлик В. Афанасьева: «Мен тўққизинчи синфни яхши баҳолар билан тамомлаб, ўнинчига ўтдим. Ёзги каникулни Амударё соҳилларида ўтказмоқчиман. Қўлимдан келадиган ҳар қандай иш бўлса бажаришга сўз бераман» деб мактуб йўллаган.

## VI

Кетма-кет қатнаб турган катта юк машиналаридан бири Тахиатош қурилиш райони бошқармаси ёнида тўхтади. Бошига оқ дуррача тангиган, лўппи юзлари қуёшда қизарган Тамара машинадан сакраб тушди-да, ичкарига кириб кетди. Хийла вақт ўтгач, бошқарма эшиги ёнида дугоналари уни ўртага олиб табриклай бошлашди.

Тамара экскаватор машинисти бўлиш орзусида эди. Унга рухсат беришибди. Чўмичи бирданига етти кубометр тупроқ элтадиган кучли экскаваторда машинист ёрдамчилигига тайинланибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Тамарани Урганч шаҳрида учратдик. У мастер бошчилигида бир гуруҳ ёшлар билан командировкага кетаётган экан. Улар ўзлари ишлайдиган экскаваторни келтириб, қисқа муддатда монтаж қилишади. Эндиликда Тамара ана шу қудратли машинада ишлайди.

Тамара Москва тўғрисида, ўртоқларидан келаётган хатлар тўғрисида гапириб, шундай дейди:

— Канал қурилишига поездда, машинада келдик. Москвага қайтишга бўлса Тахиатошдан тўппа-тўғри Химкигача гўзал пароходда борамиз!

*Сентябрь, 1951 йил*

### I

Ез пайтлари серқуёш Ўзбекистоннинг баҳаво далаларида, гўзал боғларида бўлганмисиз? Мевалари гарқ пишиб ётган, ҳосилни кўтаролмай шохлари эгилиб турган дарахтлар тагига бориб, қанддек ширин, олтиндек товланиб турган ўрикдан, ям-яшил барглар орасидан янги келинчақдек ҳусни-жамолни кўрсатиб мўралаётган ярми пушти, ярми оқ рангдаги олмадан, ҳил-ҳил пишиб ётган шафтолидан, карсиллайдиган нок, оғизга тушиши билан эриб кетадиган олхўридан ўз қўлингиз билан узиб, татиб кўринг-а. Ҳар бири косадек, ичидаги донлари ёқут доналарини зич қилиб қуйгандек анорлар, сап-сарик анжирларни айтмайсизми? Ўҳў, буларнинг хили қанчадан-қанча... Ҳар бир хилининг мазаси ундан ҳам хилма-хил.

Узумзорларни айтинг. Шапалоқ-шапалоқ барглар орасидан ранго-ранг товланиб турган узум бошлари қуёш нурини шимириб, минут сайин ширин бўлиб боради. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бир бош узум бир баркаш келади. Ҳосили мўл-кўл бўлган узумзор ичига кириб, жимжилоқдай ингичка новдалар шунчадан-шунча узумни эплаб кўтариб турганига ҳайрон қоласиз. Ғужуми лабни лабга ёпиштирадиган пайтларда бир шингилнинг шираси томоқни ўртайтиди.

Табиат мунча ҳам сахий, мунча ҳам лаззатли меваларни етиштириб беради-я. Йўқ! Бу ёлғиз табиатнинг хизмати эмас! Агар табиатга қўйиб берганда «тоифи» навли узум ҳозиргидай серҳосил, ғужумлари

катта-катта, ширин-шакар бўлмасди. «Тоифи» деган номи ўзгариб, унга машҳур соҳибкор Ризамат ака номи берилмаган бўлар эди. Табиатга ишонганда, узумнинг ҳосили гектаридан етти юз центнерга етмасди. Узумчилик дунёси бунақанги ҳосилни ҳали билмаса керак.

...Бу воқеа бундан бир неча йил муқаддам бўлган эди. Узумчиликда анчагина тажриба орттирган Ризамат ака Самарқандга борди. Кеч куз пайти. Ризамат ака ўз одати бўйича қаерга бормасин, иш биланми, сайр қилибми, биринчи галда ўша ернинг узуми, токзорлари билан танишади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Узумчилик билан шуғулланувчи тажрибакор боғбонлар билан учрашди. Орадан икки кун ўтгач, кекса бир деҳқон уни ўз боғига таклиф қилди. Ризамат ака токзорларни айланиб, ўзи билмаган, янги бир нав узумни учрата олмади. Ахири ер бағирлаб ўсиб ётган ток ёнида тўхтади. Унинг зангларини кўздан кечиргач, отадан сўради:

— Инглишмасам, «тоифи» бўлса керак?

Чол унга кулиб қаради. Афтидан «тажрибанга қойилман-е, шунга ҳам яхши ток деб ўйласанг керак-да», деб киноя қилмоқчи бўлди-ю, индамади, хушёқмагандай:

— Ҳа, тоифи, — деб қўя қолди.

Ризамат ака тизза чўкиб яна кўра бошлади.

— Шундан бир-икки қаламча сўрасам...—Ризамат ака гапини тамомламасдан чол дарров жавоб қилди:

— Жоним билан, кўпроқ ҳам беришим мумкин.

Шу бўлди-ю, Ризамат ака Самарқанддан келтирган «тоифи» қаламчаларини ўша вақтда ўзи ишлайдиган «Кенгсой» токчилик хўжалигида экиб, тажриба қила бошлади. Нима учундир тажриба ҳадеганда натижа кўрсатмади. Бир неча йил ўтиб кетди-ю, «тоифи»нинг ўсишида ҳам, ҳосилида ҳам ўзгариш кўринмади.

Етти ёшлигидан турмуш ташвишини чека бошлаган, соҳибкор отаси билан бойларнинг узумзориде ишлаган, ёз кезлари узум қўриб, қишда отасига бўз тўқишда кўмаклашиб кун ўтказган Ризамат ака учун узумчиликда бирон тажриба орттиришга бўлган қизиқиш жуда зўр эди. Шу туфайли «тоифи»ни ўз қўли билан ўстириб, натижасини кўриш йўлида сира меҳ-

натини аямади, «тоифи»нинг характерини обдон, синчиклаб ўргана бошлади. «Оққовоқ» марказий агротехника станциясида узумзор ташкил этиш даврида ҳам «тоифи» қаламчасини яна қайта янгича усулда ўтказди. Бу ерда атоқли олимлар, агрономлар билан ҳамкорликда иш олиб борган Ризамат ака узумга шакл бериш, уни парвариш қилиш, суғориш, ўғитлаш соҳасида янгидан-янги тажрибалар орттирди. Ниҳоят, орадан бир неча йил ўтгач, «тоифи»га кетган узоқ муддатли меҳнат ўз самарасини кўрсатди. «Тоифи» энди илгарисига ҳар жиҳатдан ҳам ўхшамас эди. Ғужумлари бўлиқ, шираси ўткир, узоқ турадиган, энг муҳими серҳосил узум бўлиб қолди. Бир боши олти, олти ярим килограммгача етди.

Бир куни қишлоқ хўжалик ходимлари, олимлардан иборат комиссия келиб, узумларнинг навлари билан танишишди. Булар орасида Самарқандда туғилиб ўсган, узумчиликдан анча хабардор бўлган бир йигит «тоифи»ни кўриб ҳайрон қолди. У, комиссия аъзоларига қараб деди:

— Бу хил узум аслида Самарқанд томонларда бўлади. Ўзбекистоннинг бошқа районларида камдан-кам. Аммо шунини айтишим керакки, Ризамат ака етиштирган «тоифи» — мутлақо бошқа узум. Бу навни илгариги «тоифи»га сира тенглаштириб бўлмайди.

Ҳамма кулиб юборди. Мутахассислар синчиклаб текшириб кўришди. Улар «тоифи»дан номигина қолган, буни янги нав деб атаса бўлади деган хулосага келишди.

Комиссия «тоифи»ни машҳур соҳибкор Ризамат ака номига қўйишга қарор қилди.

## II

Узумзорлар орасидан чиқиб келган бир тўда ёшлар хиёбондаги скамейкага келиб ўтиришди. Бу — оддий хиёбонлардан эмас. Узум гарқ пишган пайтларда худди тоғни кесиб ўтган, усти берк кенг йўлни ёслатади. Хиёбоннинг икки томони ҳам, усти ҳам ғуж-ғуж узум бошлари билан ёпилган. Ҳосил шунча мўлки, барглар орасидан узум эмас, узумлар орасидан барг кўриниб туради. Бу ерда, бир неча километрга чўзилган, икки машина ёнма-ён юриб ўтадиган

узумзор хиёбонда Иттифоқимизда бўлган узум навларининг ҳаммасидан намуна бор.

Баланд бўй, хипчадан келган, қуёш ҳароратидан бўлса керак, юзлари, билакларигача тўқ мағиз рангга кирган киши — токчилик курсининг раҳбари Ризамат ака қўлидаги боғ қайчини брезент этигининг қўнжига суқиб қўйди-да, скамейкада ўтирган курсантларга қаради.

— Мана, «Каттақўрғон», — у қўли билан ҳар бир гужуми ёнғоқдай келадиган узум бошини кўрсатди, — мана булар — «нимранг», «чарос», «даройи», «тағоби» навлари. Шулар сингари навларнинг гуллари бошқа навларнинг гулидан чангланиши керак. Шундай қилмаганда ток кам ҳосил беради, гужумлар майда бўлади...

Скамейкада ўтирган курсантлар аввал қунт билан эшитиб, кейин дафтарларига алланималарни ёзиб олишди, Ризамат ака сўзида давом этди:

— Умуман, ёш токзорларни парваришlash, пайванд қилиш масалаларида албатта ҳурматли олимимиз Мичурин таълимотига амал қилиш керак. Бусиз боғдорчиликнинг ҳам, узумчиликнинг ҳам ривож топиши қийин. Мана, мен ўз тажрибаларимни айтиб бердим. Агар шу тажрибалар Мичурин таълимоти, агротехника талаблари билан қўшилмаганда, токчиликда механизация ёрдам бермаганида бунчалик ютуққа эришиб бўлмас эди.

Ҳа, шундай! Кекса соҳибкор ўз тажрибаларини мичуринча таълимот билан қўшиб олиб бормаганида эди, у эски ток хўжалигидаги камчиликларни очиб ташлай олмаган бўлар эди. Агар у, совет олимлари, мутахассислар билан ижодий ҳамкорликда ишламаганида, «Токчиликдан қисқача амалий қўлланма» номли китобчаси билан танилмаган бўлар эди. Бу қўлланма ҳозиргача рус ва ўзбек тилларида бир неча марта қайта нашр этилди. Иттифоқимизнинг кўп шаҳарларига қилган илмий командировкалари Ризамат аканинг тажрибасини янада бойитди. Мева-сабзавотчилик мутахассислари Ризамат акага қанчалик кўмаклашган бўлсалар, ўзлари ҳам илмий ишларида унинг тажрибаларидан шунчалик кўп фойдаландилар. Ризамат аканинг ҳатира дафтарыда олимлар, тажрибачор соҳибкорлар, узоқдан келган меҳмонлар, унинг

погирдлари ўз таассуротларини ёзиб қолдирганлар. Шулар орасида атоқли академик Вавиловнинг хатини ўқиймиз: «Оққовоқ» станциясида тажрибакор узумчи Ризамат Мусамуҳамедов эришган ютуқларни кўриб, ҳайратда қолдим. Бу ажойиб устадан кўп нарсани ўрганса бўлади... Ўртоқ Мусамуҳамедовнинг ажойиб тоқзори учун унга советларча катта раҳмат».

Станциядаги қирқ гектарга чўзилиб кетган узумзорнинг барпо этилиш тарихи Ризамат аканинг тажрибаси ва фаолияти билан боғлиқдир. «Тоқларга шакл бериш, узумзорларни шинам ва тартибли ташкил этиш хизмати — катта санъатдир», деб ёзилган сўзларни ўқиймиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ризамат ака узумчилик хўжалигининг моҳир санъаткоридир.

Машғулот тугади. Курсантлар ҳурматли соҳибқорни ўртага олиб узумзор хиёбондан чиқиб кетаётганларида, тўғридан келаётган ёш жувон Ризамат акага яқинлашиб, саломлашди, унинг қўлига бир конверт узатди. Бу — республика Олий Советининг депутати-га ўз сайловчисидан келган мақтуб эди...

### III

Эрта баҳорнинг сўлим, кишининг баҳрини очадиган оқшомларидан бири. Куни бўйи баракали меҳнат қилиб уйга қайтган Ризамат ака, ариқ бўйидаги гулзорда алланима билан машғул бўлди-да, қош қорайиши билан ишни йиғиб, уйга кирди. Эндигина радионинг қулоғини бурамоқчи бўлиб турганида кўча эшик тақиллаб қолди. Ризамат ака ҳовлида бир тўда йигит ва қизни кўрди.

— Салом, Ризамат ака.

— Салом, болаларим, қани, келинлар.

Ризамат ака уларни уйга таклиф қилди. Меҳмонлар жойлашиб ўтириб олишгач, яна сўради:

— Нечук, қайси шамол учирди, ўзи тинчликми?

Ўрта бўй, эгнида ихчамгина калта пахталик кийган, дўпписи устидан сочларини чамбарак қилиб боғлаган қиз кулиб туриб, гап бошлади:

— Биз, ёш сайловчилар номидан сизга маслаҳатга келдик.

— Жуда соз, қани, қани, эшитайлик.

Яна ўша қиз гапира кетди:

— Кўлхоз комсомоллари Ўзбекистоннинг йигирма беш йиллик юбилейига муносиб совға тайёрлашга аҳд қилишди. Совғамиз шундай бўлиши керакки, бошқалар кўрса ҳаваси келадиган бўлсин... — У, айтаверайми, дегандай ёнидагиларга қараб олди. — Анави «Довултепани» бузиб, мевазор боғ қилмоқчимиз, нима дейсиз?

— Мана бу ишингиз жуда жойида, баракаяла болаларим, айтганингиздай жуда муносиб совға бўлади... Хўш, қани, режаларингни эшитай-чи.

— Тахминий режамиз шундай: тепани бузамиз, ён-веригаги паст-баланд чангалзорларни текислаймиз, ҳар хил мева дарахтлари ўтқазамиз.

Қизнинг гапларига қулоқ солиб ўтирган Ризамат ака, бир нафас хаёлга чўмди. «Довултепа» деб номланган чангалзорни кўз олдига келтирди. Йигит-қизларнинг бу ишидан беҳад қувониб кетди.

— Жуда соз! Эртага мен ўзим бораман. Уша жойнинг ўзида батафсил гаплашамиз, бу ишни бир соат ҳам кечиктириб бўлмайди.

Ризамат ака йигит-қизларни кузатиб, ичкари кирак экан, ўзича: «Депутат — халқ хизматкори!» деб қўйди.

Мана, «Довултепа». Бу тепани кекса боғбон — соҳибкор Ризамат ака жуда яхши билади. Революциядан илгарилари шу атрофда бирорта баландроқ жой бўлмаганидан, қишлоқ аҳли бошига мушкул иш тушганида, йироқ-яқиндагиларни хабардор қилиш учун шу ердан туриб довул чалишар экан. Шу-шу, унинг номи ҳам «Довултепа» деб аталар экан.

Орадан бир неча кун ўтгач, «Довултепа» атрофида — ўттиз гектарга чўзилиб кетган ерда иш қизиби кетди. Қиз-йигитлар тепанинг ён-верларини текислашмоқда. Машинада кўчатлар келтирилмоқда. Яна бир гуруҳ ёшлар ариқ очиш билан овора. Ун беш метр баландликда бўлган тепалик устида юзлари қуёш шуъласида ялтираб турган Ризамат ака, енг шимариб ишлаётганларга анор, анжир, ток кўчатлари, бошқа мева дарахтлари ўтқазиб ҳақида топшириқ берди. Кейин пастроққа тушди. Чўнтагидан кичик бир дафтарчани олиб варақлади-да, бригадирга қаради.

— Мана, шу тахлитда зина қилиш керак, — у

дафтарчани кўрсатди, — тепадан то пастгача беш метр кенгликда йўл қолдирасиз.

Бригадир «хўп» деди-да, кетидан сўради:

— Дафтарчангиздагилар нима ўзи, ким чизган?

— Боғнинг лойиҳаси, — деди Ризамат ака.

— Қизиқ. Биноларнинг лойиҳаси бўларди, аммо...

— Нега ажабланасиз, — деди Ризамат ака, — социалистик боғ албатта лойиҳа асосида барпо этилиши керак. Ҳа, лойиҳасиз бўлмайди...

Тимирязев номли колхозда ташкил этилган бу боғ — Ризамат ака раҳбарлигида бир неча колхозда барпо қилинган мевазор боғлардан бири эди. Бу боғларни кўрар экансиз, XVIII партия съездига ўзбек халқи номидан ёзилган шеърий мактубдаги қуйидаги мисраларни баланд овоз билан такрор-такрор ўқигингиз келади...

Гул очар ҳосилдор семиз тупроқлар,  
Кундан-кун яшарар мевали боғлар,  
Ризамат билади ниҳол тилини,  
Ҳар йил кўпайтирар мева хилини.  
Визда зўр Мичурин бўлиб олган ул,  
Ҳар бир қилган иши оламга маъқул.

*Март, 1952 йил*



## ДҶРМОНЛИК ЙИГИТ

— Вой шўрим, кунимиз энди шу аравакашга қолдимиз?

— Нега аравакаш бўларкан, биноидек табелчийди-ку.

— Ҳа, ўшаниям зўрға эпларди, Нурматвойнинг ўзи ўргатиб турарди-ю, билинмасди-да.

— Қўйинг, кўлам ерга ураверманг. Қўлида илми бор, ўрганиб кетар.

— Ўргангунча ўлиб бўларканмиз-да. Тавба, бригадирлик ҳам ўйинчоқ бўлиб қопти-да. Ўғлинг тенги бола сенга бошлиқ бўлиб ўтирса... хўп гап-да...

— Нега шу гапни боя йиғилишда айтмадингиз? Қўл кўтарманг эди бўлмаса...

— Кўпчилик кўтаргандан кейин нимаям қилардим. Кўтардим, қўйдим.

Шийпон орқасидаги дарахтга суяниб, ён дафтарчасига бугунги меҳнатни ёзиб ўтирган Анварнинг аъзойи-бадани бўшашди, қўлидан қалами тушиб кетди. Шу дамнинг ўзидаёқ бўшашган бадани, товонидан бошигача бамисоли олов бўлиб ёнди, юзлари қизариб, пешонасини билинар-билинмас тер босди. Чой ичиб ўтирган аёлларнинг фақат шу гапларинигина эшитди, бошқаси қулоғига кирмади. Қаердадир, кимдандир «уйда жаҳлинг чиқса, дарров кўчага чиқ» деган гапни эшитгани эсига тушиб, сакраб ўрнидан турди. Ён дафтарининг очиқ варағига бармоғини суққанича, ариқ ёқалаб, дарахтларни паналаб тез юриб кетди. У худди қўлга тушиб қолишдан қўрққандек шошиларди. Шу алфозда қўшни бригада ерига чиқиб қолганини ҳам сезмади. Тўхтаб атрофга аланглади,

қеч ким кўринмаганидан кўнгли тинчиб, ариқ лабидаги тўнкага ўтирди. Утирди-ю, ҳамон орқасига, келган томонга, роса бир йил табелчилик қилган бригада шийпонига қарашга юраги бетламасди. Қандай қилиб ўзини тутиб қолганига ўзи ҳайрон. Бўлмаса шундай гапларга чидаб туролармиди. Анвар-а? Роса бошлаб жавобини бермасмиди. Кичкина боламикиди, мазах қилишади. Ким гапирди ўзи? Билолмади. Бошқа пайт бўлганида афтини кўрмаса ҳам овозидан таниб оларди-я... Жаҳл устида бунисини ҳам пайқолмади. Бошини қуйи солиб, ерга тикилди, қўлида ушлаб турган дафтарчасига кўзи тушди, уни чўнтагига солиб қўйди. Мияси шундай гангиб қолдики... Нима қилиш, қаерга боришни ҳам билмасди. Қоптоғи сувга оқиб кетган гўдакдек, йиғлаб юборгиси ҳам келди. Яна атрофга қаради. Худди биров: «Тур ўрнингдан, индамай қолаверасанми... бригадирлиги ўзига», — деяётгандай бўлаверди. Қайтиб борадику-я, қадам босиш туғул, бригадаси томонга қарашга ҳам кўзи йўқ эди.

— Анвар!

Бошини кўтариб, шу томонга келаётган Нурмат акага кўзи тушди.

— Ҳа, нима қилиб ўтирибсан?

— ...

— Ҳой, менга қара, у ер, бу еринг оғриётибди дейман-а?

— Йўғ-е... мен... бригадир бўлмайман.

Нурмат ака кулиб юборди. Анварнинг елкасига қўлини ташлади.

— Ҳей, ҳали шунга шунчаликми. Сени мен бригадир қилганим йўқ. Аввал правление, кейин кўпчилик маъқуллади-ку.

— Йўқ, бўлмайман. Табелчилик ҳам қилмайман. Аравамни ҳайдаганим яхши.

— Ҳой, эсингни йиғиб ол. Йигитларимиз фронтда жон олиб, жон бераётган пайтда шу гапни айтишинг йигит кишига ярашмайди. Қани, юр-чи.

— Йўқ, бормайман.

— Узинг қаяққа кетаётувдинг?

— Уйга, — гапни қисқа қилиш учун шундай деди Анвар. Унинг юзларидан қизиллик аримаган, лаблари билинар-билимас титраб турарди. Бригадир тоби қо-

чиб турибди деб гумон қилди шекамли, ётиги билан гапирди:

— Иссиғинг борга ўхшайди. Бор, ётиб дам ол. Кеч-курун ўзим кирарман.

Анвар ноилож кўнди. Уйи томон оҳиста юриб бораркан, кўз олдига қишлоқдаги мактаб, бирга ўқиган ўртоқлари келди. Худди улар ҳозир олдидан чиқиб «ҳа, ҳолинг қалай?» дейишаётгандай бўлди. Нима қилсин, ўзига қолса шундай бўлсин дептими, еттинчиси битирганда уруш бошланиб қолди. Орадан сал ўтмай колхоздаги йигитлар фронтга жўнашди. Қишлоқда кексалару, аёллар қолди. Бу орада акаси бетоб бўлиб, оиланинг ташвиши ёш Анварнинг устига тушди. Нурмат ака ҳозир айтганидек, мамлакат бошига шундай оғир кунлар тушганда кичкинаман деб қараб туриб бўлармиди? Саккизинчида ярим йилча ўқиди-ю, давом эттиролмади. Бир куни тўғри мактабдан колхоз идорасига кириб келди. Боғ бригадири Абдуназар акага дуч келиб, салом берди.

— Ҳа, ўғлим, келинг, ким керак эди?

— Ўзим ҳам билмайман...— дудуқланди Анвар, — ишламоқчиман.

Абдуназар ака боланинг шахтини қайтармади.

— Ўҳў, баракалла ўғлим, баракалла, азамат йигит бўп қопсан-ку. Ҳозирча арава ҳайдаб турсанг қанақа бўларкин-а? — Абдуназар ака «эплаёласанми?» дейиш ўрнига шундай савол ташлади.

— Майли.

— Юр, бўлмаса. — Улар тўғри саройга кетишди.

Шу кундан бошлаб Анвар қўшотли арава ҳайдай бошлади. Орадан бир йил ўтдими, йўқми, эслаёлмайди. Бир куни аравага от қўшиб турганида, эшикдан раис Абдужамил ака кириб келди. Анвар унга салом берди. Раис хомуш кўринарди. Унинг бу ҳолати худди боя Нурмат ака айтгандек «Мамлакат бошига ташвиш тушганда...» деганга ўхшаган маънони англатарди. Ёш бўлса ҳам Анвар буни дарров фаҳмлаб олди.

— Ука, — деди раис Анварнинг ёнига келиб, — сени Нурматвой бригадасига табелчи қилиб тайинладик. Бемалол эплaysан. Бориб ишни ол.

Раис бошқа гап айтмади. Анвар ҳам ҳеч қандай гапнинг ўрни йўқлигини сезиб, «хўп» деб қўя қолди.

Табелчилик ҳам осон иш эмас экан. Аввалига бри-

гадирнинг ўзидан, баъзи ҳисоб-китобларни бухгалтердан сўраб билиб олди. Кейин бемалол эплаб кетди.

Мана энди, орадан бир йил ҳам ўтмай, авжи экин экиладиган оғир пайтда бригадир қилиб қўйишяпти. Ҳали иш бошламай туриб, бўлаётган ҳангома бояги. Шартта ташлаб кетсинми? Йўғ-э. Эшитганлар нима дейди. Биринчи галда ўша бирга ўқиган ўртоқлари кулмайдими?..

Саломат хола эшикдан кириб келган ўғлининг авзойини кўриб қўрқиб кетди.

— Ҳа, болам, тинчликми?

Анвар индамай айвонга ўтди.

— Гапирсанг-чи, нечук вақтли келиб қолдинг?

— Каттакон бўлдим, ойи, — деб кулди. Унинг юзидаги кулги, алам кулгиси эканлиги шундоққина билиниб турарди.

— Гапингнинг тайини борми, бу нима деганинг?

— Рост. Бригадирликка ўтқазишди.

— Вой, Нурмат аканг-чи?

— У киши пахта бригадасига бошчилик қилади-лар... Эҳ... Уша... — дўписини олиб ғижимлади-ю, ўрнидан туриб кетди.

Она ҳеч нарсага тушунолмади. Гапнинг тагига ет-гунча юраги тарс ёрилиб кетай деди.

— Жон болам, тушунтириб гапиргин.

Анвар токчадаги чойнакдан симириб совуқ чой ичди-да, бўлган воқеани гапириб берди.

Саломат хола бу гаплар кимдан чиққанини дарров пайқади-ю, ўғлига сездирмади.

— Ким экан ўзи у хотин? — тусмоллаб сўради у.

— Билолмадим-да. Эҳ ўша... Аҳмоқ бўлмасам бригадирликка мени кўрсатинглар деб ялинган киши-дек, одамларни ўзим тўплайманми?

— Нега ўзинг тўплайсан, бригадир айтибди-ку.

— Буни қаёқдан билишади. Ўзи жон-жон деб турган экану, болалигига бориб ўзини йўқотиб қўйди. Мажлисгаям ҳаммани ўзи тўплади дейишади-да.

— Ҳеч унақа демайди, хўш, энди нима қилмоқчи-сан?

— Бўлмайман. Ҳалитдан шунақа қилишаётибди. Нарироқ бориб, қоқилгудек бўлсам шармандамни

чиқаришади. Яхшиси, ҳозир Абдужамил аканинг олдида бораман.

— Вой ўлмасам, кап-катта йигит, менинг ишонган тоғим, уялмай-нетмай эпложмайман дейсанми. Раиссиз бўлмагандир бу иш. Уйлаб кўргандир, сени танимаганда ҳам бошқа гап эди. Йўқ десанг, кўпчиликка юз ўгирган бўлмасмикинсан?

— Абдужамил акага айтсам кўпчиликка юз ўгирган бўладими?

— Ҳа, ийе, у раис, кўпчиликнинг кўнглини билгани шуки, сени ўша мажлисга қўйган, ҳамма бир овоздан қабул қилган. Битта оғизга кучи етмаганга аччиқ қилиб, йўқ десанг, одобдан бўлмас, болам... Ундан кўра Нурмат акангдан иш ўрганишга ҳаракат қил.

Анвар шу кунгача онасидан бундай сўзларни эшитмаган эди. Икки гапнинг бирида «болалигинг қолмади-да», деб қўшиб қўйганида баттар қайсарлиги тутиб, қилиб турган ишини ҳам ташлаб чиқиб кетарди. Ҳозир бўлса... у гўё кап-катта киши-ю, онаси у билан муҳим масалани муҳокама қилиб, маслаҳат сўраётгандай.

Саломат хола-чи? Ўғлининг гапларини эшитгандаёқ боши кўкка етиб, қалби қувончга тўлган эди. У ҳам ҳозир олдида, кечагина отни аравага зўрға қўшиб юрган боласи эмас, бутун бир бригадага бош, кап-катта йигит, ўғли Анварни кўриб турарди.

— Шундай қил, ўғлим. Иннайкейин бояги гапларни бировга айта кўрма. Эшитганлар сендан кулади. Унинг ўрнига ишда ўзингни кўрсат, мазах қилганлар уяладиган бўлсин...

Анвар боягидан анча бўшашди, онасининг гаплари унга сабр-чидам бергандай бўлди. Нурмат аканинг келиб қолиши эсига тушиб ўрнидан турди.

— Тўғри айтасиз, ойи. Мен кетдим...

Анвар уч кунгача бояги-бояги табелчилигини қилиб юраверди. Нурмат ака ҳам унга ҳеч нарса демади. Фақат кечқурунлари идорага, бригадирлар йиғилишига бирга олиб келар, бригададаги ишлар ҳақида ҳам ўзи гапириб берарди. Тўртинчи куни кечқурун Анварни ёнига чақириб гап очиб қолди.

— Хўш, ўртоқ бригадир, энди кўникиб қолгандирсиз? — деди ҳазиллашиб Нурмат ака, — бригада ўзингизга буюрсин. Эртадан ишни бошланг.

Анвар Нурмат аканинг сизлаб гапиришидан ўзини ноқулай сеза бошлади, гапиролмай қолди.

— Нариги карта индинга тайёр бўлади, экишни бошлаш керак. У ёғини тағин маслаҳат қилаверамиз. Қўрқма, дадил бўл. Икки қулогингга шуни қуйиб олки, одамлар билан ишлашда гап кўп. Ақлинг етмадими, уялма, сўрайвер. Муомалада эҳтиёт бўл, оғир бўл. Интизомни бўшапштира.

Анвар шу кечаси ухламади ҳисоби. Тонг ёришмасданоқ ўрнидан туриб кетди. Наривери ювиниб, тўғри далага қараб йўл олди. Гира-шира пайт. Қишлоқ кўчалари тинч. Узоқдан поезднинг ўтиши, катта кўчада ҳар замонда визиллаб қолган автомобиль овозини ҳисобга олмаганда, кенг далада ариқлардаги сувнинг шалдираб оқишигина эшитиларди, холос.

Анвар бригада ерига бориб тўхтади. Уфқдаги қуюқ қорамтир туманни кўзи билан тешиб юборадигандай узоқ-узоқларга тикилди. Унинг икки қўлини белига тираб туриши ишнинг кўзини билган кекса деҳқонни эслатарди: шу туришида бутун майдонни кўздан кечириб чиқди-ю, қаери тайёру, қаерига ишлов керак, қаерга экиб, қаерга ўғит тўкишни айтиб берадигандай. Анвар шу вақтгача даланинг тонг ёришаётгандаги манзарасига разм солмаган экан. Баҳор шабадаси эндигина уйғонаётган нам тупроқнинг бўйини димоққа урди. Уфқдаги туман аста оқариб, осмон билан қўшилиб кетди. Карталар яққол кўзга ташлана бошлади. Олтмиш гектар. Анвар бу ерни неча марталаб ўлчаб чиққан, қаерига нима экилганини, кўз юмиб айтиб бера олади. Шу ерларга картошкадан тортиб, бодринггача хилма-хил сабзавотлар экиш керак. Бу осон эмас. Бу ишга энди Анвар жавобгар.

У бир оз юриб эртадан бошлабоқ сабзи экиладиган карта тепасига борди. Ердан бир сиқим тупроқни олиб кафтида ёйиб турганида, гўнг ортган араванинг шу томонга келаётганини кўрди. Тупроқни ташлаб, шийпон томонга кетди.

— Ҳорманг, Анвар ака?

— Саломат бўл, қачондан бери сенга ака бўлиб қолдим? — деб кулди аравакашга қўл узатиб турган Анвар. — Қўй, ўртоқ, ака десанг ғалати туюлар экан, тўғри чақиравер.

— Яшавор-ей, ўзим ҳам хафа бўларсан девдим...  
Нариги картага тўкаверайми?

— Ҳа.

Анвар билан суҳбатлашаётганимизда кимдир:

— Яхшиси, деҳқончиликни нимадан бошлаганини айтиб берсин, — деган эди, Анвар қизариб кетди, кулиб қўйди, аммо ҳеч гап айтмади. Кейин билсак, унинг ҳазилкаш ўртоқлари ҳалигача йиғим-терим пайтида машина-машина пахтани пунктга жўнатаётган Анварга «бодирингми бу ё пахтами» деб пичинг қилишар экан. Бу билан улар Анвар деҳқончиликни бодрингдан бошлаганини айтишмоқчи.

Ҳа. Уша йили бодринг ҳам, картошка ҳам бўлди, помидор ҳам, карам ҳам бўлди. Аммо буларни бўлдиргунча ёш бригадир ҳам бўлганича бўлди. Деярли далада қолиб кетди. Нурмат акага ҳам кун бермади. Помидорнинг биринчи қизарганини қоғозга ўраб Нурмат акага совға қилиб олиб борди ҳам, бодрингнинг гули тўкилганида уни бошлаб келиб кўрсатди ҳам. Сал тушунмай ёки шубҳаланиб қолдимиз, бўлди, тўғри Нурмат аканинг олдига борарди.

Куз тўкин келди. Бригада сабзавотдан мўл ҳосил етиштирди.

Анварнинг ўртоқлари айтгандек, бодрингдан бошланган иш пахтага келиб камолини топди. Бодринг қаёқда-ю, пахта қаёқда. Улар ўртасида ер билан осмонча фарқ бўлганидек, Анварнинг деҳқончилик касбида ҳам шунчалик ўзгариш бўлди.

Анвар икки йил сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилиб, учинчи йили колхоз кадрлари тайёрлаш мактабига ўқишга кетди.

— Ҳар кунги дарс назаримда бир олам билим берарди, — дейди Анвар, — худди экинларни парвариш қилиш даврида миям қотиб, кимдан сўрашимни билмай қолган нарсаларимга жавоб олгандай бўлардим. Тажрибани агротехника фани билан қўшиб олиб бориш нималигини шунда тушундим.

Ўқишдан қайтгач, Анварни колхоз ҳосилот советига раис қилиб тайинлашди. Аввалига гап қайтаролмади. Бир йил ишлагандан кейин, правлениега пахтачилик бригадасида ишлаш ниятида эканлигини билдирди. Унинг илтимосини қондиришди.

Қирқ еттинчи йилнинг эрта баҳори. Ҳали ердан

қор аримаган. Кузда шудгор қилиб қўйилган дала намни шимиб йигирма уч гектарлик картани — ўз бригадасига ажратилган ерни кўриб чиқди. Биринчи қарашида карта унга ёқмади. Универсалнинг ишлаши учун жуда ҳам қулаймасди. «Демак, механизатор иш бошлашидан олдин у билан маслаҳатлашиб олиш керак!» деб кўнглидан ўтказди. Уни хурсанд қилган нарса шу эдики, рнинг нами тобида, мола босгандан кейин экилса, ўз нами билан чигитни ундириб олиш мумкин.

Яна эски қадрдон Нурмат аканинг ҳузурига борди.

— Ҳалиям қўймайсанми? — деди кулиб Нурмат ака, — яхши, шу одатинг яхши. Нима қилмоқчисан?

— Одамлар ҳозир бўш. Маҳаллий ўғит чиқаришга зўр берсам дейман.

— Мана бу ишинг жуда соз. Ернинг меъдаси тўқ бўлса, пахтани бераверади. Сигирдай ҳам ем-хашакни аямасанг сутни олаверасан. Олганда ҳам сермой сут оласан. Ер ҳам шундай... Ўзинг ҳам чакки эмассан, тагин маслаҳат беринг дейсан-а.

— Ййе, сабзавот бошқа, пахта бошқа. Бунисига сиз миришкорсиз.

— Ҳа-ҳа, бодринг — сув, пахта — олтин дейсанда-а?

Икковлари кулишди. Яна узоқ суҳбатлашиб ўтиришди.

Анвар кутгандек чигит ернинг ўз намига униб чиқди. Бу уни жуда қувонтирди. Чунки баъзи звено бошлиқлари сув бермасак бўлмайди деб туриб олишганда, Анвар кўнмаганди, шундай бўлса ҳам ич-ичидан хавотирда эди. Энди у текис униб чиққан ғўзаларни кўриб, кўнгли тинчиди. Звено бошлиқларини чақириб, яганага эътибор бериш кераклигини уқтирди. Буни у курсда ўқиб юрганида тажрибакорлардан эшитиб олганди. Ғўза ёш вақтидаёқ яганани бошлаш керак. Иш пишиқ бўлсин учун ҳар бир колхозда ернинг шароитига қараб ўлчагичи бўлиши шарт. Шундай қилинди ҳам.

Бригаданинг миришкорлари Абдулла ака, Тоштой акалар ёш пахтакорни яккалаб қўйишмади. Бригадирсан, айтганингни қиламиз, деб қараб турмай, тушунмаганини тушунтиришди. Қулоқ солмаганида аччиқроқ гапиришди ҳам.



— Ушанда, ростимни айтсам, буларнинг гапи ёқмасди. Кейин билсам, одамни одам қиладиган аслида кўпчилик экан, — деди Анвар.

Шу йили бригада гектаридан ўттиз тўрт центнердан пахта топширди. Бу ютуқ бригада аъзоларини руҳлантириб юборди. Улар ҳосил йиғиб олиниши биланоқ келаси йилнинг тайёрлигини кўришга киришишди...

Эллик тўртинчи йил. Бу йил Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада олтинчи уч гектар ерга пахта экан. Ҳосилга ҳосил қўшиш ойининг охириг кунлари. Анвар колхоздан борадиган саккиз киши қатори Москвага — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига жўнайдиган бўлиб қолди. Бир томондан, Москва сафари уни қувонтирса, иккинчидан, гўзаларни авжи суғорадиган пайтида бошида бўлмаслиги кўнглини ғаш қиларди. Бу табиий эди. Чунки Анвар гўзани вақтида қондириб суғоришга катта эътибор беради. Колхоздагилар Анвар ҳақида, гўзани суғориш вақтида кўрпа-ёстиқни кўтариб далага чиқиб кетади, уйига келмайди, дейишади.

— Бормасам нима қиларкин-а? — деди у мактабдоши, ҳозир колхоз партия ташкилотининг секретари Ҳошимжон Элбўсиновга, — гўзаларни кўзим қиймай турибди.

— Бўлмайди, — деди ўртоғи унга жиддий, — нима, сендан бошқа қарайдиган топилмайди деб ўйлайсанми?

Анвар қизариб кетди, уялганидан:

— Йўғ-е, ким бўпман мен, — деб қўя қолди.

Виставка қатнашчиларини тантана билан кузатиб қўйишди. Анвар дастлаб унча қизиқмаган ҳам эди. «Виставкани бир кунда кўриб чиқаману, кейин Москвани томоша қиламан» деб ўйловди. Ҳатто Москвага етгунча, бориб кўрадиган жойлари билан оладиган совғаларини рўйхат ҳам қилиб чиқди. Бироқ... Виставкада ҳамма режалари бузилди. Виставканинг ўзида беш кун қолиб кетишди.

Анвар Ўзбекистон павильонида бўлган кунини сира-сира эсидан чиқармайди. Павильоннинг пахтачилик бўлимига келганида бошқалар қандай бўлди, билмайди, лекин Анвар юраги ўйнай бошлади. Ҳаяжондан ўзини босиб ололмади. Ана, «Қизил Ўзбекис-

тон» колхозининг номи катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилибди. Колхоз ҳақида ҳамма маълумотлар бор. Раис Абдужамил Матқобулов худди идорасида ўтирганидек катта суратдан тикилиб турибди. Ёнида бригадир Ҳаким Абдуқодировнинг сурати. Анвар ўз фамилиясини ўқиганда кўзларига ишонмади, ҳаяжони зўрайди, шу дамда хаёл аллақаяқларга олиб кетди...

...Кенг, тўғри кўчаси Тошкентга туташган Дўрмон қишлоғи...

Пушкин номли мактаб... Биринчи марта қўшотли аравани ҳайдагани... Бодрингдан бошлаб, пахтагача ҳаммаси кўз олдига келди. Қардош республикалардан колхозга келган меҳмонлар, улар билан бўлган ширин, дўстона суҳбатлар, чет эллардан келган меҳмонлар-чи, ўхў, сон-саноғи йўқ. Унинг қалби ўз колхозини билан фахрланиш туйғусига тўлган эди. У колхозни ўйларкан, ўзининг, оддий бир колхозчининг шу коллектив меҳнатига қўшаётган ҳиссаси нақадар юксак қадрланганидан ҳаяжонда эди. Нима учундир шу пайт, ўз бригадасидаги олтмишга яқин кишининг ҳаммаси кўз олдидан бирма-бир ўтди. Мана буларнинг бири — звено бошлиғи Раҳмон Каримбеков — ёнида турибди. Унинг ҳам икки кўзи тендда. Бошқалари ҳам, ёшидан тортиб қарисигача — ҳаммаси гўё шу ерда туришибди-ю, Анвар улар билан суҳбатлашиб ўтирибди. Йўқ, у энди, шунчаки суҳбатлашиб қўя қолмайди. Москвадан борган кунёқ, бригаданинг ҳар бир аъзосини қўл сиқиб табриклайди. «Шуларнинг баракали меҳнати бўлмаганда, гектаридан ўттиз тўққиз центнердан ҳосил кўтариб бўлармиди? — ўйлай кетди, — Иван-чи? Эҳ, дўстим Иван, ҳозир билсанг эди қандай хурсандлигимни... Ёнимда бўлганинга қовурғаларингни синдиргудай қучоқлардим-да. Бригаданинг мана шу ерда, Москванинг ўзида, виставкада номи ёзиб қўйилишида сенинг меҳнатинг зўр, ҳа, дўстим. Сен чакана механизатор эмассан... Буни ўзинг ҳам биласан. Колхозчилар Иван Сливаков бўлса гўзанинг жонини киритади, дейишганини эшитгансан... Эсингдами, дўстим, биринчи учрашганимиз? Баҳор эди. Универсалингни гулдурашиб, бригада ерига келдинг. Мен сени кутиб турардим. Универсал тагига ўтириб суҳбатлашдик. «Кунбайига ишлайдиган устага ўхша-

масанг-ку, марра бизники-я» деб ҳазил қилганимда, аввалига кулдинг, кейин сал ранжиган ҳам бўлдинг. «Ерни тайёрлаб бериш сиздан, иш сифати мендан деб қўл узатдинг. Бу қўл олишимиз бирон мажлисда ёки одамлар гувоҳлигида икки кишининг бир-бири билан аҳдлашуви эмасди. Қўл олишганимизни кенг пахтазор, баҳор қуёши-ю, универсалдан бўлак ҳеч ким кўргани ҳам йўқ. Катта ният билан катта ишга киришган икки дўстнинг самимий аҳду паймонини изҳор қилиши учун шунинг ўзи ҳам кифоя экан. Шундаймасми, Иван? Ундан кейин-чи... Ҳув, ўқариқ ҳангомаси эсингдами? Уқариқларни вақтинча ёпмасаларинг, универсал ўтолмайди, ишнинг баракаси бўлмайди, деб туриб олдинг. То бир-биримизнинг фикримизни тушунганимизча чакана хуноб бўлмадик. Кейин билсак, гарчанд бу иш анча овора қилса ҳамки, фойдаси бор экан... Эҳа, қайси бирини... Мен механизаторман, суғоришинг билан нима ишим бор деб қараб турмайсан... Мана шунақанги ишларда қўлингдан келганча ёрдам беришинг мени қувонтиради... Буларнинг ҳаммаси, мана кўриб турибсанми, ҳаммамизнинг юзимизни ёруғ қилипти... Аммо дўстим, ҳозир ёнимда бўлганимда борми...»

Анвар ана шундай ширин хаёллар билан павильондан чиқаркан, назарида виставкада юрганларнинг ҳаммаси унинг номини ўқиган, ғойибона танийди-ку, ўзи шу ерда юрганини билишмайдигандай бўлди. «Ўзиқ-а, — ўзича кулиб қўйди, — сени шунчадан-шунча одам таниса-ю, ўша мен бўламан дея олмасанг... Ийе нималарни ўйладим-а, сал ўзимни босиб олишим керак...»

Худди шу пайт, кўзи ялт этиб Зиё аканинг кўзига тушди. Унинг ҳозирги қараши, «эсингдами, ўжар...» деяётгандай бўлди. Ким билади, Зиё аканинг хаёли нимада? Эҳтимол, у ҳам ҳозир Анвар сингари ўз колхозининг шуҳратидан терисига сизмай тургандир. Қалби қувончга тўлиб турган шундай пайтда аллақачон бўлиб ўтган гап эсига келганмикин? Анварнинг назарида ҳозир эсига келишгина эмас, бутун воқеани кўз олдидан ўтказиб, атайин унга шундай қараш қилди, дакки бермоқчи бўлди. Йигитнинг кўнгли ғашланди. Ҳар сафар, нуқул шунақанги хурсанд пайтларида эсига тушиб, таъбини хира қила-

диган воқеа бу ерда ҳам лоп этиб олдидан чиқиб қолди:

...Пахтадан икки йил сурункасига мўлжалдагидан катта хирмон кўтарган бригада бошлиғи Анвар учинчи йилга бориб сал ўзини қўйди. Мажлисларда тўрдан жой оладиган, илғорлар номи тилга олинганда ўз фамилиясини кутиб турадиган, рўйхатнинг охирироғида чиқиб қолса, бир чимирилиб қўядиган, газетада колхоз ҳақида мақола чиққундай бўлса, уни ўқишдан олдин ўз фамилиясини қидирадиган бўлиб қолди. Биринчи марта бригадирликка тайинланганида аравакаш ўртоғи сизсираб чақиргани ёқмаган эди, энди бўлса сансираса ёқмайдиган бўлиб қолди. Буни аввалига ҳеч ким сезмай юрди-ю, кейинчалик атроф-теваракдагилар пайқай бошлади. Токайгача ойни этак билан яширади. Зиё ака ўшанда ҳам ҳосилот советининг раиси эди. Ғўза парваришига оид масалалар ўртага ташланганда, Анвар деганлар «ўзимиз ҳам биламиз...» деганга ўхшаш терс жавоб қиладиган бўлиб қолди. Аллақайси бир гурунгда идорадамиди ё шийпондамиди, ҳозир эслолмайди, оппоқ соқолли бир чолнинг «кеккайма, мункаясан...» дегани ҳам қулоғига чалинди-ю, аммо бунга эътибор бермади. «Мўл ҳосил олаётимизми, тагин нима керак» деб жавоб қилди.

Юрган одам борки, қоқилади. Аммо қоқилиш ҳам, шу қоқилишдан хулоса чиқариш ҳам ҳар хил бўлади. Биров қоқилиб, кўзи очилдими, кейинги қадамни ўйлаб ташлайди. Баъзилар қоқилса-чи, ердан, йўлдан ўпкалайди: «Ўзим тўғри қадам ташладиму, йўл ёмон эди» дейди. Анвар ҳам ана шундай дейдиган бўлиб қолди. Ғўза парвариши пайтида миришкорларнинг, ҳосилот совети раисининг маслаҳатларига қулоқ солмай, ўз билганини қилди. Оқибатда ютқазди. Ана шундан кейин Анвар шаънига бир марта айтилган «ўжар» сўзи унинг лақаби бўлиб кетишига сал қолди. Ётиғи билан ҳосилот гапирди, бўлмади, жонажон дўсти Ҳошимжон тушунтирди, қулоқ солмади, раис айтди, ерга қараб тураверди. Ўзича «булар чучварани хом санашяпти» деб керилиб юрган Анвар, куз келиб, хирмон кўтарганда ванг бўлиб қолди. Планга салкам беш процент етказолмади.

Ана шунда правление аъзолари жуда тўғри иш қилишди. Анварнинг кеккайиб кетганини муҳокама-

га қўйишди. Правлениеда сўзлаганларнинг ҳар бири ёш бригадир қўлга киритган ютуқлардан мағрурланиб кетганини айтди. Анвар йиғилишдан бошини қўйи солиб чиқиб кетди-ю, орадан сал ўтмай яна ҳамма гапни унутди, қўйди, ўжарлигини қилаверди.

Колхоз коммунистлари, ёш бригадир, комсомол ташкилотининг секретари Анварнинг бу аҳволига бепарқ қарай олмадилар. Уни энди партия мажлисида муҳокама қилдилар.

— Коммунист ўртоқларим кўзимни очиб қўймаганларида, — деб ҳикоя қилади Анвар, — оқибати ёмон бўларди. Ўйлаб қарасам, ўзим ҳам чакана ўзбилармон бўлиб кетмаган эканман-да. Наҳотки, кекса, неча йиллик тажрибаси бор отахон пахтакорларнинг маслаҳатига қулоқ солмасам-а. Партия мажлиси одамни тарбиялайди дейишганини ўз тажрибамда кўрдим. Мана, шундан буён бирон йил ҳам бригадамиз планини бажаролмай қолгани йўқ...

Анвар шу воқеани кўз олдига келтирди-ю, фонтандан отилаётган сувга тикилиб турган Зиё акага қаради. Унинг чеҳрасида кулги, боя Анварга ғалати қараш қилганга ўхшаб кўринган кўзлари ёниб турарди.

«Зиё акамнинг ҳам эсларида турганмикин-а ўша гаплар?» деб энди кўнглидан ўтказган ҳам эдики, Зиё ака жойидан қўзғалиб юра бошлади. Қўлини Анварнинг елкасига ташлади.

— Кўрдингми, ука, шулар ҳаммаси меҳнатимиз туфайли, — деди павильонларни кўрсатиб Зиё ака.

«Хайрият» деб қўйди ичида Анвар.

Улар қоронғи тушиб, виставка Ильич нурларига ғарқ бўлганда меҳмонхонага қайтишди.

Анварнинг виставкадан олган таассуроти шунчаки хотира бўлиб қолмади. Унга куч ҳам бағишлади, масъулият ҳам юклади... Ўшандан буён ҳар йили чигит эккандан то пунктдан сўнгги квитанцияни олгунча Москвани, виставкани кўз олдига келтирар ва ҳар галгисида ўзича: «Йўқ, орқага қайтиш йўқ» деб қўярди. Чиндан ҳам пахтакорнинг сўзи қилаётган меҳнатда. Бригада ўша йилдан буён йилига ҳосилни уч-беш центнердан ошириб келяпти. Ўтган йили Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада саксон уч гектар ернинг ҳар гектаридан қирқ етти центнердан ҳосил олди.

Илгор колхоз ёки бригаданинг пахтакорлари ҳақида ёзилганда даромадни айтиш одат бўлиб қолган. Бир минг икки юз эллик гектарнинг ҳар гектаридан қирқ икки центнердан пахта ҳосили олган, ўтган йилги даромади йиғирма беш миллион сўмни ташкил қилган «Ўзбекистон» колхозининг Анвар бошлиқ бригадасидаги рақамларни такрорлаб ўтиришнинг ҳожати бормикин?

Яқинда, янги йилнинг янги кунларидан бирида шу колхозга чиқдик. Идорада, боғча ходими бўлса керак, тўладан келган бир аёл арча байрамида болаларга берилган совғаларни ҳисоблаб ўтирарди, бир минг тўрт юз саксон учта. Ошхонанинг ёнидаги хонада доскага бўр билан аллақандай куйнинг нотаси чизиб қўйибди. «Боласи тушмагурлар артиб ҳам қўйишмабди» деди кимдир. Бу ёш музикачилар мактаби экан. Шу пайт кўчадан бир «ЗИМ» ўтиб қолди. Ёни-миздаги йигит ташвишланди.

— Анвар бўлса-я, болаларини олиб шаҳарга тушмоқчийди.

— Машинаси бўлгандан кейин, шаҳарга тушиши чўтми унга.

Хайрият, Анвар эмас экан. Бир оздан кейин ўзи келиб қолди. Биз юксак мукофот — Ҳаҳрамонлик унвони билан табрикладик.

*Январь, 1957 йил*

## Поезда

Москва! Қандай жозибали ва ёқимли эшитилади бу сўз! Сенинг огушингда бўлган ҳар бир кимса ҳароратингни, меҳрибончилигингни, тенги йўқ ҳуснингни бир умр унутмайди. Тоғда, бепоён чўл-биёбонда, дарё ва денгизда, сендан неча ўн минг километр узоқда бўлган ҳар бир совет кишиси «Ватаним» деганида унинг кўз олдида дастлаб сен намоён бўласан, сен диёримизнинг чаманзори, Ватанимиз юраги, унинг ақл ва маданият марказисан, илм-фан чўққиси ва донишмандлар даргоҳисан.

Йиллаб, ойлаб, ҳафталаб эмас, ҳатто бир неча соат Москвада истиқомат қилиб, унинг самимий ҳурмат ва иззатини кўрган киши, у билан хайрлашар экан, кўнгли алланечук бўлиб кетади. Сафарининг дастлабки бир неча кунларини Москва таассуроти ҳақидаги ширин хаёллар билан ўтказади.

Поезд тиниқ осмонда тутун изи қолдириб, Қозғистоннинг бепоён чўлларида кетмоқда. Ким билсин, йўловчилар ичида ўқишни тамомлаб, юртига қайтаётган олимлар, Урта Осиёда илмий-текшириш ишлари ўтказувчи экспедиция, Кремлда бўлиб, кўкрагига орден тақиб олган донгдорлар, меҳнат отпускасини Москвада ўтказиб қайтаётган ўқитувчилар, ишчилар бордир.

Ана шу хаёллар билан очиқ деразага икки тирсагини қўйганича кенг саҳрога тикилган старший лейтенант Ким Пен Хва эшикдан проводникнинг кириб келиши билан оқ шойи дарпардани ойнанинг ярмига-

ча тортиб қўйди-да, жойига бориб ўтирди. Проводник бир стакан чойни стол устига қўйиб, таъзим билан чиқиб кетди.

Купедагилардан икки киши — старший лейтенант Ким Пен Хва билан бирга хизмат қилган ўртоқлари аввалги станцияда тушиб қолишди. Бу ерда Ким Пен Хва билан ўрта ёшлардаги бир ўзбек йигити қолган эди. Ким Пен Хва стакандаги чойдан бир ҳўплаб, ҳовиргача ҳамсуҳбат бўла олмаган йигитга сўз ташлади:

— Кечирасиз, йигит, исмингизни...

— Алижон,— деди йигит.

— Ҳа, Алижон, сўраганинг айби йўқ дейдилар, сиз Ўзбекистонга борсангиз керак-а?

— Шундай, ўртоқ старший лейтенант, Андижонга бораман, сиз-чи?

— Мен, Тошкентга.

— Ўзингиз Тошкентданмисиз?

Пен Хва қўлидаги стаканни стол устига қўйди-да, жавоб қайтарди:

— Мен Тошкентдан эмасман, биринчи марта бо-ришим. У ерда қариндошларимиз бор.

Кеч кириб, кенг саҳронинг кўз илғамас қирғоқла-ри қоронғилашди. Паровоз ўтхонасидан чиқаётган уч-қунлар папирос чўғидай ойна ёнидан учиб ўтмоқда. Аммо икки ҳамроҳ ўртасидаги суҳбат ҳамон давом этаётир. Алижон бир ярим ойдан бери Москвада, қиш-лоқ хўжалик кўрғазмасида бўлганини, бу йил унинг бригадаси пахтадан мўл ҳосил етиштирганини сўзлаб берди.

Алижоннинг бунчалик гапга чечан эканлигидан мароқланган Ким Пен Хва унинг сўзларига завқ би-лан қулоқ соларди. Ким Пен Хва ҳам сўз навбатида гўза ўсимлигини умрида биринчи марта қишлоқ хў-жалик кўрғазмасида кўрганини, бу уни жуда қизиқ-тирганини айтди. Шунда Алижон пахта етиштириш-нинг баъзи жиҳатларини батафсил ҳикоя қилиб берди.

— Мана ҳозир авжи йиғим-терим бошланадиган пайт, мен бир оз кечикдим. Шунинг учун ҳам шоши-либ кетяпман. Бўлмаса уч-тўрт кун Тошкентда қолиш, сиз билан бирга сайр қилиш ниятим ҳам бор эди.

— Бир гектардан ўрта ҳисобда,— деб сўради Ким Пен Хва,— қанчадан ҳосил олса бўлади дедингиз?



— Мана, мен бошлиқ бригада ўтган йили йигирма гектар ернинг ҳар гектаридан қирқ уч центнердан ҳосил олди. Бу йил мўлжал эллик.

Пен Хва дастлаб ишонмади. У яна қайта сўради:

— Эллик дейсизми? Эллик центнер дейман, анча эмасми?

— Тўғри,— деди у,— эллик центнер жуда кўп. Лекин юз центнер олганлар ҳам йўқ эмас. Бу, мен сизга айтсам, ғўза жонивор шундай экинки, қанча меҳнат сарф қилсангиз шунча сахий бўлаверади. Нимасини айтасиз, бекорга оқ олтин деб атамаймиз. Чигитни тиккандан кейин ўз вақтида, маромига етказиб парвариш қилган кишига нима етсин. Шунақанги сўрқилдоқ бўлиб етишадикки, асти қўяверинг.

Ким Пен Хва пахтазорни, чигит экиш, парвариш қилишни сира кўз олдига келтира олмади. Алижон Тошкентга яқин қолганда пахта даласини кўрсатишга ваъда берди.

Суҳбат аллавақтгача давом этди. Худди икковлари юракларидаги гапларнинг ҳаммасини шу кунга ғамлаб қўйганларидек, зерикмай гапиришиб ўтиришди. Ким Пен Хва ҳарбий хизматдан бўшаб, қариндошлари ёнига кетаётгани, агар ёқтирса шу ерда қолиб кетажagini айтди. Алижон ҳозирча «бу киши отпускаи вақтини қариндошлариникида ўтказса керак» деб ўйлаб ўтирган эди. Шундан сўнг у, Ким Пен Хвага: «Бизнинг Андижонга кетаверамиз!» деб таклиф қилди.

Кондуктор яна бир ярим соатдан кейин Тошкентда бўламиз деганда, Ким Пен Хва кийим-кечак, китобларини йиғиштира бошлади. Эгнидаги гимнастёркани ечиб, янги ёқа тақди. Барча нарсаларини чамадонга жойлаб, устидан тахлоқ шинелини боғлади.

Алижон Ким Пен Хванинг иккинчи чамадонини вагондан кўтаришиб тушди. Улар станцияда анча гапиришиб туришди. Алижон вақти зиқ бўлмаганда Тошкентда бир-икки кун қолишини яна такрорлади. Суҳбат авжига минганда сигнал берилган эди. Икковлари қўл сиқишиб, хайрлашдилар. Алижон югуриб бориб, вагон зинасига чиқди ва яна орқасига қараб, қўл силкиди.

— Хайр!

— Хайрли йўл!

Поезд станциядан узоқлашди. Қим Пен Хва чамадонларини ердан бир қарич кўтарди-ю, яна қўлидан ташлаб юборди, шешилиб поезд жўнаётган томонга аланглади.

— Э, аттанг, ат-танг...

Нима бўлди? Нега у бўшашганича ўша томонга тикилиб қолди. Вагонда бирон зарур нарсаси қолиб кетдими, ёки ҳарбий қисмда муҳим ҳужжатини унутганми, энди эсига тушдими? У юк ташувчи аравачага йўл бўшатиб, чамадонини четга олди. Станцияда у ёқдан-бу ёққа қатнаб турган йўловчиларга йўл бўшатиб беришни ҳам унутиб, Алижон йўлига тикилиб қолди-да, ўзича гапирди:

— Аттанг, э, негаям мен шундай зарур нарсани унутибман-а...

### Қақраган ерлар пахтазорга айланди

Шу воқеадан кейин неча-неча ойлар, йиллар ўтди-ю, неча тонглар отди. Мана шу мрамар тонгларнинг бири. Ҳали қишнинг заҳри кетмаган, баданни ачитувчи изғирин шамол дарахтларнинг шохларини шитирлатмоқда. Шаҳарча кўчаларини ёритиб турган столбалардаги электр лампалар шамолда силкиниб, мирза теракларнинг соясини тебратаётир. Электростанция шаршарасининг шовқини гоҳ қулоқ тагида эшитилади, гоҳ узоқлашади. Электр қўнғироқ чалиниб, шаҳарча уйғонди.

Худди шу пайтда, катта кабинетда уч киши суҳбат қилиб ўтирипти. Устига кўк мовут тўшалган узун столнинг бошида эгнига гимнастёрка кийган йигит қаршисида ўтирган икки кишига алланималарни гапирмоқда. У, икки тирсагини столдан олмай, мулоҳимгина қулиб, шошмасдан, секин сўзларди. Ана шу ўтиришини кўрган киши унинг умрида бирон марта ҳам бақариб гапирмаган, юз ўйлаб, бир сўзлайдиган одам эканлигини дарров пайқаб олади. Бу киши колхоз раисидир. У, ҳозир партия ташкилотининг секретари Тхя Ен Ли ва ҳосилот советининг раиси Ен Себ Тенлар билан бирга пахта майдонини кенгайтириш, тўқайни пахтазорга айлантириш масаласини маслаҳатлашмоқда.

— Вақт зиқ, — деди Ким, — ҳадемай ерни ҳайдай бошлаймиз. Қўриқни очишга шу кунларда киришмасак бўлмайди.

— Шундай-ку, — деди Ен Себ бир нарсадан ҳавотир қилгандек, — аммо озмунча меҳнат талаб қилинмайди-да, ҳар бир тепаликни текислашнинг ўзига ҳам анча вақт кетади. Шу ерда чигит экиш кечикиб кетмасмикан дейман...

Раис кулиб қўйди.

— Оғир меҳнатсиз ҳеч нарса битмайди. Ана шунақанги қутуриб ётган ерни ишга солишда гап кўп. Шуни ҳам айтиб қўяйки, эшитишимизча, мана бу совхоздагилар шу ерда боғ қиламиз, деб бир-икки ури-ниб ҳам кўришган экан. Биз пахтазор қиламиз деганимда, кулганлар ҳам бўлди. Шуни унутмайлик. Мана шу қақраган ерда пахта ундирамиз.

Тоғ орасидан эриниб бош кўтараётган қуёшнинг дастлабки нуъалари эндигина оқ булут парчаларига туша бошлаганда, раис, партком секретари ва ҳосилот советининг раиси пахта даласига етиб келдилар. Улар пахта участкасининг агрономи Чан Се Ким билан бирга, ариқнинг нариги томонига ўтишди. Раис ён дафтари-ни очиб, алланимага қаради, кўрсаткич бармоғи билан тўғридаги ерни кўрсатди:

— Мана, шу ердан қўшамиз, аммо бу оз. Қолганига кўчанинг нариги бетидаги ўша мен айтган тўқайни ишга соламиз. — Чан Се 1946 йилга нисбатан бу йил пахта майдонининг йигирма беш гектар кенгайтирилишидан хабардор. Бундан уч кун илгари раис у билан қилган суҳбатида ҳаммасини батафсил айтган. Ҳозирги кўрсатилаётган ўн уч гектарча ерни эпақага келтирса бўлади. Аммо у катта кўчанинг нариги бетидаги тўқайдан чўчиб турипти. Шунинг учун ҳам уч кундан буён айтишга ботина олмай турган дардини ҳозир ўртага ташлай қолди.

— Уртоқ раис, — деди у, — бу ер-ку, бир гап бўлар-а, аммо тўқайга ҳайронман.

Бу гапдан Ен Себ анча хижолат тортди. Унга раис ҳам, партком секретари ҳам: «Ҳа, икковларингга ёқманти-да, мунча қўрқоқлик қилмасаларинг» деяётгандай бўлди. Аммо раис буни айтмади. У Чан Сега тушунтира бошлади:

— Ука, ўшанақа ерларни ўзлаштирмасак, бизга

осмондан тайёр ер тушадими, бундан қийин ишларни саранжом қилдик-ку, ахир!

— Мен,— деди Чан Се,— осон-қийинлигини айтганим йўқ. Кўчанинг бу бетидан сув ўтказишни ўйлаяпман. Аввало бир километрча ариқ қазиш керак, буям майли, кўчанинг бериги бети нариги томонига қараганда анча пастлик экан. Бунинг устига кеча бир-иккита кекса билан суҳбатлашиб кўрсам, улар эсимизни таниганимиздан буён бу жой экин боласини кўрмаган дейишади.

Бу гапдан раиснинг дам кулгиси қистар, дам хуноб бўларди. Гапга Тхя Ен аралашди.

— Зап қизиқ гапни айтасиз. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, дейдилар. Шундай қамишзорда саккиз йил ичида шаҳарча бунёдга келтирган бизнинг колхозчиларми ахир, ёки ташқаридан биров қилиб бердими?

Чан Се индамай қолди. Бутун бир колхознинг тўқайзор, қамишзорларни гулистонга айлантириб юборгани кўз олдида келди.

Ҳаммалари тўқайзорга келишди. Раис эрта-индин, ернинг нами сал қочиши билан дастлаб ана шу ерни ишлаш тўғрисида топшириқ берди. Ерни қайси бригадага биркитишни ҳали кечқурун ўйлашиб кўражагини айтди. Кўчанинг бериги бетига сув келтириш учун кўчанинг ўртасида ер тагида цементдан қайнама қувур ўтказиш маъқул топилди.

— Бу ишга эртаданоқ киришиш керак,— деди раис.

Орадан уч кун ўтди. Янги ер — қўриқ учинчи ва бешинчи бригадаларга ажратиб берилди. Бу ҳар икки томондан қулай бўлди. Ҳар икки бригаданинг аъзолари бирдан ишга киришиб кетишди. Тўқайдаги тепаликлар трактор ҳайдовига мослаб, текислана бошланди. Қайнама қувур ўтказиш учун беш тонна цемент, саккиз мингтача гишт келтирилди. Колхозчилар саккиз метр чуқурликда ер тагидан қувур ўрнини қазишга киришдилар.

### Эр йигитнинг қадрини эл билур

Кеч кирди. Колхоз қизил чойхонаси куни бўйи баракали меҳнат қилган ёшу қарилар билан тўлди. Республика Олий Совети сайловига тайёрлик бошлан-

гандан буён бу ер ҳар куни кечқурунлари ана шундай гавжум бўлади. Данғиллама клуб ва чойхона бинолари шу кезларда алоҳида безатилган.

Чойхонадагилар радиодан берилаётган концертга маҳлиё. Онда-сонда чойнак қопқоғининг урилгани, ўзаро суҳбатлашиб ўтирганлар орасида кўтарилган енгилгина кулги овозлари эшитилади.

Эшикдан ҳасса таянган оппоқ соқолли, аммо кўриниши жуда тетик бир чол кириб келди. У, уч-тўрт киши билан бош силкиб саломлашгач, самоварчи ёнидаги каравотга ўтирмоқчи бўлганида, тўрдаги бир туркум кексалар уни ўз ёнларига таклиф этишди.

— Нормурод ота, қани, бу ёққа!

Нормурод ота ҳассасини бурчакда қолдириб, улар билан сўрашди ва ўша ерда ўтирди.

Концерт тамом бўлди. Носқовоқ тиқинининг шокилдасини серкиллашиб қўлида ўйнаб ўтирган чол Нормурод отадан ҳол-аҳвол сўрай бошлади:

— Бир-икки кун дарагингиз бўлмади, мулла Нормурод?

— Ҳа, шаҳарда эдим.

— Дурустсиз-ку, бир томоша қилай депсиз-да.

Нормурод ота дастлаб жавоб бермади. У: «Бировдан ўтганини биров билмас экан-да, мен нима ташвишдаман-ку, бу нима дейди-я» деб, кўнглидан ўтказди.

— Томоша қаёқда, уста Салим, — деди у, — шунақанги томошани душманингнинг ҳам бошига солмасин.

Салим ота ажабланди, шошилиб сўради:

— Ҳа, тагин нима гап, тинчликми?

Нормурод ота пиёланинг гардишини чап енгига артиб, уста Салимга узатди.

— Тинчлиги бор бўлсин, — деди у, — бизнинг кампир бир оз ногирон бўлиб қолган. Ҳар икки-уч йилда Тошкентга олиб тушиб, докторларга кўрсатиб тураман.

— Ие-е, ҳали шунақа денг. Анча бўлдими?

— Ҳа, ўн йилдан ошди.

— Ўн йил! Бай-бай. Қанақа касал ўзи?

— Эй, уста Салим, бунинг тарихи узоқ.

Бу суҳбат чойхонага қўлида буклоқлик газета

ушлаган ёш йигитнинг кириб келиши билан бузилди. Кўпчилик йигит билан сўраша бошлади.

— Келинг Собиржон, қани бугун қандай янгиликлар бор?

Собиржон пиёладаги чойни бир ҳўплаб ўрнидан турди-ю, шу пайт Нормурод отанинг эндигина бошлаган ҳикояси чала қолганидан афсусланган Салим ота ўзича: «Гапни чала қилди-я», деб қўйди.

Собиржон бугунги суҳбатда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган Ким Пен Хванинг таржиман ҳоли ва фаолияти ҳақида гапириб беражagini айтди. Утирганларнинг кўпи Ким Пен Хвани яхши танийди. Шунинг учун ҳам ҳамма унинг гапларини даққат билан эшитишга отланди.

— Бундан саккиз йил муқаддам, — деб сўзлай бошлади Собиржон, — Совет Армияси хизматидан бўшаган Ким Пен Хва бизнинг районимизга ишга юборилди. Бунда дастлаб «Новий путь» колхозида бинокорлик ишларига раҳбарлик қила бошлади. Орадан оз вақт ўтгач, «Полярная Звезда» колхози правлениесига раис қилиб сайланди. Шу пайтларда бу колхоз эндигина ташкил этилган эди. Меҳнатсевар колхозчилар Ким раҳбарлигида Чивинтепа ёнидаги бир неча асрлардан буён тўқай, ботқоқлик, қамишзор бўлиб ётган жойда обод шаҳарча бунёдга келтирдилар.

Собиржон сўзини давом эттирар экан, чордана қуриб ўтирган Нормурод ота қўлидаги носқовоқни гилам устига ташлаб, чакмонининг барини йиғди ва тиз чўкиб ўтириб олди. Салим ота унинг бу ҳаракатидан яна ажабланди.

...Колхоз ташкил этилган йили шולי ва буғдой эка бошлади. Аммо колхозчилар бу экинлардан дастлаб кўнгилдагидек ҳосил ололмадилар. Янги ишга солинган қўриқ ҳадеганда сахийлик қила қолмади. Ким Пен Хва колхозга раис бўлгандан кейин, қирқ биринчи йили, биринчи марта ўн гектар майдонга чигит экилди. Колхозчилар ҳам, раиснинг ўзи ҳам ғўза ўсимлигини умриларида биринчи марта экишлари эди. Шунда раис колхозчиларга пахтанинг аҳамиятини тушунтириб, ўн гектар ердаги чигитни ундириб олишдан то пахтаси терилгунча уларни ғўза парваришини ўрганиб олишга ундади. Ана шундан бери

колхоз йилдан йил пахта, галла, шоли майдонини кенгайтириб, ҳосилни ошириб келмоқда. Утган йили колхоз ҳар гектар ердан 44,2 центнердан пахта, 33 центнердан шоли олди.

Собиржоннинг сўзларига ҳамма диққат билан қулоқ солмоқда. Кексалар ора-сира «Барака топсин», «Киройи раис бўлса, шунақанги бўлса» деб қўйишарди. Собиржоннинг сўзи ҳали тугамаган ҳам эди, ўтирганлардан бири унга қараб қўлини кўтарди.

— Айбга қўшмайсан, болам, кексалик, хаёлдан кўтарилиб қолмасин, сўраб ола қолай дедим.

— Майли, майли, ота, қани, гапиринг.

— Сўровим шуки, бу Ким ўзи билими ўткирми, ё раисликка ўқиганми, сирини қаерда.

Чолнинг гапига ёнидагилар кулиб юборди. Бир зумда бу гап чойхонанинг нариги бурчида ўтириб, эшитолмай қолганларга ҳам етиб борди. Собиржон ғовур-ғувур босилгандан кейин, чолнинг саволига жавоб берди.

— Коллектив хўжаликка раҳбарлик қилиш осон эмас. Пен Хва Ким ҳамма вақт колхоз активларига, партия ташкилотига таяниб иш кўради. Ҳар бир масалани дастлаб правление аъзолари, коммунистлар, активлар билан замаслаҳат ҳал қилади. У манманликни, «Ўзим бўлай, ўзгалар бўлганча бўлар» қабилида иш кўришни ёқтирмайди. Мен буни ўзим колхозда бўлганимда кўрдим. Ҳамма вақт кўпчилик, ана шу икки юз йигирма хўжаликнинг ташвишини қилади.

Савол берган чол қаноат ҳосил қилгандай, соқолини силаб қўйди. Нормурод отага чой узата туриб:

— Барака топсин, — деди у, — кўпчиликнинг ташвишини қилгани учун ҳам обрўйи баланд-да, эр йигитнинг қадрини эл билур, деб шунини айтадилар-да.

Собиржон колхоздаги электростанциянинг, мактаб бикосининг қачон барпо этилгани тўғрисидаги ҳамма саволларга мукамал жавоб берди. У, колхоз дангил-лама клубга, меҳмонхонага, кийим тикадиган устахона, новвойхонага эга эканлигини ҳам айтиб ўтди. Уруш йилларида колхоз фронт учун салкам олти миллион сўм ёрдам бергани, раиснинг бир ўзи аэроплан эскадрильяси қуриш ва давлат заёмларига ёзи-

лиш учун икки юз ўттиз минг сўм берганини гапирганда, ўтирганлар қойил қолганликларини ифода қилиб «баракалла» деб юбордилар.

Агитатор хайрлашиб чиқиб кетганидагина, Салим ота бир отим носвойини тили тагига ташлаб олиб, боя чала қолган ўн йиллик касалнинг тарихини сўради.

— Мулла Нормурод, қани, касалнинг тарихи қанақа? Ун йиллик дедингизми, нега бундай?

Нормурод ота суҳбатни бошлашдан олдин шундай деди:

— Уста Салим, баъзи ишларга ёқангни ушлайсан киши. Мен сизга айта бошлаган гапнинг ярмисини ҳалиги йигитча гапириб қўйди-я, ният холислигини қаранг.

Салим ота яна тушунолмади: «Қани, нима гап?» деб сўради.

— Мен сизга айтсам, ана шу воқеага ҳозир ҳисоблаб кўрсам роса ўн йилу, икки ой бўлипти. Ёз куни эди. Кампирим ҳадеб хархаша қилаверганидан кейин аравани қўшиб, Қўйлиқдаги акасиникига олиб бордим. Кичик неварамни ҳам олган эдим. Нима бўлди-ю, эртаси кечгача қолиб кетдик. Неварам бўлса кетамиз, деб ҳамма ёқни бузиб юборди. Аравани чакки қўшган эканман, машинада келаверар эдик. Хуллас, хуфтондан кеч йўлга чиқдик. Чивинтепага яқинлашиб қолганимизда, ярим кеча бўлган эди. Ёз бўлгани учунми, кўчанинг ўнг томонидан шунақанги ёмон ҳид чиқар эдики, аста қўяверинг. Қамишзорнинг барги ва ўлан ўтларининг буруқсаган ҳиди кўнгилни беҳузур қиларди. Бунинг устига чивин талашини айтмайсизми, худди шу қоронғида отни ўз ҳолига қўйиб келаётганда, тўсатдан қамишзордан бир эмас, гўртта чиябўри югуриб келиб отга ҳамла қилса бўладими...

Нормурод ота шу гапни айтиб, бир хўрсиниб қўйди, назарида ўша воқеа ҳозир бўлаётгандай туюлди.

— Ҳа, кейин нима бўлди?

...Кап-катта эркак ўзимни йўқотиб қўйдим. От икки оёғини кўтариб чопмоқчи бўлди, зўрга жиловини ушлаб қолдим. Кампирим аравадан ўзини ташлаб юборди. Неварам бўлса овози борича додлайди. Бўрилар ёнига яна иккитаси қўшилди. Қўйинг-чи, мен



сизга айтсам, рўпарамиздан бир машина келиб қолди-ю, жонимизга ора кирди. Шофер ҳам хушмуомалалигина бур рус йигити экан, барака топкур, қўрққангани билиб, беҳуш кампир билан неварамни машинасига тушириб олди. Мени бўлса аравам икки чақирим нарига боргунча чироғи билан ёритиб турди. Алламаҳалда уйга етиб келдик. Кампир ўзини билмай ётипти. Неварам ухлаб қолипти. Шу-шу, кампиримиз қарийб икки ой босим ётиб олса бўладими. Ушандан буён юрак ўйноғи бўлиб қолган, ҳар икки-уч йилда қайталаб туради.

Салим ота унинг сўзларини эшитиб, ачинди, «қариганда сизга анча жавр бўлипти-да», деб қўйди.

— Шу ҳафтанинг бошида, — сўзида давом этди Нормурод ота, — яна Тошкентга олиб тушган эдим, ўтган кун кечқурун қайтиб чиқдим. Машинада Бектемирдан бу ёққа ўтгандан кейин, узоқдан Чивинтепа, ундан берироқда бизни чнябўрилар талаган жойларда худди шаҳардагига ўхшаган қатор электр чироқларни кўриб, ўша воқеа эсимга тушиб кетди. Одамнинг қўли гул деб шуни айтадилар-да. Собиржон айтган Ким бошлиқ бўлган колхоз аъзолари ўша Чивинтепани, қамишзорни ҳозир нуробод қилиб юборишган. Энди ўтсангиз гул ҳиди келади.

— Юртнинг обод, колхозчиларнинг бадавлат бўлиши учун хизмат қилиптими, мартабаси бундан ҳам улуг бўлади.

## Бир кун

Мен Хва тонг билан баробар уйғонди. Каравотдан тушиб, кийимларини кийишдан олдин, тўғри дераза ёнига борди. Дарпардани икки томонга очиб, ташқарига қаради. Ҳеч нарсани билиб бўлмас эди: қоронғилик. У, ўнг қўлини чўзиб форточкани очди ва стул устига чиқиб қаради.

— Хайрият, — деб қўйди ўзича.

Плиткага чойнак қўяётган хотини бу аҳволдан ҳеч нарса тушунмай, эридан сўради:

— Нима бўлди, тинчликми?

— Ҳеч гап. Ҳавога қарадим. Яхшики, очилиб кетишти. Ёмғир ёққудай бўлса, кечаги экилган жойга яна қайта экишга тўғри келар эди.

— Кечаси соат учларда ёмғир бироз ёғиб ўтган эди, — деди хотини.

— Ундай бўлса яна яхши.

Ўз салобати билан шаҳарчага ҳусн бўлиб турган ҳашаматли бино — правление. Колхоз ҳаётининг асосий қонуни — қишлоқ хўжалик артели Устави асосида коллектив хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини уюштирувчи жанговар штаб. Ана, офицерларга хос жиддият билан штаб бошлиғи — колхоз раиси кириб келаётир. У, ўз қўшинидан бир минут ҳам ажрамай, шахсий ҳаётини қўшин ҳаёти билан боғлаб олиб борувчи командирдек, икки юз йигирма хўжалик билан бирга нафас олади. У, чорва молларининг аҳволдан, кеча экилган чигитнинг ер бағрига қанчалик жойлашгани, электростанция шу кечада қанча қувват берди-ю, меҳмонхонада кимлар дам олди, қайси трактор яхши ишлади-ю, қайсиси тўхтаб қолди — буларнинг ҳаммасидан бохабар.

Ким Пен Хва кабинетига кириб келиб, катта столнинг нариги бошига бориб ўтирди ва ён дафтарини очиб, варақлади. Кечаги число билан қайд қилинган ёзувларни кўздан кечириб чиқди. Бир нечтасини ўчирди. Телефон жиринглаб қолди.

— Алло, аলেখабсимника<sup>1</sup>, майли боринг, ҳозирча сизда ишим йўқ... Ҳа, айтгандай, ўртоқ Тен, қайтишингизда шоли экишга юбориладиган отларни ўзингиз бир кўриб чиқсангиз.

Машина дала ёқасида тўхтади. Ким Пен Хва пастга тушиб, эллик қадамларча нарида ерга тиз чўкиб, сеялканнинг чигит ташлайдиган пастки қисмини кўздан кечираётган Чан Се Кимнинг ёнига борди. Чан Се Ким Пен Хванинг келганини сезмай, ҳамон ўнг қўли билан алланима бураётир. Сеялкачи йигит раис билан қўл бериб сўрашди. Раис у билан суҳбатлаша бошлаганда, Чан Се бошини кўтариб, ўрnidан турди, Ким Пен Хва сўради:

— Ҳа, нима бўлипти, уриниб қолипсиз?

— Ортиқча ҳеч нарса бўлгани йўқ. Фақат чигит бир текис тушмаётир.

— Ийе, ҳали ҳеч нима бўлмагани шуми, анчадан берими?

<sup>1</sup> Аллахабсимника — қурья тилида салом.

— Йўқ, мана шу ярим гектарча ерга шундай экилди.

Раис ортиқча гапирмади. Унг тиззасини ерга қўйиб, энгашиб қарай бошлаганида, Чан Се яна урина кетди.

— Бўлди, ўртоқ раис, — деди у ўнг қўли билан кўрсатиб, — мана бу бир оз бўшаган экан.

Сеялқачи йигит бу аҳволдан анча хижолатда эди.

Раис тиззасини қоқиб, ўрнидан турди. Чан Се ҳам бўлди дегандай, тракторчига қаради.

— Қани, ҳайдаб кўринг-чи.

Трактор юриб кетди. Раис, Чан Се икковлари трактор то муюлишга етгунча сеялқанинг орқасидан кузатиб боришди. Чигит бир меъёрда тушмоқда. Раис қаноат ҳосил қилгандай, Чан Се билан даланинг нариги бошигача суҳбатлашиб борди.

Пахта участкасининг ошхонаси. Раис билан Чан Се келишганда, қозонга гуруч солаётган ошпаз хотин, улар билан бош чўйқаб саломлашди. Раис унинг яқинига борди:

— Ҳорманг, ошпаз опа.

— Саломат бўлинг, ҳали ҳориганимизча йўқ, кетмон чопиб, трактор ҳайдаяпмизми, — деб бармоқларига ёпишган гуруч доналарини тоғорага силкиди.

— Бугун ҳам суюқ таомга ўхшайди-я? — сўради раис.

— Ҳа, шундай. Кун оралаб суюқ қилар эдик, бугун мўлжалимиз бузилиб қолди.

— Айтгандай, тунда тракторчиларга ҳам овқатни сиз тайёрлайсизми?

Ошпаз бошини силкитиб тасдиқлади.

— Сизга жавр бўлипти, — деди ажабланиб раис ва Чан Сега қаради, — кечасига бошқа кишини қўйинг.

Чан Се алланима демоқчи бўлиб оғзини жуфтлаган эди, яна ошпазнинг ўзи гапга аралашди:

— Ҳечқиси йўқ, раис ака, беш-олти кун кечаси бир соатлик уйқудан кечсак, бирон еримиз камайиб қолмайди.

Раис индамади. Улар ошхонадан узоқлашаркан, Чан Се кеча кечқурун бирпас шаррос ёғиб ўтган ёмғир натижасида, тунда тракторлар ишламагани, бунинг орқасида график ҳам бажарилмагани, бугун эса

кечагининг ҳиссасини чиқариш учун кўраётган чораларини айтди. Улар темирчилик устахонасига боришди. Бу пайт тўғридаги уйдан чопиб чиқиб келган икки ёш бола раиснинг оёғини қучоқлаб олишди. Қўлидаги «ёғоч от»ни кўрсатиб, кўз-кўз қила бошлади. Раис уларни эркалади.

— «От»ни қаёқдан олдинглар?

«От»ни миниб олиб, «чу» деяётган бола, тантиқланиб жавоб қилди:

— Опам олиб бердилар, энди-чи, раис ака, боқчамизга «поезд» олиб беринг, вагонлари жуда кўп бўлсин, хўпми?

Раис кулди ва «хўп бўлади» деб жавоб қайтарди. Болалар машина турган томонга югуриб кетишди. Раис темирчи усталар билан суҳбатлашди. Ишхонадан чиқиб, ўн қадамча нарида ивитиб, дорилаб қўйилган чигитдан бир ҳовучини олиб, кўздан кечирди.

Машина катта тош йўлга чиқиб тўхтади. Раис билан Чан Се кўчанинг ўнг томонига, трактор ишлаб турган ерга боришди. Бундан бир ой муқаддам тўқай бўлиб ётган ўн бир гектар ернинг на тепалиги-ю ва на ўнқир-чўнқир билинади. Кафтдек текис бўлиб кетипти. Тракторчи Дук Чун Хан шу кун кечгача ҳайдаб тамомлайман, деб ишонтирди. Раис Чан Сега қараб ҳазил қилиб кулди.

— Қани, агроном, «неча юз йилдан бери қутуриб ётган ер» деганингиз шумиди?

Чан Се жавоб бермади. «Бу ерни ўзлаштириб бўлармикан» деб, айтган гапи эсига тушиб, уялди. Улар то кўча юзига чиққунча жим боришди. Мана, катта кўчанинг нариги бетидан бу ёққа сув ўтказиш учун қилинган қайнама қувур ҳам тайёр бўлган. Раис кўриб, қувур оғзини яхшилаб цементлаш кераклигини тайинлади. Улар янги очилган ерга алоҳида парвариш кераклиги ҳақида анча суҳбатлашишди.

Раис идорага келганида соат ўн иккилар бўлиб қолди. У тўғри уйга келиб нонушта қилди. Чой устида бугунги газеталарга кўз югуртириб чиқди, баъзи керакли мақола босилганларини кечқурун ўқиш учун алоҳида ажратиб қўйди.

Катта гаражда юк машинасининг тагига ётиб олиб, уни тузатаётган йигит раиснинг келганини сезмади. Ким Пен Хва уни ишдан қолдирмаслик учун

машинадан нарироқда ўрмалашиб юрган болани чақириб, гараж бошлиғи Гибок Кимни топишни буюрди.

Ўрта бўйли йигит қўлининг мойини бензин билан артар экан, раиснинг «минерал ўғитларнинг ҳаммаси ташиб олиндимиз?» деган саволига «нарядга мувофиқ ҳаммаси» деб жавоб қайтарди.

Раис тегирмонга борди, новвойхонага кириб, ёпилаётган нонларнинг сифатини текширди, қайтишда пойафзал ва кийим тикиш ишхоналарига кирди. Колхозчилар буюртмасига мувофиқ янги нусхада тикилаётган бежирим кийимлар, аёл ва эрлар пойафзалини кўздан кечирди.

Партия ташкилотининг секретари кеча раисдан «Кўклам экин кампаниясининг дастлабки яқунлари ва вазифаларимиз» мавзуида радиода чиқиб гапиришни илтимос қилган эди. Раис тўғри партия ташкилотининг секретари Тхя Ен Ли ҳузурига кирди. У билан баъзи масалаларни маслаҳатлашди, сўнг кабинетига кириб тайёрлана бошлади.

Кеч соат саккиз. Правление раисининг кабинетига ҳар кунгидек ҳосилот советининг раиси, пахта ва шоли участкасининг бошлиқлари, бош бухгалтер, трактор бригадаси, ГЭС бошлиғи, киномеханик, гараж, ферма, тегирмон, склад мудирлари ўтириштипти. Булар ўз участкаларида бугун қилинган иш тўғрисида қисқача маълумот беришди. Сўнг раис гапирди. У ўзи кўриб келган камчиликларни бирма-бир айтиб ўтди. Графикка мувофиқ эртанги иш юзасидан тегишли топшириқларни берди.

Йиғилиш тамом бўлди. Ким Пен Хва стол устидаги ўз номига келган хатларни очиб ўқий бошлади. Буларнинг бири Москвадан, институтда ўқиётган ўғлидан, қолган икки хат шу районлик сайловчилардан экан. Ким Пен Хва хатларнинг бирига шу ондаёқ «янги уй қуришингиз учун керакли материаллар олиб бериш масаласини эртага райижрокомда ҳал қиламан» деб жавоб ёзди. Иккинчи сайловчининг хатини ёнига солиб қўйди. Эрта-индин фурсат топиб, унинг уйига ўзи боришга аҳд қилди.

Соат тўққиз. Радио бошқа тўлқинда гапира бошлади. «Диққат! Диққат! Колхоз радиоузелидан гапирамиз, микрофон олдида правление раиси Ким Пен Хва...»

Клубга бугун янги фильм келтирилган. Картина бошлангунча клубнинг фойесида оркестрининг садола-ри янграмоқда. Ёшлар танца тушмоқда.

Олти юз кишилик клуб зали томошабинлар билан тўлди. Иккинчи қўнғироқ чалинди. Эшикдан ёнида хотини ва ўғли билан кириб келган Ким Пен Хва олдинги қатордан ўрин олди.

Раиснинг оддий иш кунларидан бири мана шундай мазмунли ўтди.

### Вақт кетди, нақд кетди

Саратон қуёши ўз ҳарорати билан гўзаларнинг жонига ором бермоқда. Поёнсиз далада кўм-кўк гўзалар ҳосилга кириб, нишонаси гулга, гули кўсакка айланмоқда, салмоқли кўсаклар эса узун ва пишиқ толали пахта беришга ваъда қилаётир. Сахий сфтобнинг жазирамаси, баракали меҳнат қилиб тўкилаётган маржон-маржон тер, гўзанинг томир-томирига сингдириб оқизиладельган сув, ҳазм қилдириб солинаётган ўғит — буларнинг ҳаммаси ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги ўтказиш олдидан дала шийпонида йиғилиш бўлиб ўтди. Бунда кекса пахтакор Хва Сун Сим жуда яхши нутқ сўзлади.

— Ганимат куннинг қадрига етиш керак. Вақт кетса, нақд кетади, деган гап бор. Бунинг маъноси шуки, агар шу кунларда бир соат вақтни бекор ўтказ-сак, ҳосилга ҳосил қўша олмаймиз.

Оддий пахтакорнинг бу сўзлари барча колхозчи-ларнинг айна муддаоси эканини, даладаги гўзалар-нинг бўлиқлиги исбот қилиб турипти.

Шийпонда бригада бошлиқларининг тунги суфо-ришни кузатиб туришлари учун тузилган навбатчи-лар рўйхатини кўздан кечиравётган Чан Се икки қў-лини оғзига карнай қилиб, дала ўртасида кетаётган бригада бошлиғи Николай Лини чақирди.

— Мени чақирдингизми? — деб сўради у шийпон ёнига келиб.

— Ҳа, сизни. Бугун тунда сиз навбатчилик қил-дингизми?

— Ҳа, мен, — деди Ли бир нарсадан андиша қил-гандай ерга қараб.

— Агар ана шундай навбатчилик бўлса, яхшиен йириштириб қўйиб, сувни ариқ бошидан очиб юбора қолсак бўларкан. Наҳотки икки жўяк сувсиз қолиб кетганини сезмасангиз.

Николай бу воқеанинг сабабини тушунтирмоқчи бўлганида, Чан Се «қўйинг» деб қўлини силкиди, унинг Николай билан умрида биринчи марта иш устида қаттиқ олишиб қолгани шу эди. Чан Се ундан сўради:

— Андижонликлар ҳали замон келиб қолишади, тўртинчи культивация кечгача тугайдими?

— Кечгача эмас, — жавоб қайтарди Николай худди бояги айби ана шу билан ювилиб кетаётгандай, — яна бир ярим соатдан кейин тамомлаймиз.

Чан Се хурсанд бўлиб, бошқа бригадалардан хабар олиш учун кетди.

...Колхоз правлениесидан юз қадамча нарида тўхтаган автобусдан етти киши тушди. Булар Тошкент области билан мусобақадор бўлган Андижон области-нинг вакиллари эди. Ким, Ли Тен ва бошқалар меҳмонларни кутиб олиш учун идорадан чиқишди.

Раис клуб қаршисида меҳмонларга тўқнаш келди. Дастлаб кексалар билан қўл олишиб сўраша бошлаган Ким Пен Хванинг нима учундир бирдан ранги ўзгариб кетди. У, қаршисида эгнига гимнастёрка кийган, чап ва ўнг кўкрагига орден ва медаллар таққан йигитни кўрди. Икковлари кўз очиб юмгунча — бир дақиқа бир-бирларига тикилиб қолишди. Буларнинг қўққисдан қучоқлашиб, ўпишиб кўришишлари бошқаларни ҳайратда қолдирди. Ҳамма жим, фақат икки оғиздан икки хил сўз чиқар эди.

— Ким!

— Алижон!

Оз бўлмаса Ким Пен Хва меҳмонларни унута-ёзган эди. У, ўнг қўлини Алижоннинг елкасидан ўтказиб бормоқда. Правление эшигидан ичкари кирилгандагина, Ким Пен Хва ўзини босиб олди. Меҳмонларни кабинетга таклиф қилиб, Алижонга, унинг кўкрагига яна бир қараб қўйди.

— Оббо Алижон-эй, ҳаш-паш дегунча кўришмаганимизга саккиз йил бўлипти-я? — деди ва Москва, беш кунлик йўл хотиралари кўз ўнгига келди.

Меҳмонлар машинага ўтиришиб, тўғри пакта да-

ласига жўнашди. Алижон йўлда Ким Пен Хвага 1940 йилдаёқ ҳарбий хизматга жўнагани, хизмат даврида айниқса, Ким Пен Хванинг ҳарбий ҳаёт тўғрисида айтган сўзларини кўп эслаганини ҳикоя қилди.

— Урушнинг дастлабки йили Москвада эдик, немис-фашистларга ана шу ерда қақшатғич зарба беришда мен ҳам қатнашдим. Ундан Берлингача бордик. Утган йили кузда хизматдан бўшаб келдим.

— Буни қаранг-а, — деди Ким Пен Хва, — ўшанда шунча кун бирга бўлипмиз-ку, адресингизни ёзиб олиш хаёлдан кўтарилипти. Кейин шунча ачиндимки, бундай қарасам поезд кетиб қолипти. Азбаройи ачинганимдан эсимни йўқотаёздим-да. Айтгандай, кўргазмада мақталган бригадангиз энди илгаригидан ҳам юқори ҳосил етиштираётгандир?

— Бундай бригадалар колхозда қўп.

— Ййе, ҳали сиз бригада бошлиғи эмасмисиз?

Алижон дастлаб айтишга уялди. «Асли бригадирман деб қўя қолсам бўлар экан», деган хаёлни кўнгилдан ўтказди.

— Мени қўярда-қўймай ҳосилот советига раис қилиб қўйишди.

Ким Пен Хва буни эшитиб хурсанд бўлди.

Мусобақадoshлар машинадан тушишди. Кун ярмидан оғиб, қуёш қизитмоқда. Меҳмонлар ғўзаларни кўздан кечириб бошладилар. Одатда қайси бир колхозга борилмасин, бу қайси бригада, мана бу жой қайси звенога қарайди, қанчадан ҳосил мўлжаллайсизлар, деб сўрашга тўғри келади. Бу ерда бундай саволга ўрин қолмади. Ариқ ёқалаб юрилар экан, ҳар бир бригада, звенога қарашли ерда ғўза бўйи қилиб қоқиб қўйилган оқ тахтага кўзингиз тушади, тахтада катта ҳарфлар билан бригада ёки звено неча гектар ерга эга, ҳосил плани ва олган мажбуриятлари, бригада ёки звено бошлигининг фамилияси ёзиб қўйилган.

Мусобақадoshлар ғўзаларни текшириб, унинг парваришини ҳалиги тахтадаги ёзувларга солиштириб кўришар ва баъзи нарсаларни ён дафтарларига ёзиб олишарди. Икки киши тўртинчи бригада бошлиғи билан меҳнатни ҳисобга олиш тўғрисида сўзлашмоқда. Бригада бошлиғи кечаги қилинган меҳнатни табель дафтарига қараб ҳисоблаб кўрсатди.

— Табелчингиз йўқми? — деган савол тушди.



Бригада бошлиғи «йўқ» деб жавоб қилди-да, кетидан қўшиб қўйди:

— Тажриба қилиб кўрсак, табелчиликни ҳам ўзимиз олиб борсак бўлар экан. Бу, бир томондан, табелчидан бошқа ишда фойдаланишга, иккинчи томондан, меҳнатни пухта ҳисобга олишга имкон берар экан.

Ким Пен Хва билан Алижон Син Чер Пак бошлиқ бўлган илғор бригада даласига боришди. Алижон бригада тахтасидаги ёзувга қаради.

— Ийе,— деди у ялт этиб Ким Пен Хвага қараб,— эллик центнердан ҳосил берса, бу жуда кўп эмасми?

Пен Хва дастлаб тушунмай турди ва бирдан ўзининг бундан саккиз йил аввал айтган сўзи эсига келиб, хахолаб кулиб юборди.

— Алижон, ахир юзимга солдингиз-да. Майли, шундай бўлса ҳам, мен ўкинмайман. Ростини айтсам, ўша суҳбатларимиз мен учун ва менинг дўстларим учун озмунча фойда бергани йўқ. Пахта етиштиришга ҳавасимни уйғотган киши дастлаб сиз бўлдингиз. Мен ўз дўстларимни ўзбек халқининг пахта учун курашидан илҳомланишга чақирингиздек, унга бош бўлишдек ишга зўр ҳавас билан киришдим. Партия топширган бу бурчни бажаришда сиздан қолишмаслик учун астойдил курашдик. Шунинг учун ҳам ҳозир сизга, сиз кабиларга миннатдорчилик билдириб ўтсам арзийди. Бир гектардан эллик центнер ҳосил етиштириш ўша вақтда мени ҳайратга солган бўлса, энди ўзимиз ўшандай ҳосил етиштирдик.

Пен Хва Алижонни бу йил биринчи марта ўзлаштирилиб, чигит экилган бригадага олиб борди. Бу ердаги ғўзаларни кўрган Алижон ҳам бошқа мусобақадорлар каби қувонди.

Мусобақадорлар шоллари бўлиқ етишган шолкорликни кўришди. Улар шаҳарча тусини олган колхоз қишлоғини кеч қоронғи тушгунча томоша қилишди. Янги типда қурилган қатор бинолар, электростанция, тартиби билан ўтқазилган дарахтлар, ранг-баранг гуллар яшнаган гулзорлар, ўз ҳаётидан мамнун бўлган кишиларни кўриш Алижонни бениҳоя севинтирди, унинг ўз дўсти Кимга бўлган ҳурматини яна ҳам ошириб юборди...

Ким Пен Хва кечқурун Алижонни қўярда-қўймай уйига олиб кетди. Хотини, болалари билан таништир-

ди. Катта ўглининг суратини кўрсатиб, Москвада ўқиётганини айтди. Суҳбат охирида китоблар тахланган жавоннинг тепасидан икки чаноғида пахтаси очилиб турган, аммо новдаси қуриб қолган ғўза шохини олиб кўрсатди.

— Мана, Алижон, эсингизда борми?

— Ҳа-ҳа, эсимга тушди.

Алижон ғўза шохини қўлига олиб қаради. Чаноқдаги пахтаси анча чанг босипти. «Отанга раҳмат-эй,— деди у ўзича,— ўшанда ҳам айтган эдим-а, нега мунча қизиқиб қолди деб, балли-е, пахтага роса муҳаббат қўйган экансан».

### Москвадан гапирамиз...

Баҳор. Далалар қиш либосини ташлаб, кўклам сарпосини кийган. Чигит экиб тамомланганига беш кун бўлди.

Ким Пен Хва кабинетига кириб келган аёлни ўрнидан туриб қарши олди. Бу аёл матбуот вакили эканлиги, унга колхознинг юқори ҳосил олишдаги тажрибалари ҳақида мақола ёзиш топширилганини айтди. Раис билан суҳбат бошланди.

— Ўтган йили пахта майдонингиз қанча эди?

— Бир юз олтмиш беш гектар.

— Ҳосил-чи?

— Гектаридан ўртача қирқ центнердан олдик. Ўн икки гектар ердан эса саксон беш центнердан олинди.

— Илғор бригада, звено бошлиқларини айтиб берсангиз.

— Син Чер Пак — ўттиз гектарнинг ҳар гектаридан қирқ олти центнердан, Доюн Ли гектаридан эллик тўрт центнердан ҳосил олди. Ҳа, айтгандай, ўтган йили ўн бир гектар тўқайни ўзлаштириб, чигит эккан эдик... Шу ерда Тхя Су Ли звеноси қирқ центнер ҳосил етиштирди. Илғор теримчилардан, мана, Солиҳа Асанова, Елена Лиларни кўрсатишингиз мумкин.

— Айтинг-чи, шолидан қанчадан ҳосил олинди?

— Беш юз гектар майдонимизнинг ҳар гектаридан 36,4 центнердан ҳосил олдик.

— Даромад тақсимоти қандай бўлди?

— Ўтган йили ҳар бир колхозчи ўрта ҳисобда бошқа маҳсулотлардан ташқари меҳнат кунига ўн сўмдан ортиқ пул, тўрт килограммдан ғалла олди.

Матбуот вакили Ким Пен Хва билан узоқ суҳбатлашди. Сўнг ҳосилот советининг раиси билан бирга далага чиқиб кетди.

Кеч кирди. Раис идорасидан чиқиб, уйига қайтишда колхознинг атоқли шоликори, кекса Хисам Аннинг уйига кирди. Хисам отанинг хотинидан бошқа ҳеч кими йўқ, ўзи анча кексайиб қолган бўлишига қарамай, колхозда ёшлардан қолишмай меҳнат қилади. Раис бир неча марта: «Ота, энди қўя қолинг, кексайиб қолдингиз», дейишига қарамай, «Куч-қувватим бор, қараб турсам уят бўлади» деб, ишини давом эттирмоқда. Раис вақти бўлган пайтда кексалар билан суҳбатлашишни, баъзи масалаларда улардан маслаҳат олишни сира унутмасди.

Ким Пен Хва эшикдан кирганда, Хисам корейликлар одати бўйича икки қарич келадиган мундштугига тамаки жойлаётган эди.

— Аলেখабсимника.

Хисам ота ҳам, кампир ҳам раиснинг келганидан ҳар галгидек хурсанд бўлишди.

— Келинг, болам, қани ўтиринг, чарчагандирсиз.

— Раҳмат, — деди раис ва қўлини отанинг елкасига қўйди, — ўзингиз чарчамай ишлаб юрибсизми, кампир, бақувватмисиз?

— Яхши, болам.

Раис ўтирди. Кампирнинг овқатга уннамоқчи бўлганини сезиб, уни тўхтатди.

— Хисам ота, тунови куни правление йиғилишида сизга ўхшаган кексаларнинг уй аҳволларидан хабар олиш масаласини кўрган эдик. Мана мен шу баҳона, бир кириб ўтай дедим.

— Жуда яхши қилипсиз. Бизга нима ҳам керак дейсиз. Қорин тўқ, кийим бут, хонамиз обод.

Раис Хисам отанинг уй аҳволини зимдан синчиклаб текшириб чиқди. Чолнинг бахтиёр ҳаётини кўриб ичидан қувонди.

— Вақтингиз борида уялмай бир олдimgа кирилинг, камчиликларингиз ҳақида гаплашиб кўрамиз.

— Раҳмат, раҳмат, болам, биз кексаларни сийласанг, сени халқ сийласин.

Раис Хисам ота билан шоли экишининг бориши ҳақида узоқ суҳбатлашди. Бригадалардаги аҳвол тўғрисида отанинг фикрини олди. Хисам ота шоликор-

ликда ишлаётган бир неча отнинг яхши боқувда бўлмаганини айтди. Раис буларни ёзиб олди.

Ким Пен Хва уйга келиб овқатланди. Чой устида «Справочник председателя» журналининг бир неча varaғини титкилаб, алланималарни чизиб қўйди. Сўнг нариги хонага кириб, радиоприёмникнинг қулоғини буради.

...Москвадан гапирамиз... Сўнгги ахборот эшиттирамиз... СССР Олий Совети Президиумининг Фармони... Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш ҳақида... 12,26 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 85,26 центнердан ҳосил етиштирган Тошкент область, Урта Чирчиқ районидаги «Полярная Звезда» колхозининг раиси Пен Хва Кимга...

Ким Пен Хва сакраб ўрнидан туриб кетмади. Приёмникнинг қулоғини қаттиқроқ бураб ҳам қўймади. Югуриб хотини ёнига чиқиб «эшитдингми» деб жар солмади ҳам. Фақат китобнинг очиқ varaғи устига қўлини қўйиб, приёмникка тикилди, хаёлга чўмди.

...Москва, ҳарбий таълим олган мактаби, оқ олтин кони — Ўзбекистон иштиёқи, Чивинтепа ёнидаги қаминзорда қад кўтарган социалистик қишлоқ, қатор уйлар, неча ўн минг центнерлаб оқ олтин, ғалла... Ҳаммаси, ҳаммаси кўз олдида намоён бўлди.

Телефон жириглади. Ким Пен Хванинг хаёли бузилди.

— Алло! Ҳа, ҳа, раҳмат, раҳмат.

Ўрнидан турди. Нариги хонага чиқиб кийинди. Бу орада телефон бир неча марта жириглаб, хотинини ҳам уйғотиб юборди. Хотини севинчдан болаларни уйғотиб қўйганини ўзи билмай қолди. Пен Хва ташқарига чиқаркан, хотини эшикдан кузатиб қолди.

Ойдин кеча, Ильич чироқлари ой билан биргалашиб, тўғри, кенг кўчани кундуздек ёритиб юборган. Ким Пен Хва нурга тўла кенг кўча ўртасидан шахдам-шахдам қадам ташлаб борарди.

*Август, 1958 йил*

### I

Тонг. Мусаффо баҳор тонги. Сўлим боғлар, яшил дала, тоғу тош, гулзору хиёбонларда тонг.

Шарқираб оқаётган шиша ранг сувнинг жилосида, анвои хил мева дарахтларининг шиғил гулларида, олов япроқлари яшнаган лола-ю, бинафша-чечакларнинг диркиллашида, қоронғилик пардасини кўтариб, энди-гина уйқусидан турган, ҳали юзларини ювиб улгурмаган кўк гумбазида тонг. Боғ кўчадан ўтиб, далани кесиб, ишкомлар оралаб, қир ёқалаб сайр этганда, шу палладаги чинни коса чертилса, жаранги узоқлардан акси садо берадиган сокинликдаги беғубор ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганда билинади тонг нашъаси. Енгил тортасан. Аллақандай нозик, тотли ҳиссиётларга ғарқ бўласан, қандайдир сеҳрли куч қанот бахш этади-ю, катта мақсадларинг, орзу-умидларинг сари қушдек парвоз қиласан...

Зуҳраҳоннинг тонгга ошиқлиги шунданмикин?

...Правлениеда ҳеч кимни учратолмай, даланинг қоқ белидан кесиб ўтган ёлғизоёқ йўлдан фермага бормоқчи бўлдим. Бормоқчиману, шу йўл олиб чиқшини билмайман. Кўчанинг чап томонида дала бағирлаб қаторасига кетган уйлар тамом бўлмаёқ, бир эшик ёнида ҳовлидан чиқаётган сайратманинг овозига қулоқ бериб ўтирган оппоқ соқолли чолга дуч келдим. Салом бердим, сўрадим:

— Ҳа, ҳа, тўғри асфальтга олиб чиқади, — деди чол ўрнидан туриб, ўша томонга қўл чўзаркан, — катта кўчанинг нариги бети — ферма.

Чол аниқроқ кўрсатмоқчи бўлиб, бир неча қадамгача бирга борди, тепасида йўгон электр симлари ҳалқа бўлиб ётган, темир йўл кесиб ўтган дала ёқасига чиқдик.

— Ким керак эди, ўғлим? — деди чол.

Ким десам экан? Гапнинг очиги, кимнинг номини айтишни ҳам билмай қолдим. Ҳар қалай бундай пайтларда мансабини айтиш ишни енгиллаштирарди, шунинг учун:

— Ферма мудури, — деб қўя қолдим.

— Эҳ, аттанг... Ҳо-озир нариги участкага ўтиб кетувди-я, қайтмагандиров... кутиб қоладиган бўлдингиз-да... Қани, ҳовлига кирайлик... Нафас ростлагунингизча келиб қолади... — деб таклиф қилди қария.

Миннатдорчилик билдирдим... Фермага бормоқчи бўлдим.

— Одилхўжа бўлса ҳам...

— Бошқа одамлар бордир?

— Ҳа, ҳа. Бригадир Гофуржон бўлади, сут соғувчилар бор.

— Муддао ҳам ўшаларни кўриш, отахон.

— Э, ҳа, бундай демайсизми. Ҳалиги доврўғи дoston бўлаётган қизлар денг. Маъқул, маъқул. Ҳойнаҳой анови Зухра юлдузи керакдир?

— Шундай.

— Маъқул, маъқул. Ўзиниям танимаган, эшитмаган одам қолмади, чамамда. Аллақайёқлардан одамлар келишаётинти. Биров ишини ўргангани, биров меҳмон бўлиб келаётинти. Гап ёшда эмас, бошда экан, барака топсин. Ҳаш-паш дегунча ҳамма қизларнинг ҳавасини келтириб, ўзига эргаштирди олди. Замон шунақа, замонанинг қизлари шунақа, ўғлим. Мен айтмасам ҳам яхши биласиз ўзингиз... — деди мамнунлик билан.

Ота шундай деб, пушталарга яқинлашди, қўли билан даланинг нариги томони, катта кўчага яқин бир уйни кўрсатди:

— Мабодо фермада бўлмаса, мана шу уйи. Кўрдингизми? Ариқдан ўтасизу... йўлингиз устида... Аслида-ку... — отахон тўхтаб, юзимга тикилди, назаримда айтмоқчи бўлган гапи ярим қолганди. Сўрасам, у менинг нима мақсадда келганимни билмоқчи экан. Айтдим.

— Қаранг ният холислигини. Ҳзимам боядан бери шуни кўнглимдан ўтказиб тургандим. Энди, бундай қиласиз, ўғлим. Шаҳарлик экансиз, ора узоқмас. Ё шу кеча тунаб қолинг, ё бўлмаса эртагами, индингами яна бир чиқиб келинг. Чиққанда ҳам гира-шира гонгда келинг. Ана ўшанда кўринг бу қизалоқларни... Қишлоқда ким барвақт туради — шулар, сут соғувчилар. Бунда гап кўп. Тонгнинг гашти бўлакча бўлади. Шуни тушунади бу қизалоқлар. Ахир, нонуштага янги соғилган сут қаёқда-ю, рози кетиб қолган кечаси қаёқда. Янги сутнинг мазаси ширавадан қолишмайди. Ана шуни ўйлайди қизлар... Шундай қилинг, албатта тонгда кўринг қизларнинг чаққонлигини... Қордек оқ халатларни кийиб олишганда кумуш тонгга шунақанги ярашиб тушадики... Ҳамисоли парилар дейсиз.

— Келаман. Бирамас, кўп марта келаман ҳали. Ота билан хайрлашиб, фермага бордим. Жуда пайтида — дугоналар тўпланишиб, суҳбатлашиб ўтиришганда кириб борибман. Суҳбат, афғидан, қизлар даврасидан ташқарида айтиб бўлмайдиган баъзе ёки янгилик ҳақида бўлса керак. Ғофуржон ака билан бирга уларга яқинлашганимизда, даврада гурр кулги кўтарилди-ю, қизлар бир-бирларининг елкасига уриб, урганда ҳам зарб билан шапалоқ тушириб, қўзғалишди. Ғофуржон ака уларни бирма-бир таништирар экан, баъзи «шайтони зўрлари»нинг кулгиси босилмасди. Бир чеккада халатининг енг тугмасини ўйнаб, кулиб турган Зухраҳон андиша қилди шекилли, зимдан қизларга хўмрайиб, «одоб сақлаш керак» дегандай дакки бергани, даккига учраган қизларнинг итоаткорлиги сезилиб турарди.

— Мана, кўрдингизми? Сизга айтдим-ку, буларнинг бўлган-тургани шу, — Ғофур ака менга чиндан ҳам қизлардан норози бўлиб гапирган кишидек хўмрайиб, сўзида давом этарди, — қачон қарасангиз тўпланишиб олиб, пичирлашгани-пичирлашган. Бир кулги бошласа фермани бузиб юборишади... Гап оласиз булардан, холос.

— Гап бўлганда ҳам қаймоғини денг, — деб пичинг қилди кулиб нарироқда турган бир йигит.

— Гапнинг қаймоғини нима қиламан, ишнинг қаймоғи керак, — деди мудир.

— Меҳмон борлар-да, Ғофуржон ака, бўлмаса... — деди қизлардан ҳалиги шўхроғи.

— Рост айтади, сиз бўлмаганингизда юмма талаб беришарди...

Қизлар кулишди. Ғофуржон ака худди жиддий гап гапираётгандек, пинагини бузмасди. У турган жойидан қўзғалди, бир-икки қадам ташлаб, орқасига ўгирилди.

— Ҳой, бузоғингдан хабар олдингми... Боя қарасам... — деди мудир қизлардан бирига.

— Яхши, Ғофур ака, ҳозир тагин бораман, — деб жавоб қайтарди у қиз.

Ҳазил-мутойиба гаплар билан бирга, вақт ўтганини билмай қолибмиз. Ҳадемай қизлар бирин-сирин тарқала бошлашди. Сигирларга қараш, кечки соғиш вақти бўлиб қолган эди.

Қош қорая бошлади. Соғилган сут аллақачон бидонларга қуйилиб, пунктга жўнатилган, қизлар сигирлар атрофида ўралашиб юришарди. Зухраҳон билан ҳам, бошқа қизлар билан ҳам бафуржа гаплашишнинг иложи бўлмади. Бу орада бригадир Ғофуржон ака фермани кўрсатди, унинг келажаги, гўшт, сутни мўмай қилиш режалари ҳақида гапириб берди. Суҳбатимиз анчагача давом этди. Мен эрталаб келадиган бўлиб, ўрнимдан қўзғалдим.

Ҳа, Зухраҳон чиндан ҳам тонг ошиғи экан... Ҳува ана, ўзи ҳам кўринди. Яшил далани кесиб, ёлғизоёқ йўлдан келаркан, тонг шабадаси кўкрак бурма кўйлагини билан ўйнашиб, уни гоҳ юлиб қочмоқчи бўлар, гоҳ нозик баданига ёпиштириб қўяр, ёхуд пуфак қилиб пуфлар, тароқ бўлиб сочларини тарар, пешана, чаккаларидаги қўнғироқ толаларини тўзғитарди. Ҳали тангиб улгурмаган шойи дуррачаси қўлидан чиқиб кетай дерди, шабада билан шундай ўйнашардики, анча жойгача Зухраҳоннинг ўзи ҳам худди гўдаклардек ҳавас билан уни минг оҳангда ҳилпиратиб борди. Орқадан кимнингдир чақирган овози эшитилди. Зухраҳон ялт этиб ёнига ўгирилди, кўча эшигидан берироқда онасини кўрди. Нима деганини эшитолмаса ҳам, нима демоқчилигини билди, дуррачани ҳилпиратди. «Хўп бўлади» ишорасини қилиб, йўлда давом этди. «Ойим қизиқлар-а. Кичкина бола бўлмасам, ўзлари кўрган ферма, ана. қочиб кетибдими... Нимага



хавстир бўларкинлар-а. Ҳар куни бир нарсани баҳона қилиб, эшиккача кетимдан чиқмасалар бўлмайди... Ҳамма оналар ҳам шундаймикин, ё!..»

Ҳа, оналар шундай. Фарзандлари уларга ҳаминша гўдак. Сира катта бўлмайди. Кўздан узоқлашдими, бўлди, кўнгли тинчимайди. Уч яшарлигида ҳам шу, фарзандининг ўзи ота ё она бўлганида ҳам. Зухраҳон жуда эрта, азада ҳам ёстиқни ногора қилиб чалиб ўтирадиган ёшида отадан етим қолди. Муаззам опа бошини баркаш, қўлини обкаш қилиб вояга етказди Зухрани. Оталик ҳам, оналик ҳам қилди. Эҳтимол, шунинг учун ўзгалардан кўра кўпроқ ташвишланар, бир қадам ёнидан жилса кўзи тўрт бўлар.

Муаззам опа Зухра асфальт йўлга чиқиб, нариги томонга ўтгунча ундан кўзини олмади. Ҳовли томон оҳиста юраркан, қизининг ёшлик даври, апил-тапил юзини ювиб, кетидан эргашиб фермага бориши, онасининг ҳам, фермадагиларнинг ҳам гапига қулоқ солмай, сигир соғаман деб, челақка ёпишиши эсига тушиб кетди.

## II

Зухраҳоннинг ўн учдан ўн тўртга қадам қўйган пайти эди. Муаззам опа фермада бўлар, Зухра мактабидан келдими ҳуда-беҳудага онасининг ёнига келарди. Муаззам опа аввалига эътибор бермади. «Бола-да, овунгани келади-да» деб юрди. Кейин қараса, Зухра тез-тез келадиган, келганда ҳам сигирлар орасида юриб, баъзиларини эркалаб, силаган бўлар, баъзиларининг елинига қўл юборарди. Буни сезган Муаззам опа бир сафар қизидан ётиғи билан сўради:

— Менга қара, болам, дарсларинг нима бўлаётинти, эрта-ю кеч кўчадасан.

— Кўчадасан? Ҳеч-да. Борсам фақат фермага бо-раётиман, холос.

— Дарсинг-чи, дарсинг?

— Тайёрлаётиман.

— Жон болам, фермага борсанг боргину, дарсингни унутма.

— Тайёрлаётиман, ойи. Ишонмасангиз кундалигимни кўринг.

Муаззам опа бошқа гап айтмади-ю, катта қизига

тайинлаб қўйди: «Кўз-қулоқ бўлиб тур санам, ўйин-қароқлик қилаётинг!».

Ҳафталар, ойлар ўтди. Авваллари кун ора, икки-уч кунда борадиган Зухра бора-бора мактабидан келди дегунча фермага югурадиган бўлиб қолди. Зухрани қаттиқ койиб, фермадан бездиришни ҳам; ўз ҳолига ташлаб қўйишни ҳам билмасди она. «Ишқилиб, ўқишидан қолиб кетмаса бўлгани» деб ташвишланарди. Бир куни ферма мудирини: «Сигирлар тагига кириб юрган қиз кимники? Молхонами бу ё бекинма-чоқ, ўйнайдиган жойми?» — деб барала айтди. Ферма мудирини кимнинг қизи эканлигини билмасди, биларди. Фақат пешқадам сут соғувчи Муаззам опани ражжитишни истамасди, холос.

Муаззам опанинг мияси қотди. Зухра бўлса, худди катталардек мулоҳаза юритиб, онасини мот қиларди:

— Ахир сут соғишни ўргансам ёмонми? Ану «Баллада»чи, ойи, жуда чиройлик-а. Оти ҳам ўзига яраша-я...

Бир куни ферма мудирини Зухранинг қўлидан ушлаб, онаси ёнига олиб келди:

— Айтинг, қадам қўймасин. Елинига тегаверса, сигирлар ишдан чиқади, ахир. Тушунасизми?

— Ўзимам бохабарман. Йийндисини соғинти, амакиси, — деди Муаззам опа: ялингансимон, — фақат «Баллада»га қарайди. Бошқаларига тегизмайман.

«Баллада»нинг йийндисини соғиб юрган Зухра бир куни мактабидан қайтаётиб, узоқдан бир боланинг овозини эшитиб қолди. Бола «Зухра бузоқ» деди-ю, эшириллаганича чойхона томонга кетди, кимлигини билолмай қолди. Анча жойгача хаёл суриб борди-да, бирдан хўрлиги келиб йиғлаб юборди қиз. «Кимдан чиқди бу гап? Мен, мен сут соғувчи бўламан, ойимга қарашаман, деб юрсам-да... бузоқ бўлиб сигирларни змаётинг дейишса...» ўйларди. Ўйлаб-ўйлаб йиғларди, дув-дув ёш тўкиларди кўзларидан. Биров кўриб қолмасин деган сари баттар бўларди. Шў алфозда уйига етиб қолганини ҳам сезмади. Эшигига бир неча қадам қолганида, ариқ томонга бурилди, юзларини ювиб, ҳеч нарса бўлмагандай уйига кириб борди.

— Кўзларинг қизарибдими, Зухра? — деб сўради Муаззам опа.

— Йиглаганим йўқ, билмадим нимага қизарган, — деди Зухра.

Боламисан деб шуни айтадилар-да. ʻУзича сир сақлаган бўлди-ю, аслида рўйирост айтиб қўя қолди. Она буни сезса ҳам билмасликка олди, «йиқилгандир, қоқилгандир» деб кўнглидан ўтказди. Вироқ Зухрани йиглаган бу бир оғиз сўз унга тиним бермади. Овқатланиб бўлиб, дарсига ўтирганда ҳам, кеч кириб, ётмоқчи бўлганда ҳам бу сўз қулоқлари татида жаранглагандай бўлаверди. «Бузоқ бўлиб эмиб қўяётипти деса ҳам майли. Фақат бузоқдек лапашанг бўлмасам бўптими. Пионер ҳеч вақт қийинчиликдан қўрқмайди». ʻУринда ётганича шу хаёлларни кўнглидан ўтказётган Зухра, эрталаб барвақт туриб, онасидан олдин фермага бормоқчи, «Баллада»ни ўзи соғмоқчи бўлди.

Аллакимнинг эски халатини кийиб, тенгини ярмигача шимариб олган, этаклари ерни супуриб юрган ҳолда челақни ушлаб «Баллада»га яқинлашаркан, онаси қайта-қайта тайинларди:

— Жон болам, эҳтиёт бўл. Анави баландроқ курсини қўйиб ол.— Муаззам опа шундай деб атроф-теваракка қараб олди. Нарироқда сигир соғаетган қизжувонлар унга имо-ишора билан «қўяверинг, ўргангани яхши», деб тасалли беришди. Муаззам опа ўз сигири ёнига кетди. Қизидан бир хавотирланса, ферма мудири келиб қолишидан яна ташвишга тушарди. Зора у келгунча соғиб ола қолса.

«Баллада» ҳали ёш, аммо жуда келишган сигир эди. Оқ аралаш жигар ранг туси уни бошқа сигирлардан ажратиб турар, кўрган киши яқинроғига бориб томоша қилмаса, юзини силаб, сағринига уриб кўрмаса кўнгли тўлмасди. Зухраҳон унга қанчалик ўрганиб қолган бўлса, «Баллада» ҳам Зухрани кўрди дегунча ўша томондан кўзини узмасди, то ёнига келиб бир силаб қўймаса, алланималар деб эркаламаса тинчимасди. Елинини бемалол қўйиб берар, Зухра ийиндини соғиб оларди. Энди қараса... ўзи соғмоқчи.

Зухра ҳозир ўзини катталардек ҳис қилар, бармоқларини ёглаб, елинга узатмоқчи бўларкан, кенг-қовул халатда сира қовушмади, этагини йиғиб оламан деганида челақ икки тизза орасидан чиқиб кетди. Ювош «Баллада» оёғини силкиб қўйди. Туёғи челақка тегиб, жаранглаб кетди. Фикр-хаёли шу томонда бўлган

Муаззам опа ўрнидан туриб, қизига қаради. Нима бўлганига тушунолмади. Шошиб қолган ва биров қарамадимикин деб олазarak бўлган Зуҳра жон ҳолатда ёғли бармоқлари билан сигирни силади, алланарса деб эркалаган бўлди. Урнашиброқ ўтираркан, ёғли бармоқлариви сигирга, халатига урганини эслади. Этагининг орқасига бурнини артган боладек, сағринда йилтиллаб турган ёғни енги билан артиб, тозалади. Бошқатдан ёғ олиб, елинга қўл узатди, юмшата бошлади. Узоқ силади, бармоқларига куч бериб, соғмоқчи бўлди-ю, нима учундир юраги дов бермади, тўғонни очса ўзи сув тагида қолиб кетадигандай халприқди. Йинди соғиш бошқа экану, росмана соғиш бошқа экан. Шу топда сезганди буни қиз. Бармоқлари елини қандай сиқди, билолмади. Шиддат билан отилган биринчи сиқиб челақка урилганда чўчиб тушди, бармоқлари бўшашди, ён-верига қараб олди. Челақка кўз ташласа бир ҳўнлам ҳам келмайдиган сут ҳамма ёқни юқ қилибди. Челақ чеккаларига нозик доналари қадалгандек бўлиб турибди. Зуҳра севиниб кетди. Бўлмаса-чи. Ахир ўзи орзу қилган мақсадига эришади-ку, севинмайдими. Яхши кўрган сигирини ўзи мустақил соғди. Мана дастлабки...

«Ҳой қиз, нимага ағраясан, бунақада соғолмайсан, сигирни бездирасан, сутини қочириб юборасан-ку...» деяётгандай бўлди кимдир жаҳл билан. У шошиб, елинга ёпишди, бармоқларига зўр берган эди, сигир қаттиқ депсинди, чап оёғи боягидек челақка, ундан Зуҳранинг тиззасига тегди. Болдир суяги қиррали темирга урилиб сингандек бўлди. Зуҳра беихтиёр «дод» деб юборди, кўзларидан ёш чиқди. Сигир ҳам безовталаниб, ёнига сурилди, нима бўлди дегандай кўзларини мўлтиллади Зуҳрага қараб қўйди.

— Нима қилди, ҳой Зуҳра? — деди кимдир.

Зуҳра ағанаб ётган челақни оларкан, тепасига келган онасига қаради, кўзидан чиққан ёшларини артди.

— Тур, нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ўзи-им...

— Қаерингга тепди, қани?

Зуҳра оҳиста ўрнидан турди. Оёғи зирқирарди-ю, онасига сездирмасликка уринарди.

— Мана, оёғимга сал тегиб кетувди-да.

Муаззам опа челака кўз қирини ташлади, нима бўлганига дарров тушунди.

— Шун билгинки, болам, ҳайвонлар ичида зийраги сигир бўлади. Ўзинг ўйлаб кўр-а. Саратонда кўчадан чанқаб келсанг-да, сув ичсанг, шунда бир ҳўп-лашинг билан пиёлани қўлингдан тортиб олсам нима бўлади? Сенам ҳозир шундай қилгансан. Бундан баттар бўлса борки, каммас.

Зухра кўз қири билан сигирга қараркан, у ҳам воқеага тушуниб тургандай хўмрайди. Онасига нима дейшини билмасди Зухра.

— Бор, челаки олиб бориб қўй.

— Нега? Шошманг бир оз, ўзим соғаман.

— Ўзидан сўра, а «Баллада»,— деди кулиб Муаззам опа,— овутасан, бир-икки кун эсидан чиққунча силаб-сийпайсан.

Бояги қувончларидан асар қолмаган, тарвузи қўлтиғидан тушган қиз оҳиста юриб фермадан чиқди. Халатини ечишни эсидан чиқарганди. Бир неча қадам юргач, ерга тегай деб ҳалпиллаб турган этаги алланимага илинди, шундагина устида халат борлигини билганди. Қайтиб келиб ечди. Тез-тез юриб, кўчага чиқди, уйига келиб, ўзини айвондаги кўрпачага ташлади. Ҳўнграб йиғлаб юборди. Шу пайт кечаги боланинг гаплари қайта такрорлангандай бўлди. Бу гал у «ла-лайган бузоқ» деб мазах қиларди.

Зухра шу куни мактабга қандай бориб-келгани, нима дарс ўтилганини ҳам билмайди. Дарди-дунёси шундай қоронғи эдики, кулги ҳам ёқмасди қулоғига. Кимда-ким кулса уни мазах қилиб кулаётганга ўхшарди. Уйга келганида кулиб туриб алланарса сўраган опасини жеркиб берди.

— Ҳа, аламингни мендан олмоқчимисан, осон деб ўйловдингни сигир соғишни... Уҳў...

— Барибир ўрганаман, шундай ўрганиб оламанки, қараб тур,— деди бўш келмай Зухра ва шу пайт оёғи зирқираб, эрталабки қангамани яна эсига туширди.

Муаззам опа қизига бу ҳақда ҳеч нарса демади, уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. У «анча безиди, энди фермага ҳам бормай юрар», деб ўйлаган эди. Эртасига қараса, кетидан кетма-кет етиб келди. Ўралашиб юрарди. «Бузоқ» деб ҳазил қилганларга ҳам парвойи фалак. Онаси «Баллада»дан бошлаган экан, соғиб бўл-

гунча бошқа сигирлар атрофида юрди-да, Муаззам опа туриши билан кела солиб сигирни силай бошлади, ийиндисини соғди. Елинига чўчиброқ қўл узатган эди, сигир қимир этмади. Зухра ўрнидан туриб, тагин силади. Кейин овқатлантирди. Чиройи анча очилиб, хотиржам уйга қайтди.

Зухраҳоннинг «Баллада» билан иноқлашиб олиши осон бўлмади. Икки ҳафтагача ёнига йўлатмади. Ийиндини соғса, ем-хашак бериб турса индамайди-ю, соғинга қолганда тиپирчиларди. «Ўани, ким зўр чиқаркин?» дерди ўзича Зухра. Ниҳоят, ўн еттинчи кун эрталаб биринчи марта ўзи соғди. Қимир этмади «Баллада». Зухраҳон шу кун шундай хурсанд эдики, назарида фермадан чиқётган бидон-бидон сутнинг ҳаммасини ўзи соққандай. Муаззам опа қизи ўзидан кўра чала соғиб олганини сезса ҳамки, индамади, руҳини тушургиси келмади. Кейин бафуржа тушунтирмоқчи бўлди. Сутни бидонга қуякан, синчиқлаб разм солди: бир товоқдан мўл — кам соққан эди. Шу кундан бошлаб «Баллада» Зухрага ўтди. Аввалига ферма мудиридан яширинча соғиб юрган қиз энди онасига соғадиган бўлди. Бир-икки марта дарсига ҳам келиб борди. Муаззам опа буни сезиб қолиб, қизини боғиб берди. Зухра мактабда эсанлигида ўзи қолган вақтларда қизи соғадиган бўлди «Баллада»ни:

### III

Иссик жон-да, бир нарса деб бўлмайди. Кеча кеч қурун бинойидек юрган Муаззам опа тун ярмидан оққанда оёқлари зирқираб оғриб, уйғониб кетди. Шу алфозда анчагача ухлолмай ётди. Эрталаб турса, оғриқлари бошилибди-ю, фақат суяклари қизиб турарди. Томоғи қақраб сув ҳам ичди.

— Ойи, тобингиз қочиб турибдими? — деб сўраб қолди катта қизи онасининг ранги ўчиб турганини кўриб.

— Қайдам. Сал бўшашганга ўхшайман.

— Бормай қўя қолинг, ойи, мен хабар қилиб келаман.

— Нима! Ўйлаб гапирдингми, сигир соғини нималигини биласан-ку. Бир кун бегона қилсанг, сутдан қолдирасан сигирни...

— Ахир, касалсиз-ку, рангингизга қаранг.

— Вой, рост, ойи,— деди Зуҳра қўрққанидан кўзларини катта очиб.

— Ваҳима қилманглар. Ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди-да, кўчага чиқиб кетди Муаззам опа.

— Чарчаганлар. Нима қиламиз?— деди ташвишлианиб опаси.

— Ҳозир мен фермага бориб, «Баллада»ни соғаман, ойимдан хабар оламан. Дуруст бўлсалар мактабга кетавераман.

— Бўлмаса-чи?

— Бўлмаса, сўраб келаман.

— Уқишинг...

— Ойим йиқилиб қолсалар ҳам... Пионер деган...

— Бўлди, бўлди.

— Сиз хотиржам кетаверинг,— деди Зуҳра опасини ишонтириб.

Муаззам опа эрталабки соғиш билан ем-хашак беришни бир амаллаб эплаштирди-ю, бориб дам олди. Зуҳра ҳам онасидан хотиржам бўлиб, мактабига жўнади. Бораркан, барибир кўнгли ғаш эди, мактабдан тўғри фермага келишни мўлжал қилиб қўйди.

Муаззам опа кундузгисига қолганда дармони кетди. Шунча уринди. Битта сигирни соғиб, иккинчисига ўтганида кўзи тинганга, дармони қуриётганга ўхшайверди, тиззалари орасидаги челақ ҳам оғирлик қилди, бармоқлари елиндек бўшашди. Шунга қарамай соғар, бармоқларига зўр берарди.

Ҳар гал тўғри «Баллада»си ёнига ўтиб кетадиган Зуҳра бу гал онасининг тепасига борди.

— Ойи?!— деди ва унинг ранги қув ўчганини кўриб қўрқиб кетди Зуҳра. Боя, уйдаёқ онасини қайтармаганига ачинди,— туринг, менга беринг,— деди жон ҳолатда челақка қўл узатиб.

Муаззам опа ўзини тетик тутишга уришиб, бармоқларига зўр берди, сут боягидан кўра кучлироқ сизғий бошлади.

— Нима дединг?

— Аҳволингизни қаранг, туринг!

— Ҳўп. Сабр қил бўлмаса, чала қолмасин.

Чала соғиш нималигини яхши билиб олган Зуҳра онасининг гапини қайтармади, соғиб бўлгунча кутди. Охирги сизилган сут челақкамас, халатига сачради.

**Зухра эпчиллик билан онасининг қўлидан челақни олди.**

— Иситмангиз йўқми, ойи?— Зухра шундай деб онасининг пешанасига кафтини қўйди,— йўқ, муздак-ку. Қаерингиз оғриётипти?

— Оғриқ йўқ, бўшашиб кетяпман.

— Юринг,— Зухра бир қўлида сутли челақ, бир қўлини онасининг қўлтиғидан ўтказиб олди.

— Қаёққа?

— Уйга. Қаёққа бўларди.

— Соғишни...

— Ўзим соғаман.

— Вой она қизимдан айланай... Эпложмассан, болам.

— Эпложмаса ўзимиз қарашамиз, хотиржам бўлинг, Муаззам опа,— деди сутини бидонга қуяётган ёш жувон.

— Хўп, қизим. Мана шу ерда бир оз дам олай,— деди Муаззам опа молхона эшиги ёнидаги хонани кўрсатиб,— сен бориб, «Баллада» нгни соға тур-чи, бор, вақт ўтмасин.

— Бошқаларини ҳам эплайман, ойижон, боринг, уйга бориб дам ола туринг.

— Хўп, қизим, бирпас шу ерда...

Зухра онасининг зўри билан челақни олиб, сигирлар ёнига кетди. Муаззам опа ҳозир ҳеч нарсага ҳоли келмаса ҳам молхонадан чиққиси, қизини ёлғизлатгиси келмади. «Радуга» ўлгур қийнаб қўяди қизимни... Қайси сигирга қанчадан ем беришни билармикин!.. Анави бузоқдан хабар олиш керак...» Муаззам онанинг кўнглини тинчитмаётган бу ташвишлар шу топдагина, мадори келмай қолгандагина эмас, ҳамма вақт, ош устида ҳам, юрган-турганида ҳам, тўй-томошада ҳам унга тиним бермасди. Баъзилар уни койиб: «Ўзингиз ҳам ўлгудек серташвишсиз, ферма — ферма, уй — уй-да, мунча энди кеча-ю кундуз фикри-ёдингиз ферма, сигирлар бўлмаса... Дунёга икки марта келасизми-е...» дея дакки беришса, Муаззам онанинг астойдил жаҳли чиқарди, ўша одам кўзига ёмон кўринарди. «Рост айтасиз, — дерди у, — агар ўзимнинг сигирим бўлганида бунчалик қарамасдим. Негаки, сути камайса бир ўзимга зарар, оғриб-етиб қолса бир ўзим тортаман жаримасини. Аввало,



кўпнинг молига бефарқ қаролмайман. Ўз номи билан жамоат чорвачилиги деб қўйибди-я. Кўпнинг кафилини олган одам ўзим бўламан деса, номига ишладим, деб фермага бориб-келаверса яхши бўладими, инсофданмас шундай қилиш. Ферма бойиса кимга фойда-ю, путури кетса кимга зарар. Униси ҳам, буниси ҳам, ўзимизга... Шундай бўлгач, ҳалол меҳнат қилиш керак. Ташвиш дейсиз. Ферманинг ташвиши хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳамма вақт мени бардам, сергак тутуди. Шу ташвиш бўлмаса бамисоли бўш қопдай тик туролмайман, севган касбинг, меҳнатинг — роҳат дейишгани бу эканми, деб қўяман ўзимча».

Зухра «Баллада»ни аллақачон соғиб бўлди, яна икки сигирни соғди ҳамки, Муаззам опа ўз дарди, ташвиши билан хаёл дарёсига ғарқ бўлди. Зухра тўртинчи сигир ёнига боришдан аввал онасидан хабар олди.

— Ойи, тузукмисиз, вой, ухладингизми?

— Йўқ. Хаёл ўлгур аллақаёқларга олиб кетаёпти... Ҳой Зухра, анави «Радуга»ни қўй, уни ўзим соғай амаллаб. Тагин тепиб-нетиб ўтирмасин.

— Сиз яхшиси уйга боринг. Эплайман дедим эплайман. Қани, туринг ўрнингиздан.

Зухра онасини ҳовлигача кузатиб, жўнатди-ю, шошиб ичкарига кирди. Аввалига, ўзига ўргатиш учун «Радуга»нинг чап ёнидаги сигирни соғди, кейин ўнг ёнидагисига ўтди. Унисида ҳам, бунисида ҳам кўз қири билан «Радуга»ни кузатди. У гоҳ ялингансимон мўлтилларди, гоҳ хўмрайиб қараб қўярди. «Алам қилсин,— дерди Зухра ичида болаларга хос завқ билан,— алам қилса бурнингни тишла, ҳа, ялинсанг соғаман, билиб қўй!» Шундай дерди-ю, ёшлигига бориб, шу топдаёқ қўрқув босарди: «Қарашлари ўлгур бирам хунуг-эй... Ўзимга ром қиламан де-еб, роса, жаҳлини чиқараётган бўлсам-а».

Молхонадаги сигирлар орасида «Радуга» энг одамовиси эди. Бегонани ёнига йўлатмаси, соғдиргани қўймасди. Муаззам онадан бошқасини тан олмасди. Зухра юраги така-пука бўлиб унга яқинлашди. Жўрттага челагини баланд кўтариб, қош-қовоғини силади, қулоғи орқасини қашиди. Сигир индамай кўз сузди, Зухра курсичасини қўйиб ўтираркан, бир хўмрайиб, жойидан қўзғалиб, ўрнашиброқ туриб олди. Бошдаки

бир қимирлаб, ўрнашиб туриб олдим, бўлди, «мен тайёр» дегани шу бўлади сигирнинг.

Зуҳра елинни юмшатаркан, ёш ҳаётида биринчи марта ўзинча сигирни ийдирмоқ мақсадида қилган бояги тажрибаси десакмикан, ё усталигими, ҳар қалай аввал ёнидагиларни соға бошлагани яхши натижа берганини сезди. Елин шундоққина тўлиб, варр этиб тўкиладигандай бўлиб турибди. Қайтанга бошқа сигирларга қараганда буни жуда тез соғди. Тутатиб ўрнидан турса, орқа томонда онаси келиб турибди.

— Вой, ойи...— деб юборди севинганидан Зуҳра.

— Барака топ, қизим. Шуники ўзингга ром қилиб олсанми, бўпти, анча пишиб қолибсан.

— Нега тагин келдингиз? Рангингизни қаранг.

— Уйга борганим йўқ. Мана шундан кўнглим тинчимади-да.

— Вой, ҳали...

— Ҳа, боятдан бери тепангда эдим. Мана энди кетсам бўлади. Ем-хашак нормасини биласанми?

— Ҳаммасини биламан. Қайсинисига қанчалигини ёзиб юрибман-ку.

— Балли, она қизим, мен кетдим...

Зуҳра сигирларни соғиб бўлиб, оқ халатини ечди, одми сатин коржомасини кийиб, ем-хашак беришга киришиб кетди. Ёни-веридагилар сигирларнинг тагини тозалаб ҳам бўлишдики, Зуҳра ҳамон ўралашиб юрарди. Ҳаммадан кейин тамомлади у. Кийимларини ечиб, вариллаб оқаётган крандан ювинаркан, боядан бери қизнинг чаққонлиги, тиришқоқлигига ҳаваси келиб турган молбоқар Эргаш ака унинг ёнига келди.

— Ҳорма, қизим,— деди у.

Зуҳра Эргаш акага қараб, бир хил бўлиб кетди. «Эргаш ака менинг кеч тамомлаганимни мазах қил-япти» деб ўйларди у.

— Ўрганиб оларман, Эргаш ака, биринчи марта...— деди Зуҳра.

— Ўрганиш дейсанми, оббо қизим-е, ҳали ҳаммасидан ўтказиб юборасан, шу ҳаракатинг бўлса, ҳа, ишонавер. Балли, Муаззамнинг ёнига кириб қолибсан.

— Ростми! Эплай оламанми?

— Бемалол эплайсан.

— Бўлмасам нега сут соғувчиликка олишмайди?

— Ким олмайман деди, ийе, сани олмаса, кимни олади.

— Аввалига ойм йўқ дейдилар. Ферма мудирiku...

— Ойм! Ҳа-ҳа, онанг йўқ демайди. Ўз касбини севган она ҳам, ота ҳам фарзандига бу гапни айтмайди. Фақат...

— Нима, фақат?

— Ҳалиги... ёшсан, қизим, ўқининг бор бу ёқда. Ферма мудир ҳам шу томонларини ўйласа керак-да.

— Еттинчини битираману, ёш бўламанми.

— Ийе, ҳали шундоқ дегин. Катта қиз бўлиб қолибсан-ку. Шошилма, соғасан, ҳаммасини эплайдиган бўласан. Онанг ҳам тушунади-ю, қизим уриниб қолмасин дейди-да. Ҳамма гап ўша жон-жаҳднинг билан ёпишишингда. Шундай қилган одам ҳар қанақа сигирни ҳам ўзига ром қилиб олади. Ҳа, буниси аниқ. Ўзим молбоқар бўлсам ҳам сал-пал ақлим етади, қизим... Бўпти, умрингдан барака топ. Олавер, қўрма. Боқиб-да мана мен бор бу ёқда...

Эргаш ака нариги молхона томон юраркан, хурсанд бўлган Зухра унинг орқасидан қараб қолди. Эргаш ака унинг қўлига «шу кундан эътиборан сен сут соғувчисан» деган аттестат бериб қўйгандай бўлди.

Артиниб кийинаркан, ўзича илжайди, хурсандчилиги ичига сиғмасди. Ташқарига чиқа туриб, яна қайтди. Молхонанинг нариги эшитидан чиқиб кетмоқчи, сигирлардан хабар олиб ўтмоқчи бўлди. Охурлар ёнидан бора туриб «Радуга», «Сурмахон», «Валлада»нинг юзларини бир-бир силаб ўтди.

Катта кўчани кесиб, экинзорга тушди. Бора-боргунча дуррачасини ўйнаб, шамолда учириб борди. Йўқ. Дуррачамас, ўзи учиб борди. Эшикдан кира солиб, ойилаб бақирди, айвонда ўтирган онастни маҳкам қучоқлаб олди.

— Тузукмисиз, ойи, ҳаммасини айтганингиздек қилдим.

Муаззам опа қанча сут соғилганини сўраб билмоқчи бўлди-ю, тагин кундагидан камроқ соққан бўлса, қизини ранжитишни истамади.

— Баракалла, она қизим.

— Энди ўзим соғавераман-а.

— Ҳа, соғмагин дейманми, болам. Мана мен ҳам

дуруст бўлиб қолдим. Қўрқувдим. Сал чарчаган эканман.

— Беш-олти кун чиқмайсиз, ойи, дам олинг.

— Вой-вой, сигирларга ким қарайди!

— Мен-чи, айтдим-ку.

— Уқишинг нима бўлади?

— Каникулга оз қолди. Ундан кейин бутунлай фермага ўтаман.

Муаззам опа шу пайтгача қизидаги завқ-шавқни, меҳнатга бўлган интилишни ёшлик ғурури, шўхлик деб юраркан. Ҳозир ёнида «бузоқ» деганда йиғлаб юрган Зухра эмас, кап-катта қизи ўтирарди. Унинг маъноли қарашларида «хотиржам бўлинг, ойижон, юзингизни ерга қаратмайман» демоқчи бўлиб турганини сезди она.

— Майли, қизим, фақат бир нарсани ўйлайман-да.

— Нимани?

— Оғзига кучи етмаганлар гап қилишади. Еткисиз-волмабди, ёш қизини ўқишдан қолдириб, фермага ишга юборибди дейишади.

— Дейишса деяверишсин. Барибир ўшанда ҳам ўқийман, зоотехниклар мактабига кираман.

Бугун ферманинг ўзида тарқалган гап, эртасига бутун колхозга ёйилади: «Муаззамнинг қизи онаси билан баробар сут соғаётганмиш, бўладиган бузоқнинг бошидан маълум деб шуни айтадилар-да».

Сал ўтмай кичкина қизнинг довуғи катта бўлиб кетди. Авваллари «бу болакайнинг қўлидан нима иш келарди» дея назар-писанд қилмай юрган ферма мудири ҳам жон-жон деб сигирлар ажратиб берди. Еттинчи синфни тамомлаб, фермага ўтган Зухра бирамас ўн учта сигир қабул қилиб олди. «Саккиз-ўнтасини эп-лолсаям, ҳой Муаззамхон, тушунтиринг қизингизга, ўзига жабр қилмасин» деганларга нима жавоб қилишини билмасди она. Бир неча бор гапирди. «Майли, нарироқ бориб аста-аста сонини кўпайтиргин, оппоқ қизим»,— дея ялинди, бўлмади. Шундан кейин она боласидан аразлаган бўлди. Барибир онанинг аразлагани қаёққа борарди. Эртаси куниеқ сигирларга ем берилаётганда Зухранинг сигирларига ҳам қарашди. Охурларга силос солаётган онасини узоқдан кўрган Зухра беихтиёр кулиб юборди. Ёнига келиб болалардек эркаланди, онасини қучди.

Сигир деган шундай бир жониворки, силаганинг сари сийлайверади. Зухра фермага қадам қўйган куниданоқ шунисига кўпроқ зеҳн соларди. «Баллада»га қараш, уни силаб-сийпаб, эркалаб-қашиб, вақти келганда шапатилаб кўриб, шуни билиб олдики, сигир ҳам ўз қадрини биларкан, шунга қараб сут бераркан. Ўн уч сигирдан учтаси анча вақтгача қийнади уни. Ўзига ром қилиб олиши қийин бўлди. Шу туфайли бу сигирларнинг берган сути кунига саккиз-ўн литрдан ошмасди. Йил охирига боргандагина бошқа сигирлар қатори сут берадиган бўлди.

Зухранинг ҳаёт қучоғига, мустақил меҳнат бағрига отилган биринчи йили — баракали йил бўлди. Ёш сут соғувчи шу йилнинг ўзидаёқ ўзини кўрсатди, ҳар бир сигирдан уч минг уч юз литрдан сут соғиб олди. Бу— колхоздагина эмас, райондаги бориб турган сут соғувчиларнинг йиллик якунига тенг келарди. Хушхабар ҳамма вақт тез тарқалади. Бу сафар хушхабар ёнига янги гап қўшилди: «Муаззамнинг қизи ҳашпаш демай онасидан ўзиб кетди...» — бу гап айланиб бориб, Муаззам она қулоғига ҳам етди. Она севиниб, кўз ёши қилди, кечқурун қизига шундай деди:

— Барака топ, она касбини маҳкам ушлаган фарзанд кам бўлмайди. Аммо ҳовлиқиб кетма, атрофингга қара. Агар Эргаш аканг молларга дуруст қарама-са, ем-хашак вақтида етказиб берилмаса, сут қабул қиладиганлар эпчил бўлмаса, ёни-верингдаги опаларинг ўргатмаса бир ўзингнинг қўлингдан нима келади? Ана шуни унутма. Кўпни унутсанг, ўзинг унут бўлишинг жуда осон. Кўндан ажралма, қизим.

• — Хўп, ойижон. Көмсөмөл ҳам худди шуни ўргатади.

#### IV

Баҳор. Зухра фермада ишлай бошлаганининг иккинчи баҳори. Борлиқ баҳор либосини кийган. Кўркам кунларнинг бирида, тонг пайтида одатдагидек фермада Зухраҳон кўринмади. Яқиндагина бузоқларни боқишга кўчган Муаззам она ҳеч кимдан сўраб ўтирмай, Зухрага қарашли сигирларни ўзи соға бошлади. «Қизингиз қани? деган сўроққа нима жавоб қайтариш ташвиши кечадан бери унга тиним бермасди. Эрталаб

ферма дарвозасига қадам қўйгунча ҳам бирон жавоб ўйлаб тополмади, юраги сиқилиб кетди. Ҳар куни кун ёйилганда келадиган бригадир Сиддиқхўжа ака бугун нима ваздандир вақтли келиб қолди ва сут соғаетган Муаззам опани кўриб, Зухрани сўради. Шошилиб қолган Муаззам опа «сал тоби қочиб қолди» деб юборди. Деди-ю, ёлгон гапирганидан аъзойи бадани титраб кетди. Охурлар ёнидан ўтиб бораётган бригадирнинг орқасидан қараб қолди. «Нега ёлгон гапирдинг, Муаззам, ким мажбур қилди сени?» Кимдир унга шу саволни берди-ю, у ана шу алфозда, бригадирни кўрсатиб: «Ана у мажбур қилди» деб жавоб қилгандай бўлди. Уйда қизига пўписи қилиб, уни қанча койиган бўлмасин, ич-ичидан унга ачинарди. «Рост-да. Кичкина болами Зухра, уни алдайди, ҳаммадан кўп сут соғаетган бўлса...»

Худди шу пайтда, қуёш нури дарахт-учларига қўнганда Зухра уйидан чиқиб, катта кўча томон юрди. Таниш ва қадрдон дарвозага кўзи тушаркан, узунасига кетган молхона, қатор сигирлар кўз олдига келди. Сарғимтир рангли темир бочкасига тарашадек-тарашадек ҳарфлар билан «сут» деб ёзилган автомашина дарвозадан чиқиб, асфальтга тушаркан, Зухра унга тикилиб қолди, кўздан ғойиб бўлгандагина автобус тўхтайдиган жойга қараб кетди.

Ойни этак билан яшириб бўлармиди. Муаззам опа аввалига «қизим шахтидан тушар» деб ҳеч кимга айтмай юрди. Қараса бўлмайдиган. Бригадир ҳам айтганим айтган деб, қаттиқ туриб олди. Зухра ҳам фермага қадам қўймади. Сигирларини ноилож Муаззам опанинг ўзи соғиб юрди. Орадан уч-тўрт кун ўтмаёқ, Зухра райондаги ҳунармандчилик артелига кириб ишлай бошлади.

Воқеа бундай бўлган эди: ферма бригадири Сиддиқхўжа ака Зухра соғиб юрган сигирлардан учта сарасини танлаб олиб, бошқа кишига берди. Зухра: «Бу нима қилганингиз?» деганида, «Менга ўргатма, бригадирманми, ўзим биламан», деб жавоб қайтарди.

Шу йили ҳар бир сигирдан уч ярим минг литрдан сут соғиб олишга сўз берган Зухра энг ишонган, ўргатиб олган серсут сигирларидан айрилиб, ваъдасининг устидан чиқолмай, эл-юрт олдида юзи шувут бўлгандай ҳис қилди ўзини. Кўп гапирди, ялиниб кўрди,

бўлмади, бригадирга бас келолмади. Ўрнига бошқа сигирларни олиб соғиш деган гап, гунажинни тарбиялаб олишдек гап эди. Зухра жаҳл билан фермадан чиқиб кетганича, қайтиб келмади, артелга жойлашиб олди.

Зухранинг фермадан кетиб қолгани яхшигина шовшувга сабаб ўлди. Фермада ҳам, правлениеда ҳам сут соғувчиларга шароит турдириш ўрнига, уларга ана шундай муносабатда бўлаётган бригада бошлиғи устида гап борарди. Кўпчилик бу масалани правлениеда кўриш лозимлигини айтарди.

Зухра-чи, Зухра. Тиниб-тинчиди-ю, бемалол ишлаб юргандир дейсизми. Агар сут соғувчилик жонига текканда, шу касбга кўнгилсиз бўлганида шундай деб ўйлаш тўғри ва ўринли бўларди. Афсуски, мана артелга борганига икки ҳафтадан ошган бўлса, ферма ҳам «Баллада», «Радуга», «Сурмахон»лари кўз олдидан нари кетмайди. Ҳар кун билмаган киши бўлиб онасидан сўраб олади. Ипидан игнасигача сўрайди: қайси сигир қанчадан сут бераётити-ю, қайси бирининг иштаҳаси қанақа...

Жаҳл чиқди, ақл кетди, дейдилар. Жаҳл устида фермани ташлаб чиқиб кетган Зухра ана шу алфозда юрган кезларда ҳунармандчилик артелида Ғафуржон акани кўрди. Бригадир Сиддиқжўма ишдан олтииб, кеча ўрнига Ғафур Тошмуҳамедов тайинланганини эшитган эди Зухра. Ҳозир кўриб ҳайрон қолди.

— Келинг, Ғафуржон ака.

— Келдим, қизим, қалай, ишларинг дурустми?

— Яхши, — деди секингина Зухра. Аслида у: «Нимага келдингиз?» деб сўрамоқчи эди-ю, ботинолмади.

— Фермани, сигирларни соғинмадингми?

— ...

— Сени мен бунчалик енгилсан деб ўйламасдим. Эшитиб, ўзимда йўқ қувониб крардим. Бирдан қарабсанки... қочиб олибди...

— Қочиб? Ғафуржон ака...

— Ҳа, қочоқ дейдилар бунақаларни. Тагин комсомол аъзосимиш. Баракалла-е.

Зухра ер чизарди, нима дейишини билмасди.

— Оғирлик қилдим, бардош беролмадингми?

— Йўқ. Ахир тушунсангиз-чи, наҳот...

— Нимани тушунай? Фермани, у ердагиларни менсимаганингни тушунайми?

— Ғафуржон ака, сиз билмайсиз. Бу йил мен уч ярим минг литрдан сут соғиб бераман дегандим. Комсомол ўртоқларим олдида, колхозчилар олдида шундай ваъда қилганман... Энг ишонган сигирларимдан учтасини олиб қўйдилар...

— Биладан. Яхши бўлмаган... Хўш, энди нима қилмоқчисан. Фермани бутунлай ташлаш ниятидаман, бузоқбой.

Нега кулдинг, Зухра, эсингга тушдим, бузоқ деб мазах қилишгани. Ўшанда жаҳлинг ҳам чиққаниди, йиғлагандинг, охири шунга ҳам рози бўлгандингки, «Фақат ҳеч нарсани эпполмайдиган лапашанг бузоқ дейишмаса бўлгани» дердинг. Шундай деб жон-жаҳдинг билан ишга киришардинг. Нега энди...

— Йўқ, фермани ташламайман, сираям...

— Ана энди ўзингга келдинг, қизим. Ўзим ҳам шундай дерсан деган умид билан келувдим... Хўш, қани, бошлиқми ё раисларинг қаерда, кимга учрашай.

Зухра Ғафур акага артель раисининг кабинетини кўрсатди-да, ўзи ичкари кириб кетди.

Шу куни кечқурун янги бригадир Зухрани олиб келибди деган гап аввал фермага, кейин колхозга тарқалди. Эртаси тонг яна ўз маъшуқасини бағрига олди. Зухраҳон қушдек енгил тортиб, фермага келди, дугоналари қаторидан ўз ўрнини эгаллади.

Дугоналар! Бу сўзни Зухра жуда ихлос билан, алоҳида маъно бериб такрорлайди. Авваллари ёш бўлганиданми, ҳар қалай бунинг маъносини унча чақиб кўрмасди. Шунчаики ўртоқлар-да, деб юрарди. Меҳнат, ҳаёт тажрибаси гарчанд ҳали озгина бўлса ҳамки, дўстлар, коллектив нималигини билиб олди у. Ҳар гал шу тўғрида ўйларкан, ўша, фермани ташлаб, артелга кетиб қолганига ҳам асосий сабаб мана шу — дўстлар, кўпчиликнинг қадрига етмаганлиги деб биларди, ўзини-ўзи койирди.

Ҳар сигирдан уч ярим минг литрдан ваъда берган йили ўз сўзининг устидан чиқди-ю, нима ваздандир ўз ишидан ўзи қаноат ҳосил қилмади. Назарида шу иши билан ҳам кўпдан четда тургандай, «ўзим бўлдимми, бас-да, ўзга билан нима ишим бор», деяётган-



дай бўлаверди. На завқ бору, на шавқ. Сут соғади, кўп соғади, якун ясалганда одамлар мақтайди, дурустгина даромад олади — шу. «Бундан нима фойда. Бир менинг кўп соққанам қаёққа боради? Ундай деса, ойим ҳам шунақа эдилар-да. Кўп сут соғардилар, молларини яхши парваришлардилар. Кўпчилик мақтарди. Ҳамма вақт шундай, бир хилда эди. Ҳозир-чи? Ҳозир ойимнинг ўрнини мен босдим, холос. Нима қилсамикин?»

— Мунча хаёл суриб қолдинг, Зуҳра? — деди қўлида бузоқнинг сўрғичини ўйнаб келаётган Муясар, — дунёнинг ташвишини қиляпсанми?

— Ҳа, ташвишини қилсам арзимабманми? Дунё сен билан мендақалардан иборат-да.

— Катта кетиб юбормадингми, Зуҳра. Дунё-я. Ҳазилакам гапми. Битта Зуҳранинг ташвишлангани сезилармикин оламга.

— Валентина Гаганованинг ташвишлангани сезилаетиптими?

— Э, ҳа, буни айтяпсанми... Мен бирон китоб ўқибсану, ўшандан гапирмоқчисан деб турибман. Рост, Валентина ажойиб қиз экан. Қара. Кечагина ҳеч ким танимаган оддий бир қиз бугун тилдан тилга ўтиб, бутун мамлакатга номи ёйилди-кетди-я.

— Дунёнинг ташвишини қилган деб шуни айтдиларми, ахир?

— Тўғрику-я. Дунёнимас-да. Ўз Ватанимизнинг...

— Ватанимиз, халқимиз дунёда тинчлик, осойишталик, эркинлик бўлсин деб курашаётиптими, ахир?..

— Бунақасига айлангирсанг, шундайку-я... Аммо Валентинага роса ҳавасим келаётипти-да.

— Кимнинг ҳаваси келмайди дейсан. Ўзи ҳеч шунақа бўлишини ўйламагандир-а, Муяс?

— Нега?! Билган. Ҳамма ёққа маълум бўлишини билиб шунақа қилган.

— Ҳеч-да.

— Бўлмаса қолоқ участкани олармиди?

— Бутун гап шундаки, ўзи билиб ўтган участкага, биласанми. Виждони қабул қилмаган. Қараса, ёни-веригаги ўзи тенгиларнинг баъзилари ундан ёмон ишлашаётипти. Бундан катта зарар келаётипти. Агар ҳамма бригадалар яхши ишласа, бутун корхона яхши

иншлайди. Шунин билгану, жон куйдирган... Биз бўлсак.

— Нима бўпти бизга?.. Ҳаммадан кўп соғаётибсиз-ку, тагин нима дейсиз? Сизга етар одам борми?

— Вуй, ўртоқжон-э, дарров бошқа томонга бура-сан-а... Ростимни айтсам, мана шу битта ўзим кўп соғаётганимдан ўзим хафаман.

— Вой, нега энди?— уни мазах қилиб, хохолаб кулади Муяссар.

— Айтса шунақа куласан, — деб аразлаган бўлди Зухра, — қўй, гапирмайман.

— Гапир, энди нега хафасан, ё тагин артелга қочмоқчимисан?

— Ҳа, қочмоқчиман, — деди-да, текари бурилиб кетаварди Зухра.

— Ҳой Зухра, менга қара: Ўзи нима гап? Ҳазиллашиб ҳам бўлмайди-я, тавба.

— Мен сенга дилимдагини айтаман десам, сен нуқул...

— Қани, айт, нима ўзи?

— Мени-ку, кўп оут соғади дейишди. Мана, ўртоқжон, ўзингни ол. Сен мендан кам соғасанми?

— Ҳозир кам.

— Тўғри айтдинг. Аммо соға олсан-а, ростми? Муяссар ўйланиб қолди.

— Ҳаракат қилсам соғарман, — деди камсуқумлик қилиб.

— Ҳаракат қилсанг, ошириб ҳам юборасан. Негаки, сизга соғишни яхши кўрасан. Сенгаям, менгаям она касб-ку бу.

— Нима бало, мусобақалашайлик демоқчимисан?

— Майли. Аммо иккаламиз мусобақалашсагу, бошқалар четда қолаверса бундан на фойда. Дилбар, Турсун, Маҳмуда, Зухралар ёмон соғишмайди. Улар ҳам кўп соғиши мумкинми?

— Бўлмаса-чи. Яхши ўйлабсан, Зухра. Агар астойдил ёпишсак борми, ҳаммамиз ҳам сендан қолишмай соға оладиган бўламиз.

— Кўнглимдагини тодинг, ўртоқжон, менам худди шунини ўйлаётган эдим, — дея Муяссарни қучоқлаб олди Зухра.

Боя ҳеч нарсага тушунолмай турган Муяссар энди бутунлай шу хаёл билан банд эди, қизиқиб кетганди.

— Биласанми, — деди Зухра унга маъноли боқиб, — ҳув анув куни Туроб амаким мени чақириб олдилар-да, сут сораётганимдан, фермадан гаплашиб ўтирдилар. Аввалига нима демоқчи эканларига тушу-нолмадим. Гапларининг охирида шундай дедилар:

— «Сутни оширмасак бўлмайди. Нима қилсак экан, қизим?»

— Сен нима дединг?

— Вой, қизиқсан-а. Нима дея олардим. Уялиб, индамай туравердим. Нима қилишликни шу топда бир ўзим қаёқдан билардим, дарров жавоб қила қо-лардим.

— Туроб акам нима дедилар?

— Майли, анча-мунчага ақлинг етади сенинг ҳам, ахир Муаззамнинг қизисан-ку, сен ҳам бир ўйлаб кўр-чи, — дедилар. Мен «хўп» деб қолавердим. Ушандан бери ўйлайман шунини. Тушларимгаям кириб чиқди. Кимдан маслаҳат сўрашимни билмайман, худ-ди боя сен гапирганингдай бутун колхозда сутни кў-пайтириш битта менга боғлиғу, раис шунини тезроқ қилларинг деб кутиб тургандай... Қани, сенга масла-ҳат солай-чи дегандим... Мана, худди ўзим ўйлаганни топдинг. Яна, ўртоқжон.

— Биласанми нима қиламиз. Мажлис чақира-миз, — деди ҳовлиқиб Муяссар.

Зухра кулиб юборди.

— Ўзимиз-а? — яна кулди у, — нима деб мажлис чақирамиз?

— Комсомоллар мажлиси деймиз, нима?

— Одиҳўжа акамларга айтиб кўрайлик, нима деркинлар.

— Хўп дейдилар, жон дейдилар. Ферма мудирини бўлади-ю, сут кўп соғилса ёқмайдими?

— Бўлмаса, — деди ўйчан Зухра, — яхшиси по-дадан олдин чанг кўтармайлиғу, қизлар билан гапла-шиб олайлик. Нима дейсан?

— Бу гапинг ҳам тўғри. Шу бугуноқ, ҳали кеч-қуруноқ гаплашамиз.

Иккови ҳам жим қолишди. Муяссар қўлидаги барғини ўйнардан, бир нарса эсига тушгандек, ҳовли-қиб гапирди:

— Ҳазил-ҳузул билан коммунистик меҳнат брига-даси бўлиб кетсаг-а, Зухра.

- Э-ҳа, осонми бу номни олиш.
- Оламиз, қараб тур.
- Кошқийди. Осонмас-да, ўртоқжон. Тагин шунақа деб юрма. Кулги бўлиб қолмайлик.

Улар сут соғувчи қизлар билан шу ҳақда гаплашиб оладиган бўлиб тарқалишди.

Зухра бир неча вақтдан бери ўйлаб юрган орзусини ўртоғига айтганидан, у жон-дили билан маъқуллаганидан ниҳоятда хурсанд эди-ю, аммо дугонасининг юрагига ҳам ўзидаги сингари ўт солиб қўйганини билмасди.

Иўқ. Билди. Кейинчалик билди. Дугоналари тўп-ланишиб, қизгин суҳбат қилишганда, ҳар бири кўпни ўйлаб, кўпчилик бир киши ҳақида қайғуриб гапирганда билди. Билса, энди Муяссарнинг юрагига тушган ўт дугоналарига ҳам ўтибди. Мана ҳозир у аланга оляпти.

— Кимдан каммиз, — дерди Муяссар ўртоқларига қараб, — коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олиш учун ҳаракат қиламиз.

— Коммунистик меҳнат бригадаси деб катта кетмайлик, ўртоқжонлар. Аввал битта-иккитамиз коммунистик меҳнат зарбдори бўлайлик-чи, — деди қизлардан бири.

— Зарбдор дейсанми, — деб кулди Муяссар, — битта-иккита киши зарбдор бўлгани билан бутун фермада иш яхшиланармиди. Бунақа зарбдор десақ, ҳозирам топилади. Мана, Зухра.

— Тўғри, зарбдор деса бўлади.

— Муяс-чи, Муясам қолишмайди.

— Гап шу. Бригадамизнинг коммунистик меҳнат бригадаси бўлиши учун курашамиз.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Фозилжон Зиёмуҳамедов қизларнинг бу баҳсидан хабардор эди-ю, жўрттага билмасликка олди. «Ўзлари ташаббус кўрсатишяпти, майли, қўйиб бериш керак», деб кўнглидан ўтказди-да, кейин, ўзича бу ташаббусни колхоздаги бошқа бригадаларга кенг ёйишни мўлжаллаб қўйди.

Фозилжон шу хаёллар билан фермадан чиқаркан, орқа томондан чақирган овоз эшитди.

— Фозилжон ака, — унга томон тез юриб Зухра келарди, — биласизми?..

— Биламан, — деди унинг сўзини бўлиб Фозилжон, — жуда яхши ўйлабсизлар, синглим. Партия-мизнинг бўлажак съездига энг муносиб совға бўлади. Партия ташкилоти номидан сизларнинг бу ташаббусларингни табриклайман. Энди комсомолларнинг йиғилишини ўтказинглар, мен комсомол ташкилотининг секретарига айтаман, хўпми?

— Майли, Фозилжон ака, — Зухра шундай деди-ю, дарвозага етмаёқ тўхтади.

— Қаяёққа? — деб сўради Фозилжон.

— Қизлар қараб туришибди. Кечирасиз, — у ҳовлиқиб, чошиб кетди. Фозилжон унинг кетидан кулиб қараб қолди. «Олов қиз» деб қўйди ўзича.

— Қизлар! — деб нафаси оғзига тиқилиб гапирарди Зухра, — Фозилжон акам хурсанд бўлдилар. Табрикладилар!..

Бундан бир неча кун муқаддам Муяссарнинг юрагига ўт солиб қўйганини сезмаган Зухра, бугун дугоналари билан бирга бошлаган иш эрта-индин бутун колхозга ёйилишини билмасди.

Йўқ. Билди. Кейинчалик билди. Колхоздаги катта йиғинда, коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном учун курашаётган пешқадамлар ҳақида ҳамма ҳурмат ва ҳавас билан гапирганда билди. Билса, комсомол қизлар партиямизнинг муносиб шоғирдлари деган улуғ номга яраша иш қилишибди. Колхоз коммунистлари илғор сут соғувчиларни қўллаб-қувватлашди, улардан мамнун бўлишди.

## V

Зухраҳон Комилова бошлиқ бригада аъзолари — Муяссар Қосимова, Турсуной Йўлдошева, Маҳмуда Муродова, Зухра Зокирова, Дилбархон Одиловалар жонажон партиямизнинг шонли съездини, улуғвор етти йилликнинг биринчи баҳорини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Қизларнинг ҳар бири йил охирига келиб, ҳар бир сигирдан уч ярим минг литрга етказиб сут соғиб олишди. Бу — коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашаётган сут соғувчилар бригадасининг дастлабки ютуғи эди.

Зухра ўйларди. Ўйлаган сари дугоналари, бутун колхоз, илгор сут соғувчилар, мамлакатда бошланиб кетган буюк ҳаракат — коммунистчасига ишлаш, яшаш учун кураш унга ҳам миллионлар қатори янги куч, ғайрат бахш этаётганини ҳис қиларди. Нима қилсаки, ўзи бошлиқ бригада бундан ҳам яхши ишласа, эл-юртнинг фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшса. Нима қилиш керак?

— Ўқиш керак, тинмай ўрганиш керак, — деди Муаззам она қизига, — ўргатиш бўлса мана мен бор. Мунаввар опанг бор, қўлимиздан келганини аямаймиз. Аммо ўқишни ўзларинг ўйлаб кўрларинг, пухта ўйлаларинг, кичкина ишга бел боғлаганларинг йўқ, қизим.

Бунга яхши тушунарди Зухра. Бригада аъзолари тўпланиб, етти йилликнинг биринчи йилида зиммаларига оладиган мажбуриятларини кўриб чиқаётганда шундай деди у:

— Ҳар бир сигирдан тўрт ярим, беш минг литрга етказиб сут соғиш осонмас. Мажбуриятимиз қовоқда қолиб кетмасин десак, пухта ўйлаб иш кўришимиз керак. Қани, нима қилсак сўзимизнинг устидан чиқамиз?

— Биласанми, Зухра, — деди Муаззам, — ҳар бир сигирни ўзига қараб парвартиш қилишда гап кўп экан. Ойим шундай дердилар. Ўзим ҳам бунга ишондим.

— Рост айтади Муаззам, — дейди Маҳмуда, — ҳаммамиз шундай деймизу, аммо астойдил шунга амал қилмаймиз. Иннайкейин, ҳар биримиз яна битта-иккитадан сигир қўшиб олесак, нима дейсизлар?

— Жуда яхши бўлади, менам шуни айтмоқчийдим, — деди Турсуной.

Қизлар илгор сут соғувчиларнинг тажрибаларини тинмай ўрганиб бориш, ферманинг ўзида бўлса Муаззам она, Мунаввар опаларнинг тажрибаларини қўллаш, сигирларни тўйимли ем-хашакка қондириш, айниқса, ёз ойларида, ҳамма ёқда ўт-ўлан сероб вақтида сигирларни яхши боқиб, сутни кўпайтиришга эришиш каби бир қатор режаларни кўриб чиқишди.

Бригада аъзолари йил бошиданоқ ҳар кунги сут соғишни ошира бориш юзасидан олган мажбуриятларини тўла бажариб, бирон кун ҳам мўлжалдагидан кам сут топширишмади. Бир кунликкина эмас, ҳатто

эрталабки соғилгани қанча-ю, кундузгиси қанча, кеч-га бориб қанча соғилди — шуларгача ҳисобга олинар, мажбурият билан солиштириб кўриларди. Бу — бригада олган мажбуриятнинг асоси ҳисобланар, бунга қатъий риоя қилинарди.

Ёз ойлари. Сигирлар авжи сутга кирган палла. Бригада ярим йилликни яхши яқунлади. План эмас, мажбурият ошириб бажарилди.

Бир куни Зухра сигирларга ем бериб, молхонадан чиқиб келаётганида Фозил Зиёмухамедов уни кабинетига чақириб олди. Зухра ҳар куни бир неча бор кўришиб юрадиган, кўп ишларни молхонада, ҳовлида гаплашиб, ҳал қилиб оладиган кишиси Фозилжон уни ҳозир кабинетига чақирганига тушунолмади. Фозилжон ундан бригададаги ишлар ҳақида сўради, колхознинг ишларидан гапириб берди. Кейин мақсадга ўтди.

— Коммунистлар бригаданинг ишларидан хурсанд. Партия бюроси сени, илғор сут соғувчини партия сафига лозим кўраётибди. Нима дейсан?

— А?! — деб юборди Зухра. Нега бундай деганига ўзи ҳам тушунолмади. Анчагача жим қолди. Нима дейишини билмасди. Унинг бу ҳолатини сезган Фозилжон қаламни қўлида ўйнаганича қизни ўз ҳолига қўйиб берди. Кейин оҳиста сўради:

— Нега бунча ўй суриб қолдинг?

— Мен, мен... ҳали партия сафига бўлишга муносиб иш қилганим йўқ, Фозилжон ака.

— Биладан, баъзиларга ўхшаб, мақтаса талтайиб кетадиган қизлардан эмассан. Шунинг учун очиқроқ айтиб қўя қолай: катта иш қиляпсизлар, қизлар. Сен шқларга бош бўлиб, урдасидан чиқяпсан. Кўпчиликнинг фикри бу, ҳа.

Зухра анчагача сукут сақлади.

— Янгиликдан хабаринг борми ўзи?

— Йўқ. Нимаиди?

— Сен коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғисан-а.

— Вой, Фозилжон ака, қачондан?

— Шу бугун. Табриклайман.

— Раҳмат, — қизариб-бўзарди Зухра.

— Кечқурун қизларни тўпла. Шарафли ном билан уларни қутлаб қўйиш керак.

— Хўп бўлади.

— Демак, партия сафида бўлишга арзигулик иш қилибсанми?

— Бир мен эмас, ҳамма ўртоқларим...

— Тўғри. Аммо ўшаларга бош бўлишни ҳам айтгин-да.

— Мажбуриятимизни тўла бажарайлик, Фозилжон ака, иннайкейин...

— Важарасизлар. Ишонамиз бунга. Фақат ўқишни...

— Ўзимиз ҳам шуни ўйлаётимиз, Фозилжон ака. Ҳаммамиз зоотехника мактабида ўқимоқчимиз.

— Яхши. Жуда яхши ўйлабсизлар... Хўп, майли. Тагин гаплашармиз...

Зуҳра кабинетдан қандай чиқиб кетганини билолмади. У ҳозир чоғиб бориб, қизларни қучоқлаб олгиси, ҳаммасини биттадан табриклагиси келди-ю, ўйлаиб қолди: «Мен айтганим яхшими ё Фозилжон акам? Ўзини йўқотиб қўйибди дейишмасин тагин», деб кўнглидан ўтказди-да, индамай қўя қолди. Аммо уйга келганда ўзига эрк берди. Беҳосдан онасини қучоқлаб ўпди. Муаззам опа она касбининг ҳурматини бажо келтирган қизнинг қувончи билан қувонди, кўзларида севинч ёшлари пайдо бўлди.

Етти йилликнинг биринчи йили бригада аъзоларининг ҳаётида унутилмас юксалиш йили бўлди. Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди унга. Меҳнат зарбдорларининг ҳар бири ўз зиммасига олган мажбуриятини ошириб бажарди.

Зуҳраҳон ўн саккиз бош сигирнинг ҳар биридан беш ярим минг литрдан ошириб сут соғиб олди. Унинг бир йилда соғиб топширган сути юз минг литрдан ошиб кетди. Ёш сут соғувчининг бу ғалабаси областа, республикага тарқалди.

Бригаданинг пешқадамларидан Муяссархоннинг меҳнат якуни ҳам Зуҳрадан қолишмади. У йил охиригача етмиш саккиз минг литр сут соғиб топширди. Бригададаги ҳар бир меҳнат зарбдорининг даромади ви тасаввур этиш учун биргина шу Муяссарнинг ўттиз беш минг сўм пул, икки ярим тонна картошка олганини айтиш kifоядир. Мукофотга берилган пальто бу ҳисобга кирмайди, албатта.

Турсуной планини салкам икки баробар ошириб бажариб, қирқ олти минг литр сут соғди. Маҳмудахон



ҳар сигирдан олинган сутни беш минг литрга етказиб, Зухра, Муяссарларга етай деб қолди. Дилбархон тошпирган сут қирқ беш минг литрга етди.

Рақамлар ҳамма вақт ўжар бўлади. Сирни ҳам очади, юзни ҳам ёруғ қиладиган, меҳнатни шарафлайдиган, элни сутга мўмай қиладиган рақамлар. Бадий адабиётда рақамлар бўлишини хуш кўрмайди баъзилар. Аммо мана бундай рақамлар — сут жилгалари ариқлар пайдо қиладигани, ариқлардан анҳорлар бунёдга келаётгани ва ниҳоят, улкан сут дарёларига айланаётгани, сутнинг ширавага, шираванинг қаймоққа айланаётганини кўрсатадиган бу рақамларнинг ҳар бири меҳнат зарбдорларининг завқшавқи халқига, ватанига, жоғажон партиясига меҳр-муҳаббатининг ойнасидир.

## VI

Кеч куз. Дарахтларда қолган япроқлар ранг-рўйи ўчиб, ҳилолага турибди. Ёлғондан шамол турса, ростдан дув тўкилади. Тонг пайтидаги шабада юзларга тикандек урилади. Сут соғиш ҳам, сигирларга қараш ҳам анча оғирлашган. Зухра одатдагидек фермага кириб келаркан, молхона эшигига ёпиштириб қўйилган эълонга яна кўзи тушди. Икки кундан бери бир неча бор кўрди, ҳеч ким йўғида яқинига бориб икки топқир ўқиди, шундай бўлишига қарамай ҳар галгисида ҳаяжонланарди. Ўзининг исм, фамилияси қанақа ҳарфлар билан ёзилгани хотирига шундай жо бўлиб қолдики, узоқ вақтгача, эҳтимол, бир умр эсидан чиқмас, эсласа шундоқ кўз олдида намоён бўлар. У кўз қири билан бир қараб, ичкарига кириб борди. Халатни кияркан, дугоналари тўпланишиб, алланимани оҳиста маслаҳат қилишаётганини кўрди. Яқинроқ борганиди, суҳбатни тўхтатиб, ҳаммаси Зухрага ўгирилишди.

— Ҳа, — деди Зухра уларнинг юзларига бир-бир қараб, — тинчликми?

— Вой, нима бўпти, бизга, — деди лабини чўччайтириб Муяссар, — фақат...

— Нима фақат?

— Ҳавасимиз келаётибди, — деди Дилбар кулиб.

— Ухламагандирсан-а, ўзинг ҳам, а, ўртоқжон, — деди Муяссар.

Зухра энди тушунди. Вугун партия мажлиси бўлажаги, унда Зухранинг партия сафига қабул қилиниши биргина унинг ўзини эмас, дугоналарини ҳам қаяжонлантираётгани — кичик коллективнинг унга бўлган ҳурмати аломати эди.

— Рост, одам ғалати бўларкан. Уйлаган сарим юрагим дукиллайди. Тагин: «Ҳали ёш, бир оз ишла-син», деб қолишса-я. Тумонат ичида ёмон бўлади-да.

— Кимакан ўзи шунақа дейдиган? — деди Дилбар, — бундан ортиқ қанақа ишлаш керак. Ҳамма билади. Ким муносиб деса, ҳамма сени кўрсатади. Мана қараб тур...

Қизлар тарқалишаркан, Муяссар деди:

— Бу кун Зухранинг эмас, бригадамизнинг ҳаёти-да ҳам унутилмас кун бўлиб қолади. Уртоғимизни партия сафига узатиш билан фахрланишимиз керак-а.

Зухранинг ташвишланганича бор. Ҳамманинг кўзи бир одамга тикилиб турса, ўзини йўқотиб қўяркан киши. Таржимаи ҳолини айтиб бериш учун сўз унга берилганда этлари жимирлаб кетди. Анчагача гапиролмай қолди. Кейин оҳиста сўз бошлади.

— Меҳнат ва ҳаёт йўлим — октябрдан комсомолгача, мактабдан фермагача. Шу!

Жуда қисқа, шу билан бирга жуда мазмунли биография. Унга тикилиб турган кўзларда ҳавас ҳам, ўз колхозларидан шундай илғор қиз етишиб чиққанидан фахрланиш ҳам, унга катта ишонч ҳам пөрлаб турарди. Сукунатни Фозилжон бузди.

— Кимда савол бор?

— Савол йўқ, — деди ўртадан кимдир, — ҳаммамиз яхши биламиз Зухрани.

Говур-гувур, ўзаро шивирлашлар бу таклифни маъқуллаш аломати эди. Мажлис раисининг ижозати билан Зухра жойига ўтирди. Ёш сиғир соғувчи ҳақида кимки гапирган бўлса, ҳамма унинг партия аъзолиги-га муносиб кандидат эканлигини айтишарди.

Улуғвор етти йилликнинг биринчи йили ақунларини муҳокама қилган, қишлоқ хўжалигини тагин ҳам тараққий этиришнинг йўл-йўриқларини белгилаб берган тарихий пленум — КПСС Марказий Комитетининг Декабрь пленуми мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи эшиттирилганлиги

республикамиз меҳнаткашлари ҳаётида қувончли, унутилмас воқеа бўлиб қолди. Бу — жонажон партиямизнинг Ўзбекистонимизни янада гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган меҳрибончилигининг ифодаси эди. Еш коммунист Зухра Комилова тарихий пленум материалларини кунт билан ўқиб, ўрганиб борди.

Бир куни у пленум қатнашчиси, Сталинград областидаги «Красное Сормово» колхозининг сигир соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Вера Рибачекнинг ҳар бир сигирдан олти минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганини ўқиб қолди. Илғор сигир соғувчининг бу мажбурияти уни руҳлантириб юборди. У партия сафига ўтиш арафасида кўнглига туғиб қўйган режаси — олти минг килограммдан сут соғиш билан бир вақтда сигирлар сонини йигирматага етказишга аҳд қилиб қўйди.

Орадан кўп ўтмай Тошкентда ана шу тарихий пленум яқунларига бағишланиб республика партия ташкилотининг актив йиғилиши бўлди. Мажлис қатнашчиси, илғор сут соғувчи Зухраҳон ҳам ўз тажрибаларидан гапириб берди:

— Ҳурматли ўртоқлар! — Зухра шундай деди-ю, бир нафас тўхтаб қолди. Ўйимиб қолган зал унга қулоқ қоққан, қани бўл деяётгандай бўлди, ҳаяжонини зўра босиб, гапира бошлади:

— Биз сигир соғувчилар ҳақида, жамоат чорвачилигини ривожлантириш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз қилаётган раҳматлик ҳаммамизни беҳад қувонтиради, тагин ҳам яхшироқ ишлашга руҳлантиради... Мен етти йилликнинг биринчи йилида ўн саккиз сигирнинг ҳар биридан беш ярим минг килограммдан сут соғиб топширдим. Бунинг сири қаерда? Сигирларни вақтида яхши парвариш қилишда. Мен кунига беш марта овқатлантиришга ўтдим. Сигирлар ўттиз беш килограммдан силос олади, уч килограммдан кунжара, ўттиз килограммдан лавлаги, ўн килограммдан шулха, бундан ташқари қирқилган беда бериб боқилади. Энг муҳими — сутни мўл-кўл қилишнинг асоси — маккажўхоридир. Мен сигирларга майдаланган маккажўхори кўкени бериб парвариш қилганимда сут икки баробар кўнайтиди.

Сизларга бир нарсани айтмоқчиман: ўнинчи синф-

ларни битираётган қизлардан фермага қанча кўп келса шунча яхши бўлади; улар илғор зоотехника ютуқларини тезроқ амалга ошира оладилар. Буни мен ўз тажрибамда кўрдим. Ҳозир мен иш билан бир вақтда, ўқишни ҳам давом эттираётибман.

Шу пайт залдагилар гурр этиб қарсак чалиб юборишди. Зухра тўхтаб қолди, юзлари қизариб кетди, суратга, кинога олиш учун унга тўғриланган нурлардан кўзлари қамашди...

— Мен пленум қатнашчиси, илғор соғувчи Вера Рибачекнинг ташаббусини қувватлайман. Йигирма сигирнинг ҳар биридан олти минг килограммдан сут соғиб топшираман.

Зал қарсакларга кўмилди. Зухра оҳиста бориб жойига ўтирди. Ҳаётида биринчи марта бундай катта йиғинда сўзлаш шарафига муяссар бўлганидан қанчалик қувонса, шунчалик чўчир, эплай олармиканман деб юраги дов бермасди.

Эплади шекилли? Бўлмаса қарсаклар остида қолармиди.

Зухра ҳаётида унутилмас кун— партия сафига ўтган кун бўлиб қолди. Ҳа. Бу кун анчаики унутилмас кун эмас, унутилмас кунларнинг бошланиши экан. Меҳнат ва садоқат, эл-юртига, жонажон партига бўлган муҳаббат унинг ҳаётини мазмундор қилди. Авваллари уч-тўрт киши уни қутлаб қарсак чалганида қип-қизариб, ўзини йўқотаёзган, кечалари тушида ҳам қарсак чалаётганларни кўриб юрган қиз энди бинойидек катта йиғинларда нутқ сўзлаши, фикр-маслаҳатларини ўртоқлашадиган бўлиб қолди.

Тошкентдаги катта йиғинда унинг шарафига чалинган қарсакларнинг садоси ҳали қулоқлари тагидан нари кетмай туриб, комсомол — уни тарбиялаб партия қучоғига узатган комсомол ўз пленумига таклиф қилди. Зухра ўзбекистонлик комсомол ўртоқлари билан Москвага, комсомол Марказий Комитетининг навбатдаги пленумига жўнади.

Москва! Биргина шу сўзнинг ўзи қизнинг қалбини олам-олам қувончларга тўлдирди. Ҳаётида биринчи марта узоқ йўлга чиқиши, чиққанда ҳам тўғри Москвага йўли тушишини қаранг. Дугоналари, онаси, опа-си уни кузатишаркан, улар ҳам Зухра билан биргалашиб қувонишарди.

Зухранинг Москва таассуротларини айтиб тугатиб бўлмайди. Бунинг учун алоҳида асар ёзиш керак. Мана шу кунларни унутиб бўлармиди ахир.

## VII

Москва сафаридан қайтиб келса, уйда бир неча хат. Нотаниш қизлардан, ғойибона эшитган сут соғувчилардан. Уларнинг ҳаммаси сут соғишдаги тажрибасини ёзиб юборишни илтимос қиларди. Зухра бу хатларга бирин-сирин жавоб ёзар-а, аммо Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор сут соғувчиси Тожиҳон Нуримованинг газетада босилиб чиққан хатига шу бугуноқ жавоб ёзиш керак эди.

Ажойиб ташаббус кўрсатибди Тожиҳон. У етти йилликнинг иккинчи йилида қарамоғидаги ўн беш сигирнинг ҳар биридан олти минг килограммдан сут соғиш билан бирга, ўнинчи синфни тугатган қизлардан икки кишини ўзидек моҳир сут соғувчи қилиб етиштиришга аҳд қилибди ва Зухраҳонни мусобақага чақирибди.

Зухра хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Дугоналарига кўрсатди. Эртасига фермадан кела солиб уйнинг ичига кириб олди-да, хатга жавоб ёзмоқчи бўлди.

— Қизим, — деди Муаззам опа унга, — қўя тур, яхши бўлмас. Кетма-кет одамлар келиб турибди. Улар ёнида бир нафас ўтирмасанг қандоқ бўлади. У ёқ-бу ёқдан сўрашади ахир, кичкина сафар қилганинг йўғ-а.

— Тушунаман, ойижон. Аммо бу хатга шу бугуноқ жавоб ёзмасам бўлмайди. Газета ўқиганлар, Зухра ўйланиб қолибди-да, овози чиқмайди дейишмайди-ми. Яхшиси, бирпас қўя туринг...

Зухра ҳамма нарсани тахт қилиб ўтирди-ю, узоқ ўйланиб қолди: «Нимадан бошласам экан? Москвага борганим, Кремль, мавзолей, виставка... шуларни кўрганимни... Кеча келганимни... Йўғ-э. Улгудек мақтанчоқ экан демайди. Москва сафаримнинг бунга нима алоқаси бор? Бўлмайди». У қоғоз устига алланима ёзди, ўчирди. Тагин ёзди. Қаламидан нуқул имзосини машқ қилган одамдек, Москва, Кремль, мавзолей сўзлари ёғиларди. Шу зайлда бир неча қоғоз шу сўзларга тўлди.

Уни бир нарса қийнар эди. Худди шундай қилишни унинг ўзи ҳам ўйлаб юрарди. Иккита, жилла бўлмаса битта қизни ўргатиш нияти бор. Шундай эди деб ёзса, қаттиқ ботадигандай туюлди. Бу ҳақда хатда индамасликка қарор қилди. Ёза бошлади:

«Дугонам Тожихон! Сизнинг газетада босилган хатингизни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим.

Мен, аввало, сизир соғувчиликка ҳавас уйғотган ва уни ўргатган устозларим ҳамда онамга чин ҳўнигилдан миннатдорчилик билдираман, негаки, менинг ва дугоналаримнинг камслотига шу устозларимиз сабаб бўлишди.

Бу йил бригадамиз аъзолари олти қиз бир юз йигирмата сизирга қарамоқдамиз ва ҳар бир сизирдан беш минг килограмдан, ўзим ёса йигирмата сизирнинг ҳар биридан олти минг килограмдан сут соғиб олишга аҳд қилганмиз. Мен январь ойида саккиз минг килограммга яқин сут соғиб олдим. Севимли сизирларим «Баллада», «Сурмахон», «Радуга»лардан қунига йигирма беш ўттиз литрдан сут соғиб олмақдаман. Колхозимиз фермаси бааасида очилаётган чорвачилик илмий-тектириш институтида мен ва дугоналарим ўз маълумотимизни ошириб борамиз.

Ҳурматли Тожихон! Сиз ажойиб ташаббус бошлаб бердингиз. Агар ҳар бир сут соғувчи чорвачилик фермаларига 10-синфни тугатган қизлардан икки кишидан тортса, минглаб дугоналаримиз келади. Биз бу ишимиз билан чорвачиликни ривожлантиришда ва гўшт, сут етиштиришда Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетишда катта ҳисса қўшган бўламиз.

Яқинда бизнинг Қржоникидзе районининг комсомол қизларидан юз киши тўпланиб, колхоз фермаларига бориб ишлашга аҳд қилишган эди. Комсомол йўлланмаси билан бизнинг Ленин номли колхоз фермамизга ҳам шулардан икки қиз — Луиза Абдуҳакимова ва Хурсанд Собировалар келишди.

Мен сизнинг ташаббусингизга қўшилиб, Луиза ва Хурсандларни ўзимдек моҳир сизир соғувчилар қилиб етиштираман, деб уларни шогирдликка олдим.

Сафимизга бошқа сизир соғувчи қизларнинг ҳам қўшилишига ишонаман. Салом билан

*Зухра Комилова».*

## VIII

Етти йилликнинг иккинчи йили баҳори: Ёпи ҳам, иши ҳам, ҳусни ҳам, келгуси ҳам баҳордай серзавқ, тонгдай бегубор бу қизнинг қалбида жўш урган олий мақсад ҳам ана шу етти йиллик тонгидан бошланган, шу тонгда камол топаётибди, шу тонг, коммунизм тонгининг илҳомбахш нафаси унда коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшаш ҳиссини уйғотди, янги фазилат касб этди. Тонг ошиғи Зухраҳон бугун фермага келиб, ана шу тонг келтирган хушхабарни эшитди. Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатини юксак баҳолабди. Ленин ордени билан мукофотланибди.

Зухра ўзини табриклаганларнинг, қучоқлаб ўпган дугоналарининг гапларига ўзини бўсиб, камсуқумлик билан «Раҳмат» дерди-да, кетидан: «Бу мукофот фақат менингмас, ҳаммамиз қилган меҳнатга берилган баҳр. Ахир сизларсиз мен-нима қила олардим», деб қўшиб қўярди. Аммо ҳозир қушдек учиб, уйига боргиси, онасини, жондан азиз онасини қучоқлагиси келарди.

Сигирларни соғиб бўлиб, ем бераётганида эшикдан Фозилжон кириб келди. У кулиб туриб, Зухрага қўл узатди.

— Хурсандман, синглим, жуда хурсанд бўлдим. Муборак бўлсин энди.

— Раҳмат Сизга, Фозилжон ака?

— Ана холос, меҳнатни сиз қилинг-да, раҳматни биз эшитайликми?

— Йўқ, Фозилжон ака, тарбиясиз меҳнатнинг ўзи бўлавермайди-ку.

— Баракалла, ана шунини тушунсанг, яхши. Муаззам опам эшитганмикинлар?

— Қайдам. Радиони қўйганмикинлар?

— Шопма. Ўзим оламан суюнчини. Уша томонга кетяпман.

Фозилжон шундай деб дарвоза томон кетаркан, суюнчидан қолган боладек қизганиб қўйди Зухра.

Орадан кўпам вақт ўтмади. Зухрага келаётган хат, табрик телеграммаларининг охири узилмаган ҳам эдики, бирдан газетада, рязанлик машҳур сут соғувчи Просковья Николаевна Козрованинг хати чиқиб

қолди. Зухра хатни ўқиб, газетани ушлаганича дугоналари ёнига югурди. Қайта ўқиб чиқишди.

— Нима қиламиз?

— Шошма,— деди Муяссар Зухранинг гапини бўлиб,— муҳокама қиламиз, пухта ўйлаб, хат ёзамиз, нима дейсан?

— Жуда яхши. Менам шуни ўйловдим. Жавобимизни ҳам босиб чиқарармикин газета?

— Албатта!

Ферманинг илғор сут соғувчилари рязанлик ҳамкасблари — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Просковья Николаевна Ковровага жавоб хати йўлладилар.

— Сигир соғиш, молларни парвариш қилишдаги ҳар бир янгилик ҳаммадан аввал Зухранинг қулоғига етади, — дейишади ҳазиллашиб бу ердагилар, — етди-ми, бўлди, фермадагиларнинг қулоқ-миясини чақиб қўлига беради.

Бу ҳазилнинг тагида каттакон ҳақиқат бор. Чиндан ҳам Зухра дугоналари билан маслаҳатлашиб, молларини боғламай боқишга ўтди. Энди улар сигирларни «ёлочка» усулида соғишга тайёрлик кўришяпти.

Зухра яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III пленуми минбаридан туриб, шулар ҳақида гапирди:

— Қарамоғимдаги йигирма сигирнинг ҳар биридан олти минг килограммдан сут олишга аҳд қилган эдим. Ҳозиргача 2840 килограммдан сут олдим. Сигирларни боғламай боқишга ўтгач, бир ўзим юз сигирни соғишим мумкин. Электр билан соға бошласак, сут соғувчи механизатор бўлиб қоламиз.

Колхозимиз аъзолари номидан пленум қатнашчиларини олган мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз, деб ишонтирамиз.

Зухра оҳиста бориб жойига ўтирганда ҳам қарсақ садолари босилмаганди. Бу энди Муаззам опанинг оғзидан чиққан «Она қизим» эмасди, залдагилар унга: «Балли, она қизим!» дейишарди.

*Сентябрь, 1960 йил*



Поезддан тушдим, бир озгача станция биноси олдида туриб қолдим. Очиғини айтганда, бир қарашда станцияни таниб бўлмади. Вокзал биносига иккинчи қават қурилибди, атраф-теварақ ҳам анча ўзгариб кетибди. Биринчи марта шу районга келганимга ҳисоблаб чиқсам, бор-йўғи тўрт ярим йил бўлган. Қисқа муддатда шунча ўзгариш...

Чамадонни қўлга олиб, вокзал майдонига ўтдим. Ёш дарахтларнинг салқинидаги скамейкаларда бир нафас ўтириб дам олмоқчи ҳам бўлдим. Фақат вақтни қизгандим. Мана, ўнг ва чап томонга кетадиган кенг кўча. Илгари ё ҳозиргисидан торроқ, тош ётқизилган бўлгани учунми, ҳар қалай, кўримсиз эди. Ҳозир, асфальтланиб, ёни верига икки қаватли янги бинолар қурилгани, йўлкалар қилингани учун бўлса керак, жуда кўркам, кўзга салобатли ташланади. Кетма-кет қатнаб турган машиналар, кўчанинг гавжумлиги кичик бир шаҳарчани эслатади.

Район маркази — ташкилотларнинг идоралари кўчанинг ўнг томонга борадиган қисмига жойлашган. Чап томондан юрилганда Октябрь, Эркин қишлоқларига борилади. «Коммунизм» колхозини район марказидан узоғи билан тўрт километр келади. Уйлаб турмадим. Юқим бўлса оғир эмас. Кичик чамадондан бошқа ҳеч нарса йўқ. Машина тўхтатиб ўтиришни эп кўрмай, кўчанинг чеккасидан, сердарахт йўлкадан аста юра бошладим. Юз қадамча йўл босгач, кўчани кесиб ўтган жойда бир нарса эсимга тушиб, тўхтаб қолдим.

«Район газетаси редакциясига кириб чиқишим керак эди-ку...» Бир қарорга келмаган ҳам эдим, тўсатдан ёнимга «Победа» машинаси келиб тўхтади. Бирдан тўхтаганидан гилдираклари гичиллаб, бир оз чанг кўтарилди. Мен ўзимни четга олмоқчи бўлганимда машинанинг эшиги очилиб, ўрта ёшлардаги шофер йигит менга қараб кулди.

— Кечирасиз, янглишмасам машина кутаётганга ўхшайсиз. «Коммунизм»га борсангиз керак-а? — сўради шофер.

— Шундай, — дедим шошиб.

— Марҳамат, ўтиринг бўлмаса, — шофер қўлини чўзиб, орқа эшикни ўзи очди, — кун иссиғида ўн қадам йўл ҳам кишини чарчатади, — қўшиб қўйди у.

Машинанинг орқа томонида кўринишидан эллик ёшларга бориб қолган, эғнида жулунчадан узун ва ўзига кенггина костюм, бошида синкага босилган қизил ҳошияли дока рўмол ўраган аёл, ҳали оҳори тушмаган оқ чойшабга ўроғлик чақалоқни бағрига босиб ўтирибди. Кун иссиғидан бўлса керак чиройли гуллар солиб қавилган, жажжигина атлас кўрпачани тахлаб, ёнига ташлаб қўйган. Машинага ўтирар эканман, кампирни сал бўлса ҳам безовта қилганимдан хижолат тортдим. Салом бериб сўрашдим-да, чамадонимни тиззамга қўя қолдим. Шофер жуда зийрак йигит экан, менинг ортиқ даражада ийманганимни сизди шекилли, бошини ўгириб менга қаради.

— Сира тортинманг, мулла ака, чамадонни оёқ остига қўяверинг, сиғади...

— Раҳмат... — бир амаллаб чамадонни тикка қилиб икки оёғим орасига олдим.

Машина енгилгина силкиниб, асфальт йўлдан визиллаб кетди. Мен ҳамон ўзимни босиб олганимча йўқ. Шофернинг ёнида оқ крепдешиндан кўкрак бурма кўйлак кийган, тўлачадан келган ёш жувон ўтирибди. Жувон ҳам, кампир ҳам индамай боришмоқда.

Бу воқеадан ҳайрон бўлганимча ўйлай бошладим. «Қандай бўлди. Машина такси эмас. Шунчаки йўловчи машиналардандир. Аёллар бўлса мен каби йўловчилардир. Аммо шофер ажойиб йигитга ўхшайди. Бўлмаса танимай-нетмай машинасини тўхтатадими? Мана бу хизматига, одамгарчилигига ҳар қанча мин-

натдорчилик билдирса кам» деб кўнглимдан ўтказдим.

Бир оз йўл босилгач, шофердан секин сўрадим:

— Машина «Коммунизм» колхозига борадими?

— Шундай. Сиз ҳам шу колхозгами?

— Ҳа.

— Янглишмасам Тошкентдан бўлсангиз керак, ҳозирги поезддан тушдингизми?

— Ҳа, ҳозир тушдим.

Яна орага жимлик чўкди. Афтидан шофер йигит мен билан суҳбатни давом эттирмоқчи-ю, ёнидаги аёл, мен билан ўтирган кампир «хўп эзма экан» деб ўйлашмасин деган андиша биланми, ҳар қалай ортиқча гапирмади.

Ана, колхоз ерлари ёқалаб кетяпмиз. Икки томон кўз илғамас кенг пахтазор. Тўрт қулоқ бўлган гўзалар майсадек кўзга ташланади. Жўяклар орасидан милтиллаб сув оқиб ётибди. Колхознинг мана шу ерлари бундан тўрт ярим йил муқаддам бўлак-бўлак эди, ҳозир шундай яхлитки, нариги томони кўринмайди. Узоқдан оқариб бир текисда тушган қатор уйлар кўзга ташланмоқда. Қишлоқ кўчаси ҳам асфальтланган. Машина силкинмай, бир текисда учиб бормоқда. Кампирнинг қўлидаги чақалоқнинг енгил нафас олиб, пишиллаб ухлаётгани эшитилиб турибди.

Колхоз идораси катта кўчанинг чап томонида. Унга яқинлашганимизда шофер сўраб қолди:

— Сиз ҳайнаҳой идорага кирарсиз?

— Ҳа, идорага, раисни топиб бўлармикан?

— Идорадагилар билишади, мабодо шу ерда бўлмасалар телефон орқали топиб олишингиз мумкин.

Машина, олди томони панжара, катта гулзорни ёқалаб ўтиб, ҳашаматли бинонинг ўртасига, эшик олдига бориб тўхтади. Чамадонимни олиб, машинадан тушдим, бош силкиб, кампир билан хайрлашдим. Шофер йигитнинг кичик даричасидан қўлимни узатиб, у билан хайрлашмоқчи бўлиб турганимда машина жойидан қўзғалди. «Раҳмат, яхши йигит» дейишга улгурдим холос. Машина гулзор ёқалаб ўтаркан, кенг йўлга гушиб, кўздан ғойиб бўлгунча қараб қолдим. «Ажойиб йигит экан-да, нега унинг ким эканлигини билиб олмадим-а?»

Бинонинг ичкарасига кирдим. Раис кабинетини

топиш учун кенг коридорнинг ўнг томонига юра бошлаган эдим, эшигига «бухгалтерия» деб ёзилган кабинетдан ёшгина бир жувон чиқиб қолди.

— Кечирасиз, — дедим жувонга, — раис ўз кабинетидами?

— Билмадим, — деди-ю, коридорнинг нариги томонига юра бошлади жувон, — қани юринг-чи, ҳозир биламиз.

Коридорнинг охирида, чап томондаги катта хонага кирдик. Ҳеч ким йўқ. Бир томондаги эшикка «правление раиси», нариги томондагисига «ҳосилот советининг раиси» деб ёзиб қўйилган. Жувон раис кабинетининг эшигини очди-да, менга қараб: «Марҳамат, шу ерда эканлар» деб ўзи чиқиб кетди. Мен чамадонимни қабулхонада қолдириб, ичкари кирдим. Устига кўк мовут ёпилган узун стол тўрида колхоз раиси Расулов қалин бир журналдан алланималарни қоғозга кўчириб ёзмқда. Стол устида варақлари орасига қоғоз қистирилган иккита китоб ҳам турибди. Буларнинг бири В. И. Лениннинг асарлар томи.

Мен киришим билан Расулов оқ сурпдан ғилоф кийгизилган креслосини орқага суриб, ўрнидан турди, кабинетнинг ярмига келиб кўришди. Бир неча минут ҳол-аҳвол сўрашдик, гина-кудуратлар ҳам бўлди, кейин мен раиснинг фурсатини билиш учун ундан сўрадим:

— Мен сизга халақит бермадимми?

Раис кулди.

— Бошқа одам бўлганда халақит бериши турган гап эди. Толоймга сиз келиб қолдингиз. Очигини айтсам, ўртоқ Солиҳов, бир оз кўмагингизга муҳтожмиз.

— Марҳамат, қўлдан келса... Булар ўзи нима, бирон лекциями дейман?

— Худди ўзи. Буни қаранг, наҳотки уч кундан бери овора бўлсам. Материаллар ҳар қанча бўлгани билан ўшани мундоқ бир чизиққа чизиб ёзиб олиш ҳам анча қийин-а?

— Ий-е, сизга нима бўлди, ўртоқ Расулов, бошқалар шу нарсадан қийналаман деганда ҳам сиз...

— Тўғри. Аммо мана бу, хабарингиз бўлса керак, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятга аъзо қилиб қўйишган...

— Жуда соз, табриклаймиз.

— Ҳа, вақт-бевақт районда лекция ўқишга тўғри келяпти, — раис вақтни ўтказмай деб ўйлади шекилли, ҳалиги китобдан бирини очиб менга кўрсатди. — Мана шу цитатани шу ерга қўшсам қандай бўларкан?

Ўқиб кўрдим.

— Жуда мос келади. Мана бу иккинчиси ҳам яхши.

Расуловнинг лекциясидаги баъзи жойларини маслаҳат билан ҳал қилиш ярим соат давом этди. Раис ўз ишидан сал қаноат ҳосил қилгандай бўлди. Мен ўз вазирамни бажаришим кераклигини айтдим.

— Менга иккита топшириқ берилган: бири — энг тажрибали бир сувчи ҳақида очерк ёзиш, иккинчиси — колхозчиларнинг маданияти ҳақида...

— Жуда соз, жуда соз... Яхшики топшириқ беришибди, бўлмаса йўқламайсиз ҳам. Қани турдик, бир оз дам олинг, кейин...

— Кечирасиз, мен чарчаганим ҳам йўқ, бунинг устига вақт зиқ. Агар иложи бўлса илғор сувчи қайси бригададалигини айтсангизу, бориб танишсам.

— Шошманг, ахир нонушта...

— Йўқ, раҳмат.

— Бўлмаса, — деб ўйланиб қолди раис, — ўша бригадага ўзим ҳам бормоқчи эдим, бирга жўнаймиз.

Раис телефон трубкасини олиб, гаражни чақирди. Машина йўқ, деган жавобни эшитди шекилли, шундай деб тайинлади:

— Айт, ўн беш минутга қолмай келсин.

Машина келгунча колхоздаги янгиликлар ҳақида суҳбатлашиб ўтирдик. «Коммунизм» колхозига қўшни «Ғайрат» колхозни қўшилиб, хўжалик йириклашибди. Йириклашган биринчи йилдаёқ колхоз уч ярим миллион сўм даромад қилибди. Пахтакорлардан яна икки кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилибди. Менинг хаёлимни кўпроқ илғор сувчи билан бўладиган суҳбат чулғаб олган эди. Шу тўғрида сўраб қолдим.

— Ҳа, бу темани жуда яхши ўйлабсиз, — деди раис, — негаки, газеталарда ҳам, журналларда ҳам мироб билан сувчилар ҳақида кам ёзилади. Бу бир. Иккинчиси шуки, колхозда, айниқса, пахтачиликда сувчининг тутган ўрни жуда зўр. Кўринишда арзимас ишга ўхшайди-ю, аммо ҳосилни оширишда миробнинг

ҳам, сувчининг ҳам ҳиссаси катта. Мана биз ҳозир учрашадиган сувчимиз ўзи ҳали ёш. Аммо ўз ишининг миришкори. Қудрат ака деган кекса миробимиз бор. Мен сизга айтаётганим ана шу кишининг ўғли Иброҳим. Ўзи икки йилдан буён ирригация-мелiorация техникумининг сиртқи бўлимида ҳам ўқийди. Янги суғориш системасига ўтганимиздан кейин, мен сизга айтсам, гўзаларнинг жонини киргизяпти-да. Мана, ерларнинг яхлитлигини кўргандирсиз, янги система билан суғоришга жуда қулай. Аммо ер кенг бўлса, сувчининг вазифаси ҳам шунга қараб кенгайди. Иброҳим мана шу янги суғориш системасига ўтишимизга ҳам ўзи бошчилик қилди, десам ишонаверинг. Ҳосилот билан биргалашиб, сув тармоқларидан тортиб, ерларнинг текислигигача — ҳаммасини кўздан кечириб чиқди. Ўзи ҳазир ўн биринчи бригадада ишлаяпти...

Эшик очилиб, шофер йигит кириб келди. Суҳбатни бўлиб, ташқарига чиқдик. Мовий ранг «Победа»га ўтириб, бояги катта йўлдан ўн биринчи бригадага жўнадик.

Йўлда кетар эканмиз раис, сувчи Иброҳимнинг гўзани суғоришдаги тажрибаларини майда-чуйдасигача авақланиб ҳикоя қиларди. Гоҳо йўл ёқасидаги янги очилган жўякларда милтиллаб оқаётган сувни, чим ётқизиш лозим бўлган жойларни қўли билан кўрсатар эди. Ҳаво борган сайин исимоқда.

Анча йўл юрдик. Қушдек учиб бораётган машина тезлигини пасайтириб, ўнг қўлга бурилди. Машинадан тушганимизда раис қўли билан Иброҳимни кўрсатди. Биздан тўрт юз қадамча нарида шимини тиззасигача шимариб олган, эгнига оқ кўйлак кийган йигит ўқариқ ёнида алланима билан машғул эди. У гоҳ кетмонини сал кўтариб туширарди, гоҳ энгашиб, қўли билан алланимани босиб қўяр эди. Биз унга яқинлашдик. Дарҳақиқат сувчи, раис айтгандек, ўттиз ёшлар чамасидаги йигит экан. Раиснинг орқасидан, ўқариқ бўйлаб борар эканман, жўякларга биринчи марта қуёйилган сувнинг қуёшда ялтирашига, энди қаддини кўтарган мурғак гўзаларга бир нафас маҳлиё бўлдим.

Сувчининг ёнига бордик. У кетмонини қўйиб, қўлини чайди, дастрўмолчага арта туриб биз томон келди.

— Марҳамат, ўртоқ Солиҳов, танишинг, — деди раис менга.

Қўлимни узатмай туриб ҳайрон қолдим. Мендан илгарироқ сезган шекилли, у кулиб туриб деди:

— Келинлар, биз танишимиз, раис ака, — деди кулгисини тўхтатмай Иброҳим, — қани, яна бир кўришсак...—деб қўлини узатди. Кўришдик. Ўзимни ўнғайсизликдан қутқариш учун раисга қарадим. Раис ҳам тушунолмамай турар эди.

— Ҳа, мен бу киши билан танишман, ўртоқ Расулов, аслида сизни овора қилмай ўзим кела қолсам ҳам бўлар экан-а?

— Ана холос, — деди кулиб раис, — таниш бўлсангиз тагин яхши.

Биз сувчи йигит билан бир оз суҳбатлашдик. Кўп нарсаларни ўзи айтишга ийманди, раис қўшиб турди. Суҳбатнинг бошидан охиригача бирон марта ҳам «мен фалон ишни қилдим» демагани, ҳадеб «кўнчиликмиз, бир-биримизга ўргатамиз-да» дейишларидан, ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмайдиганга ўхшаганлиги сезилиб турарди.

Сувчи билан хайрлашдик. Икки қадам ҳам босганимиз йўқ эдиям, Иброҳим раисни тўхтатди.

— Раис ака, — деди у кулимсираб, — бугун кечқурун меҳмонни бизникига олиб борсангиз...

— Меҳмон ҳали бизникида ҳам бўлганлари йўқ. Кейинчалик.

— Йўқ, раис ака, бугун кичкинагина зиёфат қилиб бериш кўнгилда бор эди, ўзим олдингизга ҳам бормоқчи эдим.

— Нима гап ўзи? — сўради раис ажабланиб.

— Янги меҳмонни...

— Ҳа, ҳа, оббо сен-ей, — деб Иброҳимнинг елкасига қўлини қўйди раис, — Зухрани олиб келдингми? Қалай, ўзи тетикми?

— Ҳа, боя олиб келдим, дуруст.

— Жуда яхши, жуда яхши, — деди раис ва менга қаради, — айтгандай, Иброҳимжонни табриклар қўйишингиз мумкин. Яқинда хотинининг кўзи ёриган эди. Мана бугун туғуруқхонадан олиб келибди. Кечқурун бормасак бўлмайди.

Мен қўл бериб, Иброҳимжонни ўғилча билан таб-

рикладим. Раис хурсанд бўлганича гапни давом эттирди:

— Хотини Зухраҳон ҳам шу бригадада тўртинчи звенонинг бошлиғи. Ҳали мен сизга айтган Ленин ордени олган аёлларимизнинг бири шу, — раис Иброҳимга қаради, — хўп ука, кечқурун бирров бориб, янги меҳмонни муборакбод қилиб келармиз.

Хайрлашдик. Машина томон юрар эканмиз, мен ҳамон ўзимни ўнғайсиз сеза бошладим. Охири раисдан сўрашга мажбур бўлдим.

— Бу йигит шофер эмасми?

Раис кулди.

— Танишмиз, дедингиз шекилли?

— Танишлигим шуки, ҳали мени машинада шу ерга келтириб қўйди. Бундан бошқа...

Шу сўзни айтганимда раис кулиб юборди.

— Машина ўзиники, — деди раис ва ҳазиллашиб қўшиб қўйди. — Иброҳимдек шоферлар колхозда кўп, эҳтиёт бўлинг, адашиб қолманг...



## АСАД ЛИБОСИ

Туроб акани топиш осон бўлмади. Унинг таниш-билишларига бу гап ғалати туйилади, албатта. «Авжи иш қизиган пайтда бирон ёққа борармиди? Суяк-суягигача пахтакор одам бунақанги долзарбда даладан жилмайди, ғўза барглари барига тегиб юрмаса кўнгли тинчимайди», дейдиганлар ҳам топилади. Еутун гап шундаки, ана шу даласидан нарига бормай, ғўзалар ичида юрган, тиним билмаган кишини топиш қийин бўлди. Кимдан сўраманг, «қо-қозир шу ерда эдилар...» дейди-да, кетидан «бир жойда турмайдилар, қачон қарасангиз, пайкалда бўладилар» дея қўшиб қўяди, ажабланадиган жойи йўқ бунинг дегандай.

Кун ёйилган. Кўримсизгина, аммо нимасидир ўзига тортиб турган шийпонда ҳеч ким йўқ. Кўримсиз дедим. Ҳа, шундай. Баъзи серқашам, ялтироқ, кўрманга қуриб қўйилган, одамлар унинг атрофида ўтириб овқатланадиган, дам оладиган шийпонларданмас. Нимасидир ўзига тортиб турибди: озодалиги, йиғинчоқлиги. Ёнларига скамейкалар қўйилган узун столларнинг устига клеёнка дастурхонлар ёзилган, чойнак-пиёлалар йиғилиб тахлаб қўйилган. Радиода концерт. Шийпон ёнида бак қайнаб турибди. Ҳамма ёққа сув сепилиб, супурилган. Лиммо-лим тўлиб оқётган ариқнинг нариги томони — пахтазор денгизидан шабада эсиб турибди. Бу ердаги ҳар бир нарса — чанглари ҳозир артилгандай йилтиллаб турган репродуктор ҳам, столга ёйилган китобчалар, девордаги плакат, ариқ лабидаги чойнак-пиёлаларгача бари кат-

та бир оилани эслатади. Уй бекаси катталарни хизматга, кичикларни мактаб, боғчаларга кузатиб дастурхонни йиққан, ҳовлини супуриб, ҳамма ёқни саранжон-саришта қилган. Мана бу эсиб турган шабада эса ҳозир шу хонадоннинг каттаю кичиги кўз илғамас пахтазорнинг ҳар қаср-ҳар қаерида баракали меҳнат қилаётганидан дарак бериб, қулоғингизга пичирлаб тургандай.

Шийпоннинг ёнгинаси пахта қабул қилиб оладиган ва уни қуритадиган катта супа. Ҳаммага таниш ва кўзга яққол ташланадиган бу супа беихтиёр қоп-қоп, қанор-қанор пахта тўкилаётган дақиқани эслатади. Бир кунда бир неча жойда бир неча марта кўрсангиз ҳам шу — кўз олдингизда пахтадан улкан кўрпа тўшалгандай бўлади. Ҳа, оз қолди. Ариқнинг нариги бетидаги яшиллик бериги бетидаги майдонда бутунлай оқариб, ястаниб ётганини кўрамиз, ҳадемай.

Супанинг наригидаги бинодан бир йигит чиқиб келди. Коржомаси ва қўлларигача мой бўлганидан билагини тутиб сўрашди.

— Ҳо-ҳозир тушиб кетувдилар-а... Нариги картада бўлсалар керак, — деди йигит.

Уша томонга югурдик. Уч жойда тўхтаб суриштирдик. Худди бекинмачоқ ўйнагандек. Биз борсак, Туроб ака нариги участкага ўтиб кетган бўлар эди. Топиб бўлмади. Вақтни ўтказмаслик учун кечқурун, ишдан бўшаганида идорада учрашмоқчи бўлдик. Қўшни колхозга ўтдик.

Бу сафар ҳам иш ўнгидан келмади. Кечқурун узоқ вақт кутдик. Туроб акадан дарак бўлмади. Бу орада орқаворатдан Туроб ака ҳақида кўп гапларни эшитдик. Колхоздагина эмас, қўшнилари даласида ҳам, дастурхонида ҳам пахтадан гап очилар экан, Туроб акани тилга олишарди. Биров унинг тиниб-тинчимаслигини гапирса, биров миришкорлигини мақтарди. «Онаси пахтакор қилиб туққан» дейишарди. Эрталаб бригада ерларини айланиб, ғўзаларнинг гуркираб ўсаётгани, баъзи жойларда уч-тўрттадан кўсаклар диркиллаб турган тупларни кўрганимизда, бригада аъзоларининг баъзилари билан суҳбат қилганимизда ҳам худди шунга ўхшаш гапларни эшитдик. «Айниқса, ҳозир эгатдан чиқмайдилар. Авжи ҳосил тўплайдиган пайтда қилт этган ўт-ўлан бўлмаслиги керак», дейдилар.

Эртасига тонг пайтда етиб келдик. Шийпон ва унинг атрофига кечадан буён гард қўнмагандек. Сепилган сувни ҳали ер шиммабди, қуёш қуритмабди. Дастурхонлар ёзиғлиқ. Чой қайнаб ётибди... Шийпонда ўн тўрт ёшлар чамасидаги жиккаккина бола скамейка устига чиқиб, радио қулогини бурамоқда эди. Бизни кўриб сакраб пастга тушди, оёқ босган жойини артди. Салом берди. Биз дарров мақсадга ўта қолдик. Бригадирни сўрадик.

— Боя эди... Нариги картага ўтгандирлар... — деди бола қўли билан биз келган томонни кўрсатиб, — келиб қоларлар...

— Воланинг охириги сўзлари бўшгина чиқди, бизнинг кўнглимиз учун шундай дегани сезилиб турарди. Ўзига қолса: «Овора бўлибсизлар, топаман деб!..» дерди баралла.

Боланинг шахтини қайтариб бўлмади. Скамейкага ўтирдик. Шийпон тугул, ҳали дарахт учларига ҳам қуёш мўраламаган, ғир-ғир шабада эсиб турарди. Болакай дарров чойнакни ариқдан чая бoshлади. Афтидан, чой дамламоқчи.

— Шунақа барвақт нонушта қилишадими? — сўрадик боладан.

— Йўқ.. Ҳали нонушта қилганимиз йўқ, вақтли-ку.

— Ким бўлиб ишлайсан?

— Чойнак қопқогини латта билан артаркан, уялди, юзлари қизарган ҳолда жавоб қилди:

— Ердамчи.

— Кимга?

— Опамга.

— Опанг ким бўлиб ишлайди?

— Ошпазлар.

Шийпоннинг озода-саришталиги, асбоб-буюмларнинг жой-жойдалигида шу боланинг ҳам ҳиссаси борлиги сезилиб турарди. Туроб аканинг қаердалигини аниқлаб бўлмагач, ўрнимиздан қўзғалдик, бола кўзларини жавдиратиб қолди, ўз қўли билан чой дамлаб, қуйиб бермоқчи, мезбонлик қилмоқчи эди, бўлмади, тарвузи қўлтиғидан тушиб, қуруқ чойнакни ушлаганича:

— Келинглар, — деганини эшитиб қолдик.

Бригада ерларини ёқалаб, идорага бордик. Раис Тўйчи ака икки томонга одам юборди, бўлмади, бу

орада колхоз ҳақида анчагина гаплашиб олдик. Гап айланиб, яна Туроб акада тўхтади. Бироқ ўзидан дарак йўқ эди.

— Биргалашиб тузганмиз колхозни, — деди раис Тўйчи Тожибоев, — роса ўттиз йил бўлипти, шунга. Барака топсин Туроб ака, азамат экан. Шу давр ичида нари-бериси билан уч йилча раис, ҳосилот бўлганини ҳисобга олмаганда ўттиз йилдан буён бригадирлик қилади. Колхоз янги тузилганда ҳам, кейинги ташкилий даврларда ҳам, Улуғ Ватан уруши йилларидаги энг оғир пайтларда ҳам бир ўзи уч-тўрт азаматнинг юкини кўтарди. Ана...

Туроб ака кириб келди. Сўрашдик. Ўрта бўй, унча ориқ бўлмаган гавдаси абжир, қадам ташлашлари ёшлардек тетик бу одамнинг ёши олтмишдан ошганига ишониб бўлмасди. Пешонасидаги турмуш тирноғининг изларигина бунинг гувоҳи эди, жолос. Офтобда тобланган юзлари қип-қизариб турар, лаблари иссиқдан қовжираганга ўхшарди. Баҳорда ерга қадаладиган чигит донасини тишлари орасига олиб чақиб синаган, тупроқнинг майинлигини эзгилаб кўрган, кетмон кўтариб, қамчи ушлаган, ниҳоят, кузакда, бўлиқ кўсакдан бир сиқим пахтани суғуриб олган, оппоқ момиқни чангаллаб кўриб, тўқ чигитни яна тиш орасига олиб борган бармоқлар, қадоқ бармоқлар стол чизиб, гапимизга кўмаклашарди. Биз, ҳали ҳеч нарса демай туриб, Туроб ака ўзидан-ўзи гапира кетди.

— Кеча кечқурун йўқлатипсизлар, оғирроқ участкамиз бор эди, ўша ерда қолиб кетдим.

— Айтдим буни, — деди раис.

— Чап бериб юрибсиз. Туроб ака, яшириб нима қиласиз? — деди ўтирганлардан кимдир ҳазиллашиб.

— Чап берсам, бермасам, бизда ҳам бор ўшанда қалари.

— Олтиталиги-я?

Туроб ака индамай қолди. Ўтирганлар бир-бирларига қараб олишди. Ҳазилнинг таги зил чиқиб қолди. Гап бориб кечаги воқеага тақалди.

Район партия комитетининг секретари Мойисей Васильевич Ким куни бўйи бизларга ҳамроҳ бўлди. Эрталаб у бизга машинасининг орқа томонига ташлаб қўйилган бир туп ғўзани кўрсатди. Илдизи билан суғуриб олинган бу тупда олтита кўсак бор эди.

Мойсей Васильевич «Политотдел» колхози идорасига кираётганимизда гўзани қўлига олди. Тўғри бориб колхоз раиси Ман-Гим Хванга кўрсатди. Қаранг-а, районнинг серҳосил, илғор колхозининг раиси гўзани кўриши билан бир хил бўлиб кетди. Қўлига ҳам олмади, у бир қарашдаёқ нечта кўсаклигини пайқаганди. Раиснинг авзойини сезган Мойсей Васильевич гўзани секин деразага қўйиб, ҳеч гап бўлмагандек ўтираверди. Кечга томон эшитсак, райком секретари жўнаши ҳамона, раис тўппа-тўғри пахтазорга қараб кетибди.

«Правда» колхозининг далалари ёқалаб борарканмиз, кенг пахтазорнинг ўртасида колхоз раиси Иван Антонович Цойни учратдик. Мойсей Васильевич бояги гўзани унга ҳам кўрсатди. Кекса, тажрибали деҳқон Иван Антонович гўза тупини қўлга олиб ҳавас билан унга тикилди. Кўсакларини битталаб ушлаб кўрди, гулларини санарди. энг учидан бир энлик чимчиб олиб, узиб ташлади, чеканка қилди.

— Қаердан?

— Юқори Чирчиқдан.

Ҳаммамиз кулиб юбордик, раис ҳам куларди, ҳам сўраганидан пушаймон эди. Айтмаслигини биларди-я, сўраб нима қиларди.

— Бизда ҳам топилиб қолади,— деди у оҳиста.

— Қани, қаерида?

— Ҳа, энди, қидириш керак-да.

Яна кулги кўтарилди. Раис тупни қўлида ушлаганича ҳамон ҳавас билан унга тикиларди.

— Барака топсин, ҳозирки олтитадан тугдирибдими, марра ўшаники.

Раис билан хайрлашдик. Мойсей Васильевич гўза тупини машина орқасига ташлаганича, кечгача қўлига олмади ҳам, бировга кўрсатмади ҳам. Аммо мана шу икки раисга кўрсатгани ҳақидаги хабар колхоздан колхозга тарқалибди, тилдан-тилга ўтибди. Ҳозир Туроб акага қилинган ҳазилнинг тагида ҳам ана шу гап ётарди. Деҳқоннинг орияти кучли бўлади. Туроб ака ҳам шу топда худди Мойсей Васильевич унга ҳам ўша тупни кўрсатиб, «Хўш, Туроб ака, бунга нима дейсиз?» дейётгандай ҳис қиларди ўзини.

— Олтита бўлмаса ҳам, уч-тўртталиги бор,—

деди Туроб ака, — хуллас, мана шу ойда зўр берган ютади, сал бўшаштирган бой беради-да.

— Ўт қалай, ўт? — тўсатдан сўраб қолди раис.

— Тозалашяпти. Мен ҳам ўша билан овора эдим... — Туроб ака шундай деб бизга қаради, — Асад кирди. Ота-боболаримиз Асад — гўзангни ясат деганлар. Гўзани ясатиш дегани нимаси? Ясатишнинг маъниси шуки, аввало унинг, ўзини бегона гиёдан тозалаб, пок қилиш керак. Ана ундан кейин потирлатиб кўсак тугаверади, деҳқончасига айтганда, гўзанинг Асадда кийган либоси шу бўлади. Озиқлантириш ҳам, суғориш ҳам, ишлов ҳам вақтида бўлиши шарт. Шундай қилинганда мўлжалдаги ҳосил қўлга кираверади.

Бир юз йигирма икки гектар пахтазор. У бошидан Су бошига бориб келунча гўза неча бор товланади ахир. Туроб ака билади шуни. Кеча кўриб келган пайкалидаги гўзалар бугун қай аҳволда-ю, эртага қанақа бўлади, у турган жойида айтиб бераверади.

— Колхозларнинг техникага эга бўлиши, нима десам экан, қишлоқ хўжалигида беқиёс катта ўзгариш ясади. Мана, ўзингиз кўриб турган иккита звено — икковида ёш, эпчил, ишбилармон йигитларимиз бор. Аҳмад Ҳусанов ҳам, Деҳқон Абдуқодиров ҳам бири биридан ўтаман дейди. Қайси бири олдинда дейсизми? Иккови ҳам...

Ўтирганлар кулиб юборишди.

— Ахир сал бўлса ҳам бирови олдиндадир-ку.

— Йўқ. Иккови ҳам олдинда, — дейди сўзини такрорлаб Туроб ака. — Бирини мақтаб, бирини ерга урсам инсофдан бўлмайди. Камчилиги бўлса бригаданинг ўзида ҳал қилиб оламиз... Мундоқ ўйлаб қаранг-а, мана шу жазирамада бутун ишнинг оғирини шулар қиляпти. Қизимиз-ку, аллақачон терим машинасини ўрганиб олди, — Туроб ака қўли билан девордаги плакатни кўрсатди. Унда кўҳликкина бир қизнинг — Урби Абдуқодированинг портрети бор эди.

Урбийо звено бошлиғи эди. Республикамизда турсунойчилар ҳаракати бошланганда ёш пахтакор ўз бригадири ҳузурига келди:

— Туроб ака, мен ҳам пахта териш машинасини ўргансам.

Қизнинг қалбидаги жўшқинликни дарров пайқа-

ган Туроб ака унинг галини охиригача ҳам эшитмади.

— Тўғри ўйлабсан, қизим. Яхшилаб ўрган, ўзимизнинг бригадада терасан, маъқулми?— Қиз севишиб кетди, шу кундан бошлаб янги касб қучоғига отилди. Мана ҳозир Урбиой янги пахта териш машинасини мукаммал ўрганиб олди. Бригада ерининг ярмидан кўпи яхлит, машина теримига мосланган. Бу йил бригаданинг ўз теримчиси теради бу пахталарни. Урбиой пўлат машинасини шайлаб, стартда турибди.

Туроб ака ишнинг оғири механизмлар зиммасига юклангани, механизаторлар эса колхоз ишлаб чиқаришининг асосий кучи эканлигини мамнуният билан сўзлар экан, худди шу ерларда киши бошига бир гектар, баъзи жойларда ундан ҳам оз ер тўғри келганда ҳам ҳосил ҳозиргисидан анча паст бўлгани кўз олдингизга келарди. Энди-чи? Ҳар кишига тўрт гектардан тўғри келади. Шунда ҳам сарф қилинаётган меҳнат аввалгисидан кам, ҳосил эса анча ортиқ. Бригада ўтган йили гектаридан ўттиз беш центнердан ҳосил кўтарди.

— Тағин ҳам парваришни етказолмадик. Бўлмаса, уч-тўрт центнер оширишнинг иложи бөр эди,— дейди Туроб ака.

— Ҳиссасини бу йил чиқарарсиз?

Туроб ака сукут сақлар экан, раис жавоб қилди:

— Ҳиссасини дейсизми? Ҳақини қўймайди Туроб ака. Айтдим-ку, ўттиз йилдан бери бригадир бўлиб, бирон йил ўттиз центнердан кам олганини билмайман. Албатта, у пайтларда бригаданинг ери ўттиз-қирқ гектар атрофида бўлар эди... Ҳозир-чи? Қаранг, кичикроқ бир колхоз дейсиз. Қирқ бешдан кўтармоқчи.

— Қирқ беш? Қирқ икки центнердан эмасмиди?

— Тўғри. Ҳозир тушунтириб бераман,— деди Туроб ака ва ён томондаги стулда ўтирган район ижроия комитетининг раиси Йўлдош Иброҳимовга ўгирилди,— фурсатдан фойдаланиб бир нарсани айтмоқчиман, Йўлдош ака, кечаги йиғилишни яхши ўтказдинглар, шундай қилса бўлар экан-ку. Бригадирнинг руҳи ҳам кўтарилади, билмаганини билиб олади, тажрибасини ўргатади. Қуруқ ваъзхонликдан не фойда.

Яхши ташаббус, пухта ўйлаб ўтказилган тадбир

ҳамма вақт қўллаб-қувватланади, кишиларда меҳнат завқ-шавқини алангалатиб юборади. Районда ўтказилган бу йиғилиш ана шундай кўтаринкиликка сабаб бўлдики, Туроб ака ҳам ҳозир шуни айтяпти.

...Эртага жонажон партиямиз Марказий Комитетининг пленуми очиладиган кун. Кечки пайт. Радиодан пленум шарафига тортиқ қилинган меҳнат совгалари — рапортлар эшитилиб турибди. Колхознинг шинам шийпонида, ҳовуз лабидаги чорпоёда кўрпачалар устида пахта бригадаларининг бошлиқлари, агрономлар, партия ташкилотларининг секретарлари, раислар ва уларнинг механизация бўйича ўринбосарлари чой ичиб, гурунглашиб ўтиришибди. Бу ўтириш расмий мажлисга сира ўхшамасди, шу билан бирга тўй-томошадан ҳам фарқ қиларди. Пахта усталари Нурмамад Имомов, Ким Ден-Нак, Раҳимахон Давидовалар қаторида «Ленинизм» колхозийнинг бригадири Туроб Ҳамроев ҳам ўтирарди.

Одатдагидек узундан-узоқ доклад бўлмади. Чой устидаги суҳбат деб аталган бу йиғилишда ҳар ким ўз тажрибасини гапирди, гап орасида билмаганини сўраб олди, луқма ташлаганга жавоб қайтарди. Агроном ўз маслаҳатини берди, механизатор машинасининг «саломатлигини» айтиб берди. Ҳар бир бригадир ана шу ўтиришда ўз имкониятларини чамалаб, эртага очиладиган пленум шарофатига қўшимча центнерлар беришга ваъда қилди. Районда «Чой устидаги суҳбат»гача мажбурияти қанча эди-ю, ундан кейин қанчагача ошди?» — деган иборанинг тарқалиши шу ердан бошланди. Суҳбат анчагача давом этди ва жуда мароқли ўтди. Утирганлар худди бир оила аъзоларидек, борини баҳам кўрадиган, йўғига қарашадиган бўлиб тарқалишди. Бу суҳбатдан шундай таассурот қолдики, колхоз ишлаб чиқаришининг асосий командирлари бўлган бригада бошлиқлари билан тез-тез ана шундай тажриба алмашиш суҳбатлари ўтказиб туриш ниҳоятда зарур экан. Агар район ташкилотлари каноф ва маккажўхори экувчи бригадирларнинг суҳбатини ҳам ўтказсалар яхши бўлур эди. Туроб ака ана шу ўтиришда бригада аввалги мажбурияти устига яна икки центнер қўшганини айтган эди. Ғўзанинг шу кеча-кундуздаги ривожини — Асадда кийган либоси бемалол қирқ беш центнерга етказиш имконини бе-



ради. Туроб аканинг қирқ бешга бел боғлагани ҳам шундан.

Туроб ака яшил денгиз соҳилидан оҳиста юриб, узоқлашди. Онда-сонда энгашар, ўт юлиб олар, яна йўлида давом этарди. Бораркан, атрофида тўхтовсиз шитирлаётган товуш — кетма-кет тугилаётган кўсакларнинг шўхлиги кекса деҳқоннинг дилини қувонтирарди.

*Июль, 1960 йил*

Хаёл тизгинини тутқизмай олиб қочар, тоғу тошлардан ошиб, дарёлар кечар, шаҳарлар кезиб, йилларни ҳатлаб ўтар, айланиб келиб, «Наво»да тўхтарди. Бир куй чалиниб бўлгунча оламини кездирди у.

Налибой куй тингларди. Уста Жўрабек танбур чертарди. Налибой кўкрагини столга, чаккасини кафтига қўйиб, деразадан узоқ-узоқларга тикилганича бутун вужуди қулоқ бўлиб «Сурнай навоси»ни тингларди. Тингларкан, хаёл тиним бермасди, куй билан ўчакишиб, бошқа тёмонга олиб қочарди. Налибой беихтиёр унга эргашарди: ёшлик чоғлари, отасига эргашиб далага чиқиб кетганлари, мол боқиб юриб, тун қоронғусигача аллақаяқларда тентиб юрганлари... Мактаб... Ёзги саёҳатлар, ширин дамлар... Юрт бошига тушган оғир кулфат... Украина ерларидаги даҳшатли жанглар, чекинишлар, эҳа, қанчалик оғир эди орқага чекиниб, бутун-бутун шаҳарларни ташлаб чиқиш... Харьков, Брянск ўрмонлари... Кейин Венгрия, Руминия, Польша, Германия тупроғидаги жанглар. Висла, Одер сувларининг қизғиш кўпиклари... Ғалаба куни бир умр эсан чиқармиди... Бутун қишлоқ ҳув анави кўриниб турган катта йўлга чиқиб кутиб олган эди ўз баҳодирини. Қишлоқ аҳли шу зайлда кўпларни кузатди-ю, ҳаммасини кутиб олишга муяссар бўла олмади. Уруш урушлигини қилди. Налибойлар қайтиб келмаганларнинг ҳам ўрнини босиши керак эди. Шундай қилишди ҳам. Толиққан ер куч-қувватга тўлди, нураган иморатлар қадини ростлади, хўжаликка ба-

рака кирди. Мана ҳозир шу оқариб турган бепоён пахтазор эл-юрт хирмонини тиккайтираётган экан, Налибойларнинг пешана тери, олий ҳиммати туфайли. Аҳмаджон, Акабой, Алибойлар телевизор экранидан туриб камсуҳанлик билан элу юртга планимизни ба- жардик, деб рапорт беришган экан, бу бутун хўжалик ишчиларининг ҳиммати туфайлидир... «Хўш, — ўй- ларди ўзича Налибой, — бунга, «Наво»нинг нима дах- ли бор?»

Налибой бу саволга жавоб топиб улгурмаган ҳам эдики, хонага одамлар кириб келишди. Налибой иш қизигида маишат қилиб ўтирган кишидек хижолат бў- либ, дарров приёмникни ўчирди, хаёли қочди.

— Ийе, нега ўчирасиз, баландроқ қилинг, — деди кирганлардан бири унга далда бериб.

— Ғолибларга атаб бериляпти. Налибой ака, сизга бағишлаб эшиттиришяпти шу куйни, — деди яна бири.

Шундан кейингина радионинг қулоғини сал бураб қўйди Налибой. Хонага кирганлар Налибой билан «Ҳорманг, муборак бўлсин», дея қўл олишиб сўра- шишди. Аммо келганлардан бири, кўринишидан район ташкилотларидан бирининг ходими бўлса керак, На- либойга дабдурустан:

— Пахта ҳали қўл урмагандек оппоқ бўлиб ётса, ачинмайсизми, қаранг! — дея дағдаға билан дераза- дан далани кўрсатди.

Ўртага ноқулай бир жимлик чўкди. Ҳамма бир- бирига қараб олди. Уларнинг бу қарашларидан «бу пўписами ё ҳазилми?» деган маънони англаш қийин эмасди. Биров кулди, биров бепарво дераза томонга юз ўгирди. Налибойнинг энсаси қотди, босиқлик би- лан илжайиб қўя қолди. Пахтага «ачинаётган» ўртоқ ўнғайсиз қолганини сезиб қўшиб қўйди:

— Энди, бир чеккаси вазифамиз-да...

Бу ўртоқнинг лавозими, исм-шарифларини келти- риб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бундайлар — ишни бойил қилиб қўйганда ҳам «ҳорманг» дейишни билмайдиганлар — баъзан топилиб туради, кўнгилни хира қилишдан бошқани билмайди. Ахир, ҳамма туш- ликка чиқиб, дам олаётган пайтда ҳам идорадан кет- май, тўхтаб қолган машинанинг ташвишини қилаёт- ган Налибой сингари асл деҳқонларга «пахтага ачинмайсиз» деб бўладими? Инсофданми?

Одамларнинг авзоини пайқадими ёки бўлган-тургани шунақа паллартишми, ҳар қалай у узоқ ўтирмади, «хайр» деб чиқиб кетди.

«Наво» аллақачон тугаган. Аммо Налибойнинг чеҳрасида куй таъсири, хаёл паришонлиги аримаган кўринарди. Фақат ҳалиги диди хиралик аллақандай кўланка ташлаб турарди.

— Пахтамиз ҳали кўп, — деди бирдан тетикланиб Налибой, — ваъдамизни ҳам бажарамиз, — ўрнидан турди у, — шундайми Муҳаммад, Алибой. Нега индамайсанлар. Мана, қаҳрамонлар деб шуларни айтса бўлади. Мана буниси-ку, бригадани ташлаб чиқиб кетди, — деди у Муҳаммад исмли ориқдан келган йигитга ўгирилиб.

Муҳаммад уялинқираб ерга қаради. Бошқалар бўлиб ўтган воқеани эслаб кулиб юборишди.

— Аммо ёмон қилмади, — деди партком секретари Иброҳимжон Муҳаммадни қувватлаб, — мана, мустақил звено принципининг афзаллигини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

...Ўтган йилнинг кеч кузаги эди. Совхоз партия комитетида ўтказилган йиғилишда ишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинарди. Шунда, кекса пахтакор Акабой ака Шукруллаев бошлиқ бригадада звено бошлиғи бўлиб ишлаётган Муҳаммад Дадаев шартта ўрнидан турди-да: «Мени бригадирсиз, мустақил звено бошлиғи қилиб тайинлашларингизни сўрайман», деб қолди. Дабдурустан айтилган бу сўз ҳаммани ҳайратда қолдирди. Еиров «Муҳаммад Акабой ака билан чиқиша олмай қолипти» деса, биров «у ҳам бир нарсани ўйлаб айтаётгандир» дерди, яна бири «ўзидан каттани кўп орасида беҳурмат қилмай, кейинчалик айтса бўлмасмиди?» деди. Олағовурни Муҳаммаднинг ўзи босди:

— Ишонаверинглар. Сўз субути билан дейдилар. Катта оғизлик қилаётганим йўқ. Акабой ака мени тўғри тушунарлар, деб ўйлайман.

Муҳаммадга тикилиб ўтирган Налибой у гапини тугатиши биланоқ, ялт этиб директорга қаради. Аҳмаджон бўлса ич-ичидан хурсанд бўлиб ўтирарди, «болади» дегандай Налибойга кўз қисиб қўйди. Налибой шу топда райондаги кўп хўжаликларда комплекс механизациялашган звенолар ташкил этили

кенг қулоч ёяётганини, худди Муҳаммадга ўхшаган лафзи ҳалол йигитлар, сўзининг устидан чиқадиған қиз-жувонлар сафи кенгайиб бораётганини кўз олдига келтирди. «Қани, энди ким даврага чиқаркин?» дея кўнглидан ўтказди у.

Акабой ака чуқур ўйга толған эди. Кўпни кўрган миришкор деҳқон, совхознинг пешқадам пахтакорлари-дан бири Акабой ака ҳосилни ошириш йўлида ни-майки янгилик бўлса, дарров пайқаб оладиган, ишга соладиган одам. Неча йилдирки, у бошчилик қила-ётган бригада сурункасига ўтгиз центнердан ҳосил бериб келяпти. Шундай экан, нега энди у Муҳаммад-га ёқмай қолипти. Ахир Муҳаммад мукофотга «Мос-квич»ни қайси бригадада ишлаганда олди? Шу Ака-бой ака бригадасида эмасми? Нега энди унинг юзига қараб, «мен сиз билан ишламайман» дейди. Акабой ака шуларни кўнглидан ўтказди-ю, аммо айтмади. «Майли, унинг ҳам шаҳди қайтмасин», дегандай ин-дамай ўтираверди. Индамагани ҳам яхши бўлган экан. Муҳаммаднинг ташаббуси бошқаларга ҳам маъ-қул тушди, шу йиғилишнинг ўзидаёқ бир нечта зве-нонинг бошлиқлари комплекс механизациялашган мустақил звено усулида ишлашга аҳд қилишди.

— Бунни мен кўпдан бери ўйлаб юрардим,— дейди Муҳаммад,— ўша кезларда қўшни хўжаликларда ҳам ана шундай комплекс механизациялашган звенолар ташкил этилаётганидан хабардор эдим. Кўп звено бошлиқлари билан суҳбатлашдим. Орадан сал ўтмаёқ бутун районда ана шундай звенолар саккиз юзга етибди. Мустақил звено бўлиб ишлаш, мана, ўз нати-жасини кўрсатди. Звеномиз Акабой ака бригадасидан уч кун олдин планни бажарди. Яна камида ўн икки центнердан пахта топшироқчимиз.

— Акабой акадан ўзиб кетдим дегин,— деди На-либой.— Биз ҳам келаси йили мустақил звено бўл-моқчимиз, фақат бригадиримиз хафа бўлмасалар бўл-гани.

Налибой ҳазиллашиб шундай деди-ю, аммо дили-дагини айтди. Мустақил звено бўлиб ишлашнинг аф-заллиги ҳаммани қизиқтириб қўйганди.

Баъзи иккиланганлар бу звеноларнинг ишини йил бошиданоқ кузата бошлади. Чиндан ҳам мустақил звеноларда чигит экиш ҳам, ундириб олиш ҳам, су-

ғориш ҳам, парваришlash, қўйинги, барча иш унумли, сифатли борарди. Ҳар бир ишчининг моддий манфаатдорлиги меҳнатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди, масъулиятни оширди. Оқибатда мустақил звеноларнинг ҳаммасида мўлжалланганидан кўп ҳосил етиштирилди. Бугина эмас, ҳосил муддатдагидан эрта етилиб, эрта йиғиб-териб олинди. Муҳаммад Дадаев бошлиқ механизациялашган мустақил звено 55 гектарнинг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил кўтариб, планни биринчи октябрдаёқ бажарди. Звено яна камида 12 центнердан ҳосил топишмоқчи.

Совхознинг Налибой Жўраев бошлиқ иккинчи бўлимидаги 18 звенонинг ҳаммаси пахта топириш планини 21 иш кунда бажарди. Пахтанинг 65 проценти машиналарда териб олинди. Бўлим ишчилари ҳар гектаридан яна 7 центнердан пахта топириб, ҳосилни 30 центнерга етказиш ниятида. Ун кун ичида планни бажарган Налибой Жўраев бошлиқ звено ҳосилни қирқ центнерга етказишни мўлжаллаётти.

Тажрибали пахтакор Ҳаким полвон Бегматов ўтган йили бригадага бошчилик қилган эди. Янги ташаббусга қўшилган Ҳаким полвон бу йил бригадирликни ташлаб, мустақил звенога бош бўлди. Бу звено ҳам машина билан ўн бир иш кунда планни бажариб, ҳозир пландан ташқари пахта топириятти.

Мўл ҳосил катта даромад келтирди. Иккинчи бўлим ҳисобчиларидан бир оиланинг ўртача йиллик даромадини ҳисоблаб беришларини илтимос қилган эдик. Чўт қоқиб ўтирган йигит ялт этиб, ака-ука Жўраевларга қаради. Улар ўз оила аъзолари билан қилган меҳнатлари эвазига ўрта ҳисобда ўн икки минг сўмга яқин даромад қилишар экан.

— Ошириб юбордингиз афтидан,— деб қолди Налибой ҳисобчига қараб кулиб,— жудаям бунчалик эмасдир.

— Ҳали бу ҳисобга,— дейди ҳисобчи,— сиз оладиган мукофотлар кирмайди.

Совхозда катта даромад оладиган бундай оилаларни кўплаб кўрсатиш мумкин.

Ўтган йилнинг эрта баҳори эди. Бир йиллик совхоз директорлари тайёрлаш курсини тамомлаган Аҳмаджон Дўстбоев Бўкадаги Пскент совхозидан ажраб чиқ-

қан янги хўжаликка — 2-Пскент совхозига директор қилиб тайинланди. Авваллари бўлим бошлиғи, агроном бўлиб ишлаб келган Аҳмаджон учун бу катта ва масъулиятли вазифа эди. У ўзи билан бирга ўқиган ва шу совхозга бош агроном қилиб тайинланган Йўлчи Тошпўлатовни ёнига олиб, хўжалик билан танишаркан, уни ваҳима босарди, ишни қандай ташкил этишни билолмасди. Совхозда устахона йўқ, машина-механизмлар етишмайди. Бунинг устига вақт ўтиб боряпти...

Аҳмаджон Налибой, Акабой ака сингари тажрибали пахтакорлар ҳузурига борди, бор имкониятлардан фойдаланиб, ҳар қандай бўлганда ҳам экишни жадал бошлаб юбориш чорасини кўришди.

— Анча оғир бўлганди ўшанда, — дейди Налибой ўтган баҳорни эслаб, — Аҳмаджон совхознинг тажрибали деҳқонларига суяниб, ўшалар билан бамаслаҳат иш кўриб, жуда тўғри қилди. Совхоз коммунистлари айниқса, экиш даврида ўрناк кўрсатиб ишлашди, совхоз ишчиларига намуна бўлишди.

Янги хўжаликнинг биринчи йили ниҳоятда оғир шароитда ўтганини ёшу қари эсдан чиқармайди. Пахта кеч етилиб, терим ҳам кеч бошланди, ноябрнинг охирларига бориб, план тўлдирилди. Пахтанинг кўп қисми қўлда терилди. Машина терими зўрға 40 процентни ташкил этганди.

Бу йил яхши тайёргарлик билан бошлангани, вақтида экилиб, вақтида парвариш қилингани туфайли ҳосил тез ва мўл етишди. Теримга пукта тайёрлик кўрилди. Натижада 2600 гектар майдондаги пахтанинг учдан икки қисми машиналарда териб олинди. Пахта тайёрлаш плани 25 иш кунда бажарилди. Совхоз гектаридан яна 5 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олди.

Бўкалик пахтакорлар етиштирилган пахтанинг учдан икки қисмини машиналарда терамиз, ҳосилни муддатидан олдин йиғиштириб оламиз деб, эл-юртга ваъда берган эканлар, 2-Пскент совхозининг лафзи ҳалол азаматлари бу ташаббуснинг пешқадамларидан бўлишди. Комплекс механизациялашган звеноларда 10—12 кун мобайнида пахта плани бажарилди. Налибой Жўраев бошлиқ бўлимнинг 65 процент пахтаси машиналарда териб олинди. Совхоз йиллик пла-

нини 25 иш кунда адо этиб, машина терими топширигини 140 процентга етказди.

Налибой билан пахтазор ёқасида турардик. Дала-нинг нариги чеккасидан тўртта терим машинаси шу томон сузиб келарди. Налибой тикилиб қолди. Машиналар келаётган томонгамас, катта йўлдан кўз узмай, бир неча дақиқа жим қолди. Узоқдан, радиоданми, ўткинчи машиналарнинг приёмнигиданми ёки бирон хонадонданми танбур садоси тараларди, бўлиниб-бўлиниб қулоққа чалинарди. Ёқимли куй Налибойнинг фикр-хаёлини ўзига тортган эди. Уша, ғалаба билан юртига қайтиб, она тупроққа биринчи қадам қўйганида эшитган танбур садоси сира-сира эсидан чиқмас, қачон, қаерда бўлмасин оҳанрабодай ўзига тортарди...

Терим машиналари яқинлашиб, уларнинг овози дала кўкини қоплади. Налибой машиналардан бирини кўрсатди:

— Мана, шу «ХТ»да Налибойлар кунига саккиз тоннага етказиб теришди,— деди у завқ билан,— аммо ўзиям мукаммал машина-да, сира қолдирмайди-я. Омон бўлсак, яна 5—6 йил ўтар-ўтмас мана шу тўкилганларни териб юриш ҳам ғанимат бўлиб қолади. Ҳадемай теримнинг бутун юкини елкасига олади бу машиналар.

Налибой тўғри айтди. Шу бу йил туғилган гўдак мактабга борадиган бўлганида, онаси унга: «Сен туғилган йилинг шунча пахта тергандим» деса, бола ишонмай, онасини масхара қилиб, кулиши турган гап.

22 октябрь, 1965 йил



— Ўзбеклар қанча кишига бошпана бера оладилар?  
Усмон Юсупов ўрнидан турди:

— Қанча лозим бўлса шунча кишини ўз бағрига олади, Иосиф Виссарионович.

Даҳшатли урушнинг оғир кунларида Давлат Мудофаа Комитетида бўлиб ўтган эпизод бу.

Сал ўтмай шаҳримиз кўчаларида ҳар хил миллат, турли элат болаларини етаклаб бораётган Шoaҳмад ака, Баҳри опаларни, опичиб олган Оқилхон акаларни, бағрига босиб бораётган Лутфихон аяларни кўрдик. Аравага юк ортган чол йўл азобидан ҳориб-чарчаган икки аёлни бошлаб, маҳалласига олиб келаётибди. Чойхона олдидаги гулзорда ҳар хил тилда гаплашаётган қариялар, аёллар, ҳали бу даҳшатнинг нималигига тушуниб етмаган гўдаклар чуғурлашиб туришибди. Чойхона тепасидаги болохонага жой ҳозирланаётибди. Бошидаги оймдока рўмоли қийшайиб, бир учи ерга тегай деб бораётган кампир ўз тенги ҳамроҳининг юкини енгиллатиб, битта тугунини кўтариб олганича, ҳаллослаб, жавраб боради: «Бош омон бўлса дўппи топилади, гиргиттон, феъл кенг бўлгандан кейин жой торлиги қаёққа борарди...» Аёл кампирнинг гапига тушунмайди. Раҳмдил кўзларига тикилади, тушунгандай бош ирғайди, унга сари кампир тушунтиришга ҳаракат қилади: «Хорош, хорош... Дил тортдими, тил топилади, майли. Йиғлаган плохо... Мама, сестра...» Ҳамроҳи кулиб, украинча жавоб қилади...

Уша даҳшатли кунларнинг бирида, ғира-шира оқшом пайтида шундай бир воқеа содир бўлганди: Тошкент вокзалига катта эшелонда келган болалардан саккиз-тўққиз яшар Остап синглиси Лесяни олағовурда йўқотиб қўйди. Шу дақиқадан бошлаб, кўзида ёш аримайди, тиними йўқолди, дод солиб йиғлайдиган бўлиб қолди. Болалар уйдаги тарбиячилар қидирмаган жой қолмади, синглиси топилмади. Ниҳоят, болани Маҳкам ака тарбиясига олди. Олди-ю, уйда ҳам тиним бўлмади. Остап турса ҳам, ўтирса ҳам, еса ҳам, ичса ҳам йиғларди. «Онам жон бераётганда, биттаю битта уканг, уни ташлама», деган эдилар деб, ҳамманинг юрагини эзарди. Маҳкам ака болани етаклаб, шаҳар кезди, бормаган жойи, кирмаган кўчаси, қоқмаган эшиги қолмади. Кечга томон трамвайда боришаркан, Остап бирдан «Леся!» деб бақириб юборди. Маҳкам ака болани етаклаб пастга тушди. Остап ғира-ширада кўча бўйлаб «Леся»лаб бақириб борарди. Улар ўртаси гулзор чорраҳага етишганда кўчанинг нариги томонидан «Остап» деган қўнғироқдай овоз эшитилди. Лесяни етаклаб бораётган аёл таққа тўхтади. Бир-бирига туташган кўча ўртасидаги хиёбон кўкида икки норасида жигаргўшаларнинг овози янграб, акс садо бера бошлади: «Оста-ап! Ле-е-еся?» Улар топишишди. Оқшом пардаси қоплаган кўча, хиёбонда қуёш чарақлаб кетди, мисоли.

Акс садоси билан бир қориндан тушган икки қалбни туташтирган мана шу қўнғироқ овозлар ҳамон қулоқларим тагида жаранглаб тургандай... Остап, Лесяларнинг номлари билан атасак арзигулик шу кўча, шу хиёбон, меҳригиё кишиларимизнинг оқибатлари олдида ҳар қандай даҳшатнинг юзи тескари бўлади...

Бўйрадек кулбасини ҳам, туя кўзидек кулчасини ҳам хонавайрон бўлган қон-қардошлар билан беминнат баҳам кўрган тошкентликлар ўша йили шаҳар аҳолисидан бир ярим баробар кўп кишини бағрига олди. Урушдан азият чекканлар ўзбек оғасининг қалбида кулбасини, кўзларида ватанини кўрди. Нафасдек азиз дўстликни ҳис этди...

Мамлакатимизнинг икки ерида — Белоруссия ўрмонзориди, ҳамда Фарғона водийсида Топиболдиев номига қўйилган қишлоқ бор. Бир номдаги бу икки қишлоқ икки халқнинг — белорус ва ўзбек халқи-

нинг дўстлиги, қон-қардошлиги, меҳр-оқибати тим-соли бўлиб қолди.

Ўзбек йигити Мамадали урушнинг даҳшатли кунларида Белоруссия ўрмонларида партизанлар билан бирга жанг қилиб, қон тўкди, оғасининг ерини душмандан ҳимоя қилишда оғир ярадор бўлди. Душман босиб олган ерда, ҳар дақиқада хавф-хатар даҳшат солиб турган бўлишига қарамай белорус аёли ўзбек йигитини ўз бағрига олди. Ярасини даволай бошлади. Улар она-бола тутинишди.

Бундан икки йил муқаддам Белоруссияда ўзбек йигити, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиболдиевнинг белорус онаси билан учрашганини кўрган эдим. Бу учрашувни сўз билан айтиб бериш, ёхуд расмда чизиб кўрсатиш қийин. Уни кўриш керак эди. Мункиллаб қолган нуроний кампир паҳлавон йигитни бағридан қўйиб юбормасди, юм-юм йиғларди. «халоскорим» дерди кампир; «меҳрибоним» дерди йигит. Қалбларни ҳаяжонга соларди, ҳаёт-мамот жангининг даҳшатларини эслатарди бу учрашув.

...Баҳор кунларининг тонг палласида ногаҳон шаҳри азмиғиз ларзага келди. Гул япроғидаги шабнам доналари қуёш бетини кўрмай дув тўкилди. Мусаффо кўкни чанг-тўзон қоплади. Иморатларнинг оёқлари қалтираб, тиззалари букилди, қобиргалари қарсиллаб, кўплари синди. Этлари парча-парча бўлиб жетди, ўпкаси қарсиллади, аммо алғов-далғов бўлган юрак бардош берди!

Азизу мўътабар замин! Она ер! Гардингни кўзларимга тўтиё қилгум, табаррук тупроқ! Сенга на бўлди? Нега бунчалик безовталандинг? Нохуш туш кўрдингу қўрқиб, сескандингми? Ё ўша даҳшатли йил — фарзандларинг орасидан чиққан, одамгарчилик қиёфасини йўқотган, эллар-элатлар, дўстлар-миллатлар орасига низо солиб, сени топтаган, тупроғингни қонга белаган бир гала ёвузлар — фашист йиртқичларнинг одамзот бошига солган кулфатлари тушингга кирди-ю, ғазабдан силкиниб, сесканиб тушдингми? Сени ҳамиша ардоқлаётган миллион-миллион қобил, яхши ниятли, пок қалбли фарзандларинг орасида бир ҳовуч газандалар ҳам бор экану сен уларни ҳам бағрингда олиб юрганингдан хижолатдамидинг? Шулар тушингга кириб, безовта қилдимми? Ахир, азамат фар-

зандларинг ўша фашизм деган иллатдан мамлакатлар, халқларни халос қилганига чорак аср бўлди-ку. Ҳа, дарвоқе, сенинг улкан умринг ҳисобида чорак аср дегани бир кеча ё бир кун ҳисобига тўғри келса керак. Ўша одамлар бошига қирғин солган, неча миллионларнинг ёстиғини қуритган уруш бамисоли кеча бўлиб ўтгану, сен ҳам ҳориб-чарчаб ухлагансан, тушингда шуни кўргандирсан, безовта бўлганингнинг боиси ҳам шундандир. Аммо ўзинг безовта бўлдингу, тинч, осойишта, фароғатда яшаётган миллиондан ортиқ нуфузли азим шаҳарни ҳам алғов-далғов қилиб юбординг-а.

Азиз она ер фарзандларини ҳам бевақт безовта қилиб юборганидан хижолатда эди. Хижолат билан кўзларини уқалар, киприклари пирпирар, қаддини ростламоқчи бўлар... Ниҳоятда эҳтиётлик билан ҳаракат қиларди-ю, ҳар бир ҳаракатида тебраниб турарди...

Ижод аҳли тунларни бедор ўтказди. Кумуш тонгни қарши олмаса кўнгли жойига тушмайди. Нафасдек азиз дўстлик ҳақидаги асарининг янги бобида нуқта қўйиб, ўрнидан турган адиб, очиқ тонг ҳавосида нафас олгани айвонга чиққанида, даҳшатли гумбурлаш билан ер қимирлади. Шароф Рашидов жадал трубкани олди, гаплашди. Кейин шаҳарга кириб борди. Вайронагарчиликнинг ҳисоби йўқ эди. Сочиқ билан бошини ўраб олган ярадорни кўрди, «тез ёрдам» машиналари визиллаб ўтиб турарди, бола кўтариб олган аёллар, қарияларга дуч келди. Шаҳарни айланиб чиқди.

Ногаҳон силкиниш содир бўлган дастлабки соатлардаёқ халқимизнинг қалби, ақл-идроки, раҳнамоси, суянган тоғи — партиямиз Марказий Комитети оёққа турган эди. «Энди нима бўлади?» деган табиий шу билан бирга ҳаётий ташвиш титраётган телефон, телеграф симларидан оқиб, бутун мамлакатга таралар, нафасдек азиз дўстларнинг қалб даъватини — «биз бормиз» деган нидосини олиб қайтарди, мисоли.

Шаҳар харобалари оралаб ўтиб бораётган Леонид Ильич Брежнев, Алексей Николаевич Косигин, Шароф Рашидович Рашидовларга дуч келган ҳар бир киши уларнинг ташвишли ва меҳрибон боқишларида шуни сезиб, ҳис этарди, дадил ишонч билан кўнгли таскин топарди, ногаҳон офат харобалари устида го-

либ солдатдек одим ташларди. Одамларнинг саросимага тушмагани ана шу ишончдан эди. Интизомлилик шундан эди. Ҳар кимнинг одатдагидек дастгоҳи ёнига келгани шундан эди. Ярим соат ичида шаҳар милиция ходимлари ўз постларида пайдо бўлгани, деворлари дарз кетган хонада бошига тахтани соябон қилиб, «Тез ёрдам» телефонлари ёнидан жилмаганлар, транспорт, электр қуввати, радио, сувни тўхтатмаганларнинг ишонгани шундан эди. Шу соатларда бутун мамлакатда нон шаҳри, тинчлик шаҳри, дўстлик шаҳри Тошкент номи такрорланарди. Ҳаво лайнерлари шу томон учарди. Қурилиш материаллари ортган, юртимизнинг узоқ-узоқ шаҳарларига бориши лозим бўлган эшелонлар маршрутини ўзгартириб, шу томон йўл олганди.

Қардошлардан, даставвал катта оғамиз Россиядан, бахтимиз бешиги Москвадан, Ленин шаҳридан, Украинадан, Белоруссиядан; ён қўшнилариимиз Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистондан; кавказлик оғанилар — Гуржистон, Арманистон, Озарбайжондан; Болтиқ бўйидаги азизлар — Литва, Латвия, Эстониядан, молдавиялик дўстлардан хушxabарлар келди: «Бинокорларимиз дов-дастгоҳлари билан йўлга чиқишди...», «Материалларни ҳам ўзимиз олиб борамиз, хотиржам бўлинглар», «Эшелон йўлга чиқди», «Архитекторлар лойиҳа тузишга киришди...»

Азиз ҳамшаҳар! Бундай хатлар, рақамларни бир неча марта ўқигансизлар. Такрорлашга ҳожат йўқдир. Булар-ку бутун-бутун республика, йирик шаҳарларнинг беминнат дўстлиги, оқибати. Айрим кишиларнинг қалб ҳароратларини айтмайсизми. Портфель оламан деб йиғиб юрган пулимни юбордим, болалар боғчаси қурарсизлар, деган қизалоқдан тортиб, маошидан ўттиз сўм пулни ажратиб, «муҳтож кишига беринглар, байрамда боласига кийим олиб берсин» деган ишчигача, опа-сингил пенсионерлар ўз жамғармаларини тўплаб, бутун бир уй сотиб олганлари, уруш йиллари туз тотган шаҳримизга бизнинг кўмагимиз, деб юборганларни айтмайсизми!

Тошкентга бамисоли бутун мамлакат кўчиб келди. Ҳар кўча, ҳар хиёбонда, чорраҳа-майдонда турли тилларда гаплашаётган, гурунг қурган, қўшиқ айтиб,

ўйинга тушган бинокорларни, қардошларни кўрардингиз.

Ер қимирлаган кундан уч ҳафта ўтмаёқ янги Йўлдош шаҳарнинг биринчи иморатига пойдевор қўйилгани — қурилиш суръатининг қанчалик жадаллик билан олиб борилганидан далолат беради. Уч йилда барча қардош республикалар, Москва, Ленинград, Тошкент бинокорлари ҳамкорликда кўлами ва мураккаблиги жиҳатидан қурилишлар тарихида мисли кўрилмаган ишни бажардилар. Янги — дўстлик шаҳри Тошкент қаддини кўтариб, савлат тўкиб турибди. Янги Йўлдош шаҳарлар, янги даҳалар, янги маҳаллар барпо этилди. Қанча уй, қанча мактаб, ошхона, магазин, болалар муассасалари — бу рақамларни сиз яхши биласиз, муҳтарам китобхон.

Йиллар ўтар. Тарих саҳифалари авлод-авлодларга олтимиш олтинчи йил баҳоридаги Тошкент офати ва кишиларимизнинг жасоратини етказар. Ана ўшанда ҳелажак авлод фарзандларига девор ва пештоқларига қардош шаҳарлар номи нақш этилган иморатлар буюк дўстликнинг, ҳамиша нафасдек азиз дўстликнинг жонли гувоҳи, сўнмас тимсоли бўлиб гавдалангусидир.

*Август, 1969 йил*

## ҲАМОН ЮРАКЛАРДА

Байрам арафаси. Бари шундоққина деразам тағига тегиб турган, оппоқ қор чойшабига бурканган тоғ орқасидан тонг ёришиб келмоқда. Дарахтлар, шабада турса думалаб пастга тушиб кетадиган, деразага келиб уриладигандай, хийлага тургандай кўринадиган катта-катта тошлар, ёлғизоёқ йўллар аниқ кўзга ташланади. Ана, харсанг ёнида ётган кийик оҳиста тепалаб кетди. Кетидан бошқалари эргашди, худди тошга ўхшаб, ер бағирлаб ётганлари кўзгалди. Учга, тўртга. Дарахтзор ичидан яна учтаси чиқиб келди. Тунда базм қилганлар ҳам шулармикин? Гоҳ-гоҳида бир-бирларини чақириб тунда гурунг қуришади. Бу ерликлар ҳозир кийикларнинг никоҳ тўйлари авж олган палла, тез-тез базм қуриб туришади дейишади. Ривоятларга қараганда, кийикларнинг базм тантанасидаги «қўшиқлари»ни эмас, ҳатто унинг шунчаки бир-бировини чақирган овозини эшитган киши ҳам юз йил умр кўрармиш. Бу кеча ҳам, худди мана шу арчазор бағрида роса базм қуришди, тонг отиши билан чўққига чиқиб, нариги томонга ўтиб кетишмоқчи, етти-саккизтаси бирин-кетин юқорилаб бораётибди.

Бу манзарага жуда ўрганиб қолдик. Ҳар куни нонуштагача, баъзан нонушта пайтида ким неча буру, нечта кийик кўргани, бири-биридан фарқи, ҳусни-қомати ҳақида суҳбат юритамиз. Баъзан тунда ёхуд тонг палласида тоғ этагидан сал юқорироқ кўтарилиб, томоша қиламиз.

Кийиклар кўпинча шаҳарга тушиб кетаётганимизда йўл ёқасида машиналарга тикилиб турганини кўрамиз. Тунда шаҳардан қайтаётганимизда ҳам шу манзара. Машина чироғи шуъласида худди бизни кутиб олаётгандек оҳу кўзлари чақнаб кетади, кейин эгасини кўриб кўнгли тинчигандек йўлдан оҳистагина четга чиқади ва тикилиб қолади. Бу ерда бугу, кийикларни ов қилиш тақиқланган. Улар ҳам худди қўлга ўргатилган жониворлардек эркин юришади. Ҳайвонот оламининг бу гўзал зоти кўзларининг беқиёс чиройлилиги билан машҳур. Афсоналарда ҳам, шеърятда ҳам оҳу кўзларнинг таърифи жуда кўп мадҳ этилган. Бироқ кийикларнинг фақат кўзларигина чиройлимикин? Жозибадор, ўзига мафтун этади, халосми? Йўқ. Унга тикилиб турсангиз, бутун гавдаси — чиройли тўшидан тортиб белигача, ингичка, чаққон оёқлари, ҳамиша ялтираб турадиган танаси, зийрак қулоқларигача бари гўзал ва бу гўзалликнинг ҳаммаси кўзларида мужассамланган. Инсоният оламида ўз кўзларининг таърифи ва тавсифи баландлигини ўзлари ҳам сезган ва бу билан фахрлангандек, кишига боққанида шунчалик ёқимтой, жозибали тикиладики, сира ундан кўз олгинг келмай қолади, сеҳрлаб қўйгандай бўлади, кейин «бўлар энди» дегандай, бошини оҳиста ёнига ташлаб, шундай бир сузилиб қарайдик, кўзлар боягидан ҳам чиройли, жозибали, шу билан бирга шикаста бир нигоҳни эслатади, орқасидан тикилиб қоласан, киши.

Тонг ёришди. Ҳамон кийиклардан кўз узолмайман. Ана, қояларга, ўрқачларга яқинлашиб, охиргиси кўздан ғойиб бўлади.

Хаёл беихтиёр Тошкентга қараб учди. Озмунча масофами? Дунёнинг бир чеккасидамиз десак, муболаға бўлмас. Уйдан чиққанимизга ҳам бир кун бўлди. Бироқ нима учундир шу кунлар жуда тез ўтиб кетди. Ҳар бир кунгина эмас, ҳар бир соатимиз олам-олам таассуротларга тўла, уларни қай ҳолатда қаламга олиб, қоғозга тушириб бўларкан, деган ташвиш босиб ётибди-ю, ўн бир кун ўн бир соатдай тез ўтганига ҳайронман. Ҳар кун кечқурун, кўпинча тун ярмида қайтамиз, ниҳоятда чарчаган, оёқларни кўтариб босишга, гаплашишга мажол қолмаган ҳолда келамизу, эрталаб ҳеч нарса бўлмагандай барвақт туриб кета-



миз, бизни эркалаётган кийикларни томоша қиламиз. Ҳар куни бизга ҳамроҳ бўлиб юрган дўстларимиз кўриша туриб, «чарчамаяписизларми?» дея ҳол-аҳвол сўрашади, чарчаётганлигимизни яширмаймиз. Бироқ бу чарчоқдан чарчаш эмас, аксинча, борган сари бардам, тетик бўлиб бораётганимизни гаплашамиз. Чиндан ҳам келган кунимиз, Улан-Батор тупроғига қадам қўйган соатимизда мўғул дўстлар қучоқларини очиб, бағирларига олганича ҳамон қўйиб юборишмайди. Ўша аэропортдаги иссиқ чехралар, ўша меҳр, ўша мулозамат, иззат, самимият ҳеч қандай баландпарвоз иборасиз илиқ, қардошлик, меҳмондўстлик билан қуршаб олингандан кейин қандай қилиб чарчайсану, кунларнинг ўтишини ҳисоблаб чиқа оласан. Бундай чарчаш кишига роҳат бахш этаркан.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мўғул дўстлар ҳузурида ўтказган кунларимизнинг ҳар бири биттадан китоб бўлғуси, китоб бўлганда ҳам меҳр-оқибатни мадҳ этадиган, ёру дўстлик, аҳду пайвандликни кўкка кўтарадиган, яхши ниятли кишиларнинг бебаҳо инсоний фазилатларини, халқлар, миллатлар биродарлигининг буюк қудратини куйлайдиган китоб бўлишига муносибдир. Лекин афсуски, дўстлар диёрида ўтган икки ҳафталик сафар таассуротларини кичик бир лавҳада, лоақал санаб чиқишга ҳам имкон йўқ. Мен фақат бир кун — байрам арафаси кунига баъзи учрашувлар ҳақида гапириб бермоқчиман.

Ҳамон тоғ чўққисига тикилганча хаёлан Тошкентни кезаман. Ахир ҳар қандай бўлганда ҳам байрам кунлар оилангни, айниқса, жужуқларни қўмсайсан, соғинган юраклар тез-тез уриб, улар томон талпинади. Приёмникни бураб, Тошкентни эшитмоқчи бўлдик. Ён-веримдагиларнинг роҳатини бузгим келмади. Телефон жиринглаб қолди. Ўзимизникилар. Байрам билан табриклашапти. Демак, бугун барвақт турган бир мен эмас эканман. Вирпасда коридорда оёқ товуши, гурунг эшитилди. Ҳаммамиз бир-биримизни Улуғ Октябрь байрами билан табриклардик. Бирин-кетин мўғул дўстлар кириб келишди, улар ҳам қучоқлашиб табрикларди. Ҳамроҳларимизнинг бири хат ёзиш, бири табрик телеграммалари юбориш, Тошкент билан телефонда гаплашишга киришиб кетишди. Кимдир, биз бўлган аймақларнинг раҳбарла-

рига байрам телеграммалари юбориб, аратларни табриклашни таклиф этди.

Ҳаммамизга маъқул тушди.

Хоналарда, вестибюлда телефонлар кетма-кет жиринглаб, ҳамроҳларимизни йўқлашар, табриклашга шошилишарди.

Нонуштадан кейин пионерлар ҳузурига боришимиз керак эди. Ҳаммамиз чамадонларимизни титкилай кетдик. Ахир болалар ҳузурига, тагин байрам арафасида қуруқ бориб бўлмайдик-ку. Биров бир ҳовуч значокларни олди, биров китоблар, яна кимдир бир даста откритка, Тошкент кўринишлари, атиргулларнинг анвойи хил навлари, ҳайкалчалар олдик. Делегация аъзоларининг шу топдаги тараддуди арафа бозоридан ўғил-қизларига байрам совғаси олиб бораётганга ўхшаб кетарди. Шуларни кўнгимдан ўтказиб турувдим, Туроб Тўла ёнимга келиб, у ҳам худди шу фикрни айтди. Бир нафас икковлан Тошкентни эсладик.

Қайси бир аймақда ёки сомонда бўлмайлик, кутиб олувчилар қаторида ҳам, кузатувчилар орасида ҳам ўғил-қизлар, пионер-ўқувчилар байроқчаларини хилпиратиб, рус, ўзбек, мўғул тилларида «дўстлик» сўзини такрорлашар, ҳар такрориди кишини тотли ҳаяжонга солишарди. Ўзлари мактабларида кутиб олишганда-ку, асти қўяверинг. Фахрий пионерликка қабул қилиб, бўйнимизга қизил галстук тақиб қўйишади. Қайси ота ё она шу дақиқада бўйнига осилиб, эркалик қиладиган қизалоғи ёхуд ўғилчасини эсламайди, қўмсамайди, кўнгли алланечук бўлиб кетмайди дейсиз? Кейин мўғул пионерларининг худди бизнинг пионерларникига ўхшаган значогини тақиб қўйишади-да, честь беришади. Сиз ҳам честь бериб пионерликни қабул қиласизу, ўзингизни тутиб туролмайсиз. Жажжи қизчани бағрингизга оласиз, пешонасидан ўпасиз, меҳмоннинг эътиборига сазовор бўлганидан қувонган қизча қип-қизариб, уялиб, яна честь бериб, ўртоқлари даврасига югуради, ўз ҳаяжонини ҳовлиқиб гапира бошлайди, фахрий пионер амакига ўғил ёки қизчасини эслатиб, бағридан қочиб келганини билади, дейсизми? Бола — болалигини қилади-да.

Бола! Марҳум Шоаҳмад ака биринчи марта болалар уйига бориб, бола олмоқчи бўлганида, тарбиячи

аёлни қаттиқ койиб бергани сира эсимдан чиқмайди. Тарбиячи отадан неча ёшли бола олишини сўрагану, Шоаҳмад ака: «Барибир», деган. Жинсини сўраган: «Барибир», — деб жавоб қайтарган. Шундан кейин тарбиячи қайси миллат боласини олмоқчи эканини сўраганида, Шоаҳмад аканинг ғазаби қайнаб, койиб берган: «Мен мол бозорига келганим йўқ, синглим. Одам боласини бағримга оламан, деб келдим. Ҳамма миллат боласи бир бола — одам боласи, уқдин-гизми?»

Бола ҳамма ерда ҳам ширин, азиз, бири биридан шўх, ёқимтой, кўҳлик. Дунёнинг нариги чеккасида ҳам шу, бериги қирғоғида ҳам. Худди ана шу ширинтойлар, эркатойлар бугун бизни пионерлар саройида шундай кутиб олишдики, бу маросимнинг ҳар бир дақиқаси ҳаяжонли, унутилмас, қалбларнинг аллақасерини тўлқинлантириб юборадиган, сўз билан ифодалаб бериш қийин бўлган дақиқалар эди.

Улан-Батор пионерлар саройининг қўшқаватли, байрамга безатилган, ўзбек, рус, мўғул тилларида табрик сўзлари ёзилган алвонлар тортилган биноти олдидаёқ саф тортган, қўлларида гул ушлаган пионерлар даврасига тушиб қолдик. Гул, байроқчаларини силкиб, қарсак чалиб, «дўстлик» сўзини уч тилда такрорлаб бизни қаршилаётган пионерлар пастки қаватдан юқори қаватгача жонли коридор ташкил қилишибди. Ана шу коридордан юқори қаватга — катта залга кириб бордик. Бу ерда сарой пионерларининг вакиллари саф тортиб, рапортга тайёр туришарди. Бош пионер вожатий рапортни қабул қилгач, ўзбекистонлик меҳмонларни фахрий пионерликка қабул қилиш маросими бўлди. Кейин пионерлар саройи бадиий ҳаваскорлари тайёрлаган концертни кўрсатишди.

Концерт программаси шу қадар хилма-хил эдики, профессионал ижрочилар қатнашаётганга ўхшарди. Программани олиб бораётган қизча — кулча юзли, ўн уч ёшлардаги Эрдэнэтуяя шунчалик маҳорат билан чаққон ҳаракат қилардики, кўпчилигимиз унга маҳлиё бўлиб қолгандик. У рус тилида, мўғул тилида сўзлаб туриб, ўзбекча рақсни эълон қилди. Атлас кўйлак, дўппи кийиб, сочларини майдалаб ўрган қизлар рақсга тушишганида, бамисоли шахримиздаги пио-

нер саройларидан бирида ўтиргандек ҳис этдик ўзимизни. Концерт анчагача чўзилди. Охири рус тилида «Доимо бўлсин қуёш» ашуласини биргалашиб айтдик.

Бизга пионерлар саройидаги турли тўғарақларнинг ишларини кўрсатишди. Пионерлар саройига бундан ўн йил муқаддам В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги шарафига улуғ халқ хуралининг фармони билан В. И. Ленин номи берилган экан. Беш мингдан ортиқ пионер қатнашадиган бу сарой келажак авлодни муносиб ўғил-қизлар қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Биз, пионерлар саройидан чиқиб, болалар билан хайрлашар эканмиз, улар Ўзбекистон пионерларига салом йўллаб қолишди. Байрам арафаси ўз юртимизда, пионерлар ўртасида бўлганимиздек, қувноқ, мароқли ўтди.

Кундузи делегациямиз аъзолари В. И. Ленин ҳайкали ёнига гулчамбар қўйишда қатнашдилар, Совет Иттифоқи гимни ҳамда дўст Мўғулистон Халқ Республикаси гимни садолари остида улуғ доҳий ҳайкали ёнида унга бўлган меҳр-эътиқодимиз, ҳурматимизни бажо келтирдик.

Кечқурун Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 52 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда қатнашдик.

Бу фақат бир кунлик таассуротнинг қисқа тафсили. Мамлакатимиздан узоқда — дўстлар ҳузурида шонли байрамни худди уйимиздагидек кутиб олдик. Эртага байрам... Яна қанча ҳаяжонли учрашувлар, таассуротлар...

*Улан-Батор — Тошкент*  
*Ноябрь, 1969 йил*

## БИРЛИК

Куз барвақт тушиб, ҳавонинг қош-қовоғи осилди-қолди. Гоҳ шивалаб, гоҳ шаррос ёмғир қуяди. Булут қуёш бетига парда тортгани тортган. Каттадан-кичик — шаҳарликми, қишлоқлик — пахтани йиғиб-териб олиш ташвишида...

Эрталаб редакцияга келсам «Правда»нинг Ўзбекистондаги мухбири В. Вельмицкий мени йўқлатганини айтишди. Телефон қилдим. Келадиган бўлди.

— Дўстим,— деди елкамга қўл ташлаб Вельмицкий,— «Правда»ни Ўзбекистонда чиқарадиган бўлдик.

Уруш йили эмасми, юрагим бир орзиқиб тушди. «Нима гап ўзи?» дегандай унга тикилдим.

— Партия Марказий Комитетининг кўрсатмаси шундай. «Правда»нинг сайёр редакциясини ташкил қиламиз «Правда» пахта учун! Қалай, маъқулми?

Мен очиғи бу янгиликдан ҳанг-манг бўлиб қолгандим. Ахир отахон газетамиз «Правда»нинг Ўзбекистонда чиқарилиши — бу журналистикамиз тарихида сира бўлмаган, биз учун бу жуда катта воқеа эди.

— Нега ағрайиб қолдинг?

— Йўғ-э, жуда яхши бўлибди...

— Тайёрлигингни кўравер... Фикр-мулоҳазаларингни қоғозга тушириб қўй. Кечқурун учрашамиз.

Кунни бўйи ишломладим. Бу воқеа мени тамомила ўз комига тортиб олганди. Биринчидан, «Правда»нинг шу ерда, ўзбек тилида чиқарилиши катта бир тарихий факт бўлса, иккинчидан, пахта йиғим-терими даврида чиқарилиши ВКП(б) Марказий Комитети, Совет ҳуку-

мати, Давлат Мудофаа Комитетининг пахтага қанчалик катта аҳамият бераётганини, ўзбек деҳқони етиштирган пахта шунчаки қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўлиб қолмай, фронт учун қурул-яроғ, озиқ-овқат қанчалик муҳим бўлса, бу ҳам ўз аҳамияти билан шу қаторда турганини кўрсатарди.

Республика пахтакорлари йил бошида ўзларининг 1 қурултойларига тўпланиб, бу йил мамлакатга бир миллион тонна «оқ олтин» етказиб берамиз, деб эл-юрт олдида аҳд-паймон қилган, онт ичган эдилар. Бу қасамёд етти яшардан етмиш яшаргача — ҳамманинг фикр-ёди, мақсад-тилагининг ифодаси эди. Бу қасамёд фронтда жанг қилаётган азаматларга мадад, уларнинг ўрнини сездирмаслик, улар учун ҳам меҳнат қилаётган ота-оналари, қаллиқлари, укаларининг аҳди-паймони эди. Кузақда, пахтани йиғиб-териб олиш палласига келиб, икки-уч сменалаб ишлаётган ишчи, инженер-техник ҳам; бир ўзи икки-уч кишининг ўрнида қолган олим ҳам; студент, ўқувчилар ҳам шу ташвиш билан кун кечира бошладилар. Пахтакорнинг қасами ҳаммамизнинг қасамимиз, дерди улар.

Орадан сал ўтмай «Правда» пахта учун!» номли газетанинг сайёр редакцияси сафарга отланди. Отланганда ҳам кўч-кўрони, дов-дастгоҳи билан. Махсус вагонда редакциянинг машинкасида тортиб қоғозгача, очиқ вагонга эса машина ортилган. Редакциямиз ишни Фарғона водийсидан бошлади. Область марказларида тўхтаимиз. Ҳар хил форматда газета чиқарамиз. Газеталаримизнинг нусхаларини кўпинча «Қанотли почтачилар» — самолётлар тарқатарди. Бу нарса — газеталар ўз вақтида етказилиши билан бир вақтда мусобақадорш областлар, районлар, колхозларда терим суръатини оширишда матбуотнинг таъсир кучи қанчалик зўр эканини яққол намоён қилар эди.

Бутун республика фронт учун, душман устидан ғалаба қозониш учун меҳнат қилаётган оғир кунларда ишчи ҳам, хизматчи ҳам, зиёли ҳам деҳқон билан ёнма-ён туриб мамлакатга пахта етказиб беришни ўзининг шарафли бурчи деб билди, оби ҳавонинг ёмон келгани, барвақт қиш бошланганлигига қарамай, йиллик планни шараф билан адо этди.

Бундан йигирма беш йил муқаддам — 1944 оғир

уруш йилининг пахта хирмони ана шундай қад кўтарган эди. Шаҳарнинг қишлоққа, корхонанинг колхозга моддий-техника ёрдами, мутахассисларнинг кўмаги ҳақида алоҳида ёзиш керагу, аммо деҳқон билан ишчининг, шаҳар билан қишлоқнинг ҳамкорлигини, социалистик хўжаликнинг куч-қудратини лоақал мана шу машаққатли хирмоннинг ўзи бутун оламга кўз-кўз қилиб турарди.

Мана шу йилни эслаганда, кўпинча колхозлар янги ташкил этилган пайтларда яратилган ва машҳур бўлган қўшиқнинг «Яшасин дунёда доим ишчи-деҳқон бирлиги...» деган сатрлари эсга келади.

Ҳа, бу қўшиқ катта-катта йиғинларда айтилар, радио орқали берилар, халқ орасида кенг тарқалган эди. Ҳозир бу қўшиқни деярли эшитмаймиз. Биз-ку шундай, аммо ҳозирги ёш авлод-чи? Табиийки, уларга аввало қўшиқнинг сўзлари ғалати туюлади. Наинки, ёшлар, ўзимизга ҳам шундай кўринади. Ахир бугун ишчи-деҳқон бирлигисиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўладими? Бошқачароқ қилиб айтганда, этдан тирноқни ажратиб бўладими? Октябрнинг ҳаётбахш қуёши деҳқоннинг даласига нур сочиб, косибнинг ҳовлисига кириб борган муборак айёмда ишчи билан деҳқоннинг забардаст қадоқ қўллари бир-бирини маҳкам қисиб ушлаганда бу табаррук удум халқимизнинг қон-қонига сингиб кетди. Асрлар бўйи шу орзу-умид билан яшаган халқ ниятига етганидан беҳад шод эди, шодлигидан қўшиқ куйлади, куй яратди. Ушалган орзусининг рамзи — «Ўроқ ва Болға» озодлик, эрк ва бахтимиз байроғининг тамғаси бўлиб қолди. Ишчи-деҳқон бирлиги, ҳамкорлиги ҳаётимизнинг мазмуни бўлгани, онгимиз, қонимизга сингиб кетгани, бусиз социалистик жамиятимизни тасаввур этиш қийинлигидан бўлса керак, махсус конструкторлик бюрolari, заводлар қишлоқ аҳли учун янги машина яратиб берса оддий, зарурий иш деб қараймиз: пахта ташишга қийналмасин, деб янги автоприцеплар тайёрлаб беришига ўрганиб қолганмиз. Чўллارни ўзлаштиришда сув ерга сингиб кетмасин, исроф бўлмасин дея цемент ариқлар ясаб берса; авиация деҳқон хизматида бўлса; энергетиклар қишлоқни нурафшон этиб, устахоналарни ёритса; баландликка сув чиқарадиган насосларни ишга солса сира ажабланмаймиз. Мирзачўлни ўзлаштириш оммавий тус олганида бутун мамлакат,

қардошларнинг мадад бергани, улкан саноат корхона-ларининг беқиёс кўмаклари ишчи-деҳқон бирлигининг, халқлар дўстлиги, аҳил-пайвандлигининг ёрқин тимсо-ли эмасми.

Республикамизда қурилган ва қурилаётган иррига-ция иншоотлари ўзининг кўлами жиҳатидан ҳам, қув-вати жиҳатидан ҳам жаҳонни қойил қолдирмоқда, ишчи-деҳқон бирлигининг, социалистик деҳқончилиги-миз куч-қудратининг афзаллигини намоён қилмоқда.

Қишлоқда бундан қирқ йиллар муқаддам неча хил касб бор эди? Деҳқончилик. Йирикроқ, ўзига дуруст-роқ қишлоқда темирчилик, тақачилик, ёрлақаса ара-васозлик... Бу касбларни бармоқ билан санаса бўлар-ди. Тошкентнинг биқинидаги Аччи қишлоғидан тонг қоронғисидан йўлга чиққан киши этигига нағал қоқти-риб қайтиб кетишига улгуролмасди, эртасига йўлга чиқарди. Қонқусдан тушган деҳқон битта кетмон деб кунини ўтказарди. Кечагина эмасмиди шулар. Бунга ўз кўзи билан кўрмаганларга ғалати туюлади. Худди ўша деҳқоннинг ўғил-қизлари ва неваралари ҳозир механизатор-деҳқон, ирригатор-деҳқон, инженер-деҳ-қон, бинокор-деҳқон, энергетик-деҳқон, селекциячи-деҳқон... бунга ҳам шунчалик ўрганиб қолганмизки, бошқача бўлишини сира тасаввур қилмаймиз.

Юртимизга тез-тез чет эллик меҳмонлар келиб туради. Мабодо, улар қишлоқда ҳозир неча хил касб кишилари бор, деб сўраб қолгудай бўлса дабдурустдан ажабланиб қарайсан киши. Негаки, биз қишлоқда кўр-ган-билганларимизга ўрганиб қолганмиз. Шу туфайли, қишлоқ билан шаҳарликларнинг касб-корини санаб ўтирмаймиз, бунга зарурият ҳам йўқ. Борди-ю сана-моқчи бўлсак, саноғига етолмаймиз. Колхоз сўзи ўз-бек тили луғатидан ўрин олганига нари-бериси билан қирқ йил бўлди. Бироқ бу сўзга биз шунчалик ўрга-ниб қолганмизки, унинг эндигина қирчиллама ёшга кирганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз, бу ҳаёлимизга ҳам келмайди, гўё она тилимизда шундай сўз бўлган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Бу сўз ҳам-мамизнинг ҳаётий **вҳтиё**жимиз ифодаси бўлиб, тили-мизни бойитди.

Ишчи, хизматчи, инженер-техник ходим, зиёли қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳ-камлашга кўмаклашишгина эмас, ҳатто зарур бўлиб



қолганида этак тутиб пахта даласига чиқади, шофер бўлиб машинасига ўтиради, механизатор бўлиб бункердан пахта тўқади. Беминнат қилади буни, қалб даъвати билан қилади, эл-юрт олдида ўз гражданлик, ҳамкорлик бурчини бажариш учун қилади. Чунки у бу ишни эл-юрт учун, ўзи, давлати учун қилаётганини яхши билади. Уша оғир уруш йилидаги бир мисолнинг ўзи буни яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбек деҳқонининг қардошлар дастурхонига қўшадиган ҳиссаси асосан, пахта! Пахтакор ўз касби билан қанчалик фахрланса, ишчи ҳам, хизматчи ҳам шунчалик фахрланади. Мамлакатимиздаги неча-неча тўқимачилик корхоналарининг коллективлари пахтага кўз тикиб туришади. Пахтакорнинг иши билан қизиқишади; унинг муваффақияти билан баб-баравар қувонишади... Пахтамининг довуғи Ватанимиздагина эмас, жуда кўп хорижий мамлакатларда ҳам маълум.

Бундан ниҳояти 25 йил муқаддам ўзбек халқи бир миллион тонна пахта етиштириш учун курашган эди, вндиликда биз мана, неча йилдирки, тўрт миллион тонна атрофида хирмон кўтаряпмиз.

Мамлакатимиз пойтахти Москвада колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида республикамиз колхозларининг вакиллари қардош халқлар деҳқонлари қатори ишчи-деҳқон бирлиги, ҳамкорлигининг буюк самарасини бутун жаҳонга яна бир бор намойиш қилдилар.

*Январь, 1970 йил*

## ЕН ҚҰШНИ — ЖОН ҚҰШНИ

Сафар хотираларини йўлга чиқишдаё бошлаш расм бўлиб қолган. Бу гал ана шундай одатни бузиб, бирон воқеадан бошламоқчи бўлиб кўп уриндим, бўлмади. Она юртдан қадам узиш қанчалик оғир бўлса, бу ҳам шунга ўхшаб кетди. Чиндан ҳам шундай эмасми, қандай сафар бўлмасин, барибир қадам узиш дақиқасида ажиб бир ҳиссиёт ичида қолсан, кўнгил алланечук бўлади, шу туфайли бу дақиқаларни унутиб ўтиб, сафар хотираларини эслаб бўлмас экан.

Якшанба куни эди. Самолётимиз замини Тошкентдан қадам узиб, кўкка шўнғиди, ҳали зарур баландликка чиқиб олмасиданоқ репродуктордан ёқимли овоз эшитилди. Бу овоз одатдагидек аэрофлот ходимасининг сафар олдидан йўловчиларга оқ йўл тилаб, кетидан учиш қоидалари-ю, самолётнинг тузилишини тушунтирадиган гаплари эмасди. Бу овоз аллақандай ички ҳаяжон тўлқини билан жаранглаб чиқарди: «Қирғизистоннинг азиз меҳмонлари!— шу сўзлардан кейин ё самолёт моторларининг гувиллаши пасайди, ё қирғиз қизининг овози тиниқ, жаранглаб эшитила бошлади,— самолётимиз бортида Сизларни маданият тўйингиз билан табриклаймиз. Сиз азиз меҳмонларга хизмат қилиш шарафига муяссар бўлганимиздан хурсандмиз. Сафарларингиз беҳатар бўлсин, байрамингиз шодликларга тўлсин. Хуш келибсизлар!»

Бу сўзлар оҳанграбодек қалбларни ўзига тортди. Қандайдир ёқимли, тотли ҳиссиёт чулғаб олди. Ҳали ердан кўтарилганимизга ўн-ўн беш минут бўлмай ту-

риб, бамисоли қирғиз дўстлар бағрида кўрдик ўзимизни. Самолётнинг хоналари қирғиз қўшнимизнинг хонадони-ю, ҳалиги қизча эшик олдида қўлларини кўксига қўйиб, бизга пешвоз чиқаётгандай...

Ана, ялпиз бўйли попук уюлган патнисни кўтариб ўзи келяпти. Ҳар бир ўриндиқ ёнига келиб одоб билан таъзим қилади, патнисни тутати. Ҳаяжонланаётгани, уялаётгани шундоқ билиниб турибди. Қимиздек оппоқ чехрасида тер томчилари йилтиллади. Юзлари лоладек қизариб кетди.

Сал ўтмай терга тушиб ўтирганларга патнисда муздек сув келтирди, худди самолётимиз тагида оппоқ қорли чўққилари қуёшда йилтираб турган ўркак-ўркак тоғ жилғаларидан стаканчаларга тўлдириб чиқиб, узатаётгандай...

Сертакаллуф мезбон бир қарашда меҳмонларни ўзига мафтун этиб қўяди, дейилгани шу бўлса керакки, қандай қилиб, оппоқ қорли тоғларни ошиб ўтганимизни, бояги димиқиш, терлаш ўрнига муздек ҳаво шамолларидан уфуриб турганини пайқамай қолдик. Яна бояги, энди бизга таниш бўлган қиз — Сакеннинг ёқимли овози янгради: «Азиз меҳмонлар! Юртимиз тупроғига қўнишга саноқли дақиқалар қолди. Аэропортда сизларни минглаб фрунзеликлар кутиб туришибди. Республикамизга хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар!..»

— Баракалла, хушвақт бўлинг, қизим!

Дастлабки дақиқаларда ҳамкасблар бир-бирлари билан қучоқлашиб кетишди. Ана, Қувончбек Маликов Миртемирни бағридан қўймайди, Зулфияни гулларга кўмиб юборишди. Ҳа, дарвоқе гуллар! Гул эмас, гулдаста кўтармаган кишини кўрмайсиз. Гуллар бўлгандаям анвойи хил, анвойи бўйли. Бутун аэропортни атир бўйи тутган. Ана, Яшин акани Али Тўқимбоев бағридан қўйиб юбормайди. Жунай Мавлонов, Сукснбой Эралиев, Тумонбой Бойзоқовлар Мирзакалон Исмоилий билан Илёс Муслимни «ўзимизнинг қирғиз» деб бағриларига босишади. Ана, ҳов анави киночилар тўдасидан бургутдек қулочларини ёзиб Чингиз Айтматов чопиб келяпти...

Кечагина эди. Сентябрьнинг бошлари, фарқ пишиқчилик палласида азиз қирғиз дўстларимиз бизнинг юртимизга ташриф буюриб, ўз санъатлари, адабиёт-

лари, киноленталари, расм, ҳайкалтарошлиги, ёқимли музикаси билан ўзбеклар диёрини яшнатган, минг-минглаб томошабинлар, китобхонлар таҳсинига сазовор бўлишган эди. Мана, бугун, биз, дўстларимиз ҳузурига ўз ижодий ютуқларимиздан ҳисоб бергани, маслаҳат олгани, ўргангани келдик. Аниқроғи, азалий удумимизни давом эттиргани келдик. Ахир ҳурматли Гафур акам айтганидек, бири бирига шоғирд, бири бирига устоз халқларимиз-ку. Яна бунинг устига қўш-нилармиз.

Ён қўшнимиз. Ён қўшни — жон қўшни бўлади. Ўртамизда тўрт-беш пахсали, баланд синчли ёхуд тахта девор, ҳатто четан тўсиқ ҳам йўқ. Ниҳоят, номигагина якка қават чий тортилган пардевор қилинган. Тўю ҳашам зарурати бўлганда ширр этиб, чий йиғилади-ю, ҳовли кенгайди, нариги этакка дошқозонларни қура берингу, тўрға стол-стул, каравотларни қўяверинг. Ўртадан оқиб ўтадиган ариқ лабида қирғиз қизи ўсмасини юваётган бўлса, бериги ҳовлида ўзбек йигити унинг сувдаги аксига тикилиб, ўша жойдан ҳовучлаб сув ичиб, шўхлик қилади. Тиқмачоқдек гўдак ўзидан катта коптогини думалатиб, ҳовлидан ҳовлига ўтади, шовқин солади, кулгиси кўкни қоплайди.

Ассалом алайкум, кекса Тянь-Шаннинг қумуш чўққилари, салом сенга мовий Иссиқкўл, салом бердик, ҳайқирини кўкни қоплаган шўх Норин. Талас водийси азамат энергетиклар ва тоғ кончилари, машина-созлар, лавлагикорлар, пахтакорлар, чўпонлар, олимлар, рассомлар, ўзбек дўстларингиз — ён қўшнингизнинг салсмини қабул этгайсизлар!

Биз сизларга тоғлар, тошлар, адирлар оша ўзбек элининг тароналарини олиб келдик. Фарғона боғ-роғларининг атрини, Самарқанд осмонининг камалак товланишини келтирдик. Бағримиз, қалбимиз нимага бой бўлса, барини, ақл-идрокимиз зиёси қанчалик ёруғ бўлса, қўли гул халқимиз нимаики яратган бўлса — барини олиб келдик, азиз дўстлар!

Ижодий ҳисоб бериш нияти билан республикангизга отланар эканмиз, нозик таъб, диди ўткир, талабчан китобхонлар, томошабинлар ҳузурига келаётганимизни тушунардик, ҳис этардик. Табиийки, ҳаяжонимизнинг бойси ҳам шундан эди. Аммо шу билан бирга ўзбек адабиёти ва санъати эришган энг ёрқин, энг жо-

зибали яхши асарлар сизларни ҳам мамнун этишига ва ҳар бир санъаткор учун энг қимматли ҳисобланган томошабин, китобхон таҳсинига сазовор бўлишига ҳам имонимиз комил эди.

Декада кунларида, ижодий учрашувларда, санъаткорларимизнинг концертларида бу нарса яққол намойён бўлди. Ўзбек санъати, адабиётининг ҳисоботи дўстлик байрамига айланиб кетиши ҳаммамизни қувонтирди.

Иссиққўл бағрига жойлашган Туп районидаги Ленин комсомоли номи колхознинг донгдор бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жамила Дуйшеева учрашувда зўр ҳаяжон билан тўлқинланиб шундай деди: «Бир-бирига оғайни, эгачи-сингилдек халқнинг тўйи, тантанаси ҳам икковиники ҳисобланади, сизларнинг санъат-адабиёт тўйингиз бизларнинг ҳам тантанамиз, ундан баҳра олаётганимиздан хурсандмиз».

Саноат корхоналарида ишчилар, хизматчилар билан бўлган учрашувлар, студентлар даврасида бўлганимиз, чорвадорлар, пахтакорлар ҳузурида суҳбатлар қурганимиз — булар ҳақида ҳурматли ҳамюртларимиз радио, газета ахборотларидан билиб олган. Такрорлаб ўтиришни лозим кўрмадим.

Бир нарсани такрор ва такрор айтгинг, ёзгинг келади, чунки дўстлик меҳри, дўстлик оқибати, дўстлик муҳаббати ҳамма ерда, ҳар қадамда, жажжи қўлида бир дона гулни ушлаб, саҳнадаги ўйинчига маҳлиё бўлган норасидадан тортиб, нуроний қария — оппоқ соқоли кўксига тушган, ҳар биримизни фарзандидек бағрига босиб кўришган ва шу заҳотиёқ қўлимизга бир чинни коса қимиз тутган (оқлиқ ёруғлиқ, яхши ният аломати!) қариягача ҳамманинг чеҳрасида, ҳаракатида, мулозаматида шуни чуқур ҳис этдик, қалбларимиз қувончларга тўлди.

Кичик бир лавҳада декада давомида олган таассуротларни батафсил ёзиш амри маҳол. Ҳар бир учрашув бутун бир китобга татийди. Ёзувчилар союзида бўлган ижодий учрашув, ҳамкасбларнинг фикр олишувлари жуда мароқли ўтди. Бу ҳақда алоҳида ёзиш керак.

Қирғизистоннинг гўзал ерлари — боғлари, адирлари, тоғлари, кўллари, ўрмонлари, гулзорлари... Ўҳў, бу-

ларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Биз республика-нинг ажойиб табиий бойликлари билан бирга табиатнинг инжиқликларини ҳам кўрдик. Бундай пайтларда камдан-кам бўладиган шамол, бўронни, Туп районда ёққан қорни ва ниҳоят, шу районда даҳшатли ер қимирлашини ҳам кўрдик. Қирғиз дўстларимизнинг сабот-матонатига қойил қолдик.

Декадага отланганимизда қирғиз қизи Сакен самолётдаёқ ҳаммамизни ўзига мафтун этиб, меҳримизни товлантириб юборган эди. Меҳри дарё қирғиз дўстларимиз билан хайрлашар эканмиз, гўзалликда тенгсиз, тиниқликда шабнам донасидек тиниқ, қуёш нурини сочганда товусдек товланадиган Иссиқкўлни баралла қучоқлагандай — жон қўшнимизни қучоқлаб хайрлашдик.

*Июль, 1970 йил*

## ТАБАРРУК ЙИЛ

Бир йилнинг ҳосилини азамат бир ҳафтада саранжомлаб олса, ёлкасида даст кўтариб, хирмон уйса — буни нима деса бўлади? Мўъжизами? Ҳа, мўъжиза. Бироқ бу фавқулодда рўй берган ёки афсонавий мўъжиза эмас. Инсон ақл-идроки, меҳнатидаги фидоийлик, техника қудрати, моҳир раҳбарлик туфайли яратилган мўъжизаки, отахон шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек:

Тақдирни қўл билан яратур одам,  
Гойибдан келажак бахтдир афсона.

Кечагина эди. Республикамиз мамлакатга бир миллион тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган йил. Қасамёд қилинган ва пахтачилик тарихида шу ном билан қолган йил. Пахтачиликда донг чиқариб, раҳбарлик лавозимларига кўтарилган пахтакорлар яна қайтадан колхоз, бригадаларга бориб ишлай бошлаган йил. Партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотларининг раҳбар ходимлари районлар, колхозларга вакил қилиб тайинланган, бутун куч бир миллион тонна пахта етиштириш, уни йиғиб-териш олишга сафарбар этилган йил. Мазкур сатрларни ёзарканман, бир гуруҳ қалам аҳллари эрта тушган кузнинг изғиринли кунларида «Правда» газетасининг Ўзбекистондаги сайёр редакцияси билан махсус вагонларда Фарғона водийсига жўнаганимиз кўз олдимга келади. Районма-район кезардик, ҳар хил форматда газеталар

чиқарардик, баъзи кунлари иккитадан газета чиқаришга тўғри келарди. Газеталар самолётлардан бево-сита пахта далаларга ташланарди, машина, аравалар-да етказиб бериларди. Қиш забтига олган, ноябрь ту-гул декабрда ҳам ҳамма — колхозчими, шаҳарликми, қимирлаган жоң борки пахта терарди. Бир миллион учун кураш борарди.

Энди-чи? Салкам беш миллион тонна пахтани хир-мон кўтарган баҳодир деҳқон бу йил нима қилди? Бир ҳафтада бир миллион тоннали хирмонни шиббалади. Янаги ҳафтасида иккинчи миллионини уйди. Бутун бир область — Бухоро азаматлари бир ой деганда планни ўринлатдилар-да, пешана терларини бир сиди-риб ташлаб, қўшимча мажбурият ҳисобига пахта те-ришга тушиб кетдилар.

Булар ҳаммаси шовқин-суронсиз, дабдабасиз, осо-йишта, ишнинг кўзини билиб тузилган режа билан олиб борилган, тўғри ташкил этилган меҳнат туфайли бўлди. Партиямиз Марказий Комитетининг оқилона раҳбарлиги яна шу нарсани кўрсатдики, районлар, совхозлар, бригада, бўлимларда юқори ташкилотлар-нинг ҳафталаб, ойлаб ўтирадиган вакилларига эҳтиёж қолмади.

Пахтачиликда оғиримизни тобора енгиллаштириб бораётган механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнади. Исми жисмига монанд дейилганидек, шерободлик шерлар, дадил айта оламизки, ҳаммани қойил қолди-радиган меҳнат унумига эришдилар: Абдусаттор Қурбонов, Шоймардон Қудратовларнинг ҳар бири ол-ти юз эллик тоннадан пахта териб, хирмонга тўкиш-ди. Бу йилги ҳосилнинг учдан бирини машиналар тер-гани катта мадад бўлди.

Тўғри, ҳали ҳосилнинг кўп қисмини қўлда териш-га тўғри келяпти. Аммо, тошимизнинг оғирлигини ҳи-собга олсак, бу ҳам табиий бир ҳол экани кўриниб ту-рибди. Ҳозирча шаҳарликларнинг кўмагига эҳтиёж катта. Шаҳарликлар бунини миннат қилаётгани йўқ. Улар қалб амри, виждон даъвати билан пахтазорга йўл оляпти, деҳқон оға-инисининг оғирини енгил қи-лиш, демакки, юртимиз хирмонини кўтаришда ҳамдам бўлиш билан ўз бурчини ўтапти. Сир эмас. Йигит-қизларимизнинг кузада киядиган кийимлари икки хил: бири кишилик, бири пахтазорда кийилади:



гани. Мих пошна бежирим туфлисига гард юқтирмай артиб-авайласа, заифона этикчасини ҳам мойлаб, дала-бон қилиб қўяди, кофта-юбкасини дазмоллаганда ихчам ва қулай коржомасини чамадонга жойлаб, тахт қилиб қўйишни ҳам унутмайди. Йигитлар-ку, бунинг машқини олган. Ҳамма вақт шай туришади. Газета саҳифаларида йигим-теримнинг дастлабки рақамлари пайдо бўлдими, бас, улар ҳозирлик кўришаверади. Баъзи-баъзида эркатой қиз ёхуд олифта йигитни учратиб қоламиз-да, кўпчилик ёшларни «совуқ сувга қўл урмайдиган»га чиқариб, улардан ноўрин нолиймиз. Аммо ана шу ёшларни пахта даласида кўрсангиз эди. Уларнинг меҳнатлари ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Бир ой муқаддам Сирдарё областининг янги совхозларида бўлган эдим. Районлар, совхоз, колхозлар планларини бирин-кетин бажариб, область ҳам охири маррага яқинлашиб қолган кунлар эди. Шундай бўлишига қарамай кўз илғамас кенг пахтазорлар оппоқ оқариб ётарди. Бамисоли бир марта териб олингану, иккинчи теримга тушилмагандай. Ҳар гал шу томонга келсам, беихтиёр тарихий бир ҳужжат — Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга эллик миллион сўм ажратиш ҳақида Владимир Ильич Ленин имзо чеккан декрет эсимга тушади. Ёш совет давлатининг биринчи йилидаёқ шу ерларни ўзлаштириш вазифасини қўйган улуг дохийнинг орзулари амалга ошаётгани, бепоен чўл бепоен пахтазорга айланаётганидан кўз қувониб, дилларда қандайдир фахр, мамнунлик ҳиссиётини қўзғайди. Шу хаёллар билан борардим, йўл иккига бўлинган ерда бир қария қўл кўтариб қолди. Тахтадик.

— Титовгача ола кетинглар.

— Хўп бўлади. Марҳамат.

Чол шошилиб машинага чиқди.

— Шошганда «лаббай» топилмайди дегандай, сўрашиш ҳам эсга келмапти-я, — деди-да, қўл узатиб, ҳаммамиз билан бирма-бир сўрашиб чиқди, — йўловчи машинада шу ергача келдиму, бу ёғига автобус кутишга сабрим чидамади-да, одам ҳамиша шошгани шошган, айбга буюрмайдилар...

— Бемалол, хижолат тортманг.

— Баракалла, — деди-да, ўрнашиброқ ўтириб олди, бир қўлидаги халтачасини ёнига қўйиб, иккинчи қў-

лида чангаллаб келаётган буклоғлиқ қоғозга бир қараб қўйди. Ёши олтмишлардан ошган, аммо кўриниши тетик бу қариянинг юзидан, кўзларидан қандайдир хурсандчилик барқ уриб турарди, ўзини босмоқчи бўларди-ю, кулгига мойиллигини яширолмасди.

— Титов совхозида ишлайсизми?— сўрадим чолдан.

— Йўқ. Ун биринчи совхозданман. Титовда ўғлим ишлайди,— деди кулиб чол,— кўнглини тинчитай, хотиржам қилай деб шошилаётганим...

Тахминим тўғри чиқди. Ичига сиғдиролмаётган қувончини айтишга шошиларди чол.

— Нимадан?

— Фарзанд кўрди...— кўзлари қувнаб деди чол,— ўғил!

— Муборак бўлсин!

— Қуллуқ, қуллуқ. Умри билан берган бўлсин, ма-на, келиним ёзиб чиқарган хатиниям олиб кетяпман,— у каттадаги буклоғлиқ қоғозни кўрсатди.

— Ўғлингиз?..

— Ҳа, пахта теряпти. Механизатор. Эр-хотин шу совхозда ишлайди.

— Ўзингиз шу ерликмисиз?

— Учтомликман. Билсангиз керак.

— Ҳа, ҳа. Ўғилчани бизнинг номимиздан ҳам табриклаб қўйинг.

— Албатта... Ҳой, барака топкурлар, буям бир ирим-да. Хушxabар олиб кетаётганимда ҳожатимни чиқариб, бешимни кўкка етказдинглар. Энди битта илтимосим бор. Неварага бир ном қўйиб бермайсизларми?

Мен ҳайрон бўлиб, шоферга қарадим. Ҳаммамиз кулиб юбордик.

— Ўзингиз ё ўғлингизнинг ўйлаб қўйган исми бордир?

— А?! Дилимдагини топдингиз, ука. Ўғлимни-ку билмайман. Ўзим топиб қўйганим бор. Онасига ҳам айтмаган эдим. Бир чеккаси суягимиз пахтада қотган деҳқонмиз-да. Бу йилги пахтани кўрдингизми? Шу ёшга келиб бунақа ҳосилни кўрмаганман. Қаранг,— у деразадан пахтазорни кўрсатди,— шу яхши ни-ят билан исмини Ҳосилжон қўйсак... Нима дейсизлар?

Чол исм қўйдиринмас, фикрини маъқуллаштишни ўйлаган экан.

— Жуда яхши.

— Менгайм ёқди,— деди шофер ҳам,— чиройли исм. Ҳосилжон

— Бўлди. Ўғлимга ҳам маъқуллаатаман. Шаҳарлик акаларингга ҳам ёқди дейман... — чолнинг юз-кўзлари боягидан чақнаб кетди,— шу десангиз, бир одатим бор. Ирим қилишни яхши кўраман. Аммо ҳаммаси ўзим ўйлагандек тўғри чиқади. Бу йил ўзи баракали йил бўлди. Ҳеч бўлмаганда шундай серҳосил йилда туғилган деб эслаб юришади-ку, а, нима дейсизлар?

— Бўлмаса-чи. Жуда тўғри ўйлагансиз.

— Барака топинглар, дилим равшан эди, тағиним равшан топди.

— Ота, бу йилги ҳосилнинг бунча кўплиги нимадан?

— Авваламбор, меҳнат зўр бўлди, авжи ҳосилга кирадиган паллада ҳаво ҳам туриб берди. Менинг ўзимга қолса, бошқача ўйлардим. Айтдим, примчи-ман деб. Бу йил — табаррук йил бўлди. Ахир, табаррук инсон туғилганининг юз йиллигимми? Ҳа, омон бўлинг. Ана шунинг шарофати бу! Ўша зўр меҳнат деганим ҳам шундан. Шу улуг зот туғилганининг юз йиллигига муносиб меҳнат тортиғи бўлди бу! Ишонаверинг. Бундан ташқари шу азим чўл обод бўлсин деб, васият қилганлари эсингиздами? Васиятлари амалга ошаётганини кўряпсизми? Қани энди ўзлари ҳаёт бўлсалару, бир кўрсалар...

Машина совхоз марказига етганда, чол тўхтатди. Бизни бир пиёла чой ичиб кетасизлар деб қисгади. Зўрға узр сўраб, хайрлашдик.

Анча ергача хаёл суриб бордим. Чолнинг счиқ чеҳраси кўз олдимдан кетмасди. Ҳозир бора солиб, ўғлига хотинининг хатини бераётгани, Ҳосилжон деб исм қўйганини айтаётганини тасаввур қилардим.

Ҳа, кекса деҳқон тўғри айтди. Улуг доҳий юбилеи — демак, табаррук йилнинг табаррук мўл ҳосили эди бу. Бугун туғилган Ҳосилжон ҳадемай улғаяр, у ҳам бобоси ният қилгандек улкан ҳосил кўтарар.

Бу йил чиндан ҳам табаррук, унутилмас йил бўлди. Доҳиймиз юбилейига муносиб совға қила олдик. Пар-

тиямиз Марказий Комитетининг бош секретари Леонид Ильич Брежнев республика партия активи йиғилишида, пахтакорларимиз меҳнатидан мамнун эканлигини билдириб, бу йил мўлжалдагидан 300—400 минг тонна ортиқ пахта бериш имкони борлигига ишонч билдирган эди. Азамат пахтакорларимиз бу ишончни ҳам оқладилар. Пахтакорнинг сўзи билан шунда бир!

*Ноябрь, 1970 йил*

## МЕҲМОН МЕҲР ТОВЛАЙДИ

Тошкентимиз ҳақида жуда кўп ривоятлар, ҳикоялар, ҳақиқатлар бор. Шулардан бирида айтилишича, шаҳарликлар меҳмон истиқболига пешвоз чиққанида кўча-кўйдаги дов-дарахтлардан тортиб, деворларгача икки букилиб таъзим қилармиш. Бу таъзим ўн беш кунли келинчак саломидек жозибали, ифбатли бўлармиш, меҳр товланиб кетармиш. Бу афсонамас, халқимиз азалий удумининг образли ифодаси.

Бу фақат Тошкент ва тошкентликларгагина хосмикан? Асло. Гўзал Фарғонаю жон Андижон, Марғилонимизнинг меҳмоннавозлиги-чи? Самарқанду Шаҳрисабз, Нукусу Бухоро, Намангану Термиз, Урганчу Гулистон, Қаршию Хива... Меҳмоннавозлик тўғрисида гап борганида республикамизнинг бирон шаҳарини иккинчисидан эмас, ҳатто бир маҳаллани иккинчисидан камситиб бўлмайди. Бирини биридан ошадик, бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Ҳа, фахрлансак арзийди. Қўлни кўкрагига уриб писанда қилиш, гердайиб мақтанишмас, ота-боболаримизнинг ажойиб анъаналарининг муносиб ворислари бўлиб давом эттираётганимиз, унга янгича шакл, янгича мазмун бериб, бойитаётганимиз билан фахрлансак арзийди. Меҳмондўст халқ эдик, меҳмоннавозмиз, келажак авлодга ҳам бу расмимизни ривож топтиришни ўргатамиз.

Меҳмондўстлик ҳақида халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам шунчалик кўп мақол, матал, ҳик-

матли сўз, иборалар, турли латифалар борки, буларнинг ижодкори ана шу меҳмоннавоз, меҳмондўстликнинг қадрига етадиган халқнинг ўзидир. Ота-боболаримиз ҳаётида ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳатто юртда қаҳатчилик, очарчилик бўлган оғир дамларда ҳам, «меҳмон азиз» деганча, икки қўлларини кўксиларига қўйиб, унга пешвоз чиққанлар. «Бир майизни қирқ кишига бўлса бўлади», «Бугдой нонинг бўлмаса, ширин сўзингни аяма» сингари мақоллар худди шунинг ифодаси эканлиги кўриниб турибди.

Насриддин афандининг рўзғори тортилиб, уйда қоққанда қозиқ, оғанда хурмачаси қолмаган, йўқчилик важдан ҳар куни эр-хотин жанжаллашиб юрган кезлар экан. Бир куни эрталаб афанди боши гангис, дарвозаси олдида ўтираркан, катта кўчадан от минган йўловчи ўтиб қолибди, афанди олдида ўгаётганида одоб билан салом берибди. Афанди ҳам алиқ олибдида, мамнун бўлиб, йўловчини ҳовлига таклиф қилибди. Бир-икки йўқ дейишига қарамай, «бир нафас ўтириб кетасиз» деб қистабди. Йўловчи ҳам кўнибди ва афандининг олдида келиб отдан тушибди-да, у билан кўришибди. «Тақсир, отни қаёққа боғлай?» деб сўрабди йўловчи. Меҳмонни уйга олиб кирса нима бўлишини ўйлаб, ваҳм босган афанди ўз қилмишидан ўзи газабга келибди. «Тилимга,— дебди жаҳл билан йўловчига,— тилимга, биродар, мана шу бебош тилимга боғлайсиз».

Муҳтарам китобхон, бу латифага изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Меҳмоннавозлик удумимиз азалийлиги, ҳатто оғир пайтларда ҳам калқимиз ундан кечмаганлигини кўрсатиб турибди.

Бизнинг социалистик тузумимиз шароитида миллий анъаналаримизнинг кўплари қатори меҳмондўстликдек расм-удумимизни ҳам ҳар тарафлама ривожлантиришга жуда катта имкониятлар мавжуд.

Авваллари меҳмоннавозлик оила, қариндош-уруғ доирасидан, катта бўлганда тўйга қақриладиган меҳмондан нарига ўтмасди. Ҳозир биз республика миқёсидаги, Иттифоқ миқёсидаги меҳмонларга мезбонлик қилаётимиз. Ижодий учрашувлар, ҳафталик, ўн кунликларда бутун-бутун коллективларни кутиб оламиз, елкада сочиқ, бир қўлда дастшўй, бир қўлда обдаста билан хизматда бўламиз. «Меҳмон кутиб чарчасанг, роҳат қилиб дам оласан», деб бежиз айтилмаган.

Қарияларимиз барвақт турибоқ, дарвозани ланг очиб қўйишади. Очишаётганда «кираверсин давлат, чиқаверсин фалокат» деб ният қилишади. Тонг палласида очилган дарвозадан қут-барака кирармиш, энг муҳими, келган меҳмон эшик олдида махтал бўлиб қолмасмиш.

Меҳмонки келдими, уйга барака ҳам киради, меҳмон аримаган уйдан бахт аримайди. Кечагина, байрам арафасида диёримизга кўп миллатли улкан совет адабиёти меҳмон бўлиб келди. Барча қардош республикалар адабиётларининг намоёндалари ташриф буюришди. Азиз меҳмонларнинг пойқадамига қалбларимиз эшигини очган дақиқаларданоқ хонадонларимизга, кулгимизга барака кириб келди. Қувончимизга барака, ишқ-муҳаббатимизга барака, қадр-қимматимизга барака кириб келди. Дўстларнинг ширин сухани, гўзал адабиёти, меҳригиё қалби билан кириб келган ана шу барака — катта давлатдир. Биз бунни яхши тушунамиз, юксак қадрлаймиз.

Юбилей йили — СССР ташкил топганининг 50 йиллиги шарафига улуг доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган табаррук кунда Тошкентда совет адабиёти кунларининг тантанали счилиши адабиётдагина эмас, бутун маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бир неча кун мобайнида республикамизнинг пахта далаларида, қурилишларда, ўқув юртларида, корхоналарда қардош адабиётларнинг намоёндалари китобхонлар ҳузурида бўлдилар.

Меҳмон азиз, гурунги ундан ҳам азиз. Қардош адабиёт вакиллари билан ўтказилган ҳар бир шеърхонлик, суҳбат, тантанали дўстлик кечаларида айтилган оташин нутқларда буюк ва қудратли дўстлик мадҳ этилди, куйланди. Дарахт илдизи билан кучли, одам дўстлари билан, дейди халқимиз. Совет кишилари ўртасидаги ана шу дўстлигимиз жаҳонга кўз-кўз қилса арзигудек. Қуёшдек иссиқ, чашмадек тиниқ дўстлик бу! Пўлатдан мустаҳкам, бўрондан кучли дўстлик бу! У ҳамиша қўл беришиб туради, бири бирига меҳмоннавозлик қилади, бири бирининг яхшиликларидан баҳраманд бўлади.

Дунёнинг қайси бурчагидан бўлмасин яхши ният билан ташриф буюрган меҳмонга мезбонлик қилишдан чарчамаймиз, бундан баҳра оламиз, энг муҳими

**янги-янги дўстлар ортирамиз, дўстлик даврамизни кенгайтирамиз.**

Бугун ана шу дўстлик, бирдамлик байрами кунда қулай имкониятдан фойдаланиб қардош адабиётлар вакиллари — ҳамкасб дўстларимни улуғ айём билан қутлайман. Бахт, ижод ҳамиша ёр бўлсин, азиз дўстлар!

*Апрель, 1972 йил*



## ФАРҒОНА ЧИНОРЛАРИ

Меҳмонлар бирин-кетин узун стол атрофидан жой олишди. Кенг, ёруғ хона аллақандай ёқимли бўй—дераза нарёғидаги гулзордан таралаётган, столдаги гулдонларда диркиллаб турган анвои хил гуллар атри билан тўла, лиммо-лим бўлганидан, димоғни чоғ қилар, ҳали қуёш иситиб улгурмаган салқин шабада ҳам гуллар ҳиди билан шодон ўйноқлаб, роҳат бахш этар, кишининг руҳий ҳолатида ажиб бир ҳиссиётни уйғотардики, булар бари юзларга қалқиб, беихтиёр табассумга мойиллик, чеҳраларга гулгунлик, гулчирой касб этарди.

Бу очиқ чеҳралар фақат мусаффо ҳаво, кенг хона, гуллар ҳидидангина эмасди, албатта. Аввало меҳмонлар билан самимий, ёқимли табассум-ла саломлашиб чиққан, стол тўрида салобат ва камсуқумлик, вазмин ва теран фикрли, нозик дид ва ўткир зеҳни инсоний илтифот кафтига қўйиб, оҳиста суҳбат бошлаган мезбон Фахриддин аканинг кўнгилдан сув ичаётганлар чеҳрасидаги акси эди. Кўнгилдан кўнгилнинг сув ичиши шу бўлса керак-да, асли.

Икки минг йилнинг нарёғи-берёғига бориб тақаладиган Фарғонанинг тарихи ҳам, ҳозир шу топда очиқ деразадан ҳайқириб кирган ҳаёт сурони—пастда, ҳув анави кўз илғайдиган жойда ишлаётган экскаваторнинг овозигача—кимдир туриб, деразани ёнди, хонага жимлик чўкди—ҳаммасини шошилмай, лўнда-лўнда қилиб гапириб бераркан, ўтирганлар бамисоли водий бўйлаб сайрга чиқишди, каналлар ёқалаб, пилла қурти ғамида бир чеккадан каллакланаётган тутзорлар ёнидан

юришар, бепоён пахта далаларида қизлар қошига ўсма тортгандек, эгатларга тортилган ям-яшил чизмадек бир-иккитадан барг чиқарган мурғак гўзаларни томоша қилишарди. Худди ана шу ниҳоллардан бу йил олти юз минг тонна ҳосил олишга аҳду паймон қилган фарғоналикларнинг ҳимматию жасоратини гапираркан, меҳмонлар кўз олдида ана шу улкан хирмон намоён бўлади. Бироки, Фахриддин аканинг лафзида ишонч, ишончида ирода, иродасида буюк қудрат сезилиб турарди. Касб-кори ирригатор бўлган бу одам шу кабинетда туриб, бутун областдаги сувнинг шу паллада қаёқдан оқиб, қаёққа тўкилаётгани-ю, қаерда камайиб, қаёққа буриб юборишни, қайси артезиандан қанчадан сув отилиб чиқаётганини, эртага қанча бўлишигача айтиб бера оларди.

— Бу йилги аҳвол оғир. Шунча йшлаб, бунчалик сув танқислигини билмайман, — дейди Фахриддин ака.

Вожаб! Слти юз минг тонна-ку, Фарғона тарихида бўлмаган марра! Шунга бел боғлаган область раҳбари сув танқислигини ҳеч чўчимай, бамайлихотир гапирарди-я. Йўқ. Бамайлихотир деб бўлмайди. Ташқаридан шундай кўринган бамайлихотирлик замирида кучли ирода бор. Коммунистга хос ишонч, ирода бор. Интернационалистга хос дадиллик, шижоат, дунёқараш бор.

Сув танқислигини бартараф қилиш режаларини, қазилган, қазилаётган артезиан қудуқларни гапираркан, Бешариқда 460 метр чуқурликдан оғзи челақнинг тагидек қувур орқали отилиб чиқаётган сув ҳовузчасида ювинганим, болаларнинг чўмилгани кўз олдимга келди.

Булар ҳаммаси коммунистлар бошчилигида, кўп-миллатли аҳил халқимизнинг: 112 миллат ва элат вакилларининг куч-ғайратлари, ижодий меҳнатлари билан бажарилади. Еунга ишончимиз комил!

Ёнимда ўтирган меҳмоннинг блокнотига 112 рақами катта қилиб ёзилгани, охирига бирамас учта хитоб белгиси қўйилганини кўриб қолдим. Бу рақам унга бутун область, унинг партия ташкилоти эришяётган ютуқларнинг мағзи-маъноси нимада эканлигига жавоб бўлиб туялган бўлишига, дўстлик, интернационал улкан оила, уни оқилона қовуштира олган партия ташкилоти нимага қодир эканлигига жавоб бўлганига

сира шубҳа қилмаган эдим. Кейинчалик буни мен тўрт кунлик сафар давомида унинг чеҳрасида, миннатдорона оташин нутқларида ва ниҳоят, ҳамюрти, уруш йилининг шамоли учириб келган украин ўғлони шу ерда, ўзбек оиласида, қувалик Ҳайдаровлар хонадонида тарбия олиб, вояга етган, ҳозир серфарзанд оила бошлиғи Мусулмонқул ўттиз йилдан кейин ўз жигари — акасини топгани акс эттирилган кинолентани кўриб кўзларида ёш қалққанида сездим.

Кечагина Республикамизда бўлиб ўтган, халқлар дўстлигининг ёрқин намоишига айланган Совет адабиёти кунлари бир гуруҳ ёзувчиларга ҳамроҳ бўлиб Фарғонага бориш насиб қилди. Қучоқ-қучоқ гуллар, гуллардан ҳам чиройли чеҳралар... Нон-туз насиба тутиб, пешвоз чиққан областнинг энг табаррук кишилари. Табассум, ўйин-кулги, музика садолари остида шаҳар томон йўл оларканмиз, биринчи ташрифимиз энг муътабар даргоҳ — область партия комитети бўлди. Юқорида зикр этилган залда меҳмонларни биринчи секретарь, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фахриддин Шамсиддинов қабул қилди. Кекса, кўпни кўрган тажрибали партия раҳбар ходимининг қисқа муддатли самимий суҳбатда айтганлари меҳмонларда чуқур таассурот қолдирдики, бу нарса бутун сафар давомида сезилиб турди. Фахриддин акадаги босиқлик, камсуқумлик, ҳуда-беҳудага ҳовлиқмаслик, баландпарвезлик ёт бўлган хислатлар, юзларида ҳамиша ёғилқиб турган меҳр — бу ажойиб фазилатлар бамиссоли областдаги раҳбарларга, аниқроғи, биз учрашган, ҳам суҳбат бўлган партия ходимларига шундоққина кўчганга ўхшайди. Бир мен десам, меҳмонларимиз ҳам буни пайқашган экан.

Мусажон Шербўтаев областдагина эмас, республика, Иттифоққа номи кетган тадбиркор, тажрибакор пахтакор, колхоз раиси эди. Район коммунистлари уни ўз партия ташкилотларига раҳбар қилиб сайладилар, Мусажон Қувадаги каттадан-кичикни ака-укадек билди, шунинг учун ҳам улар ўз раҳбарларини шунчалик ҳурмат қилишади. Колхозга келса раис, бригадага борса бригадир, звенода сувчи, боғчада тарбиячи, қариялар даврасида шогирд, икки қўли кўксига таъзим билан маслаҳатларига, насиҳатларига махтал бўлиб турадиган ходим — Қува район партия комитетининг биринчи

секретари Фахриддин акага ўхшаш деганимиз босиқ, тадбиркор, ҳар қандай ишни ҳам шовқин-суронсиз, дабдабасиз, мулоҳаза билан битирадиганлардан.

«Коммунизм» колхозида бўлган учрашув меҳмонларнинг ҳам, мезбонларнинг ҳам хотираларида узоқ сақланиб қолса керак. Қатрада қуёш акс этгани каби мана шу бир колхоздаги йиғинда халқлар дўстлиги ўз ифодасини топди, ёрқин акс этди. Украиналик шоир Виктор Кочевский икки халқ ўртасидаги адабий алоқалар ҳақида, энг оғир кунларда дўст дўстга мадад бергани ҳақида тўлқинланиб гапирди. Унга гул тақдим қилган ўзбек йигити меҳмонни украин тилида табриклади. Шундан кейин тожик тилида шеър янгради. Шоира Гулрухсор Сафиева табаррук қариялар, меҳнат қаҳрамонлари шаънига илиқ сўзлар айтди. Шоир Абираш Жамишев қозоқ дўстларимиздан салом топшириб, дўстлик даврасида ўз она тилида, рус тилида шеърлар ўқиб берди.

Севимли шоира Римма Казакованинг ўзбек адабиётига хизматлари катта. Унинг таржималари туфайли шоирларимизнинг асарлари Иттифоқ китобхоналарига бориб етди. Унинг «Яхшимисиз» ва «Нурхон» шеърлари адабиёт кунлари — дўстлик кунларига, дўстлик байрамига айланганининг ёрқин тимсоли бўлди. Лариса Тараканованинг «Дўппи» шеъри, Александр Бобровнинг қўшиқлари қон-қардошликни тараннум этарди.

— Биз, халқлар дўстлиги, ҳақиқий интернационал дўстлик билан фахрланамиз. Районимиздаги бутун-бутун колхозлар Украина, Белоруссиядаги колхозлар билан мусобақалашган. Улар бир-бирларини худди оғанини, опа-сингиллардек йўқлаб туришади. Мана шу топда, белоруссиялик мусобақадорларни кутиб олгани аэропортга чиқиб кетишди, — дейди Мусажон Шербўтаев. — Ленинградликлар билан азалий дўстлигимизку, ҳаммага маълум. Даламизда биринчи марта наъра тортган тракторни ўшалар тортиқ қилишган-да, шундайми?

Мусажон каравотда савлат тўкиб ўтирган, ҳар бири чинорга қиёс қилгулик табаррук отахонларга — Мамади Ҳзоқов, Абдуллаҳаким Нишоннов, Абдуллаҳўжа Нишоннов, Тўтихон опа Султоноваларга ўтирилди. Қўлдеш Аҳмедов раис бўлган мана шу «Коммунизм»

колхози бир вақтлар 21 колхоздан иборат эди. Партиямиз тарбиялаб етиштирган раҳбар ходимлар — ана шу нуроний қарияларимиз ўша вақтларда колхоз раислари эдилар. Мусажон ҳозир ҳам уларни фахрий раисларимиз, деб ҳурмат қилади.

Қайси бир йиғин, учрашув, шеърхонлик, тантана бўлмасин, ҳамма жойда фарғоналиклар дўстлик ҳақида мамнуният билан, кишини ҳаяжонга соладиган, ҳаётий далиллар билан гапиришадики, бунга икки энлик қоғоз бетида ва ёки икки оғиз гап билан ифода этиш қийин. Бутун-бутун асарга арзигулик ҳар бири.

Юқорида зикр этилган украин ўғлонининг уруш йилида бу ерга келишидан тўртиб, ҳозир етти фарзанднинг отаси экани, ўттиз йилдан кейин туришган акаси билан шу ерда топишгани, бола-чақаларининг учрашувлари... Бу шунчаки, икки сатрда айтадиган ахборот эмас. Икки инсон — интернационал руҳда тарбия олиб вояга етган икки оиланинг машаққатли ва фароғатли босиб ўтган йўли бу!

Фарғона пахтаси, пилласи, чорвасию дони билангина эмас, сертармоқ саноати — атласию кимёси, цементию нефти, пойафзалию газы, темир йўлию қандолатпазлиги, машиналарию ёғи, кийимларию электр қуввати билан ҳам машҳур. Ана шу тармоқларнинг қай бирига қадам қўйманг, дўстлик боғига киргандек бўласиз. Марғилон атласчилари ҳузурида бўлган учрашув ҳам худди ана шундай кўпмиллатли халқлар дўстлиги намойишига айланди. Меҳмонлар ҳам, шаҳар партия ташкилотининг раҳбари Мўмин Муҳиддинов ҳам, комбинат партия ташкилоти раҳбари Геннадий Қосимов ҳам ана шу ҳақда гапирдилар.

Беспубликамиз партия ташкилотиининг эллик йиллиги арафасида унинг жанговар отрядларининг тарихига, фаолиятига назар ташласак, партиямиз босиб ўтган йўлнинг салобати тагин ҳам ёрқинроқ намоеён бўлади. Большевик А. Г. Зурабов бундан роса етмиш йил муқаддам Қўқон шаҳрига келиб, ишчи-солдатлар орасида революцион ғояларни тарғиб қила бошлаган эди. Интернационализм руҳи, дўстликнинг рамзи эди бу.

Меҳмонларнинг қўқонликлар билан учрашуви галаба байрами кунига тўғри келди. Бу ерда ҳам партия ташкилотининг биринчи секретари Али Комилов шаҳарнинг бугуни ва эртаси, энг муҳими, одамлари

ҳақида, кўпмиллатли қўқонликларнинг аҳил оила бўлиб яшаб, ижод этаётганларини тўлқинланиб, ҳаяжон ва фахрланиш ҳисси билан ҳикоя қилиб берди.

Меҳмонлар шаҳарнинг тарихий жойларини кўришди. Жангчилар монументларига гулчамбарлар қўйишди, ёғ-мой заводи ишчилари билан учрашишди. Кечқурун шаҳар меҳнаткашларининг дўстлик кеча-сида шеърхонлик давом этди.

Табиат ўз инжиқлигини қилди. Кечқурун, биз йўлда бораётганимизда, бутун мамлакат сукунат дақиқасини кутаётган бир пайғада уфқ ёришиб, бир-икки чақмоқ чақиб ўтди. Момақалди роқ бўлди, бирпасда шамол туриб, бўронга айланди-ю, кўп ўтмай босилди.

Эртаси эрталаб, Киров райониға жўнадик. Яқинлашиб қолганимизда йўлнинг икки томонидаги пахтазорларда борган сари кўплаб одамлар кўрина бошлади. Яғана қилишаётгандир деган хаёлда марказга кириб бордик. Қучоқ-қучоқ гуллар, катта тантана билан кутиб олишди. Шундан кейин, ҳамма ерда бўлгани каби суҳбат бошланди. Аммо бу сафар район партия секретари Усмон Бегматов ижроком раиси Инъомжон Саидов қулоғига бир нима деб пичирладида, меҳмонлардан узр сўраб, оҳиста ташқарига чиқиб кетди. Буни биров пайқади, биров пайқамасди ҳам. Суҳбат давом этаверди. «Бешариқ» совхозининг дала шийпонида ажойиб учрашув бўлиб ўтди. Турли миллат тилларида шеър, қўшиқ, ҳажъбиялар янгради. «Бешариқ»ликлар меҳмонларни гулларга кўмиб юборишди.

Учрашувдан кейин билсак, кечаги ҳаво бузилганида дўл аралаш жала қуйган, биз кўриб ўтган дала-лардаги гўзаларга катта зарар етган экан. Кўринишида ҳам, гап-сўзида ҳам, ҳаракатида ҳам ҳеч нарса сезилмаган Усмон Бегматов очиқ чехра билан меҳмонларга пешвоз чиқиб, уларни кутиб олиб, хотиржам бўлгану, ўша, пайҳон бўлган далага жўнаган экан.

Ҳақиқий партия ходими, раҳбар ходимга хос босиқлик, ҳовлиқмасдан, тadbир билан иш кўришликнинг яна бир намунаси эди бу.

Адабиёт кунлари баҳона Фарғонанинг ҳам, фарғоналикларнинг ҳам характерларини, айниқса, коммунистлар, уларнинг меҳнаткашларни дўстлик, интернационализм руҳида тарбиялашдаги тadbиркорли-

гини, яна муҳими, раҳбарликдаги янгича услубни кўриб, катта бойлик, хазина орттиргандек бўлдим. Бу шундай хазинаки, уни фақат коммунистлар, интернационалистлар бунёд этади, тарбиялайди, вояга етказилади.

Фарғона боғлар, гулзорлар шаҳри деймиз. Фарғона яна чинорлар шаҳри ҳам. Халқимизда чинор дарахти буюклик, куч-қудрат, узоқ умр тимсоли ҳисобланади. Республикамизнинг, унинг ақл-идроки, шараф-виждони бўлган Компартиямизнинг шонли эллик йиллик тўйида эллик мингдан ортиқ коммунистни бирлаштирган Фарғона партия ташкилотининг чиниққан, ватанпарвар, фидокор коммунистларини, раҳбар ходимларини чинорга қиёс қилардим. Улар моҳирона ишлари, раҳбарликлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги меҳрибонликлари билан кучли, қудратлидир, дўстлари билан кучли, қудратлидир.

*Июнь, 1974 йил*

## ЗОТИ БАШАРНИНГ МЕҲРИ ОШАР

Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган ажойиб удумларимиз бор. Қарияларимиз кечки оқшом тушиши олдидан кўкда ярқираб турган нозик ҳилолни кўришлари ҳамано юзларига хушнудлик югуриб, шу ой, шу кунга ўйнаб-кулиб етганликлари шукронасига, энг яхши, эзгу ниятларини дилдан ўтказадилар. Қўлларини юзлари, кўз-қошларига суртадилар, шу дақиқада яхши ниятнинг элчисини — ҳовлида пилдираб юрган норасидани бағриларига босиб, юзларидан ўпадилар. Шу гўдак ҳаётидек беташвиш, беғубор, қувноқ бўлсин ҳаёт, дейдилар. Бундай пайтларда мовий осмон қулоғига исирға таққандини пайқаган хонадонларда бир-бировларини муборакбод қилаётган, болаларни ўлиб, бағриларига босаётган қариялар ҳатто бир-бировлари билан қучоқлашиб кўришаётганларини учратиш мумкин. Янги туғилган ой янги қувонч олиб келади... Бугина эмас, халқимиз ҳар бир янгиликни очиқ чеҳра билан қувнаб кутиб олади. Бўриб чиққан бойчечак, кўзларни қувонтирган бинафш ва қўлдан қўлга ўтиб, нозик бўйи дилларни чоғ қилганини кўрганмисиз? Ўрик гули, шафтоли гули, ялпиз баррасини-чи? Сумалакка атаб ўстирилган қўлболла буғдой кўкини-чи? Меванинг дастлабки донасини, резавернинг тўнғич кўкини «эсонлик-осмонлик — ҳеч кўймайлик ёмонлик» дея кўзга суртиб, татиб кўрган, татиб кўрибоқ мамнуният билан ёнидагисига узатган дақиқалар-чи? Ухў, ҳай бирини айтиш керак. Санаб чиқишнинг ўзи бир китобга сизмайди.



Башарият тарихида, ривоятлар, ҳикоялар, афсоналарда ҳам, халқ донишмандлиги, ҳикматларида ҳам, мана шу удумларнинг бариси замирида, табиат марҳамати, Инсон мўъжизаси, унинг шукроналиги замирида буюк бир ҳаётбахш куч борки, мавжу дот шоҳи, ҳаёт булоғи Қуёш ҳам унга тан беради. Бу — Инсон меҳри, оқибатидир.

Асрлар оша яшаб, пишиб чиниққан, тиниқиб бизгача етиб келган ва давримиз, замонамиз, жамиятимиз, эътиқодимизнинг талаб-эҳтиёжидан туғилган, яратилаётган янги расм-удумларимизнинг баарида унинг мағзи-мағсида кўнгил кўнгилдан сув ичади деган ҳикмат, меҳр товланиши, оқибат ётади.

Инсон меҳри! Эсти башар меҳри! Ҳў, не-не алломалар ёзмаган, фикр юритмаган меҳр ҳақида. Меҳрнинг ёши муҳаббат ёшидан катта бўлса бордирки, зинҳор кичикмас. Зероки, меҳр — муҳаббатнинг онаси бўлғусидир. Бинобарин, меҳр қанчалик кекса бўлса, шунчалик ҳамиша навқирон. Ҳамиша товланиб туради.

Не бахтдирки, ана шу товланган меҳрдан баҳра оламиз. Ана шу баҳрамандликнинг шукронаси ўлароқ мазкур сатрларни ёзиш ва Янги йил тонг отарида Сиз билан азиз дўстим, баҳам кўришга жазм этдим. Бўлмаса Инсон меҳри ҳақида икки энлик қороз бетида тўлароқ, мукамалроқ гап айтиш осон иш эмас.

Мана, Янги йилга ҳам етиб келдик. Юқорида айтганимиздек, бу ҳам янги расм, янги удум. Бу расм Октябрь қуёши билан хонадонимизга кириб келганича, қаттиқ ўрнашиб олди. Шундай ўрнашиб қолдики, ҳозирги ўғил-қизларимизга «иллари арча байрами, янги йилни кутиб олиш расм эмасди» дейиш, «маҳалламизда биттаям саводли йўқ эди» ёки «электр чироғи бўлмаган» деб ишонтириш амри маҳол бўлади.

Мана шу биттагина расмнинг ўзида — янги йил, арча баҳонасида товланган меҳру оқибатлардан қанчадан-қанча баҳра оламиз. Бунга шунчалик ўрганиб қолганмизки, бирон-бир марта бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Инсон табиати шундай. Нимаики руҳи-қолатига, ақл-идрокига, қон-қони, жон-жонига сингиб кетган бўлса уни сира ўйламайди. Уйқу, тано-вул, кун, тун ҳақида ўйлаб кўрмагандек гап бу ҳам.

— Ассалому алайкум, янги, етминн бешинчи йил. Ассалому алайкум, азизлар, янги йилнингиз қутлуғ бўлсин!— деймиз бугун меҳримиз товланиб бир-биримизга.

Янги йилни кутини янги расм бўлса, ўтган йилнинг сарҳисобини қилиш ҳам одат тусига кириб қолди. Яхши одатга риоя қилмаслик одобдан эмас. Бироқ суҳбатимиз китоб саҳифасини ниҳояти бир-икки бетида бўлаётганини ҳисобга олсак, бир неча йил, наинки бир неча ўнлаб йилнинг мазмунига тенг бўлган етмиш тўртимизнинг бутун фазилатларини санаб чиқишга имконият қолмайди. Ахир қай бирини айтиш керак. Жаҳонда энг улкан Байкал-Амур магистрали — БАМнинг қурила бошланганиними? Бундан роппа-роса тўққиз кун муқаддам марказий матбуотда бир сурат босилиб чиқди. Пўстин кийиб олган куёвнавкар, қиз янгаси Бахт уйдан чиқиб келаётган келин-куёвга меҳр билан боқиб, уларга бахт тилашяпти, тўпинини ёпиб турган қордек ҳарир никоҳ кўйлаги устидан почапўстин кийиб олган келин қувончидан олд тугмаларини қадамаган, сурат тагига: «Аёз ва Қуёш. БАМда никоҳ. Татьяна ва Владимир Пузанковларни табриклаймиз», деб ёзилган. Келинг азиз китобхон, шу Янги йил тонг отарида биз ҳам асримизнинг буюк иншооти бунёдкорларини муборақбод этайлик: «Қўша қаринглар, ували-жували бўлинглар...» Эртасига яна бир сурат чиқди, кўргандирсизлар. Дарвозасига тара shadeк ҳарфлар билан «Тинденок» деб ёзиб қўйилган ҳовлида ўн нафар тойчоқлар қорбўрон ўйнашяпти. «Кечагина тайга эди, шу жойлар...» дейди газета. Уни-сида ҳам, бунисида ҳам инсон меҳри товланиб турибди, муҳаббати бўлса айтдик-ку аёзда ҳам...

Фан оламида нима гап?

Жаҳон миқёсида юк ташиш борасида мисли кўрилмаган воқеа гувоҳи бўлдик. Огирлиги, мураккаблиги, нозиклиги, масъулияти жиҳатидан Аср Юки деб номланса арзийдиган бу нодир ойнани манзилга — Кавказ тоғлари тепасига уч ҳафтада етказиб берган транспортчилар бу ишга роса тўққиз йил тайёрлик кўрдилар. Жаҳон илму фани ҳали билмаган бу ноёб ойна — обсерватория кўзгуси йигирма беш минг километр масофадаги ёниб турган шамни кўра олади! Ақл-идрок мўъжизаси дейсизми? Тўғри, фақат инсон,

ҳазрати инсон меҳри тушгани учунгина, меҳр қўйгани учунгина ноёб кўзгу яралган!

Санои-нафиса сламида не гап? Меҳмондўстмиз. Гапни меҳмондан бошлай қолайлик. Нафосат оламининг маликаси Жоконда мамлакатимизга ташриф буюрганидан хабарингиз бор. Асрлар оша жаҳондаги барча санои-нафиса ихлосмандларини мафтун қилиб келаётган бу ноёб асар — Жоконда билан учрашиш, унинг рўпарасида чорак дақиқа (ҳа, қатъий регламентга кўра учрашув муҳлати шундан ошмаслиги керак) ҳусни жамолига маҳлиё бўлишга муяссар бўлган бахтиёрлардан бири Жокондани тантанали кузатиш маросими кун икки энлик хат билан пул киритибди. «Бир жуфт гул олиб Жокондага тақдим этишингларни илтимос қиламан...» дебди. Илтимос бажо келтирилиб, маликани Парижгача бир жуфт — оқ ва қизил гул кузатиб, ҳамроҳ бўлиб борган, гул эмас, гул шайдоси, нафосат соҳибининг меҳригисси ҳамроҳ бўлиб борган.

Тўйлар-чи? Уҳў... Молдаванлар бошлаб беришди олтин тўйни. Кетидан қирғизлар, туркманлар, тожиклар тўй-тўйлашишди. Ўзимизда-чи? Одамларимизнинг, қон-қардошларнинг бу тўйлардаги меҳр-оқибатларини ёзмоқ учун шоир айтганидек, осмон сиёҳдон, денгиз сиёҳ бўлмағи даркор.

Меҳри дарё олтин қўллар яратган пахтамыз-чи? Беш миллион уч юз минг тоннали осмонўпар хирмонимиз қуёш нурида кўзни қамаштирар экан, бу худди ана шу кўнгли оқ, дили пок пахтакорнинг меҳри товланишининг ўзгинаси.

Меҳр! Бир нигоҳ ташлаганда товланган меҳр тошни эритади, дейишади. Муболага дейсизми? Аммо мантиқли муболага.

Ҳозир-ку учрамас-а. Учраса ҳам онда-сонда киши билмас бўлиб ўтар. Аммо авваллари, ҳатто, бизнинг ёшдаги аёлларнинг кўплари билган, баъзилари бошидан ҳам ўтказган удумлар ҳам бўлган: никоҳ кун жўралари — қуёвнавкарлар билан қизниқидан келиб, сурнайнинг ҳазин навоси остида дарвозадан ҳовлига қадам қўйган баҳодирини тўлқинланиб, тошиб келган ички ҳаяжон, бир олам қувонч билан кўз ёшларини тиёлмай бағрига олган она унинг сандиқ ҳиди анқиб турган зарбосфини, мисқоли салласию ялтираб турган

жиғасигача қайта-қайта ўпаркан, шу дақиқадаги меҳрининг товланишини айтинг. Нимага, қайси гўзаллигу, қай қудратга тенглаштириб бўлади буни. Ана, қариндош-уруғлар, янгалар, эгачи-сингиллар ўраб олишди куёвни, кетма-кет сочқилар сочиляпти, бола-лар қий-чуви «Наво»ни босиб юборгудай. Гулхан атрофида «Ёр-ёр» янграйди. Куёвни курсига, етти қават кўрпача устига ўтқазиб, қўлига тикмачоқдай мурғакни тутқазишади. Яна сочқи сочилади. Шу дақиқаларда онаизорга қаранг. Кўзларида меҳр, юзларида меҳр, бутун вужуди, ўй-хаёлида меҳр, орзу-умидида меҳр... Товланади, товланиб-товланиб ўғлининг бахти йўлида унинг устидан сочқилардек сочилади. Отаси-чи? Ҳув, девор ёнида сипо, ҳеч нима пайқамаётгандай турибди-ю, аммо шу томондан кўзини олмайди, юрагида, дилида онаникидан кам бўлмаган ҳаяжон туғён уриб, меҳри ловиллайди. Уйин-кулги, «Ёр-ёр» авжига чиққанда, куёвни янгалари оҳиста ичкарига бошлайдилар. Ана, у чиллалаи уйнинг остонасидан қадам қўйди. Қўйди-ю кучли ҳаяжон билан зимдан кузатиб турган она-сининг чақирган овозини эшитиб, ялт этиб орқасига қаради. Қизиқ, шунча тўполонда, қий-чувда ёлғиз она-сининг секингина чақирганини эшитса-я. Эшитди-ю, ялт этиб ёниб турган юзини онасига ўтирди. Шошиб қолган она, оҳиста «бахтли бўл, болам...» деди ял-ял ёниб: Онаизор. Қаранг. Фарзандининг бахтини ўйлаб турган мана шу дақиқада унинг меҳридан бенасиб бўлиб қолаётгандек ғулғула тушармиш юрагига. Қаллиғига яқинлашишидан олдин ўғлини чақиришининг боиси ҳам шундан эмиш. Меҳри меңда қолсин, дермиш.

Афсонанамо эски бир расм-ку, аммо инсон меҳрининг қудратли тимсоли бор бунда.

Чой дамлаб, қуйиб бериш насиб қилганми сизга? Қайтариб, тобига етказиб, гардишига олтин узук солинган пахта гулли чинни пиёлада ҳамроҳингиз ва ё азиз меҳмонга чехрангизда ним кулги, мулозамат билан узатганингизда меҳр товланишини нимага қиёс қилса бўлади? Йўқ. У беқиёс. Мавжудот, табиатдаги энг гўзаллар гўзали Зоти башар чехрасидаки табассум қалқиб, кўзларида ўт чақнадими, меҳр меҳрни товлатгани, кўнгил кўнгилдан сув ичгани шу?

Чой қуйиш меҳнатмас, санъатга, ихлос санъатига, узатиш нафосатга, роҳатга айлангандагина Инсон юзи-

нинг бутун гўзаллигидан баҳра олиш, меҳригиёсидан баҳра олиш насиб этади.

Яшириб нима қилдим. Бир одатим бор. Машинада босолмайман. Қўлимдаги қалам бармоқларим орасида қизиб турмаса, томир тепиши унга уриб турмаса, қоғоз бетига тушаётган фикрлар ёлғондакасига ўхшайди, меҳрдан бебаҳра етимча жумлаларга ўхшаб туради. Бир чеккаси ўрганиш ҳамдир.

Хемингуэй Сан-Франциско-де-Паулага келганида шаҳар аҳолиси унга Куба байроғини тақдим этади. Кекса ёзувчи ички ҳаяжон билан байроқни ўпади. Пайтни қўлдан бой берган баъзи фотографлар яна такрорлашни илтимос қилганларида, адиб байроқни чин қалбдан меҳри товланиб ўпганини айтиб, такрорлашга рози бўлмайди.

Меҳри дарё авлодлармиз. Буюк инсон Владимир Ильич Ленин назари тушган, меҳригиёси билан вояга етганмиз. Меҳримиз товланиши ўша Аврора залларидан... Урушнинг даҳшатли кунлари қамалда бўлган ленинградликлар Алишер Навоий юбилейини ўтказганлар. Бемеҳрлар бундай ишни қилолмайди. Бомбардимон оқибатида вайрон ва яксон бўлган шаҳар туғруқхонасида икки мурғак тирик қолади. Марказдан шу мурғаклар жонини сақлаб қолиш учун махсус самолёт юборилади. Тошбағир бу ишни қилмайди. Етим-есирлар, бошпанасиз қолганларга уйининг тўрини бериб, қалбининг қўрини бахшийда қилган меҳрибонлар сон-саноқсиз эканлигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ўлим ҳақ. Унга шак келтириб бўлмайди. Ҳаёт бор жойда у ҳам ҳозир у нозир.

Биз миннатдор бўлиб хайрлашаётган етмиш тўртимиз бошимизга ногаҳон, бевақт жудодикларни ҳам туширди. Буни эслашнинг ўзи нақадар оғир. Начора. Модомики, сарҳисобга амал қилар эканмиз, бундан кўз юмиб ё четлаб ўтолмаймиз.

Ажал шундай ноғиҳон бўладики, эшитишинг ҳамано бир лаҳза ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетади, ларзага келади, ақл-қуш, бутун вужуд кесак бўлиб қолади. Кўзнинг нури хиралашади, ҳамма ёқни туман босиб, қора булут қоплайди. Қани энди, ҳадеганда ўзингнинг ўнглаб олсанг.

Куз. Октябрнинг бошлари. Оқшомда келди шум

хабар. Василий Шукшин оламдан ўтибди. Соппа-сог юрган, яқиндагина домла Шолоховнинг уйида бўлиб, олган бир олам таассуротларини мухбирларга гапириб берган, кечагина кинога олинаётган жойда интервьюлар берган, ўзи ҳам мақолалар ёзган одам... Назаримда, осмону фалакни ёритиб юборган кучли чақмоқ асрий ўрмондаги навқирон азим дарахтни чўрт кесиб қулатгандек, қулагану кўз юмган.

Дарди дунёим қоронғи бўлди-ю, ўйлаб кетдим. Аввалига бирон фалокат оқибати деб ўйладим. Ахборотда ё айтилмади, ё мен яхши эшитолмадим, деган хаёлга бордим. Барибир эмасми? Ундай бўлди нимау бундай бўлди нима... Уша лаҳзада бунинг унчалик аҳамияти йўқ эди. Бошқа нарса қамраб олганди. Нега мен ҳатто ихтиёримни йўқотиб қўйдим шу топда, нега бу хабар мени оғир тошдай босиб қўйди? Василий Шукшинни бирон марта кўрган, учрашиб, ҳамсуҳбат бўлган, лоақал қўл олишиб ё бош эгиб сўрашган, ҳеч бўлмаганда бирон даврада узоқдан кўрган бўлсам ҳам, ҳа, ўшанда меҳриғиёси кўнглимда чарақлаб кетганди, шу туфайли ҳозир юрагим ачиб, ғам-алам чекяпман, деб ўйлардим. Йўқ. Уни мен шахсан танимасдим. Сизлар қатори, муҳтарам китобхон, суратини кўрганман, кино экранидан сўзларини эшитганман, асарларини ўқиганман (шунда ҳам ҳамма асарларини деёлмайман). Ихлосманд бўлиб қолгандим, севиб қолгандим, холос. Сабаби шу, бошқа сабабларини тополмаётибман шу топда. Тополмайману, аммо бир қиёс чувалган калава айқаш-уйқаш фикр-ўйларни босиб келарди: Шукшин — Ҳамза. Нега энди? Ҳар икковининг санъат, адабиётнинг, ижоднинг турли қирраларида ижод қилганликларидagi ўхшашлик туфайли шундай қиёс хаёлга келяптими? Йўқ-э, дейман, ўзимга, ё уларнинг ўт юраклигиданми, ё ҳақ юраклигиданмикин? Еилмадим, сиз нима дейсизу, китобхон ҳамроҳим, ҳар қалай, бу ўхшашлик ҳам жудаям бежизмасди.

Шу оқшом ҳам, эрталаб ҳам ҳеч нарса татимади. Бу хабарни нега бунчалик ўзимга оғир слаётганимни билолмасдим. Еилмаганимдан баттар хуноб бўлардим. Охири ўзимни кўнглим бўшлиқда айблаб, бир оз таскин топдим, хизматга жўнадим. Ҳеч шубҳасиз, иш билан дарров тарқайди бундай кайфият, одамлар билан бўлганда унутилади. Вугун, қаранг, акси бўлди. Ким

билан телефонда гаплашмай ё ҳамкасабалар билан учрашмай, гапни Шукшиндан бошлашади. Шунчаки гапириб қўя қолмай, кечирмаларини батафсил сўзлашади. Назаримда, кечадан буён мендан ўтаётганларнинг ҳаммасини биров оқизмай-томизмай уларга етказгану, улар ҳозир шунини ўзимга такрорлашаётгандай.

Газеталарда, радио, телевидениеда таъзиялар берилди. Дафн этилди. Унга бағишланган мақолалар чиқди, театр, томоша-баллариди хотираси эсланиб кечалар ўтказилди ҳамки, ҳамон менга нега бунчалик таъсир қилганига тушуниб етолмасдим. Шу орада «Литературная газета»нинг навбатдаги сониди Александр Чаковскийнинг таъзияномаси чиқиб қолди. Уқиб туриб, ёқамни ушладим. Во ажабо, шунақаям тасодиф бўладими, дейман ўзимга ўзим. Йўқ. Бу шунчаки тасодиф эмасди. Бу улкан сўз устасининг маҳорати эди. Диди ўткир, инсон ички кечирмаларини зийраклик билан илғаб оладиган сўз устасининг маҳорати эди. Фарқи, у бу маҳоратини таъзияномада кўрсатганди, бир мен эмас, минг-минглаб мендақаларнинг — Василий Макарович мухлисларининг дард-аламларини ифода қилганди.

Кунлар ўтган сайин, Шукшин ҳақида матбуотда чиқаётган нарсаларни ўқиганим сайин унга бўлган меҳрим ортиб боради, қайғу ўрнини меҳр эгалларди, кўпчилик ҳамкасблар менга ўхшаш ҳолатни кечирганликлари қандайдир таскин бергандай бўларди, бу табиий бир ҳол деб ўйлардим. Адабиёт, санъат аҳллари давримизнинг талантли йирик санъаткорига ҳамкасб бўлганликлари учун ҳам шундай ҳол рўй беришти, дердим ва шуларнигина кўзда тутардим, холос.

Аммо, срадан сал ўтмай бир гапни эшитиб, кетмакет газета саҳифасида шу ҳақда ўқиб ларзага келдим. Бу — халқимизнинг, кишиларимизнинг, юқорида айтганимиздек, Владимир Ильич Лениннинг табаррук назари тушган кишиларимизнинг меҳр-оқибатлари эдики, унга минг карра саждаю лак-лак таъзим камлик қилади, тоғлар тизмаси икки букилиб, қўл қовуштириб таъзим бажо келтиришлари ҳам камлик қилади. Василий Макарович оламдан ўтгандан кейинги дастлабки кунларнинг ўзидаёқ унинг Москвадаги уйига, Кино комитетига бир юз олтмиш мингта таъзиянома келибди. Шукшиннинг бевақт ўлиmidан ларзага келган, изтироб чекканларнинг нолаю фиғонлари эди бу!

Новодевичье гўристонидаги қабрига қўйилган гулчамбарлар, гулдасталар, қизил бодрезак новдалари орасида оқ кабутарлардек ҳар хил қоғозлар — откритка, дафтар варақалари, конвертлар — кишиларнинг меҳр-оқибатлари нидоси, сўнгги видолашувнинг аччиқ изтироблари битилган номалар қабр пойига тўкилган.

Ҳамкасблари, ёру дўстларининг айтишларига қараганда, «Улар Ватан учун жанг қилдилар» фильми суратга олинаётган жойдан унинг жасадини Москвага жўнатишаётганларида, аэропортда махсус самолёт учиш чизиғида тайёр турган ҳолда ҳам одамлар оқими, жамоат Василий Макарович билан видолашиб олишмагунча тобут қопқоғини ёпмасликни қаттиқ туриб талаб қилишган...

Бир юз олтмиш минг таъзия! Бир юз олтмиш минг меҳр-оқибат! Бутун ижодини халқига, юртига бахшида қилган Ҳазрати инсон меҳри-саховатига бу ҳаммаси. Бу бир юз олтмиш минг меҳр-оқибат қоғозга тушганигина холос. Шу нома бир юз олтмиш мингу биринчи бўлар деган тасалли кўнглимни сал тинчитди.

Сарҳисоб дедик. Танимиз соғ, хотиримиз жам, кўнглимиз тўқлиги, энг муҳими, ёру дўстлар, қон-қардошлар, кўпмиллатли аҳил оиламиз дастурхони бутлиги, меҳр-оқибатларимиз тобора ошиб бораётганини мамнунлик билан қоғозга тушира туриб, кўнглини хира қилган бир ҳодиса хаёлни олиб қочди.

Меҳри зўрнинг қаҳри қаттиқ бўлади. Оддий ҳақиқат, табиий ҳол бу. Аммо бу сафар суҳбатимиз меҳр-оқибат борасида бўлганидан, қаҳрни тилга олмадик. Бу бошқа мавзу. Аммо... худди шу дақиқада, мана шу дилхушлик чоғида, ўтган йил биз яшаб турган мана шу замини башарда ўн миллион киши очликдан ўлгани, тўрт юз олтмиш миллион киши очликдан ўлимга маҳкум этилганини эсласак, беихтиёр этларимиз жимирлашиб кетади. Айнан шу дақиқанинг ўзидаёқ Сизга кино экранида ва ёки фотосуратда хандаққа ташланиб, бир чеккадан отиб ўлдирилган бузоқлар қалашиб ётганини кўрсатса нима дер эдингиз? Гўшт нархи тушиб кетишидан хавфсираган пулдорларнинг иши бу. ГФРда чиқадиган «Квик» буржуа журнали босиб чиқарган расмда худди юқоридаги воқеа акс эттирилган. Бир томонда юпун, йиртиқ кўйлаги тагида бўртиб чиққан қовурғалари устихонига ёпишган, чиллакдек хумкалла



бола ҳолдан тойиб, тиланчилик қилишга қўлининг ма-  
дори келмай ўтирибди. Ёнидаги суратда бояги гап.  
Устма-уст қалашган бузоқлар мурдаси. Қизиқ, хандақ  
тепасида одамлар туришипти... Журнал: «Бу иккала  
сурат замини башаримиздаги баъзи тартибларни ўзгар-  
тириш пайти келмадимикин, дея дод-фарёд қилаётган-  
дек...» деб ёзиб қўйибди тагига. Буржуа журналининг  
ўзи шундай деб тан олишга мажбур бўлган.

Шу ўринда яна бир чекинишга жазм этдим. Мон-  
реалда ЭКСПО кўргазмасидаги лавҳа кўз олдимга  
келди.

Одамлар билан лиқ тўла ним қоронғи улкан залга  
кирасизу, кўзингиз хира ёруғлик, қулоғингиз бундай  
кўпчилик тўпланганда камдан-кам бўладиган ғайри  
табiiй сокинликка ўрганиб улгурмасданок, қўққисдан  
чақалоқнинг бутун зал бўйлаб янграган «инга»сини  
эшитасиз. Нималигига тушуниб етмай мурғакнинг ўзи-  
ни, эндигина она қорнидан ерга тушган, ҳали киндиги  
узилмаган кичик Инсонни — одам ушогини экранда  
кўрасиз. Бамисоли шу ерда, мана шу турганлар ораси-  
да ҳозир бир аёлнинг кўзи ёриди-ю, одамлар нима  
қиларини билмай, бир нафас гангиб, жим қолгандай...  
«Ҳой, нега ағраясизлар, болани олинглар... Онасига  
қаранглар... Мана бу рўмолга ўранг... Диванга, диванга  
олайлик... Ҳой, пайпоғини... эркак одам нимага тушу-  
нарди, тарқалинглр, ҳаво олсин... Димиқиб кетди...  
Сув сепинг, сув... Мана, сув... Ҳа, умри билан берган  
бўлсин. Ана, келди машина... Бу ёққа...» деб тетиккина  
кампир жонсарақ бўлаётгани, атрофдагиларнинг ола-  
ғовури ҳали бошланганича йўқдай...

Вужудингиз титраб кетади, руҳия-ҳолатингизни  
аллақандай тушуниб бўлмайдиган туйғу — дилгашлик-  
ми, севинч, меҳр-шафқатми, даҳшатми ё ғурурми —  
билиб бўлмайдиган ҳис-туйғу қоплаб олади, булар  
бири бирига қоришиб кетиб, кучли ҳаяжонга солади  
кишини. Ақл-идрокни бир зум шошириб, гангитиб қўя-  
ди. Балки бунинг маъноси анави бутун девор бўйи чў-  
зиб ёзилган, электр нурида ёритилган лавҳададир, де-  
ган хаёл билан ёнимга ўтирилдим, таржимонни ахтар-  
дим. «Ҳар секундда инсон оламга келади» деб ёзилган  
эди. Шу заҳотиёқ экранда ўн ҳиссали рақам пайдо бўл-  
ди. Бу рақамлар ер юзидаги аҳолининг сонини кўрса-  
тарди. Бирпасда унинг ўникчи ҳиссасидаги охириги

рақам ўзгарди, яна боягидек чақалоқ йиғиси, экранда мурғакнинг ўзи... Яна бир Инсон оламга келди, замини башар уни ўз бағрига олди...

Экрандаги чақалоқ ҳам, унинг «ингаси» ҳам боягининг ўзи-ку, аммо кишида шундай таассурот пайдо бўладики, гўё кино камераси жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, ҳар дақиқада оламга келаётган янги Инсон истиқболига пешвоз чиқиб, шу заҳотиёқ уни суратга олиб кўрсатиб тургандай бўлади.

Ким билади дейсиз, ким туғилди ҳозир? Мария Кюрими ё Шота Руставели? Жон Ридми ё Петр Чайковский? Балки Ибни Сино ёки Комаров оламга келгандир? Эҳтимол, Антуан де Сент-Экзюпери туғилгандир?

Бу фикрлар ларзага келтиради одамни, тиним бермайди, ҳаяжонга солади. Гўдакнинг жаҳонга жар солиб, замини башарга қўйган жажжи қадами, ёқимли «инга»си қутлуг бўлишини, сира завол кўрмаслигини, кўзлари бомба портлашинимас, камалак товланишини томоша қилишини, қўллари қуроламас, севгилисининг қўлларини ушлашини, қулоқлари қон-қон йиғлаганлар фарёдинимас, шаршара свози, қушлар навосини эшитишини истайсан, қаҳқаҳалари кўкни қоплашини истайсан. Зинҳор-базинҳор уруш даҳшатини кўрмасин шулар, дегинг келади. баралла! Бу залга кирган қалби пок, яхши ниятли ҳар бир кишининг юраги ана шундай туйғуга тўлади.

«Жаҳонда ҳар куни 200 минг бола оламга келади, — дейилади кечагина босилган матбуот хабарида, — шундан 40 проценти бир умр қорни тўйиб овқат емайди...»

Азиз китобхон! Энди ўйлаб кўринг-чи, қанақа меҳру, қанақа оқибат бор бу ерда. Биз юқорида айтганимиздек, ўзимиз, ўзаро шу қадар меҳр-оқибатга ўрганиб қолганмизки, мана шунақанги қиёс қилгандагина бунинг қадрини эслаймиз, кўз олдимизга келтирамиз.

Тинчлик тарафдорлари совет ҳаракатининг йигирма беш йиллигига бағишланган конференция бутун жаҳон тинчлик тарафдорларининг диққат-эътиборини ўзига тортди. Икки кун давом этган конференция минбарида сўзланган оташин нутқларда совет кишиларининг худди мана шу меҳр-оқибатлари ҳақида тўл-

қинланиб гапирилдики, шу йиғин иштирокчиси сифатида ажойиб кишиларимиз, замондошларимизнинг бебаҳо инсоний фазилатларини асарларимизда ёрқин акс эттиришдек шарафли масъулиятни чуқур ҳис этдим.

Бу фазилатлар бизда ватанимизга, халқимизга, раҳнамо партиямизга бўлган эътиқодимиздан, меҳри оқибатимиз шундан.

Меҳримизни ошираётган шу меҳрибоннинг ўзи, унинг ақли, идроки бўлган Марказий Комитет, унинг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев.

Бир нарсага эътибор қилайлик. Урушнинг биринчи кунидан то охирги кунигача бевосита иштирок этган, унинг барча азоб-машаққатларини кўриб, бошидан кечирган меҳри дарё Инсон тинчликни сақлаб қолиш, уруш деган даҳшатнинг хавфини йўқотиш ишига бошчилик қилишининг ўзи бизнинг буюк бахтимизки, олижаноб инсоний фазилат — меҳр-оқибатнинг юксак намунасидир бу. Киноленталарда, телевизор экранларида разм солганмисиз. Америка тупроғида, Европа, Осиё, Африка тупроғида бўлган чоғларида Леонид Ильич Брежневнинг Совет Иттифоқи Гимнини тинглаётганига разм солганмисиз? Бутун вужудида аллақандай ички ҳаяжон сезилиб туради, меҳригиде назар, меҳридарё қалб, мураббийна меҳрибонлик барқ уриб туради.

Ҳа, ҳар биримизнинг меҳримиз партиямиз меҳрибонлигидан. Башариятнинг бахтли зоти бўлганимиз билан фахрланамиз. Биз Инсон ҳазратига сажда қилсак арзийди. Унинг меҳру оқибатига қўша таъзим лозим. Зоти башарнинг меҳри ошиб бораверади.

*1 январь, 1975 йил*

## МУНДАРИЖА

### Ҳикоялар

Қайнана . . . . .	5
Кузатиш . . . . .	18
Янги йил оқшомида . . . . .	29
Гўзал . . . . .	43
Йўлда . . . . .	52
Она . . . . .	62
Раянинг арчаси . . . . .	70
Шоҳи дарларда . . . . .	79
Тош ойна . . . . .	86
Чаноққа томган қон . . . . .	96
Тўғонбойнинг қизи . . . . .	106
Ёдгор . . . . .	117
Фароғат : . . . . .	143
Дугоналар : : : . . . . .	151
Эл меҳри . . . . .	157
Қадрдон хатлар . . . . .	162

### Очерклар

Полвон ота . . . . .	169
Камолот . . . . .	175
Улғайиш . . . . .	181
Сафаринг бехатар бўлсин . . . . .	210
Воқеий қиссадан саҳифалар . . . . .	218
Москвалик қиз . . . . .	226
Соҳибкор : . . . . .	242
Дўрмонлик йигит . . . . .	249
Раис . . . . .	263
Балли, она қизим . . . . .	285
Сувчи . . . . .	321
Асад либоси . . . . .	329
Сўз суботи билан . . . . .	338
Нафасдек азиз . . . . .	345
Ҳамон юракларда . . . . .	351

Бирлик . . . . .	357
Ён қўшни — жон қўшни . . . . .	362
Табаррук йил . . . . .	367
Меҳмон меҳр товлайди . . . . .	373
Фарғона чинорлари . . . . .	377
Зоти башарнинг меҳри ошар . . . . .	384

*На узбекском языке*

**РАХМАТ ФАЙЗИ**

**Собрание сочинений в 3-х томах**

**ТОМ III**

**Рассказы и очерки**

Редактор *Х. Мансурова*  
Рассом *В. Куликов*  
Расмлар редактори *А. Бобров*  
Техн. редактор *Э. Саидов*  
Корректор *М. Қудратова*

**ИБ № 1052**

Босмахонага берилди 20.01.79. Босишга рухсат этилди. 15.10.80. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози №1. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 21,0. Нашр л. 19,31+0,11 вкл. Тиражи 60000. Заказ № 346. Ваҳоси ис. 50т. Рафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 700 129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1980.

Файзий, Раҳмат. Асарлар: 3 жилдлик.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 3 — ж. Ҳикоялар, Очерклар. 400 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий «Асарлар»нинг учинчи жилдига адибнинг турли йилларда яратган ҳикоялари ва очеркларини жамлади. Муаллиф ўз асарларида сеvgи ва вафо, дўстлик, одамийлик, олижаноблик, меҳнатсеварлик, интернационализм туйғуларини тарғиб этади.

Файзий, Раҳмат. Собрание сочинений. В 3-х т. Т. 3.

ББК 84.